

The background of the cover is a detailed painting depicting a scene from the epic. Two women in ornate, light-colored dresses with intricate patterns and jewelry are the central figures. They are holding up their veils, looking upwards with expressions of awe or devotion. In the background, a woman is seated on the left, and several men are visible, some wearing turbans. The setting appears to be an interior space with a large, lattice-patterned window or screen. The overall style is reminiscent of late 19th or early 20th-century Orientalist art.

ТЕМУРИЙЛАР
ЭПОПЕЯСИ

Нурали
ҚОБУЛ

ҚАДАРНИНГ
ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

ТАРИХИЙ РОМАН

VIII



ҚАДАРЛИҚ
ҒАРИБ
ЖИЛВАСИ

Тарихий роман

Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Қ-52

Қобул, Нурали

Қадарнинг ғариб жилваси: тарихий роман / Н. Қобул. - Тошкент : «IJOD-PRESS», 2017. - 432 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Тожу тахт ҳадя этилмайди. Курашиб, қозонилади, ақл ва қилч ила қўлда тутилади. Қисмату қадар шаҳзода Халил Султонга жилва қилди. Буюк бобоси, жаҳонгир Амир Темур салтанати – Қўктошни унга раво кўрди. Йигирма бир ёшли шаҳзодага бу мулки давлат баробарида Чингизхоннинг олтин тахти сақланаётган ва ярим аср мобайнида йиғилган хазина ҳам мерос қолди.

Буюк малика Сароймулкхоним – Бибихонимнинг мавқеи ўзгарди. Халил Султонни тарбиялаб, вояга етказган буюк биби энди хонабанд. Унинг ўрнини Зубайдаи соний лақабини олган Шод Мулк эгаллади. Ишқ-муҳаббат оташи малик ва маликани ёндирмоқда. Севги бор жойда эса донолик бўлмайди. Бу ўтли ишқ гирдобига тушиб қолган ёш султон мулки давлатни қандай бошқаради ва асрайди? Қадарнинг ёрқин ёхуд ғариб жилваси давом этадими?

Элопеянинг саккизинчи китобида ана шу тарихий воқеалар бадиий баёнининг шоҳидига айланасиз.

Тақризчилар:

Тоҳир ҚАҲҲОР – Филология фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Рашид ХОЛМУРОДОВ – Тарих фанлари номзоди, доцент

Абдураҳим АБДУСАМАДОВ – Олий тоифали тил ва адабиёт ўқитувчиси

ISBN: 978-9943-994-48-5

© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2017

БИРИНЧИ БОБ

*Оллоҳ! Мени дўстларимдан асра!
Душманларимни ўзимга қўйиб бер.*

Араб мақоли

Отасининг болалик дўсти, устоз каби инсоннинг ҳузурига келганини эшитган Меҳмет отилганча ўрнидан туриб чодир саҳнига чиқди. Қиблагоҳини кўрган каби кўзи жиққа ёшга тўлганча амирни қучоқ очиб қаршилади.

Кўнгли бузилган амир Темуртош ҳам биткин, бир аҳволда қучоқ очиб турарди.

– Қиблагоҳимни кўргандек бўлдим, устоз! – деди шаҳзода овози товланиб.

– Дийдорингизга етказганига шукур, шаҳзодам! – деди амир ичи тўкилиб. – Бошимизда бу оғир кунлар ҳам бор экан! Эгасининг бу синовларидан эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз тугал ўтмоқ насиб этсин сизга, улуғ шаҳзодам! Ота бошкентни қайтадан пойтахт эълон этмоқ қутлуғ бўлсин! Мужодалангиз миллатимизнинг яхши кунига, салтанатимиз саодатига ярасун!

Шаҳзода ҳушу хурсандлик ила ота қадрдони, усмонлининг энг еткили амрини чодирига бошлади. Емак буюрди.

– Нақадар вақти замонида келдингиз, устоз. Сиз каби улуғларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига ҳар доим муҳтожмиз. Сихат-саломатмисиз? Улуғ қардошим Сулаймоннинг аҳволлари нечук? – ҳол-аҳвол сўради шаҳзода. – Келиб кўп яхши иш қилибсиз-да! Қай шамоллар учирди биз томонга! Буюк қардошимиз сиз каби олтинбош инсонни нечун биз томон йўллади? – ҳайрон эди шаҳзода.

– Бизни, сиз, зоти олий шаҳзодам томон йўналтирган шамолу эпкинлар кўп ва ҳар томондан эсмоқдадир, – деди йўлдан толиқиб келган амир хонтахтали чодир тўрига оғир

Нурали ҚОБУЛ

чўқаркан. – Улуғ қардошингиз амир Сулаймонбекнинг сизга дуои саломлари бор. Исабек ва Мусабек, сўнгра сиз ила Исабек орасида бўлиб ўтган воқеалардан ғоят безовта таассуфдалар.

– Иса қардошимиз Сулаймон ҳузурига қочиб бордимми? – ўзи учун энг муҳим бўлган масалани сўради шаҳзода.

– Йўқ, шаҳзодам. Исабек Бизанс императори Мануэл Палеологнинг ҳузурига эмиш, ҳозир у ерда қарийб тутқун ҳолатида яшамокда экан.

– Баттар бўлсин ярамас! Эшитгандирсиз, унга Анадўлидаги тупроқларимизнинг катта қисмини бериб, англашароқ тинч-тотув яшайлик деган таклифда бўлдик. Бизни ит-мисан, одаммисан демади. Оёқ учида кўрсатиб, ҳақорат этишгача борди. Сўнгра эса феъли атворига яраша оладиганини олди. Ўзини ўлдиришидан кўрқиб Сулаймоннинг ҳузурига бормаган. Қай бири кўлга тушса, иккинчисини бўғдиради. Шунинг учун қон-қардош қолиб, қон душманининг ёнига борган. Мана уларнинг асл қиёфаси.

– Икки қардош орасидаги муносабатга ҳакамлик қилмоқ масъулиятдан йироқдаман, шаҳзодам. Мен, энг аввало ёнингизга келиб, сизга қиблагоҳингиз вафотлари муносабати ила таъзия билдириб, кўнглингизни сўрай дедим. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин султоннинг қайтишларидан сўнг кўришмадик. Бир Қуръон тиловат қилиб, руҳларига дуои фотиҳа қилсак.

Амир Темуртош фотиҳа сурасини ўқиб дуо қилди. Шаҳзода Меҳмет Челебий қулоғим сизда дегандек амирга қаради.

– Энди менинг сафаримни сўрасангиз. Буюқ қардошингиз Сулаймонбекнинг рағбатлари билан Турон салтанати бошкенти Самарқандга кетмоқдаман. Қаерда бўлманг, ҳузурингизга бориб сиз зоти олий-ла кўришмоқ орзусида эдим. Ниятимиз тўғри эканки, Оллоҳ насиб этди. Мен сиз шаҳзодаи олийнажот ила кўришиб, суҳбатимиз хусусида

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Сулаймонбекка билги беришим керак. Токи, сиз ва улуғ қардошингиз орасида фиску фасод ғубори пайдо бўлиб, дўстни хафа, душманни хушнуд этмасин.

– Келганингиз жуда яхши бўлди, устоз. Улуғ қардошимнинг император билан тузган англашмаси ҳақида турли нохуш гап-сўзлар юрибди. Муқим бўлмаган тахт учун усмонлининг ярим тупроғини сотди демоқдалар. Бундан хабарингиз бор албатта. У қандай шартлар асосида император билан сулҳ тузди? Салтанатимиз учун бу нарса жуда муҳимдир. Менга айнан шундай гапни етказдилар. У Темурдан қочиб бўғоз орқали кетаркан, қирол ёнига бориб оёғига йиқилибди. Мен сенинг ўғлингман, сен эса менинг отамсан. Бундан сўнг орамизга ҳеч қандай фитна, фасод ва разолат кирмаяжак. Мени чеккадаги Тракия ўлкасига бек ўлароқ тайин эт. Гаров учун қардошларим Қосим ва Фотима султонни саройингизда қолдираман! Сизга Селаник, Зутиниогача бўлган ерларни, Стрипоне наҳри водийси ҳамда Морани берман дебди. Бу англашмага кўра у Қартал, Пендик, Гебзе ва яна бир қанча оролларни Мисивригача бўлган Қора денгиз соҳилини бериб, Селаник ва Тузлани тарк этибди. Олтинчи ойнинг учинчи куни, мелодий минг тўрт юз учинчи йил имзоланган шартномага кўра Венеция ва Генуя давлатларига савдо-сотикда катта имтиёзлар берибди. Бунинг эвазига агарда Темур Рум элига ҳужум этса, кўмак этмоқ ваъдасини ҳам олибди. Буни бобомиз Мурод Худовандигарни шаҳид этган серб қироли Степан Лазаревичга ҳам истаганини берибди. Бу хоинона, аҳмоқона ва усмонлини ерга урадиган англашмага фақат Эвреносбей қаршилик қилибди, холос. Бу гапларнинг барчаси тўғрими, устоз? – ўткир нигоҳини амир Темуртошга қадади шаҳзода. – Қолаверса, бу фалокатларнинг бошида ўша Темур ва Анқара мағлубияти турибди.

– Гапларингизда жон бордир, шаҳзодам. Муҳокамани Темур мавзусидан бошламоғимиз лозимдир. Шу аснода

Нурали ҚОБУЛ

мен сизга имкон қадар мавжуд турумни англатайин. Тўғри Анқара мағлубияти ва Султон ҳазратларининг қисмати мамлақату-давлат-илдизига катта зарба урди. Бироқ шуни унутмангким шаҳзодам, қиблагоҳингиз раҳматли мағлубиятсиз ва сўғишу савашсиз Оллоҳ раҳматига қовушганларида ҳам валиаҳд ғавғоси бўлар эди. Бу нарса дунёнинг барча диндаги мамлақату давлатларида бор ва бундан сўнгра ҳам бўлажак. Бироқ бу буюк синовдир. Салтанатлар тақдири ва тарихи жангу жадаллар, ғалабаю мағлубиятлар, фатҳу зафарлардан иборатдир. Ана шу омаду омадсизликларни бўйнига олган киши тахту салтанат, мулки давлат учун бошини кундага қўйиб, отини қиличлар ўйнаган саваш майдонига суради. Ғалабани кўзлар экансиз, ҳеч қачон енгилиб қолмоқ ҳам мумкин эканлигини ва бу оғир вазиятдан чиқиб кета билмоқ санъатлигини унутманг. Ғалабага эришганда ўзингизни қандай тутмоқ қонун-қоидаси маълумдир. Бироқ ҳақиқий мард ва жасур кишининг асл шахсияти, унинг иродаю саботи оғир кунларда намоён бўлади. Биз Темурдан қандай хато қилмаслик, ҳукмдор ва қўмондон сифатида тинчлигу уруш ҳолатида қандай сиёсат юритсак доғда солмасликни ўрганмоғимиз керак. Уни ёмонотлиққа чиқариб, устига мағзава ағдариш билан муродимиз ҳосил бўлмайди. Аксинча, ўз ожизлигимизни ошкор этган бўламиз. Ўтган ўтди, кетган кетди. Ўлган ўлди, қолган қолди. Лаҳад ёқасида ҳам умид, ишонч, орзу ва армон яшайди, шаҳзодам. Хоқон Темур ҳамда Анқара сабоғи ҳақидаги фикрим шудир. Энди буюк қардошингиз амир Сулаймонга келсак. — Анқара муҳорабаси ва ундаги оғир енгилдан васвасага тушиб, зўрға жонини қутқариб омон чиққан шаҳзодамиз жону шон талвасасида ўзларини бироқ йўқотиб қўйдилар. Бошига фалокату мусибат келганда ҳар қандай одам ҳам шу аҳволга тушади. Буни тўғри тушунмоқ керак. Айниқса бундай одам туғилгани ва ўзини танигандан буён отда, иззат-ҳурматда юрган валиаҳд шаҳзода бўлса. Ўша кунларда барчамизнинг аҳволи руҳиямиз ўзингизга маълум эди, шаҳзодам.

– Биласизми, устоз, Сулаймон биргина ота тахтига эга бўлмоқ, эрта кунда унинг талабларига рози бўлмаган биз каби укаларини ер-ла яксон этмоқ учун ашаддий душманимиз билан тил топишиб, ватан тупроғини, элу юртини сотиб ўтирибди. Наҳотки бирортангиз унга Эвреносбей каби оғиз очиб, бунинг хиёнат эканлигини айтмадингиз? Ахир бу тупроқларни қайтариб олмоқнинг ўзи бўлмайди-ку?! Наҳотки Эдирна саройида ҳеч ким буни ўйлаб, мушоҳада этмаган бўлса?

– Афсуски, карвон ўтиб кетди, шаҳзодам. Бўлиб ўтган воқеаларни муҳокама этмоқда маъно бўлса-да, ундан сабоқ олинса-да, айна дамда орқага эмас, ўнгга қарашга тўғри келади. Давлату мамлакат, тахту салтанатнинг келажаги ҳақида ўйламоқ жоиздир. Шунинг учун зоти олийларининг ҳузурларига келдим ва улуғ хоқон Темур бошкентига бормоқдаман.

– Ҳақсиз, устоз. Бироз қизишдим. Қусурга боқманг. Хўш, ўзларини султон эълон этган улуғ қардошимизнинг аҳволлари нечук? Бизга муносабатлари қандай? Биладан, Исо ила ғавгою савашимизда мен тарафимда турмаганлар. Менга барчасини очиқ-ойдин сўйланг. Токи эртага маҳжуб бўлиб қолмай. Бир-биримизнинг кўзимизга тик қарай билайлик? – деди шаҳзода Меҳмет ошкора суҳбатга ўтиб.

– Мен сизнинг ақлу салоҳиятингизга, басаломат имонингизга ишонаман, шаҳзодам. Бошимга қилич келса-да, ўзим ҳақ деб билган сўзни раҳматли улуғ султонимизга ҳам айтиб келганимдан, Темур хавфидан огоҳ этиб, унинг-ла савашга кирмоқ, бориб турган аҳмоқлик эканлигидан амир Шайх Рамазон иккимиз огоҳлантирганимиздан-да хабарингиз бўлса керак. Шундай экан, бугунги вазиятни ҳам имону эътиқодни ўртага қўйиб, сўйлаганингиз каби рўй-рост қўнишмоғимиз керак. Қай бир хасталикни хаспўшлаб, қай бир яранинг устини беркитиб қўйсақ, эртага иситмаси ошкор этади. Улуғ қардошингиз амир Сулаймон сизнинг Исабекни Бур-

Нурали ҚОБУЛ

садан кувиб чиқарганингизни жуда оғир қабул қилдилар. Сизнинг султон Йилдирим Боязиднинг Анадўлудаги барча ерларига эга чиққанингизни, ёши сиздан улўғ бўлган қардошингизни ҳайдаганингизни ҳазм-эта-олмадилар. Барча вазир ва бекларини йиғиб уларга Анадўлуга боришни, ҳамда сиз ила гаплашиб, бу ниятингиздан қайтишни талаб этишни сўрадилар. Бироқ шуни унутмангки, шаҳзодам, аксар кўпчилик вазиру беклар, жумладан, мен ҳам сиз ёшда Исабекдан кичик бўлсангиз-да, бошқа ундан юксак эканлигингизни таъкидладик. Сизнинг ишларингизга қаришиб, вазиятни янада чигаллаштирмасликни тавсия этдик. Давлат ахлоқи, иқтидор тафаккури нуқтаи назаридан сиз ул шаҳзодамиздан илгарида эканлигингизни қайд этдик. Энг муҳими, амир Сулаймон сўзимизга қулоқ тутиб, фикримиз ҳақ эканлигини эътироф этиб, қобилиятингизни тан олдилар. Бу ғоят муҳимдир ва бирлик йўлидаги қутлуғ одимдир, шаҳзодам. Менинг сиз икки азиз шаҳзодамиз ораларидаги муносабат ҳақидаги ожиз фикрим шундайдир. Шаҳзодалар Исабек ва Мусабек қўлларидаги қиличларини ўз розиликлари билан қинига солиб, тақдирларига тан бериб кетмайдилар. Қай тарзда бўлмасин сизга ҳам, амир Сулаймонга ҳам қарши ҳаракатга кечадилар ва бирор-бир натижага эриша олмайдилар. Икки қилич бир қинга сиғмас дегандек, сўнгиде иккинги қоласиз. Муддат ва вазият, мулку мамлакат, тахту салтанат учун ғоят оғир синов даври бўлажакдир. Шунинг учун қардош ва инсонлар қонини тўкмаслик учун не қадар қийин бўлмасин, сулҳу битим йўлини тутмоқ керақдир. Бугунги кунда сиз отангиз мамлакатининг асосий тупроқларини эгаси бўлиб турибсиз. Пойтахт халқи сизни султон ўлароқ саломлади. Бу жуда катта иш! Энди ҳамма гап сизнинг султонлик закоси, подшоҳлик боши билан халқнинг кўнглида тахт қура билмоғингиздадир. Табиийки, мен хизматида бўлганим амир Сулаймон бу турумдан роҳатсизлар. Бироқ Оллоҳ кимнинг пешонасига султон-

лик қисматини ёзган, қисмату қадар кимга жилва қилади, бу ёлғиз ўзига маълумдир. Мен болалик дўстим, марҳум қиблагоҳингизга қандай садоқат кўрсатган бўлсам, авлодига ҳам шундай сидку садоқат-ла хизмат қиламан, – дея фикрини баён этди амир Темуртош.

Ота қадрдони амирнинг тарози босгувчи сўзларидан таъсирланган шаҳзода бир зум ўйга толганча жим қолди.

– Улуғ оғамизнинг амир Иса ҳақида фикрлари қандай? Уни қирол Палеологдан сўраб оладими ёки кичик қардошимиз Қосимнинг ёнида уй тутсоғи ўлароқ қоладими? – сўради шаҳзода анчадан сўнг.

– Вазиру беклар шаҳзодамизга императорга мактуб ёзиб, уни тутқунликдан озод этишни сўрашни тавсия этдилар. Амир бу хатни ёздилар. Бироқ император Палеолог яна усмонли тупроқларидан баъзи ерларни сўради. Ҳозир Эдирна саройида шу масалани муҳокама этмоқдалар. Мен эртага жўнаб кетаман. Сиз одамларингиз орқали хабардор бўлиб туринг. Ярадор илон хавфли бўлади. У яна қаршингиздан чиқиб, мамлакатни ағдар-гўнтар қилиши мумкин.

– Тўғри сўйлайдурсиз. Қирол Палеолог ҳам, қардошимиз Сулаймон ҳам уни озод этиб, биз томон йўллаши тайин. Бунга аминман. Бироқ бузоқнинг югургани сомонхонага-ча, – деди ўйга толиб шаҳзода. – Модомики, эртага йўлга чиқар экансиз, улуғ хоқон ҳазратларига бизнинг мактуб ва ҳадяларимизни ҳам элтсангиз. Хат ва ҳадялар сабоҳга ҳозир бўлади.

– Маъкулдир, амирзодам. Улуғ хоқон ва ул зоти олийнинг Ироқи Ажам, Шому Мисрдаги авлодлари билан доимо яхши муносабатда бўлишингизни маслаҳат бераман, – деди амир Темуртош шаҳзода билан дардлашар экан.

– Анқара орқали ўтиб, улуғ хоқоннинг ноиби амир Эсонбуғабекка мендан салом сўйланг. Ёш ва иқтидорли юзбоши ва мингбошиларидан менга ўн-йигирма нафарини

Нурали ҚОБУЛ

жўнатсалар мамнун бўлардим. Уларга барча шароитларни яратиб бериб, ўрдумни ихтиёрларига топширар эдим, – ри- жода бўлинди шаҳзода.

– Анқаранинг шимолидан ўтаман ва бул сўровингизни амир Эсонбуға биродаримизга етказурман, – сўз берди амир Темуртош.

Амирни кузатиб қўйган Меҳмет Челебий вазири аъзами Боязид пошшо билан чодирига қайтиб кириб, шаҳзода Иса ва унинг эрта-индин озод этилишини муҳокама қилди.

– Синирлардаги қоровул ва хабарчиларимизга сўй- лангим, у чиқиб оёқ босиши мумкин бўлган ҳудудларда диққатли бўлсинлар. Итининг феъли эгасига маълум де- гандек, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин, – бош вазирига таълимот берди шаҳзода.

Амир Исабек ҳақидаги хабарни узоқ кутмоққа ҳожат қолмади. Усмонли тупроқларидан яна бир қисмини Визан- тия императорига берган Сулаймон уни озод этишга эриш- ди. Сарбаст қолган Иса Гелибўлидан ўтиб, Караси ўлкаси- ни эгаллади. Бейпазарида қишлоғни ўтказган Иса Челебий Тўқатда турган қардоши Меҳмет Челебийга унинг ерида меҳмон бўлиб турганлигини билдириб, мактуб ёзди. Бу хатдан мамнун бўлган Меҳмет ҳам жавоб мактубига совға- саломлар қўшиб, акасига жўнатди.

Бейпазаридан Сивриҳисорга, ундан Қарамонга ўтган Иса Челебий Темур мустақиллигини тиклаб кетган Қаҳрамон ўғиллари беклигига хужум қилди. Бекликни эгаллаб, бу ерда отаси салтанатини тикламоқчи эди. Бироқ Муҳаммад Қаҳрамон Иккинчи билан бўлган савашда мағлубиятга уч- ради. Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас дегандек, енгилган жанг майдонидан яна тўппа-тўғри пойтахт Бурсага қараб юрди. Укаси Меҳмет Челебийнинг ўзига юборган мактубини кўр- сатса-да, Бурса халқи уни шаҳарга киритмади. Бунинг қасдига у шаҳарни ёқиб-йиқди.

Акасининг телбаликларидан хабар топган Меҳмет зуд-

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

лик билан Бурсага уч минглик қўшин юборди Исабекнинг чериги ўн минг аскардан иборат эди. Қарийб уч ярим баробар кўп сонли лашкар оз сонли черикдан енгилди. Исабек бир тўп одами билан энди Кастамони беги Исфандиёрбек тарафга қочди. Бек уни илиқ қаршилади.

Бурсанинг хонавайрон этилганини кўрган Меҳмет Челебийнинг шом туби қоронғи бўлиб, кўз ёшларини тиёлмади. Йиқилган ва ёқилган биноларни тиклаш учун оз бўлса-да, маблағ ажратди. Шаҳарнинг бой ва тужжорларидан шаҳарни қайта қурмоқ ишида кўмак этишларини сўради.

Бироқ акаси Исабек тиниб-тинчийдиган эмас эди. У энди Кастамону беги Исфандиёр билан бирлашиб яна укасига қарши уруш очди. Меҳмет учинчи бор акасига қарши қурашга отланди. Тўқнашув Гера манзилида юз берди. Исабек ва Исфандиёрнинг бирлашган қўшини мағлуб бўлди.

Исабек яна Кастамонига чекинди. Меҳмет Бурсага бориб, шаҳар тикланишини кўздан кечиргач, ўзи учун вақтинча бошкент вазифасини ўтаётган Тўқатга қайтиб келди.

Иса Челебий қардошининг Бурсадан кетишини кутиб ўтирган эди. Дарҳол Кастамонидан тўртинчи кез Бурса томон юриб, шоҳона ўтовини Михалич манзилига тикди. Бу хабарни олган Меҳмет яна Тўқатдан Бурсага қайтмоқ мажбуриятида қолди. Укасининг жаҳд билан Бурсага келаётганини эшитган Исабей энди Измирга қараб қочди. Измир бегидан савашда кўмак бермоқни сўради. Бек Измируғли рози бўлди. Бундан руҳланган Иса, Ойдин, Сарухан, Теке ва Метеше бекларидан сўнги, ҳал қилувчи тўртинчи савашда ёрдам этишларини рижо этди. Улар бунга рози бўлдилар. Ғалабасига юзда юз ишонган Иса Челебий йигирма минглик қўшин тўплашга зришди. Меҳметнинг ўрдуси Измир томон шитоб-ла келарди. Иса Челабий Измирда тўртинчи марта енгилди. Энди у бу сафар Қаҳрамон ўғиллари паноҳига сиғиниб борди. Усмонлининг энг ақлли ва тадбирли шаҳзодаси Меҳмет билан дўст ва иттифоқчи бўлиб

Нурали ҚОБУЛ

қолишни истаган Иккинчи Муҳаммад Қаҳрамон уни ўлкаси-дан чиқариб юборди.

Эскишаҳарга келиб ҳаммомга тушган Исабейни шу ерда тутиб-олиб, шаҳзодаларнинг қон чиқармай тинчитиш тузугига кўра бўғиб ўлдирдилар.

Иса Челабийнинг усмонли сиёсати саҳнасидан тушиши, Шарқий Анадўли бекликларининг синдирилишиёқ Меҳмет Челебийни Анадўлунинг энг кучли ҳукмдори турумига келтирган эди.

...Меҳмет Челабий отасини Бурсада қайта тупроққа берган кун кечаси кўрган тушини эслади.

У масжидми, мақбарагами ўхшаш бир оқ бино олдида турган эмиш. Атроф тумонат суворий ва сипоҳий билан тўла экан. Жангчиларнинг қўлида қурол-яроғ йўқ эмиш. Барчаси туғ ва байроқлар кўтариб олган, бир қисм суворийлар отининг эгар-жабдуғи, тўқиму ёпинчиғи йўқ эмиш. Шу пайт ўша оқ бинодан раҳматли қиблагоҳи чиқиб келди. У қувонч-ла йиғлаб отасига кучоқ очди. Бироқ отаси унинг юзига қарамади. Устидан оқиш тўнини ечиб, унга узатди. Отаси томон талпиниб-пешини, қўлини ўпмоқчи бўлди. Бироқ жойидан жиллолмас эмиш...

Қора терга тушган кўйи уйғониб кетди. Шундан кейин ухлай олмади. Чодир саҳнига чиққанча юра бошлади.

– Юсуф пайғамбар яхшилиққа йўйсин, – деди калимаи шаҳодатни такрорларкан.

Отаси берган оқ тўн, мулки давлат, эгарлоғлиқ отлар тахти салтанат. Эгар-жабдуқсиз йилқилар савашу маломат, ўзича рўёсини таъбир эта бошлади. Демак, ҳали олдинда яна қон тўкишлар борга ўхшайди.

– Сабр-тоқат бер, тангрим! – деди овоз чиқариб.

Тонг ёришиб қолган, шаҳзода Меҳмет отасидан қолган оқ ўтов қаршисида ўйга толганча тўнини елкасига олмоқни ҳам унутиб, туриб қолган эди.

Бироқ шу кечаси кўрган рўё ҳақида кимсага, ҳатто малика онасига ҳам оғиз очмади.

Ер юзи, ё қабрдасан, аё сабри шукрдасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

ИККИНЧИ БОБ

Инсон том маънода маълумотли бўлмоғи учун унга уч хислат – чуқур билим, фикрлаш кўникмаси ва олижаноб туйғулар зарур.

Кимдаки билим саёз экан, у назокатсиз бўлади; кимки мулоҳаза юритиш идрокидан маҳрум экан, у дағал ва бефаросатдир, кимдаки олижаноблик туйғуси бўлмаса, у бемаъни одамдир.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ

– Мана сизга бизнинг юртимизда сўнги уч йилда содир бўлган ташвиш-тахликалар. Бу ғавғою хархашалар ҳалибери тинадиганга ўхшамайди, қози жаноблари, – деди усмонли амири Темуртош хонтахта устида турган косадаги шарбатни ҳўплар экан. – Табиийки, улуғ хоқон зоти олийлари бу ҳақда сўрайдилар ва ул ҳазратга ҳам билги беришим керак.

– Эгамиз халқларимиз ва давлатларимизни қўрисин! Хукмдорларимиз салтанатини пойидор этсин! – Йўлдан йўрғун келгансиз. Энди истироҳат этинг. Эрталаб оллоҳ насиб этса бирга нонушта қилажакмиз. Сўнгра биз амирзода Мироншоҳ ҳузурларига жўнамоғимиз керак. Бу мароқли суҳбат ва ҳикоя учун ташаққуримни қабул этгайсиз.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Не демак. Биз йўлда давом этгаймиз. Худо насиб этса яна бирор манзилда, бошкент Самарқандда албатта кўришажакмиз, – деди амир Темуртош ўрнидан қалқаркан.

Карвонсарой ҳовлисида, тоғ тарафдан эсаётган салқин ҳаводан нафас олиб бироз айланган амир ва элчи истироҳат учун ҳужралари томон юрдилар.

Нурали ҚОБУЛ

Саратон кирган, қуёш тобига олиб қизитганда юриб бўлмас эди.

– Энди кечалари юриб, кундузи соя-салқинда дам олишимизга тўғри келади, – деди Султония йўлига чиқаркан Хўжа Муҳаммад йўлдошларига. – Кун урмоқ совуқ урмоқдан баттардир. Қуёш тиғида қолиб кетмоқдан эҳтиёт бўлишингизни сўрайман.

Волий Сарухон юз чоғли отни салтанат сайисхонасидан олиб чиқиб, қўноқларга намоийш этди. Тулпорлар боқилган, ювиб-таралган, сағрилари чилла қуёшида ойнадек ярқирарди.

– Бу отларни қаердан оласиз? – сўради рицар Салазар даруғадан айғирларга ҳавас билан боқаркан, юлдуздек порлаб турган тўриқнинг сағрисини силаб. – Шуни миниб кетсам майлими?

– Бемалол, муҳтарам мусофир. Бу отларни ўзимиз етиштирамиз. Бизда юздан югурик, мингдан тулпор чиқади деган ота сўзи бор. Бу отлар ана шундай наслдор, чопқир арғумоқлардир, – йилқиларни таърифлади Сарухон.

– Сўзлаган мақолингизга изоҳ берсангиз? – сўради ҳар бир сўз ва жумлани диққат билан таржима этдириб ўрнадиган Руи Гонзалес даруғанинг ёнига қоғоз-қалам ила келаркан.

– Юзта яхши отдан битта югурик, ҳақиқий пойгачи арғумоқ чиқади. Мингта айғир ичидан эса бир дона ҳам пойгачи, ҳам улоқчи бўлган кўчли тулпор чиқади, – мақол маъносини англатди Сарухон. – Амирзодаларимизга ҳам насли, асл айғирларни биз етказиб берамиз.

Салтанат отларида йўлга тушган элчиларнинг димоғи чоғ, кайфияти жойида эди. Отини Хўжа Муҳаммаднинг ёнига тақаб ҳайдаб келган Руи Гонзалес яна йўлдошига савол ила мурожаат этди.

– Иссиқ ўлкаларда яшаб ўрганган кишилар бундай дам-

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

ларда ўзларини қандай асрамоқни биладилар. Қолаверса, улар бу жазирамаларга ўрганганлар. Бизнинг юртларга келадиган тужжору меҳмонлар эҳтиёт бўлмоқлари керак. Уларга кучли иссиқ бирдан таъсир қилади ва офтоб уришидан ҳалок бўлиш ҳеч гап эмас. Қуёш урганда юрак уришдан таққа тўхтайди. Киши қайт қилиб, кўз очиб-юмгунча жон беради. Поча қоқишга ҳам улгурмайди. Унинг илк белгиси шундай. Иссиқ елкани кучли қиздириб, куйдиради. Офтоб урган одамнинг ранги кундуз терисидай сарғиш тусга кириб, асл ҳолига қайтмайди. Юздан қон қочса керак-да, – билганича кун уриши ҳолатини тушунтирди темурий элчи.

– Кўп муҳим нарсани англатдингиз, элчи жаноблари. Бу гапларингизни шерикларимга ҳам сўзлашим керак, – деди отини Де Мария томон ҳайдаркан.

Саидобод қалъасида тунаган йўлчилар эртаси куни тушда Хўжанд қишлоғига етиб бордилар. Тусе қасабасига етиб келиб, тушлик қилишди. Қуёш тобига олиб қиздираётгани учун туркманларнинг оқ уй дея аталадиган қалин кигиздан қилинган, иссиқ ўтмас ўтовларида ухлаб кунни ўтказгач, кеч кириб салқин тушиши билан йўлга чиқдилар. Жазирамадан кундузи юриб бўлмас, чумчуқ каби катта чивинлар одаму ҳайвонга қарамай чақар, чаққан жойидан тирқираб қон оқарди. Чивинларнинг кўплигидан от ва хачирлар юролмасди.

– Вазифани англадик. Амирзода ҳазратларини беклатмасдан етиб борамиз, – жавоб қилди барча номидан. Хўжа Муҳаммад чопарнинг ёнига келиб. – Манзилни йўл кўрсатувчиларимизга яхшилаб тушунтир.

Хабарчидан сўнг дарҳол йўлга чиқмоқнинг иложи бўлмади. Рицар Салазар ва яна бир хизматчи иссиқдан тоби айниб, сулайиб қолишди. Икки хаста ўзига келгач, кечки салқин билан йўлга чиқа билдилар.

Тонга яқин амирзода Мироншохдан иккинчи чопар кел-

Нурали ҚОБУЛ

ди. У амирзоданинг элчилар билан Султонияда учрашмоққа қарор қилганлигини, элчиларнинг илдам юриб, шаҳарга келишларини тайинлаганини айтди.

Дарё бўйидаги ёмда емак еб, от алмаштирган элчилар кун ботиши билан яна йўлга тушишди.

– Мана шу атрофда Александр Македонский билан савашган форс ҳукмдори Доро Учинчи яшаган Занган деган шаҳар бўлган, – деди Руи Гонзалес қўлидаги ийиғи чиқиб кетган харитага қараб. – Йўл шу шаҳар орқали ўтиши керак.

– Ҳадемай айтганингиз шаҳар харобаларига етиб келамиз, – жавоб қилди унинг сўзини эшитиб турган Хўжа Муҳаммаднинг хизматчиларидан бири.

Кечмишда Эроннинг йирик шаҳри бўлган Занган хароба ҳолида икки яйдоқ тоғ орасидаги водийда ястаниб ётарди. Шаҳарнинг мудофаа девор ва буржлари бузилган, юксак уйлар ҳамда ибодатхоналар бус бутун турарди. Кимсасиз шаҳар кўчалари сойларга айланган, оқиб ётган сувлардан атрофда кўллар ҳосил бўлганди.

– Доро мана шу шаҳардан туриб, Искандарга қарши отланган, – деди Руи Гонзалес шаҳарнинг қоқ ўртасидаги майдонга етганларида. – Бу шаҳар ҳақида юртимизга қайтгач, давлатпаноҳ қирол ҳазратларига сўйлаб беришим керак. Шунинг учун яхшилаб кўрмоғим лозим, – дея шаҳар харобаларини оралаб кетди. – Боиси, жўнашимиздан олдин ҳузурларига кирганимизда Венеция, Константинополис, Занган, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини айтиб, булар ҳақида айрича маълумотлар тўплашимни буюрган эдилар.

Карвон олтинчи ойнинг йигирма олтинчи куни туш чоғида Султонияга кириб келди. Элчиларни кутиб олган мулозим совғаларнинг ҳозирлигини сўради.

– Биз фақат давлатпаноҳ Темурбекка атаб ҳадялар олганмиз. Унинг маликалари ва шахзодалар учун олмаган-

миз, – деди Хўжа Муҳаммаднинг ёнига келган Де Мария.
– Нима қилсак экан?

– Ҳадя қилмасак, айб бўлади. Биргалашиб туҳфа тайёрлашимиз керак, – деди ноқулай вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаб элчи.

Ўзаро маслаҳатлашган каталонияликлар бу шаҳарда камёб саналган мовут газламалар, кўйлақлар каби ҳар хил ашёлардан бўғча ҳозирладилар.

Амирзода Мироншоҳ боғ ичидаги қасрда эди. Ўрнидан туриб қабул солинининг ярмигача келган ҳукмдор меҳмонларни майин табассумда, илиқ қаршилади. Унинг хатти-ҳаракати, гап-сўзларидан ҳорғинлик, ҳаётдан, одамлардан ҳафсаласи пир бўлганлик ҳисси сезилиб турарди. Қирқдан ошган амирзода тўладан келган, баланд бўйли, оёғи оғриши туфайли оқсаб юрарди.

– Мамлакатимизга хуш келибсиз! Қирол биродаримизнинг аҳволлари нечук, соғ-саломатмилар? – сўради амирзода элчиларни ўнг тарафига ўтқазар экан. – Йўлда қийналмадингизми?

– Қуллуқ, олампаноҳ подшоҳ! Мулозимларингиз берган кўмак ва рағбат туфайли сафаримиз муваффақиятли кечмоқда. Қиролимиз давлатпаноҳ Генрих Учинчининг олампаноҳ Темурбек ва сизга саломларини етказмоқдан бахтиёрдурмиз. Қиролимиз вақт ва имкониятингиз бўлгани замон юртимизга ташриф буюришларингизни, бориш муддати ҳақида хабар берсаларингиз кема юборажакларини сўйладилар, – амирзодага жавоб қилди Руи Гонзалес.

– Таклиф ва мулозамат учун ташаккур! Бизнинг Султония Буюк Ипак йўли карвонининг энг муҳим савдо шаҳарларидан биридир, – шаҳар ҳақида сўз очди амирзода. – Билхосса, ёз ойларида бизда савдо-сотик авжига чиқади. Бундан давлатимиз хазинасига салмоқли даромад тушади. Дунёнинг тўрт томонидан савдогарлар шаҳримизга оқиб келадилар. Ҳинд тужжорлари майда хушбулмева, дуч

Нурали ҚОБУЛ

риворлар, қалампирмунчоқ, мускат ёнғоқлари, ун, долчин, мускат бўёғи ва бошқа турли биткиларнинг энг яхшиларини олиб келадилар. Дамашқу Қоҳира, Халабу Искандария тужжорлари эса бу ноёб молларни Султониядан олиб кетдилар. Боқу шаҳри яқинидаги машҳур Ғелон ва Шемаха шойилари ҳам биздан жаҳонга тарқалади. Бозорларимизни томоша қилинг ва оймларингизга бу моллардан олиб кетинг, – деди амирзода меҳмонларни қаршидаги, суфра ҳозирланган солинга даъват этар экан. – Энг яхши чин ёқут ва қимматбаҳо тошлари бизнинг Табриз шаҳримизга келтирилиб, ишлов берилади ва Султонияда сотилади.

– Ижозат этсалар зоти олийларидан бир нарсани сўрамоқчиман? – дея қалқмоққа ҳозирланган амирзодага мурожаат этди Руи Гонзалес.

– Сўрай билурсиз, буюринг, – деди Мироншоҳ ўрнидан туриб, Хўжа Муҳаммад томон келаркан.

– Бизнинг мамлакатга сафран деган кўп ноёб доривор сизнинг мамлакатингиздан боради ва олтин баробарида сотилади. Британлар ҳам келиб бу ғаройиб молни бизнинг пойтахтимиз Аькала Де Энарес ва Мадриддин олиб кетишади. Бу битки юртингизнинг қай бир ҳудудида ўсади? Шунини билмоқчи эдим, давлатпаноҳ! Бизга кўрсатган илтифотингиз учун миннатдорчилигимизни қабул этгайсиз.

– Сиз меҳмонларимизнинг диди ва не емаклар ейишини биласиз. Қўшни солинга ўтиб дастурхонни кўздан кечирсангиз, – деди амирзода Хўжа Муҳаммадни эшик олдида қўл қовуштириб турган баковул томон йўллар экан. – Суфрага буларга маъқул келмаган ва емайдиган емакларни қўйишмасин.

Хўжа Муҳаммад баковул ва дастурхончи томон юрди.

– Сўйлаганингиз сафран, уни заъфарон ҳам дейдилар, – тик турганча Клавихога юзланди амирзода. – Бизнинг Хуросон деган вилоятимизда ўсади. Сафран ўсимлигини

ўстириб, уни дунё бозорига чиқармоқнинг саксон фоизи ана шу вилоятимиз кишилари зиммасидадир. Сизнинг ўлчов бирлигингизга кўра бир кило сафран уни олмоқ учун бир юзу етмиш минг дона чечак терилади. Ақл бовар қилмас даражада майда ва оғир юмушдир, – элчининг саволини жавоблантирди амирзода Мироншоҳ. – Ҳар бирингизга бу доривордан ҳадя этамиз.

Зиёфат тугагач, амирзода барча элчиларга кимхоб тўн ҳадя этди. Келтирган тухфалари учун миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар кечки салқинда шаҳар айланишга чиқдилар. Арк девори ичидаги қадимий қалъани кўрмоққа бордилар.

Қалъа деворлари буржида муҳташам миноралар бўлиб, сирти гулли ва ранго-ранг нақшли кошинлар ой ва қуёш нурида товланарди. Ҳар бир минора устида замбарак, манжаниқлар турарди.

Султонияда уч кун кўноқ бўлган элчилар амирзода Мироншоҳ амри билан берилган салтанат отларида Техрон йўлига тушдилар. Йўл устидаги Олтинқалъа, Авхар ва Саккизобод қасабаларидан ўтиб, бир неча кун илгари ташлаб кетилган бўм-бўш бир қалъага етиб келдилар.

Қалъа атрофида пўстакни судрасанг ҳас илинмайдиган яйдоқ далада юз чоғли отни боқиб юрган кишидан бошқа кимса йўқ эди. Меҳмонларни кўрган отбоқар қамчисини қўнжига уриб отларни тўплаганча йўловчилар олдига келди.

– Қалъа атрофи доимо экин-тикинли, обод бўлар эди. Не ҳодиса юз бердики, бу ҳудудни кишилар тарк этдилар? – сўради Хўжа Муҳаммад йилқичидан.

– Бир ой чамаси бурун Султон Соҳибқирон Амир Темурнинг олий Ўрдуси бу манзилдан ўтди. Суворий отларига емиш топилмагани учун подшоҳнинг амри билан экилган майсалар отларга едирилди. Хиёбону ям-яшил дашалар

Нурали ҚОБУЛ

бир зумда биёбонга айланди, — деди у изоҳ бериб. — Бироқ бизнинг йилқилар салтанат отлари эмас. Бунинг учун волийга хабар бериш керак, — кўшиб қўйди йилқиларидан хавфсираб. — Олсангиз хўжайин сотиши мўмкин.

Улар Табриздан йўлга чиққанларидан бери икки жойда салтанат отлари йўқ эди. Ҳар икки жойда маҳаллий ҳокимлар қишлоқлардан бақириб-чақириб, кечикканларни камчилаб, от толиб беришди.

Салтанат отларини кутиб бир кун туриб қолдилар. Ниҳоят Бобошоҳ исмли волий номидан отлар олиб келишди. Келган вакил меҳмонларни Бобошоҳ ҳузурига эргаштириб борди.

Йўловчилар Султониядан чиққандан сўнг бир ҳафта деганда Техронга етиб келдилар. Уларни шаҳар ҳокими Бобошоҳ ҳурмат-иззат-ла қаршилаб, энг чиройли ва шинам уйга жойлаштирди. Эртаси куни эса ўз қароргоҳида кўноқ этди. Емаклар қаторида қовурилган от эти ёнида отнинг калласи ҳам бор эди. Бундан ҳайрон бўлган мусофирлар бир-бирларига қараб қолишди:

— Биз ҳам от эти, қолаверса, калласини эмас эдик. Бундан саксон-юз йил аввал юртимизга мўғуллар босиб келган. Улар от этини ейдилар. Шундан сўнг от эти емоқ одатга кира бошлади, — вазиятга изоҳ берди Хўжа Муҳаммад ёнида ўтирган Руи Гонзалесга.

Бобошоҳ мулозимларига Техронга кириб келган, Самарқандга бораётган Миср элчиларини ҳам мусофир этмоқ учун шу ерга олиб келишни буюрди.

— Эртага йўлга чиқа билурсиз, — деди Бобошоҳ Руи Гонзалесга кимхоб тўн ва шоҳона қалпоқ ҳадя этаркан. — Буни улуғ ҳоқонимиз амир Соҳибқирон Темурбек ҳазратларининг давлатпаноҳ қирол зоти олийларига бўлган дўстлигининг рамзи сифатида қабул этишингизни сўрайман ва сизларни бизнинг подшоҳимиз, улуғ ҳоқоннинг куёвлари бўлмиш

Сулаймоншоҳни ҳам зиёрат этишларингизни тавсия этман. Биз яшайдиган Рай вилояти ва Техрон шаҳри сўйлаганим подшоҳнинг олий ҳокимиятларига боғлиқдир. Ул амирзодайи олийбахтни Сулаймон Мирзо ҳам дейдилар. Бу ҳудудлардан кимки кечмасин, ул шарафли шоҳимизга салом бермай, зиёрат этмай ўтмайди.

– Биз албатта давлатпаноҳ Сулаймоншоҳ зоти олийларини зиёрат этамиз, – деди Руи Гонзалес Бобошоҳ билан хайрлашар экан.

Тўкин-сочин Техронни томоша қилганча йўлга чиққан элчилар мўл-мўл совға-саломлар харид қилишди. Шаҳар кундуз кунлари тобиға келган тандирдек қизир, соя-салқин бўлмаган жойларда нафас олмоқ ҳам мушкул эди.

Техрондан ярим манзил юришгач, қадимий Рай шаҳри харобаларига дуч келдилар. Кунпаякун шаҳарда бир неча масжид ва минораларгина омон қолган эди.

– Бир тўлган бир тўкилади. Бир яшнаган жойлар замони келиб бир вайрон бўлади, – деди Хўжа Муҳаммад юксак тепага чиқиб Рай шаҳри харобаларини кузатишар экан Руи Гонзалесга.

– Барчасига инсон ва унинг жоҳиллиги сабабчидир. Вақту замонда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, – жавоб қилди Руи Гонзалес.

– Фитна қўзғатувчи ва унга фатво берувчи ашаддий диндорлар бор экан, бизнинг аҳмоқ ҳукмдорларимиз дин байроғини ниқоб қилиб, ўз халқлари қонини тўкаверади, – гапга қўшилди мутаассиб руҳонийларни жини суймайдиган Салазар.

– Улар билан ғижиллашманг, рицар. Доимо ўзларини ҳеч қачон ноҳақ деб билмайдиган, тангри номидан гапирувчи бу кишилар мингда минг ҳақ бўлсангиз-да сизни ёмонотлиққа чиқарадилар. Булар билан баҳслашиб ва тирлашиб, ҳеч ким ютмаган, – шеригига танбеҳ берди буюк элчи.

Нурали ҚОБУЛ

– Тўғри, ноҳақ бўлган агрессив ва жоҳил кўпчиликка қарши бориб бўлмайдди, – тилидан тоймас эди рицар Салазар.

– Сулаймоншоҳ кимдир? – сўради Руи Гонзалес суҳбат мавзусини ўзгартириш учун Хўжа Муҳаммаддан.

– Ҳузурига кетаётганимиз олий зот олампаноҳ Темурбекнинг буюк қиз қардошлари Қутлуғ Туркон оғонинг ўғлидир. Сулаймон Мирзонинг отаси ҳам Турон салтанатининг катта амирларидан вазир Довудбекдир. Амир Сулаймоншоҳ Довудбек ўғли Соҳибқирон зоти олийларининг қизи Султон Бахт бегим ила эвлидир, – жавоб қилди Хўжа Муҳаммад.

Рай шаҳри харобаларидан ўтиб бир манзил юришгач, Сулаймоншоҳ кўшинининг қоровулига дуч келдилар.

– Менким қоровул юзлиги беги Абдул Ҳаким Дўстёрдирман. Амир Сулаймоншоҳ буйруқларига биноан сизларни ушбу манзилда кутиб олмоқ вазифаси зиммамга юкланган. Бу ерга Миср элчилари ҳам етиб келмоқлари лозим. Улар етишгунларига қадар чодирларингизни тикиб, истироҳат эта билурсиз. Сўнгра Миср элчилари билан бирга йўлга тушасиз, – амир Сулаймоншоҳ йўриғини йўловчиларга етказди қоровулбеги.

Бир намоз ораси вақт ўтгач, Миср элчилари етиб келишди.

– Мана шу далага чодирларингизни тикиб, амир зоти олийлари фармойишини беклайсиз. Не замон қабул этишларини шиқовул беги келиб айтади, – деди қоровулбеги амир ўрдуси томон жўнаркан. – Чодирингизни бузмай, шу ерда тунасангиз ҳам бўлаверади.

Саропарда олдидаги айвон супасида ўтирган Сулаймоншоҳ меҳмонларни ҳурмат-ла қаршилаб, ўзи ўтирган жойга таклиф этди. Тезда дастурхон тузаб, емак-ичмак келтиришни буюрди. Зиёфат тугагач, эртага яна қўноқлари бўлишларини таъкидлаган амир кетмоққа изн берди. Чо-

дирларига етиб келишгач, амир отидан турли тансиқ емаклар, нон, ун ва битта қўй етаклаб келишди.

Амир Сулаймоншоҳ эртаси кунни меҳмонларга ўз саропардасида зиёфат берди. Буюк чодир одамга тўла эди. Суфрага қовурилган от гўшти ва буйраги ҳамда қатор тотли пишириқлар терилганди.

Меҳмондорчилик ниҳоясига ета бошлаганда Сулаймоншоҳнинг ўнг тарафида ўтирган бош вазири элчилар ёнига келди.

– Подшоҳимиз фармойишига биноан, ҳар қандай мамлакатнинг элчиси пойтахтга, Султон Соҳибқирон ҳазратларига олиб бораётган ҳадялар бизга кўрсатилиши керак. Сабаби, тухфалар элчилар карвонидан илгари юборилади, – деди юзи рапидасифат, мармар каби совуқ, илонкўз киши.

Бу гапдан ҳайрон бўлган Миср ва Кастилия элчилари ноилож барча совғаларини очиб ёйдилар. Ҳадяларни кўздан кечирган бош вазир юкларни от ва туяларга ортиб жўнатишни буюрди.

Араблар олиб бораётган жирафа, туяқуш ва кастилияликларнинг лочинларини кўрган Сулаймоншоҳнинг ёнидаги амирзода лочинлардан бирини беришини сўради.

– Бизнинг давлатпаноҳ улуғ хоқонга олиб бораётган ашёларимиздан олмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – деди Руи Гонзалес хафа бўлиб.

– Амирзода ва мени олиб қолганлигимни айтсангиз, қайтамга зоти олийлари мамнун бўладилар, – деди амир Сулаймоншоҳ.

Лочинлардан бирини унга беришди. Сулаймоншоҳ Руи Гонзалесга кимхоб тўн, камзул, телпак ва йўрға от тақдим этди. Шоҳона безакли эгар жабдуқли тулпорнинг юган ва жиловлари олтин ишламали эди.

Де Мария ва Гомес де Салазарнинг хасталигини кўрган Сулаймоншоҳ уларни қолдириб кетишни айтди. Ўзаро

Нурали ҚОБУЛ

маслаҳатлашган кастилияликлар етти кишини қолдиришга қарор қилдилар. Руи Гонзалеснинг ихтиёрида икки ва Мариянинг битта қуролли кишиси, Гомес де Салазарнинг битта хизматкори қолганди. Олти киши бўлиб сафарни давом эттириш керак эди.

– Беморлар сизлар қайтиб келгунга қадар Техрондаги дорушшифомизда даволанадилар, – деди амир маъмурларига фармойиш бериб. – Сизлар салтанат отларида йўлингизда давом этинг.

Йўл тадоригини кўриб, жўнагунларига қадар беморлардан иккитаси вафот этди. Уларни яқиндаги эски қабристонга дафн этдилар.

Икки кундан сўнг Ферузкўҳ қалъасига етиб келишди. Домғон орқали Бистомга етганларида иссиқ ва дим ҳаводан қолган кишилар ҳам ҳолдан тойган эдилар. Бистомда уларни кутиб олган подшоҳлик вакили элчилар учун ажратилган меҳмонхонага олиб борди ва зиёфатга таклиф этди.

– Аҳволимизни кўриб турибсиз, қимирлашга мажолимиз йўқ. Волий ҳазратларидан узр сўраймиз, – деди Клавихо хаста овозда.

Қайтиб кетган вакил емак ва мева-чева юборди. Тамади қилиб бўлишгач, яна саройдан мулозим келиб, боришмаса бўлмаслигини, уларга шоҳона ҳадялар тақдим этилишини сўйлади. Ҳоли-жонларига қўйишмагач, аҳволи сал тузукроқ Де Мариянинг бир ўзи боришга тўғри келди. Подшоҳ номидан тақдим этилган иккита кимхоб тўнни олгандан кейин мавжуд русум бўйича подшоҳга тиззасини уч маротаба буюкиб таъзим қиламан деган Де Мария ағанаб кетиб, шарманда бўлганлигини айтиб келди.

Де Марияни кузатиб келган вакил салтанат отлари тайёр эканлигини, ҳозироқ йўлга тушмоқ кераклигини буйруқ оҳангида таъкидлади.

– Оёқда тик турмоққа ҳолимиз етмаётир. Ўзимизга келиб олишимиз учун икки кун муддат беришларини ўтиниб сўраймиз, – рижо этди Руи Гонзалес ўша хаста овозда.

– Бу улуғ хоқоннинг фармойиши. Уни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жумладан, сизнинг ҳам. Кечаю кундуз юрмоғингизга амр бўлган. Бир кеча нари турсин, бир дақиқа ҳам тўхташ мумкин эмас. Ушланиб қолганлигингиз хабари хоқонга етса, менинг бошим кетади, – деди кўрқувдан кўзи косасидан чиққудек бўлиб вақил. – Салтанат отлари тайёр.

– Ахир, ҳеч биримиз эгарда ўтира олмаймиз, – деди Клавиҳо йиғламоқдан бери бўлиб. – Улар ҳолатдамиз!

– Кўриб турибман. Бироқ иложим йўқ. Фармойишни бажармасам, бошим кетади, – такрорлади у яна. – Эгарларингиз қошига тўртбурчак тахта ўриндиқ ўрнатиб берадилар. Унинг устига ёстиқ қўйишади. Кўксингизни болишга қўйиб, ётиб кетаверасиз.

– Кетайлик, бу варвар йўлга тушмасак тинч қўймайди. Тушлик ва кечки емак учун тўхтаган жойимизда бироз нафас ростлармиз, – деди Де Мария кўзлари гилдираб Клавиҳога ўз тилида.

Хизматчилар ёрдамида аранг отга миниб олган йўловчилар эгарга танғиб боғланган ёғоч курсини қучоқлаганча беҳолликдан кўзларини юмиб йўлга тушдилар.

Сулаймоншоҳ бир мулозимни элчиларга қўмак этмоқ учун вақил этиб тайинлади.

– Шунини тайинламаса бўлар эди. Йўлда юришга қистаб жонимизни бўғзимизга келтиради, – деди яна Де Мария шерикларига.

Элчилар шу аҳволда саратон жазирамасида икки кун юрдилар. Улар минган салтанат отларини олиб қайтадиган йилқичиларга ҳам тўхтамай юриш топширилган. Энг катта бошлиғидан бошқа инсон зотининг гапига қулоқ солмайдиган мулозимга ҳеч бир гапни уқтириб бўлмас эди. Қасдига олгандек шу икки кун мобайнида кечган сувсиз даштда бош суқажак бирорта қулба ҳам дуч келмади.

Узоқдан бир қалъа кўринганда йўловчиларнинг кўзи ёнди. Қалъа яқинидаги улкан чинор остидан оқиб ўтувчи анҳордан

Нурали ҚОБУЛ

ер ости қувури воситасида сув олиб келинган эди. Шу ерда бироз дам олиб ўзига келгандай бўлган карвон Жожурум шаҳрига етганди.

Элчиларга йўл кўрсатиб, ётқизиб турғизаётган подшоҳлик мулозими ёғоч курсига бағрини берганча сулайиб келаётган Клавихога Жожурум шаҳри ҳақида маълумотлар берарди.

– Шаҳар яйдоқ тоғ этагида жойлашган. Тоғдан бир неча сой оқиб тушади. Шу сув билан шаҳар тирик. Кўриб турганингиз шаҳар ўртасидаги қалъа эски, қадимий кўрғоннинг устига тикланган. Бошқа қалъалар каби девор билан қуршалмаган. Ўтган қишда кўп ёғингарчилик бўлиб, шаҳарнинг қарийб ярмини, қалъанинг ҳам бурчини сув олиб кетди. Экинзорларни сел ювиб, ҳосил бўлмади. Энг қизиғи, сел шаҳар атрофида қушга отарлик тош ҳам қолдирмади, – ҳикоя қилиб борарди мулозим.

Жожурумда бир кеча ётиб сал кўзи очилган йўловчиларни салтанат отларида яна йўлга солдилар. Элчиларни жонидан бездирган мулозим ҳамон ажралмас, елиб-югурганча хизмат қилар, тезроқ юришлари учун жонини жабборга берарди.

Жожурумдан Самарқандгача икки йўналиш орқали борилар эди. Биринчи йўл Нишопур, Машҳад ва Балх орқали Амударёдан ўтиб Термиздан кечар, иккинчи карвон йўли Жожурумдан сўнгра Хабушон, Обивард, Чоржўй ва Бухородан ўтарди.

Жожурумдан кейинги манзилларда от ҳам кўп, салтанат вакиллари меҳмонларни бошкентга имкони қадар тезроқ етказмоқ учун астойдил ғайрат кўрсатишарди.

Бунинг учун сараланган салтанат отлари ҳар бир кўй ва қасабада, ҳатто кишилар истиқомат этмайдиган жойларда ҳам ҳозир турар, улуғ хоқонга муҳим хабар олиб бораётган кишининг орқаси ер искамас эди.

Йўл бўйидаги равоат ва ёмларга тинимсиз одамлар келар, бу мусофирхоналарни унга энг яқин бўлган шаҳар

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

маъмурияти ва аҳолиси емак-ичмак билан таъминларди. Равотга етиб келган элчилар ювиниб бирор луқма емак еб улгурмасидан янги отлар эгарланиб, уларга ҳамроҳ бўладиган йилқичилар жиловни қўлларига тутардилар.

Навбатдаги манзилга етганда бу отбоқарлар ўз йилқиларини олиб орқага қайтишар, элчилар янги йилқичилар бошловчилигида йўлда давом этардилар. Салтанат отларидан бирортасига бирор кори ҳол юз бериб, ўлиб ёки толиқиб юролмай қолса, йўлда дуч келган кишининг оти олиниб, чарчаган отни етаклаганча юриларди.

Йўлда учраган отлиқ оддий фуқароми, амалдор элчи ёки тужжорми кимлигидан қатъи назар мавжуд тартибга кўра ҳукмдор ҳузурига бораётган ёки амри-фармонни олиб бирор манзилга кетаётган кишига унинг илк талабидаёқ ҳамон уловидан тушиб, оти жиловини тутқазишга мажбур эди. Бу амрга амал қилмаса калласи кетарди. Оти олинган одам янаги манзилгача бирга бориб, уловини олиб қайтарди. Мулозимлар ўрдуга тегишли отларни ҳам олишга ҳақли эдилар.

– Бу тартиблар жуда қаттиқ эмасми? – сўради Руи Гонзалес мулозимларга йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган Хўжа Муҳаммаддан. – Ҳар бир давлат ва салтанат ватандошларининг хусусий мол-мулкларий дахлдорлигининг кафолати бўлиши керак.

– Фикрингиз тўғридир, элчи жаноблари. Бироқ бизнинг бу кимсасиз дашту саҳроларимизда тўраю тузук, тартиб ва интизом ҳақида тасаввури ҳам бўлмаган жоҳил, ўжар ва қайсар қабилалар борки, улар билан фақат кучу қудрат тилидан бошқа усулу услубда гаплашмоқ мушкул. Яхши гапириб инсоний муносабатда бўлсангиз, ўзингизни ўлдириб, молингизни талаб кетади. Шунинг учун бу қонунлар қаттиқдир, – изоҳ берди туроний элчи. – Қолаверса, бизда бу қонунлар барча учун баробардир. Агар ҳозир биз-

Нурали ҚОБУЛ

га от зарур бўлсаю, қаршимиздан шаҳзода ёки малика чиқиб қолса ҳам уловини беришга мажбур. Акс ҳолда, у ҳукмдорнинг амри фармони бажармаган бўлиб чиқади ва буни подшоҳ кечирмайди.

– Унда бу тартиб адолатли, – деди Клавихо ҳайрон бўлиб.

– Бу тезкор хабарлашув услуби воситасида ҳукмдор мамлакатнинг энг чекка ҳудуд ва сарҳадларидан ҳам қисқа муддатда маълумот ола билади. Хоқон фармони билан келаётган ёки кетаётган одам уч кунлик масофани бир кунда босиб, бир неча отни ишдан чиқарса, у салтанатга садоқат ила хизмат қилган мулозим саналиб, қадрланади. Салтанатнинг хос чопарлари олий фармонга кўра бир кунда олтмиш беш чақирим,¹ ҳеч бўлмаганда эллик беш чақирим масофани босиб ўтишлари шарт. Вазифа ва мактубнинг муҳимлигига қараб юз, юз ўн чақиримгача масофани босиб ўтиб, отлар ичини куйдириб ўлдирадилар. Бу йилқилар қишлоқларда бўлса одамларга сўйиб сотилади. Кимсасиз даштларда эса ташлаб кетилади.

УЧИНЧИ БОБ

*Тарихни ўзгартириш мумкин, бироқ
йўқ қилиб бўлмайди.*

Тошоҳур битигидан

Элчилар карвони инқиллаб-синқиллаб, ит азобида йўл босар эди.

Жазирама урмаслиги учун бошлари, аъзойи баданини ёпиб, ўраб-чирмаб олган йўловчилар сув бўлиб терга ботганча от устида ўлик каби сас-садосиз юрардилар.

Карвон етиб келган улкан Зафрани шаҳри ҳам вайрон бўлмаса-да, деряли бўм-бўш эди. Катта бинолар, муҳташам

¹Бир чақирим – бир километр чамасида.

масжидлар кимса кўринмас маҳаллаларда ёввойи итлар изғишар, карвонга кўзи тушган бўри ва тулкилар ўзларини панага уришарди.

– Нега бу шаҳар ҳам кимсасиз? – сўради Руи Клавихо Хўжа Муҳаммаддан ҳайрон бўлиб. – Йўлимиз устида одам яшамас шаҳар ва қишлоқлар кўп экан.

– Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси, бу шаҳар ва кўйлар катта қўшин ўтадиган йўлнинг устида. Юз минглик ўрду ўтганда шудгори чиқиб кетадиган ернинг аҳволини кўрингу, шу йўл бўйидаги шаҳару қасабанинг турумини тасаввур этинг. Аҳоли асосан ана шундан бешиб, ўз манзилларини тарк этадилар. Иккинчиси, бизга ўхшаган элчилар ва ҳукумат кишиларининг давомли ташрифи ҳамда уларни уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлашдан безор бўлиб ҳам қочадилар. Кеча эътибор берган бўлсангиз тушда тўхтаганимиз қишлоқ ҳам кимсасиз эди. Ун чақирим наридаги қасабадан бизга егулик олиб келишди.

Гомес де Салазарнинг борган сари аҳволи оғирлашар, юзидан қон қочиб, кўзлари нурсизланиб борарди. Хизматчи ва йилқичилар уни маслиқдай отга ортиб туширишарди.

Нишопур шахрига етти-саккиз чақирим масофа қолганда унинг туруми янада ёмонлашди. Бир-икки соат ҳушидан кетар ва яна ўзига келарди.

– Тўхтанглар! Аҳволим чатоқ, мени шу ерда қолдириб кетинглар! – деди у бор кучини тўплаб бир ҳушига келганида. – Энди одам бўлмайман!

Карвон кўчманчилар юзлаб чодир ва ўтов тиккан сайхонликда тўхтадилар. Сайхонликнинг кун ботиш тарафини ям-яшил боғлар қоплаган, ариқларда тўлиб-тошиб оби-ҳаёт оқар, боғчалар эшиги олдида боғбонлар саватларга тўлдирилган ҳандалак, гипос ва ўрикларни сув текин баҳода сотиб ўтиришарди.

Карвон чодиркентга яқинлашиши билан уч-тўрт киши элчиларни қаршилади.

Нурали ҚОБУЛ

– Ассалому алайкум! Мен алавар қавми сардори Иброҳим Алавар бўламан! Яйловимизга хуш келдингиз, азиз меҳмонлар! – деди чиройли, оқ юзли, мошгуруч соқоли ўзига ярашган, келишган киши таъзим бажо келтириб. – Улуғ мусофирларнинг ҳар замон юрагимиз қўриқ чодиримиз тўрида ерлари бор, – сермулозамат эди ўтоға.

Қўноқларни мусофирлар учун мўлжалланган саропардага ўхшаш кенг чодирга олиб кирдилар. Суфрани сут-қатиқ, қаймоқ ва патир билан тўлдирдилар. Сўнгра яна сутли ва қатиқли суюқ ош келтирдилар. Энг сўнгида этли емаклар тортишди.

Руи Клавихо оқсоқолдан яйловда яшовчи халқ ҳақида сўзлаб беришни сўради.

– Биз курд халқининг алавар қавмига мансуб бир элатмиз. Эрону Ироқ, Хуросону Ажамда мудом кўчиб-қўниб юрамиз. Муқим бир яшаш манзилимиз йўқ. Дашти саҳроларга баҳор илк келади. Мол-ҳолимиз билан ўт-ўлан кўқарган ана шу ҳудудлар томон юрамиз. Ёз кириши билан ўтлар бўлиқ, саратон тобига олган жазирама кунларда эса тоғ бағрига чиқиб кетамиз. Не қадар қўй-эчкимиз, сигиру отимиз борлигини ўзимиз билмаймиз. Бироқ туяларимиз сони йигирма мингдан ошиқ. Шунини аниқ биламиз, – хангама берарди Иброҳим Алавар.

– Бу қадар сон-саноксиз чорва моллари учун бож ёки солиқ ҳам тўлайсизми? – сардор сўзларини дафтарига қайд этарди элчи.

– Молларимизни подшолик яйловларида боққанимиз учун йилига уч минг туя ва ўн беш минг қўй берамиз. Подшолик томонидан амр этилган неки хизмат бор, ошиғи билан ўринлатамиз.

Овқатланиб бўлган меҳмон ва мезбонлар ташқарига чиқдилар. Чодирда бетоб Салазар, Руи Гонзалес ва Хўжа Муҳаммад қолди. Томоғидан зўрға ярим коса сут ўтган Салазарнинг хаёли кирди-чиқди бўлиб қолган, ўзича пичирлаб, нималардир дерди.

Бироз ўзиға келгач, бошида ҳақ деб ўтирган шериклари-
га кўзи тушди.

– Руи, менинг ишим тамом, – деди нурсиз нигоҳини бир Гонзалес, бир Хўжа Муҳаммадга нажотсиз тикар экан. – Сенга Матильда ҳақида гапириб бераман деган эдим. Улгурмадим, Хўжа. У аёл эмас, малак эди. Фаришта эди. Мен аҳмоқлик қилиб қўлдан чиқариб қўйдим. Сархуш бўлиб, дугонасини ўпибман мен эшак! Шундан сўнг шартта кўзини юмиб, севмасаям қиролнинг жиянига тегиб кетди. Руи уларнинг иккисини ҳам билади. Шунда Матильдадан ранжиб, “Сен у билан бахтсиз бўласан” деган эдим. Фаришталар омин деган экан. Биз бу ёққа жўнаганимизда эри ўлим тўшагида ётган эди. Менга буюрмаган Матильда унга ҳам насиб этмади. У икки карра бахтсиз бўлди. Аввал мен унинг севгисини эъзозламадим. Шаҳзода эрининг ҳам умри қисқа экан. Ўлмай Мадридга қайтиб борсанг, менинг салом ва узримни унга етказ. Ҳаётимнинг сўнги нафасигача уни яхши кўрганлигимни, ўлар чоғимда ҳам унинг исмини такрорлаяроқ ўлганимни сўйла. Ёлғиз ўтмасин. Иккита қизи бор эди. Сафарга чиқиш олдидан сўнги бир ҳафтада кечалари уйи атрофида тентираб чиқдим. Ундан кейин ҳеч кимни яхши кўриб уйлана олмадим. Бирор яхши одамга турмушга чиқсин. Фақат пойтахт Алькала де Энаресга, мен таниган одамга эмас, Мадридга турмушга чиқсин. Англадингми, Гонзалес? Бу менинг сенга сўнги васиятим! Бир малаксифат аёлни яхши кўрмоқ, парвона каби ўзингни ўтга уриб ҳалок бўлмоқ экан. Ҳалок бўлмасанг-да унинг қаролига айланиб, азоб-уқубатда яшаб ўтар экансан. Гўзалларга фақат шаҳзодалар кераклигини кеч англадим. Шаҳзоданинг эса маликага хизмат этгучи қулу қароли, мулки давлати бўлади. У сенинг муҳаббатингга муҳтож эмас. Сенинг севгинг эса ўзингга ўхшаган оч ва ўзинг тенги ёки ундан пастроқларга керак экан. Қадар фавқулудда бир ғариб жилва ила боқмаса, тузалмайман.

Нурали ҚОБУЛ

Кўзларини юмганча жим қолган рицар йўл-йўлакай хир-гойи қилиб келаётган қўшиқларини такрорлади:

Гўзалларнинг тангри азалдан
Силар экан пешонасини.
Одам Ато ҳам кўрди унда
Фаришталик нишонасини.

Гўзалларнинг миллати бўлмас,
Улар кўкда чаққан чақиндир.
Гўзалларсиз кўнгиллар тўлмас,
Улар яратганга яқиндир...

Қаро денгиз, қаро денгиз,
Муҳаббатга аро денгиз,
Қилдинг қалбим яро денгиз,
Дардима йўқ чора денгиз.
Оҳим етказ ёра денгиз.
Қолдим сенга зора денгиз.

Сўнгра бор кучини тўплаб охирги сўзларини айтди.

– Фармойишларини сўнгига қадар бажара олмаганим учун давлатпаноҳимиздан кечирим сўраганимни ҳам айт. Жасадим она шахрим Мадриддан жуда узоқ-узоқларда қолиб кетадиган бўлди. Ҳарҳолда ватаним ва денгизимиздан эсанг шамоллар бу ёрларга келар...

Ҳолдан тойган Салазар яна хушдан кетди. Руи Гонзалес нима қиламиз энди дегандек Хўжа Муҳаммадга қаради.

– Ўзига келишини кутайлик, – деди Хўжа Муҳаммад қайғули оҳангда. – Шунга қараб иш тутамиз.

Салазар яна кўзини очди.

– Алвидо! – деди зўрға овози чиқиб. – Мени шу ерда қолдириб кетаверинглар! Йўлдан қолманглар! Улуғ хоқонни кўрмоқ ҳам насиб этмади!

– Уни яқин орадаги қишлоқда қолдирамиз. Нишопурдан табиб чақиртирамиз, – деди мутасадди мулозим чодирга кириб. – Йўлга чиқмасак бўлмайди. Бу ёғи амирзода Шоҳруҳмирзо мамлакати. Ҳадемай ул зоти олийнинг чопарлари ҳам келиб қолса керак.

Руи Гонзалес худ-беҳуд бўлиб ётган рицар Салазарнинг кўлини ўпиб хайрлашди. Хўжа Муҳаммад ҳам шундай қилди. Рицарнинг кўзидан ёш қуйилар, бироқ тили калимага келмас эди.

Шу пайт ташқаридан от чоптириб келган одамларнинг овози эшитилди.

– Нишопурдан чақирган табибимиз етиб келди, – деди мулозим халта кўтарган оқ қалпоқли калта соқолли кишини чодирга имлар экан.

Табиб беҳуш ётган беморнинг пешонасига кафтини кўйиб кўрди, қўл томиридан юрак уришини, киприкларини очиб, кўз қорачиғини текширди.

– Бемор шайхухий касалига мубтало бўлган. Ғоят очиқиб туриб, кучли, қовурилган от, қўчқор эти каби емакларни ҳаддан зиёда кўп еган. Натижада меъда ёрилган. Киши қаттиқ очиққанда енгил, юмшоқ ва суюқ овқатларни оз-оздан ейиши керак. Туруми оғир, – деди нажотсиз қиёфада. – Қўлимдан келган муолажани қиламан. Қолгани Оллоҳдан.

– Муолажада давом эт, – буюрди мулозим табибга. – Сизлар эса йўлга чиқмоғингиз даркор. Салтанат отлари ҳозир, – деди кўз ёшларини артиб турган Клавиҳо ва Хўжа Муҳаммадга. – Тезроқ бўлинг, элчиларни бу қадар узоқ ушлаб турмоққа ҳаққим йўқ. Бемор билан ўзим шуғулланаман.

Мулозимнинг кўрсатмаси билан табиб ва яна бир хизматчи Салазарнинг ёнида қолишди. Нишопурга етишларига ўттиз чақиримча қолганда элчилар қаршисига қўмондон либосидаги киши чиқди.

– Мен Нишопур вилояти товачиси Абдул Тайлоқдирман.

Нурали ҚОБУЛ

Подшоҳимиз амрига мувофиқ сизларни кутиб олмоққа чиқдим. Юртимизга хуш келибсиз, – деди тавачи отдан тушиб салом бераркан. – Неки хизмат бўлса буюрингиз.

Элчилар ҳам отларидан тушдилар.

– Бир одамимиз йўлда қолди. Хаста эди. Имкони бўлса кўмак этсангиз, тавачи жаноблари, – деди Клавихо йиғлоқи овозда.

– Унда сизлар йўл юрмоқда давом этинг. Нишопурга икки манзил йўл қолди. Ўзим бориб, хаста меҳмоннинг аҳволидан хабар оламан ва шаҳарга келтириб даволатамиз.

Тавачи шундай деб ўн чоғли суворийларини эргаштирганча Салазар қолган қишлоқ томон жўнади. Унинг бу ғамхўрлигидан хурсанд бўлган Клавихонинг кўзи жикқа ёшга тўлди.

Нишопурга етиб келган элчилар Гомес Салазарнинг аҳволидан безовта бўлганча подшоҳлик вакилининг йўлига кўз тикиб тун бўйи мижжа қоқмадилар. Тонгга яқин уни олиб келиб подшоҳликка оид яхши уйга жойлаштирдилар. Уч-тўрт табиб унинг муолажасига киришди.

Мулозим бемор учун махсус замбил ясатиб, унга Салазарни ётқизган ҳолда ўн чоғли киши елкасида кўтариб келган эди. Бироқ кечга яқин унинг жони узилди. Салазарни Нишопурдаги насронийлар қабристонига тупроққа бердилар.

Бу қўйиндида мусавий мазорлиги ҳам бор эди.

– Нишопур шаҳри қадимий Мидиянинг пойтахт бўлган. Янглишмасам, энг сифатли феруза тоши шу ерда қазиб олинади. Шаҳрингиз ҳақида менга маълумот берсангиз? – сўради Клавихо жонкуяр тавачи Абдул Тайлоқдан. – Абду сўзи арабча қул демак. Менга Тайлоқ сўзининг маъносини ҳам айтиб берсангиз?

– Сиз айтган оламга машхур Нишопур ферузасини шаҳар ёнидан оқиб ўтадиган дарёдан қазиб оламиз. Тоғ этагидаги

феруза кони минг йиллардан бери мавжуд. У ердан янада осонроқ қазиб олиш мумкин, – жавоб берди тавачи. – Менинг ота исмим масаласига келсак. Туянинг боласини дайлоқ, Туркистон тарафларда тайлоқ, бўталоқ ҳам дейдилар. Ота-боболаримиз туякаш ва туябоқар ўтганлар. Бу бобо оти ҳам шу ата касбимиздан хотирадир, – элчининг саволига жавоб берди тавачи.

– Узр тилаган ҳолда яна бир сўровим бўлади, тавачибек. Шаҳардаги муҳташам бинолар пештоқидаги ажойиб кошинлар ва рангларни кузатдим. Бизнинг тарафларда бундай ёрқин ва бежирим товлангувчи кошинлар йўқ. Бу чинни кошинлар учун бўёқларни нимадан ва қандай оладилар?

– Сўзлаганингиз кошинларга ранг бермоқ учун тоғда ўсгучи бир неча тур ўсимликлардан фойдаланадилар. Энг яхши кошин бўёғини олмоқ учун ёнғоқнинг томирига бигиз суқишади ва ана шу жойдан оқиб тушган рангли суюқликни йиғадилар. Унга анор, шафтоли бўёғи каби моддаларни қўшиб, кошинга ранг берадилар, – билганича жавоб қилди Абдул Тайлоқ.

Элчи суҳбатдошини диққат билан тинглаганча сўзларини қайд этарди.

– Сизлардан аввал Миср элчиларини кузатдик. Улар орасида султон Фараж ҳузурига бориб қайтаётган мавлоно Абдуллоҳ Каш¹ший ҳам бор экан. Суҳбатларини олдик. Энди Рум элчиларини кутиб оламиз.

– Мавлоно Кашший менинг ҳамшаҳаримдир. Ул кишим Кешнинг Чоршанбе қасабасидан, мен эса Темирчи кўйданман. Баҳс этганингиз Рум султони элчиси амир Темуртош Султон Соҳибқирон ҳазратлари ҳузурида бир неча бор бўлган ва у зоти олийлари ҳурмат этадиган усмонли бекларидан. Кўп оқил ва фозил кишидур. Ул биродари-

¹Каш – каш деб қамишдан ясалган хуржун айтилган. Кажава Элчининг отаси шу касб билан шуғулланган.

Нурали ҚОБУЛ

мизга алоҳида иззат-хурмат кўрсатмоғингизни рижо этсам айбга буюрмасиз, дўстим, — илтимос қилди Хўжа Муҳаммад тавачидан.

— Бир оғиз сўзлари, мухтарам қози жаноблари. Элимиздан келганда, келмаганда хизматни қилажакмиз, — жавоб қилди тавачи таъзим-ла. — Қусурга боқмасангиз сиздан-да бир илтимосим бўлажак. Самарқанд дорилфунунда ўғлим Жунайд ўқийди. Шунга онаси қилган тўрт дона Нишопур паптири ила бир миқдор ақча бериб юборсам. Заҳмат бўлмай-дими? Усиз ҳам юкларингиз кўп экан.

— Не демак, мухтарам биродар. Бир илми толибга экмак элтмоқдин улуғ савоб иш борми? Жон-жон деб элтажакман ва фарзандим каби давранажакман. Истасалар, менинг шаҳардаги уйимда яшамоққа-да таклиф этурман; — самимий эди элчи.

— Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Агар ўғлимни фарзандингиз ўрнида қабул қилсангиз, бошим кўкка етгувсидир, — мамнун эди тавачи.

— Бироз юргач-улар-Миср-элчиларига-етиб-олдилар-ва икки карвон бири а йўлда давом этди.

Фарёб ва Бушенж орқали Машҳадга етганларида Хуросон ўлкасининг ҳукмдори амирзода Шохруҳнинг чопари элчиларни кутиб турарди.

— Амирзода Шохруҳ зоти олийлари сизларни энг олий даражада кутиб олишга амр бериб, Хуросон пойтахти Ҳиротга таклиф этадилар, — деди чопар хурмат билдириб.

— Ҳирот бу шаҳардан қанчалик масофада? — сўради Руи Клавихо Хўжа Муҳаммаддан.

— Сизнинг масофа ўлчовингизда ўттиз лига, бизнинг ҳисоб бўйича юз эллик чақирим, — жавоб қилди элчи.

— Давлатпаноҳ Темурбек бизни жадал юриб ўзларига тезроқ етиб олишимизни амр этганлар. Шул боис иложимиз йўқ. Подшоҳ Шохруҳдан минг бор узр сўраймиз, — деди ҳануз ўзига келолмаган Клавихо.

Машҳадда подшоликка тегишли меҳмонхонага жойлашган кўноқларга амирзода Шоҳруҳ номидан зиёфат, шоҳона ҳадялар берилиб, чопонлар кийгизилди.

– Эртага бориб шаҳримизнинг энг муқаддас зиёратгоҳини кўринг, – деди амирзоданинг ноиби Нўшар Хараканий.

Элчилар ноибга миннатдорчилик билдириб, хоналарига қайтдилар.

– Ноиб сўйлагани улуг зот ким? Айтишларича, Муҳаммад пайғамбарнинг невараси эмиш? – сўради Клавихо Хўжа Муҳаммаддан улар меҳмонхона боғчасини айланар экан.

– Ноиб жаноблари баҳс этган олий зот бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима ва пайғамбар амакисининг ўғли Али ибн Толибдан тарқалган авлод вакили Али ар-Ризодир. Уни Али ибн Мусо ҳам дейдилар. Сўйлаганимиз Ҳазрат Алию Муртазо шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг биринчи, Али ибн Мусо эса ул кишининг шажарасидан келган бўлиб, шиларнинг саккизинчи имомидир. Али ибн Мусо Мадина шаҳрида яшаган мелодий саккиз юз ўн олтинчи йилда халифа Маъмун мўътадил шилар билан яқинлашиб, иттифоқлашмоқ ниятида Али ар-Ризони ўзидан кейинги тахт вориси дея эълон этади. Бироқ сунний мазҳабдаги мусулмонлар исёни туфайли бу ҳамкорлик натижасиз тугайди. Халифа Маъмун шилар билан муносабатларга чек қўйгандан сўнг вазият яна ёмонлашади. Натижада Али Ризо Тус шаҳри ёнида Нукан қасабасида заҳарлаб ўлдирилади ва Санобод қишлоғига дафн этилади. Бу қабр устига улкан масжид қурилиб, зиёратгоҳга айлантирилади ва уни Али ар-Ризо шаҳид этилган жой маъносида Машҳад дея атай бошлайдилар.

Эртаси куни улар Имом Ризо мақбарасига зиёратга бордилар. Унинг дахмаси олтин ва кумуш ҳал билан қопланган, кишида сўз ила тасвирлаб бўлмас илоҳий бир ҳис-туйғулар уйғотар эди.

Нурали ҚОБУЛ

Тус шаҳрига етганларида элчиларни кутиб олганлар улар пешини кўзларига суртиб, ўпиб тавоф қила бошладилар. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган Де Мария Хўжа Муҳаммадга қаради.

– Биз ўша Тус шаҳридаги муқаддас Имом Ризо қадам-жосида бўлганимиз учун бизни ҳожи санаб топинмоқдалар. Уларда шундай одат бор. Бироқ бизнинг сунний мазҳабидаги муслмонлар фақат Макка ва Мадинадаги муқаддас маконларни зиёрат этсаларгина ҳожи саналадилар, – изоҳ берди элчи.

– Сизнинг тирикчилигингиз ҳам бизнинг протестант ва католикларники каби қонли ва ғавғоли эканлигини билман, – деди Де Мария бу воқеадан ҳайратга тушиб. – Ўзаро англаша билмаган диндорлар ҳеч қачон халқлар бошини қўшиб, бирлаштира олмайдилару истаган пайтларида ўтти ўзлари ёндириб, керакли эканликларини, уларсиз ҳеч бир иш амалга ошмаслигини таъкидламоқ ва исботламоқ учун бу оташни яна ўзлари бош бўлиб ўчиришга киришиб, қахрамонлик кўрсатган бўладилар. Шу тариқа одамларнинг бошини қотирадилар, – илк бор диний хусусда очилиб гапирди магистр. – Табиийки, уларга бу ҳақда оғиз очиб бўлмайди. Сизни кофир эълон этиб, ўтда ёндирадилар.

Жадал юрган карвон Сарахс шаҳри яқинидаги Тежен дарёси водийсига етганди. Дарёнинг икки соҳилида адоғи кўринмас даражада кўп чодирлар тикилган, серўт ва кўм-кўк ова туя ва от уюрлари, сигир подаларию, қўй эчки сурувига тўла эди.

Суворийлар билан уларни қаршилаган кашмири¹ яқтак кийган қорамғиз, барваста, сигиркўз киши ўзини Термиз қутволи амир Мизроб дея таништирди. Уларга шу пайтгача бирга кўмак этиб келган подшоҳлик вакили ваколатини амир Мизробга топшириб, ортга қайтди.

¹Кашмири чопон – жундан ёки жунга ип ёки ипак қўшиб тўқилган майин матодан тикилган камзул, чопон.

– Сиз биз ила баробар юрасиз. Узларингиз ва отларингизга етарли миқдорда егулик ҳозирлаганимиздан сўнг қайтиб кетасиз, – деди қутвол Амир Мизроб подшоҳлик вакилига.

Мулозим элчилар билан бирга йўлга тушди. Улар водий этагида дам олиб, тунадилар. Теварак-атрофда одам кўп, одамдан мол-ҳол кўп, ит эгасига боқмас эди.

Клавихонинг Кирилл исмли соқчиси юклардан битта бўғча йўқолганини айтиб келди.

– Юклар қаерда эди ва уни ким қўриқлаётганди? – сўради Клавихо.

– Ҳар галгидек маҳаллий қўриқчиларга топшириб, емак еяётган эдик, – жавоб қилди соқчи.

Руи Клавихо Хўжа Муҳаммаднинг олдига келди. Содир бўлган воқеани англатди.

– Чодирига бориб амир Мизробга расман англатинг. Менинг аралашмаганим маъқул. Умид қиламанки, у юкингизни топтиради.

Элчи бориб қутволга арз қилди. Амир Мизроб ўз чодирда чордана қуриб ўтирганча катта товоқда бетига сарёғ солинган ширгуруч еб ўтирарди. Қароргоҳда қиёмат кўпиб бақир-чақир, ур-сур бошланди. Амир Мизроб теградаги чодиркентлар кадхудоларини чақиртирди. Ун чоғли одам йиғилди.

– Улуғ хоқон, салтанатимиз мўътабар меҳмонларининг бир тугун юки ўғирланган. Бўғчада нималар бор эди? – соқчи Кириллдан сўради амир.

– Қимматбаҳо тошлар, гумашлар ва эркак кийим-кечаклари, – жавоб қилди соқчи кўзлари жовдираб.

– Ҳеч бир кимсадан гумонинг йўқми? – яна сўради қутвол.

– Йўқ. Биз келибоқ туялардан юкларни тушириб, сизларнинг соқчибошингизга таслим этган эдик.

– Навкар! – ўтирган жойида бақирди амир.

Чодирга эгилганча соқчи аскар кирди.

Нурали ҚОБУЛ

– Қўноқларнинг юк-чапларини қайси ўнлик ва ким қўриқлаётган эди? – сўради навкардан.

– Донокул Қипчоқнинг йигитлари, амирим! – жавоб қилди аскар.

– Ҳозироқ ўша итдан тараган ўнбошини ва чодиркент кадхудоси Тожиддинни чақир?

Зум ўтмай амир чодирда чорланган икки киши ҳозир бўлди. Қутвол воқеани англади.

– Сен икки эшакка емагимни еб бўлгунимга қадар муҳлат бераман. Агар шу муддат ичида йўқолган молни топмасанглар, тириклайин териларингни шиламан! – ўшқирди қутвол. – Шундай олис юртлардан машаққат чекиб келган азиз меҳмонларнинг ҳам юкини ўғирлашадими? Бу гап Соҳибқирон ҳазратларининг қулоқларига етиб борса-я! Биласанларми барчамизнинг аҳволимиз не кечишини? – қаҳрини сочарди амир тутоқиб.

Кўплар уйкуга кетган бўлса-да, амир чодир ўнгида одамлар тўпланди. Емагини еб бўлган қутвол қилчичининг дастасини тутганча ташқарига чиқди. Кадхудо ва ўнбошидан дарак йўқ эди.

– Ўғрини топишса қандай жазо беришади? – сўради Клавиҳо ёнида турган Хўжа Муҳаммаддан.

– Боши кетади.

– Бизда энг қаттиқ жазо сохта пул ясовчиларга берилди.

Ҳазабланган амир чодир саҳнида наридан бери бориб келарди.

– Бор! Ўнбоши билан кадхудони топиб кел! – ўша навкарга буюрди қутвол. – Берганим муҳлат аллақачон тугади! Топганинг замон қамчи билан уриб, қоқ пешонасини ёргин у кўппакларнинг! Итдек судраб ўлигини олиб кел!

Ёнига яна тўрт нафар аскарни олган амир қўримаси бошлиғи кадхудо ва ўнбошини қидириб кетди.

Кўп ўтмай калтакланган, қамчи зарбидан қонталаш юзлари қизарган Доноқул Қипчоқ билан Тождиддин кадхудони ҳайдаб келишди.

– Юк топилдими? – сўради амир Мизроб.

– Тополмадик! Топилмас тўлаймиз! – деди қамчи бошига тегмаслиги учун икки қўлини кўтарган кадхудо ёлвориб. – Бизни калтаклатманг, амир жаноблари! Тавба қилдик! Бундай хато такрорланмайди! – ёлворарди кадхудо.

– Сен, эшшак кадхудо, йўқолган молга ҳозироқ товон тўлайсан! Сен итдан тараган кўппак ўнбоши эса ўғрини топасан! Акс ҳолда, иккингни ҳам бошингни олдирман! – гупуриб ўшқирарди амир. – Иккитанг кадхудони таъқиб этиб, тўловини ҳал эт. Мана бу меҳмон бориб йўқолган молнинг нархини айтади. Сен учовинг эса ўнбошини назорат этиб, ўғрини топдирасан! – буюрди навқарларга.

Бу нохуш воқеадан, унинг устига икки бегуноҳ кишининг калтакланишидан таъби тирриқ бўлган Клавихо дардини яна Хўжа Муҳаммадга ёрди.

– Усиз ҳам бизга емагу ичмак келтириш учун одамларга бераётган азоблари етиб ортар эди. Мен аҳмоқ мол йўқолганини айтмасам бўлар экан, – деди хафа бўлиб. – Ахир, бу ваҳшийлик-ку! Бу дашту саҳроларда инсон қадрқиммати бир чақа экан. Кишилиқ шахсияти қадрланмаган, одамлар тупроқ ила баробар этилган жамият ва давлатларнинг келажаги бўлмайди. Ҳатто бу мамлакатларда яшаган эл ва элатлар ҳам тўзиб, боши оққан томонларга кетадилар. Санаб келмоқдаман, ўндан ошиқ қишлоқда оқсоқол ва аҳолини уриб-сўкиб калтаклаб, бизга емак олиб келишга мажбур этишди.

– Мавжуд воқеликка бугун, айти дамнинг кўзи ила боқмоққа мажбурмиз, дўстим. Ҳозир бу ёвузликларга аралашсам мен ҳам ўз-ўзидан олий фармонга қарши турган бўлиб қоламан. – Етим қизга тўй келса бўрон бўлур дегандай, шунча юк қолиб сизларнинг молингизни ўғирлашганини

Нурали ҚОБУЛ

қаранг! Тавба! Кишиларнинг феъл-атвори, дунёга боқиш даражасига қараб, бу жоҳилликларга барҳам бермоқ учун вақт ва замонлар керак бўлади, назаримда.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди Руи Гонзалес ҳамкасбининг фикрига қўшилиб. – Мусулмонлар ила христианлар ўртасидаги Иеруссалим учун олиб бориладиган савашларни қаранг. Барчаси беҳуда қирғинбарот. Ҳар икки тараф ҳам ўз ишини ягона тангри учун, халқим учун қилаётирман дея тарғиб этади. Энг ёмони, содда одамлар бунга ишонадилар ва бу йўлда жонларини фидо этадилар. Шу тариқа бу одамкушлик тегирмони бор кучи билан айланаверади. Улуғ хоқон Темурбекка айтмоқ керак. Мулозимларига бу қадар чексиз ҳуқуқлар бермасликлари лозим. Улар ҳатто одамларни олий ҳокимият номидан ўлимга буюришга ҳам ҳақлари бор экан. Халқни бу қадар қўрқув ва даҳшатда асрамоқнинг охири бахайр бўлмайди. Бу қўрқув ва ваҳима, нафрату ғазабга айланиб бораверади. Ватандошлари ўз касб-корлари билан бемалол, тазйиқу босқисиз шуғуллана олмадиларми, билингни, бу мамлакатда ишлар ўз йўлида кетмаётир. Бунинг охир-оқибатида давлат карвони йўлидан адашади. Тўғри йўлдан юра билмаган қавму қабилалар ўзга элу элатларга кул бўлади. Улар чалган куйга қўшиқ айтади.

Бўлиб ўтган ғавгою хархашадан уйқуси қочган Руи Гонзалес ва Хўжа Муҳаммад дарё бўйида сайр этишарди. Уч-тўрт киши эса катта ўчоқ ва қозон бошида уймалашиб емак ҳозирлашарди.

– Юринг, уларнинг емак пиширишини кўрамиз. Бундай катта қозон ва ўчоқни ҳеч кўрмаган эдим, – деди Гонзалес ўт ёниб, тўрт тарафни ёритиб турган ўчоқ бошига қараб юраркан.

Ўчоқдаги оташнинг акси тиниқ дарё сувида жилваланиб, ажиб бир манзара ҳосил бўлган эди.

Нурали ҚОБУЛ

қаранг! Тавба! Кишиларнинг феъл-атвори, дунёга боқиш даражасига қараб, бу жоҳилликларга барҳам бермоқ учун вақт ва замонлар керак бўлади, назаримда.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди Руи Гонзалес ҳамкасбининг фикрига қўшилиб. – Мусулмонлар ила христианлар ўртасидаги Иеруссалим учун олиб бориладиган савашларни қаранг. Барчаси беҳуда қирғинбарот. Ҳар икки тараф ҳам ўз ишини ягона тангри учун, халқим учун қилаётирман дея тарғиб этади. Энг ёмони, содда одамлар бунга ишонадилар ва бу йўлда жонларини фидо этадилар. Шу тариқа бу одамкушлик тегирмони бор кучи билан айланаверади. Улуғ хоқон Темурбекка айтмоқ керак. Мулозимларига бу қадар чексиз ҳуқуқлар бермасликлари лозим. Улар ҳатто одамларни олий ҳокимият номидан ўлимга буюришга ҳам ҳақлари бор экан. Халқни бу қадар қўрқув ва даҳшатда асрамоқнинг охири бахайр бўлмайди. Бу қўрқув ва ваҳима, нафрату ғазабга айланиб бораверади. Ватандошлари ўз касб-корлари билан бемалол, тазйиқу босқисиз шуғуллана олмадиларми, билингни, бу мамлакатда ишлар ўз йўлида кетмаётир. Бунинг охир-оқибатида давлат карвони йўлидан адашади. Тўғри йўлдан юра билмаган қавму қабилалар ўзга элу элатларга кул бўлади. Улар чалган куйга қўшиқ айтади.

Бўлиб ўтган ғавгою хархашадан уйқуси қочган Руи Гонзалес ва Хўжа Муҳаммад дарё бўйида сайр этишарди. Уч-тўрт киши эса катта ўчоқ ва қозон бошида уймалашиб емак ҳозирлашарди.

– Юринг, уларнинг емак пиширишини кўрамиз. Бундай катта қозон ва ўчоқни ҳеч кўрмаган эдим, – деди Гонзалес ўт ёниб, тўрт тарафни ёритиб турган ўчоқ бошига қараб юраркан.

Ўчоқдаги оташнинг акси тиниқ дарё сувида жилваланиб, ажиб бир манзара ҳосил бўлган эди.

Нурали ҚОБУЛ

мана шу тартибда кесканош тайёрлаймиз. Шоли экилган қасабаларимизда эса хамир ўрнига гуруч соламыз. Даштда емакни шундай ичаверадилар. Шаҳарларда юзига гўштли қайла солиб ёки райхон, ялпиз, кўкўти ва зира каби дори-ворлар сепиб истеъмол этадилар.

– Мана шу емак не қадар кишига етади?

– Минг чоғли одамга. Истаган киши очикқани онда келиб тугагунга қадар ичиб кетаверади.

Кадхудо ва ўнбошининг калтак еб, оғзи бурни қонга тўлганини кўрган чодиркент сокинлари кўрқиб қолишган, элчиларнинг саволларига ҳайкалдек қотганча кўрқа-писа жавоб беришарди.

Дарёнинг қуйи томонидан ўчоққа қараб келаётган одамлар орасидан баланд-паст овозлар эшитиларди.

– Қоч элчилар!

– Уларнинг кўзига кўринма!

– Ўчоқ бошида ўтиришибди.

– Буларнинг назарида жаллоддан фарқимиз қолмабди, дўстим. Биздан азроилдан қочгандек қочмоқдалар, – деди меҳмон Хўжа Муҳаммадга. – Ўзимиз учун ҳам, ўзгалар учун ҳам азоб-уқубатдан иборат йўлчилигимиз тезроқ тугай қолганда эди. Бу бечора кишиларга кўра салтанат отларининг обрўси баландга ўхшайди бугерларда.

– Узоғи билан яна йигирма кун ёки бирор ой чамаси юришимизга тўғри келади. Аҳоли муқим яшайдиган йўл бўйидаги кўйларда бундай ур-калтаклар содир бўлмайди. Кўчманчилар яшайдиган дашту саҳроларда эса мана шу ҳолат. Улар ҳозир бизни кўриб қочган одамлар каби бирор нарчасини беришни истамай қочадилар. Бундан қаҳрланган давлати мулозимлари эса уларни жазолайдилар. Амударёдан ўтиб, мўлкўл, маъмур Термиз шаҳрига етиб олсак бўлди эди. Термиз ҳам Табризу Шероз, Самарқанду Бухоро каби салтанатнинг энг йирик, пойтахт каби бой ва гўзал шаҳридир, – ҳамкасбини

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

чалғитиб, кўнглини олмоқчи бўларди темурий элчи. – Одамлар тўпланиб, яшайдиган шаҳарларни араблар Мадина дейдилар. Чиройли уйлар қуриб, обод боғ-роғлар яратиб, яхши кийиниб юрган кишиларни маданий маданиятли инсонлар оми ва жоҳилларни эса маданиятсиз дейишади.

– Фаранг тилида бу сўз культура дейилади. Бу сўзни биз ҳам ишлатамиз. Бизнинг мамлакат худудида уч юз йил яшаган Андалуз ислом давлати бўлган. Ўшанда кўп араб сўзлари бизга ўтган. Мен ҳам арабчани бироз биламан, – бўлиб ўтган нохуш воқеаларни унутгандек эди Руи Гонзалес.

Чодиркент оқсоқоли йўқолган мол қийматини зиёди билан тўлади. Бироқ бўғча топилмади. Амир Мизроб ўнбоши ва мол йўқолган пайтда соқчилик қилган аскарни яна калтаклатиб, оёқ қўлига кишан урдирди. Чодиркентга энг яқин бўлган Саманган қалъаси зиндонига элтиб ташлашни буюрди.

– Мол топилган куни чиқади. Бўлмаса ўша Саманган зиндонига чириб, қурт-қумурсқаларга ем бўлади! – деди барча эшитсин учун баланд овозда. – Мўътабар элчиларимиз учун салтанат тулпорлари келтирилсин! Юқлар салтанат туяларига ортилсин!

Мурғоб дарёсини кечаркан, жазирамада ҳузур қилиб чўмилган йўловчилар Саманган орқали Андхуд, ундан Балх шаҳрига етиб келдилар.

– Эшитишимча, давлатпаноҳ Темурбек шу – Балх шаҳрида иқтидорни қўлга киритган эканлар. Шу боис бу шаҳарни яхши кўрар эмишлар. Шулар ҳақида менга бироз маълумот берсангиз, – деди Клавихо шаҳарнинг улкан деворларига яқинлашар экан. – Кўрган шаҳарларимиздан ҳеч бири Балх каби мустаҳкам девор билан ўралмаган эди.

Шаҳар баланд тупроқ девор билан ўралган бўлиб, уч қисмга бўлинар эди. Шаҳарни ўраган кўтарма деворнинг

Нурали ҚОБУЛ

кенглиги йигирма газ бўлиб, ҳар уч қисм ҳам шундай кўтарма тупроқ девор билан қуршалган эди. Шаҳарнинг биринчи ва иккинчи девори ўртасидаги майдонга пахта экилиб, аҳоли яшамасди. Иккинчи девор билан биринчи девор орасидаги қисмида аҳолининг уйлари сийрак жойлашган, асосий халқ учинчи деворнинг ичидаги арқда яшарди.

– Сўйлаганингиз каби Балх Амир Соҳибқирон ҳазратлари учун мулку давлат, тахти салтанат қуёши порлаб чиққан қутлуғ шаҳардир. Бундан ўттиз беш йил бурун илк баҳорда давлатпаноҳ мана шу юриб кетаётганимиз кенгликларда сўнги рақиб Амир Ҳусайн Кенагасни енгиб, Турон мулкининг эгаси бўлганлар ва оқ кигизга ўтқазилиб, Буюк Турон амири дея эълон этилганлар. Шунинг учун қутлуғ ва қадрлидир. Кўриб турганингиз мана бу деворларни ҳам ул зоти олий бунёд эттирганлар. Ўтган йили бу шаҳарда улуг хоқоннинг устозлари Мир Саид Барака вафот этдилар. Хоқон бу айрилиқдан кўп қайғурдилар, – от устида гурунг бериб борарди Хўжа Муҳаммад.

Йўловчилар Амударёдан қайиқлар устига қурилган ёғоч кўприк орқали қарши соҳилга ўтиб, Термиз шаҳрига етдилар.

– Шаҳарга кирганимизга ҳам боя бир замон бўлди. Ҳалибери меҳмонхонага етмадик: Сўйлаганингиз каби Термиз ҳақиқатан ҳам улкан шаҳар экан, – деди Миср элчилари билан Қоҳирадан қайтаётган ҳамшаҳари Мавлоно Абдуллоҳ Каший билан суҳбатлашиб келаётган Хўжа Муҳаммаднинг ёнига отини ниқтаб яқинлашган Клавиҳо ҳорғин овозда. – Ҳолдан тойдик, биродар. – Ватанимга қайтиб борсам энди ҳеч қачон элчилик вазифасини қабул қилиб сафарга чиқмайман. Бу ишнинг нонию тоши оғир экан. Энарес саройининг сўзчи нотиғи сифатида зоти олийларининг ёнларида роҳат қилиб юрган эдим-а!

– Сабр, дўстим, сабр, – деди Хўжа Муҳаммад ҳолдан

тойган, ранги-рўйи ўчган ҳорғин йўлдошига қараб. – Ютган ютади дейдилар бизда. Кўпи кетиб ози қолди.

– Йўлга чиққанимизга бир ярим йилга яқин бўлибди. Инсон зоти асаби ва танаси дош беролмайдиган сафар ва муддат, элчибек дўстим. Она сутим оғзимга келди, – ҳамон нолирди кастилиялик элчи. – Сизларда бежизга «йўл азоби – гўр азоби» дейишмас экан.

Улар Термиз қутволи амир Мизробнинг шоҳона уйига жойлашдилар. Шу пайт Самарқанддан янги чопар етиб келди.

– Сафарингиз қандай кечаётганлигини, сизга кўрсатилаётган хизматдан кўнглингиз тўлдими? Ўзларингизни қандай ҳис этмоқдасиз ва қачон пойтахт Самарқандга етиб борасиз? Мен ана шу саволга жавоб олиб, бугуноқ яна бошкентга қайтишим керак! – деди салтанатнинг хос чопари Миср ва Кастилия элчилари олдига келиб иззат-икром билан.

– Биздаги одат бўйича олий ҳукмдорнинг хос чопарига юртга ташриф буюраётган меҳмонлар ҳадя берадилар, – деди Хўжа Муҳаммад Клавихога.

Кастилия элчиси ўзлари билан бирга келаётган ва янги келган чопарларга Флоренцияда тикилган кийимлардан совға қилди. Миср султони элчиси иккинчи чопарга араб оти ҳам совға қилди.

– Подшоҳга ҳурмат юзасидан ҳукмдор юборган кишига, ҳадя бериш бизда қадимдан мавжуд одатдир. Бу туҳфаларни подшоҳга кўрсатилган иззатнинг рамзи сифатида қабул этадилар ҳамда меҳмоннинг сахийлигига баҳо бериб, ифтихор туядилар, – деди элчилар амал қилиши керак бўлган удумларни яхши билган Мавлоно Кашший ҳам суҳбатга қўшилиб.

Элчилар олти кунда улуғ хоқоннинг ота юрти Кешга етдилар. Карвон буғдой ва пахта далалари, токзор, мевали

Нурали ҚОБУЛ

боғлар ва чексиз полизлар оралаб шаҳарга кириб келишди. Хоқоннинг отаси қабрини зиёрат этиб, Оқсаройни томоша қилдилар.

Тахти Қорачор довонини ошиб, икки кундан сўнг Гулбоққа тушдилар. Боғда бир ҳафта дам олиб ўзларига келган мусофирлар тўққизинчи ойнинг саккизинчи, душанба куни эрта саҳарда йўлга чиқиб, Дилкушо боғига туташ катта чорбоққа етдилар. Боғ ўртасидаги бинога жойлашган элчилар истироҳат этганча улуғ хоқоннинг қабул этишини кутишлари керак эди.

– Самарқандга келганимга ишонмайман. Йўлда олти одамимиздан айрилдик. Очдан, ўлганни мазори йўқ дегандек, мен ҳам етиб борганимизга қадар Салазарнинг орқасидан кетиб қолсам керак деган ўйда эдим. Тангрига шукур. Марҳаматидан дариф тутмади. Бир ўлиб тирилдим, – деди Руи Клавихо йўлдош дўсти кўнглини олиш учун астойдил ҳаракат этаётган Хўжа Муҳаммадга.

– Барча қийинчиликлар ортда қолди, биродар. Мақсаду муддаонгизга етишдиңгиз. Эндиги муддао улуғ хоқон ҳузурида бўлиб, соғу саломат юртингизга етиб олишдир. Биз доимо дуода бўлиб турамиз, – дўстига далда берарди Турон элчиси.

Самарқандга ёз оёқлаб куз кирган, тоғлар бошидаги қорлар эриб битиб, Зарафшон ўзани кичрайиб қолган, Чўпонота адири ва қадимий Афросиёб харобалари узра кузнинг сарин, ёқимли шамоли эсарди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

...Бизким, Амир Темур Кўрагон сўзимиз. Аслзода ва музаффар дўстимиз қирол ҳазратларига, дунё учун бағоят фойдали, буюк жанглар ғолиби, малик ва султон, Фарангистон ва бошқа кўпгина халқларнинг қиролига саломлар йўллаймиз ҳамда осойишталик тилаймиз...

Турон хоқони Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI Валуага битган мактубидан

Амир Боботурк мусофирларни муваққат жойларига ерлаштириб, улуғ хоқон ўтирган Дилкушо боғи ўртасидаги қаср томон кетди. Уни сарой ҳовлисида икки ёрдамчиси билан Шоқул шиқовул кутиб турарди. Амир билан саломлашган шиқовул элчилар кўнган боққа қараб кетди.

Дилкушо боғида байрам ҳавоси ҳукмрон эди.

— Ассалому алайкум. Менким Шоқул шиқовулдирман. Турон мулкига, фирдавсмонанд бошкентимиз Самарқандга хуш келибсиз. Келтирган совғаларингизни мулозимларингизга топширинг. Бу кишилар тухфаларни тартибга келтириб, саранжом-саришта этишгач, улуғ хоқон ҳазратларига тақдим этадилар.

Миср қофиласи совғаларини ҳам қабул қилиб олган мулозимлар ҳар икки мамлакат элчиларини эргаштириб боғдан чиқишди. Махсус кишилар элчиларнинг қўлларидан тутиб боришарди.

Арки олтину зангори кошин ила ишланган кенг ва баланд дарвозадан боққа кирдилар. Дарвоза ичкараси ва

Нурали ҚОБУЛ

ташқарисида ўн чоғли найза тутган посбон турарди. Боққа кирган элчиларнинг кўзи зар ёпинғичлар билан безатилган олтита филга тушди. Филларнинг устига айвончалар ўрнатилган бўлиб, ҳар бир айвончанинг олд томонига иккитадан байроқча ўрнатилган эди. Айвончаларда чордана қуриб ўтирган кишилар филларни томоша кўрсатишга ундашарди. Элчилар келтирган ҳадяларни тахлаб қўлларида тутган мулозимлар қатор бўлиб ўтишди. Сўнгра шиқовул келиб элчиларга юришни айтди. Дарвозага киришдан олдин билакларидан тутган мулозим ҳамон уларнинг қўлини қўйиб юбормас эди.

Йиғилганлар Клавихонинг ёнида бораётган, каталонча кийиниб олган қози Хўжа Муҳаммадга кулиб боқишарди.

Элчиларни ўнг тарафдаги шоҳсупада ўтирган, улуғ хоқон синглисининг ўғли дея таништирилган амирзода ҳузурига олиб келдилар. Мусофирлар унга таъзим бажо келтирдилар. Сўнгра қаршидаги супада ўтирган уч нафар бола олдида етаклаб бордилар.

— Улуғ хоқоннинг набиралари! Танишинг ва таъзим этинг! — деди элчиларни етаклаб юрган мулозим.

Уларга таъзим бажо келтиришгач, болалардан бири элчилар келган мамлакат қиролининг Амир Темурга ёзган мактубини беришни сўради.

Элчилар қўлидан мактубни олган Улуғбек Мирзо икки қардоши билан шоҳсупа томон йўналди ва таъзим этганча хатни бобосига тутди.

Меҳмонлар болалар ортидан хоқон ўтирган шоҳсупа томон юрдилар.

Улуғ хоқон қаср ҳовлисидаги баландроқ кўтарилган супада ёнбошлаб ўтирарди. Супа қаршисидаги фавворадан сув отилиб турар, сув юзида қирмизи олмалар сузарди.

Сидирға кулранг ятак, олтин, ёқут, жавоҳир ва бошқа турли антиқа тошлар қадалган тож кийган хоқон ўтирган

шойи кўрпа ялтирарди. Элчилар улуғ хоқонни кўришлари билан ўнг оёқда қўлларини кўксига қўйиб тиз чўкиб, таъзим қилдилар. Бироз яқинига келгач, шу тахлит яна таъзим этишди. Учинчи бор таъзим қилгач, тиз чўкиб туришди.

Улуғ хоқон уларнинг янада яқинроқ келишини айтди. Элчиларни маҳбуслар каби тутиб турган мулозимлар ҳукмдорга яқинлашмоқдан тортиниб қўлларини қўйиб юборишди.

Супа ёнида турган амирлар Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин ва Бурундуқлар элчиларнинг қўлидан тутиб, улуғ амир қаршисига келтириб, сафга тизганча тиз чўқдирдилар.

– Қирол ўғлимнинг аҳволи нечук? Унинг ишлари жойидами? Соғ-саломатми? – сўради хоқон кўноқларга бир зум диққат-ла тикилиб турар экан. – Менга подшоҳлигингиз, қирол ўғлим ва сафарингиз ҳақида сўзлаб беринг-чи!

Руи Гонзалес Клавихо Кастилия ва Лион қироллиги, унинг халқи ва қирол Энрике Учинчининг куч-қудрати ҳақида қисқа ҳикоя қилмоққа тутинди.

– Давлатпаноҳ қирол зоти олийлари Сиз улуғ хоқон, Темурбек олампаноҳга ўзи ва халқи номидан энг эзгу тилақларини йўллайди. Қироллигимиз ғарб ва христиан дунёсининг энг катта ва қудратли давлату мамлакатидир. Бизнинг кемаларимиз тўрт бир тарафдаги дунё сувларида сузадилар. Ғаввосларимиз энг чуқур денгизларда дуру жавоҳирлар излайдилар. Давлатпаноҳ қиролимиз сизнинг Оттоман императори Йилдирим Боязид устидан қозонган тарихий ғалабангиз билан чин юракдан муборакбод этади. Сизнинг нафақат Шарқий Оврупони, бутун Оврупони бошқинчилар таҳдидидан халос этганлигингизни таъкидлайди. Сизни ҳақ ва адолат истаган бутун дунё халқларининг халоскори деб билади. Давлатларимиз ва халқларимиз орасида тиклаган бу дўстлик кўпригининг асрлар оша яшаяжагини тангридан сўраб қоладилар! – дея сўзини мухтасар этди Кастилия ва Лион элчиси.

Нурали ҚОБУЛ

Улуғ хоқон бошини қимирлатганча Клавихонинг сўзини мароқ-ла тинглади.

– Мана, кўринг! Дунёнинг нариги бурчида яшовчи жамики фаранги қироллар ичида энг пешқадами, менинг ўғлим, Кастилия қироли юборган элчилар! Бу инсонлар юртимиз, Турон бошкентимиз Самарқандга неча-неча денгизлар, осмонўпар тоғлар, дашту саҳролар оша келганлар! Бу юртнинг халқи ҳақиқатан ҳам буюк ва улуғ халқдир! Мен шавкатли ўғлим қиролни чин юракдан шарафлайман! Азоб чекиб шунча йўл босиб келган сиз ҳурматли элчиларини ҳеч бир совғасиз, бир энлик мактуб ила жўнатганда ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлигини билиб, совға олган каби хурсанд бўлар эдим! – лутф этди самимий оҳангда улуғ хоқон. – Қани марҳамат! Иккинчи элчимизнинг ҳам бизга айтажак сўзлари бўлса буюрсинлар! – илоҳиёт магистри дея Фра Альфонсо Гозс де Санта Марияга қаради хоқон.

Амирзода Улуғбек Кастилия ва Лион қироли Генрих Учинчининг мактубини қўш қўллаб кўтарганча бобоси қаршисида турарди.

– Давлатпаноҳимиз қирол зоти олийларининг салом ва ҳурматларини сиз улуғ хоқон ҳазратларига етказмоқдан фахру гурур туймоқдамиз! Муборак арз ва эътиборлари учун шуни сўйламоққа ижозат этасизки, қиролимиз сиз зоти олийларига юборган мактубни мендан бошқа ҳеч ким ўқий олмайди. Зоти олийлари не замонни уйғун ва лозим кўрсалар ўқиб беражакман!

Тилмоч Де Мариянинг сўзларини таржима этди.

– Агар мактубни ҳозир эшитишни хоҳласам-чи? – дея сўради хоқон кулимсираб.

– Ҳазрати олийлари қачон истасалар хизматлариға мамнуният-ла ҳозирман, – жавоб қилди Де Мария.

– Кўп маъқул, меҳмон. Сўнгроқ истироҳат замонида

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

ҳузуримга даъват этамен. Иккимиз бафуржа ўтириб суҳбатлашамиз ва мактубни таржима этиб берасиз. Бироқ шуни таъкид этмоғим жоизки, қирол ўғлимиз шунча узоқ масофадан бизга ажойиб лочинлар юборибди. Бу жониворларни бир ярим йил муддат давомида асраб-авайлаб, парваришлаб олиб келган сиз заҳматкаш инсонларга алоҳида ташаккур этаман. Қирол ўғлимга эса мулку давлат, тахти салтанат ишида мудом лочин каби журъат-жасоратли, кучқудратли бўлмоқликларини тангридан сўраб қоламан!

Расмий маросим тугагач, элчиларни ўрниларидан турғизиб, улуғ хоқоннинг ўнг томонидаги супага ўтиришга даъват этдилар.

Мирзо Улуғбек бошчилигидаги амирзодалар назокат ила элчиларнинг билегидан тутган ҳолда кўрсатилган супага ўтқаздилар.

– Фаранг ва Миср элчиларини Чин элчиларидан юқорига ўтқазинг! – баланд овозда буюрди улуғ хоқон янада яқинидан жой кўрсатиб. – Бундан сўнг ҳузуримдаги барча базм ва сайлларда улар шу тартибга ўтирсинлар!

Миср ва Кастилия элчилари улуғ хоқон айтган супага келиб ўтирдилар.

– Улуғ хоқон ўз ўғли ва дўсти фаранг қироли элчисини юқорига, сиз, хоқоннинг разил душмани ва қароқчининг элчисини эса улардан қуйида ўтиришингизни буюрди! – деди амир Бурундиқ Чин элчилари ёнига келиб. – Бундан сўнг ҳам қароқчи каби бизга бож талаби билан қадам босадиган бўлсаларинг, осиб ўлдириласанлар!

– Энди ҳурматли меҳмонларимизни лаззатли таомларла мусофир этинг! – буюрди улуғ хоқон қабул маросими тугаганини билдириб.

Барча меҳмон ва мезбонлар ўз ўрниларини эгалладилар. Ҳар бир давранинг ўртасига доира шаклидаги гардиши зарҳалланган чарм балдоқли ошлоқлар ёзилди. Бу дас-

Нурали ҚОБУЛ

турхонлар қайнатиб тузланган, қовурилган от ва қўй гўшти билан тўла эди. Этнинг кўплигидан тери суфрани кўтариб бўлмас, уни бир жойдан иккинчи жойга олиш керак бўлганда судраб элтишарди.

Руи Гонзалес Клавихо улуғ хоқон қасрида бўлиб ўтаётган қабул ва зиёфат маросимини диққат билан кузатиб ўтирарди.

Этларни келтирган хизматчилар улуғ хоқондан йигирма қадам чамаси узоқлашгандан сўнг олдиларига пешбанд тутиб, қўлларига чарм қўлқоп кийган гўшт тўрғовчилар келишди. Чарм ошлоқ бошига тиз чўкканча қонун-қондасини келтириб, эт майдалай бошладилар. Ўз ишининг усталари бўлган бу кишилар этларни катта олтин, кумуш, чинни ва сопол товоқларга ейишга қулай шаклда кесиб, чиройли қилиб теришарди.

Фахрли ва тансиқ таом саналмиш отнинг суяксиз бутунича пиширилган сон гўштини ўнта олтин ва кумуш лаганларга гул каби кесиб қўйиб чиқишди. Қўйнинг суягидан ажратилган семиз сон эти, от буйрағи ва қўй каллаларини ҳам товоқларга теришди. Юзларча товоқларни этларга тўлдирганларидан сўнг уларни бир текисда қатор қилиб тердилар. Бир неча хизматчи ўндан ошиқ шўрва тўлдирилган кулоқли тоғораларни икки кишилашиб кўтариб келишди. Қайнатма шўрвага туз солиб, таъмини ростладилар. Шундан кейин гўшт солинган ҳар бир товоқлар устига бир-икки чўмичдан шўрва қўйдилар. Юпқа қилиб пиширилган товоқ каби катталиқдаги нонларни тўрт буклаб, лагандаги этлар устига қўйиб чиқдилар.

Гўшт тўлдирилган товоқлар шу қадар катта эдики, уни бир киши кўтара олмасди. Сарой мулозимлари, амирзода ва аслзодалар икки-уч кишидан бўлиб, товоқни икки улуғ хоқон олдига қўйдилар. Хоқон ўз олдига қўйилган лаганларни Миср, Рум ва испан элчилари дастурхонига элтишни

буюрди. Эт тўла идишлар ярим бўлмасдан олиб, икки кишилашиб янгисини келтириб қўйишарди.

Улуғ амир ёнгинасида емак еяётган фаранг элчиларига боқаркан, беихтиёр қози Хўжа Муҳаммадга, унинг испанча кийимига тикилиб қараб қолди.

– Фаранг либоси сенга кўп ярашибди, қози Муҳаммад. Ишқилиб меҳмонлар билан яна қайтиб кетмайсанми? – кулиб деди хоқон ҳамон унинг кийим-кечагига қизиқсиниб боқаркан.

Улуғ хоқон бирдан ўзига эътибор қаратишини кутмаган Хўжа Муҳаммад кўлидаги тўш этини суфрага қўяроқ сакраб ўрnidан туриб хоқонга таъзим этди.

– Узоқ қолиб кетдинг. Албисангга қараганда Фарангистонда уйланиб бола-чақали бўлганга ўхшайсан. Бу кийимни ҳам фаранг хониминг тикиб берган чиқар, – ҳазиллашди хоқон.

Амиру вазирлар хоқоннинг гапига маза қилиб кулишар, Хўжа Муҳаммад эса не деярини билмай қизарганча қўл қовуштириб тик турарди.

– Ўтир! Ўтир! Қўноқларимизга яхши қара. Яшаш ва маишатларида ҳеч бир қусур бўлмасин! Ватанларига қайтгунларига қадар уларнинг увол-савоби сенинг бўйнинг-дадир! – сўзида давом этди улуғ амир ўша табассумда. – Эшик оғамиз сизларга бош бўлиб, ҳар бир ишда кўмак этади.

Олий эътибору илтифотдан шўрва ичган калдек терлаган Хўжа Муҳаммад жойига ўтирганча улуғ хоқон сўзларини элчиларга таржима қилар, улар эса жилмайишарди.

– Зиёфатда еганингиз қадар этни истеъмол этасиз. Биздаги удумга кўра меҳмонлардан ортган емак хос хизматчилар орқали уйларига жўнатилади. Бу одатга амал қилиб, эт қўноқнинг орtidан юборилмаса, ҳурматсизлик саналади. Сизлар каби хорижий элчилар ва меҳмонларнинг хизмат-

Нурали ҚОБУЛ

корлари бўлса, бу тегишларни улар олиб кетадилар, – мавжуд тартиблар ҳақида билги берар эди Хўжа Муҳаммад.

– Ортган бу этлар бизга камида ярим йилга етади-ку? – деди ҳайрон бўлиб Руи Гонзалес.

– Насибангиз. Уни ейсизми, бировга берасизми, бу сизнинг ишингиз.

Хизматчилар суфралардаги қовурилган ва қайнатилган этларни тартиб билан олишди. Унинг ўрнига тузланган сур қўй эти, ҳасип ва бошқа усулларда тайёрланган емаклар келтиришди. Бу овқатлар ортидан суфрага қовун-тарвуз, узум, ўрик, шафтоли ва элчилар ҳеч кўрмаган бошқа мевалар қўйилди.

Зиёфат сўнгига яқинлашар экан, бежирим кувачаларда асал аралаштирилган қимиз улашдилар.

– Зиёфат тугади ҳисоб. Энди элчилар олиб келган совғаларни улуғ хоқон назаридан ўтказадилар, – деди Хўжа Муҳаммад ҳамкасбларига.

Қозининг сўзи тугар-тугамас, мулозимлар қирол юборган совғаларни кўтарганча хоқон олдидан ўта бошладилар. Сўнгра Миср султони тухфалари намойиш этилди. Бошқа қўноқлар олиб келган уч юз асил тулпорни ҳам улуғ хоқонга тақдим этдилар.

Эшик оғаси элчиларни салтанат меҳмонхонасига жойлаштирди. Ёнма-ён биноларга Миср ва Рум элчилари ерлашдилар. Емак-ичмак ашёлари келтирилиб, ошчи ва бекчилар тайинланди.

Кечга яқин элчилардан хабар олгани амир Боботурк келди.

– Сизларни кузатгандан сўнг улуғ хоқон келтирган совғаларингизни кўздан кечириб хурсанд бўлдилар. Яна бир бор ташаккурларини етказишимни сўрадилар. Одатда бошқа шоҳлар юборган ҳадялар уч кундан сўнг очиб кўрилади. Қиролга бўлган ҳурматлари боис, у юборган тухфаларни бугуноқ кўриб, келтирган гумашларни ёнлари-

да бўлган буюк малика Бибиҳоним бошчилигидаги хонимларига бўлиб беришни буюрдилар. Миср ва Рум элчилари совғаларини сўнгра кўражаklarини айтдилар, – совғаларни кўриш маросими тафсилотини ҳикоя қиларди амир Боботурк. – Улуғ хоқон ҳазрат олийлари сизларни янаги душанба куни Боғи Чинорда ўтадиган базму тантанага таклиф этдилар. Унга қадар шаҳар айланиб, истироҳат эта билурсиз, – дея элчиларнинг бир ҳафталик кун тартибини баён этди амир. – Неки истакларингиз бўлса эшик оғаси ва менга билдирурсиз. Имконимиз эл бергани қадар ўрнилатмоқ жаддида бўлурмиз.

Элчилар Боғи Дилкушонинг пишиқ ғиштдан ишланган, тўқ саморанг кошинлар, ложувард ва тилла суви билан турли услубда сайқал берилган муҳташам дарвозасидан кириб бордилар.

Боққа яқинлашган одамнинг бежирим ва маҳобатли дарвозага кўзи тушиши билан руҳи ва кўнгли кўтарилар, бу бетакрор гўзаллик киши қалби ва ақлини юксакликка кўтарди.

Пишиб етилган олма, шафтоли, ўрик ва нок оғочларидаги сархил мевалар узилмаган, кенг бўзаламга турли рангдаги шоҳона чодир ва ўтовлар тикилган эди. Бу ўтов ва оқ уйлар турли кўз қамаштирувчи ипак гиламлар, шойи матолардан тикланган бўлиб, қуёш нурида товланиб, кўзни қамаштирарди. Чодирлар саҳнидаги турфа рангли соябонлар остига қирмизи гиламлар тўшалган, айримларига курсилар қўйилган эди.

Боғ ўртасида хоч шаклида қад кўтарган қаср кўзга ташланар, зарпардалари нурда товланиб диққатни тортарди.

– Боғ қасрини кўриш мумкинми? Ёки у ерда давлатпаноҳ Темурбек бормилар? – сўради Клавихо испанчага анча тили келиб қолган Хўжа Муҳаммаддан.

– Ҳозир сизларни шу саройга даъват этадилар. Бироқ негадир бошқа мамлакатларнинг элчилари кечикишмоқда.

Нурали ҚОБУЛ

Шу туфайли бизни ташқарида беклатмоқдалар. Бунинг устига тилмочдан ҳам дарак йўқ. Агар бундан улуғ хоқон хабар топсалар, айбдорларнинг терисини шилади — ташвишли-нигоҳда атрофга алангларди Хўжа Муҳаммад.

Миср, Усмонли ва Чин элчиларининг келишини кутмасдан уларни қасрга таклиф этдилар. Базм ва йиғилишларга мўлжалланган сарой кенг эди. Қасрга кирган кишининг эътиборини тўрдаги кенг тахмонга қўйилган одам баландлигидаги кумуш қопламали сандиқ тортарди. Бош тахмоннинг ён томонларида ёнма-ён яна учтадан тахмон бўлиб, ипак ва шойи кўрпалар йиғиб қўйилган эди. Сарой деворлари ва товони нақшлар билан безалганди. Деворларга гулдор ипак матолар қопланган бўлиб, пардаларга қадалган зумрад, ёқут, дуру жавоҳирлар нурда сеҳрли товланарди. Очиқ деразалардан эсган эпкинда улар янада гўзал ва бетакрор жилоланиб, ҳилпирарди.

Улуғ хоқон келмаганлиги туфайли саройни айланиб томоша қилиш мумкин эди. Бундай имкониятни қўлдан чиқармоқни истамаган Руи Гонзалес ҳар бир қимматбаҳо ашёни диққат билан кўздан кечирарди.

Қаср девори бўйлаб кетган тахмонларнинг равоқли эшикларига ҳам безакли пардалар тутилган бўлиб, бу пардалар найзасимон ёғочга илинган, учларидаги узун боғичлари ерга тегиб турарди. Ҳар бир тахмонга турли ранг ва безакдаги пардалар осилган эди. Сарой саҳнига жун, пахта ва ипақдан тўқилган нақшли гиламлар тўшалганди.

Қаср ўртасида кириш эшигининг қаршисида иккита мўъжаз олтин хонтахта турарди. Тўрт пояли, яхлит ясалган хонтахталарнинг узунлиги икки ярим, кенглиги бир ярим қарич келарди. Хонтахта устига етти дона олтин кувача қўйилганди. Бу кувачалардан иккитасининг сиртига йирик-йирик марварид, зумрад ва ферузалар қадалган эди. Уйилган чизиклар зиҳига ёқут ёпиштирилганди. Хонтахталар устида олти юмалоқ тилла коса ҳам турарди. Косалардан

бирининг ичига йирик юмалоқ гулдор марваридлар билан сайқал берилган бўлиб, ўртасига йўғонлиги икки бармоқ қалинлигидаги бежирим табиий ёқут қадалганди.

– Биз ҳам базмга кеч қолибмиз. Тилмочни кутиб ушланиб қолдик-да. Улуғ хоқон емак еб бўлган эканлар. Меҳмонларнинг кеч қолганидан хафа бўлибдилар. Тилмочни кутмай олиб келавермайсизларми дея мулозимларни койидилар, – вазиятни ўрганиб элчиларга маълум қилди Хўжа Муҳаммад.

– Мен ҳам оладиганимни олдим, – деди ҳовлиқиб, терга тушганча етиб келган Шоқул шиқовул бўйин ва пешона терини артаркан. – Бунинг устига ҳарам билан илгиланадиган амирлар ҳам келмасалар бўладими! Улуғ хоқон таъблари тирриқ бўлиб, истироҳат учун чекилдилар. Бугун онҳазратни кўролмайдилар. Айтнинг, – деди испанчани янтоққа судраб гапираётган қози Хўжа Муҳаммадга. – Мен ҳозироқ тилмочга одам юбориб, олиб келтираман! Бир таъзирини берайлик у итваччанинг!

Меҳмон ва мезбонлар боғни айланиб ўша муҳташам кириш дарвозаси томон юрганларида бир-икки мушт еган, ёқавайрон тилмочни топиб келдилар.

– Сен бетайин ва шарафсиз кимса туфайли улуғ хоқон ҳазрати олийлари элчилар билан кўриша олмади. Қайси гўрда юрасан? Бугунги маросимдан хабаринг бор эди-ку! Итнинг боласи! Сенинг одам бўлиб, ҳақиқий маъмур каби хизматга ҳозир бўлиб туришинг, кўзинг очилиши учун танобингни тортамыз. Бурнингдан ип ўтказиб, бутун шаҳар бўйлаб кўппак каби етаклаб юришларини буюрамиз! – деди Шоқул шиқовул бақириб.

Шиқовул гапини тугатар-тугатмас, атрофдаги мулозимлар қаердандир бигиз топиб келиб тилмочнинг бурнини тешмоққа киришдилар.

– Тешсангиз оғзи бурни шишиб, таржимонлик қила ол-

Нурали ҚОБУЛ

майди. Бизда бундан бошқа тилмоч йўқ! – деди бу гапдан хабар топган Боботурк югуриб келиб. – Керак бўлса унинг гуноҳини улуғ хоқон ҳазрати олийларидан мен сўраб оламан! – дея ғавғони бартараф этди амир.

Тилмочни ёнига чақирган амир унга қараб деди:

– Мусофирларга сўйла. Базмда иштирок эта олмаганлари учун турли емаклар ила бешта қўй ва икки кўза шароб элтиб беришади. Ҳозир манзилларига қайтишлари мумкин. Келгуси базм, янаги душанба куни Боғи Навда бўлади. Хоқон уларни даъват этдилар.

Тилмоч кўзлари жовдираганча амирнинг сўзларини таржима қилди.

Элчилар қароргоҳлари томон жўнадилар.

– Суҳбатни суймаган тегирмон қураб, кўноқни суймаган боласин урар дегандек, ал-паканатун ал-фитнатун шиқовулни қилган ишини қаранг-а? – деди Боботурк Хўжа Муҳаммадга элчиларни кузатгач.

– Сиз бу жоҳилларнинг миллатни калтаклашидан бирига шохидсиз. Мен кўрганни ўндан бирини кўрганингизда уларни ўлимга ҳукм этардингиз, – жавоб қилди Хўжа Муҳаммад. – Сўйлаган ажойиб ота сўзингизга ишёқмас ит суғорар деган гапни қўшимча қилса бўлар экан.

Боғинав базмига боришларидан бурун эшик оғаси юборган амир бир кўза шароб, мева-чева кўтариб келди.

– Улуғ хоқонимиздан амри фармон бўлди. Давлатпаноҳ хузурларига бироз май ичиб, шоду хуррам кайфиятда борар экансизлар, – деди амир кўзанинг тиқинини очиб, косаларга шароб тўлдирар экан.

Меҳмонлар ҳайрон бўлганча бир-бирларига қараб қолдилар.

– Олампаноҳнинг саройига ичиб борсак қандай бўлар экан? – таажжубланиб Хўжа Муҳаммаддан сўради Де Мария.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Рухсат берилган. Бугун ҳамма, ҳатто аёллар ҳам ичадилар. Олдинги зиёфатларда шоҳиди бўлганингиз каби қимиздан бошқа ичимлик ичилмаган эди. Бизда тартиб шундай. Подшоҳимиз ич десалар ичамиз, ичма десалар ичмаймиз, – деди амир бир коса шаробни сипқорар экан.

Руи Гонзалесдан бошқа барча меҳмонлар бир-икки косадан май ичишди. Сўнгра йўлга чиқдилар.

Тўртбурчак шаклидаги боғ сайқал берилган юксак девор билан ўралган бўлиб, тўрт бурчагида улкан миноралар қад кўтариб турарди. Боғ ўртасидаги баланд ва муҳташам қаср олдидаги ҳовузда турли олтинбалиқлар сузишиб, сув юзидаги қирмизи олмаларни талашиб, ўйнашарди.

Олтин ва ложувард бўёқлар билан ишлов берилган қаср узоқдан ярқираб кўринарди.

– Бизда кишилар ўз уйлари ҳамда жамоат жойларида фақат олий ҳукмдорнинг рухсати билан ички ича оладилар. Акс ҳолда, жазога тортиладилар. Бугунги базмда шароб ичишга рухсат этилади. Бундай базмларда ички ичиб маст бўлиб қолмоқ ва ножўя хатти-ҳаракатлар қилмоқ айб саналмайди. Ширакайф бўлинмаса, базм яхши ўтмаган ҳисобланади, – элчиларга таомилни изоҳ этиб борарди Хўжа Муҳаммад.

Элчилар бундай базми Жамшидни кўрмаган эдилар. Соқийлар коса тўла майни тиз чўкиб узатишар, бўшаган қадаҳга яна май тўлдиришарди. Бир соқий шароб қуймоқдан толиқса, ўрнига иккинчиси келарди. Ким сипқориб бўшатмаса қўлидан косани олишмас, охиригача ичмаслик подшоҳга нисбатан ҳурматсизлик саналарди. Подшоҳнинг соғлиги учун қадаҳ кўтарилганда барча бирдек косаларни сипқорарди. Ички ичмаганларни ётқизиб оғзидан қуйишарди. Барчадан кўп май ичганлар баҳодир саналиб, эл оғзига тушарди.

Ҳеч бир емак емасдан бошланган майхўрлик анча давом

Нурали ҚОБУЛ

этди. Ниҳоят сўфрага қовурилган от гўшти, қайнатилган, қовурилган ва сур қўй гўшти ҳамда турли дориворлар се-пилиб пиширилган сарик, қизғиш гуручли емаклар олиб ке-лишди.

Емак емоқ маросими тугагач, амир Шайх Нуриддин танга тўлдирилган катта кумуш косани кўтарганча ўртага чиқиб келди. Ақчаларни дастлаб элчилар, сўнгра бошқа меҳмонлар бошидан сочди.

– Ҳурматли меҳмонларимиз, элчиларга кимхоб тўнлар кийдирилсин! – деган улуғ хоқоннинг овози эшитилди.

Элчилар уч марта тиз чўкиб, хоқонга таъзим қилдилар.

– Бир зум сукут! Энди шоири замон Шоҳи Қаландар шеър ўқийди! Тингланг! – деди улуғ хоқон кўлини кўтариб.

Меҳмону мезбонлар не қадар ички ичиб сархуш бўлма-син, солинга пашша учса эшитилгудек сукунат чўқди.

Тахт қаршисидаги саҳнга сафойилини кўлтиғига қистирган узун бўйли, игна ютган тозидек озғин, буғдойранг, калта соқолли, эғнида ёқасиз узун кўйлак, жияк ёқали сидирға яктак, кулоҳ кийган, бироз сархуш Шоҳи Қаландар чиқиб келди.

Улуғ хоқонга таъзим бажо келтирганча сафойилини чап кўлига олиб, оҳисталик билан бир куйни чала бошлади.

Аксар айтув айтувчи қаландарларнинг сафойили бўлиб, ёғоч дастага ўрнатилган бир неча ҳалқадан иборат мусиқа асбоби эди. Қаландар ва дарвешлар кўча ва майдонлар-да сафойилларини шалдиратиб, айтув айтиб, ўйинга ту-шишарди. Буни кўрган халойиқ улар томон оқиб келар, шу баҳонада беш-ўн чақалик бўлишарди.

Шоҳи Қаландар айтган айтувга мос оҳангда сафойилини шалдиратганча кўзини ёўлагини оқартириб, шифтга қараб, шеър ўқимокқа бошлади:

Иймон тоғи юксалар,
Элда шукрона бўлса,

Сарой эрмас, кўнгилда,
Кўшқлар қасрона бўлса.

Савобнинг таги тешиқ,
Ишда қусрона бўлса.
Улус ғофил яшагай,
Ҳар не пинҳона бўлса.

Етим ҳақини ерлар,
Ҳақ сўз гумдона бўлса.
Ситамнинг шами ёнар,
Диллар вайрона бўлса.

Яхшилар топиб сўйлаб,
Лофлар дурдона бўлса.
Миллат юки енгилдир,
Бошлар шоҳона бўлса.

Биринчи айтувни тугатган Шоҳи Қаландар улуг ҳоқонга таъзим этганча иккинчи айтувни бошлади. Руи Гонзалеснинг ёнидаги калтак еган тилмоч шеърнинг маъносини таржима қилиб турарди.

Улус пешонаси шўр,
Шоири хоин ўлса.
Шўрига шўрва тўкар,
Хоинлик ойин ўлса.

Адолатнинг кўзи кўр,
Юзсизлик ёйғин ўлса.
Фатволар терс ўқилур,
Алдовлар ёйин ўлса.

Пайтава салла бўлиб,
Сотқинлар сайин ўлса.

Шарафсизлар шон қучиб,
Нобакор сайғин ўлса.

Ақли салим ер каби,
Юртида қувғин ўлса.
Бошсиз элга бош бўлма,
Ҳақ йўли тайғин ўлса.

Шоҳ Қаландар тавба эт,
Тўрғайлар туйғун¹ ўлса.
Қишни қишла, ёзни кут,
Баҳорлар уйғун ўлса.

– Давом эт, Шоҳи Қаландар! – деди улуғ хоқон хуш кай-
фиятда.

Дарвеш сўнги битигини ўқиди.

Эй улус, қадрини билгин,
Бундай замонлар келмагай.
Етти иқлим узра янграр,
Ёху-у суронлар келмагай.

Буддаю муслим, насроний,
Сулху ёронлар келмагай.
Ғаним отин тўзонида,
Оху фиғонлар келмагай.

Кўксингу кўзинг ўяр,
Босқин, қиронлар келмагай.
Чингизу жўчилар келар,
Соҳибқиронлар келмагай.

¹Туйғун – қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги.

Бошда не бор, кўз тортадир,
Зафарли онлар келмагай.
Нени ҳақ этсанг, олурсан,
Асл султонлар келмагай.

Тангри тоғдин Босфор қадар,
Отар оқ тонглар келмагай.
Тасмадек ерда яшарсан,
Буюк Туронлар келмагай.

Улуғ хоқон ўйга толганча бошини маъноли ирғаб ўтирарди.

– Улуғ шоиримиз Шоҳи Қаландарнинг елкасига кимхоб тўн ёпилиб, ўн олтин танга берилсин! – амр этди хоқон.

– Ташаккур!

– Баракалло!

– Отанга раҳмат! – овозлар эшитилди солиндан.

– Мен ҳам шоирга ҳадя берсам бўладими? – сўради Руи Гонзалес Хўжа Муҳаммаддан.

– Бўлади. Фақат унинг олдига боргач, улуғ хоқонга таъзим бажо этиб, ҳурматингизни ифода этиб, рухсат сўрагандек бўласиз. Зоти олийлари изн бериб ишорат этадилар. Нима ҳадя этмоқчисиз?

– Эгнимдаги испанча яктагим билан кумуш тўғали камаримни.

– Жуда маъқул. Зоти олийлари ҳам мамнун бўладилар.

Руи Гонзалес ҳамкасби айтган каби даврага чиқиб, хоқонга таъзим қилди. Қўлида яктаги ва камари бор эди. Улуғ хоқон қўли билан ишора этди. Элчи яктагини дарвешнинг елкасига ёпиб, камарини белига тақиб қўйди.

Бу эътибордан мутаассир бўлган Шоҳи Қаландарнинг кўзи ёшовлади.

Кайфи чоғ улуғ хоқон Шоҳи Қаландарни ёнига чорлади.

Нурали ҚОБУЛ

Анчагина шароб ичиб қўйган Шоҳи Қаландар бироз солланиб, хоқон ўтирган супага яқинлашди.

– Соғлиқлар нечук, қаландари замон? – сўради хоқон соқийга-май-қуйишни тшора этаркан.

Бели боғлоқлиқ май қуювчи косани тўлдириб, қаландарга узатди. Сарой суфрасида май ичмоқ русумини яхши билган шоир косани бир кўтаришда бўшатди.

– Тангрига минг бора шукур, Султон Соҳибқироним! Сиздек хоқони акрам, амиру муаззам ҳол-аҳволимизни сўраб турсалару, биз Оллоҳнинг гуноҳкор қуллари хаста бўлсак айб бўлур, – одатдагидек ҳозиржавоб эди Шоҳи Қаландар.

– Масти Қаландар аталмиш бир шогирдинг бор экан. У ҳам сен каби балонинг ўқи-ку, Шоҳи Қаландар. Бизни йўлда тутиб олиб, ёқамиздан тутганча айтув айтди. Бу кетишда сен ҳам унинг олдида ип эшолмай қоласан шекилли? – битикчини гапга солди хоқон.

– Эшак-ла бир бўлса отнинг охури,

Мутлақ кулга ағнар бир кун охири. – Шеърый сатр билан жавоб берди Шоҳи Қаландар.

– Ана саволга жавоб, Шайх Нуриддин! Эшитяпсизми? – ёнида ўтирган амирга қараб кулди хоқон. – Майли, Шоҳи Қаландар. Тузуккина ички ичиб чарчаган кўринасан. Бироқ шунга қарамай бирор-бир сатрида адашмай учта шеър ўқидинг. Офарин! Истеъдод – илоҳий неъматдир! Уни эъзозлаб, қадрига етмаган шарафсиз ва чаласавод нодонлар Тангрининг илоҳий неъматига ношукурлик қилган, ўз улусининг кўзини беркитган бўладилар! Яна бир неча тўртлик ўқигину, сенга ижозат!

Аранг оёқда турган Шоҳи Қаландар ҳаяжонланганча яна бир неча тўртлик ўқиди:

Отдан тушсанг, ёнингдан ҳар кас қочар,

Тўфонга орқа қилиб, ҳар, хас қочар.

Парча луқма пешида ҳар наҳс қочар,

Отаси Нуҳ ўлсаки, Ёфас қочар.

Итларнинг улиганин,
Арслону бўри туймас.
Қашқирлар улиганда,
Тепада тангри туймас.

Оқ юзни англатормассан юзсизга,
Юртим дея нола қилма юртсизга.
Қут ҳақида оғиз очма қутсизга,
Субутдан сўз очмагин субутсизга.

Элни топган ўзга учун йиғлайди,
Элдан қўпган ўзи учун йиғлайди.
Айбин ёпган изи учун йиғлайди,
Қадри сопқон сўзи учун йиғлайди.

Бул қавмда авлиё ҳам разилдир,
Чироқ ёқиб тополмадим асил бир.
Хоин элда баҳор қишдек фаслдир,
Юртни юрт этажак, тоза наслдир.

БЕШИНЧИ БОБ

*Бақтрияда минг шаҳар бор – ўша
мингдан бири – Дизак¹.*

АВЕСТО

*Дизак – Уструшомага қарашли
Факнон вилоятидадир.*

ИБН ХАВҚАЛ

Кечаси Боғишамолда истироҳат этган улуғ хоқон одатдагидек барвақт уйғонди. Таҳорат қилиб, бомдод намозини ўқигач, қаср ҳовлисига чиқди. Хос чухра ҳамон ўтирғич келтирди.

¹Жиззах – қадимги манбаларда қалъа, қўрғон маъносида талқин этилади. “Туз ҳақи”, яъни берилган тузни ҳақ этган, “Туз оқ” – яъни тузни оқлаган ва “тузоқ” мазмундаги изоҳлари ҳам бор.

Нурали ҚОБУЛ

– Ҳозироқ буюк бибига хабар юборинг! Боғи давлатобод кўшкига етиб келсинлар! Бирга нонушта қиламиз! – буюрди хоқон орқасида қўл қовуштириб турган хос мулозимга, курсига ўтирар экан. – Ошчи ва хизматчиларга сўйланг. Нонуштани Боғи давлатободда ҳозирласунлар. Бироздан ўзимиз ҳам отланамиз.

Боғи давлатободда тушки зиёфатга ҳозирлик кўриларди. Улуғ хоқон боққа кирганида, бош малика ҳам эндигина етиб келган, кўшкнинг катта солинидаги ойнага қараб сочларини тўғриларди. Ташқаридаги шовурни туйгач, эшик томон йўналди.

Ошчилар нонушта учун ёғли туркпатир, ширгуруч тайёрлагандилар. Хонтахта устида оқ ва қора кишмиш, ҳасайни ва ҳусайни товланиб турарди.

– Тўйга ҳозирликлар қандай кетмоқда? – сўради хоқон қаршисида тиз чўкканча патир ушатиб хизмат этаётган маликадан. – Демак, тўйга Мироншоҳ, Шоҳрух ва Искандар Мирзодан бўлак барча амирзодалар айтилди. Хорижий мусофирларимиз ҳам келиб бўлишди чамамда.

– Ўғилларининг никоҳ тўйларида амирзода Мироншоҳ билан Шоҳрухмирзонинг даъват этилмагани ноқулай бўлмадими, улуғ амирим? – хижолатомуз оҳангда сўради бош малика. – Айниқса, Мироншоҳ Мирзо. Кўнгли ярим...

– Ул шаккокнинг кўнглини сиз ила мен ярим қилганим йўқ. Тўни ёмонни ит қопар, кўнгли ёмонни тангри топар дейдилар. Кимнинг атворидаки сабру шукр етишмаса, билингки, унинг қалби, иймону виждонида эксиклик бор. Мен аслида бу ўроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозирларга бир дуогўйман. Шу авлодларим бошқарсин, улусга хизмат этсин дея етти иқлимни фатҳ этдим. Бироқ у шундай бир қиблагоҳига қарши исён кўтармоққа журъат этди. Мендан бошқа одам бўлганида унинг терисига сомон тикарди. Нафақат тўй муносабати ила, умуман, унинг

Самарқандга келишига ҳеч қандай ҳожат йўқ. Ҳар ишнинг аёну баёни ўртада. Кўзим тирик экан, у шарафсиз думини қисиб, ўғли амирзода Умарнинг ёнида тек юради. Худо кўрсатмасин кўзим пана бўлса яна нағма кўрсатиши мумкин. Шоҳрухмирзони чақирсақ, валиаҳд Пирмуҳаммад у тарафда қолиши керак бўларди. Ул чексиз ҳудудларни бирор-бир амирзодасиз қолдириб бўлмайди. Қолаверса, акаси Муҳаммад Султоннинг жанозасига ҳам қатнаша олгани йўқ. Етти йилдир Самарқанддан йироқда. Келиб буюк қардоши қабри бошида бир қўш ҳовуч фотиҳа ўқиб кетади. Бундай ўлим ва айрилиқлар уларга сабоқ бўлади дея умид қиламан ва яна тангридан уларга инсоф беришини тилайман. Яна парвардигор билгувчидир. Валлоҳи аълам, бисовоби фақир! – деди хоқон бироз асабийлашиб.

Бош малика бехосдан улуғ хоқоннинг оғриқли дил ярасига тегиб қўйганлигини кейин англади.

– Мен шунчаки айтдим-қўйдим, улуғ хоқоним. Сиздек буюк бобо улар учун ўн отанинг ўрнидасиз. Буни набираларингиз ҳам яхши биладилар ва сизни бошларида кўтардилар, – тутилиб сўйлаганча гапини силлиқламоқчи бўлди малика.

– Сиз куда-андаларни кутиб олмоқ ва кузатиб қўймоқ, муносиб саропардалар тиклаб, кўнгилларини олмоқ ила илгиланинг. Маликаларга сўйлангким, айниқса, хорижий мусофирлар олдида ички ичмоқдан ўзларини бироз чеклаб, қуюшқондан чиқмасинлар. Аёллар ҳеч бир ишда эркак зоти билан баҳслашиб, беллашмаслиги керак. Билхосса ҳамманинг кўзи қадалиб турган маликалар бул хусусда улус оймларига ибрат ўлмоқликлари лозим.

– Англадим, улуғ хоқоним. Амру кўрсатмаларингизни жумлама-жумла, ҳарфиян ерига келтиражакмиз, -- жавоб қилди малика. – Амри фармонингиз қулидирмиз!

– Унда ҳозирликлар ҳақида сўйлай билурсиз? – деди хоқон ёнбошлар экан.

Нурали ҚОБУЛ

– Ҳозирликлар кўнгилдагидек кетмоқда. Келин-куёв ва қудалар сарупо-суруқларни тайёрлаб, тўйга таклиф этилажак аёл мусофирларга даъватномаларни жўнатдик. Қуданг-қул-бўлса-қулдек бўл дегандек, қудалар кўнглини олмоқдамиз, улуғ амирим, – жавоб қилди бош малика алпаловчи овозда. – Меҳмонларимиз кела бошладилар.

– Демак, бугун тўққизинчи ойнинг йигирма учи. Илк тўй тантаналарини ўнинчи ойнинг еттинчи куни бошлаймиз. Олий ўрдунинг буюк саропардасида базм зиёфат берамиз. Сўнгра сиз зоти олиялари, келинимиз Хонзодабегим ва бошқа хонимлар мўътабар амиру вазирларимизни ҳамда хорижий элчиларни мусофир этиб, ҳадялар тақдим этингиз. Бутун тўй ҳашам маросимларини билхосса ўзингиз тартибу назорат этинг! Аслида амирзодаларимизнинг уйланмоқларига ҳам бироз вақт бор эди. Бироқ уларнинг бошини иккита қилиб, оёқ-қўлини боғлаб қўймасақ, бировнинг тамғасига ошиқ бўлган набирангиз каби ўйин кўрсата билурлар.

– Амри фармонлари бошим ва кўзум устидадир! – деди малика икки қўлини кўксига қўйиб.

– Амирзода Халил Султон набирамининг ишлари нечук? Ҳалиям ўша саёқ билан биргами? Ундан воз кечмадимми? – қовоғини уйганча мавзуни ўзгартирди хоқон.

– Сўйладим-ку, сизга улуғ ҳазратим. Ул насли номаълум жувон амирзодадан ҳомиладор деб. Шул боис бирор чора-тадбир қўлламоққа ожиз турумдамен. Бир томонда кимдан туғилмасин авлодимиз. Иккинчидан ким бўлмасин, Оллоҳнинг бир бандаси. Она, аёл. Доямомоларга айтиб боласини тушириб ташлашга қалбу кўнглим жазм этмаётир, улуғ хоқоним. Яна сиз не десангиз шул бўлғай. Сўнги амри-фармон мутлақ улуғ хоқонимнингдир! – деди малика амирзода ва севгилисининг ялиниб-ёлвориб, йиғлаб-сиқтаб айтган ёлғонларини ростга йўйиб.

Кўз кўзга тушгандан бери улуғ амирга ҳеч қачон ёлғон

гапирмаган бош малика ёнбошлаганча суҳбатлашаётган хўжасининг ўтли нигоҳидан нигоҳини олиб қочиб, беихтиёр хонтахта устидаги патир парчаларини эри томон суриб қўйди.

Улуғ хоқон ҳомиладор бўлса-да, йўриғини қилинг дея амр берган эди. Ўзи тирноққа зор ўтган малика агар бола бўлганда ҳам унинг сақлаб қолишнинг йўлини қилар эди. Буюк бибининг сезишича, бундай гап йўқ. Бу эса бугунги жон қутқарувчи ширин ёлғоннинг ростлигини тасдиқлайди. Фарзанд бўлмайдиган бўлса, бўйидаги гумонаси тушиб қолди, дейди хоқонга. Ундан сўнги қарор эса буюк бобонинг ўзига тегишлидир. Эру хотин, аёлу эркак муносабати азалдан шундай, сичқон-мушук ўйинига ўхшаб келган. Эркак зоти ким бўлмасин минг ўйласину, аёл бир ўйласин. Хотин наслининг айтгани бўлиб чиқади. Бели боғлиқнинг кўнгли боғлиқ деганларидек, эркак кўча-кўй, тирикчилик, ўз ташвиши билан овора бўлиб юради. Хотин деган узунсоч авлиё эса уйда ўз ҳокимиятини ўрнатаверади.

– Бул авлодларнинг бирортасидан кўнгил тўлмайди. Қай бирига ишониб масъул бир ишни юкламанг, қовун туширади. Раҳматли валиаҳд Муҳаммад Султонга Самарқанд тахтини қолдириб кетсак, номдор бир Турон амирини йигирма олти нафар мулозими билан қийратиб қонини тўкиб, ўз жигарини зиндонга ташлаб томоша кўрсатди. Бугунга валиаҳдимиз эса бобосига тақлид қилиб, биздан бемаслаҳат Синд наҳридан ўтиб, Уча шаҳрини забт этди. Сулаймон тоғидаги пуштун қабилаларини талаб, Мўлтонни қуршовга олди. Ҳиндистон сафари ақлимизнинг бир учидан кечмаганди. Бизни султон Маҳмудхон билан қарама-қарши қилиб қўйди. Булар, мен кимман ва қўлимдан не иш келур, устимдаги йўрганнинг узунлиги неча газ дея сўрмоқ нари турсин, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Билмадим, бу аҳволда мулки давлат, тахту салтанат кимнинг элида қолади? Бу нобакор эса иқтидору истиқболни йиғиштириб

Нурали ҚОБУЛ

қўйиб, бир чўрининг оёғи орасига бошини суқиб ўтирибди! Ўйлаб туриб қуйиб кетасан киши. Халқнинг тепасида одамга ўхшаган одам, подшоҳга ўхшаган подшо турмас экан, юрт вайрон, улус сарсон бўлажақдир.

Улуғ хоқон бир зум тин олиб, малика узатган косодаги асал солинган сутдан хўплади.

– Буларнинг барчаси ҳали ёш. Шу ёшларига қарамай берган вилоят ва мамлакатларингизни бошқариб туришибди. Вақти-замони етиб, англаяжаклар ҳазратим! Кўп ташвиш чекманг. Иншооллоҳ, эгаси барчасининг қалбини иймону адолат нури ила тўлдириб, буюк бобосига муносиб авлод ўлмоқлик шарафига ноил этажак! – ҳар галгидек набиралар тарафини олди бош малика.

– Билмадим. Нечундир кўнглим алағда, маликам. Орзу этган дарёларимиз биздин сўнгра умид этганимиз каби оқмаяжак каби кўринадир кўзимга. Яна Оллоҳ билгувчидир. Янглишу хатоларимизни кўрсатиб, тўғрилагувчидир, – деди хоқон ғамгин ва вазмин оҳангда. – Хорижий меҳмонлар орасида фаранг қиролининг элчилари бор. Уларни ҳам мусофир этинг, маликам. Бугун тушлиқда шу боғда мусофир этамиз. Амирзода Улуғбек тарбиятида диққатли ва муқим бўлинг. Кеча бироз толиқибман. Озгина узанайин, – дея чолорқа ётди хоқон.

Бош малика оёқ учида эшик томон юрди.

Конигилда қирқ кеча-кундуз бўлиб ўтадиган тўйнинг доврўғи етти иқлимга тарқалган, кўноқлар дунёнинг тўрт бир тарафидан оқиб келарди.

Давлатобод боғига бориш учун йўлга чиққан элчилар кенг майдонга ўрнатилган йигирма минг чодирни кўриб ҳайратга тушдилар.

Дилкушо боғи қаршисидаги ариқлар бўйи ва ям-яшил бўзаламнинг ўртасига улуғ хоқоннинг султоний чодирни тикилган эди. Бу улкан саропарда атрофида маълум масофани сақлаган ва

юриш учун кўча қолдирилган ҳолда маликалар ва амирзодаларнинг турли рангдаги чодирлари куёш нурида товланарди.

Салтанат кўшини лак-лак бўлиб оқиб келар, ҳар бир минглик, юзлик ва ўнлик қатъий тартиб билан ўзига ажратилган ерга чордирини тикиб, мачит, ошхона ва ҳаммомини ўрнатарди.

Халойиқ тўлдирган майдондан аранг ўтган элчилар Давлатобод кўшигига етиб бордилар. Қасрга кирганларида зиёфат бошланган, базм иштирокчилари май тўла косаларни кетма-кет бўшатишарди.

Испан элчиларига кўзи тушган хоқон уларни яна ўзига энг яқин супага таклиф этди.

Меҳмонлар улуғ хоқонга таъзим этганча кўрсатилган жойга чиқиб ўтирдилар.

– Ғарблик насронийлар ойда, йилда бир-икки эмас, ҳар куни шароб ичадилар. Буни биласанми, Шоқул? Шунинг учун уларга ҳар куни май юбориб туришсин! – деди улуғ амир элчиларни табассум-ла қаршилаб. – Муҳтарам мусофирларимизга кимхоб тўнлар кийдиринг! – амр этди сўнгра.

Меҳмон ва мезбонлар чақчақлашганча ички ичиб емак ейишар, чолғучилар турк, эрон, мўғул ва араб куйларини чалишарди.

Орқа тарафда, зиёфатнинг боришини назорат этаётган Боботуркни ҳузурига чорлашни буюрди улуғ хоқон.

– Не ҳаводислар, бек? Хорижий мусофирларимиздан яна кимлар ташриф буюрди? – сўради хоқон ички ичмаган амрдан.

– Елец ва Масковга борганимизда оила-аъзолари билан бизни қарши олган киноз Пудий бошчилигидаги Сақлаб (Русия) элчилари бугун эрталаб етиб келдилар. Ғоят ҳорғин бўлганликлари боис бугунги зиёфатга даъват этмадик, – жавоб қилди Боботурк.

Нурали ҚОБУЛ

– Унда Сақлаб элчиларини мадраса ҳовлисида мусофир этамиз. Янаги душанбага ўша ерда базм тартиб этсунларн!
– амр этди хоқон.

– Тўхтамишнинг ўғли Чехра ўғлон билан Сарик ўғлонлар ҳам етиб келибдилар. Улар хусусида нени амр этажаксиз?

– Биздин не истайдилар, ул отадушман дўстимиз ва авлодлари? – нигоҳини амирга қадади хоқон.

– Тожу тахт хасталигига мубтало бўлганларнинг дарди дунёси фақат бир нарсадир, устоз. Аларнинг арз-додлари зоти олийларига маълумдир, – жавоб қилди амир.

– Унда уларни ҳам шу зиёфатга даъват этинг. Замонимиз бўлса эрта-индин ёки зиёфатдан сўнг арзларини тинглаймиз.

– Англадим, устоз. Хабарингиз бўлгандек, Дашти Қипчоқ амир ул-умароси Идику Манғитнинг элчилари ҳам пешингизни ўпмоқ ниятидалар. Ҳинд ва Рум элчилари ҳам навбатда турибдилар!

– Румдан элчиларга ким бош бўлиб келган? – сўради улуғ хоқон.

– Зоти олийлари яхши билган ўша машҳур усмонли беги амир Темуртош.

– Мисрдан-чи?

– Миср султонидан Мангли Буға Ҳожибдир, устоз.

– Ҳар икки элчи ила алоҳида суҳбатлашамиз. Мусоид бир замонни айтаман.

Амир бош эгиб, кетмоққа изн истади.

– Эртага эрталаб, элчимиз Шарофуддин Дизакий ва Алп Туркаш ила баробар ҳузуримда бўлингиз. Айни замда Дизакий қайдалар? – сўради хоқон турмоққа ҳозирланар экан.

– Шу ердалар. Қабулингизни бекламоқдалар, – жавоб қилди амир.

– Биз истироҳатга чекилдик. Жамоа дам олиб, ҳордиқ чиқармоқда давом этсин! – деди хоқон ўрнидан тураркан.

Бомдод намозидан сўнг Давлатобод боғига етиб келган амир Боботурк ва Шарофиддин Дизакий кўшк даҳлизидида улуғ амирнинг ҳузурига чорлашини кутиб туришарди.

Амир ва элчи кирганида хоқон биллур қадаҳда асалли сут ичганча хонтахта тўрида ёнбошлаб ўтирарди.

– Демак, сиз Тўнғизнинг юртидан унинг элчилари билан бирга келдингиз? – сўради хоқон улар саломига алик олиб қаршисига ўтирмоқни ишорат этаркан Дизакийдан.

– Шундай, хоқони ақрам ҳазратлари. Мен Хонбалиқдан. Чин элчилари билан бирга йўлга чиқдим, – жавоб қилди тужжор ва хос элчи Шарафиддин Дизакий. – Чин подшоси мени ҳузурига чорлаб, ўз элчилари Анъ Чжидао ва Го Цзини хоқоннинг ҳузурига олиб борасан дея амр этди ва унинг сизга ёзган хатини Анъ Чжидаонинг қўлига тутқаздилар. Мактуб мазмуни зоти олийларига маълумдир. Бегона тупроқ, девона тупроқ экан, улуғ хоқоним. Бу чин қавми ила тил топишиб ишламоқ ғоят мушкулдир. Улар ўзларидан бошқани одам, ўзга элни эл санамайдилар.

– Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас деганларидек, бу яъжужу маъжуж бизга дўст бўлмади чоғи.

– Шундай, улуғ хоқоним. Биз яшаётган ҳудудларга даъво ҳам қиладилар ҳатто.

– Майли, бу масалани бироздан сўнг қўнишамиз. Демак, сиз, Шарофуддинбек, ўша машҳур элчи ва қози Фахруддин ад-Дизакий Бухорийнинг авлодисиз. Шундайми?

– Шундайдир, зоти олийлари.

– Ўша буюк бобонгизни Чин элчилари ва тужжорлари билан бирга Ўтрор беги Инолчуқ Қипчоқ қатл этган. Ушбу қатлдан сўнг ул кишининг жасадлари Ўтрорда қолганми ёки ота юртлари Дизакка келтиришганми? – сўради хоқон.

– Шаҳид бобомиз наъшларини Дизакка олиб келиб, ўзингизга маълум бўлган қассоблик маҳалласидаги жоме масжидида жаноза ўқитиб, шаҳар марказидаги Хўжамозор қабристонига дафн этганлар. Куни кеча Дизакдан

Нурали ҚОБУЛ

ақраболаримиз келишган эди. Таълимотингиз ила қайд этганим қассоблик маҳалласида қурилаётган масжид битибди. Раият дуои жонингизни қилиб, роҳат-ла тоат-ибодатларини бажо этмоқда экан, — миннатдорчилик билдирди Шарафуддин Дизакий.

– Оллоҳнинг уйи дизаклик ватандошларимизга муборак бўлсин! Хешу табороларга мендан салом сўйланг ва Кони-гилда ўтажак тўю тантаналаримизга Дизак беги бошчилигида уларни даъват этинг!

– Бош устига, улуғ хоқоним!

– Ана энди тупроғини тўзитиб келганингиз Чин хусусида суҳбатлашамиз. Бул хусусда биродарингиз Боботурк иккимизга билмаган ва кўрмаганларимизни айтиб берасиз. Модомики, улар биз ила бу қадар қизиқиб, божталаб бўлиб қолган эканлар, биз ҳам уларни атрофлича ўрганмоғимиз лозим бўлади. Не дедингиз, бек жаноблари? – амир Боботуркга қаради улуғ хоқон. – Кўп нарсани билмоқдан ҳеч ким ютқазмаган. Фақат олинган илм ва ўрганилган билимни қўлламаслик хатодир. Бу билги ва тажрибалардан элга манфаат келмоғи лозим, – дея Дизакийни суҳбатга чорлади хоқон.

– Чинлар машҳур Кон фу цзи, Мэн-цзи, Чжуан-цзи, Сюн-цзи, Хан Фэй ва Чжү Си каби буюк файласуфлар етишиб чиққан жуда катта, ақлли ва заҳматкаш халқдир, улуғ хоқоним. Уларнинг меҳнаткашлиги, тиниб-тинчимаслигига тан бермай иложи йўқ кишининг. Шу қадар катта ва кўп сонли халқ бўлмасин, улар ичидан ўғрию ғар, дангасаю девона жуда кам чиқади. Сабаби шоҳу гадой, зангину фақир, барча бирдек чумоли каби ишлайди. Шунинг учун ҳам уларда ипакчилигу чиннисозлик, қуролсозлигу деҳқончилик жуда ривожланиб кетган. Хонлик сулоалари ўртасида рақобату душманлик бору, бироқ улуғ қоон Чингизхондан сўнг ҳеч ким бу юртга, билхосса бошкентлари Хонбалиққа бостириб бормаган.

– Улар ўз миллатларини чин дея атайдиларми? Сўйлаганингиз каби бир неча катта ҳукмрон сулолалар бўлса бошқалари не номда аталади? Янглишмасам, пойтахтга Хонбалик номини Қубулайхон берган? – сўради хоқон.

– Тўғри сўйлайдурсиз, зоти олийлари. Масалан, Мин сулоласи тасарруфидаги ҳудудлардаги халқларни минлар дейишади. Энг қадим даврларда уларнинг бошкенти Цзи деб аталган. Милодий ўнинчи асрда эса киданлар босиб олиб Дасин (Чжунду) дея ўзгартиришган. Милодий минг икки юз ўн бешинчи йилда эса мўғуллар эгаллаган. Минг икки юз олтмиш учинчи йилда Қубулайхон шаҳарга Хонбалиқ отини берган. Маълумингиз каби балиқ мўғул тилида шаҳар демақдир. Қоон шаҳри, яъни бошкент маъносини англатган.

– Кидан сўзининг хитой, китай ва қтой сўзига алоқаси борми? – сўради амир Боботурк элчининг суҳбатини мароқла тинглар экан.

– Ҳарҳолда алоқаси бўлса керак, амирим, У ерда шу қадар кўп қавму қабилалар, жумладан, ўз миллати ва динини йўқотиб чинлашиб кетган турку мўғулу бошқа элу элатлар борки, уларни айириб ўрганмоқ ҳам ғоят мушкулдир. Хуллас, минг уч юз олтмиш саккизинчи йилда бу мамлакатда даҳшатли халқ қўзғолони бўлиб, мўғулларни ҳайдаб чиқарадилар. Натижада пойтахт номи ҳам Бэйпин¹ деб ўзгартирилган.

– Улар ҳам ўзларини мўғуллар каби аслзода, орий миллат санайдилар чоғи? – яна сўради хоқон.

– Шундай, зоти олийлари. Улар дунёни ва халқларни иккига бўладилар. Ўзларини асл чин ва чинлилар ўлароқ кўриб, бошқа халқларни бўлажак чинлилар дея ҳисоблайдилар. Дунёда барча суву қуруқлик, тангрининг марҳамати билан ўзларига берилган деб ўйлайдилар.

¹1421 йилда Мин империяси қарор топгач, шаҳар Бэйцзин (Пекин) номида атала бошланган.

Нурали ҚОБУЛ

– Жуда дамлари баланд-ку? – деди хоқон қулиб.

– Улар феъл-авторан, табиатан шундай қавмдир, хоқони аъзам ҳазратлари. Мўғуллар каби уларда ҳам ҳазилу мутойиба туйғуси кучли эмас. Ноҳақ бўлсалар-да, ҳеч қачон ўз айбларини бўйниларига олиб, қарши тарафга тан бермайдилар, – дея билганича билги берди Шарофиддин Дизакий.

Оғир нафас олган хоқон бир зум ниманидир хотирлагандай ўйга толди. Амирзода Пирмуҳаммад ўйинни бузмаганда Ҳиндистон ўрнига Чин фатҳини амалга оширган бўлар эдик, хаёлидан кечди. Бунинг устига иқлим ўзгариши туфайли Ҳиндистондан хасталаниб қайтди. У Чин сафарини режалаштириб, Деҳли сари юзланмасдан бир йил бурун мамлакат сарҳадининг шарқи-шимолида, Ашпара ва Иссиқкўл теварагида истеҳкомлар қурдириб, экинчи туманларга ҳам жўнатган эди. У Ҳиндистондан қайтибоқ Чин сари юзланмоқчи эди. Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф туркманнинг Бағдодга қайтиб келиши ғазабини қўзғади, режани бузди. Пешини ўпиб мактуб ёзган Султон Йилдирим Боязид ғашини келтирар, Миср-султони Малик Носир Фараж Турон элчисини хонабанд қилиб, у билан сичқон-мушук ўйини ўйнарди. Узоқ ўйлаган хоқон мамлакатга ҳавф-хатар солмаётган Чиндан кўра фисқу фасод, исёну фитна уясига айланаётган Ироқу Шом масаласини бир ёқлик қилишга қарор берди. Ўрмонга ўт кетса айиғу арслон, бўрию қоплонлар қутулиб қолиб, қулоғи шалпайган қуёну кийиклар тутулганидек, иши битиши учун керак бўлса, бургани эгарлаб минадиган, манфаат йўлида ҳеч нимадан тап тортмайдиган арабу ажамлар соғу саломат қолиб, ўпкасини қўлтиқлаган Султон Йилдирим Боязид тузоққа тушди. Яна арабу ажам чап бериб, турк туркнинг қонини тўқди. Кимга исмат, кимга қисмат. Қорақурумга борсанг ҳам қора қонингни тўкаман дегандек, бул ўзидан кетган Тўнғизнинг

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

танобини тортиб қўйишга тўғри келади шекилли. Бечора халқда гуноҳ йўқ. Унинг бошини такаббур ҳукмдору очкўз қўмондонлар қотиради.

Чин билан Турон орасидаги ғавғо бундан ўттиз олти йил бурун, Амир Темур Балхда Буюк Турон амири сифатида иқтидорни қўлга киритган кундан икки йил олдин бошланган эди. Чиндаги умумхалқ оёқланмасидан сўнг Мин сулоласи ҳукмдорлари энди илгариги хўжайинлари, мўғуллар Улуғ улусининг буюк хонларини енгиб, ҳокимиятларини тан олдирган эдилар. Чингизхон давлатининг Турону Чин орасидаги Улуғ улуси ўртадан кўтарилгандан сўнг ўз-ўзидан Чину Турон давлатлари бевосита чегарадош бўлиб қолгандилар.

Темур ва темурийзодаларнинг Жете ва Мўғулистон юришлари Турон давлати сарҳадини Лобнор кўлигача етказиб, Чиннинг бурнига қадар бориб қолган эди. Бу ҳудудлар илгари Улуғ улусга қараганлиги учун эндиги Мин салтанати ҳукмдорлари бу ерларга даъвогарлик қилиб, имкон туғилиши билан ҳужум қилишга ҳозирлик кўради. Хабарчиларнинг Чиндан бераётган маълумотлари бу шубҳа ва гумонларни тасдиқларди. Агар шундай хавф туғиладиган бўлса, беш юз мингга қадар қўшин тўплай оладиган бу мўр-малахларни тўхтатиб қолмоқнинг ўзи бўлмас эди. Шу баҳонани рўкач қилган Мин ҳукмдори йиллик солиқ тўлашни талаб этганди.

Бунинг устига у ҳар бир хатида хоқонга “ўғлим” дея муурожаат этади. Бу эса улуслараро муносабат тилида сен менга тобесан деган маънони билдиради. Унинг бу такаббурлигига чек қўйиш керакка ўхшайди.

Базму зиёфатда, сайри сафарда бўлсин улуғ хоқоннинг ақли-хушини бир нарса, сариқ аждарнинг бошини ўз ғорида янчиб ташламоқ банд этганди.

ОЛТИНЧИ БОБ

*Куртдан (бўри) пўст, айиқдан дўст
ўлмас.*

Ота сўзи

Улуғ амирдан йўриқ олган Боботурк Тўхтамишхон юборган вакиллар ва рус улуси элчиларини улуғ хоқон сафардан қайтиши билан айбдорларни сўроқ қилган Бибиҳоним мадрасасининг ҳовлисига олиб келди. Барча меҳмонлар хоқонни ҳали иншооти битмаган муҳташам мадрасанинг дарвозаси олдида кутиб туришарди.

Тўрт тараф супуриб-сидирилиб, ёғ тушса ялагудек эди. Фаррошлар кўз олгувчи гиламлар тўшаган ҳовлида қатор курсилар қўйилган, хонтахталар усти ҳўл ва қуруқ меваларга тўлдирилганди.

Ҳовлига биринчи бўлиб испан элчиларини олиб кирдилар. Сўнгра Миср ва Рум, Сақлаб, Ҳиндистон, Абулистон, (Каппадокия) Ироқ, Шом, ва Дашти Қипчоқ элчилари кириб келдилар.

Улуғ хоқон амир Шайх Рамазон, Рум элчиси амир Темуртош ва Миср элчиси Мангли Буға Ҳожибларга сўл тарафидан жой кўрсатди.

Рус улуси элчиларидан бошқа барча мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар хоқонга атаб келтирган совғасаломларини топширган, фақат киноз Пудий етакчилигидаги сақлаблик қўноқлар кеч келганлари боис тақдим этмаган эдилар.

Йиғилганларнинг эътиборини эски ва ғоят ғариб кийинган Сақлаб элчиларининг либослари тортди. Серсоқол киноз Пудийнинг устида ҳам мўйнадан тикилган, ийиғи чиққан эски пўстин, бошидаги худди ўғлининг бош кийимини кийиб

олгандек кўринадиган телпаги боғичлари болаларники каби кўксига тушиб турарди. Боғичлари боғланмагани учун бошида чўнқайиб турган телпаги лўкиллаб юраётганидан тушиб кетиб, тахт олдига юмалаб борадигандек туюларди. Пудийнинг йўлдошлари ҳам ичкари ва ташқарига ағдариб тикилган кир пўстинлар кийган, қурол аслаҳа ясаш устахонаси – қўрхонадан чиқиб келган темирчиларга ўхшайдилар.

Шоқул шиқовул киноз Пудий ва шеригини уч маротаба тиз чўктириб, тахт этагига, гаплашганда сўзлар эшитиладиган масофага етаклаб борди. Таржимон уларнинг ёнида турарди.

– Сиз улуғ подшоҳга бир умр миннатдор подшоҳ Василий Биринчидан саломлар. Подшоҳ Елец ва Москвада бизга кўрсатган марҳаматингизни унутмайди. Ҳар йили имконимиз қадар божни келтириб бермоқдамиз. Арзимаса-да, ушбу тухфаларимизни қабул этинг! – деди оппоқ соқоли кўксига тушган кун кўрмаган ошқовоқ палагидай сап-сарик, елкадор, семиз киноз Пудий.

Элчи пайпасланганча каттакон қопдан сувсар, ошланмаган оқ тулки ва суғур мўйналарини олиб, тахт этагига қатор қилиб терди. Шерикларининг қўлидаги қафасларда тўртта лочин қуши бор эди.

– Тухфалар учун ташаккур, Пудий! Бизнинг бошкентга хуш келибсан! Янглишмасам, сен билан бундан ўн йил чамаси бурун учрашган эдик. Ўшанда ҳам серсоқол юзингда фақат кўзингни кўриш мумкин эди. Соқолинг бироз оқарса-да қаримабсан, – деди хоқон эски танишига завқ ва қизиқиш билан боқаркан. – Кўринишинг ўша-ўша, бизнинг муллаларнинг қўйиб қўйган ўзисан. Дин сизда, иймон бизда деган гапинг ҳамон эсимда. Одамзод Одам ато ва Момо ҳаводан тарқалган бир авлод-да. Шунинг учун бир-бирига ўхшайди. Унда баҳор эди, эгнингда пўстининг йўқ эди. Бундай эски пўстин кийганча олиб келган мўйналардан янги-

Нурали ҚОБУЛ

сини тиктирсанг бўлармиди? Майли, бизнинг тўнлар ҳам кунинга яраб қолар. Сақлаб элчиларига кимхоб тўн ва қалпоқ кийдирилсин! – буюрди улуғ амир.

Мулозимлар меҳмонлар учун ҳадяларни келтирдилар.

– Сизнинг ўзингизга айтар гапим бор, улуғ подшоҳ, – деди Пудий соқоли тебраниб.

– Айтавер. Ёки ўзимга айтасанми? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон.

– Шахсан ўзингизга айтишим керак.

– Унда тилмоч ила бирга ёнимга кел.

Княз Пудий хоқоннинг ёнига бориб фақат ўзи эшитадиган оҳангда гапира бошлади:

– Княз Василий, бошқа князлар ҳам шуни илтимос қилдилар. Буранний Эдигей устимизга бостириб бормоқчи экан. Ундан бизни қутқаринг. У фақат сиздан кўрқар, бошқа ҳеч кимни писанд этмас экан. Тўхтамишнинг Эдигейдан қочган ўғиллари сизнинг қанотингиз остида эмиш. Шулардан бирини олтин Ўрдага подшоҳ қилиб юборишингизни сўрадилар. Худо хайрингизни берсин. Ёрдам қилинг, – ёлворди элчи.

– Ахир, Тўхтамиш Маскав деган шаҳарларингга ўт қўйиб юборган эмасми? Энди унинг авлодидан мадад кутасизларми? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон.

– Икки шайтондан бирини танлаш керак бўлса, кичикроғи танланади, улуғ подшоҳ! – жавоб қилди Пудий атрофга аланг-жалаңг боқаркан.

– Ғоят ақлли жавоб бердинг, Пудий. Сенга бўлган ҳурматим янада ошди. Бу дунёда одам зотидан шайтон зоти кўплигига мен ҳам амин бўлдим, – деди хоқон элчининг жавобидан қониқиб.

– Сизда ҳам бор, бизда ҳам бор. Шайтон олимнинг қаршисига олим, подшоҳнинг қаршисига подшоҳ бўлиб чиқади, – хоқоннинг мақтовидан бир қоп семирди княз.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Сен одамларинг билан истироҳат эт. Ва бизнинг қирқ кеча-кундуз давом этадиган тўйимизга қатнашинглар. Кетгунларингга қадар қилинадиган ва йўл масрафларини хазинадан беришади. Тўхтамишнинг ўғли Чехра ўғлон айтганингдек ёнимизда. Амримизга мунтазир. Мен бафуржа ўйлаб, бир тўхтамга келгач, қароримни сенга айтаман, – деди хоқон элчига кетмоққа изн бераркан.

Княз Пудий таъзим бажо этганча тисланди.

Хоқон бошқа элчилар билан мулоқотда бўлмади. Емак еб, Миср ва Рум элчилари ҳамда амир Рамазон билан гурунглашиб ўтирди. Бироздан сўнг даврага амир Боботурк қўшилди.

– Биз Дашти Қипчоқ хонини таъқиб этиб, буларнинг Елец, Маскав деган шаҳарларига бориб қолганмиз. Амир Боботурк ёнимда эди. Қорақурумга қочсанг ҳам қора қонингни ичаман дея биз қочоқнинг орқасидан қувиб кетавердик. Юрт эгасиз экан. Бирор жойда бирорта волию ҳокимни учратмадик. Ҳозир кўрганингиз Пудий дегани ўз подшоси устидан арз қилиб, уни тутиб ўлдиришимизни илтимос қилиб келди, – Ўрусия сафарини ҳикоя қилар эди хоқон. – Хабарчиларимиз келтирган маълумотга қараганда, Василий деган подшоси биздан қўрқиб қочиб, оила аъзолари билан роҳибалар черковиға кириб яширинган. Ғоят бечораҳол, қашшоқ бир улус экан. Отларга дам бериш учун Елец деган шаҳарда икки ҳафта қолдик. Юз минглик қўшин билан эллик даража иссиқдан шунча даражали совуқ иқлимида қолиш ғоят хатарли. Тўхтамишнинг Дашти Қипчоқ тахтига қайтиб келолмаслигига кўзимиз етгач, таъқибни тўхтатдик. Акс ҳолда, Литвания ортидаги денгизларга борган бўлсада, топиб жазосини берардик. Ортга қайтганимизда ҳам худди юқоридагига ўхшаш бир воқеа юз берди. Қайси миллат эди улар, Боботурк? – амирдан сўради хоқон. – Шу ҳодисани мусофирларимизга айтиб беринг!

Нурали ҚОБУЛ

– Биз Ҳожи Тархон устидаги даштлардан ўтиб Қоф-қознинг шимолига етган эдик. Улуғ устоз ҳузурларига кўмиқ аталмиш турк қавмига мансуб элатнинг Ғўбдин исмли бир амири келди. Унинг бир кўзи кўр эди. «Сиз каби жаҳонгир, қудратли бир ҳукмдор нега биз каби ночор бир элатни таъқиб этасиз? Ерларимизни забт этсангиз-да, жонимиздан бўлак оладиган нарсангиз йўқ», деди. Улуғ устоз амир Ғўбдиннинг бу гапидан нашъа қилдилар ва унинг халқига яшаган ерини теварак-атрофи билан бир умрга хатлаб бердилар. Турон Ўрдусининг Ўрусия сафари ҳам шундай бўлган эди, – дея кўмиқ халқи ўтоғоси амир Ғубдин ҳикоясини сўзлаб берди бек. – Улуғ хоқон ҳазратларининг хос фармони олийлари билан Ўрусия кинозлари Олтин Ўрдага бож ва ўлпон тўламоқдин озод этилди. Айни дамда улар имконлари етган қадар боғни Турон хазинасига тўламоқдалар.

– Биз Жўчихон Ўрусия юртини забт этганидан бери уларнинг энг олий ҳукмдори – кинозларини Дашти Қипчоқ хонлари тайин этадилар дея эшитганмиз. Бу тўғрими, амирим? – суҳбатга қўшилди амир Темуртош.

– Бу саволни том замонида бердингиз, – амир Боботуркнинг ўрнига жавоб қилди улуғ хоқон. – Ҳозир ҳузуримизга келган киноз ҳам шу хусусда рижода бўлди. Улар амир ул-умаро Идику Манғит ила Қутлуғ Темурхонни бошимиздан кўтариб, Тўхтамиш ўлпон ўғилларидан бирини Ўрда тахтига ўтқазинг деб келибди. Тўхтамиш эса уларнинг кўплаб шаҳар қишлоқлари, жумладан, Маскавга ўт кўйиб юборган бир душманларидир. Ўзолмаган отга узанги баҳона деганларидек, отаси юртини талаган одамнинг боласини тепаларига кўйиб беришимизни сўраб келибдилар. Бир улуснинг ўтоғолари ўзаро англашиб халқи бошини бириктиролмаса, атрофидаги кучли, уюшган халқнинг йўл-йўриғига юриб, ҳукмдорининг қош-қовоғига қараб яшамоққа мажбурдир, – дея амир Темуртошнинг саволини жавоблантирди хоқон.

Амир улуғ хоқон сўзларини ўйга толганча диққат-ла тинглади. Беихтиёр Анқара тўқнашувига қадар бўлган Усмонли салтанатининг мавқели ва бугунги туруми ҳақида ўйлади. Сербу мажор, хунгару юнон, арабу ажам подшоҳ за беклари ҳам худди улуғ хоқон айтгандек, Усмонли султонлари маслаҳати ва тавсияси билан тахтга ўтирар, катта-кичик барча ишда маслаҳату кўмак сўрашарди. Шундай юксак мавқедаги ҳукмдорнинг беш нафар ўғли эса энди Турон хоқонию Византия императорининг дастаги билан тахтни эгалламоқ учун ўлим-қолим саваши олиб бормоқдалар. Тақдир тадбир билан ўзгармаслигига барчанинг ҳам ақли етавермайди. Мана сизга танганинг икки томони. Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек. Бировлар устидан кулма, сенинг ҳам устингдан кулгувчилар бор. Чикма, тушарсан, ёқма пишарсан.

– У юртлардан дўнганимиздан кейин эшитганимиз Марям она афсонаси ҳақида ҳам сўйлаб берингки, амир жаноблари, бу хусусдаги ҳикоянгиз тўлиқ бўлсин, – буюрди хоқон бекга.

– Биз Елецда турганимизда бу ўлканинг кинози ҳозирги киши эди. Бир тўда аслзодаларни аскарларимиз тутиб келган бўлсалар, қолганларининг ўзи келишди. Елец кинозининг қўлга тушганини эшитган Маскав кинози Василий талвасага тушади. Кечаю кундуз қўлларини кўксига чўзиб, худога нола қилади. Киев ва Умумрусия митрополити Киприанга киши юбориб, унга каттаю кичик барчани чин дилдан, кўзларида ёш билан уввос солиб тоат-ибодат қилишга мажбурлашни ва Владимир шаҳридан Биби Марям иконасини олиб келишни буюради. Унинг фикрича, мамлакатини фақат шу мўъжизакор иконагина қутқариб қолиши мумкин экан. Икона Маскав яқинига келтирилгач, бутун халқ уни кутиб олиш учун сафарбар этилади. Чақалоғу тўшақдаги чол демай ҳаммани зўрлаб икона турган ерга ҳайдаб ке-

Нурали ҚОБУЛ

ладилар. Ёшу қари, саёғу тиланчи, шоҳу гадой буюк бир оломон бўлиб икона¹ томон оқади. Улар уч кечаю кундуз икона қаршисида тиз чўкишиб, нолаю фиғон қилишади. Шу ибодатдан сўнг биз Елец ва Маскавдан нарига ўтмаган эмишмиз.

– Дашти Қипчоқ беги Мамай билан биздан қочган Василийнинг отаси ўртасида бўлиб ўтган жанжални ҳам мусофирларимизга сўзлаб беринг, – амр этди хоқон мадраса дарвозаси олдида зикру сано айтаётган дарवेशу қаландарлар сасига қулоқ тутаркан.

– Куликов деган майдонда ҳозирги Маскав подшоси Василийнинг отаси Дмитрий Донский билан Дашти Қипчоқ беги Мамай тўқнашган. Мамайнинг чериги Олтин Ўрда ўрдусининг учдан бирини ташкил этган. Буни яхши билган киноз Дмитрий Мамайни енгса-енгмаса-да, Тўхтамишхонга яхши кўринмоқ учун унга қарама-қарши келади. Тўхтамишга ҳам Мамай каби кучли рақибнинг кераги йўқ эди. Не усул ва услуб билан бўлсин уни йўлдан олиб ташлаш керак эди. Дмитрий Мамай қаршисига жуда катта ватанпарварлиги ёхуд куч-қудратли бўлганлиги учун эмас, орқасида суянган тоғи, ишонган боғи Тўхтамиш турганлиги учун курашган. Тўхтамишга не қадар кучли бек Мамай керак бўлмаганидек, кучайган ўрус кинозлари ҳам керак эмас эди. Ҳеч ким ғолиб чиқмаган бу тўқнашувда икки тараф ҳам кучсизланади. Дордан қочган Тўхтамишга худди шу нарса керак эди. Мамайни Қирим томонга қувиб, каффаликлар қўли билан бўғизлатган Тўхтамиш шу жангдан икки йил ўтгач, Дмитрийни қувиб, Маскавга ўт қўйиб юборди. Туриб-туриб, турнанинг кўзидан уриб, улуғ хоқон соясида Ўрду тахтига

¹Негадир бу икона 1812 йил Москвани фатҳ этган Наполеон Бонапартга, “Чингизхон ҳам орийлардан бўлган. Мен унинг ишини давом эттиришим керак”, дея шаҳар остонасига етиб келган Гитлер армиясига “таъсир” қилмаган.

ўтириб олган ўғлон энди бира тўла Мамай ва Дмитрий каби нохайрихоҳларидан қутулиб, нигоҳини ўзини бадравхонадан чиқариб, Ботухоннинг тахтига ўтказиб қўйган, отам каби улуғсиз дея ардоқлаган дуогўйига қарши қилич кўтарди. Адолат қарор топиб, бировлар учун қазиган чоҳга ўзи тушди. Қисмати қадар шундайдир. Кимдир ноҳақ бировга чоҳ қазиса, ўз бўйига ўлчаб кавлаган бўлиб чиқади. Энг таажжубланарлиси шундаки, отаси бир пайтлар Самарқанд сўқоқларида дарвешона кезиб, улуғ амир остонасига бош уриб, Ўрда тахтига ўтказиб қўймоқни ёлворган бўлса, ўғли Чехри ўғлон ҳам ҳудди шундай аҳволда, бетининг суви беш томиб, Турон бошкентига келиб ўтирибди. Бундин сўнг қисмати қадар ўйини не тарзда кечажак, бу ёлғиз яратганга аёндир, – дея сўзини мухтасар этди амир Боботурк.

– Энди бироз шатранж ўйнасак, – деди хоқон хос мулозимга шатранж тахтасини келтирмоқни ишорат этаркан. – Амир Шайх Рамазон қардошимиз бу бобда анча моҳирлар. Яна бир куч синашайлик, – дея мулозим териб келтирган тахтанинг оқлар томони ўзи атрофда бўлгани учун биринчи бўлиб юраркан.

– Баробар бўлганимиздан бери бир шайни кузатаман, Рамазонбек, – дея сўз бошлади хоқон амир Рамазонга қараб. – Қай бир базми зиёфат, не лаззатли емак ва ички бўлмасин, бироз экмак, мева, тотли ҳамда айрон ичдингиз. Бошқа ҳеч бир этли ёки бошқа емакни еганингизни кўрмадим. Ҳатто эт емас ҳиндулар ҳам сиз каби емак-ичмакда бу каби тамкинли ва парҳезчи эрмаслар. Лутфан бунинг сабабини англата билурмисиз?

– Сўйлаганингиз емак ва ичкини ичсам вужудимни енгил сезаман. Этли ёки хамирли бирор овқат есам уйкумда роҳат бўлмайди, улуғ хоқоним. Киши не қадар оз ва қувватсиз емак еса танаси яйрайди. Бора-бора шунга кўникиб кетар экан, – жавоб қилди амир.

Нурали ҚОБУЛ

– Тўғри сўзлайдурсиз. Оз ва ҳафиф емакларни емоқ киши сихати учун ғоят фойдалидир. Оллоҳ раҳматли волидам нонушта-ю тушлиқда, оқшом емагида ҳам бир парча экмак ва бироз сузма ер эдилар. Тансиқ таомлар қилиб тутсақда емасдилар. Меъдамга ботмайди, Темуржон кўзим, дер эдилар сўз ила ифодалаб бўлмас меҳрли ва дардчил овозда. Илгари тушимга замон-замонда кирардилар. Негадир кейинги пайтда рўёмда кўп кўраман ва қаттиқ соғинаман, – деди хоқон йиғига ўхшаш овозда.

– Волидаи муҳтарамингиз ва падари бузрукворингизни Оллоҳ раҳмат айлаган бўлсин, улуғ хоқоним. Раббим жаннати жамоли ила мушарраф этсун! Раҳматли султонимиз Мурод Худовандигар ҳам эрталабки нонуштага бирор-бир емакни ҳозирлатиб, кун бўйи шуни ер эдилар. Табиблар меъданинг бир маромда ишлаши учун шу маслаҳатни беришган экан. Ул кишимга таҳасиб қилиб, саройда кўпчилик шу тарзда овқатланадиган бўлганди.

– Инсон зотининг қопдек қорни, енгдек ичаги йўқдир, биродар. Бироқ не қадар зангин, молу мулк соҳиби бўлмасин кўзи тўймайди.

– Ҳозир сўйлаганингиз, Тўхтамишхон ўғлининг ота тахтини сўраб келганлиги хусусида бир сўровим бўлади, хоқон ҳазратлари. Шунча хиёнат у босқинчилик, жангу жадалдан сўнг собиқ хон ўғиллари қай бир юз билан яна ҳузурингизга келганлар? Шуни англамадим? Менимча, бунинг икки сабаби бўлиши мумкин. Биринчиси улар ор-номус, шаъну шараф деган эътиқод ҳақида ўйламасалар керак. Ёки сиз ҳақиқатан ҳам дарёдан сув бағишлаган бир инсонсизки, ҳар қандай рақибу душманга бағрикенглик қилиб, афв эта биласиз. Бу юксак меҳри шафқат ҳар кимнинг элидан келавермайди, улуғ хоқоним! – деди амир Шайх Рамазон.

– Саволингиз ғоят ўринлидир, қардошим. Баҳс этдигингиз қавм феъл-атворан шундай улусдир. Улар иши тушса

юзларидаги ор-номус, ҳаё пардасини сидириб ташлаб, хузурингизга келаверадилар. Қилган яхшилигингизни ҳам, ўзларининг сизга қилган ёмонликларини-да унутиб, ялиниб-ёлвориб, ер билан битта бўлиб тураверадилар. Уруғларидан битта мансабдор чиқиб қолса, йўқ ердан бирлашиб, уруғ-аймоғлашиб, ҳокимиятни қўлга олишга уринадилар. Саҳройи улусларнинг барчаси шундай. Иқтидор ва мулки давлатдан ўзга нарсани тан олмайдилар.

Рақиби билан дуранг ўйнаган хоқон ўрнидан қўзғалиб, қурилиш давом этаётган мадраса биноси томон юрди.

Мадрасанинг мрамар устунлари ва маҳобатли шифтини қузатганча бош меъмор Муҳаммад Исфаҳонийдан иншоотнинг ичи қай рангда бўлишини сўради.

– Оқ рангда, Султон Соҳибқирон ҳазратлари. Гумбазнинг шифти эса ложувард бўлгани маъқул. Оқ мрамар устунлар бинони янада очиб юборади, – фикрини билдирди бош меъмор.

Улуғ хоқон қурувчилар ишидан мамнун ҳолда мадрасадан чиқди.

– Ташқаридаги тиланчи ва гадойларга хайри садақа беринг. Дарвешу қаландарларни ҳам рози қилинг! – буюрди мадраса дарвозаси томон юраркан. – Мен энди сизларга Кўксарой ва Бўстонсаройимизни кўрсатаман.

Хоқон чиққанида миршаблар Масти Қаландар ва ўн чоғли шогирдидан бошқа ҳаммани мадраса дарвозасидан узоқлаштирган эди.

Масти Қаландарга кўзи тушган хоқон тўхтаб хол-аҳвол сўрашди.

– Ваалайкум ассалом! Қалайсан, Масти Қаландар? – сени ҳеч ким хафа қилмаётирми? – сўради хоқон қулиб.

– Қуллуқ, олампаҳоқ, улуғ хоқон зоти олийлари! Бу ўт-кинчи дунёда сиз каби бир жаҳонгир олам султонининг муборак юзларини кўрмоқ шарафига етишганимиздан бо-

Нурали ҚОБУЛ

шимиз кўқдадир. Зотан, сизсиз бу ватан, бу Шаҳар ва бу кўчалар бунчалик шону шуҳратнинг олий тахтига кўтарилмаган, Мулки Турон овозаси бу қадар самоларга юксалмаган бўлур эди. Оллоҳ бағишласин, улуғ хоқоним! – гапнинг каштасини келтирарди Масти Қаландар. – Буюринг, Султон Соҳибқироним! Биз ҳам сизга элимиздан келгани қадар уфоқ-тефак бир хизмат этайлик!

– Сенга айтув айтиб, зикру сано ўқимоқдин ўзга не иш ҳам буюрардик, қаландар. Бизга сўнгги битикларингдан айтиб бер. Устозинг Шоҳи Қаландар билан ҳам суҳбатлашиб, айтувларини тингладик. Сизлар ила гурунглашсам ўзгача бир завқ оламан. Назаримда, шоҳу шоҳон, хону султон бўлмасин, ҳар бир инсон кўнгли, феъли атвори тубида бир дарвешлик, қаландарлик ётади, чамамда. Бу хусусда сиз не дейсиз? – дея Шайх Рамазонга қаради хоқон.

– Буларнинг ҳаётида биз болалигимиздан олишганимиз табиийлик ва ерга яқинлик бор. Дарвешу қаландарлар яшамоқ, ҳаёт азобу ҳақиқатларини бошқаларга нисбатан эрта англаб тарки дунё этадилар. Ким бўлмасин кишини у яшаган ҳаёт ва атрофидаги одамлар эмас, ақли етиб-етмай қилган беҳуда уринишлар, бўлгани каби кўрина олмай кўрингани каби бўла олмай тақиб юрган ниқоби толиқтиради. Бу ниқоб тушган куни шоҳу гадо ҳам ҳақиқат билан юзлашиб, фош бўлади, – фикрини баён этди усмонли амири.

– Масти Қаландардан бир неча битик эшитмасдан кетмасак бўлмас энди, – дея яна дарвешга юзланди хоқон. – Қани, Масти Қаландар, бошла-чи! Устозинг Шоҳи Қаландар ҳам, сен ҳам жуда жиддийлашиб кетибсизлар. Бундай энгилроқ битиклардан ҳам ўқи-да, биродар?

– Амри фармон, даври даврон улуғ хоқонимизнингдир! Бир оғиз сўзлари. Ҳамон ҳажвий айтувдан бошляжакмиз, – деди дарвеш сафойилини қўлига олиб шалдиратганча.

Шериклари ҳам сафойиларини тик тутганча шақирлатиб
унга жўр бўлдилар:

Ҳай дода-ай, вой додай,
Отдай ишлаб, нордай еб.
Оқшомлари донг қотай.
Сулув, сулув бўлган билан,
Ёр бўла билмас,
Туя туя бўлган билан,
Нор бўла билмас.
Ҳай дод-ай, вой додай.
Ўтин яхшиси янғоғ-а,
Ўтнинг яхшиси янтоқ.
От яхшиси арғумоғ-а,
Этнинг яхшиси тойчоқ,
Хотин яхшиси қалмоғ-а,
Хотин яхшиси қалмоқ.
Қайси бевафо иши.
Ёр устига ёр олмоқ.

Дарвеш айтувини тугатиб, қўрқа-писа хоқонга қаради.

– Айтавер, қаландар, ёр устига ёр олмоқ бизнинг иши-
мизда. Шунча хониму канизак, чўрию жориянинг бошини
қўшиб боқиб, асраб-авайлаш ҳам ҳар кимнинг қўлидан ке-
лавермайди. Давом эт, – деди хоқон яйраб куларкан.

Масти Қаландар кўзини юмганча айтувини давом эттир-
ди:

Бул ёлғон дунёда ёлғон,
Сўйламас одам кўрмадим.
Фисабиллоҳ ҳақни деб,
Босилган қадам кўрмадим.

Нурали ҚОБУЛ

Шоҳу султондир ё гадо,
Ҳеч хотирин ҷам кўрмадим.
Такаббуру жоҳил зотин.
Тош дийдасин нам кўрмадим.

Икки кўзи очиқ, лек кўр,
Меҳрсизни кам кўрмадим.
Кўнгил қасрини фатҳ этган,
Инсонга ҳамдам кўрмадим.

Бул ёлғон дунёда ёлғон,
Сўйламас одам кўрмадим.

– Қойил, Масти Қаландар. Барча битикларинг найзасининг учи биринчи навбатда бизга қаратилган. Шахсан мен, Оллоҳнинг гуноҳкор бандаси Амир Темур барча айбу гуноҳларимни бўйнимга-оламан-ва Эгамиздан афв этишини сўрайман. Ҳозир сенга бирортамиз ёлғон гапирмаганмиз десак, яна бир бор ёлғон гапирган бўлаемиз. Битикларинг кўп маъқулдир. Аҳли илм, аҳли адабиёту санъат мудом олий адолат ва энг юксак инсоний қадриятлар ўғурида муҷодала этмоғи керақдир. Бу дунёда энг бўёқ, энг муқаддас ҳис-туйғу ва эътиқод, адолат ва унга амал қила билмоқдир. Бу инончу эътимоддан юз ўгирганлар аслида инсонликдан юз бурадилар. Майли, биз-ла баробар Кўксарой томон юриб, айтув айта билурсан. Она бошкентим Самарқанд сўқоқларида шеър муסיқа садолари остида юрмоқ не қадар буюқ илоҳий неъмат. Ватандан узоқдалигимда бу даму дақиқалар тушларимга кириб чиқарди. Оллоҳга шукур, етишдим.

Улуғ хоқоннинг сўнгги сўзлари бўғзидан товланиб, титраб чиққанини амир Боботурқдан бошқа ҳеч ким пайқамади.

Улуғ хоқон тикланаётган икки масжид ва мадраса орасидаги йўлдан қурувчилар ишини кузатганча арк, Кўксарой томон юрди.

Хоқон ва меҳмонларига эргашган қаландарлар илҳом билан сафойилий мусиқасини чалиб, айтув айтиб боришарди:

Сотқин ботқоғида доим қолажак,
Қаллож қилмишини қоим қилажак.
Тун аро топишиб, ойин қилажак,
Миллат хоинлари хоин қолажак.

Ким туюр нонга зор, кимга сим битар,
Адолат битигин, айтинг, ким битар.
Кетганлар устига қаро чим битар,
Ўлмаган қулига бу кун ҳам ўтар.

Нодон золим ўз ўзини овулар,
Кунин алдаб, қўлтиғини совулар.
Ўнжа ўзга, сўнгра ўздан ёв тутар,
Ҳаёт – қопқон, билмас, ўзин ов кутар.

Ота душман икки дунё дўст бўлмас,
Кўппак терисидан асло пўст бўлмас.
Ўзи юксалтирган азал паст бўлмас,
Ҳачирлар югурсин, елсин, асп бўлмас.

Азал номус, қадри-қиймат арзондир,
Эрку эътиқодсиз улус сарсондир.
Зидди зулм жиҳод қилган раҳмондир,
Ҳақсизлик ўнгида сусган шайтондир.

ЕТТИНЧИ БОБ

...Ўша айёмда амир Хусайнга бу ғалаба муяссар бўлгач, у катта шикор уюштирди. Султони ғозий Хўжанд суви бўйидан шикор нарға (саф)сини тузиб келди. Амир Хусайн Дизакдан жарға тартиб қилиб борди. Иттифоқликда Анқар чўлида ов овлаб, бирлашдилар. Бутун Мовароуннаҳр душмандан тозаланиб якка қалам бўлгани ва истаклари барчаси рўёбга чиққанига шукрона қилиб орқага қайтиб, Самарқанднинг мўътабар қишлоқларидан Шодмонга келиб тушдилар.

...Шу аснода амир Мусо, амир Ўлжайту ва Шайх Муҳаммад Суздузларнинг қароунос¹ — лашкари — манғлойти — қарийб йигирма минг отлиқ Мулунғур (ҳозирги Булунғур) суви бўйига келиб тушди. Малик баҳодирни уч минг суворий билан Сўзангаронга йўлни қўриқлайга жўнатишди. Жаҳоншоҳ бир ярим минг отлиқ билан Работи Маликда ўрнашди. Хирман баҳодир минг киши билан Дизакда йўлни тўсиб қўйди...

...Султони ғозий беш юз отлиқни танлаб олиб, қолганларини амир Кайхисравга қолдириб, ўзи илғор билан шо-

¹Қароунос — мўғуллар Чингизхон авлодидан бўлмаганларни қарочу, Чигатоёй улусининг шарқий қисмидаги аралашиб кетган дурагаёй турк-мўғул қавмларини эса қораунос дея атаганлар.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

шилиб йўлга тушди ва Ховосдан шабгир қилиб, тонг пайти Жаҳоншоҳ устига ташланди. Уларни тор-мор келтириб, Дизакка жўнади.

...Султони ғозий Дизакда қолган амир Кайхусрав ва икки минг отлиқ мўғулдан иборат ғул изма-из етиб келишар, деган умидда у ерда тўхтаб турди. Мўғуллар эса қораунос лашкаридан чўчиб, Дизакдан қайтиб кетишганди...

НАТАНЗИЙ

Бомдод намозидан сўнг Ҳазрати хизр масжиди ўнгида Хўжа Муҳаммадни кутиб турган амир Боботурк қози етиб келгач, биргаликда элчилар қароргоҳи томон юрдилар.

– Доимо базм ва тантаналар бошланган пайтда етиб бориб, халойиқ орасида қолиб кетиб, ҳеч нарсани кўра олмаяпмиз, амир жаноблари, – деди Руи Гонзалес ҳолаҳвол сўрашишгач, амир Боботуркга. – Бизни маросимлар бошланмасдан бурун олиб бориб, Конибилдаги тўй саройпардасини кўрсатсангиз. Меҳмон ва мезбонлар билан тўлиб-тошмаган пайтда бу антиқа чодир шаҳарни кўрсак дегандим. Айтишларича, Турон мамлақати ва давлатлари тарихида бундай катта саройпарда ҳеч қачон тикланмаган экан. Сўйлашларига қараганда, унга ўн минг киши сиғармиш. Тўғрими?

– Ҳақ сўйладингиз, мухтарам элчи жаноблари. Ҳақиқатан ҳам тўй саройпардаси ўн минг меҳмонга мўлжалланган. Унга туташ чодир оқ уйларга ҳам ўн минг мезбон сиғади, – жавоб қилди. – Мусоид бўлсаларингиз ҳозироқ жўнашимиз мумкин.

Элчилар Конибил ўлани томон йўлга чиқдилар.

Чодиршаҳар тиниқосмонли кўз, киши танасига хуш ёқувчи

Нурали ҚОБУЛ

сўнг баҳор кўёши нурида самодаги юлдуз каби порлаб кўринар, юлдузлар оташранг бўлса, кўзни қамаштираётган мухташам чодиркент алвон рангда жилоланарди.

– Биз ҳозир ўрдубозор кўчалари орқали ўтиб бормоқдамиз, – деди Хўжа Муҳаммад меҳмонларни қўшин ортидан юрадиган кўчма бозор сўқоқларига бошлар экан. – Бу бозорда инсоннинг жонидан бошқа ҳамма нарса мавжуд. Ҳинду Чин, Эрону Шом, қолаверса, барча дунё мамлакатлари тужжорлари учун бу энг қулай ва хавфсиз бозордир. Боиси, олий ўрду ҳимоясидаги бу бозорда шу пайтгача бирор кимсанинг игнаси ҳам йўқолмаган. Аскарнинг ақчаси бўлмаса ҳам насяга мол олиб кетаверади.

– Агар мол олган аскар жангда ҳалок бўлса-чи? – сўради ҳар нарсага қизиқувчан Руи Гонзалес.

– Бундай ҳолат юз берса унинг ҳақини ўнлиги тўлайди ва бу масъулият ўнбоши зиммасида бўлади. Мана, биз асосий, улуғ хоқон саройпардасига етиб келдик. Зоти олийлари учун тўртта буюк саройпарда ва тўртта катта оқ уй торганлар. Бу оқ уй ва саройпардаларнинг ўқлари олтидан бўлиб, жавҳар ила безак берилган. Саройпарда ичидаги ўн икки суруғлик чодирнинг таши сиқарлайдан, ичи бахмал, таноблари ипак, суруқлари олтин билан жилоланган. Бу чодирсаройни фаррошларимизу юртчиларимиз бир ҳафтада тикладилар.

Улуғ хоқон кўшкига яқинлашганларида уларни айвонга ўтиришга таклиф этишди. Бу айвондан ўн минг кишилик сарой шаҳарнинг тўрт тарафи яққол кўзга ташланиб турарди.

Оқ каноп мато устидан турли рангдаги газламалар қоплаб тикилган узун айвоннинг шифти икки таёқ баландлигида бўлиб, юқорига таранг тортилган эди. Яланглиқдаги ўнлаб соябонлар яқинида тўртбурчак шаклда кўшк қурилганди. Ердан бир найза юксаклиқда тикланган кўшкнинг баландлиги уч найза бўйи бўлиб, ичи юз қадамча келарди. Айлана гумбазини кўтариб турган ўн икки устун зарҳал ва ложувард ранглар

билан бўялганди. Соябонли зинапоялар бежирим йигирма тўрт устунга таяниб, кўшкни ўттиз олти устун кўтариб турарди. Кўшкнинг ичига қизил гиламлар осилган бўлиб, устига турли рангдаги шойи гумажлардан кашталар тикилганди. Шифт ўртасига нафис безаклар ишланиб, шоҳи девор пардаларига зарҳал ипларда турли нақшлар солинган. Кўшк ташқи томондан оқ, қора ҳамда сариқ йўл-йўл шоҳи мато билан ёпилган эди. Ҳар бир бурчакка ўрнатилган юксак устунлар куббасида мисдан ясалган олма устига қовун палласи, ярим ой тасвири туширилганди.

Саройкўшкнинг шифти устидан пастдагилардан янада юксакроқ тўртта устун тикланган. Бу устунлар куббасида эса мис олма ва тўлин ой тасвири бор эди. Устунлар орасида шоҳи кунгуралари бўлган минорага кириладиган эшик бўлиб, кўшкни кучли шамол силкитганда тепага чиқиб, уни босиб туришарди.

Кўшк тўридаги супага қалин шойи кўрпачалар тўшалиб, улуғ хоқон учун жой ҳозирланган. Хоқон супасидан пастроқдаги икки супага ҳам кўз қамаштирувчи рангли кўрпачалар тўшалган.

Саройпардада иккита тўсилган чодир бўлиб, биринчиси Сароймулкхонимники, иккинчиси эса Тўкалхонимга тегишли эди.

Тушга яқин улуғ хоқон истироҳат этган чодирдан чиқиб, бош саройпардадаги кўшкка кириб келди. Кўшкни диққат билан кузатган хоқон элчиларни таклиф этишни буюрди. Суфрага от ва қўй этидан ҳозирланган емаклар тортилди.

– Улуғ хоқон сизларни эртаги базмга таклиф этароқ кетмоқларингизга изн бердилар, – деди амир Боботурк элчилар ёнига келиб.

Базм саропардалардан бирида бўлиб ўтди. Мавжуд таомилга кўра бу зиёфатда энг яқин амирлар улуғ хоқонга тухфалар тортиқ этиши лозим эди. Совға тақдимиоти базм тугагач бошланди. Биринчи бўлиб амир Шоҳ Малик шогир-

Нурали ҚОБУЛ

ди Мирзо Улуғбек билан бирга ўз ҳадяларини олиб келди. Совғалар узун пояли тўққизта кумуш идишда писта, бодом, сариқ, қора ва тўқ малла рангдаги майиз ширинликлар билан тўла бўлиб, устига бир кийимликдан шойи газлама қўйилган эди.

– Икки идишни фаранг элчиларга тақдим этинг. Қолган ҳадяларни эса тўпланганларга улашинг! – буюрди хоқон. – Мусофирларимиз бошидан кумуш тангалар ва феруза кўзли олтин тўқалар сочинг!

– Эртага валиаҳд Пирмуҳаммад мирзонинг волидаи муҳтарамаси Хонзодабегим сизларни ўзи уюштиражак базмга даъват этдилар. Ана энди ҳақиқий тўй-тантана бошланади, – деди Хўжа Муҳаммад кўноқлар билан қароргоҳга қайтаркан.

Руи Гонзалес ҳамкасбига савол назари билан қаради.

– Тўйда иштирок этаётганларга ички ичмоққа рухсат этилади. Шунинг назарда тутмоқдаман, – изоҳ берди темурий элчи.

Хос мулозимлар малика Хонзодабегим саройпардасига элчиларни эргаштириб борарди. Улар малика чодирига яқинлашаркан, қатор териб қўйилган кўзаларга қизиқиш билан боқдилар.

Чодир тўрида икки супа бўлиб, бирида Хонзодабегим, иккинчисида Сароймулкхоним ўтирарди. Малика элчиларни ўз қаршисидаги супага таклиф этди. Оқ юзли, тўлачадан келган, ўрта ёшлардаги маликанинг суфрасида май, бўза ва турли шарбатлар бўлиб, майхўрлик аллақачон бошланган эди.

Чолғучилар тинимсиз куй чалишар, тўпланганлар мусобақалашгандек хушу хурсандлик-ла май ичишарди.

Аспоздалардан уч киши ва икки ўспирин меҳмонларга тинимсиз қадаҳ тутар, болаларнинг икки кўзи бўшаган қадаҳларда эди. Қадаҳ тутувчиларнинг кўлида сочқисифат оқ мато бўлиб, шарбатдор олтин пиёлалар қўйилган лаганини кўтарганча эгилиб меҳмонларга тутарди.

ҚАДАРИНИНГ ҒАРИЙ ЖИЛВАСИ

– Бу ерда хонимлар ила баробар ички ичаётган эркаклар уларнинг энг яқин қариндошлари, улуғ хоқон оиласига мансуб амирзода ва ақраболардир. Маликалар, саройга алоқадор хонимлар ҳеч қачон бегоналар ҳузурида ёки улар билан ички ичмайдилар. Эътибор берган бўлсангиз, малика Хонзодабегим бераётган зиёфатда сизлардан бошқа ҳеч бир мамлакатнинг элчиси йўқ. Сабаби, улуғ хоқон ҳазрати олийлари сизларни ўз оила аъзолари каби яқин кўриб, маликалар базмига ташриф этишингизни тайинладилар, – хонимларнинг очилиб-сочилиб еб-ичиб ўтирганига ҳайрон бўлиб боқётган кўноқларга вазиятни англатди Хўжа Муҳаммад. – Бу нарса улуғ хоқоннинг давлатпаноҳ қиролингиз ва сизларга бўлган чексиз иззат-ҳурматининг рамзидир.

Ҳаётда ичимликни оғзига олмаган Руи Гонзалес фикрини жамлаганча диққат билан малика зиёфатини ипидан игна-сигача кузатар ва хотирасига муҳрларди. Улуғ хоқон ва маликалар ҳузурида кўлига қалам олиб воқеа ва ҳодисаларни қайд этмоқ одобдан саналмасди. Ҳар бир ҳолат ва ашё тасвирини қароргоҳига қайтиши билан қоғозга туширарди. Гоҳида эса бирор-бир воқеа ёдидан кўтарилиб кетмаслиги учун йўл-йўлакай, от устида ёзарди.

Соқийлар, шарбатдор ва қадаҳ тутувчиларнинг шароб тақдим этмоқ маросими ҳам антиқа эди. Маликалар ва меҳмонларга қадаҳ тутувчилар тўданинг олдида юришар, булар орқасида пиёлалар терилган лаганни икки билаги устига қўйган шарбатдор борарди. Улар маликага ярим ма-софа қолганда тўхтаб, ўнг тиззаларини уч марта букиб, яна қаддиларини ростлайдилар. Сўнгра оҳиста қадам босиб, малика ўтирган супага яқинлашадилар. Лагандаги пиёлага қўл теккизмай, оқ сочиқ билан тутиб, тиз чўкканча дастлаб малика, сўнгра бошқа хонимларга навбат билан узатадилар. Аёллар пиёлаларини қўлларига олишгач, май тугувчилар лаганни ушлаган ҳолда орқага тисирилганча ўнг

Нурали ҚОБУЛ

тиззаларида чўкиб туришади. Хонимлар майларини ичиб бўлишгач, тиззалаган май узатувчи ўрnidан туриб, яна уларга яқинлашади. Меҳмонлар бўш пиёлаларини лаганга кўйгач, орқага тисарилиб, чодирдан чиқадилар.

Малика Хонзодабегим қадаҳ узатишга келган ҳар бир хизматчига май ичишни буюрарди. Шароб ичиш амр этилган мулозим қадаҳни қўлига олиб, четроққа чиқиб тиз чўкканча косани бўшатарди. Тагида бир томчи ҳам ички қолмаганлигини намойиш этиб, идишни тўнтариб кўрсатарди. Сўнгра бу хизматчилар ўз қилаётган ишлари ва фидокорликлари ҳақида латифанамо воқеаларни айтиб, даврани кулдирарди.

– Сизларни маҳди улё Сароймулкхоним ҳузурларига чорлайдилар! – деди бош малика ўтирган супада хизмат қилаётган бели боғлоқлиқ хизматчи элчилар ёнига келиб.
– Лутфан буюрингиз!

Де Мария ва Руи Гонзалес Хўжа Муҳаммад ва тилмоч ҳамроҳлигида улуғ малика супаси ёнига етиб келдилар. Руи Гонзалесдан бошқа барча қўлига май тўла коса олди. Малика тутган олтин косадаги қирмизи шароб шамлар ёруғда жилоланар, юзига упа элик сурилган гўзал аёл араб эртақларидаги афсонавий бир қиёфада ёқимли табассумла меҳмоннавозлик кўрсатарди.

– Сиз ҳеч қачон ички ичмаганмисиз? – сўради малика кўзиники каби садаф тишларини ярқиратиб жилмаяркан элчига.

– Йўқ, маликаи олиялари, ҳаётимда оғзимга олмаганман. Бир қошиқ қонимдан кечинг! – жавоб қилди Руи Гонзалес тиз чўкканча таъзим қилиб.

– Ишонмайман. Шу пайтгача ҳеч бир насроний эркакларнинг ички ичмаганини эшитмаганман, – ҳайрон бўлди малика.

– Мен давлатпаноҳ қиролимиз Энрике Учинчи саройида маслаҳатчи ва сўзчи нотиқ ўлароқ хизмат қиламан. Отам

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

ҳам қиролимизнинг оталари замонида шу лавозимда ишлаганлар. Бу мансабдаги киши доимо хушёр бўлиши керак. Қирол сархуш бўлганда ҳам унинг нотифи, яъни қирол сўзини халойиққа етказувчи киши зийрак ва сергак туриши керак дея отам ҳам ичмаганлар ва мени-да шунга ўргатганлар, маликам. Шу-шу ҳеч қачон ички ичмадим! Қусурга боқманг! Узр тилайман!

– Ҳеч ишонгим келмаётир, Хўжа Муҳаммад. Жаноб элчи рост сўйлаётирми? – ишонқирамай сўради малика ўз элчисидан.

– Қарийб икки йилдан бери биргамиз. Ичганларини кўрмадим, улуғ маликам, – гувоҳлик берди қози Хўжа Муҳаммад.

– Биз билан ҳам ичмайсизми? – ҳамон элчини кўндиришга уринарди малика. – Бизнинг қўлимизни шу пайтгача ҳеч ким қайтармаган.

– Сиз каби жаҳон маликаси, хонзодалар хонзодаси кўрсатган илтифоту мурувват, иззат-икромдан ақлимни йўқотажак даражада сархушдирман! Ана шу эътибордан бошим кўкларга етди ва кўкка етган бошимни ҳузурларида ерга етгунга қадар эгиб, таъзимдаман, шарафли маликам! Тангри меҳри-марҳаматингизни янада юксалтириб, боқий этсун! – ҳамон тиз чўкканча ёлворарди Руи Гонзалес.

Ниҳоят, малика элчининг ҳақиқатан ҳам ичмаслигига ишонди чоғи унинг косасидаги майни қадаҳ тутувчига ичишни буюрди.

Маликанинг тазйиқидан қора терга тушган Руи Гонзалес довдираганча қайтиб келиб жойига ўтирди.

Катта ва кичик маликага яхши кўриниш учун бетиним ичаётган эркаклар ҳушдан кетиб йиқилишар, аёллар ёстикларга бош қўйганча сархуш ётишарди.

– Хонимлар бизнинг олдимизда ўзларини ноқулай сезмасликлари учун кета қолсакмика? – деди Руи Гонзалес Хўжа Муҳаммадга.

Нурали ҚОБУЛ

– Малика Хонзодабегимнинг рухсатларисиз кета олмай-миз. Одобсизлик бўлади. Фақат хонимлар томонга боқмай ўтирасиз. Суфраларга емак тортилгандан сўнггина кетишимиз мумкин, — жавоб қилди қози Муҳаммад ҳамкасбининг қулоғига шивирлаб. — Меҳмонларнинг ичиб маст бўлиб қолганларига ҳайрон бўлманг. Бу одат, яъни малику маликалар олдида ичиб маст бўлиб ағанаб қолиш удуми бизларга мўғуллардан ўтган. Меҳмонлар бунини ўзлари учун шараф деб биладилар ва шу тахлит ҳукмдорга садоқатини кўрсатиб, исботлаган бўладилар. Ичмақдин мақсад муддао бир дақиқа бўлса-да, ҳаёт ташвишларини унутмоқ завқу шавқ, роҳату фароғат-ла кунни ўтказмоқ дея тушунадилар. Акс ҳолда, ичмақдин ҳеч қандай маъно йўқ дея ўйлайдилар.

Ниҳоят, малика қўл ишорати билан емак келтиришни буюрди. Улкан товоқлар қовурилган қўй ва от этига тўла эди. Сур гўштдан турли услубда ҳозирланган, ранго-ранг ҳинд зираворлари сепилган гуручли овқатларни суфраларга қўйиб чиқишди. Энди тандирдан узилган тотли ва кўкатли кулчалар ҳиди чодирни тўлдирди. Икки киши гўшт солинган тери ошлоқни судраганча суфраларга тақсимларди.

Бу каби маликаю паривашлар даврасини кўрмаган меҳмонлар Хонзодабегимнинг афсонавий чодирдан ақл бовар қилмас таассурот-ла чиқишди.

Элчилар ҳангомалашганча шаҳар четидаги қароргоҳларига қайтардилар. Ўрда бозорига туташ йўл бошида бир отлиқ киши бор овозда бақирарди:

– Аҳли Самарқанд, аҳли тужжору халойиқ! Эшитмадим деманглар! Эшитганлар қолманглар! Улуғ хоқонимиз, соҳибқирони аъзам Амир Темуру муаззам ҳазратларидан фармони олий бўлди! Хоқони акрам зоти олийлари Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Ийжил Мирзо, Сиди Аҳмад, Пирмуҳаммад Мирзо ва Мирзо Бойқароларни муҳташам тўю тантаналар билан дунё ўйига киритиб,

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

уйлантирмоқдалар! Шоҳу гадой, каттаю кичик, бою баён, фақирю фуқаро, ғарибу ғурабо, дарвешю қаландар ким бўлмасин, Кониғил ўланига тўйга даъват этилади! Эшитмадим деманғлар! Саррофу читфурушлар, ошпазларю қассоблар, новвойю қандолатчилар, тикувчию кафшдўзлар, антиқачию жавоҳиршунослар! Бир зум бекламасдан хоқон Ўрдуси жойлашган яланғликка чиқиб, чайлаю хайманғизни тикиб, ишни бошланғ! Машшоқларю чолғучилар, дорбозларю масхарабозлар, ҳоғизларю битикчилар! Фурсатни ғанимат билинғу тезда етиб бориб, санъатинғизни намойиш этиб, улусни хушу хурсанд этинғ! Эй бандайи халойиқ! Эшитмадим деманғлар! Эшитганлар қолманғлар!

Барвақт турган элчилар яна Кониғил яланғлиғи томон йўлга тушдилар. Чодирлар ва савдо расталари оралаб бораётган Клавиҳонинғ кўзи дорға ўхшаш қурилмаларға тушди.

– Ана у оғочлар недир? Дорми ёки дорбозлар ўйин кўрсатадими? – сўради ёнида бораётган Хўжа Муҳаммаддан.

Хорижий ҳамкасбидан бу саволни кутмаган элчи не демоқни билмай бир зум тараддудланди.

– Ҳа, у ҳақиқий дор оғочидир, дўстим, – деди анчадан сўнғ тили тутилғандек ғалати овозда.

– Тўйда дор оғочига не лузум бор? Англамадим, биродар? Изоҳ эта билурмисиз? – яна сўради Гонзалес.

– Демак, тўй ила баробар кимларнидир жазоламоқ тадбири ҳам кўзда тутилган бўлса керак. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, дўстим. Бу сўрову саволларға жавоб бермоқ менинғ хизмат вазифамға кирмайди. Ўз ваколлатим доирасидан ташқарига чиқа олмайман. Фақат шуни айтишим мумкинки, бу кишилар катта жиноят қилган бўлсалар керакки, кўрганинғиз каби халойиқ олдида намойишкорона дорға осиладилар. Биздағи мавжуд тузукка кўра аслзодалар дорға осилади. Жиноят қилган оддий фуқаронинғ боши кундага етказилади.

Нурали ҚОБУЛ

Бу ҳолдан таажжубланган элчи қайтиб савол бермади ва бутун ишини йиғиштириб, кимни ҳамда не учун осажақларини билмоқ учун дор атрофида ўралашди.

Пешин намозидан сўнг олий қози ноиби тўпланган халойиқ олдида биринчи ҳукмни ўқиди:

– Етти йил мобайнида ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб уни суиистеъмол қилган Самарқанд шаҳри даруғаси Хўжа Маҳмуд Довуд мол-мулкини мусодара этмоқ шарти билан дорга осишга ҳукм қилинди! Ҳукмга барча олий қозият аъзолари имзо чеқдилар! – дея ҳукмни эълон қилди ноиб.

– Мен улуғ хоқон зоти олийларидан даруға Маҳмуд Довуднинг гуноҳини сўрайман ва қанча товон керак бўлса тўлайман! – дея ўртага кенг пешона, рапиданусха юзи кизарган амир Аҳрор Фулом Бурулдай чиқди. – Улуғ хоқон ҳазратларидан унинг гуноҳидан ўтишларини рижо этаман!

Қози ноиби ёнидаги ёрғучи билан маслаҳатлаша бошлади. Ёрғучи улуғ хоқон, олий қози ва шайхулислон ўтирган чодирга кириб кетди.

Икки коса бўза ичгулик муддат ўтгач, қайтиб чиқиб, қозилик қарорини ўқиди.

– Амир Бурулдай! Олий қозилик таклифингизни инобатга олиб, беражак товон пулини ҳозироқ келтиришингизга ҳукм этди!

– Товон пули шу ерда, – деди амир хизматчиларига ақча тўлдирилган халталарни олиб келишни имо этаркан.

Бу пайтда миршаблар даруға ва жоме масжиди қурилиши мутасаддиси Муҳаммад Жалдни оёқ-қўлига кишан урилган ҳолда етаклаб келиб бўйниларига дор ҳалқасини солишган, Маҳмуд Довуднинг кўзларидан ёш оққанча одамларга нажот нигоҳини тикар, Муҳаммад Жалд эса ҳушидан кетиб йиқилиб тушар, жаллодлар уни тепкилаганча ўзига келтириб, турғазишарди.

Амир Аҳрор Фулом Бурулдай келтирган дуру жавоҳир,

динору кўппакийлар олти халта бўлган эди. Уларни кўздан кечирган қози ноиби ёрғучи билан бирга қопларни хатладида, яна қозилар ўтирган чодирга кириб кетди. Бир муддат ўтгач, қайтиб чиқиб, ранги-қути оқарганча сўнг ҳукмни эълон қилди.

– Қозилар ҳайъатининг барча аъзолари имзо чекиб, Самарқанд қозийул қуззоти Мавлоно Жалолиддин тасдиқлаган сўнг ҳукм шундай турур. Даруға гуноҳини сўраган, умр бўйи худди даруға Хўжа Маҳмуд Довуд каби ҳаром бойлик тўплаб, уни халқ хизматига бахшида этмай, ўзи каби бир жиноятчини қутқариб олишга сарф этган амир Аҳрор Ғулом Бурулдайнинг мулки хазина ҳисобига ўтказилсин ва ўзи оёғидан осилсин! – дея овози титраб ҳукмни ўқиди жиккак қози вакили.

Жаллодлар фурсат бекламай ишга киришдилар. Бу ноҳуш манзарани кўрмоқ истамаган одамлар юзларини бурганча тарқала бошлашди. Булар орасида элчилар ҳам бор эди.

Қози ноиби иккинчи ҳукмни ўқир эди.

– Шаҳарда эт нарҳини сунъий тарзда ошириб, катта миқдорда ҳаром маблағ қозонган бош қассоб ва қассоблар ҳам ўлим жазосига ҳукм этилади. Булардан салбий ўрнак олиб шаҳри Кешда ҳам эт нарҳини ошириб, халойиқ ҳақини еган даруға Келдибек Жўра ва бош қассоб Хубби Араб ҳам ошишга ҳукм этилади! Шунингдек, ўзига ишониб топширилган уч минг салтанат отини тугал асрамаган улус беги Салоҳиддин Сайисий ҳам олий жазога тортилсин!

– Улуғ хоқонга етказингиз! Менга бир йил муҳлат берсинлар! Уч минг отни олти минг қилиб тўлайман! – дея бақирди миршаблар судраб келган Сайисий дор тагида туриб.

Ёрғучи яна чодирга кириб кетди. Қайтиб чиққач, бу хусусда сўнг ҳукмни ўқиди.

– Улус беги Салоҳиддин Сайисийнинг сўрови инобатга олинмади! Ҳукм ўз кучида қолади!

Нурали ҚОБУЛ

– Ноинсофлар қотиллар! Золимлар! От учун ҳам Оллоҳнинг яратиғи одамни дорга осадиларми? Сенларга ҳам ўзининг бир жазоси бор! – дея сўнг бора ҳайқирди амир Сайисий.

Миршаблар унинг оғзини қўллари билан беркитиб, бошига тўқима қоп кийгиздилар. У қоп ичида ҳам бақирар, бироқ қалин тўқима қопдан овози чиқарди-ю, не деганини англаб бўлмасди.

Қози ноиби ҳукм ўқимоқда давом этарди.

– Молларга ортиқча нарх қўйиб сотиб, қонунсиз равишда бойлик орттирган ҳунармандлар Абдулсаттор қафшдўз, Сувонкул заргар ва Мардонкул саррофлар йиққан маблағлардан учдан бир қисми мусодара этилсин!

САККИНЧИ БОБ

Ҳукмдор мамлакатни ахлоқий фазилатга таяниб бошқарса, у худди Қутб юлдузи сингари муайян бир жойда туриб, юлдузлар қуршовида бўлади.

КОНФУЦИЙ

Бу нохуш воқеадан қалби ларзага келган Руи Гонзалеснинг шом туби қоронғи эди.

– Сизларнинг бу каби айблар билан, бу тахлит кишиларни жазолашларингизни англамадим, – деди Руи Гонзалес қайтаркан Хўжа Муҳаммадга ғамгин ва тушкун оҳангда.

– Бир қарашда сизга шундай туюлиши мумкин. Бироқ жиноят ва айблов қоғозлари ила танишмай қўнишмоқдасиз. Бизнинг мамлакатда ҳаддидан ошиб кетмаган кишилар бу йўсунда жазоланмайдилар. Истасангиз сизни бу иш ила шуғулланган ёрғучи ва қозининг олдига олиб боришим мумкин, – деди Хўжа Муҳаммад вазиятга аниқлик киритмоққа ҳаракат этиб.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Йўқ, бўлмас. Хорижий бир давлатнинг элчиси ўлароқ бул каби ҳуқуқий ишларга аралашмоғимиз одобдан эмас. Давлатпаноҳ подшоҳимиз қулоғига етса ҳам янглиш англайдилар. Мен сизлардаги жиноят ва жазо тартибини ўрганмоқ учун сўрадим, – гап оҳангини юмшатди элчи.

Деярли ҳар куни Конибил сайрига бориб ўрганган элчилар бозордаги қатллардан сўнг тўрт кун қароргоҳларидан чиқмай ётдилар. Де Мария ва хизматчилар кўза-кўза ичкилардан ичиб, ҳар куни келтирилаётган этлардан ўз одатларига кўра емаклар тайёрлаб, қароргоҳни ўраган боғда айланишарди.

Тўртинчи куни қўноқлар ҳузурига ташриф буюрган Хўжа Муҳаммад Ҳиндистон ҳудудидан келган, ўша ўлкаларнинг подшоҳи, валиаҳд Пирмуҳаммад бошкентга етиб келганлигини, элчилар уни саломлашга бориши кераклигини айтди.

Улар яна Конибил сайлгоҳи томон йўлга чиқдилар.

– Кўшқда никоҳ маросими бўлиб ўтмоқда. Бироз беклагисиз, – деди Шоқул шиқовул элчилар олдига ғизиллаб етиб келаркан.

– Сизда никоҳ маросими қандай ўтказилади? – сўради Руи Гонзалес Хўжа Муҳаммаддан.

– Айнан бу кунги никоҳда Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарий хутба ўқиб, никоҳ қилади. Самарқанд қозиси Мавлоно Жалолиддин шаҳзодаларни ҳанафий мазҳабида иқд боғлайди, – ҳамкасбининг саволини жавоблантирди қози.

– Улуғ амир зоти олийлари валиаҳдни кўргач, мархум валиаҳд Муҳаммад Султонни эслаб кўз ёши тўқдилар. Шул туфайли элчиларга кўриниш бермайдилар. Қўноқларни рисоладагидек мусофир этиб, кўнглини олинг, – деди амир Боботурк келиб Хўжа Муҳаммаднинг қулоғига.

Элчилар эса янги тикланган саройпардалар ва қатор кўйиб чиқилган май хумларини томоша қилиш билан овора эдилар.

Меҳмонларни хоқон кўшқидан узоқроқдаги чодирга жой-

Нурали ҚОБУЛ

лаштиришди. Салтанат кўшки ва чодирлари теграсидаги майдонни айлантриб май хумлари териб чиқилганди. Бир хум иккинчисидан бир тош отим масофа узоқликда бўлиб, хумлар тизилган узунлик ўн чақиримдан ошиқ эди. Улуғ хоқон кўшки атрофида найза, камон ва дарра билан қуролланган суворий соқчилар айланиб юришар, хумлар қатори ёнидан ўтган киши ёйчилар ўқиға дучор бўлар ёки дарраға дуч келардилар.

Кўшк айланасидаги яланглик одамға тўлган, халойиқ хоқоннинг ўтишини кутарди. Кўшк ёнида ўнларча соябон қурилган бўлиб, улар остига май тўла катта-катта хумлар қўйилган эди.

Элчилар ўзлари учун ажратилган чодирда Пирмухаммад қабулини кутиб узоқ ўтирдилар. Ниҳоят валиаҳд супасидан келган мулозим мусофирларни унинг ҳузурига олиб борди.

Турон тахтининг вориси қизил мовут қопламали чодирда, ердан ярим найза бўйи кўтарилган супада ўтирарди. Ҳузурда йигирма чоғли мулозим ва меҳмонлар бор эди. Валиаҳд чодирига яқинлашганларида шу мулозимлардан иккитаси ўрнидан туриб келиб, элчиларнинг қўлидан тутиб, тиз чўктиришди. Туриб бироз юришгач, яна тиз чўктирдилар. Супагача етганда валиаҳд қаршисида ўнг оёқ билан тиз чўкиб, қўлларини кўкракка босиб, бош эгтанча бошкентта ташрифини қутладилар. Эргаштриб келган икки мулозим элчиларни ўрниларидан турғазиб, четроққа олдилар. Сўнгра чодирдан ташқарига олиб чиқишди.

Валиаҳд Пирмухаммад элчилар шу пайтгача кўрган барча амирзода, вазир ва беклардан кўра яхши кийинганди. Йигирма икки ёшдаги, соқоли унча ўсмаган қорачадан келган валиаҳднинг эғнидаги кўк беқасам ятакнинг икки елкаси, кўкраги ва енглирига биттадан зарҳал ҳалқа тикилганди. Бошидаги қалпоғи йирик марварид ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, қалпоқ тепасининг олд томонига қадалган лаъл ёниб, товланиб турарди.

Ҳузурига кирган кишилар баланд овозларда ҳамду сано айтиб уни қутлашар, кўнглини олиш учун елиб югуришарди.

Суга олдидаги кичик майдончада калта, енгсиз камзул кийган икки паҳлавон кураш тушар, қанча уринишмасин, бир-бирини йиқита олмас эдилар.

– Шуям олишув бўлдимиз? Бир курашчи иккинчисини йиқитиши керак! – деди уларнинг ҳаракатини кузатиб зериқкан шаҳзода.

Валиаҳднинг эътирозидан кўп ўтмай кўк камзулли полвон яшил камзуллини йиқитди ва ҳакамлик қилаётган киши рухсат этмагунча қўйиб юбормай босиб турди.

Шаҳзода Пирмуҳаммад ҳузуридан чиққан элчилар ўз чодирларига қайтдилар.

Улуғ хоқон катта кўшкка ўтгач, уларни ҳам зиёфатга даъват этишди.

Кўшк атрофида байрам давом этарди. Дорбоз, қизиқчи ва масхарабозлар ҳар жой-ҳар жойда томоша кўрсатишар, одамлар ёпирилганча филлар ҳаракатини кузатишарди. Турли рангга бўялган филларнинг устига кажавалар ўрнатилган бўлиб, уларда филбон ва томошабинлар ўтиришарди.

Элчилар тинимсиз чалинаётган мусиқа садолари остида ўзлари учун ажратилган жойга бсриб ўтирдилар. Хоқон супаси қаршисига май тўлдирилган уч юз чоғли қувача қўйилган эди. Қизил рангга бўялган уч оёқли хонтахта устида бия сути ва қаймоқ солинган катта чарм саноч турарди. Хизматчилар бия сутига қанд бўлақларини солиб таёқ билан кавлашарди.

Меҳмонлар жой-жойларини олиб, мулозимлар ўз хизмат ерларида тик тургач, кўшк ёнидаги саропардадан кўйлаги этагини ўн беш нафар канизак кўтарган бош малика Сароймулкхоним чиқиб келди.

Кўксарой аслзодаларига қараганда маликалар ранго-

Нурали ҚОБУЛ

ранг кийинишар, шоҳи ва адрас кийим-кечакларда товус каби товланиб, киши кўзини қамаштирарди.

Бу маҳобату улуғворлик, бу гўзаллигу латофат, бу тантанаю дабдаба олдида лол қолган элчилар ҳайрат бармоқларини тишлаганча маликага қараб қолгандилар.

Малика зарҳал безакли, этаги ерда судралган узун ва кенг, енгсиз ва ёқасиз қизил шоҳи кўйлак кийганди. Кўйлак белидан қисиб торайтирилмаган тарзда этагигача кенгайиб борганди. Упа-эликдан оқарган оппоқ ҳарир матодан ҳам маликанинг гўзал юз қиёфаси кўриниб турарди. Бошида тўрт қаричлар келадиган узун тожсифат қулоқчин бўлиб, попилдириқлари елкасига тушиб турар, қуйи қисмига эса мато уланганди. Қулоқчиннинг пешонага тушиб турган тиллақошига қадалган ёкут, феруза, ақиқ, дур ва марварид каби юзлаб қимматбаҳо тошлар шамлар ёруғида сеҳрли жилоланарди. Антиқа қулоқчиннинг зарҳал билан тикилган ва маликанинг елкасига тушиб турган қисмига ҳам қимматбаҳо тошлар ва дури жавоҳирлар билан безатилган ғаройиб тилла баргак қадалган эди. Қалпоқнинг қайрилган учига ғоят антиқа, икки бармоқ энида, ял-ял ёниб турган уч дона шаффоф ёкут тикилганди.

Қалпоққа қадалган, узунлиги икки қарич келадиган оқ жиғанинг айрим патлари пастга эгилган, баъзилари юзу кўзлари устига тушиб турарди. Зар иплар билан боғланган парлар ўрами охиридаги жиғага қимматбаҳо тошлар ва марваридлар қадалган бўлиб, ҳаракатланганда пирпирарди. Маликанинг ўрилган узун ва тим қора сочлари елкасига тушиб турарди. Улкан тожсифат қалпоғининг тушиб кетмаслиги учун уч аёл қўлларини кўтарганча тутиб келарди. Сароймулкхоним уч юз чоғли аёллар қуршовида эди. Юзига офтоб тушмаслиги учун бир ҳарам оғаси соябон тутиб келар, қолган ҳарам оғалари, яъни бичилган қўллар аёллар олдида боришарди.

Кўшсаройга етиб келган Сароймулкхоним улуғ хоқон

ўтирган супадан бироз орқароқдаги супага жойлашди. Малика супасида қат-қат кўрпачалар тахлами турар, бу кўрпачалар ҳады учун мўлжаллангандек эди. Малика билан келган аёллардан унинг бошидаги шоҳона қизил қалпоғини тутиб турган уч хоним қолди. Бошқалар эса кўшк ташқарисидаги чодирларга ерлашдилар.

Сароймулкхонимдан сўнг кўшкка икки юз чоғли канизагу аёллар билан энг кичик малика-мўғул хони Хизрхўжанинг қизи Тўкалхоним кириб келди. У ҳам худди бош малика каби қизил кўйлак кийган бўлиб, бошида қизил қалпоғи бор эди. У ҳам бош малика амал қилган расми-русум бўйича кўшкка кириб келиб, бош маликадан пастроқдаги супага ўтирди. Ичида чодирлари бўлган яна бир саропардадан хоқоннинг учинчи мавқедаги хотини Чўлпон Мулк оқа чиқиб келди. У ҳам иккинчи маликадан қуйироқдаги супага жойлашди.

Шу тариқа ўз саропардаларидан маликалар Дилшод оқа, Туман оқа, Нигор оқалар чиқиб келиб, бир-биридан пастроқдаги супалардан саккиз нафар малика жой олди. Тўққизинчи бўлиб ўз саропардасидан валиаҳд Муҳаммад Султон вафотидан сўнг шаҳзода Пирмуҳаммад никоҳига ўтган Руқия хоника бегим чиқиб келди.

Маликалар ва амирзодалар ўз мавқеларига қараб жойларини эгаллагач, соқийу қадаҳ тутувчилар ишга киришди. Меҳмону мезбонлар бир-икки косадан май ичганларида амир Боботурк элчилар ёнига келди.

– Давлатпаноҳ улуғ хоқон зоти олийлари сизларни мусофир этмоқ учун ҳузурларига чорламоқдалар, – дея кўноқларни хоқон ҳузурига даъват этди.

Амир билан келган икки ясовул икки элчининг қўлидан тутиб, хоқон супаси томон етаклади.

– Хоқон бизга май тутадиларми? – сўради Руи Гонзалес ёнидаги Хўжа Муҳаммаддан.

– Шундай. Улуғ хоқон ҳеч бир мамлакат элчиларига сиз-

Нурали ҚОБУЛ

лар қадар илтифот кўрсатаётганлари йўқдир. Бирор давлат элчисини ёнига чорлаб, қадаҳ ҳам узатмади шу чоққача, – паст овозда жавоб қилди туроний элчи.

– Ахир, мен ички ичмайман-ку. Қўлларини қайтарсам қандай бўлар экан, – безовталанди меҳмон.

– Олампаноҳ сизнинг ичмаслигингизни биладилар ва ички ичмаганларни ичганлардан кўра кўпроқ ҳурмат қилдилар. Роҳатсиз бўлманг..

Қози Хўжа Муҳаммад сўзини тугата олмади. Улар улуғ хоқон супасига етиб келган эдилар.

– Сизнинг ичмаслигингизни биламан. Шу туфайли косани ноибингизга узатамиз, жаноб буюкэлчи, – деди хоқон кумуш коса тўла шаробни Де Марияга тутар экан.

Элчилар хоқон супасига икки қадамча қолганда тўхтагандилар. Клавиҳо ва май тўла косани олиши керак бўлган Де Мария подшоҳга яқинлашмоқ учун бир марта ўнг тиззаларида чўккалаб таъзим қилишди. Сўнгра янада яқинроқ келиб икки тиззада тиз чўқдилар. Де Мария қўли қалтираганча улуғ хоқон элидан қадаҳни олди.

Де Мария ўрnidан туриб, бироз тисарилди-да, тиз чўкиб, қадаҳни охиригача ичди. Лабини кафтининг орти билан артган Де Мария ва Руи Гонзалесни ясовуллар қўлларидан тутганча ўз жойларига етаклаб келиб ўтқаздилар.

Кастилия элчилари билан борган кишилар эса кўшк ёнидаги алоҳида хонада қўноқ этиларди. Кўшкка туташ бундай чодирларда улуғ хоқон билан кўшкда ўтириш ҳуқуқига эга бўлмаган элчи ва мулозимлар мусофир этиларди.

Элчилар чодирларига қайтгач, улуғ хоқон олдидаги май тўла қувачалардан иккитасини улар суфрасига элтишни буюрди.

– Бу тантаналар улуғ хоқоннинг кенжа ўғли Шоҳрух-мирзонинг фарзанди амирзода Улуғбек билан марҳум валиаҳд Муҳаммад Султоннинг қизи Ўғи бегимларнинг

никоҳ маросимларига бағишлангандир, – дея бугунги тўю томошалар ҳақида билги берди Хўжа Муҳаммад касбдошига.

– Булар ака-сингил каби жуда яқин қон-қариндошлар-ку? Эр-хотиннинг қон ўлароқ бир-бирларига бу қадар яқин бўлмоқлари келгуси насллари учун хавфлидир. Улуғ хоқон бунини барчадан яхши билсалар керак? – таажжубланганча сўради элчи. – Бизнинг ғарбда, бир қатор мамлакатларда бу каби никоҳларга рухсат этилмайди.

– Ғоят тўғри сўзлайдурсиз, элчи жаноблари. Бундай тартибга бизнинг ҳудудларда етти юз йил чамаси ҳукм сурган Қанғли салтанати даврида қатъий амал қилинган. Дейлик Хонбалиқдаги қанғли қавми кишиси Ҳожи Тарҳондаги қанғли уруғ вакилига қизини бермаган. Боиси, биз бир отанинг фарзандларимиз. Яқин қавм-қариндош бўлмоқ нари турсин, етти ёки тўққиз аждод ўтган бўлса-да, биз бир қонли авлодмиз дея фақат бегона элу элатлардан қиз олиб, қиз берадилар, – ўзича изоҳ берган бўлди элчи Муҳаммад.

– Бу хусусда чинлилар жуда ҳассосдирлар. Яшамоқ санъатини ғоят яхши биладилар дея эшитганман.

– Тўғри айтасиз. Улар кўп хусусларда бошқа халқлардан илгарилаб кетганлар. Емак-ичмак қўнусида ҳам ҳаддан ташқари соғлом фикрлайдилар. Қандай таом билан қай бир емакни бирга емоқ мумкин, қай овқатдан кейин қайсисини емоқ лозим ёки эт ила хамирли емакни тановул этмоқ мумкин эмаслиги каби қоидаларни яхши биладилар. Биз эса супрани этга тўлдириб, шаробни бўкиб ичиб, соғлигимизни зговлаб яшайверамиз.

– Тўғри, сизларда топган емагини аралаш-қуралаш еб кетаверишар экан. Билмадим, чинлилардами ёки бошқа бир халқдами, этни кўп ема, эт сени ейди деган нақл бор экан, – гурунглашиб ўтирарди ҳамкасблар.

Нурали ҚОБУЛ

Кастилия элчиси сўзини тугатар-тугатмас тўй суфрасига бутунича ўтда тоблаб пиширилган кўйлар ва от гўшти олиб келинди.

~~Руи Гонзалес мийиғида кулганча Хўжа Муҳаммадга қаради.~~

– Бизда бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади деган гап бор. Бек берганда, бетига борма деганларидек, индамай олаверамиз.

Этлар хирмон каби чош қилиб уйилган зарҳал чарм суфрани уч юз чамаси киши бақириб-чақирганча подшоҳ супаси сомон судраб келишарди.

Ўнларча эт тўрғовчилар пичоқларини қўлларига олиб ишга тушишди. Ўнларча хизматчи товоқларга солинган гўшларни меҳмонларга улашишар, эт ортилган аравалар ва гўшт тўла кажавалар ортилган туяларнинг кети узилмас эди.

– Худди суҳбатимизни эшитганларидек этни нонсиз келтиришибди бу гал, – деди Руи Гонзалес ҳайрат-ла ҳамкасбига боқаркан.

Эт ейиш маросими тугаши билан дастурхонлар йиғиштирилиб, хонтахталар олиб келинди. Товоқларда гурчли ва дуккакли емаклар, сур гўшт келтирилди. Ширин кулчалар қўйиб чиқишди.

Кеч кира бошлаши билан олтин қандиллар ёқилди. Кўшк ичи эртақлардаги каби афсонавий тус олди. Базм борган сари авжига чиқар, сархуш меҳмонлар хоқон қаршисига келиб соз чалаётган устоз Абдулқодир Мароғийни олқишларди.

Сароймулкхонимнинг амри билан мулозимлардан бири келиб унинг бошидан олтин тангалар сочди. Бошқа бир мулозим келиб ақчаларни териб олиб, Мароғийнинг ёнчиғига солиб қўйди. Улуғ хоқон ҳам унинг елкасига кимхоб тўн ёпишни амр этди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Кастилия элчиси емакини ҳам унутиб сел бўлиб уд ча-лаётган Мароғийнинг куйини тингларди.

– Эътибор бердингизми, дўстим. Соз чала бошлаганидан бери йиғламаса-да, унинг кўзларидан тинимсиз ёш қуйилади. Ҳаётимда бундай созандани илк бор кўришим, – деди Клавиҳо сеҳрланган каби Мароғийга тикилар экан. – У ўз ишининг тенгсиз, ақл бовар қилмас даражада бетақроп устасидир. Бу ерда ҳар кас маст бўлиб қолди. Биз ҳам кетсак бўладими?

– Ҳадемай кишилар туриб кета бошлайдилар. Шундан сўнг кўзғалсак, кимсанинг эътиборини тортмаймиз. Биринчи бўлиб қалқсак, ҳурматсизлик бўлади, – базмдан кўзғалмоқ тартибни англатди Хўжа Муҳаммад. – Тўй эрта-лабгача давом этади.

Элчилар ўрниларидан туриб қароргоҳлари томон йўл олганда чолғучилар маликалар даврасини қизитар, мусиқа ва қўшиқ садолари сокин куз тунида дилларга армону умид туйғуларини солиб, гоҳ мунгли, гоҳида қувноқ янграрди.

Лабинг ёр дудоғидадир, бўйнинг дор сиртмоғидадир, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Номусли инсонлар энг номуссизлар қадар жасур бўлмагунларича ўлка-нини келажаги қоронғилиқдир.

ИсмаТ ИНЕНЮ

Хўжа Муҳаммад йўлдошлигидаги элчиларни Сарой-мулкхоним саропардаси қаршисида қолдирган амир Боботурк хоқон кўшки ўнгида ўзини кутиб турган Алп Туркаш томон юрди.

– Не ҳаводислар, муҳтарам соҳибхабарим? – деди Боботурк дўстининг ташвишли қиёфасига боқаркан.

Нурали ҚОБУЛ

– Яхши отта бир қамчи деганларидек, ҳаводислар эпкинини сезаётгандирсиз, амирим. Сўйламакка лузум борми? – бекнинг саволига савол билан жавоб қайтарди Алп Туркаш. – Барчасини кўриб-билиб турибсиз, – паришонхотир эди соҳибхабар. – Бироқ бу довулни тўхтатиб бўлмайдиган кўрилади. Буниси олдингилари каби эмас. Бу бўронни экиб, охиروқибатда тўфоннинг аянчли мевасини емасак бўлгани эди, – сасида саросима ва ташвиш оҳанги бор эди Туркашнинг.

– Афсуслар бўлсинким, ҳақсиз, дўстим, – деди амир ўйга толиб.

– Буни зоти олийларига айтиб бўлмайди.

– Бироқ айтмоқ жоиз. Зиённинг қай бир нуқтасидан дўнилса-да, кордир. Устоз қулоқ солмасалар-да, сўйламоқ керак деб ўйлайман.

– Бу сизнинг ўз виждонингиз олдидаги бурчингиздир. Аммо мендан сўрасангиз маслаҳат бермаган бўлур эдим. Қуёшга қараб тош отган одамга ўхшаб қоламиз.

– Бу шунчаки бир фикр-ку. Фикру мулоҳаза учун дор оғочига элтмасалар-керак.

– Дор оғочига-да, кундагача етказишлари ҳеч гап эмас. Улуғ хоқон ёшланиб, бироз давлат ишларидан чекилганлари сари янги ҳукмфармолар кўпайиб, сасу садо чиқармоқдалар. Бундай ишларга ҳукмдор номидан ёки ўзлари ҳам бемалол қўл уришлари мумкин. Бундан шубҳангиз бўлмасин, – фикрини баён этди фавқулодда теран мулоҳаза этувчи Алп Туркаш.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деди амир Боботурк тушкун оҳангда.

Амир сўзини тугатар-тугатмас бир хил тусдаги тўриқ тулпор минган амир Шоҳ Малик билан Шайх Нуриддин етиб келишди.

Синчков Боботурк салтанатнинг устунларидан саналмиш икки амир юзидаги ташвишу таҳлика ифодасини пайқамай қолмади.

Кейинги пайтда сарой аъёнларининг барчаси ўз-ўзича камгап, бир-бирининг оғзини пойлайдиган бўлиб қолган, улар юзидаги ҳаёт завқ-шавқи бирдан йўқолгандек эди.

Кўшк киришидаги чодирда Шоқул шиқовул, Довурбек юртчи ва эшик оғаси Лолабек Арғин оёқ учида қадам босганча шивирлашиб, наридан бери юриб туришарди.

Уч амир ва соҳибхабар кўшк томон йўналдилар. Шу пайт йигирма қадам чамаси нарида ҳамду сано айтганча Шоҳи Қаландар, Масти Қаландар ва шоир Хожа Исматулло кўринди.

Шайх Нуриддин ишора билан Шоқул шиқовулни ёнига чақирди.

– Не гаплар, шиқовул? Барчангнинг отанг ўлгандек юзинг мотамсаро? Тинчликми? – сўради Шайх Нуриддин.

– Ҳазрат соҳибқирон зоти олийларининг таъблари хира, кайфиятлари жойида эрмас. Кира олмаяпмиз? – жавоб қилди шиқовул бўйнини ичига тортиб.

– Ўзлари чорлаган эдилар. Мана онҳазратнинг кайфларини чоғлайдиган Шоҳи Қаландар ҳам келди, – деди амир келганлар билан саломлашиб. – Бутун бир олам зиёратларига келганини кириб айтарсан. Билхосса Шоҳи Қаландар ташрифини эшитсалар бироз юмшарлар.

– Балким, балким, – деди Шоқул шиқовул пилдираганча кўшк қопуси томон жўнаркан. – Шоҳи Қаландарнинг келгани жуда яхши бўлди-да. Зоти олийларининг бироз кўнгилларини олади.

Сароймулкхоним саропардасида базму жамшид учун тайёргарлик кетар, улуғ хоқон қабулидан сўнг зиёфатга боришни мўлжаллаган амирлар бош малика чодирини томон қараб-қараб қўйишарди.

– Барчангиз баробар кирар экансиз, – деди тиржайиб чиққан Шоқул шиқовул чап қўлини қорнига қўйганча ўн қўли билан кўшк қописини кўрсатиб.

Амир Шоҳ Малик билан Шайх Нуриддин кулганча Шэҳи

Нурали ҚОБУЛ

Қаландарни биринчи бўлиб кўшк қопусидан киришга таклиф этишди. Бу кутилмаган илтифотдан шошиб қолган қаландар кайфи учганча орқага тисарилди.

– Бир пирдан, бир муриддан, – деди Шайх Нуриддин жилмайганча дарвешни самимият-ла таъзим билан ўнгга даъват этаркан. – Сиз олимсиз, биз маъмурмиз. Ҳатто диний арбоб бўлганимизда ҳам билим ва илм кишиси сифатида биздан устун турасиз. Қолаверса, ўзлари айрим сарой шоирлари каби мадҳиябозлик ила машғул эрмаслар. Ҳақу ҳақиқатни фалсафаю мантиқ, теран туйғу ва зако ила ўқувчига тақдим эта билурсиз. Шул туфайли биз, мулки давлат пешида кўшганлардан анча юқорида турасиз. Бежизга ҳазрат соҳибқирон зоти олийлари шахсларига бу қадар эҳтиром ила боқмайдилар.

Бунча гап-сўздан сўнг хоқон ва кирувчиларни беклатмоқ ноқулайлигини англаган Шоҳи Қаландар икки қўлини кўксига қўйганча чориғини судраб кўшк эшигидан ҳатлади.

– Шундай тез-тез кўриниб тур-да, Шоҳи Қаландар. Тўйимиз ҳам ниҳоясига етай демоқдаки, қорангни, кўрсатмайсан. Сендан бошқа ҳамма, ҳар куни шу ерда. Аҳволинг нечук? Батамом соғайиб кетдингми? – кирганларнинг саломига алик олган хоқон ним табассумда дарвешга қаради.

– Яхши итлар ўлигини кўрсатмас, ёмон итлар ялоғига йўлатмас деганларидек, кўча-кўйда улус ила отамлашиб, йўқ нархимизни ошириб юрибмиз, Султон Соҳибқирон ҳазратлари! Зоти олийларини бул муҳташам никоҳ тўйлари, қўша-қўша келинлар билан қутлаймиз! Авлодларимиз ҳам улуғ боболари каби мевали оғочнинг мевали шохлари бўлиб, эл-юртга хайри барака, шон-шараф келтирсинлар! – деди кўшқўллаб таъзим бажо этаркан Шоҳи Қаландар.

– Улус ила отамлашганинг кўп яхши, Шоҳи Қаландар. Ердан ажрасанг-да элдан ажрама дейдилар-ку. Аҳён-аҳёнда биз билан ҳам дардлашиб тургин-да. Эр йигит эл айбини очмас дегандек, сен улус орасида бўлаётган воқеалар,

кам-кўстларни бежаб-бўямасдан тўғри айтасан. Кўп катта амиру вазирларимиз, даруғаю қутволларимиз хато ишларининг юзага чиқиб қолиши ва танбеҳ эшитишдан чўчиб, камчилигу нуқсонларини хаспўшлайдилар. Суварак билан бўлган жангда доимо товуқ ҳақ дегандек, мен ҳам уларга ишониб ҳамма ишлар тўғри кетаётган бўлса керак дея фикр қилиб, маишатимни қилавераман. Оқибатда раияту одамлар жабр кўради. Бу каби ишлар ҳаққа ҳам, халойиққа ҳам маъқул эрмасдур! Дўсту шогирдларининг туруми қалай? Улар яшаяжак тақя ва қаландархоналар етарлими? Бу хусусда бирор кўмак лозим ўлса сўйлай билурсан? – қаландарни гапиртиришни истарди хоқон.

– Оллоҳга шукр, улуғ хоқоним! Ризқи насибамизни териб еб юрибмиз. «Камбағалнинг бир тўйгани – бойгани» дегандек, бир кунда бир емак еб, эртага не замон ва насибамиз қайда эканлигини билмай оёғимиз чалкашиб юрибмиз. Қаландархона ҳақида сўз очиб хўп кўнглимиздаги гапни айтдингиз. Марказдан шаҳарни тенг иккига бўлиб ўтадиган кўча бўйида қуриладиган дўконлар ортига ёхуд кўчанинг сўнгида битта қаландархона қуриб берсангиз ўла-ўлгунча алқардик, улуғ хоқоним! Биздан кейингилар ҳам дуо қилиб яшардилар.

– Яхши. Бу гапингни амир Шайх Нуриддин эшитдилар ва иншооллоҳ, ўринлатадилар. Сўзинг бошида камбағалнинг бир тўйгани бойгани дединг. Кўп яхши гап. Бу бою бадавлат зотини ҳам тўйдириб бўладими, Шоҳи Қаландар? – сўради хоқон ўша ним табассумда.

– Оғир саволни сўрадингиз, ҳазрати олийлари. Ул зотларнинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдир. Кўзи тўйганда ва тўлганда эса қолган кўзиси тўймайдир. Мулки давлат пешидида қўшган борким, тожу тахтни кўзлайди ва моли мулки подшоҳники каби бўлишини истайди. Оч одамлар қорнини, тўқлар эса қадрини ўйлайди. Очдан қочадилар, тўққа чопадилар. Инсон аталмиш яратикнинг феъл атвори шундайдир, улуғ хоқоним!

Нурали ҚОБУЛ

– Шунақа дегин, Шоҳи Қаландар?

– Сўзимда хатолиғ бўлса қусурға боқманг, он ҳазрат. Со-
чидан тирноғига қадар гуноҳга ботган бир девонайи дар-
вешдан не тап ҳам чиқар эди. Ҳаётимда икки нарсадин
завқ оламан, шарафли хоқоним. Бири сиз каби буюклик ва
абодият орасидаги жаҳонгир ила суҳбатлашмоқдин. Яна
бири эса ёлғиз ўтириб битик битиб, уни ўқиб берганимда
кишиларга хуш ёққанидин. Ҳаётда мен учун бошқа ҳеч бир
нарсанинг қизиғи қолмади! Бир қошиқ қонимдан кечинг!

– Хў-ўш, Шоҳи Қаландар, сенинг найза тиғи каби ўткир
сўзларингга ҳар ким ҳам жавоб бера билмоққа ҳозир эр-
мас. Агарда бир қошиқ қонингдан кечмасам не бўлғай?
Шуни бизга сўйла-чи?

– Сиз каби етти олам султони, кимсага насиб этмаган
шону шараф, тожу тахт, мулки давлат соҳибининг амри
фармони ила ўлмоқ ҳам ҳар кимга насиб этавермайди! Бу
қисмату қадарни илоҳий неъмат ўлароқ қабул этгум, буюк
хоқоним! Зотан, бу бош тўрт нафар миршабу жаллодни
овора, сарсону саргардон қилиб кунда ёхуд дор оғочига
судраб боришга-да арзимади.

– Қани энди ҳамма сен каби ҳаёт ва ўзлигига боқа бил-
са эди, Шоҳи Қаландар. Кел, майли, фалсафа суқмоқни
йиғиштирайлик-да, битикларингдан ўқи. Ҳеч ким етмаган
дунёнинг тубига сен билан мен етармидик. Истасанг ана
бурчақда май бор. Бироз ича билурсан. Сезиб турибман,
сенинг бошинг ҳам меникига ўхшаб гарангроққа ўхшайди, –
деди хоқон эшик оғасига қаландарга шароб қуйиб узатиш-
ларини ишора этаркан. – Мен ҳам сен-ла баробар ичарди-
му, бироқ ҳозир машваратимиз бор. Ича билурсан! Офият
ўлсун!

Шоҳи Қаландар кўшк бурчагига бориб устма-уст икки
коса майни сипқорди. Икки юзи қизарганча қайтиб келиб,
йўталиб қўйиб, айтув айтмоққа тутинди:

Атала ич, айрон симир,
Насиб этган ошгача.
Инқиллаб тўйсанг ун ошга,
Ошнинг ўрни бошқача.

Қозонингда қази қайнар,
Қўшар кўзу қошгача.
Отинг ўзса отинг санар,
Сонли, сонсиз бошгача.

Тозидан-да чаққон чопар,
Ўнг-сўл, тўққиз тошгача,
Ҳамду сано қасидасин,
Тўқир, қари ёшгача.

Том телбадан тур тескари,
Онги очик, тушгача.
Баҳор, ёзу кузни кузла,
Қоч, қутурмай қишгача.

Оқил иши ўнгдан келар,
Дўсту ёру эшгача.
Нодоннинг нияти тугар,
Тунда кўрган тушгача.

Золим зотга барча ғаним,
Жону жигар хешгача.
Томир отар, япроқ ёзар,
Насли падар кушгача.
Карахтлиқдан калла гаранг,
Янги қадах, нўшгача.
Даллига Дизак қирқ қадам,
Дармон етмас ўшгача.

Қоқилганнинг дўсти бўлмас,
Қочар тенги тушгача.
Шукр этгин, агар қўлинг,
Етса омок, қўшгача.

Бир сотганким мудом сотар,
Сотар сассиз, бешгача.
Шоҳ Қаландар, элинг сотса,
Қочар жойинг Кешгача.

Шеърини ўқиб бўлган Шоҳи Қаландар таъзим бажо этганча аввал улуғ хоқонга, сўнгра бироз ўгирилиб, мулозимларга бош эгди.

Дарвешнинг битигини ёнбошлаганча мийиғида кулиб тинглаган хоқон бош ирғаб давом этмоқни ишора қилди.

Хўрсиниқли, чуқур нафас олган қаландар яна айта бошлади:

Ота-онанг сабр этди,
Ярғоқ пўстак, ултонларга.
Суяк беклаган ит каби,
Кўзинг тикма унвонларга:

Етим ҳақин кўри мудом,
Эгилмагин унганларга.
Адли инсофни унутиб,
Тафаккури тўнганларга.

Этак тегса кесиб қочгин,
Оқни қора сунганларга.
Шарафсиз шаънини ёқлаб,
Қадарига кўнганларга.

Мунофиқ пешидан кўшиб,
Тўғри йўлдан дўнганларга.
Коса лаби каж келганда,
Отасидан тонганларга.

Ақл йўли бирдир азал,
Боқма нафси қонганларга.
Бош юмалоқ, бутлар айри,
Ўзин киши сангонларга.

Ой-ку танҳо, кўёш мангу,
Қара, қалби ёнганларга.
Инсон ўлмоққа ҳақлисан,
Элинг элтсанг сўнг онларга.

Шоҳи Қаландар битигини тугатиб, яна бошини эгиб, таъзим қилди.

– Сенда гап кўп, Шоҳи Қаландар, – деди хоқон ҳамон ўша табассумда.

– Гап кўпу кўмир оз-да, улуғ хоқоним, – жавоб қилди қаландар битиги ёққанлигидан мамнун оҳангда.

– Қаландарлар султони неники истаса муҳайё эт, Шоқул! – шиқовулбошига амр этди хоқон. – Лутфан ҳофиз, Мароғийу Шоҳи Қаландар каби инсонлар ҳар куни туғилмайдилар. Сен кўшқдан чиқиб, бош маликамиз саропардаларига бор. Хонимларимизга шеър масал айтиб кўнгилларини ол. Биз ҳам машваратни тугатиб борамиз, – дея Шоҳи Қаландарга кетмоққа изн берди хоқон.

– Амри фармонлари, хоҳиш-иродалари олдида бўйним қилдан-да инжадир, улуғ хоқоним! Сиз-ла баробар кечган онларимиз рўё каби тез ўтиб кетади ва ҳофизамизда муҳрланиб қолгувсидир! Эгам мулки давлатингиз, тахту салтанатингизни боқий этсин! – алқади Шоҳи Қаландар.

Нурали ҚОБУЛ

– Сенга-да Оллоҳ ёр бўлсин! – дуо қилди хоқон.

Шоҳи Қаландар ва у билан бирга келган кишилар тисарилганча кўшкни тарк этдилар.

– Улуғ хоқон тик турган мулозимларига супаларга ўтиришни ишорат этди.

– Машваратимизни шаҳримизни қайта қурмоқ ва савдо растаси иншоотини муҳокама этмоқ ишидан бошласак, – деди хоқон бу иш топширилган Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликка қараб. – Кўча очилиши керак бўлган майдон бузилиб тозаландими?

Амир Шоҳ Малик сиз кўнишинг дегандек Шайх Нуриддинга қаради. Шайх Нуриддин ўрнидан турмоқчи бўлган эди, хоқон ўтирмоққа имо этди.

– Маълумингизким, зоти олийлари, бошкентимиз Самарқандга бутун дунёдан турли-туман моллар келади. Ашёнинг турига қараб, шаҳарнинг ҳар ер-ҳар еридаги майдонларда мавсумий бозорлар мавжуд эди. Зоти олийлари йўл-йўриқ берганлари каби шаҳарнинг бир четидан бошланиб нариги чеккасида тугайдиган узун кўча марказий ўрда бозоридан бошланиб, Дарғом ариғидан ўтиб тугайди. Кўчанинг икки четига муҳташам дўконлар, меҳмонхона, таъя ва чойхоналар тикланади. Сўқоқнинг бузилиб тозаланган қисмига тош ётқизилмоқда. Иш кечаю кундуз давом этаётир. Дўконлар олдига мармар супа ва курсилар ўрнатмоқдамизки, харидорлар савдо-сотик баробарида истироҳат ҳам эта билсинлар. Ёз жазирамаси, баҳор ва қишнинг ёғингарчилигини ҳисобга олиб, кўча устини бошидан охирига қадар туйнукли гумбаз билан беркитамиз. Иш бошлаганимизга ўн беш кун бўлди. Беш кун ичида қуриб битказамиз. Уйи бузилган кишилар берган маблағимизга норози бўлиб ҳузуримизга келмоқдалар. Агар рағбат кўрсатсангиз, шу одамларга хазинадан бироз ёрдам этсак, – дея ҳисоботини тугатиб хоқонга қаради Шайх Нуриддин.

– Уйи ўрнига иншоот тушган кишига шу дўконни беринг-

лар, тижорат қилмаса-да, кирага бериб, тирикчилик қилсин дея таълимот берган эдик-ку? – хайрон бўлиб сўради хоқон.

– Кўпчилик бу таклифга рози, онҳазрат. Бироқ деҳқончилик ёки боғдорчилик қиламан деган ватандошларимиз уйи учун товон тўлашни ёки бўлмаса шаҳар четидан ер беришни сўрамоқдалар.

– Ер истасалар берингиз. Бизда ер дегани анқонинг уруғи эмас-ку! Шундай тадбир олингим, ҳеч ким норизо бўлмасин. Раият, фақир-фуқарони норози қилиб, бурнини қонатиб қилинган ҳеч бир ишнинг охири бахайр бўлмас. Кимса кимсадан домангир бўлиб қарғамасин. Ҳақнинг қарғиши тошни тешади.

– Англадик, онҳазрат! Айни суръатда ишни давом эттирамиз ва беш кундан сўнг ишимизни кўрмоқ учун қадам ранжида этишлари мумкин.

Улуғ амир Шайх Нуриддиннинг гапини маъқуллаб, бош ирғади.

– Чиндаги вазият, улар ҳукмдорининг ахлоқсиз талаб ва ҳақоратомуз мактубидан хабарингиз бор. Султон Йилдирим Боязид оғзига келган номаъқул сўзларни айтиб, масжид деворига пешоб қилган жонивор каби оладиганини олди. Уни Оллоҳнинг изни ила тиз чўктириб, кутилмаганда асир тушиши ўн йилдан бери биз билан сичқон-мушук ўйини ўйнаб юрган Миср султонининг ҳам кўзини мошдек очиб, мағрибгача бўлган ҳудудлар салтанатимиз тасарруфига кирди. Эгасидан бир сўраган эдик, икки берди, мошоллоҳ. Ўнгимиздаги эндиги масала ва муаммони кўриб турибсиз. Ҳар галгидек ишни битирмоқнинг икки тарафи бордир. Биринчиси унинг ҳақоратларига қулоқ тутиб, чидаган ҳолда етти йилдан бери жўнатмаганимиз тухфаларни юбориб, бож ўрнида қабул қилмоқни сўрамоқ. Иккинчиси эса унинг аҳмоқона муносабатига муносиб жавобни бермоқ. Бугун мен учун энг яқин бўлган сизлар ила тор доирада шу масалани муҳокама этсак дегандим? – дея йиғилганларга

Нурали ҚОБУЛ

боқди улуғ хоқон. – Кимда қандай фикр-мулоҳаза бўлса, очиқ-ойдин сўйласин. Одатдагидек мен ҳар қандай, ўзимга маъқул келган-келмаган гапни эшитмоққа ҳозирмен.

Кўшкка сукунат чўқди. Фақат ташқаридаги оломоннинг ғала-ғовури қулоққа чалинар, юк ташиётган аравалар гупчагининг ғичирлаши эшитилди.

– Қани, сиз бошланг-чи, муҳтарам Шайх Нуриддинбек. Чин элчилари билан ҳам мулоқотда бўлдингиз. Фикрингизни рўйи-рост сўйлайверинг! – амир ул-умарога юзланди хоқон. – Ул юртдаги воқеалар ва тахт соҳибининг алмашувиго доир билгиларни ҳам сўйласангиз маъқул бўлар эди.

Фикрини жамлагандек бироз тин олган амир Шайх Нуриддин бош вазир сифатида ўзига биринчи бўлиб сўз тегишини кутса-да, чегара ва ўша ҳудудлардаги вазият ҳақида дастлаб Алп Туркаш ҳисобот берса керак дея ўйлаганди.

Салтанат иқтидорида улуғ хоқондан кейинги сўз соҳиби, беихтиёр иккинчи мавқега кўтарилиб қолган тажрибали амир ва ҳукмдорнинг дўсти, ҳаётидаги энг оғир маъруза ва масъулият-олдида-турарди. Мўлжални олишда болалик дўсти Темур каби камдан-кам адашадиган Шайх Нуриддин хизматчи қўйиб кетган косадан шарбат хўплаганча фикрини баён этмоққа киришди.

– Ўзларининг юксак диққат-эътиборларига маълумким, бундан уч йил чамаси бурун Чин императори вафот этган. Ҳукмдордан уч нафар ўғил қолади. Уч ўғил уч ҳудудни бошқарган. Катта шаҳзода ўзини ҳақиқий валиаҳд санаб, иккала укасини ҳам бартараф этиб, тахтни узил-кесил ўзиники қилиш учун ҳаракатга тушади. Кенжа қардошини ўлдириб, мулкини эгаллайди. Бироқ ўртанчи шаҳзода бўш келмайди. Акасини жангда енгади. Бу мағлубиятни ҳазм эта олмаган буюк шаҳзода аламдан қароргоҳига ўт кўяди ва ўз яқинлари ҳамда мулозимлари билан бирга ўтда куйиб ҳалок бўлади. Мақсадига эришган ўртанчи ўғил отасининг тахти-

га ўтиради. Ҳокимиятни батамом қўлга киритгач, император отаси олиб борган сиёсатни давом эттириб, қўшнилари билан бўлган муносабатларни тиклайди. Айтишлари-ча, кўп дўнғбўйин ва такаббур ҳукмдор эрмиш. Илк халқаро ишини бизга элчи юборишдан бошлайди. Маълумингизким, Чин элчиларининг пойтахтимизга келганига бир ярим ой чамаси вақт бўлди. Уларнинг ҳақоратомуз талаб ва мактуб билан келганлигидан хабар топган бир қатор вазиру амирларимиз элчиларни осиб ўлдириш ҳақида гап-сўз қилганидан-да хабарингиз бор. Бироқ ақли салимлик устун келиб, бу ишга йўл қўймадингиз. Боиси, биринчидан, элчига завол йўқ бўлса, иккинчидан, билиб-билмай Ўтрор ҳокими Инолчиқ Қипчоқнинг Чингизхоннинг элчи ва савдогарларини ўлдиргани каби ўша тарихий хатони тақрорлаган бўлур эдик.

Томоғи қуруқшаган амир яна шарбат ҳўплаб сўзида давом этди:

– Айни дамдаги вазиятга келсак, элчилар ҳар куни Кўксаройга, менинг саропардамга келиб, кетмоққа изн сўрамоқдалар. Биз уларга бошкентга келган барча элчиларга тўй тантаналари тугагач, бир йўла кетмоққа рухсат этилади дея жавоб бериб, андармон қилиб турибмиз. Тўполон кўтарган уч-тўрт қоровулларини миршабларимиз калтаклаб тартибга келтиришга мажбур бўлдилар. Чин деганимиз ўйлаганидан қолмайдиган, гапидан тоймайдиган ўта ўжар бир қавм бўлади, зоти олийлари. Уларга битта гап камлик, иккитаси кўплик қилар экан. Шундан сўнг қароргоҳларида қўримани кучайтириб, бир мингбошини мутасадди этиб тайинладик.

– Улар кўчага чиқиб, шаҳар айланишмоқдами? – Алп Туркашга қаради хоқон.

– Тантаналарга чақирилмаган кунлари бозор ва дўконларни кезмоқдалар. Ҳар бир хатти-ҳаракат, гап-сўзлари назоратда, улуғ хоқоним! – жавоб берди Туркаш.

Нурали ҚОБУЛ

Хоқон бошини ирғаганча сўзингизни давом эттиринг дегандек Шайх Нуриддинга қаради.

– Чин элчилари бизнинг кишилар ила самимий муносабат ва суҳбатларга кирмаётирлар. Хорижий элчилар билан қилган суҳбатларидан шу нарса маълум бўлдики, улар мусулмонларни ўзларининг энг биринчи ва катта душманлари деб биладилар. Ўша ҳудудларнинг мусулмонлари зоти олийлари номига битган мактубларда қайд этилган мусулмон қирғинлари ҳақидаги гаплар ҳам тўғри. Уларнинг бошкент Хонбалиқ бизнинг Табриздан йигирма баробар катта бўлиб, дунёда ундан буюк шаҳар йўқ экан. У мамлакатда минг одамга бош бўлган, яъни мингбоши рутбасига эришган шахсина от минмоқ ҳуқуқига эга бўларкан. Ҳукмдор саваш ёки бошқа бир мақсадда сафарга чиқса, мамлакатни муҳофаза этиш учун қоладиган черикнинг сони тўрт юз мингдан иборат эмиш. Шунга қараб улар қўшинининг умумий сонини аниқлаш мумкин. Элчилар бу рақамни кўпиртирган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эрмас. Чин элчилари ортидан етиб келган саккиз юз туяли карвон тужжорлари ҳам кетмоққа изн сўрамоқдалар. Чин хусусида зоти олийлари қандай қарорга келсалар, амри фармонлари бошимиз устидадир. Зотан, Ҳинду Румдан олдинроқ биз Чин муаммосини ҳал этишимиз керак эди.

Улуғ хоқон теран ва қатъий нигоҳини амир Шоҳ Маликка қадади.

– Билишимча, салтанат қўшини айна дамда икки юз мингдан ошиқдир. Бунча қўшинни бир жойда ушлаб туриб ҳам, бирор ҳудудда машқ қилдириб, беклатиб ҳам бўлмайди. Уни ҳал қилиш керак бўлган вазифага йўналтирмоқ жозизлиги ўз-ўзидан маълумдир, Султон Соҳибқирон ҳазрати олийлари. Менимча, бу хусусда узоқ ўйланиб, тараддуд этиб ўтирмоққа ҳожат йўқ. Бўладиган ишнинг бўлгани, ўладиган кишининг ўлгани маъқул кўринадир. Фақат сафар учун қулай бир замонни танлаш керакким, Чин саддигача

бўлган масофа олти ойлик йўлдир. Бу бир йилнинг ярми, икки фасл демақдир. Сивосдан Анқарага етиб келгунга қадар Усмонли ўрдусининг учдан бири тўкилиб, қолгани ҳолдан тойгандек, биз ҳам ҳисоб-китобни тўғри олишимиз, савашу сўғиш қолиб, йўл азоби чиндан ҳам гўр азобига айланмаслиги керак! – фикрлари дадил эди амир Шоҳ Маликнинг.

– Рум тўқнашувига қарши бўлганидек, муҳтарам амиримиз Боботурк Чин юришимизга-да хайрихоҳ кўринмайдилар. Ул кишим ҳар доимгидек ўз мустақил фикрларига эгадирлар ва биз уни ҳурмат этамиз. Бизда фикр ҳуррияти мавжуддир ва унга ҳеч ким тажовуз этмоққа ҳақли эмасдир, – дея амир Боботуркга қаради хоқон.

– Биз айри-айри фикрласак-да, ҳаётимизни устоз улуғ хоқон, Турон салтанати ва мамлакати уғурига тиккан бир ҳақир кишимиз. Сўнг қарору амри фармон зоти олийларига тегишлидир, – деди ичдан бу юришга қарши бўлган амир қизарганча. – Ҳар ишда бир хайр бордир деганларидек, сўнгидан суюнтирсин!

Улуғ хоқон бирор гапинг борми дегандек Алп Туркашга боқди.

– Аҳли аскар олий бош кўмондоннинг амри фармонига амал этмоқ эътиқоди ва тартиб-интизомидин чекинмагайдир, – деди Алп Туркаш гапни узатмай.

– Демак, масала ойдин. Бу машваратимиз ва мавзу муҳокамаси орамизда қолажак. Сўнг қарорни катта кенгашимизда эълон қиламиз ҳамда тегишли амри фармонлар берилади. Амир Боботуркдан бошқа дўстларимиз бош малика базмларига бора биладилар. Сиз амир жаноблари зудлик билан мусофирларимиз, амир Шайх Рамазон ва элчи Темуртошни ҳузуримга олиб келинг. Ўзингиз эса эрта ёки индин Шоҳрухияга бориб, кўлингизга берилган ёрлик бўйича қалъа ва шаҳарни теграси билан қабул этинг!

Икки амир ва соҳибхабар беихтиёр ялт этиб Боботуркга

Нурали ҚОБУЛ

қарашди. Бек эса ҳеч бир воқеа юз бермагандек тисланганча кўшқ қопуси томон чекинди.

Усмонли амирлари Шайх Рамазон ва Темуртош ўн чоғли мулозим ҳамда қоровуллари билан Сароймулкхоним саропардаси ўнгида даъват этишларини кутиб туришарди. Касилия, Чин, Урусия ва бошқа мамлакатлар элчилари ҳам кийим-кечакларини тўғрилаб, шиқовулдан амр бекларди.

Амир Боботурк усмонли амирларини эргаштирганча хоқон кўшки томон юрди. Қўноқлар тобуғ расмини бажо келтириб, хоқон ўтирган супага чўккаладилар.

– Икки ватандош отамлашиб хумордан чиққандирсизлар? – сўради хоқон меҳмонларга шарбат келтиришни буюрар экан. – Амир Боботурк Усмонли мамлакатдаги сўнги воқеалар ва шаҳзодалар ўртасида бўлаётган муноқашалар ҳақида сўзлаб берди, муҳтарам Темуртошбек. Тожу тахт, салтанат кўпкариси ҳар қандай ҳукмдордан сўнг бўлиб ўтадиган табиий бир ҳолдир. Бу жараён бир мамлакатда енгил ва осон кечса, бошқа бирида оғриқли ҳамда қонли тарзда ўтади. Бизнинг Султон Йилдирим Боязид авлодларига бўлган хайрихоҳлигимизни барчадин кўра сизлар яхши биласизлар. Бугун мен сизларни бир қўнуда маълумот олмоқ учун ҳузуримга чорладим. Янглишмасам, бундан саккиз йил бурун бўлиб ўтган Наголи жангида иккинги ҳам султон Йилдирим Боязид ёнида бўлгансиз?

– Шундай, зоти олийлари. Иккимиз ҳам ўша тўқнашувнинг шоҳидимиз, – жавоб қилди амир Темуртош.

– Кўп яхшидир. Менга ана шу, яъни мусулмонларимизнинг хочли насронийлар билан бўлган савашнинг тафсилоти, тўқнашувдаги томонлар қўллаган усул ва услублар ҳақида билганингиз қадар сўзлаб берсангиз? – дея бир-бир меҳмонларга боқди.

– Бу қўнуда амир Темуртош биродаримиз менга қараганда кўпроқ билги соҳибидирлар ва раҳматли султон билан де-

ярли ҳар куни бирга эдилар. Ул кишим қўнишсинлар. Мен билганим қадар қўшимча қилурман, – деди Шайх Рамазон сўз навбатини юртдошига бераркан.

– Бу ерда шу нарсани алоҳида қайд этмоқ керакким, улуғ хоқон зоти олийлари, Наголи тўқнашуви Усмонли султони Йилдирим Боязиднинг ўз давлати ерларини кенгайтириш масаласида қилган юриш оқибаотида юзага келмаган. Бу пайтда Йилдирим Боязид Кустанияни қуруқликдан қуршовга олиб турарди. Рим папаси ва Шарқий Рим императори Мануэл Палеолог Иккинчининг қутқуси билан фаранг ва мажор қироли, хорватлар, слав ҳамда улоқ аталмиш эллар қўшинини бирлаштириб, усмонлиларга қарши салиб юришини бошлашга қарор қиладилар. Бу хабарни туйган Султон Йилдирим Боязид фурсатни бой бермай ҳамон ҳаракатга кечади. Насронийларнинг бирлашган ўрдусини Кустания атрофида кутиб ўтириш, бу қўшиннинг етиб келиб ғарбий Рим императори чериги билан қўшилиши дегани бўлиб, хатарли эди. Бунини яхши англаган, доимо тез қарор қабул қилиб, шиддатли ҳаракат этадиган Йилдирим Боязид душманни ўз ўчоғида ёндиришга аҳд қилади. Бир-бирини кутиб, муқаррар ғалаба нашидаси ҳақида жар солиб турган салибчилар устига мисли йилдирим (яшин) каби етиб боради. Турк ўрдусининг қисқа муддатда бурни остига келиб қолганидан салибчиларнинг бир қисми саросимага тушган бўлса, бошқалари бунини ғалаба учун бир фурсат деб қарайди. Ваҳоланки, тўқ ит овга ярамас дегандек, бу мардонавор юриш, Султоннинг ҳеч нимадан тап тортмай жанг майдонига кириб кетиши, қўшинни руҳан ғалабага ҳозирлайди. Наголи майдонига етиб келган султон қўшинга энг юксак тепаликларни эгаллаб, жанг ҳозирлигини кўриш ва душман ҳужум этмаса бирорта ҳам ўқ отмаслик амрини беради. Шу тариқа усмонли қўшини саваш учун қулай мавзеларни эгаллаб, истехкомлар қуриб, ҳимоя чизифини

Нурали ҚОБУЛ

мустақамлаб, яғийни кутади. Энг кучли, кўп ва темир со-
вутли француз армияси барчанинг кўзини қамаштириб,
улар қалбига ғалабага ишонч руҳини солган бўлиб, мажор
қироли Сегизмунд билан фаранг маршали Жан дю Неверс
ўзаро хужум усул ва услубини муҳокама этиб, талашиб-
тортишиб, баҳслашадилар...

ЎНИНЧИ БОБ

Қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир.

ГЮГО

...Мажор қироли, Олтмиш минглик ўрдунинг олий бош
қўмондони Сегизмунднинг чодирига мағрур кириб келган
фаранг маршали Жан дю Неверс илк учрашувдаёқ унга
маъқул келмади. Бу фаранглар билан итальян дегани ким
бўлмасин, охири бир кун кўтарилган бурнидан осилиб ўла-
дилар, хаёлидан кечди қиролнинг. Маршалнинг илтифот-
сиз ҳаракатлари ва ҳавойи гап-сўзлари энсасини қотирди.

— Сизнинг қўшинингиз сони қанча? — сўради маршал
мавжуд тартибни бузиб биринчи бўлиб қиролни сўроққа ту-
таркан.

— Олтмиш минг, — деди қирол Сегизмунд ўзи олиб бори-
ши учун бўлган ҳарбий кенгашда ташаббусни қўлига олган
маршалга зимдан боқаркан. — Сизники-чи? — дея сўради
қирол ҳам унинг ўз қўшини сонини тақрорлашини барча
эшитиши учун.

— Ўн минг! — деди маршал Неверс гўёки юз минглик
қўшинга қўмондонлик қилиб келгандек. — Бизнинг ҳар бир
рицаримиз усмонлининг салласи чувалашган ўн яничари-
га татийди. Сизнинг қўшинингиз қанча? — қиролнинг ёнида
ўтирган Ефлак принци Мирчага қаради маршал барчадан
ҳисоб сўраётгандек.

— Бизники ҳам ўн минг, — деди шаҳзода Мирча бир
қиролга, бир маршалга боқаркан.

– Олмонлар олти минг рицар юбордилар. Кўпроқ юборишлари мумкин эди. Улар шунақа. Доимо эҳтиёткорлик қилиб, сувнинг оқимига қараб иш тутиб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадилар. Ҳай майли, шунгаям шукр деймиз. Венецияликлар бир неча кема юборишдан нарига ўтмадилар, – ҳамон ўзича кенгашни бошқарарди маршал Неверс. – Зоти олийлари бошқа қўмондонлар билан ҳам суҳбатлашган бўлсангиз керак? – дея ниҳоят қирол Сегизмундга қаради.

– Гаплашдим, – деди маршалнинг гап-сўзидан аччиғи чиққан қирол қизариб қумсарганча. – Гаплашдим. Инглиз, испан, богемия, Италия ва Хорватия қўшинларини қўшсақ жами ўн беш, йигирма минг атрофида бўлади. Демак, шу ҳисобда қўшинимизнинг умумий сони юз мингдан ошади, – сўзида тўхтамай давом этди қирол маршалнинг яна байталини қамчиламаслиги учун. – Биласизки, биз усмонлилар босиб олган Никополни қайта қўлга киритдик ва энди қону жонимизни фидо этсак-да, бир қадам ҳам ортга чекинмаймиз. Марҳамат, бундан сўнгги иш режамиз ҳамда ҳаракатимиз ҳақида кимда қандай фикр бўлса баён эта билади? – дея маршални четлаб ўтиб бошқа иштирокчиларга қаради қирол Сегизмунд.

– Қайси бирликлар дастлаб жангга киради? – сўради шаҳзода Мирча аввал қиролга, сўнгра оёғини чалкаштириб ўтирган маршал Неверсга қараб.

– Албатта, бизнинг қўшин-да, – жавоб қилди қирол маршалнинг яна орага тушишини истамай. – Бу ерларнинг жўғрофияси ва душманимиз туркларни яхши билган бизнинг пиёдаларимиз дастлаб ҳужумга ўтадилар. Қарши тарафнинг ҳаракати шуни кўрсатмоқдаки, биз жангни бошламасак, улар ўз истехкомларидан чиқмай тураверадилар. Бу хусусда сизда бирор жўяли фикр бўлса айтинг? – ҳамон шаҳзода Мирчага қараб гапирарди қирол.

– Йўқ, мен шунчаки сўрадим. Ҳарҳолда душманга бе-

Нурали ҚОБУЛ

рилган илк зарба кучли ва ҳал қилувчи бўлиши керак. Жангнинг бориши ҳамда оқибати айнан биринчи зарбага боғлиқ, – тутила-тутила сўзларди шаҳзода.

– Жуда тўғри, – шаҳзоданинг оғзидан гапини илиб кетди фаранг кўмондони. – Илк тўқнашувда шашти қайтган, қиличи рақибга эмас, ерга санчилиб қолган лашкарнинг руҳи тушиб, иши ғирмайди. Энг яхши қуролланган ва машқи такомилга етган суворийлар қайси кўшинда бўлса, ўша мингликлар ҳужумни бошламоғи керак! – деди чалкаштириб ўтирган кўли ва бармоқларини ёзганча маршал Неверс ғолибона оҳангда.

– Айтганингиз талабларга энг яхши жавоб берадиган кўшин сўзсиз сизнинг фаранг бирликларидир. Уларнинг савашга ҳозирлиги ҳамда қурол аслаҳаси ҳар қандай мақтовга арзигуликдир. Унда ҳужумни сиз бошлаб беринг! – маршалнинг ҳайбат ва дағдағасидан ҳайратга тушган эди шаҳзода.

Қирол Сегизмунд подадан олдин чанг чиқарди-ку, бу она сути оғзидан кетмаган шаҳзода дегандек Мирчага ёвқараш қилди.

– Марҳамат, ҳарбий кенгаш қандай қарор қилса биз розимиз. Ким биринчи бўлиб савашга кириш-кирмаслиги сўзсиз муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, жангнинг боришию ниҳоясини илк қилич сермашимиз белгилайди ва қолган бирликлар шунга қараб ҳаракат этадилар! Христиан тупроқларини истаганларича оёқ ости қилиб келган ва бунга ўрганиб қолган бу намозхўрларга сўнги сабоқ бермоқнинг аллақачон вақти соати етган эди! Бироқ давлатлараро англашмоқ нари турсин, ҳатто оға-ини, қонқардошлари билан келиша олмаган бизнинг христиан ҳукмдорларимиз бурниларида нарини кўрмай келдилар. Бу аҳволда мусулмонлар эрта ёки индин Берлину Лондонга қадар етиб борадилар. Ана унда кўрасизлар уч юз йил ҳукм сурган Андалуз ислом давлати ёки Косова каби

мағлубиятни. Йигирма мингли рицари билан Йилдирим Боязиднинг хизматини қилиб, вассал мақомида юрган, синглиси Маринани юз биринчи жория қилиб султонга тақдим этган хоин серб шаҳзодаси Лазаревич каби устоз хоинлар христианлар орасидан мўл-кўл етишиб чиқаверар экан, сўйлаганим шонсиз-шарафсиз дамлар узоқ эмас! – ўрнидан туриб кетган эди маршал Неверс. – Биз Болқон яримролини бу хавфли тарихий душманларимиздан тозалаб, динимизнинг муқаддас обидаси Аё София ибодатхонаси, азиз авлиёлар шаҳри Константинополни қуршовдан қутқаришимиз керак эмасми? Мана, саккиз йилдирки, император Мануэл Полеолог бутун христиан қиролларига ўз халқини бу даҳшатли қамалдан озод этмоққа чақириб, ялиниб-ёлворади. Косопада бели синиб, ўтакаси ёрилган ҳукмдорларимиз эса иккинчи бора енгилиб, шармандаю шармисор бўлишдан қўрқиб, бошкентлари сўқоқлари усмонли суворийлари суронидан ларзага келишидан чўчиб, думларини қисиб, Гран Темурга эланиб, мактуб битиб ўтирибдилар! Темур тўрт денгизни ошиб, Никополга етиб келиб бизни ҳимоя этмайди-ку! Ақлни еб битирмоқнинг ҳам чек-чегараси бўлиши керак-ку, ахир! Наҳотки, бизда ўша Андалуз мусулмон маликларини улоқтирган қиролича Изабеллачалик журъату жасорат, мардлигу матонат бўлмаса? Биз бу ёввойилардан Византияни қутқариб муқаддас Иерусалимни ҳам абадул-абад озод этиб, келган саҳроларига улоқтиришимиз керак!

– Тўғри! Офарин сизга, маршал! – деди испан қўшини қўмондони Хосс Франко.

– Бизга сиз каби жанговар қўмондон бош бўлиши лозим. Шунда бутун христиан олами бирлашиб, умумий рақибимизга муносиб қаршилик кўрсата олади! – дея ўрнидан туриб кетди маршалнинг ёнида ўтирган француз генерали Трусси. – Ғарбий Византия императорлиги не қадар кенгиш ерларидан чекина-чекина биргина Константинопол шаҳри билан чекланиб, давлат юритиб ўтирибди. Бунга қандай чидаш мумкин? Биз бу императорликни тиклаб,

Нурали ҚОБУЛ

муқаддас Иеруссалимни ҳам озод этишимиз керак! – оташин эди генерал Трусси. – Ким бу ўзи Боязид дегани? Султон ва халифа деган ҳукмдор битта ва у Қоҳирада ўтиради. Ўзига султон деган унвонни тақиб олиб, барчанинг бошини қотираётган бу ҳовлиқманинг таъзирини биз берамиз!

Қирол чодирига оғир сукунат чўқди. Икки француз қўмондонига тикилган Сегизмунднинг боши қотган эди.

– Биздан бурун Иеруссалимни озод қиламан деганлар ҳам худди сиз каби ҳис-туйғуга берилиб, охир-оқибатда ҳеч нарсага зриша олмаганлар. Турклар қиролни хон, хоқон дейишади, – деди Сегизмунд вазиятни юматиш учун вазмин оҳангда.

– Фарқи йўқ! Оқ ит, қора ит, барибир ит! – гапдан қолмас эди Трусси.

Неверс ўринбосарига “бас қил” дегандек ўгирилиб қаради,

– Демак, биринчи бўлиб сизнинг рицарларингиз ҳужумга ўтади. Шундайми? – француз қўмондонга қаради қирол Сегизмунд бир муддат давом этган ёқимсиз сукунатни бузиб.

– Шундай фикрдаман! – жавоб қилди Неверс қатъий оҳангда.

– Пиёдаларга қарши пиёда қўшинларни қўйганимиз маъқулмикан? Отлиқларнинг пиёдаларга қарши кураши қийин кечмайдими? – хавотирда эди қирол.

– Нега қийин кечсин! Бизнинг тиш-тирноғигача қуролланган зирҳли совут кийган рицарларимиз уларнинг пиёдаларини оёқ ости қилиб мажақлаганча Боязиднинг чодирга етиб боради! Ҳеч ташвиш чекманг!

Қирол маршалга бошдан-оёқ тикилганча маъноли бош ирғади.

– Қўмондонлар кенгаши нима деса мен розиман, – деди ниҳоят баҳслашиш бефойдалигини англаган Сегизмунд чодир ҳовлисида машқ қилаётган ўзининг хос бўлинмасига тикилганча.

– Биз розимиз!
– Маршал Неверсга ишонамиз!
– У душманнинг додини беради! – овозлар эшитилди.
– Сизга тангри ёр бўлсин! Онамиз Марям руҳи қўллаб-қувватласин! Қани, жангни бошланг бўлмаса! Орқангиздан бизнинг қўшин юради! Сўнгра иттифоқчиларимиз! – деди шахд билан ўрнидан тураркан қирол Сегизмунд. – Сизга ишондик, маршал Неверс!

Улкан тоғ каби жипс ҳолда еру кўкни ларзага солиб келаётган ўн минг суворий рицар тўфондек қўзғолиб усмонли пиёда чериги томон ташланди.

Пиёда аскарлар найзаларини ерга тираганча от устидаги суворийларни яралар ва ағдарар эди. Ўн минг отлиқ шиддат билан усмонли қўшинини ёриб кирган, пиёдаларнинг отлиқ черикка дош беролмаслиги кўзга ташлана бошлаган эди.

– Биринчи пиёда ўн мингликка айтинг! Ўзларини қўрққан кўрсатиб, икки чеккага чекинсинлар! Улар қаршисига иккинчи ўн минглик суворий ва пиёда чиқсин! – буюрди султон Йилдирим Боязид энг юксак тепаликдан жангнинг боришини кузатаркан. – Орқадаги қўшинларга етказинг! Савашга ҳозир турсинлар!

Қаршисига чиққан илк рақиб қисмларнинг чекинишидан руҳланган, яна бир ҳаракат билан мақсадга эришишини мўлжаллаган фаранг рицарларининг қаршисидан яна пиёдалар, сўнгра суворийлар чиқди. Отда, бунинг устига оғир совутлари билан ҳаракат этишга қийналган суворийлар отдан тушиб жангга киришдилар.

Арабий оқ тулпориди тепаликни айланиб вазиятни кузатаётган султон Йилдирим Боязид иккинчи амрни берди.

– Бу ўн минглик ҳам худди илгаригиси каби икки тарафга чекинсин!

– Буниси ҳамми, онҳазрат?! Қандай бўлади? – ташвишли

Нурали ҚОБУЛ

қиёфада сўради капалаги учиб вазири аъзам Жондорлизода Али пошшо. – Бу устма-уст чекиниш қолган қўшин руҳига таъсир қилмайдими?

– Мен Оллоҳ дедим! Бердисини ҳам айтмадим Али пошшо! Али оға! – яничарлар қўмондонига қараб ҳайқирди султон. – Сен ҳамон ўз қўрима юзлигинг билан ёндан елдек учиб бориб, илк чекинган қўшин қўмондонларига етказ! Фаранг суворийларни орқасидан ўтиб, қуршовга олсин! Орқаларидан келаётган кўмак кучларининг йўлини тўсиб, қўшилишига йўл қўймасин!

Устма-уст душманнинг усулан ўзларини қочган кўрсатиб чекинган, икки катта черикни чекинди деб ўйлаган Неверс рицарлари бу ғалабадан руҳланиб, отларига ҳам минмай Султон Йилдирим Боязиднинг ўзи бош бўлиб турган асосий қўшин томон тартибсиз бостириб келарди.

Маршал Жан Неверснинг тенг ярми жангда ҳалок бўлган, қолган қисми ҳолдан тойган рицарлари қаршисида қиличлари қайралган, найзалари чархланган, тулпорлари ер тепкилаб сувлиғини чайнаётган, ҳали жангга кирмаган йигирма беш минг яничерик суворийси ва қирқ минг пиёда тишини тишига қўйиб кутар эди...

Бошига яничерик суворийлари гурзиси ила баробар асир тушган рицарлар даҳшатли тузоққа тушганларини англагач, қўлларидан қиличи тушиб кетди. Асирлар орасида қирол Сегизмунд қароргоҳида оташин нутқ сўзлаб, энг юксак оҳангда ватаний шиорлар айтган маршал Неверс ва генерал Трусси ҳам бор эди...

Ўқдек учиб келган, оқ тулпори устида кўкдаги юлдуз каби порлаб турган султон Йилдирим Боязиднинг навбатдаги хитоби янгради.

– Бирор нафар ҳам фаранг шовалияси қуршовдан чиқарилмасин! Барча қўмондонларини менинг қароргоҳимга элтинг! Ўн минглик, минглик ва ўнлик бекларига ет-

қуринг! Барча кучларини булар ортида келаётган қирол Сегизмунд қўшинини синдирмоққа қаратсинлар! Бизга қарши савашмаган аскарларни ўлдирманг! Боиси, булар эртага бизнинг ватандошимиз бўладилар! Дину миллат айирманг! Барчамиз ягона тангрининг яратиқларимиз! Вазири аъзам Али пошшо! Фаранг қўмондонларини ўзингиз чодиримга элтинг ва мени бекланг! Қўшиннинг мажор қиролига қарши жангига ўзим қўмондонлик қиламан! Улар иши ҳам узоққа чўзилмайди!

Султон Йилдирим Боязид шундай дея оти жиловини олтиш минглик мажор ўрдуси томон бурди.

– Биз қоқ ўртадан ёриб кирамиз! Яничерик суворийлари уларни ҳам ўраб олишга киришсинлар! – Сўнгги амри янгради султоннинг.

Илк қақшатқич зарбадан жондор оралаган сурувдек ҳурккан қирол Сегизмунд қўшиннинг орқа томонидаги бўлинмалар бирин-кетин қоча бошлади. Сўнгра бутун бошли ўрду фаранглар куни бошларига тушишидан кўрқиб, қироли етакчилигида қочиш куйини чалдилар.

Қирол Сегизмунд охириги дақиқагача курашди. Бироқ француз рицарларининг асир тушиши қўшинининг руҳини тушириб юборган эди.

– Бу ўпка французни олдинга ўтказиб хато қилдик! Душман пиёдасига қарши ўз пиёдаларимизни қўйишимиз керак эди! У ҳовлиқма тезроқ ғалабага эришиб, зафарни ўз отига ёздирмоқчи бўлди! – деди қирол Сегизмунд ҳалиям энгилишига ишонмай қўшини томон умидвор боқаркан.

– У ўз отига кўриб турганимиз шармандаларча мағлубият ва асирлик тавқи-лаънатини ёздирди! – деди қиролнинг ёнида турган қўмондон Атилла.

– Ёздиришга ёздирди-ю, бироқ бизни ҳам балчиққа белади. Бунинг изи энди ҳеч қачон кетмайди. Авлодлар олдида юзимиз шувит бўлди. Нега унинг гапига сўндим-а?

Нурали ҚОБУЛ

Қулнинг ақли тушдан кейин киради, дердилар. Қирол бўл-
сак ҳам ақлимиз кирмади, Атилла! Сон жиҳатдан бизнинг
қўшинимиз уларниқидан кўп эди! Қара! Биз оташга Неверс
деган ёғ билан кирдигу, ўзига қўшиб бизни ҳам ёндирди.

– Энди мулоҳаза этмоқдан муддао ҳосил бўлмайди,
давлатпаноҳ! Асир тушган французлардан қанчаси тирик
қолади, буни ёлғиз тангри билади. Шундай экан, қолган
қўшинни ҳам қийратмай, чекинганимиз маъқул эмасми?
– маслаҳатомуз оҳангда фикр билдирган бўлди қўмондон
Атилла эҳтиёткорлик билан.

Дами ичига тушиб кетган қирол Сеғизмунд тили айлан-
май ҳайкалдек қотиб турарди.

– Чекиниш амрини етказ! Қўшинни сақлаб қолишимиз ке-
рак! – деди йиғига ўхшаган, хириллаган овозда. – Ҳаммаси
тамом бўлди! Худди бундан икки йил бурун, Аргеш дарёси
бўйида шаҳзода Мирчанинг мағлубияти каби яна енгилдик.
Ўшанда ҳам жуда кўп талофат бергандик. Омад ҳам, омад-
сизлик ҳам қўша-қўша келади деганлари ҳақ экан.

– Тўғри сўзладингиз, олампаноҳ! Ўшанда улар Ти-
мишоари, Саланкамен, Красова, Тител, Бешкерек ва
Меҳадия каби қалъаларимизни забт этган ва шаҳзода
Мирча Усмонли вассаллигини қабул этган эди. Унинг бу
ҳаракатини биз тақрорлашмаслигимиз керак!

– Йўқ! Ҳеч қачон! Тик туриб жон берсак-да, қарши кура-
шамиз! Улар бизни Никополь қироли Шишман каби ўйин-
дан чиқаролмайдилар! Ҳаёт фақат бугундан иборат эмас!
Ноумид шайтон!

– Тезроқ, хавфсизроқ жой томон юрайлик, қирол зоти
олийлари! Имкон қадар саваш майдонидан узоқлашганимиз
маъқул! Йилдирим Боязидга ўн минг аскардан кўра биз-
нинг бошимиз керак! – қиролни қистади қўмондон Атилла.
– Омадсиз маршалнинг касофати бизга ҳам урмасин! – дея
қирол оти жиловини сойлик томон тортди.

Юз чоғли хос суворий қиролни муҳофаза этиб борарди. Аҳвол танглигини сезган жониворлар ҳам қулоқларини диккайтирганча қиялаб йўрғалар, сойга тушганлари эса бўғриқиб чопарди.

Йўл бошлаб бораётган Атилла бир ўгрилиб қараганда қиролнинг кўзидан ёш сизарди. Шундан сўнг у орқага қайирилиб қарамади.

Вазири аъзам Жондорлизода Али пошшо ўн чоғли фаранг қўмондонларини олдиға солиб келарди. Қароргоҳ мутасаддиси амир Темуртош султон амри билан чодирга қайтган, ҳарбий асир қўмондонлар учун махсус чодир ҳозирлатарди.

– Султон ҳазратлари етиб келгунларига қадар уларни шу чодирда асраймиз, – деди амир Темуртош ўзида йўқ мағрур келаётган вазири аъзам Али Пошшонни чодир эшигида қаршилар экан. – Бирор ишончли юзликка амр берсангиз, вазири аъзам ҳазратлари. Асирларни кўриқласалар.

– Буларга сиз қаранг. Фарангларни беш минг чоғли рицари асир тушганга ўхшайди. Мен уларнинг ҳисоб-китобини қилай, – деди қўмондонларни амир Темуртошга топширар экан. – Бунча кўп асирни қандай эплаштириб, жойлаймиз-а? – боши қотган эди бош вазирнинг.

– Биринчи гағда барчасининг зирҳли совутларини ечиб олмоқ керак. Қурол-яроғлари ҳам мукамал. Келажақда асқотади, – сўз қотди амир.

Ярим тунда қароргоҳға қайтган султон вазири аъзам Али пошшо ва амир Темуртош билан асир қўмондонлар чодир эшигидан бир қаради-да, саропардасига томон йўналди.

– Эрталаб, бомдод намозидан сўнг сўроққа олиб кирарсиз. Ғоят толиқдим. Бироз истироҳат этмасам бўлмайди, – деди султон амир Темуртошга. – Буюринг, уларни яхши озиқ-овқатлантиришсин. Улуслараро амалдаги ҳарбий асир муомаласи кўрсатишсин ва ранжитишмасин!

ЎН БИРИНЧИ БОБ

*Олтмиш ёшимда ҳақиқатни ёл-
ғондан ажрата билдим.*

КОНФУЦИЙ

Асир француз қўмондонларни ҳукмдор ҳузурига бомдод намозидан сўнг олиб кирдилар. Султон Йилдирим Боязид одатан нонуштани кечроқ қилар, тонгги ибодат билан қахвалти орасида ғайрату шижоат-ла анча-бунча ишни битириб қўярди. Эрта туриб, эрта бошланган иш ва кун баракали бўлади дея таъкидлар эди қўл остидагиларга.

Султон саропардасига биринчи бўлиб келишган ва гавдали Неверс кирди. Маршаллик либослари ечиб олинган, қарийб ич кийимда қолган қўмондон ит талаган мушук ахволида эди. Саратон ойи бўлгани учун кунлар иссиқ, дeryли барча қўмондонлар енгил кийимда қолгандилар.

Қўмондонларни амир Темуртош бошлаб келди. Амирнинг ёнида тилмоч ҳам бор эди.

Қўрима мингбошиси уларни султон қаршисида сафга тиздирди.

– Ҳарҳолда бош қўмондон сен бўлсанг керак? – деди султон Неверсга қараб.

– Ҳа, менман, – жавоб қилди француз.

– Сен шарафсизларга сўйлаяжагимизни сўйладик. Қирол Сегизмунд този қувган тулки каби қочди. Биз мажор ва булғор қўшнилари билан бир кун урушсак, иккинчи кун ярашиб, англашиб, тил топишиб кетамиз. Бироқ биздан ғоят узоқда бўлган сен босқинчиларнинг не ишинг бор бу юртларда? Мен шунга ҳайронман. Биз насронийларнинг душмани эмасмиз. Мусулмонларни киши санаб, христианларни одам ўрнида кўрмаслик каби бир дарди аъмолимиз йўқ. Агар биз шундай айирмачи бўлганимизда серб қироли

Лазаревич ёнимизда туриб, сенларга қарши курашмаган ёки княз Драгас ва шаҳзода Марколар салибчилар ила савашда шахид кетмаган бўлур эдилар. Биз барча дин ва миллат вакилларига бир кўз билан қараймиз. Соч ва кўзлар ранги турлича бўлса-да, кўз ёшининг ранги бир хилдир. Барчамизни ягона тангри яратган! Бироқ айти дамда сенга не гапни сўйласам бефойдадир! Сўйла! Биздан не истайсан? – нигоҳини қўмондонга қадади султон.

– Бизни қўйиб юбор. Аскарларимни ҳам. Савашда доимо енгган ҳақ, енгилган ноҳақдир. Чинлилар айтгандек ютган император, ютқазган ўғри. Шундай экан, мен сен не десанг тинглайман ва бўйсунаман! Биламан фидия¹ сиз бизни қўйиб юбормайсан. Товон тўлашга розимиз! – деди Неверс хаёли қочганча тугилиб шикаста овозда. – Қадар бизга кулиб боқмади.

Султон ўнг томонида ўтирган вазири аъзам Али пошшога қаради.

– Буларнинг барчасини бирдан озод қилиб бўлмайди. Айти дамда елимизда эллик чоғли қўмондон, беш минг нафар атрофида аскар бор. Улар бу мағлубиятни ҳеч қачон кечирмайдилар. Бир-иккита, беш-ўнтадан фидиясини олиб, асирликдан озод этаверамиз, – деди бош вазир султоннинг қулоғига шивирлаб. – Маъкул кўрсангиз дастлаб шу қўмондони билан ўн чоғли кишисини озод этайлик. Қолганини вақт ва замон кўрсатажак.

Султон Йилдирим Боязид розилик маъносида бош ирғади.

– Унда фидиянинг миқдорини белгиланг ва унга айтинг, – деди ҳукмдор вазири аъзамга. – Буларни чодирига элтинг! – буюрди қўрима амирига. – Емак-ичмақдан қисишмасин!

Эртаси куни асирлар билан кўришувга чиққан Йилдирим Боязиднинг авзойи бузуқ, асабий ҳолда саропардада наридан-бери бориб келарди. Худди шу дамда асир қўмондонларни олиб келишди.

¹Фидия – жони омон учун тўланадиган товон пули.

Нурали ҚОБУЛ

Хукмдор важоҳатига кўзи тушган фарангларнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмас эди. Султоннинг бургутники каби ўткир нигоҳига қараган Неверс беихтиёр инжил сураларини такрорлаганча кўзини чирт юмди. Хукмдор не сабабдандир аҳдидан қайтиб, бизни жаллод қўлига топширади дея ўйлади.

– Кўзингни оч фаранги! Азиз бошинг кетмайди! Сени бугунми, эртами, охир бир кун қўйиб юборамиз! Бироқ салибчиларинг қочаркан, мусулмонунасроний, ким бўлишидан қатъи назар минглаб бизга хайрихоҳ бўлган кишиларни қиличдан ўтказмоқда экан. Бу хоинлик ва қотилликни ҳеч қачон кечирмаймиз! Эсла ва ёдингда тут! Бегуноҳ шаҳид этилган одамимиз қанча бўлса, асир тушганлардан шунчаси қиличдан ўтказилади! Жанг тугагандан сўнг мағлубият учун тинч аҳолидан қасос олмоқ саваш одобу ахлоқига зид бўлганидек, ҳарбий асирларни ўлдирмоқ ҳам янглишдир! Бироқ бунга бизни сенинг иттифоқчиларинг мажбур этмоқда! Сен мендан эмас, улардан домангир бўл!

– Вазиятни билмаганим учун бу ҳақда сўзлаяжак сўзим йўқ, – деди Неверс кўз олди қоронғилашиб. – Бироқ иттифоқчиларимиз хатоси учун бизнинг аскарларни ўлдирмоқ тўғри эмас. Қурол-яроғсиз аскарни қиличдан ўтказмоқ сендек қирол ва қўмондонга ярашмайди.

– Биз ҳаммамиз доимо маслаҳат берганда ёки оёғимиз бир этикка тикилганда тўғри сўзлаймиз! Бироқ кўчага чиқиб, тескарисини қиламиз. Сен ҳам ҳозир менинг қаршимда думингни қисиб, мулла минган эшақдек бўлиб турибсан! Бироқ сенинг қирол Сегизмунд чодирода айтган баландпарвоз нутқларинг қўлоғимизга етиб келди! Биздан сўнг Истанбулни озод этиб, Қуддуси шарифгача бормоқчи экансан! Бундай босқинчилик ва хунхўрлик сенларнинг қонқонингда мавжуддир! Элларингдан келганида эди, бугуноқ Чину Ҳиндистонни, Мисру Мағрибни аллақачон босиб ол-

ган бўлур эдинглар! Бироқ бу ишга бугун қўл урмасаларингда, эрта бир куни муаққақ киришасизлар! Сизлардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Қўмондон Неверс гап-сўзсиз бош эгди.

– Унга тўлаяжаклари фидия миқдорини сўйладингизми? – вазири аъзамга қаради хон. – Ва қанча асирни озод этмоқни лозим кўрасиз? – сўради Йилдирим Боязид бош вазирдан.

– Фидия миқдорини айтдим, зоти олийлари. Илк босқичда бош қўмондон билан биргаликда яна тўрт нафар қўмондон ҳамда элликта аскарни озод этсак. Ишончим комилки, булар ҳам қўлимиздан чиқиши биланоқ бизга дўст бўлиб қолмайдилар. Иттифоқчилари қилган ишдан тоймайдилар. Ёрдамчиси Трусси бошлиқ тўрт қўмондон ва қолган аскарларни кафил ўлароқ ушлаб турганимиз маъқулдир.

– Розиман! – деди Султон Боязид не дейсан дегандек фаранг қўмондонга қараб.

– Мен энди туркларга қарши савашмасликка қасам ичдим! – деди Неверс қалтираган овозда. – Қайтиб бу тупроқларни босмаганим бўлсин!

– Янглиш сўйламоқдасан, қўмондон! – деди Йилдирим Боязид ўрnidан туриб маршалнинг қаршисига келаркан бироз овозини баландлатиб. – Арабларда сиёсатчининг оғзига, боланинг орқасига ишонма деган отасўзи бор. Овчи билан аскар қавми ҳам шундай. Ҳар иккиси-да олдин бир гапни айтса, ов ва жанг тугагандан сўнг, бошқа гапни айтади. Не қадар катта мағлубиятга учрамасин, ҳеч бир аскар у зобит ўзини мағлуб ва кучсиз санамайди. Енгилиш сабабини шунчаки майда бир омадсизликка йўяди. Шу пайтгача қиролу шаҳзодалар каби номдор шахсиятлар бизга асирга тушган эдилар. Бирортасининг бошидан бир тола сочи ҳам тўкилмаган. Бироқ сен ҳар қандай қиролдан устун, мард ва жасур қўмондонсан! Жону қонингни тикиб мужодала этганингни тақдир этаман. Вазири аъзамнинг сўзларини эшит-

Нурали ҚОБУЛ

динг. Сени озод этамиз. Бироқ туркларга қарши саваш-масликка қасам ичдим деган сўзингга инонмоқ қийиндир. Қолаверса, янглишдир. Қиролинг амр этса яна жангга киришинг мумкин. Кирмасанг аскарлик қасамини бузган, халқ ва ватанингга хиёнат қилган бўласан. Сени тушунаман. Иттифоқчиларинг қилмишларини тақрорламай, юртингга эсон-омон қайтиб бор! Соғу саломат бўл! Қасос олгинг келса, қўшин тўплаб, яна бизга қарши кел ва яна мен сени енгай! – деди Султон Йилдирим Боязид кулимсираб.

Қош-қовоғи осилган қўмондоннинг юзига ҳам илк бор хорғин ва қайғули табассум югургандек бўлди.

Эртаси куни фаранг элчилари усмонли вазири аъзами айтган миқдордаги фидияни олиб келишди.

– Менга озодлик бахш этганингни унутмайман, қирол! – деди Неверс хайрлашмоқ учун султон чодирига келаркан.

– Яхши бор, қўмондон. Билмадиму назаримда келажакда биз яна кўришадиганга ўхшаймиз. Бу учрашувнинг сўйлаганим каби саваш шаклида эмас, дўстона тарзда юз беришини орзу этган ҳолда сенга оқ йўл тилайман! Қирол Карл Олтинчига мендан салом сўйла! Бундан сўнг энг катта уруш тарғиботчиси папа ва чуқаётган кемада ўтирган император Мануэл Палеологнинг қутқуларига учмасин! Бу чаласавод, жоҳил серсоқолларнинг гапига кираверса, сўнгида ўз тожу тахтидан ҳам мосуво бўлади. Дин ахлоқ кўрсаткичи бўлиб қолиши керак. Уни сиёсатга аралаштираверган ҳукмдор охир-оқибатда шуларнинг қўлида жон беради. Аввал душманларининг ўлимига фатво берган бу рўдаполар фурсати етгач, қиролнинг ўзига чоҳ қазийдилар!

– Сўзларингизни айнан давлатпаноҳ қирол ҳазрати олийларига етказаман ва сиз-ла дўстона тилаклар ила хайрлашаман, – деди маршал Неверс ўзига келиб. – Қисматимда Йилдирим Боязидга асир тушиб, фидия эвазига озодликка чиқмоқ ҳам бор эканки, қочиб қутула олмадим. Пешонанинг ёзиғи, қирол! Омон бўл!

– Менга қара, қўмондон! Ҳар нарсани пешона ёзиғи ўлароқ қабул этиб, қисмату қадарнинг асиру маҳкуми бўлиб қолма! Сўйлаганинг тақдир аслида сенинг феъл-атворинг, хатти-ҳаракатинг оқибатидир ва мағлубиятинг ана шу янглиш амалу ҳаракатинг жазосидир!

– Ҳақсиз, қирол! – деди фаранг қўмондон тисарилганча хон чодирини тарк этаркан.

Бу воқеалар минг уч юз тўқсон еттинчи йилнинг еттинчи ойида кечарди. Йилдирим Боязид бир кунда, Никополь ғалабаси сўнгриси ислом олами таважжуҳини қозонган, халифалик мақомини эгаллаб турган, Миср султонлари ҳам тан берган буюк мужоҳид ғозий, енгилмас султонга айланди. Усмонли табааси салибчиларни даъф этган шонли миллат ўлароқ ислом оламининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Салибчилар Константинополису Қуддуси шарифни озод этмоқ учун нотиклару хочли қўшинлар не қадар куч сарфламасин аслида уларнинг дарди бошқа эди. Бу ғоявий саваш ва муқаддас тупроқларни қайта олишдан кўра улар ўзлари яшаётган Ўрта Европани сақлаб қолмоқ, бунинг учун эса биринчи галда Мажористонни қутқармоқ пешида эдилар.

Бу саваш ғарб давлатлари муштарак кучларининг Усмонли ўрдуси билан қарама-қарши келган илк катта тўқнашув эди. Усмонли туркларини етарлича ўрганмаган ва улар-ла саваш тажрибасига эга бўлмаган ғарбликларнинг бир иши икки иш, этиги кавуш бўлганди.

Ғалаба хочликларнинг ниятларини сувга тушириб, усмонлининг ғарб томон ўнгини очиб, энди бу ўлкалардан осонликча чекинмаяжagini кўрсатганди.

Мужодала Шарқий Византия империясининг ҳам эртанги қисмату қадарини белгилаган, Видинни эгаллаб турган болгар қироли Страсмир йўлдан олиб ташланган, бу ҳудудларга эга чиққан султон Йилдирим Боязиднинг қаршисида фақат денгиз ва бўғоз орқали ҳамкорларидан

Нурали ҚОБУЛ

кўмак олиб турган Константинополь – Истанбул қолган эди.

Никополь зафаридан руҳланган усмонли қўшинлари шиддат-ла яна Истанбулни қуршовга олди. Евранос Бейнинг суворийлари хочдилар олган морани яна қайта эгаллади. Бунинг ортидан муҳим аҳамиятга молик Аргос шаҳри қўлга киритилди. Боязиднинг қўшини Монтартон яқинида Мануэл Палеологнинг қардоши Деспот Теодороснинг ўрдусини мағлубиятга учратди ва Модон – Корон манзилига қадар эгаллади.

Донғи дунёнинг тўрт бир тарафига таралган Йилдирим Боязидхонни Миср халифаси ва араб ҳукмдорлари ғозий, султон дея атай бошладилар. Шу тариқа Йилдирим Боязид султон унвонига сазовор бўлган илк усмонли ҳукмдори эди.

Болқонларнинг усмонли салтанати тасарруфига кирганлигидан энг кўп қайғурган, уйқуларидан ҳаловат қочган ва егани ичига тушмаган инсон – шарқий Византия императори Мануэл Палеолог иккинчи эди. У узоқ ўйлагач, Султон Йилдирим Боязидга тинч-тотув яшаш, Константинополисда бир турк маҳалласи ташкил этиш, жоме масжиди очишга ва бир-қози-тайинланишига рози-эканлигини билдириб мактуб ёзди.

Истанбул фатҳи дам ва дақиқа, он ва сония масаласи бўлиб, барчани бирдек ҳаяжонлантирар, султон Йилдирим Боязид Чаноққалъада ташкил этган денгиз кучлари қароргоҳида ясалган ҳарбий кемалар илк машқларини бошлаган, Саруча пошшо усмонли давлатининг илк капутани дарёси, яъни денгиз флоти вазири этиб тайинланганди. Истанбул фатҳини амалга ошириш учун юз минглик усмонли ўрдусида фақат тўплар етишмас, усталар кўрхонада кечаю кундуз илк усмонли замбараги ва унинг ўқларини яшаш устида ишлардилар.

Сулаймоншоҳ, Усмон Ғози, Урхон Ғози, Биринчи Мурод Худовандигар каби хонлар замонида ташкил топиб, фақат ўз ҳудудларини кенгайтириш ва рақибларини бартараф

этмоқдан бошқа ишга қўл уролмай, давлат ва ҳукумат тизимини такомиллаштириш бобида ислохотларни амалга ошира олмаган усмонли салтанати султон Йилдирим Боязид замонида бу муҳим тадбирларни амалга оширишга киришган эди.

Халифалиқдан султонлик унвонини қозонган Йилдирим Боязид вақт қайб этмасдан элхонли анъаналарига асосланиб, давлат ва ҳукуматнинг бир хонадон тарафидан бошқарилиши тизимини жорий этиб, солиқ, аскарӣй ва маъмурий ислохотларни амалга оширди. Қопи қули ва ғулом тизимининг янги тартиби ишлаб чиқилди. Марказий давлат идорасининг бу усулига кўра ҳукмдорнинг энг яқин қариндош-уруғлари салтанатни бошқарув ишидан четда тутилиб, марказий давлат идорасидаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифалар тўғридан-тўғри бевосита султонга қарам, боғлиқ бўлган қул асилни кишиларга берилди. Бу бошқарув усули туфайли ўзбошимчалик ила ҳаракат этгучи ички беклар, ерли аслзодалар ва туркман беклари назорат остига олинди.

Шу тариқа Усмонли салтанатнинг тамал тоши қўйилди. Бироқ юксак англамдаги исломий тушунчани ерлаштирма ҳаракати султоннинг анъанавий ғозийлигини секин-аста ортда қолдирди. Давлат тизими янада юксак бир идеализм тарзида тақдим этилди. Сиёсат бир дин фалсафаси таъсиридан чиқиб, дунёвий давлатчилик қиёфаси кўринишларини ола бошлаган эди.

Султон Йилдирим Боязидни келажаги порлоқ, буюк ислом давлатининг ҳукмдори ўлароқ мадҳ этиб, битиклар бита бошладилар.

Анадўли орқали Ҳиндистонни Мисрга боғлагувчи тижорат, Амосия ва Тўқатдан Эронга узанган Буюк ипак йўлининг назорати ҳам усмонлилар қўлига ўтган, энди султон Йилдирим Боязид билан катта-кичик барча ҳукмдорлар ҳисоблашаю, усмонли давлат халқаро тижоратга очилган эди.

Нурали ҚОБУЛ

Оқилдирсан, жоҳилдирсан, ҳалимдирсан, зогимдирсан,
тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди.

Макон ва замон чексизлиги, ғарибу зангин дунё тенгсиз-
лиги давом этар, инсонлар кунлик ташвишлари пешида
сарсону саргардон қўшардилар.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Тўрали миллат орли миллат,

Тўрасиз миллат бўри миллат.

Туркман мақоли

– Ғоят муҳим аҳамиятга молик билгиларни бердин-
гиз, қардошим Темуртошбек, – деди хоқон маъноли бош
ирғаганча усмонли элчисига тикилиб. – Демак, Йилдирим-
бек бизнинг ҳам салибчилар каби мамлакат сарҳадида
суробимизни тўғриламоқчи бўлган эканлар-да. Сўйлага-
нингиз Никополь савашаида тажриба ва аниқ ҳисоб-китоби
эвазига ғалаба султон томонда бўлган. Анқара тўқнашувида
айнан ана шу тажриба ва аниқ ҳисоб-китоб бизнинг фойда-
мизга ишлади.

– Менга маълум бўлган режага кўра султон Турон
қўшинини суворийлар жанг қилиши ноқулай бўлган Сивос
яқинларида учрашиб, тор-мор келтирмоқ ниятида эди. Ус-
монли ўрдуси мўлжалланган ерга етиб борганида Турон
қўшини Анқарага яқинлашиб қолган эди, – деди амир Те-
муртош фикрини давом эттириб.

– Мен жангни икки кун чамаси давом этар дея ўйлаган
эдим. Бироқ бор-йўғи ярим кунда зоти олийларини арава-
га солиб хузуримизга олиб келсалар бўладими? Буни биз
ҳам, султон биродаримиз ҳам кутмаган эдик.

– Давлатпаноҳ ҳазратларидан бир жузъий нарсани

сўрасам айбга буюрмайдиларми? – деди амир Темуртош хоқоннинг самимий муносабатидан руҳланиб.

– Бажонидил. Буюринг! – ҳайрон бўлди хоқон.

– Султон бир маротаба зоти олийларига мактуб ила бир неча от ва овчи қушлари юборгандилар. Бироқ сиз уни қабул этмасдан қайтариб юбордингиз. Тухфаларни олиб қайтган элчи султон ҳазратларига жўяли бир жавоб айта олмади. Биз эски одатимиз бўйича совғалар тўққизтадан бўлмаганлиги учун қайтариб юборилган дея тушундик.

– Мен урф-одатларни ҳурмат қилганим ҳолда иримчиликни хуш кўрмайман. Бизда амирнинг ошидан фақирнинг мушти маъқул деган отасўзи бор. Шахсиятимни ҳақорат этганлиги учун мен султоннинг тухфасини қабул этмадим. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, тахтда ўтирган ҳар қандай ҳукмдорни ҳам фаҳм-фаросатли деб бўлмайди. Сўйлаганингизга ўхшаш бир мисолни айтмоқчиман. Мен ота шаҳрим Кешда тиклаган Оқсаройда меҳмон қилиш учун чин подшоҳини юртимизга даъват этдим. Бироқ у жавоб мактубида ҳақоратомуз оҳангда мени Чинга бориб, улар қурган иншоотларни кўришим кераклиги айтиб, уни таклиф этишга қандай журъат этганлигимдан ҳайрон бўлиб, ёзғирибди. Мана сизга Чиндек буюк, дунёнинг илк ва энг буюк олимлари етишиб чиққан мамлакат подшоҳининг дунё, ҳаёту ҳукмдорлик фалсафаси. Жавоҳирга сарроф керак, қассоб эрмас, Темуртош авлодим. Хўш, айтинг-чи, бундай ўзини-да ўзгани-да билмас кимсалар билан қай тилда кўнишмоқ керак?

– Демак, у билан ҳам бизнинг султонимиз ила кўнишган тилда кўнишар экансиз-да, улуг хоқон ҳазратлари? – суҳбатга кўшилди амир Шайх Рамазон.

Хоқон чап кўлининг кўрсаткич бармоғи ила тепани кўрсатиб, кулди.

– Суҳбатимиз жуда мароқли кечди. Энди истироҳат эта-

Нурали ҚОБУЛ

жак фурсат ҳам келди деган ўйдаман. Биз бормасак, маликамиз тўй базмини бошламайдилар. Қани турдик, – деди хоқон ўрнидан кўзгалар экан. – Инсон зотининг зако тархи айни замонда шундай. Отам раҳматли яхши от ўғирланади, яхши қиз мақталади деган мақолни кўп ишлатар эдилар. Инсоният, жумладан, бизнинг саҳройи қавмларимиз ҳам яхши отни фақат ўғирлаш воситасида эмас, балки уни сотиб олиш йўли билан қўлга киритишни тушуниб етганларидagina биз жоҳилиятдан бироз бўлса-да, узоқлашдик дея олармиз балки. Бироқ бу менинг орзуим. Амалга ошса-ошмаса-да, киши шоирларга ўхшаб нималарнидир орзулайди-да. Орзуга эса айб йўқ.

– Шундай, улуғ хоқон ҳазратлари. Инсон авлоди бир ерда, бир қирда, бир сирда юриб, ўз-ўзини юпатиб, барчадан тўғри яшамоқдаман дея ўйлаб, ўзини овутганча ўтиб кетади, – хоқон фикрига қўшилди Шайх Рамазон.

– Бироқ бир илон бир уй одамни тинчитмайди, бир зolim бир мамлакатни деганларидек, эл тепасида ақли-ҳуши бошида, ахлоку-руҳияти-жойида бўлмаган кимса-тураркан, бу элу элатнинг аҳволига вой. Улус ўз қавми, насли-насабидан бўлмиш бу нусхадан қутулмоқ, унинг жабру ситамидан халос бўлмоқ учун ўзга ҳукмдорларга мурожаат этади ва охир-оқибатда ўзга йўриғи ила кун кўргувчи қавмга айланади. Бизнинг барча саъйи-ҳаркатимиз, захмату мужодаламиз мағрибдан машриққача бўлган чексиз ҳудудларда яшагувчи улусу умматимизнинг эмну омонлиги, роҳату рафоҳияти йўлида эрди. Улар бир тупроқ устида ва бир байроқ остида яшасалар ҳаёт кечирмоқлари, зиёрату тижорат этмоқлари осон кечажак. Дуч келган шаҳару қасабада, дуч келган бир зўравон ўз ҳокимиятини ўрнатиб, улусга истагани қадар зуғум этиб, тергаб қатағон қилмаслигининг тек шarti бир ва йирик давлат туғи остида яшамоқдир.

– Ҳақ сўзларни баён этдингиз, Соҳибқирон ҳазратлари.

Жабру зулм ҳаддан ошган ерда улус сиз сўйлаганингиз каби золим зуғумидан қутулмоқ учун кучли қўшни давлат ҳукмдори оёғига йиқилади. Ёки бўлмаса бошларидаги дардисардан қутулмоқ учун, ит келса келсину, шу бало бошимиздан кўтарилсин дея олдингисидан беш баттарига рози бўлади. Натижада миллат яна ботқоққа ботаверади.

– Буни халқ ёмон кетиб, яхши келмас дейди, – амир фикрини тўлдирди хоқон. – Юрт тепасидаги киши давлат ва ҳокимиятнинг жоловини топшириб қўйган кишиларга ишонини ҳамда мутахассис ўлароқ ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги, халақит бермаслиги керак. Қози ҳам ўзим, ёрғучи ҳам ўзим, миршабу жаллод, қолаверса, меъмору бош деҳқон ҳам ўзим деган ҳукмдор қаттиқ янглишади ва халойиқ ундан безор бўлади. Битикчию ёзар, машшоқу созанда, наққошу рассомнинг ўз иши ила роҳатла, ҳеч бир тазйиқу таъсирсиз ижод қилишига эрк бермоқ керак. Босқи ва зуғум ҳукмрон иқлимида озод ҳамда адолатли ижод руҳи бўлмайди. Кишилар кўнглидагини айтиб, ёзмоқлари керак. Акс ҳолда тариху адабиёт, маданияту маърифат янглиш қаламларда битилиб, келгувси авлодлар йўлдан адаштирилади. Энг ёмони, юрт ва улус тарихи, кечмиши нотўғри ёзилади. Бир нодон қудуққа ташлаган тошни эса юз нафар ақлли олиб чиқолмайди. Бунинг кулфатини миллат чекади. Касофати юртга уради, – ҳаяжон-ла фикрини баён этди хоқон. – Ҳаётим кўп оғир ва машаққатли синовлардан кечиб, ғоят қийин шартлар-ла юзма-юз қолдим. Ва кузатганим бир ҳақиқат ҳақида кўп ўйлайман. Бою бадавлат киши борки, икки кўзи хонда бўлади. Фақиру фуқаро, ғарибу ғурабонинг эса нигоҳи нонда. Қўли узунлар кунини кўради. Давлат ва салтанат эгалари мудом дасти калталарнинг ғам-ташвишини емоқлари керақдир. Хулласи калом, айтилмаган гап йўқ, эшитилмаган гап кўп деганларидек, мароқли суҳбатимиз тугамайдиган кўринадир. Маликамиз

Нурали ҚОБУЛ

бизни беклаб қолмасинлар. Гуржистон фатҳида юрганимизда бир ота сўзини эшитдим. Уларда эркак тиклаган уйни аёл вайрон қила олади. Бироқ аёл тиклаган уйни шайтон ҳам буза олмайди деган гап бор экан.

Улуғ хоқон амирлар Темуртош ва Шайх Рамазон билан саропарда саҳнига чиққанида чодирлар куз қуёшида товланиб, кўзни оларди.

– Не қадар мухташам ва гўзал! – деди Шайх Рамазон кўз илғамас масофага узанган чодир шаҳар чиройига маҳлиё бўлиб. – Бу ўланга не қадар чодир тикилган экан? Ҳаётимда бундай афсонавий ва ғаройиб манзарани кўрмаган эдим. Филлар маҳобати ва ўйинини қаранг. Ўзингни эртақлардаги Ҳинд диёрида ҳис этасан киши. Қаранг, зоти олийлари. Дўстимиз Шоҳи Қаландарбек шеър ўқимоқдалар. Бориб тингласакмикан? – хоқоннинг раъйига қаради амир.

– Албатта, ул даврага қўшилиб шоиримиз битикларини эштамиз. У ҳеч кимни ва ҳеч қачон зериктирмайди. Фикру сўзи ҳам, сози овози ҳам нафтандоз ўқи кабидур, – дея кишилар тўпланишиб турган томон юрди хоқон.

– Бизнинг кўзимиз илғаган чодирлар эллик минг атрофида. Чодир шаҳарни муҳофаза этиб турган ва тантаналар учун таклиф этилган қўшиннинг ҳам шунча чодир оқ уйи бўлса керак.

Улуғ хоқонга кўзи тушган халқ оқиб кела бошлади. Қоровул бўлинмалари аранг уларни тўхтатиб, йўл очарди.

Султон Соҳибқиронга кўзи тушган Шоҳи Қаландар янги айтувини бошламай қўл қовуштирганча таъзим этди. Мулозимлар тезда хоқон ва мусофирларига курсилар келтиришди. Улуғ амир ишорати билан Шоҳи Қаландар юксак сасда айтувда давом этди:

– Абдал қурида кўнишмоқ,
Доно зотга ҳақоратдир.

Золим тарафини тутмоқ
Бориб турган разолатдир.

Ҳақсизга қарши сўз айтсанг,
Заҳн этарки адоватдир.
Лоқайдликнинг сўнг манзили,
Муаққақким аросатдир.

Ҳақиқатни ҳайқирмоқлик,
Асил жиҳод – адолатдир.
Ўлканг ўнгин кўра билсанг,
Башорату кароматдир.

Киши кўнглида тахт қурмоқ,
Мангу шараф, саодатдир.
Миллат меҳрини қозонмоқ,
Тек илоҳий шафоатдир.

Кўзинг очиқ, ва лек кўрсан,
Кечар кунинг асоратдир.
Орифлик таъриф этилмас,
Тек йўл – фаҳми фаросатдир.

Шоҳи Қаландар битигини тугатиб, хоқонга қаради. Амир
Соҳибқирон бош ирғаб, давом этмоқни буюрди.

Оқил оғзи ёпиқ ёмда,
Ови юрган отарчидир.
Киши қадри ҳуруш дамда,
Дови юрган ўтарчидир.

Элни алдаб молин сотган,
Эрта юртин сотарчидир.

Ётнинг йўриғига юриб,
Қадар майин тотарчидир.

Кулмижозу қавми жоҳил,
Яғийга гул тутарчидир.
Истибдоднинг ботқоғига,
Алал адаб ботарчидир.

Эрк эпкини эсмас ерда,
Кунлар эрта ботарчидир.
Ёзиғини ўзга ёзган,
Элат шамдек қотарчидир.

Тош, тупроқ тана танимас,
Барча унда ётарчидир.
Шоҳ Қаландар ўздан кетма,
Сен ҳам бир кун кетарчидир.

– Етти иқлим хоқони, рубъи маскун султони амир Соҳибқирон ҳазрати олийларининг ёнларида икки отадош, қардош, диндош ва имондош қўноқларимиз бор эканким, ул зотларнинг ташрифлари муносабати ила ҳам бир битик битган эрдик. Ижозатингиз ила шу айтувимизни айтсак, – дея Шоҳи Қаландар сафойилини чалиб ўқимоққа бошлади:

Айри тушса иймондан,
Инсоф дўнса инсондан.
Қалб қирилса замондан,
Рухлар сўнса даврондан.

Айриларми жон тандан,
Усмонли Туркистондан.

Нур таралса Қуръондан,
Кўктангрию шомондан.
Биродарлик ислондан,
Оҳ чиқса Нўҳчивондан.

Айриларми жон тандан,
Қўниё Туркистондан.

Оққўйин, қора қўйин,
Рақиб қилса-да ўйин.
Кимсага эгмас бўйин,
Тап тортмас, тўйлар тўйин.

Айриларми жон тандан,
Туркманим Туркистондан.

Шараф юксалса шондан,
Нобакор тонса қондан.
Яғий қўшса тўрт ёндан,
Сас юксалса Турондан.

Айриларми жон тандан,
Мавлоно Туркистондан.

Масофа тут гумондан,
Дўст-ёр, яхши, ёмондан.
Соғ-сўл, ағёр томондан,
Кўзинг олар тумандан.

Айриларми жон тандан,
Турк эли Туркистондан.

Қисмат қайтса-да, кулса,
Ғайирлар оёқ чалса.

Нурали ҚОБУЛ

Фурсат етиб, хун тўлса,
Бу жон, бу танда бўлса.

Айриларми жон тандан.
Турк имон Туркистондан.

Давра ўртасида турган қаландар яна таъзим бажо этди.
Хоқон қўл ишораси билан уни ёнига чорлади.

– Муҳтарам мусофирларимиз шаънига битган битигинг учун сенга алоҳида ташаккур изҳор этамиз, Шоҳи Қаландар! Булар меҳмон ўлмоқлари баробарида ўз ота юртларидадир. Яғийлару миллат ичидан чиққан сотқинларнинг тазйиқу таъсирлари туфайли ўз ватанларини тарк этмоқликка мажбур бўлганлар. Иложи бўлса сен ҳам ул юртларга бориб, мусофирчилик азоб-уқубатларини тортиб, ҳақиқий бир мусулмон бўлиб келарсан. Рум элчиси Темуртош биродаримиз бир муддат сўнг она юртларига қайтадилар. Балки сени ҳам олиб кетарлар, – дея элчи Темуртошга қаради хоқон.

– Шоҳи-Қаландарбек-каби-ойдинларимизнинг бошимизу кўзимиз устида ерлари бордир, – деди қўшқўллаб хоқонга таъзим этаркан усмонли элчиси. – Дўстимиз ила бирга сайри сафар этмоқ не чоғли мароқли эканлигини ҳис этмоқдаман.

– Сизлар каби улуғ ва шарафли инсонлар-ла дунёнинг нариги бурчига бормоққа-да ҳозирман! – деди миннатдорчилик билдириб Шайх Қаландар.

– Биз-ла бош маликамизнинг базмларига юр, Шоҳи Қаландар. Биргалашиб хонимларимизнинг кўнглини олайлик. Биз эркак зотига ҳар куни байрам, ҳар куни маишат. Аёлларимиз эса фақат тўю томошаларда яйрайдилар, – деди хоқон Сароймулкхоним саропардаси томон юрар экан.

Базм иштирокчилари улуғ хоқонни тик оёқда турганча олқишлаб қаршилади. Саропардага кираркан, Кастилия

элчиларига кўзи тушди. Улар билан саломлашиб, ҳолаҳвол сўрашди.

Амир Соҳибқирон ўз шоҳсупасига ўтиргач, тўй тантанаси бошланди. Соқийлар бетиним май қўйишар, этчилар каштасини келтирганча бутун кўзи кабобларини майдалаб, суфраларга териб қўйишарди.

Бош малика Сароймулкхонимнинг улкан саропардаси оқ, қизил, яшил, сариқ ва бошқа рангдаги ўнлаб ички чодирлардан иборат бўлиб, кўноқлар мавқеларига қараб жойлаштирилган эди.

Кастилия элчиларини саропарда қопуси олдидаги чодирга таклиф этдилар. Тўқ қизил гиламлардан тикланган чодирнинг ич ва ташқи тарафига каштали оқ сўзаналар тутилган эди.

Мусофирлар емакларини еб бўлиб, мусиқа тинглаб ўтиришганда улар олдига канизаклари қуршовида Сароймулкхоним келди.

– Муҳтарам мусофирларимизнинг кайфлари чоғми? – сўради малика назокат ила ёқимли табассумда.

– Қуллуқ, маликам! Ҳурмат-эътиборлари учун ташаккур! Замонимизни ғоят вақтичоғлик ила ўтказмоқдамиз! – дея жавоб қилди Руи Гонзалес тик турганча бош эгиб таъзим қиларкан.

– Меҳмонларимизга саропардамизни айлантириб кўрсатинг. Шаҳримизнинг улуғ ва машҳур кишилари билан таништиринг, қози жаноблари, – деди малика Хўжа Муҳаммадга.

– Маликамиз маҳди улё ҳазрати олияларининг амрларини ҳамон бажаражакмиз! – деди Хўжа Муҳаммад ҳам таъзим этаркан.

Бош малика хиёл бошини эгиб яна бир бор меҳмонларга эҳтиромини билдирди-да, бошқа чодир томон юрди.

Элчилар саройпарда сайрига чиқдилар. Ҳеч бир ипсиз тикилган улкан чодир олдига келганда ҳайрат-ла боққанча

Нурали ҚОБУЛ

туриб қолдилар. Улар шу пайтгача бундай антиқа чодирни кўрмаган эдилар. Чодир нафис қизил шоҳи билан ёпилган, шоҳининг устидан юқоридан пастга қараб зарҳал кумуш тўқалар қадалган тасма туширилганди. Ичидаги бежирим кашталар кўзни оларди. Ингичка қизил хивичлардан тўқилган кўш табақали эшиги қадимий пушти ранг шойи билан қопланганди. Эшик шундай тайёрланган эдики, ундан ташқари кўриниб турар, бироқ ташқаридан қараганда ичкари кўринмас, ёпилганда ҳам ҳаво ўтиб, чодир салқин эди.

Эшик қаршисидаги сиртига тилла суви юритилган кумуш қопланган дарвозадан отлиқ ҳам бемалол кира оларди. Дарвозага ложувард бўёқ ва зарҳал билан нозик бўртма нақшлар ишланган, сиркор рангларда турли гул тасвирлари туширилганди.

Дарвозага кўзи тушган насроний элчилари ҳаяжонланганча бир-бирларига қараб қолдилар.

– Бу бизнинг бирор-бир черков ёки кафедралнинг дарвозаси, – деди Де Мария беихтиёр уни силаб кўраркан.

Элчиларнинг дарвоза-ёлдида-томоша қилиб турганларини кўрган мулозимлардан бири етиб келди.

– Меҳмонларимизни дарвоза тарихи қизиқтириб қолди шекилли? – деди у Хўжа Муҳаммад ва кўноқларга қараб.

– Шундай. Ҳоят ҳайрон бўлдик. Бу дарвоза қандай қилиб Самарқандга келиб қолган? – сўради Де Мария ҳамон ундан кўз узмай силаркан.

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари Рум қайсари Йилдирим Боязидни Анқарада енггач, унинг бошкенти Бурса шаҳрига султон хазинасини олиб келмоқ учун валиаҳди замон Муҳаммад Султонни юбордилар. Валиаҳд амирзода хазинани қўлга киритиб, Шайх Нуриддин орқали улуғ хоқон ҳузурларига жўнатдилар. Бу дарвоза ана шу қимматбаҳо ашёлар ичида бўлади ва фармони олий билан бошкентга юборилади, – жавоб қилди мулозим. – Ундаги тасвирларни насроний авлиёлари

дейишди. Бироқ ҳеч ким уларнинг отини билмади. Билсангиз ва айтиб берсангиз мамнун бўлар эдик.

– Биринчи тавақадаги авлиё Пётрдир. Иккинчисида эса авлиё Павел қўлларида тилла қопланган китоб ушлаган ҳолда тасвирланган, – деди Де Мария дарвозага қараб чўқинаркан.

Шериклари ҳам унинг ҳаракатини такрорладилар.

Дарвоза тўғрисида, чодир ўртасида киши кўкрагидан келадиган баландликдаги олтин сандиқ турарди. Сиркор ва турли рангларда сайқал берилган сандиқнинг ичи кумуш ва қимматбаҳо буюмлар билан тўла эди. Сандиқнинг усти силлиқ, гардиши майда тишли кунгуралар билан безалган бўлиб, мовий ва оқ сирли ранглар билан бўялган, марварид ҳамда турли қимматбаҳо тошлар қадалганди. Сандиқ устида зумрад ва марваридлар қадалган олтита олтин кувачга ҳамда олти дона олтин пиёла турарди.

Қарийб одам бўйи келадиган сандиқ ёнида юксаклиги бир қарич келадиган олтин хонтахта жой олганди. Бу хонтахта ҳам йирик марваридлар, санъаткорона ишланган антиқа тошлар билан сусланган эди. Унинг устига ғаройиб тусли, бежирим ишлов берилган текис зумрад ўйиб ўрнатилган бўлиб, хонтахта юзини кесиб ўтган зумраднинг узунлиги тўрт қарич, эни эса бир ярим қарич эди.

Саропардани томоша қилиб юрганларнинг кўпчилиги хонтахта ёнидаги олтин оғоч атрофида айланишарди. Ҳолва қиниладиган, эни беш-олти қарич келадиган катта табоққа ўрнатилган дарахт танасининг йўғонлиги киши оёғи қадар эди. Эман дарахтига менгзар оғочнинг юксаклиги одам бўйи келар япроқлари шамлар ёруғида сеҳрли йилтирар, шоҳларига илинган қизил, сарғиш ва зангори ёқутлар, зумраду феруза, ақиқу гавҳар, олма каби тиниқ ва порлоқ “мевалари” сеҳрли товланарди. Бу ғаройиб мевалар оғоч танаси ва шоҳларига ўйиб ўрнатилган эди. Оғочнинг марварид ва ёқут меваларини тумшуғида тутиб турган йигир-

Нурали ҚОБУЛ

ма чоғли олтин қушчалар сайрашиб шохдан-шоҳга учиб-қўнаётган тарзда жойлаштирилганди.

Чодир ичига хонтахталар қўйилган бўлиб, шойи кўрпачалар тўшалган, ҳашамли болишлар қўйиб чиқилган, адрас кўрпачалар тахлами кўзни оларди.

Ниҳоят, элчиларни қизил гиламлар қопланиб, зарҳал иплар билан безак берилган асосий саропардага олиб келишди. Саропарда тўрида улуғ хоқон валиахд Пирмуҳаммад мирзо ва амирзода Улуғбек билан суҳбатлашганча емак ерди.

Сўнгра уларга ҳарбий чодир ва кўчма масжидни кўрса-тишди.

– Мусофирларимизни эртага марҳум валиахд Муҳаммад Султон маъракасига олиб кел, Хўжа Муҳаммад! – деди хоқон элчилар таъзим этганча саропарда сайридан қайтишар экан.

Улуғ хоқон амр этган мақбаранинг олий гумбази битганди, шу муносабат билан халойиққа худойи берилиши маълум қилинганди. Маърака иштирокчилари емакларини еб бўлишгач, амир Шоҳ Малик элчиларни хоқон ўтирган шоҳсупадан четроққа олиб чиқиб, уларга иккита сувсар мўйнасидан ёқа тикилган астарли шойи чакмон ва кимхоб тўнлар кийдирди. Совуқ тушиб қолганлигини ҳисобга олиб, телпак тақдим этди.

– Улуғ хоқон олампаҳоқимизнинг амрлари билан йўл харажатингиз учун бир минг беш юз кумуш танга ажратилди. Яхши ва саодатли кунларингизга ишлатинг! – деди амир Шоҳ Малик ақча солинган халтани Руи Гонзалеснинг олдига қўяр экан. – Энди сизларни хайрлашмоқ учун хоқон ҳузурига олиб борамиз.

Элчилар хоқон қаршисига келиб, таъзим этдилар.

– Ҳурматли мусофирларимизни эртага Кўксаройга олиб келишсин. Ўша ерда хайрлашиб, оқ йўл тилаймиз! – деди хоқон кетмоққа изн бераркан.

Амир Шоҳ Малик эртаси куни пешин намозига таъқибан меҳмонларни Кўксаройга олиб борди.

Хоқон Турону Самарқанд салтанатининг рамзига айланган ўша машҳур Кўктош тахтида ўтирар эди.

– Менинг ўғлим қирол Генрих Учинчига салом ва ҳурматларимни етказинг! Мамлакат ҳудудига қадам босган барча миллат ва динларга мансуб кишиларга бир кўзу раҳми шафқат-ла муносабатда бўлишларини сўраганимни айтинг! – дея элчилар билан хайр-хўшлашди хоқон. – Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Кўрмаган бўлсалар кўноқларимизга Кўксарой ва Бўстонсаройни кездиринг, – буюрди хоқон амир Шоҳ Маликка. – Ҳузуримга Шарофуддин Дизакий кирсун!

– Биринчи суҳбатимиздан сўнг кўп ўйладим. Сиз сўйлаганингиз каби буюк олиму файласуфлар етишиб чиққан Чин каби улуғ мамлакатнинг хоқони нечун бизга ахлоқсизларча, ҳақоратомуз мактуб йўллайди? Тушунмадим? – деди хоқон Дизакийга ўтиришни буюрар экан.

– Ҳақиқатан чинлар миллат ўлароқ ғоят қадимий, жаҳон илму фани биносига пойдевор қўйган улусдир, хоқоним. Ҳисоб-китоб, тадбиркорлик билан боғлиқ ақл-идроқда дунёда ҳеч ким уларга тўғри кела олмайди. Бироқ теран зако ва фаҳм-фаросатда бироз оқсайдилар. Боиси, уларнинг луғатида фаҳм-фаросат сўзининг ўзи йўқдир, онҳазрат, – жавоб қилди Дизакий.

– Китобдоримиз Ориф Бухорийдан суриштирсам, чин файласуфлари ҳақида кутубхонамизда етарли қадар китоб ва маълумотлар йўқ экан. Бу эксикликни тўлдирмоғимиз керак. Ҳозир эса менга улар фалсафасининг отаси Конфу цзи ҳаёти ва қарашлари ҳақида билгилар берсангиз? – деди хоқон кулайроқ ёнбошлар экан.

– Асли исми шарифи Конг Чю бўлган файласуф Чинда Жоу сулоласи иқтидорга келиб, ҳукмронлик қилган йил-

Нурали ҚОБУЛ

ларда яшаган. Бу даврда халқнинг яшаш шароити чексиз даражада оғирлашган бўлиб, Конг Чю каби кўплаб ойдинлар давлат ва мамлакатни бу оғир бўҳрондан чиқармоқ, уни тараққиёт йўлига киритмоқ учун ҳукуматга қатор таклифлар билан мурожаат этганлар. Файласуф олимнинг тенгсиз фикр соҳиби эканлиги боис Конг Фу Зи дея атай бошлаганлар. Бу сўз чин тилида устоз Конг маъносини англатади. Унинг отаси император Жуо Чэнванг авлодидан бўлган машҳур ҳарбий кўмондон Конг Хе ўн етти ёшли канизаги Ян Жизайдан ягона ўғил кўради. Саркарда шу пайтгача биринчи хотинидан тўққизта қиз, иккинчи никоҳидан битта хаста ўғил кўрган бўлади. Саркарда ўша пайтнинг қонунларига қарши бориб, учинчи тенгсиз никоҳга уйланади ва ўғил кўради. Бироқ бола бир ярим ёшида етим қолади ва ота уйдан ҳайдалиб, бир парча экмак учун меҳнат қилишига тўғри келади. У отаси жасорати ҳақидаги ҳикоялар руҳида ўсиб-улғаяди. Тинимсиз ўқийди. Изланади. Ўша даврда Чинда давлат хизматида кирмоқ учун олий турдаги санъатни эгалламоқ талаб этилган. Маросим тартибларини бажара билиш, мусиқани англамоқ, камондан ўқ ота билмоқ, математика ва ҳаттотлик санъатини эгаллаш шарт бўлган. Улуғ файласуф ниҳоят илмда энг юксак чўққига кўтарилади. У Чин тарихида илк бор хусусий таълимга асос солиб, биринчи тажрибали ўқитувчи сифатида ойдинлар жамиятини ташкил этади. Буюк мураббийнинг уч мингдан ошиқ шогирди бўлиб, улардан тўрттаси ишончли шогирд, ўнтаси донишманд шогирд ва етмиш икки нафари иқтидорли ва юксак фазилатли шогирдлар саналган. Юксак даражадаги идроки ва тажрибаси туфайли ўз ватанида инсонпарварлигу ахлоқ қоидаларига асосланган ижтимоий сиёсий мафкурани яратгандир. Унинг “Лун Юй”, яъни “Сухбат ва мулоҳазалар” асари мана ўн тўққиз минг йилдирки,

нафақат ўз халқининг, балки бутун дунё зиёлилари ва инсонпарварларининг қўлланма асари сифатида кишилик йўлини ёритиб келмоқда, – дея хоқон сўровини жавоблантирди Шарафиддин Дизакий.

– Қаранг-а, ўн тўққиз аср бурун яшаб, бугун бурнидан нарини кўролмайдиганлар кўзини очган кишини ҳақиқий авлиё деса бўлади. Унинг фалсафаси асосида “Ўзинга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма” деган шиор ётар экан. Кишида беш хислат мужассам бўлиши, одамлар ана шу беш фазилат асосида яшаш керак дея таълим берган дейдилар. Агар билсангиз ана шу беш сифат ҳақида батафсилроқ сўзлай билурмисиз?

– Бир оғиз сўзлари, улуғ хоқоним! Зоти олийлари қабулларига ҳар томонлама ҳозирлик кўриб келганман. Сўйлаганингиз китобларни ўқимоқ ва лозим бўлган билгиларни тўпламоқ учун бу дунёнинг энг қийин алифбоси – чин имлосини машаққат-ла ўрганишга тўғри келди. Кон фу цзи таълимотининг оламшумуллиги шундан иборатки, у барча дин ва ибодатлардан холи ва устундир. У кишиликнинг яшаш тарзини ўз дунёқараши билан ўлчаш ва мезонлаш ғоясини яратган. Зоти олийлари қайд этган фазилатларнинг биринчиси – одамларга муҳаббат, меҳрибонлик ва инсонпарварлик. Мутафаккир буни инсонда инсонийликнинг бошланиши дея ҳисоблайди. Одам ўзининг ахлоқий бурчини англамай туриб, ўзини англай олмайди. Киши ўзини ўзидан топади. Бу нарса инсонни жонзоддан фарқлайдиган, разолат, жаҳолатга қарши тура оладиган фазилатдир деган фикрни илгари суради. Олим ўз таълимотидаги биринчи қоиданинг рамзи сифатида Дарахтни тақдим этади. Иккинчи қоида адолат ва ҳақиқат бўлиб, унинг тимсоли Темирдир. Оқил одам адолат излайди, пасткаш эса манфаат дея таълим беради. Ҳақ сўз, ҳақ амал ҳамиша ғолибдир. У инсонга қатъийлик ато этади, худбинликка қарши туради деб

Нурали ҚОБУЛ

таъкидлайди. Учинчи қоида – удум, одат, урф-анъанага содиқлик. Бунда у ота-онага ҳурмат-иззат, жамият кишиларининг бирлик ва баробарлик, ўзаро ҳамжиҳатлигу ҳурмат-эътиборни, миллий урф-одатларга қатъий амал қилмоқни, кишиларнинг ижтимоий ҳимоя этмоқни назарда тутлади. Олов барчага бирдек иссиқ тафт бериб ёруғлик таратишини ҳисобга олиб, уни рамз сифатида олади. Тўртинчи қоидасининг тимсоли Сувдир. Уни файласуф соғлом фикр, донолик, оқиллик, ўз хатти-ҳаракати оқибатларини олдиндан кўра билмоқ, ўзига четдан қараш ва баҳо бера билиш билан изоҳлайди. Сув барча нарсани тозалаш, поклаш қудратига эга. Бу қоидага кўра киши ўз хислат ва феъл-атворини маълум бир меъёрга сола олади, қайсарлигини жиловлайди, ақлсизликка қарши тура олади. Бешинчи қоида самимият, пок ният, хур фикр, сахийлик ва виждонлилик. Унинг қарашича, одам худбинликни чеклай олади ва саховатли Ерни тимсол сифатида танлайди, – дея файласуф қарашлари ҳақида хоқонга билги берди Дизакий.

– Ғоят теран ва мукаммал тафаккур маҳсули бу қоидалар. Киши умрининг маълум ёшларида комиллик сари бориши ҳақида ҳам ўқиган эди. Ёш бир жойга етгач, хотира ҳам сустлашар экан. Билсангиз шу ҳақда ҳам сўзласангиз? – сўради хоқон.

– Бу хусусда мутафаккир шундай дейди, зоти олийлари. Ўн беш ёшимда билим олишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйдим. Ўттиз ёшимда оёқда мустаҳкам тура олдим. Қирққа кирганимда турли масалалар моҳиятини тушуниб, йўлимни йўқотмадим. Эллик ёшда эса Осмон менга тақдиримни инъом этганлигини англаб етдим. Олтмиш ёшимда ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим. Етмиш ёшимда қонун-қоидалар чегарасидан чиқмаган ҳолда юрагимнинг амрига бўйсунга бошладим.

– Илмдан айри тушган ҳар қандай дин жоҳилликка хиз-

мат қилади, – деди хоқон ўйга толиб. – Унинг сўнг манзили ҳам зиёратгоҳга айланган дейдилар-а?

– Шундай, онҳазратим. Файласуф дафн этилган Конглин қабристони бутун миллатнинг бош зиёратгоҳидир. Қабристон дарвозасининг тош пештоқиға унинг “Инсон ўлади, лекин уни ўн минг йиллардан сўнг ҳам танийдилар. Авлодлари юрагидан” деган сўзлари битилган. Унинг зиёратига келган Чин императорлари ҳам оддий кишилар қатори отларини ташқарида қолдириб, шоҳона кийимларини ҳовлида алмаштириб, эл қатори кийинганча ҳузурига борадилар.

– Сиз унинг китобини таржима этдингизми? – сўради хоқон файласуфнинг фикрларидан таъсирланиб.

– Чин ёзуви ва тилини билганлигим боис китобини бошдан-оёқ ўқиб чиқиб, ўзимга ёққан фикрларини она тилимизга ўгирдим. Мусоид замонингизда кўриб чиқмоғингиз учун қолдира билурман, ҳазрати олийлари.

– Яхши. Қолдиринг. Мен албатта ўқиб чиқаман ва яна фикрлашамиз. Сиз эса улар тилини билгувчиларни ёнингизга олиб китобни тўла таржима этмоққа киришинг. Уни Исо масих, Будда ва Суқрот ила баробар тилга оладилар. Сўйлаганингиз китобни уч нусхада ҳозирламоқ керак. Бошкент, Ҳирот ва Қандаҳор кутубхоналари учун, – амр этди хоқон. – Бул хусусда китобдоримиз Ориф Бухорий-ла бирга ишлангиз.

– Англадим, зоти олийлари. Бугундан эътиборан ишга киришурман.

– Маъкул. Эртага тўпланажагимиз хос машваратга ҳам қатнашинг, – деди хоқон Дизакийга кетмоққа изн бераркан.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Ўзининг ниҳоятда ақллилигига астойдил ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киради.

ЛАБЮЙЕР

Эртаси куни пешинга яқин Сароймулкхоним жоме масжидига етиб келган хоқон икки набирасига улуслар берилганлиги ҳақидаги фармонга имзо чекиб, ўқимоқ учун Шайх Нуриддинга узатди.

– Турон мулкида Амир Темур Кўрагон сўзимиз. Бахтли амирзодамиз Муҳаммад Тарағай Шоҳруҳмирзо ўғлига Сайрам, Янги, Ашпара ва Жете улуси, амирзода Иброҳим Султонга эрса Андижон, Ахсикент, Тароз, Қошғар ва Хўтан вилоятлари берилади! Амирзодаларимиз вазиру кўмондонлар, қозию мулозимликка-қодир-кишиларини-жамлаб-сафар-тадоригини кўрсинлар!

Машварат иштирокчилари беихтиёр бир-бирларига қараб қолдилар. Боиси фармони олийда қайд этилган Қошғар ва Хўтан бу пайтда салтанат таркибига кирмас эди. Бироқ фармондаги бу банд ўз-ўзидан барчага маълум бўлиб, ушбу ҳудудлар бўлажак юриш давомида фатҳ этилиши керак эди. Миш-миш ўлароқ юрган гап-сўзлар ҳақиқатга дўниб, Чин юриши кун тартибидаги биринчи масалага айланганди.

– Элчилардан бири восвосгами, тутқаноққами ўхшаш бир хаста экан. Кечалари шайтонлаб, барчани роҳатсиз этмоқда, – деди Шайх Нуриддин.

– Унда уларга ҳам бирор ҳафтадан сўнг жавоб берингда, Ўтрор ва Сайрамдаги ноибларимизга тайинлаб қўйинг.

Яхшилаб, узоқроқ меҳмон қилишсин, – буюрди улуғ амир.

Амир Шайх Нуриддин гап-сўзсиз бош ирғади.

Кенгашда иштирок этган улус амирлари ва даруғаларга бугуноқ юртларига жўнаб кетиб лашкар йиғиш, қурол-аслаҳани мукаммал ҳозирлаб, от-улов ва бир ойга етарлик озуқа билан сўнги фармони олийни кутиш амр этилди.

Ўн биринчи ойнинг боши бўлса-да, совуқ эрта тушган, Чўпонотадан қараганда Туркистон тизмаларини қоплаган қор илмилик ва тиниқ куз кўёшида ёниб кўзга ташланарди. Тоғ этакларидаги кўйлар ҳам олачалпоқ қорда аранг кўри-нарди.

Самарқандга ковушботар қор ёққан бўлса-да, ҳаво бирдан совуган, шимол томондан вақти-вақти билан эсаётган изғиринли шамол куз ҳавосида яйраб юрган танага игнадек санчиларди.

Ҳар доимгидек совуққа ҳозирликсиз ёқаланган кишилар қишлиқ кийим-кечак ва ўтин-чўп ташвишида Ўрда бозори томон ошиқишар, кунда, ўтин-чўп ортган аравалар Тахти Қорачор довони тарафдан оқиб келарди.

Ғоят тор ва хос амиру амирзодалар даврасида Чин сафарбарлигини эълон этган улуғ хоқон эрта бошланган қиш ҳавосидан безовта эди.

Кўшин мўлжалланган манзилга олти ойда етиб бориши мумкин. Шунга қараб сафар тадоригини кўриб, йўлга чиқмоқ керак. Худудлардаги экинчи чериклар деҳқончилик қилиб, асосий кўшиннинг етиб боришига ҳозирлик кўради.

Эрта кирганига қараганда қиш оғир кечадиган кўринади. Хуллас, ишлар орзулангани каби кетмаётир. Чорасини қилиб, имкон қадар тезроқ йўлга чиқиш керак, – хаёлидан кечди хоқоннинг жоме масжиди ҳовлисидаги шоҳсупада ўйга толганча ўтирар экан.

Шаҳар ташқарисидаги боғларда ҳам қиш эпкинни епар, ариқлардаги сувлар тиниқлашиб, жилдираб қолган эди.

Нурали ҚОБУЛ

Ўзи ва амирзодаларнинг Кўксаройга кўчиб ўтишини, вазирларнинг эса оила-аъзолари билан Бўстонсаройга кўчишлари эълон қилинди.

— Шом намозини Кўксарой масжидида ўқиймиз. Унга қадар кўрхонадаги аҳволни кўриб чиқамиз, — деди хоқон қаршисида кўл қовуштириб турган амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик, Боботурк ва Алп Туркашга қараб.

— Ижозат этсангиз мен йўлга чиқсам, — деди Боботурк таъзим этганча хоқонга мурожаат этиб.

— Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Отлана билурсиз! Шоҳруҳия, Хўжанд ва Андижон чериклари Тошкандда тўпланади. Амирзода Халил Султон бу черикларни бош кўмондон ўлароқ савашга ҳозирлайди ва бунинг учун эртаиндин йўлга чиқади. Ёнида бўлиб кўмак этинг! — буюрди хоқон. — Дўстингиз Алп Туркашбек ҳам эртаиндин Ашпара йўлини тутадилар.

— Амри фармон улуғ хоқонимизнингдир! — дея таъзим этиб тисланди амир Боботурк.

Салтанат қарвони битмаган Сароймулкхоним жоме масжиддан чиқиб, Кўксарой томон борарди. Саф ўнгида улуғ хоқон хос тахтиравонида кетар, ҳалигина эълон қилинган уруш хабарини қора сояси устларига тушиб турган амирлар бир-бирларига ташвишли боққанча отда боришарди.

— Энди кўришган эдик. Яна айрилишар эканмиз-да, — деди отини амир Боботурк самани ёнига тақаб келган Алп Туркаш.

— Устоздан бироз узоқроқда, ўзимиз мустақил меҳнат қилиб кўришимиз ҳам керак-ку, дўстим, — деди Боботурк саройдан опислашаётганини ҳар ким ҳар хил йўймаслиги учун ўзини дадил тутиб, кулимсираркан.

— Воқеалар қозони ақл бовар қилмас даражада қайнаган, бугундан эртага не ҳолу ҳодисалар юз бериши

ёлғиз Оллоҳга маълум бўлган зиддиятли дамларда бизни ташлаб кетмоқдасиз, амирим. Кўнглимга бир безовталиқ ва ғулғула тушганким, кун бўйи нари турсин, уйқумда ҳам тинчлик бермайди, – паст овозда, аламли оҳангда сўзлар эди Алп Туркаш.

– Бизнинг ёшимизда одатда шундай бўлади. Хонимлар ҳайздан қолганларидан сўнг ўн йиллар давомида хасталаниб, телба каби ўзини урарга жой тополмай қолганларидек, бундай жараён эркакларда ҳам бўлади. Ҳар бир ишда ва кишида хайр бордир. Кўнглингизни кенг қилиб, ҳар неки ҳолатни совуққонлик ила қабул этиб, зиммамизга юкланган ватаний вазифани номусу оримизни ўртага қўйиб бажармоғимиз, улўғ устоз ишончларини оқламоқ жаддида бўлмоғимиз керак, – жавоб қилди амир босиқ ва вазмин оҳангда. – Мен-ку, майли. Сиз ҳам Ашпарага жўнар экансиз?

– Қачон йўлга чиқасиз, дўстим? Сизни кузатиб қўя олармиканман? – ҳамон овозида ташвиш акс этарди соҳибхабарнинг. – Мени қўяверинг, хабарчининг иши қаерда бўлмасин ҳукмдорга хабар етказмоқ.

– Одоб қоидаси юзасидан устозни Кўксаройга қадар кузатиб қўйишим керак. Шундан сўнг йўлга чиқаман. Кетгунингизга қадар Бобоҳасан билан Бобоҳусайннинг аҳволдан хабар олиб туринг. Улар ҳам бизни Шоҳруҳияга олиб кетинг дея бошимни қотиришди. Ахир, бу ерда Самарқанддагидек ўқий олмайдилар-ку. Хайрият жонимга амирзода Улўғбек оро кирдилар. Менинг изнимсиз ҳеч бир ерга кетмайсизлар дедилар қатъий оҳангда.

– Хотирингиз жам бўлсин. Улардан хабар олиб тураман. Бироқ мен ҳам эрта-индин сизнинг ортингиздан йўлга тушадиганга ўхшайман. Сиз истамаган уруш йўлига чиқамиз шекилли, амирим, – деди Туркаш шивирлаган сасда.

– Биз жаҳонгирлик кўпкарисида улоқни чортоққа ташлаб

Нурали ҚОБУЛ

ўрганиб қолдик. Кўзимиз очиқ эркан, бу аҳди-паймонимиз, жидду жаҳдимиздан қайтмаймиз, Туркашбек. Қолаверса, чин подшоҳининг мактубини ўқидим. Тилига келган номаъқул сўзларни ёзган. Фақат Султон Йилдириш Боязид каби ҳақорат этмаган. Биласиз, устоз жону молдан кечадики, бундай беписандликларни кечирмайдилар. Шунинг учун бу масалани муҳокама этмоғимизда бир маъно йўқ. Бутун сарой қарши тушса ҳам худди Дамашқ фатҳидаги каби улуғ хоқон кимсанинг сўзини инобатга олмайдилар. Ўшанда амирларнинг сўзларига кириб, илгариламаганимизда Шому Дамашқ фатҳи ҳам, Миср таслими ҳам амалга ошмаган бўлур эди. Усмонлиларга қарши савашимиз тарихий хатолиғ ўлса-да, бу фатҳу-зафарни ҳеч ким тарих саҳифаларидан ўчира олмайди. Анқара жанги хусусида ҳам устоз ҳақ, мен ноҳақ бўлиб чиқдим. Шу туфайли чин юриши бобида оғиз очиб бирор нима демаган бўлсак-да, ер тагида илон қимирласа биладиган устоз, туриш-турмушимдан фикри-зикримни англадилар. Мен ҳам изоҳ бериб ёхуд ўзимни оқлаб ўтирмадим.

Тахтиравон Кўксаройга етиб келган эди. Тахтиравонни таъқиб этиб келаётган амирлар Шоҳ Малик билан Шайх Нуриддин хоқон ортидан саройга кирдилар.

– Улуғ хоқон мени сўратмадилар. Сизни кузатиб кўйсин дея ўйлаган бўлсалар керак, – деди Алп Туркаш отини жиловдорга тутар экан. – Келинг, ўтириб бироз суҳбатлашайлик. Бу жангу жадалимиз нима билан тугайди? Умуман, бу юришда маъно борми? Шунчалик чексиз ҳудудларни зўрға эплаётган бўлсак? – ҳаяжонланганча устма-уст савол ёғдирди Туркаш улар четроққа чиқишаркан.

– Сўйладим-ку, дўстим. Жаҳонгирлик биз учун роҳатбахш хасталикка айланди. Энди бу ҳузурбахш лаззатсиз яшамокни тасавур эта олмаймиз. Бу йўл ва муҳодалада орқага қайтиш йўқ. Шул боис беҳуда фурсат

сарфлаб муҳокама этмоғимиз ҳам мантиқсиздир, – жавоб қилди амир бу мавзуда қўнишмоқни истамай.

– Гапингизга қўшиламан, дўстим. Бироқ бу юриш ҳам Ҳиндистон фатҳи каби ҳеч бир натижасиз тугайди деган ўйдаман. Бирор мақсадга эришилмаган фатҳнинг не кераги бор? Ҳеч ким оғиз очиб улуғ хоқонга бирор нима дея олмайди. Бироқ кўпчилик бу юришга қарши. Етти йиллик сафардан абжағи чиқиб келган амиру қўмондонлар суворийу пиёдалар жонларидан безганлар. Бунинг устига бу қиш ҳавосида йўл юрмоқнинг ўзи бўлмайди, дўстим, – қўйиб-пишарди Алп Туркаш.

– Ҳақсиз, бирордар. Бироқ замбаракка ўқ солинган. Энди уни ҳеч ким, ололмайди. Эътибор берган бўлсангиз, мулозимларнинг кўзи бизда. Мен тезроқ йўлга чиқайин. Одамларим Қорадарёнинг бўйида кутадиغان эдилар. Беклатиб қўйманг. Оллоҳга омонат бўлинг! Кўнглим сезиб турибди. Тез кунда кўришсак керак. Ашпарага кетарда Шохруҳияга кириб ўтарсиз.

Икки дўст бир-бирларини бағрига босиб хайрлашдилар.

Амир Боботурк отини ушлаб турган шогирди Эртўғрул Турон томон юрди. Доимо шундай бўлади. Самарқанд йўлига чиқаркан, ота бошкентга яқинлашар экан, қалби эзгу туйғуларга тўлиб-тошар, кўнгли Туркистон тизмалари каби юксалиб, юраги ҳаприқади. Бу қадрдон шаҳардан чиқиши, узоқлашиши билан ана шу илоҳий туйғулар вужудини тарк этгандай бўлади. Руҳи тушиб, қалби бўшаб қолгандай туюлади.

Айни дамда шу аҳволда эди. Аъзойи бадани бўшашиб, оёғини аранг кўтариб босарди. Ич-ичидан тўлиб-тошиб келаётган йиғи бўғзига тикилиб, тилига калима келмай, бошини қўйи эгганча самани жilовини бўш қўйиб борарди.

Амирнинг ҳақирона аҳволи руҳиясини кўрган ва таъсирланган Эртўғрул Турон ҳам минг бир хаёл оғушида,

Нурали ҚОБУЛ

дабдурустдан устозининг Шоҳруҳия йўлига чиққанини англаб-англамай орқароқда келарди.

— Ниҳоят, фикри тўхтамга келган амир ўгрилиб ортга қаради. Шогирди отини ниқтаб етиб келди.

— Сен Қорадарё бўйига бориб, йигитлар билан бирга бўлиб тургин. Мен элчилар қароргоҳига бориб, меҳмонлар билан хайрлашаман-да, етиб бораман. Кечиксам, қозон қайнатиб, еб-ичиб ўтиришсин.

Амир шундай деб оти жиловини Миср, Рум ва Кастилия элчилари тўпланишиб жўнаб кетиши керак бўлган боғ томон бурди. Оти жиловини тунқатор¹ лардан бирига узатиб бино томон юраркан, тош йўлакда сайр этиб юрган амирлар Шайх Рамазон билан Темуртошга кўзи тушиб улар томон бурилди.

— Қадамларига ҳасанот! Сизни кўрмай кетиб қоламизми деган ташвишда эдик, амир жаноблари! — деди уни кучоқ очиб қаршилар экан амир Шайх Рамазон.

— Ия, ўзларига йўл бўлсин? Амир Темуртош жанобларининг юртга қайтмоқларидин хабардор эрдик. Бироқ ўзларида бундай режа йўқ эди, чамамда? — ҳайрон бўлиб сўради амир Боботурк.

— Кеча кеча, бугун бугун. Эрта эртадур, муҳтарам амирим. Ота юрту она ватан бошкентини кўрмоқ ва муқаддас тупроғини кўзга тўтиё этмоқ насиб этди. Оллоҳга минг бора шукрлар бўлсин! Улуғ хоқон зоти олийларидан бир қошиқ қонимдан кечароқ қайтмоққа рухсат этишларини сўрадим. Раъйимни қайтармай рози бўлдилар. Яратган ул улуғ ва шарафли шахсиятдан рози бўлсин! Изн бермаганларида қолар эдим. Боиси, сўз бергандим. Қолаверса, Султон Соҳибқирон ғоят оғир ва масъулиятли сафар олдидалар. Юртимизда ҳам шахзодалар ўртасида қирпичоқ савашши

¹Тунқатор – Подшоҳ ва меҳмонларини одан тушириб отга миндирувчи хизматкор.

бошланибди. Бориб имкон қадар сулҳу амният ишига кўмак этмоғимиз лозим кўринади. Бизни тушундилар, – дея вазиятни англатди амир Шайх Рамазон.

– Ҳа, катта юриш олдидамиз. Бутун ўлка ва қўшин бунга сафарбар этилди, – деди амир Боботурк меҳмонлар билан кўшк томон юраркан.

– Улуғ хоқон зоти олийларининг журъату жасоратларига қойил қолмай илож йўқ кишининг! Шу ёшда, шундай юрак ва матонат билан Чин сари юрмоқ! Киши ақлига сиғиши қийин! Буюклик ва мангулик орасидаги тенгсиз шахсиятлар доимо ана шундай одамлар идрокига сиғмаган ва уларни ҳайратга солган ишларга қўл урадилар! – сафардан ҳайратда эди амир Рамазон.

– Мисрни Анқарада туриб таслим этган жаҳонгир Чинни ҳам Ҳиндистон каби кўз очиб-юмгунча фатҳ этсалар керак! – гапга қўшилди амир Темуртош.

– Ҳамма гап қиш об-ҳавоси шартларида кўзланган манзилга эсон-омон етиб олишда. Акс ҳолда, саратоннинг қоқ чилласида Анқарага етиб келгунга қадар жони ҳалқумига келган усмонли ўрдуси ҳолига тушиб қолмоқ ҳеч гап эмас. Бир иқлим билимдонининг сўйлашича, бу мавсум ҳар ўн икки йилда бир такрорланиши мумкин бўлган қаттиқ қиш йили эмиш. Агар шундай бўлса қўшин чарчаб қолади, – деди амир Боботурк кўшк айвонидаги курсига бориб ўтиришар экан. – Мен сиз – азиз қардошларим ила хайрлашмоқ учун келдим. Шоҳруҳия шаҳрининг даруғаси ўлароқ Сайхун соҳили томон кетмоқдаман. Оллоҳ жонга омон берса, ўша ерда бўламан. Хабарлашиб турайлик. Тожу тахт, мулку давлат ташвишларидан насиб этиб бир кун озод бўлсам, она ватаним Ўсмадда яшайман. Ва ҳар доим сиз муҳтарам қондошу қардошларимдан мужда беклайман.

– Биз ҳам, – деди амир Шайх Рамазон ғамгин оҳангда. – Дийдор қиёматга қолмаса, иншоолло, кўришурмиз.

Нурали ҚОБУЛ

– Иншооллоҳ! – деди амир Темуртош.

– Биз давлатпаноҳ Темурбек билан кўришимиз керак! – дея ўз тилида баланд овозда гапирарди кастилиялик меҳмонлардан бири амир Боботуркга кўзи тушгач. – Улуғ хоқоннинг жавоб мактубисиз олампаноҳ қиролимиз ҳузурига қандай борамиз?

Шайх Рамазон ва амир Темуртош билан қучоқлашиб хайрлашган Боботурк тўполон қилаётган элчилар томон юрди. Қози Хўжа Муҳаммад таскин бериб овутмоқчи бўлар, бироқ улар баттар овозларини баландлатарди. Бу хархашадан хайрон бўлган амир Боботурк усмонли амирлари билан шоша-пиша хайр-хўшлашиб, бақириб-чақирившаётган испан элчилари қароргоҳи томон юрди. Испан элчилари амир Боботуркнинг ташрифидан хабар топиб, дардларини айтмоқчи бўлаётган, Хўжа Муҳаммад уларга амирни чақириб келишини айтиб тинчлантирмоқчи бўларди.

Турон бегининг ўзлари томон келаётганини кўрган кўноқлар гап-сўзни тўхтатишди.

– Хабарингиз бўлганидек, улуғ хоқон зоти олийлари пайшанба кунги қабулларида барча мамлакатларнинг элчиларига кетмоққа рухсат этдилар. Жумладан, кастилияликларга ҳам. Бироқ булар икки кундан бери устма-уст тўрт маротаба хоқон қароргоҳига бориб, қабул қилишларини ва қиролларининг мактубларига жавоб олмасдан кетмасликларини айтиб туриб олдилар. Орада ғавғо кўтарилиб, жанжалу тўполон чиқди. Рухсатсиз бораверганидан аччиғи чиққан мулозимлар булар учун мутасадди бўлган шиқовул вакилини нега олиб келдинг дея бурнидан ип ўтказиб жазоламоқчи бўлибдилар. Буларни кўрмаганлигини, бу ерга келишларидан хабарсиз эканлигини аранг исботлаб, жазодан зўрға қутулиб қолибди бояқиш. Бироқ нега элчилардан хабар олмай ўз ҳолига ташлаб қўйдинг дея ўлгудек қалтаклашибди. Шоқул шиқовул саройдан таклиф бўлма-

гунча қароргоҳдан жилмай ўтиришни тайинлаб жўнатиб юборгандан бери кўчага чиқолмай ўтиришибди. Ҳозир Туман ўғлон келиб, сўнги амрни элчиларга етказди. Бироқ ҳамон улар мактубга жавоб олиб кетишимиз керак дея тихирлик қилмоқдалар. Бўлган гап шу. Не қиларимизни билолмай бошимиз қотди, – вазиятни англатди Хўжа Муҳаммад.

– Сўнги амр қандай? – Туман ўғлонга юзланди амир Боботурк.

– Эрта эрталабдан бошлаб барча элчилар сафар тадоригини кўриб, бошкентдан жўнаб кетишлари керак. Мен уларни Табризгача кузатиб бориш учун салтанат вакили ўлароқ тайин этилдим. Табризгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларда Миср, Рум ва Кастилия элчиларини озиқ-овқат, от-улов билан таъминлаш ҳақида қўлимда улуғ ҳоқон ёрлиғи бор. Барча элчиларни Табризда амирзода Умар Мирзо Мироншоҳ ўғли қабул этиб, юрт-юртларига кузатишлари ёрликда қайд этилган, – дея қўйнидан қоғозни чиқариб кўрсатди Туман ўғлон.

– Биз давлатпаноҳ қиролимиз мактубларига жавоб олиб кетишимиз керак. Акс ҳолда ўз зиммамизга юкланган вазифани сўнгига қадар бажармаган бўламиз! – деди Руи Гонзалес яна овозини баландлатиб.

– Элчининг гапида жон бор. Икки энлик бўлса-да, жавоб мактуби олмоқ мумкин. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? – деди амир ҳайрон бўлиб Туман ўғлонга қараркан.

– Мулозимлар ҳеч кимни хоқон яқинига йўлатмаётирлар, мактубни ҳам ёзиб бермаётирлар, – деди Хўжа Муҳаммад хуноб бўлиб.

– Саройга борганлари билан яна шу жавобни оладилар. Ортиқча дилхираликка лузум йўқ. Барча элчиларнинг жўнашларига энг олий даражада амр бўлган. Буни муҳокама этиб ўтиришимиз ҳам ортиқча, амир жансблари, – деди салтанат вакили Туман ўғлон куйиниб. -- Бу-

Нурали ҚОБУЛ

лар ҳозир яна саройга борсалар, нега юбординг дея менинг бошим балога қолади. Сиз тушунтиринг, амирим.

– Мен бугундан эътиборан Шоҳруҳия шаҳрининг даруғасиман, Туманбек. Бирор-бир-ишга аралашиб, ҳал этмоққа илгариги қадар ваколатим йўқ. Бироқ элчилар жавоб мактуби талаб этмоққа ҳақлидирлар. Сиз огоҳлантирдингиз. Булар бормоқчи бўлсалар борсинлар. Сиз қароргоҳда қолинг. Сўнг бора мурожаат этиб кўрсинлар. Хоқон ҳазратларининг бу гап-сўзлардан хабарлари йўқдир балки, – маслаҳат берган бўлди амир боши қотиб.

Амир Боботуркнинг гапидан руҳланган элчилар яна Кўк-саройга қараб жўнадилар.

Боботурк эса Туман ўғлон билан бироз суҳбатлашиб турди-да, Қорадарё томон юрди.

Элчиларни сарой дарвозасида Шоқул шиқовулнинг одамлари қаршилади. Кўп ўтмай улар олдига шиқовулнинг ўзи етиб келди.

– Сен бу одамларга ўз тилларида яхшилаб англат. Уларга кетмоққа изн берилган. Қўлларига жавоб мактуби тутқазилиши керак бўлганида биз айтар эдик. Мабодо шундай мактуб битилса, кетларидан чопар орқали етказамиз. Улуғ хоқон зоти олийларининг ўзлари амр этмасалар, кимса ул кишимга элчиларга мактуб ёзиб беришингиз керак экан, дея ҳузурларига кириб сўйлай олмайди. Гапни тушунасанларми ўзи? Кийимингиз, туриш-турмушинг думи кесилган товукқа ўхшаб бошимизни қотирдиларинг-ку! Қани энди жўнанглар! Мана бу ёрлик эса сизлар ўтадиган тўртта шаҳарда ҳар бирингизга биттадан тўртта от бериш ҳақидадир. Бобил (Миср) элчиларини кузатиб кетадиган қоровуллар сизларни ҳам кўриқлаб борадилар. Шулар билан бирга тезроқ кетиб олинглар! – қош-қовоғини уйганча бидиллаб гапирарди Шоқул шиқовул. – Туман ўғлонга тайинланган. Барча элчилар бирга жўнангиз. Ҳар бирингизга айрича йўлбошловчи ва кўрима таъсис этилмайди.

Усмонли, Миср ва Испания элчилари ўн биринчи ойнинг йигирма биринчи куни Самарқанддан жўнаб кетдилар.

Эрта тушган қиш борлиқни ўз забтига олган, қароргоҳ боғчилари шохига қўнган қор музлаб эгиб қўйган арча ва шамшод оғочларини оҳиста уриб туширишар, тоғ тарафдан учиб келаётган қарғалар галаси боғ энди ўзларига тегишли эканлигини таъкидлагандек, ғўдайганча лапанглашар, кулоқни қоматга келтириб қағиллашарди.

Бошкентда бошланаётган қаҳратон қиш ва эълон этилган урушнинг совуқ шарпаси кезар, қирқ кеча-кундуз давом этган тўю тантаналар гўеки бўлиб ўтмагандек эди.

Хаёл сурганча Қорадарё томон кетаётган амир Боботуркнинг ортида ҳачир ва эшак минган икки киши гурунглашиб келарди.

– Одамларнинг айтишича, етти пуштимиз кўрмаган экан бундай тўю томошаларни. Шунча кун усиз ҳам қорни тўқ аслзодаларни едириб-ичиравермай халққа берса бўлмасмикан шу бойликни? – дер эди эшак минган киши.

– Халққа берсанг ҳам томоғидан ўтади-кетади. Ундан кўра қурилаётган мачитга ўхшаган улкан иншоотларни тиклаш керак. Шулар қолади, – эътироз билдирарди хачирли йўловчи. – Етти пуштни айтасан, ўн етти пуштимиз ҳам кўрмаган бундай дабдабани.

– Бунинг ҳаммаси ошиб-тошиб кетганликдан, биродар. Кимга кераги бор бу ҳаддан зиёда ҳашамат, дабдабаю асъасанинг.

– Бу тўкингарчилигу меъёрдан ортиқ сарфи харажати-нинг ҳам ҳисоб-китоби, ажри бор. Бир тўлганлар бир тўкилади, биродар.

– Ҳа, шундай. Вақти соати етиб азизлар хор, хорлар азиз бўлади.

– Тўғри, азизликда хор бўлганлигини унутганлар, яна қайтиб хор бўладилар.

Нурали ҚОБУЛ

– Шундай, биродар, худо қилганда ўттиз, боши юмалоқ, бути айрининг ўзи тўққиз қилиб, ит қувган гадойдек бўлиб қолаверади...

Амир хачирли ва эшакли йўловчилар суҳбатининг давоми-ни эшитолмай қолди. Қорадарё соҳилига, уни кутиб, Шоҳруҳия йўлини кўзлаб турган одамлари ёнига етиб келган эди.

Ўзани кичрайиб қолган тиниқ дарё сокин оқар, ўлжа илинжида соҳил бўйлаб учаётган, қумлоқни чўқиляётган қушлар ер юзидаги барча жонзодлар каби тирикчилик ташвишида қуйиб-пишарди.

Амир Боботурк узангисидаги йигитлар сафарга шай бўлиб, бекни беклашарди. От устида бироз эт ва экмак еган амир тўхтамай юражакларини, қичаб юрсалар шомдан ўтганда Тошлоқ наҳри бўйидаги Қорақишлоқ манзилига етиб боришларини айтди.

Улар шитоб-ла йўлга тушдилар. Шу пайт орқа томондан бир суворийнинг оти бошини қўйиб чоптириб келаётгани кўринди. Бек ва йўлдошлари тўхташди.

От чоптириб келаётган юзбоши Ражаб Турдиқора эди.

– Энди орзу этганимиз амир жаноблари хизматларига етганимизда бизни ташлаб кетаверар экансиз-да! – деди у отдан сакраб тушиб таъзим этаркан.

– Сиз, барчамиз орзу этганимиз, салтанат юлдузи амирзодамиз хизматларига етишдингиз! Энди биз сизга ҳавас қиламиз! – деди амир Боботурк кулиб.

– Амирзода Улуғбек зоти олийлари сиздан хафа бўлиб, хайр-хўшлашмоқ учун ортингиздан от қўйиб келмоқдалар! Амирзодамиздан етган манзилимда сизни тўхтатиб турмоқ амрини олганман! – нафаси бўғзига тикилиб сўзларди юзбоши.

Амир ва йигитлари Боғишимол этагидаги эски кўрғонга етиб келган эдилар. Бир коса қимиз ичгулик муддат ўтар-ўтмас амирзода Улуғбек узанги йўлдош дўстлари билан етиб келишди.

– Бобоҳусайн сўйламаса кетишингизни ҳам билмас эдик! Меҳр-оқибат ҳам шунчалик экан-да, Боботурк аво! – деди амирзода бек билан қучоқлашиб кўришар экан. – Хайр-хўшлашмасликка имкон беражак янглиш ишлар қилмаган эрдик! Нечун бу қадар ими-жимиди иш битирмоқдасиз! – ҳамон норози оҳангда гапирарди амирзода.

– Биласиз, Султон Соҳибқирон сўзлари амри вожиб! Мен улуғ устознинг садоқатли қуллари ўлароқ сиз – азиз амирзодамнинг хизматларида муқимман! – хижолатомуз оҳангда жавоб қилди амир.

– Сиз-ла хайрлашмоқ ва сизни йўлчи этмоқ учун ортингиздан от қўйдик. Сизни сўнг манзилингиз, қиблагоҳимиз исми шарифлари ила шарафланган Шохруҳия шаҳригача кузатиб борсак-да, қарзимиздан қутула олмаймиз ва шу манзилда бағримизга босиб, Оллоҳга омонат этамиз! – деди амирзода яна бекни бағрига босаркан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди амир не дегани билмай хижолатдан қизариб.

– Сиз чиллалик куёв бўлсангиз. Роҳатсиз этмадим, амирзодам. Қусурга боқманг!

– Оллоҳ йўлингизни берсин! Сезишимча, ҳадемай кўришиб қолсак керак! – деди амирзода Боботуркга маъноли тикилиб.

– Иншооллоҳ! Кўришурмиз! Сиз ҳам Оллоҳга омонат бўлинг, амирзодам! – деди бек Мирзо Улуғбекнинг бу қадар меҳр-оқибатли, кўнгил одами эканлигидан мутаассир бўлиб уни ҳамон бағрига босиб тураркан.

– Буюк бобом ҳазрати олийларининг барча амри фармонлари бошимизу кўзимиз устида, амир аво! Бироқ назаримда, сафар бевақтга ўхшагандек. Кўча-кўйда халойиқ орасида ҳам шу гапни эшитдим. Сизлар ҳам бобом ҳазратларига бунга айта олмайсиз-да-а? – амирга беғубор, самимий кўзларини тикди амирзода. – Илк баҳордан йўлга чиқилса ҳам бўлар эди дейишмоқда.

Нурали ҚОБУЛ

– Бу гап сизу биздан чиқмаслиги керак, амирзодам. Улуғ бобонгиз, устозимизнинг бир билган режалари борким, бул қарорни бердилар. Фармони олийлар муҳокама этилмайди. Бажарилади. Каттаю кичик барчамиз бу амри фармонга уймоқ мажбуриятидамиз. Қолаверса, устознинг сиҳат-саломатликлари ҳам илгаригидек эмас, сал нарсадан хафа бўлиб, кўнгиллари оғриб қолади.

– Англадим, Боботурк аво! Бобоҳасан билан Бобоҳусайдан хавотир олманг! Уларга ўзим акалик қиламан! Биласизми, Бобоҳусайн менга нима деди!

– Не деди? – ҳайрон бўлиб сўради амир.

– Мен ҳам атам каби сизнинг амирингиз бўламан деди. Мен унга сен бугундан бошлаб менинг амиримсан. Шундай экан, оддий талабалар бир соат мутолаа қилса, амирлар икки соат китоб ўқимоқлари керак, дедим. Хуллас, салтанатимизнинг энг кичик амири Бобоҳусайн астойдил ўқишга киришиб, ўзини ҳарб санъатини эгаллашга ҳам чин дилдан ҳозирламоқда. У ҳам Қиблагоҳи каби салтанатимиздаги энг ёш амир бўлди, мошоллоҳ.

– Устоз кешдан олиб келган икки талаба Абдурахим билан Бобоёрни ҳам ўз назоратингизга олсангиз, амирзодам. Ҳазрат устоз уларни сиз ила бизга ишониб келтирганлар. Дуоларим сизлар-ла. Барчангиз яратгандан туя сўрангизким, бия берсин! Авлодларимни сиз улуғ амирзодамга, сизни эса худога топширдим! Оллоҳ барчангизнинг ёру ёрдмингиз бўлсин! – овози титраб кетди амирнинг.

Бек ва амирзода хайрлашиб улгурмаган эдилар. Улар томон яна икки киши от чоптириб келарди.

– Ие, Шоҳи Қаландар билан Масти Қаландар-ку, – деди амирзода Улуғбек хайронлик-ла боқаркан. – Ана кўрдингизми, мен каби барча сизнинг ортингиздан чопмоқда, устоз.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди бек хижолат чекиб.

Ўттиз қадамча қолганда қаландарлар отдан тушдилар. Амирзоданинг навкарлари отлар жиловидан тутишди. Улар юкуниб келиб, амирзодага таъзим бажо этдилар.

Мирзо Улуғбек шоирлар билан кучоқлашиб кўришди.

– Хў-ўш, мухтарам амир жаноблари ортидан бу қадар жадал от қўймоқдин муддао недир? – сўради амирзода икки дарвешга бошдан оёқ боқаркан.

– Азиз амиримиз ва дўстимиз ила хайрлашмоқ, амирзодам! – жавоб қилди Шоҳи Қаландар кўлини кўксига босиб.

– Нигоҳингизнинг тубига боққан киши фақат видолашмоқ учун келмаганингизни ҳам англаши мумкин, – деди зийрак амирзода маъноли табассум-ла.

– Қалбимдаги оғриқни қўзғаб юбордингиз, амирзодам. Бош маликамиз Сароймулкхоним сизнинг никоҳингиз муносабати билан тўй-томоша берган кунлари улуғ хоқон зоти олийлари мени усмонли амирларига таништириб, истасам улар билан бирга кетиб, Мавлоно Румий ва Ҳофиз ҳазратлари турбаларини зиёрат қилиб келишимни айтдилар. Рози бўлгандим. Бироқ кечалари уйқум қочадиган бўлиб қолди. Она шахрим Самарқандни, ватанимни ташлаб кетишни эсласам ичимдан тўлиб-тошиб йиғи келаверди. Ўйлаб кўрсам, бу иш қўлимдан келмас экан. Ёш бир манзилни қоралаб қолгандан кейин ватани тарк этмоқ қийин бўларкан, амирзодам. Шу орада амир жанобларининг Шоҳруҳияга кетажакларини эшитиб қолдим. Меҳр қўйганим шу инсон ортидан ҳеч бўлма-са Сирдарё соҳилига, Шоҳруҳияга бораин дедим. Бир қошиқ қонимдан кечинг, улуғ амирзодам! Табиийки, амир жаноблари мен бечорани олиб кетсалар!

– Ҳақиқий шоиру ёзар она ватанини тарк этиб кетолмайди! – деди амир Боботурк Шоҳи Қаландарнинг сўзларидан таъсирланиб.

– Шоҳи Самарқанд ўзининг тимсоли Шоҳи Қаландарсиз

Нурали ҚОБУЛ

қандай яшайди? Наҳотки, буни ўйлаб кўрмадингиз? – ҳазиллашди амирзода.

– Ўрнимга Масти Қаландарни қолдириб кетмоқдаман, амирзодам. Шогирд устоздан ўзибди дегандек, у мендан ўтса ўтадики, бўш келмайди.

– Демак, турум маълум. Бироқ қаландарлар султонининг кетмоққа отлари борми? – сўради амирзода. – Миниб келган отлар ўзингизникими?

– Бизда от қайда, улуғ амирзодам? От нари турсин, яхшилаб силкиласангиз бит ҳам тўкилмайди. Амир жанобларининг навкарларига мингашиб-нетиб етиб оларман. Қолаверса, дарвешу, қаландар қавми удумига кўра биз доимо пиёда юришимиз керак. Отларни Масти Қаландар Қорадарё бўйидаги йилқичилардан тилаб олди. Қайтариб элтиб беради.

– Яхши. Масала равшан. Унда биз сизга бир от ҳадя қиламиз. Улуғ бобомиз бўлганларида албатта тўққизта тулпор тақдим этган бўлур эдилар. Бизникини оз бўлсада, кўп ўрнига кўрасиз, – деди амирзода. – Менинг иккинчи отим Олайўргани келтиринг! – буюрди юзбоши Ражаб Турдиқорага.

– Мен девонайи дарвешни эчкиллатманг, амирзодам! Фарибона ҳаётга олишган одам шоҳона ҳаётни ҳазм эта олмайди! – ўзини ноқулай сезарди Шоҳи Қаландар.

– Бек берганда бетига келмай олаверинг, устоз! – деди Масти Қаландар хурсанд бўлиб.

– Бизга бек эрмас, олийзот шаҳзода бермоқдалар. Бу лутфу карам учун ташаккур, амирзодам. Мудом, улуғ Турон салтанати осмонидаги энг ёрқин юлдуз бўлиб ярқираб туринг! Кул олсангиз кумуш, тупроқ олсангиз олтин, сочганингиз гавҳар бўлсин! – дуо қилди қаландар. – Бундан сўнг ҳақиқий дунё топган гадойга айландим, амирзодам. Улуғ хоқон зоти олийлари ҳадя этган ақчаларни дарвешлар

ила пойлашардик. Сиз туҳфа этган бу асл зотли тулпорни кўз қорачиғимдек асрайман. Дарвешлар султонлигини ҳам Масти Қаландарга топширишга тўғри келади. Отни от, очни оч асрайди дегандай, шу пайтгача Масти Қаландар иккимиз бир-биримизни асраб келдик, энди сиз берган тулпорни асрайман, амирзодам. Бироқ бу отни асрамоқ учун ҳам яна битта от керак бўлади, – деди ҳазиллашиб Шоҳи Қаландар кулиб.

– Бир от биздан! Кўнгилни бўлманг! Отга қаранг отга, Қаландербек! Сағрисининг ялтирашига боқинг! От сағридан, қўй бағридан дегандек, айғирнинг тулпорини олдингиз! Зотан, қаландарлар султони шундай от минмоғи керак! Оллоҳ рози бўлсин шавкатли амирзодамиздан! – дуо қилди амир Боботурк.

– Оллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти узарингизда бўлсин! – устозига кўрсатилган эътибордан мамнун эди Масти Қаландар.

– Ҳадямиз устоз Шоҳи Қаландарга ҳалол ўлсун! Энди бир юмушимиз қолди, муҳтарам амир жаноблари, – деди амирзода Боботуркга қараб.

– Буюринг, улуғ амирзодам. Ҳар неки хизматингизга ҳозирмиз, – деди амир бош эгиб.

– Сиз Шоҳи Қаландар устознинг битикларини эшитиб Шоҳруҳия томон йўлга тушасиз. Биз эса Масти Қаландарнинг тўртликларини тинглаб, бошкентга қайтамиз.

– Оллоҳ сиздан абадул-абад рози бўлсин, улуғ амирзодам! Эътиборингиздан бошим кўкларга етди! – деди Боботурк яна амирзодани бағрига босаркан. – Умид ҳам шунчалик! Биздан қайтмаса авлодлардан, Оллоҳдан қайтсин!

Амир яна биров қўнишса йиғлаб юборар эди.

Шоҳруҳия йўлчиларининг қораси кўринмай кетгунча кузатиб турган амирзода ёнига Масти Қаландарни олиб кун юриш томондаги қаровсиз қўрғонни кўздан кечирарди.

Нурали ҚОБУЛ

– Усталарни юбориб, таъмирлатиш керак экан, – деди ердан кошин парчасини олиб кўчиб тушган жойига қўйиб кўраркан. – Қорахонийлар салтанат даврининг иншоотига ўхшайди. Эртагаёқ меъморларни жўнатамиз. Истасангиз, уларни бу ерга сиз олиб келиб, бошчилик қилинг, – Масти Қаландарга қаради амирзода.

– Амрлари бошимиз устидадир! – жавоб қилди Масти Қаландар.

– Энди сизнинг битикларингизни эшитиб, шаҳарга қайтамиз, – деди амирзода Улуғбек навкарларга уловларини келтиришни имо этаркан. – Қани марҳамат, бошланг, – деди отига миниб жilовини қўлига оларкан.

– Яқинда қўлимга “Ходоиқ ас-сеҳр” китоби тушиб қолди, амирзодам. Китобда ўз ҳукмдор оталарини маҳв этган падаркушлар сосоний ҳукмдори шеруя ва халифа Мунтасирлар ҳақида битилган экан. Шул даҳшатли фожиа таъсирида бир неча тўртлик битдим. Рухсатлари ила шуни ўқиб берсам.

– Ўқинг, ўқинг, – деди амирзода қаландарни диққат-латингларкан.

Масти Қаландар оти жilовини оҳангга мос силкитганча шеър ўқий бошлади:

Отаси кимлигин билмаган болам,
Кўзининг намлигин билмаган болам.
Бошининг хамлигин билмаган болам,
Дамларнинг дамлигин билмаган болам.

Хоинлар даргоҳимда улғайдилар,
Садоқатдан оҳ чекиб, чулғадилар.
Оёқ тойгач, шарафим булғадилар,
Жисму жоним қиймалаб, тўлғадилар.

Тахтки, сенга жонимни берар эдим.
Қисматимда не ўлса кўрар эдим.
Насибам қайда бўлса терар эдим,
Жон таслимин Ўзидан сўрар эдим.

Жонингга бир жонинг эл экан, эй воҳ,
Танангга бир тананг эл экан, эй воҳ.
Дунёда бир онанг эл экан, эй воҳ,
Авлод ношуд, қонинг ел экан, эй воҳ.

Ота қарғишини олмоқ ёмондир,
Абадий лаънатга қолмоқ ёмондир.
Падарнинг азлида кулмоқ ёмондир,
Бўйинга дор ипин солмоқ ёмондир.

Масти Қаландарнинг битигидан таъсирланган Мирзо Улуғбек ўйга толганча оти жиловини бўш қўйиб кетиб борарди.

– Жуда оғир сатрлар, – деди анчадан сўнг ғамгин, шикаста оҳангда. – Бу ёруғ дунёда кимсанинг бошига солмасин бундай фожиани. Битикларингиздан кўриниб турибдики, қасида ёхуд дoston каби катта бир асарга ўхшайдир.

– Шундайдир, шавкатли амирзодам. Сизни толиқтирмайин дея кўп ўқимадим, – жавоб қилди қаландар.

– Замон-замон ҳузуримга Чорлайман. Келиб ўқиб бера-сиз. Мадрасамизга ташриф буюриб, талабаларимизга ҳам ўқинг. Улар билан дунёвий ишлар хусусида суҳбатлашинг. Фақат диний илмлардан баҳраманд бўлган ўқувчилардан буюк, закosi оламни қамрагувчи фозилу олимлар етишиб чиқмайди. Сизга ҳам маош тайин этамиз, – бу учрашувдан мамнун эди амирзода.

УН ТҮРТИНЧИ БОБ

*Кимки агар муҳаббатга ҳам,
дўстликка ҳам интилмаган бўл-
са, у муҳаббатидан, дўстларидан
айрилган одамдан кўра минг бир
қашшоқроқдир.*

Ибн Сино

Кўксаройга кирган улуғ хоқон қасрнинг кўк мрамар билан қопланган деворларига, чинни кошинли нақшинкор шифтига боқароқ Кўктош турган буюк солин томон борарди. Ўйга толганча Кўктош четида бироз ўтирди. Бир коса сув ичди.

– Қўрхонага тушайлик. Яроғ-аслаҳанинг аҳволини бир кўрайлик, – деди хоқон қаршисида турган амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик ва Бурундиққа қараб ўрнидан кўзгалар экан.

Кўксаройнинг чексиз ярим ертўлаларида салтанатнинг бош хазинаси, қурол-яроғ устахонаси ва омбори – қўрхона жойлашган эди. Хос қўриқчили зиндонларда эса давлат ва мамлакат учун хавфли жиноятчилар сақланар ва қатл этиларди.

Қўрхона қилич ва ханжар устахоналаридан бошланар, шу тариқа найза ва ўқ, камон, совут, жиға, тўра, зирех, хафтон, табарзин ва барчустивон устахоналари ёнма-ён жойлашган эди.

Хоқон ўзига хос қилич, пичоқ ва ханжар ясовчи уста Абдулмўмин билан гаплашиб қолди.

– Ишчиларнинг емак-ичмаги, туриш-турмуши қалай? – сўради хоқон эски қадрдони қўйган курсига ўтирар экан.

– Маҳаллий уста ва ишчиларимизнинг ишлари дуруст, – деди устабоши эгнидаги теридан қилинган ишчи кийимини

ечиб хоқон олдида қўл қовуштириб тураркан. – Бироқ шу ерда ётиб қоладиган ҳарбий асирларга бироз ёрдамнингиз керак бўлади, зоти олийлари?

– Не қўнуда? – сўради хоқон устахона деворига осифлиқ қилич ва ханжарларни кузатар экан.

– Уларга емак-ичмақдан қарашиб, очиқ ҳавода кўпроқ бўлишларига изн бермоқ лозим деган фикрдамиз. Зоти олийларининг мени танишларини билишиб, олдимга келаверишади. Қўрхонага келмасангиз, остонангизга бош уриб бормоқчи эдим! Улар ҳам тангрининг яратиқлари. Меҳршафқатингиз нуридан баҳраманд бўлсинлар, улуғ хоқоним!

– Мен сизнинг ҳар бир гапингизга ишонаман, Абдулмўмин қардошим, тавсия ва маслаҳатларингизга қулоқ тутаман. Сўзлаган сўзингизни худди мен каби қўрхона вазири амир Бурундиқ ҳам икки қулоғи ила эшитиб турибди. Ўйлайманки, масалани бугуноқ ҳал этади. Юринг қани, ўша сиз айтган ҳарбий асирлар ёнига борайлик-чи. Уларнинг ҳам аҳволдан хабар олиб, кўнгилларини сўрайлик, – дея ўрнидан қўзғалди хоқон.

Улуғ хоқонни қаршиларида кўрган беш юз чоғли ҳарбий асир ҳайратга тушган эди.

– Ассалому алайкум, улуғ хоқон ҳазратлари!

– Тўйлар муборак бўлсин!

– Юборган тўй емакларини олдик! Қуллуқ!

– Мулки давлатингиз боқий бўлсин! – тилак билдиришди ҳарбий асирлар.

– Илтимосларингни уста Абдулмўмин менга айтди. Яна не истак ва тилакларингиз бор? – сўради хоқон турли миллат вакилларида иборат одамларга боқар экан.

– Лозим топсангиз биздан ҳам яхши хизмат қилганларни ўрдуга хизматга олсангиз демоқчи эдик, – деди улар орасидан илгари чиққан ҳиндубашара, гавдали киши.

– Маъқул. Оламиз! Амир Шайх Нуриддиннинг мулозим-

Нурали ҚОБУЛ

лари келиб сизлар билан суҳбатлашади. Хоҳиши борларни қўшинга олади. Қолаверса, қўрхонада узоқ ишлаб, ёши бир жойга бориб қолганларга йўл масрафларини бериб, юрт-юртларига кетмоққа ҳам изн берамиз.

– Эҳ, худога шукур! Оллоҳ рози бўлсин сиздан, улуғ хоқон! – деди армонли оҳангда оломон ичидан бир киши. – Юртимизга қайтар кун ҳам бор экан-а!

– Ким бу оҳ чеккан? Чақиринглар уни бу ёққа, – буюрди хоқон. – Кимсан ва қай юртдансан? – сўради қаршисига келган узун бўйли арабдан.

– Басрадан Ёсир Муҳаммад устаман, зоти олийлари. Кунни кеча пайғамбар ёшига тўлдим. Кечаси тушимда ҳазрати пайғамбаримизни кўрган эдим. У киши менга бир хачир ҳадя этдилар. Хачиру эшак – мурод. Нияту мақсадимга етиб, ўлкамга қайтишимга имон келтириб, сизни дуо қилиб турганимда келиб қолдингиз! Ана Оллоҳнинг каромати. Тушинг ўнганмай, ишинг ўнганмас деганлари тўғри экан.

– Сен ва сен каби ёши олтмишдан ошган барча кишилар бугундан эътиборан озод. Хоҳласаларинг, юртларингга кетинглар. Истасаларинг, Самарқандда қолиб яшанглар, – деди хоқон кўнгли ийиб.

– Қуллуқ, улуғ хоқон ҳазратлари. Бул мурувватингизнинг ажри Оллоҳдан қайтсин. Юриш муносабати билан бизга маълум миқдорда яроғ-аслаҳа яшаш амри берилган. Узоғи билан ўн-ўн беш кунда ишни битирамиз. Шундан сўнг мурувватингиздан баҳраманд бўламиз, – деди араб уста таъзим қилиб.

– Бул фидокорликларингиз учун ташаккур! – деди хоқон темирчилар билан хайрлашар экан. – Хизматларингиз тақдир этилажак.

Хоқон қўрхонани кўздан кечириб, ортга қайтди. Қурол-созлар ишидан кўнгли тўлган эди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Бугунга белгиланган яна не ишимиз қолди, амир жаноблари? – дея Шайх Нуриддинга қаради хоқон улар сарой даҳлизидан Кўктош турган қабулхона томон юришаркан.

– Дашти Қипчоқдан келган мусофирларимиз икки ҳафтадирки, қабулингизни бекламоқдалар. Бугунга, пешин намозидан сўнг чорланг дегандингиз, – хотирлатди амир.

– Маъқул. Бироз истироҳат этайлик. Сўнгра даъват эта билурсиз, Муҳтарам Бурундиқбек, – амир Бурундиққа юзланди улуғ хоқон. – Сиз эса бугундан бошлаб Шоҳруҳия, Тошкент, Саброн, Ясси ва Хўжандда тўпланган черикнинг умумий сони, суворийу пиёда, қурол-аслаҳаю озиқ-овқат захираларининг ҳисоб-китобини аниқлаб, менга маълум қилсангиз. Барча ишларингизни йиғиштириб қўйиб, шу юмуш ила машғул бўлинг ва ҳисобот ҳозир бўлгани он ҳузуримга етиб келинг. Оллоҳ ҳар ишда қулайлик берсин! – дея амир Бурундиққа кетмоққа рухсат этди.

Улуғ хоқон ва амир Шайх Нуриддин Кўктош турган муҳташам қабулхонага етиб келган, дастурхончи ва шарбатдор даҳлизда қўл қовуштирганча амр бекларди.

Улуғ амир мрамар шоҳсупага ўтиргач, шарбатчига қўл кўтарди. У анор, олма, сабзи ва узум шарбатлари терилган лаганни келтирди. Хоқон сабзи шарбатидан, амир Шайх Нуриддин эса узум шарбатидан олдилар.

– Демак, Дашти Қипчоқлик мусофирларимиз кимлар эди? Тўхтамишхоннинг ўғлига қўшилиб яна кимлар келишган? – сўради хоқон шарбатдан ҳўплар экан.

– Демак, билганингиз каби Тўхтамишхоннинг ўғли Чехра ўғлон, Ўктой қоон авлодидан Тойзи ўғлон, унинг ақрабоси Гадойхон, Жўчихон наслидан Тоштемир ўғлон ҳамда Бек Ёриқ ўғлоннинг кичик қардоши Бек сариқ ўғлонлар, зоти олийлари.

– Унда чорласинлар. Қўнишайлик. Модомики, ота юртлари томон юрар эканмиз, ёнимизда бўлмоқ улар

Нурали ҚОБУЛ

учун ҳам бир масъулият ва шарафдир, – деди хоқон эшик оғасига қўноқларни даъват этмоқни буюриб.

Қабулхонага бир-бирига эгизлар каби ўхшаган қийиқ кўз-ли беш чингиззода кириб келди. Хоқон уларни очиқ юз-ла, илиқ қаршилади. Сўл томондаги шоҳона курсиларга так-лиф этди.

– Қусурга боқмангиз. Бироз кечикиброқ кўришдик, – деди улуғ амир меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўрашгач. – Қулоғим сизда! Дашти Қипчоқ юртидан не ҳаводислар келтирдингиз?

– Ёшингиз улуғ. Сиз бошланг, – деди Чехра ўғлон чап кўлини кўксига қўйганча бошини эгиб, Тоштемир ўғлонга.

– Улусимиздаги, билхосса Сарой Беркадаги вазият биз изоҳ этсак-этмасак-да, зоти олийларига маълум бўлса керак. Айни замонда биз, яъни Жўчихону Ўқтойхон, Ботухону Баракахон. Тўқтағухону Ўзбакхоннинг борки авлодларининг қисмату қадари зоти олийларидан куч олган Идику Манғитниг кўлида. Бу кетишида у ҳеч биримизга омонлик бермайдиганга ўхшайди, улуғ хоқон ҳазрати олийлари. Тўхтамишхонни ўлдириш учун юборган кишилари икки маротаба муддаоларига етолмай қўлга тушдилар. У айни дамда бутун давлату мамлакат ишини йиғиштириб қўйиб; хоннинг изига тушган. Гўёки бу ёруғ оламда вақти замонида улусига хизмат этган Тўхтамишхондек бир ҳукмдорни маҳв этишдан бошқа иш йўқдек. Бутун жўчинажот хонзодалар, амиру қўмондонлар унинг ва Ўрусхоннинг болалари зулму тазйиқдан бешиб, тўзиб кетдилар. Модомики, Идику Манғитнинг орқасида сиз каби бир жаҳонгир хоқон турар экан, шу хусусларда маслаҳатингизни олайлик дея остонангизни хатлаб келдик, улуғ амир ҳазратлари, – деди Тоштемир ўғлон мулоҳазакор оҳангда.

– Бир замонлар Тўхтамиш ўғлонни қандай оқ кигизга

ўтқазиб, Дашти Қипчоқ хони кўтартирган бўлсак, Қутлуқ Темур ўғлон ва Идикубекка ҳам ана шундай рағбату марҳаматни кўрсатганмиз. Бироқ барчангизга маълумки сиёсатда, мулки давлат, тахту салтанат кўпқарисида манфаатлар тўқнашдими, ҳар қандай ғамхўрлигу яхшилик, муруввату марҳамат, керак бўлса, ота-болалик ҳам унутилар экан. Буни тўғри тушунмоқ керак ва дуч келган сотқин нохайрихоҳдан домангир бўлмаслик лозим. Гоҳида хонадонингизда, пушти камарингиздан бўлган фарзандингизни йўлга солмоқни ҳам уддалай олмайсиз. Шундай эркан, дунёнинг нариги бир бурчига жўнатган ҳукмдордан ҳам юзда-юз адолату садоқат бекламоқ қийин эркан. Уйдаги гап кўчадагига тўғри келмаганидек, у ҳам вазиятга, теварак-атрофидаги катта кичикнинг раъйига қарашга мәжбурдир. Кўздан узоқ – кўнгилдан узоқ деганларидек, айна дамда Идикубек не ишлар ила машғуллиги менга қоронғидир. Бироқ Ўрда тахтида ким турмасин, бизга ул қардош эл-юртнинг эмну омонлиги, тинч-тотувлиги муҳимдир. Қани, муҳтарам Чеҳра ўғлондин ҳам бир сўз эшитайлик-чи? Шундин сўнг бамаслаҳат бир фикрга келармиз, – деди улуғ амир Тўхтамишхоннинг ўғлига сўз бериб.

– Қуллуқ, улуғ хоқон ҳазратлари. Бизни очиқ кўнгиллик-ла самимий қаршилаганингиз учун миннатдорчилигимизни қабул этгайсиз. Қиблагоҳимиз ҳам ҳануз бўлиб ўтган нохуш воқеалардан таассуфдалар. Буни сизга билхосса етказишимни рижо этдилар.

– Ўтган гапга саловат. Ортга ўгрилиб боқмоқдин мақсади муддао ҳосил бўлмас. Мен ул гина-кудуратлар устига афв чизиғини тортганман. Акс ҳолда, биз ҳозир кўришиб, суҳбатлашиб ўтирмаган бўлур эдик, – деди хоқон ўзини ноқулай сезиб ўтирган Чеҳра ўғлонга далда бериб.

– Отам билан амир Идикуни фақат сиз зоти олийлари яраштириб қўйишингиз ва шу тариқа бундан сўнгги қирғин-

Нурали ҚОБУЛ

баротнинг олди олиниши мумкин. Бугунги вазиятда отамнинг Идику ва Ўрдадаги хонга ҳеч қандай даъво ҳамда талаблари йўқдир. Бироқ амир ул-умароси жанублари қиблагоҳимиз жонига қасд қилган. Биз ҳам қилич тифида юрибмиз. Шу хусусда бизга бир йўл кўрсатиб, оталиқ қилсангиз, – деди Чехра ўғлон кўлини кўксига қўйиб бош эгаркан.

– Сизни англадим, хонзодам. Элимдан келган кўмагу маслаҳатни бермоққа ҳозирман. Керак бўлса амир Идикуга элчи юборамиз ва ёвлашмоққа чек қўйишини айтамыз. Масаланинг яна бир нозик томони борким, отангиз Тўхтамишхон Идику Манғитнинг қиблагоҳи Ўрусхоннинг собиқ бош вазири Балтичоқ Манғитни қатл этган. Идику бу хун даъвосидан воз кечармикан? Кишиларимиз, билхосса, ҳукмдорларимиз бир хато ва янглишликни иккинчи бир янглишлик билан тўғрилаб бўлмаслигини англаб етмас эканлар, бу каби қасоскорлигу хунрезликлар давом этаверажак. Бироқ айна дамда биз буюк бир сафар олдида турибмизки, бу юриш сизлар учун ҳам, улуғ бобонгиз Чингизхон ҳукм сурган ерларни қайта қўлга киритиб, Турон салтанати ҳимояси остида ўша ҳудудларни бошқармоқ имкониятини беради. Маълумингизким, бир замонлар буюк қоон Чингизхон ҳукмдорлик қилган чексиз ҳудудлар айна кунда Оллоҳнинг иродаси ила бизнинг тасарруфимиздадир. Фақат бу мукамал гулдастада нозик чин чечаги етишмай турибди. Замонида Чин Улуғ қоонга боғлиқ бўлган экан, унинг вориси ўлароқ бугунги кунда сизу бизга тобе бўлмоғи керак. Биз ана шу жиҳод олдида турибмиз ва бугун-эрта икки юз минглик қўшин тўпланиб йўлга чиқади, – деди улуғ амир яна шарбат хўплар экан.

– Бунинг учун биз не қилмоғимиз даркор? – деди Чехра ўғлоннинг юзига қон югуриб.

– Қўшинингиз билан бирга бизнинг ёнимизда бўлишингиз керак. Баробар сафарга чиқмоғимиз лозим.

Чехра ўғлон “не дейсиз?” дегандек Тоштемир ўғлонга қаради.

– Улуғ атамиз Чингизхоннинг бошкенти бўлмиш Қорақурум ва Хонбалиқни эгаллаб тасарруф этмоқ, бизнинг аслий орзумиздир. Бундай имкониятни бизга яратиб бераётганликлари учун хоқони олам, Соҳибқирони муаззам Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларидан миннатдор бўлишимиз ва узангиларида муқим туришимиз керак, – деди бу таклифдан мамнунлигини ифода этиб Тоштемир ўғлон.

– Суҳбатимиз иштирокчиси амир ул-умаромиз Шайх Нуриддин жаноблари сўзларимизни эшитдилар ва сизларга лозим бўлган ҳар қандай кўмакни берадилар. Тегишли элу элатларингизга чопару тавочи юборишга бош-қош бўлиб, юкингни энгиллатадилар. Сизлар эса бизнинг муҳтарам кўноғимиз ўлароқ олий Ўрду қошида бўлингиз. Бундин буёнги ҳар бир қарору фармонимизни муҳокама этишда қатнашиб, маслаҳату тавсияларингизни берингиз. Барча хонзодаларимизга қишбоп қора уйлар ва тегишли анжомлар берилсун ва улус амирлари имтиёзи даражасида хизмат кўрсатилсин! – буюрди улуғ хоқон амир Шайх Нуриддинга. – Қўноқларимиз шарафига муносиб зиёфат тартиб этилсун!

Амир ул-умаро Шайх Нуриддин хонзодалар билан Кўсарой ҳовлисига чиқди.

Толиққан улуғ амир истироҳат учун саройнинг ичкари бўлмаси томон юрди.

Юриш ва унинг масрафи миқдорини аниқлашни ниҳоясига етказган амир Бурундуқ Барлос кўк мрамор шоҳсупада бироз ҳорғин ва руҳсизроқ ўтирган улуғ хоқонга ҳисоб берарди.

– Зоти олийларининг юксак эътиборларига шуни маълум қиламанки, назоратчи ва тафтишчиларимиз мамлакат вилояту ҳудудларига елдек учиб бориб бир ой муддат даво-

Нурали ҚОБУЛ

мида лашкарнинг умумий ҳолатини чуқур ва батафсил ўргандилар. Бугунга қадар маълум бўлган ҳисоб-китобимизга қараганда Туркистон, Хоразм, Мовароуннаҳр, Бадахшон, Балх, Хуросон, Сеистон, Мозандарон, Рум ҳамда Эрон ҳудудидан кўчиб келтирилган қора татарлар билан қўшиб ҳисоблаганимизда қўшинимиз сони икки юз минг суворий ва пиёдадан иборатдир, онҳазрат. Шунинг каби ўн минг ҳарвор¹га яқин дон-дун ғамланган. Қурол-аслаҳа, билхосса, манжаниқ ва тош арродалар етарлидир. Ҳар бир суворийда иккитадан от бор. Бироқ биз ҳар бир суворий ўзи билан бирга бир ойлик емишини олиб келсин дегандик. Улар ўз қишлоқ, кўй ва қасабаларидан чиқаётганларида бир ойга етарли миқдорда егулик олганлар. Бироқ белгиланган манзилга етиб келгунга қадар бу озуқаниг ярмини еб битиришган. Ҳозирги кунда эрса ҳар бир суворий захирасида ўн-ўн беш кунга етарли емак-ичмаги қолган, зоти олийлари. Шу хусусда...

– Унда ишимиз оғир-ку, амир. Бунча қўшинга тағор² билан озиқ-овқат-етказиб-бўлмайди-ку? – деди хоқон амирға диққат-ла тикилиб.

– Бу ҳолатда тез-тез юртовул³ қилишга тўғри келади, луғ хоқон ҳазратлари, – жавоб берди амир.

– Биринчидан, оғир қиш шароитида юртовул қилишнинг ўзи ҳам бўлмайди. Иккинчидан, уни юртовулми, совурин⁴ми, не номда атамайлик, одамларни талашга тўғри келади. Ўз-ўзидан бунинг акс садоси бўлади.

¹Ҳарвор – бир эшак кўтарадиган юк. 105–150 килограмм оғирликдаги юк.

²Тағор – ҳарбий юриш пайтида қишлоқма-қишлоқ юриб, лашкар эҳтиёжи учун аҳолидан тўпланадиган дон-дун.

³Юртовул – Ҳарбий юбориш вақтида қўшин захирасини тўлдириш учун йўл устидаги қишлоқларга қилинадиган босқин.

⁴Совурин – Подшоҳ, хон ва хоқонлар вилоят ва шаҳарлардан ўтаётганларида аҳолидан тўпланадиган инъом.

Халқда норозилик кайфияти туғилади. Кенг майдонни ўраб ов уюштириш қийин бўлса керак. Укулка¹ ни ҳам ҳисобга олинг. Чоповуллар² чопғун³ ҳам иш бермаса керак деб ўйлайман. Боиси рақиб ҳудудигача кўп масофа бор.

– Давлат хазинаси имкониятларидан фойдаланишга тўғри келади, зоти олийлари, – фикр билдирди амир Бурундуқ.

– Не қадар олтину кумуш ақчани йўл-йўлакай орқалаб юрманг, уни еб бўлмайди, Бурундуқбек. Керак замонида бир бурда экмакни бир олтин тангага топа олмайсиз. Бундай ҳолатлар бошимизга кўп тушган. Дашти Қипчоқ сафараридаги очарчиликни эсланг. Хайриятки, у пайтда ёзнинг илиқ-иссиқ кунлари эди. Қиш ойи бўлганда аҳволимиз оғир кечарди.

– Унда сафарни илк баҳорга қолдирсак-чи? – қўрқа-писа кўпчиликнинг фикрини ошкор этди амир.

Хоқон чуқур нафас олганча бекка кўз қири билан боқди. «Ҳеч ким журъат этиб оғиз очмаган гапни айтди, – хаёлидан кечди. – Менинг хоҳиш-иродамга қарши фикр билдирди. Бироқ амир ва инсон ўлароқ ўз қарашини сўзламоққа ҳақли».

– Фармони олийни эълон этиб қўйдик, Бурундуқбек. Энди аҳдимиздан қайтсак қандай бўлар экан. Халойиқ бизни ўзини осмон ўғли деб атайдиган тўнғиз фағфур⁴дан кўрқди деб ўйламайдими? – ҳамон амирга зимдан тикилиб турарди хоқон.

– Сўнг қарор ва амри фармон улуғ хоқонимиззини дир!

¹Укулка – аскарларга жанг олдидан тарқатиладиган махсус совға.

²Чоповул – чопғунни бажарувчи бўлинма.

³Чопғун – юриш вақтида душман тарафнинг йўл устидаги ва қалъа атрофидаги қишлоқларига уюштириладиган босқин.

⁴Фағфур – Чин императори. Қадимги Чин ҳукмдорлари бутун дунёга даъвогарлик қилиб, ўзларини Осмон ўғли дея атаганлар.

Нурали ҚОБУЛ

Бир содиқ қулингиз ўлароқ уни бажармоқ биз учун вожибдир! – деди амир Бурундуқ гапи хоқонга маъқул келмаганидан хижолат чекиб.

– Унда кўринишхонамиздан чиққандан сўнг муставфий ул-мамолик¹имиз билан учрашиб, маслаҳатлашинг ва сафар масрафу харажатини яна бир ҳисоб этингиз. Омил²ларимиз ва ошлиғ³лардан келадиған тушумларни ҳам диққат-ла қайд этингиз. Сўнги ҳисоб-китоб бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимларимизга парвоначи⁴ларимиз орқали якунловчи фармони олийни етказинг! – амр берди хоқон Бурундуққа.

– Вазифани англадим, улуғ хоқон ҳазрати олийлари!

– Яна бир нарсани сўрамоқчи эрдим. Ашпара қалъа-сидаги аҳвол нечук? Амир Оллоҳдод ўз вазифасини қандай бажармоқда? Мендаги маълумотларга қараганда биз не қадар уни жазолаб сургун этмайлик, салтанатга сидқу садоқат билан хизмат қилмоқда. Уларга қандай кўмак эт-сак экан? – сўради хоқон.

– Бу хусусда илгари ҳам қизиқиб, вазиятни ҳамда бўлиб ўтган гап-сўзларни айтиб туришимни сўраган эдингиз, зоти олийлари. Ул сарҳадларни мустаҳкамлаш ва Ашпара қалъаси иншоотини тикламоқни амирзода Халил Султон ва раҳматли Ҳожи Сайфиддинга юкланган эди. Шаҳзодамиз ва амир жаноблари бул вазифани шараф ила уддалаб, зоти олийлари Румда эканликларда ҳисоб бергандилар. Маълумингиз бўлганидек бу орада Ҳожи Сайфиддин ҳақнинг раҳматиға қовушдилар. Оллоҳ раҳмат этган, жойлари жаннатда бўлсин!

¹Муставфий ул-мамолик – давлат молия девони бошлиғи.

²Омил – солиқ йиғувчи амалдор.

³Ошлиғ – ҳарбий юришлар чоғида лашкарнинг эҳтиёжи учун аҳолидан тўпланадиган дон-дун, озиқ-овқат.

⁴Парвоначи – олий ҳукмдор амр-фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказишға масъул мансабдор.

– Омин! – деди хоқон ҳам юзига фотиҳа тортиб. – Сўзингизда давом этинг.

– Ҳожи Сайфиддин вафотидан сўнг унинг пинҳона рақиблари амирдан ололмаган қасосни авлодлари – укаси Оллоҳдод ва ўғли Султон Санжардан олмоққа киришиб, олий девонга турли-туман чақувларни етказа бошладилар. Улар бу разил ишларини зоти олийлари Оллоҳдодни Самарқандга масъул вазифа ила юборганингиздан сўнг ортдан пичоқ урган каби орқаворотдан бошладилар. Устма-уст келган чақувлар сизнинг ҳам бошингизни қотирди. Бу фисқу фасодлар еб-ичиб қўйди тарзида бўлиб, тупроққа айланган Ҳожи Сайфиддин учун қардошидан ўч олишга мўлжалланган эди. Хайриятки, бу шайтонсифатларга ҳай бериб, қулоқ солмадингиз. Амир Оллоҳдодни бу гап-сўзлардан қутқариш учун ортидан фармон йўллаб, Самарқанддаги ишни битиргач, сарҳад муҳофазаси учун Ашпарага боришга амр этдингиз. Ўшандан бери амир Оллоҳдод сидқу садоқат ила чегарамиз ҳимоясида муқимдир. Биздан ҳеч қандай моддий кўмак истагани йўқ. Бу хусусдаги таклифимизга эса аскар ва қўшин ўз нонини топиб ейиши керак. Шунда у яғийга қарши мардонавор тура олади дея жавоб берди. Ашпара қутволи амир Оллоҳдод ҳақидаги сўнгги билгилар шундан иборатдир, улуғ хоқоним, – дея сўзини муҳтасар этди амир Бурундуқ Барлос.

Шу пайт кўринишхона қопуси очилиб, амир ул-умаро Шайх Нуриддин кўринди.

– Келинг, соҳиб ихтиёр¹, – деди хоқон Шайх Нуриддинга бош вазир ўтирадиган жойни кўрсатиб. – Сиз-ла баробар муҳокама қилмоғимиз керак бўлган мавзуга етиб келгандик. Том вақти замонида келдингиз.

¹Турон салтанатида бош вазир расман амир ул-умаро дея аталган. Сарой тилида Соҳиб ихтиёр ҳам дейилган.

Нурали ҚОБУЛ

Хоқон ва амирлар бир муддат тин олиб, шарбат ичиб, узум истеъмол этдилар.

– Ўшал масала, – деди хоқон қовоғини уйганча ерга боқаркан. – Амирзода Халил Султон ила ана ул бетавфиқ муносабати. Бош маликамиз ила келиб унинг гуноҳидан ўтишимни сўрагандингиз. Амирзода бу фалокатга қандай дуч келиб қолди? Айни замонда уларнинг аҳволларидан хабардормисиз? Шул ёқимсиз ҳолат ҳам мени безовта этмоқда. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Бу каби гап-сўзлар салтанат шаънига яхши эмасдур, – дея икки амирга қаради хоқон.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Муҳаббатда маслаҳатчи бўлмайди.

Араб мақоли

Ақл – эркисизликка чидамайди.

ЛЕССИНГ

...Ҳиндистон, Деҳли фатҳининг қаҳрамони, Султон Маҳмудхон ва номдор қўмондон Маллухоннинг одамхўр филларига қирон келтирган алифдек қадди қомати, чиройли чеҳраси, хуш хулқи ва мулойим феъл-атвори билан катта-кичик барчанинг қалбида тахт қурган амирзода Халил Султон бир сўзли, тутганини узадиган, ваъдасига вафодор, йигирма бир ёшдаги валиаҳдликка муносиб биринчи номзод эди. Ўн тўрт ёшида буюк бобо уни “валиаҳдим, умиду ишончим” дея эркататарди.

Амирзоданинг оппоқ юзи, қора қоши, қилич каби тик ва гўзал қоматини Юсуфга менгзатардилар.

Улуғ хоқоннинг набираларидан бирини валиаҳдликка мўлжаллаб юрганидан хабардор сарой аъёнлари унда буюк бобоси салоҳияти ва қобилиятини кўришар, тему-

рийлар салтанати осмонининг ёрқин юлдузи ўлароқ меҳр-муҳаббат, умиду ҳавас ила боқишар эди.

Улуғ хоқоннинг амри билан у икки ойлигида онаси Хонзодабегимнинг қўлидан олиниб, маҳди улё¹ Сароймулкхоним тарбиясига берилди. Бош малика уни кўзининг қорачиғидек асраб-авайлаб ўстирди. Тарбиячи ва мударрисларига бошқош бўлди.

Туғилганидан бошлаб онаси, Олтин Ўрда ва Хоразм маликаси Севинчбека ва отаси Эрону Озарбайжон, Ироқу ажам ҳукмдори Мироншоҳ мирзодан узоқ, бевосита буюк бобо ва буюк биби қанотида ўсиб-улғайди. Кўксаройда аслзода тарбияси диний ва дунёвий таълим ва том ҳукмдорлик сабоғу тажрибасини олди. Ажойиб шеърлар битарди.

Амирзода Мироншоҳнинг мулки давлат шарафига тўғри келмас ножўя хатти-ҳаракатлари салтанатни ларзага келтирди.

Улуғ амирнинг ақл бовар қилмас даражада ғазаблантирган бу нохуш ҳолат Мироншоҳ фарзандлари бошига ҳам соя солганди. Кўпчилик отаси кўрсатган ўйинни боласи ҳам кўрсатса керак дегандек, ўғилларига-да ишончсизлик нигоҳи билан қаровчилар топилиб қолди. Бу ҳолатдан қалби қирилган улуғ амир ёнига ўн тўрт ёшли набираси Халил Султонни олиб, Эрон йўлини тутди. Табризда гуноҳкор амирзода Мироншоҳнинг таъзирини бергач, уни чодир қамоғида сақлаганча Қорабоққа олиб кетди. Араб Ироқи, Озарбайжону Аррону Муғон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Мироншоҳнинг фарзандлари Абу Бакр ва Умар Мирзога берди. Мироншоҳ Мирзонинг қилмишлари туфайли исёнга келган халқни тинчитди.

Амирзода Халил Султон тушига ҳам кирмаган бу воқеаларни ҳайрат ичида кузатганча бобосининг ёнидан жилмас эди.

¹Маҳд улё – баланд бешик. Энг олий беланчак. Подшоҳларнинг энг катта хонимига бериладиган фахрий ном.

Нурали ҚОБУЛ

Худди шу, гўзал табиатли Қорабоғда тўй қилиб, Халил Султонни уйлантирмоққа қарор қилди улуғ амир. Келин ўз синглиси Ширинбека оғо ва куёви амирзода Али Муайяднинг қизи Жаҳон Султонбегим эди.

Ўртабўйли, оппоқ юзли, қадди-қомати маликаларга хос тик, қуюқ қора сочли, камсуқум ва иродали Жаҳон Султонбегим от чопишу қиличбозликда йигитлардан қолишмас, имкон туғилганда жангга ҳам кириб кетаверарди.

Озарбайжон ҳукмдори, улуғ хоқон қардошим дея мурожаат этадиган Шайх Иброҳим вакил оталигида ўтган тўй тилларга дoston бўлди.

Тўйдан сўнг амирзода Халил Султонга Луристон подшоҳлиги тақдим этилди. Энди у ўз туғросига эга Турон салтанатига боғлиқ бир мамлакатнинг ҳукмдори бўлиб, мустақил қарорлар қабул қилиб, амри фармонлар берарди.

Бир йил ўтиб Халил Султон ва Жаҳон Султонбегим ўғил фарзанд кўрдилар. Бу хабарни чопар орқали буюк бобога етқаздилар. Қўйни қўнжи суюнчига тўлиб қайтган хос чопар улуғ амир эварасига ўзининг улуғ боболаридан Барқул баҳодирнинг муборак исмини бериб, дуо қилганлиги хушхабарини олиб қайтди.

Амирзода ва малика ҳаёти рисоладагидек, эртақлардаги каби завқ-шавқ ила кечарди.

Бу орада Султония атрофларида улуғ амирнинг энг яқин дўсти, амир ул-умаро Ҳожи Сайфиддин вафот этди. Барча қатори таъзияга Луристон ҳукмдори Халил Султон ҳам қатнашди. Буюк бобоси Шом сафари билан банд бўлиб узоқда эди. Болалик дўсти ва даъво орқадошининг абадий сари кетган сўнг кунига етиб келолмади.

Ҳамманинг кўзи бобоси валиаҳдим дея эркалаган, маликалару сарой аъёнлари Самарқандда бошидан сочқилар сочган амирзода Халил Султонда эди.

Ҳожи Сайфиддиндан бурун валиаҳд Муҳаммад Султон қайтиш қилган, улуғ амир расман валиаҳд ўлароқ ҳали ҳеч кимни тилга олмаган эди.

Ҳожи Сайфиддиннинг ҳарами, хеш-ақрабо ва канизақлари уввос солиб йиғлашар, барчасининг умид ва илинж акс этган нигоҳлари Луристон подшоҳи Халил Султонда эди.

Шу нигоҳлар орасида бири унга сеҳрланган каби боқарди. Бироқ ўликни қўйиб тутга югуришни ўзига эп кўрмаган амирзода бу ўтли қарашга эътибор бермади. Унга ҳавас ила боққан сон-саноксиз кўзлардан бири дея фикр қилди ва сўнгра унутди.

Кониғил ўланидаги тўйда амирзоданинг отаси Мироншоҳ ва Шоҳрух мирзолардан бошқа барча йиғилган эди. Бу қирқ кунлик тантананага таклиф этилган Халил Султон бошкентга малика Жаҳон Султонбегим ва ўғли Барқулбек билан қанот боғлаб учиб келди.

Кўрмаганига бир неча йил бўлган, болалигининг кадрдон маскани Самарқандни соғинган эди.

Кечаю кундуз тинимсиз давом этаётган базми жамшидлардан барча сархуш юрар, эркагу аёллар бирдек май ичарди.

Волидаи муҳтарамаси Халил Султоннинг укаси Ийжил Мирзо никоҳи муносабати билан берган тантанада бир илиқ нигоҳ уни таъқиб этарди. Сархушлиғи боис таниш хонимлардан бири бўлса керак дея ўйлади. Бироқ не қадар эътибор бермай ички ичиб, қардошлари билан суҳбатлашмасин, бу ўтли, қалбни забт этувчи нигоҳ уни ўз домига тортарди.

У сечиб, севиб, суйиб, сайлаб ва сийлаб боқар, бу ўтли нигоҳга дош бериб бўлмас эди.

У энг тўрдаги супада болалик дўстлари билан ўтирарди. Парёстиққа оҳиста ёнбошлаганча кўзини юмди. Сўнгра ўзини уйқуга кетганга солиб, чалқанча ётди. Амирзодани

Нурали ҚОБУЛ

кўзи илинди дея ўйлаган даврадошлари қадаҳларини тутганча бошқа дарвага қараб кетишди.

Кўзини очган амирзода бошида ҳақ дея турган чухра¹ оғоси Саидқул зинбардор²ни ёнига чақириб, уни таъқиб этаётган сеҳрли нигоҳ шаҳло кўзнинг кимлигини билиб келишини ва бирорта холи чодирга олиб ўтишни буюрди.

– Амрингиз бажо келтирилди! – деди Зинбардор оҳиста келиб амирзоданинг қулоғига шивирлар экан.

Халил Султон чухрабошини ёнига олганча ўзини домига тортаётган малак кириб кетган чодир атрофида айланган кишидек бўлиб юрди. Ўзига қараб турганларни чалғитганча чодирнинг орқа эшигидан кирди.

Кўз-кўзга тушгандаёқ, нигоҳлар тўқнашиб, нафаслар туташгандаёқ амирзода қаршисидаги малоҳату латофат, зарофату нафосат олдида таслим бўлган, тили калимага келмас, малаксиймо малика қаршисида ҳайкал каби қотиб турарди.

Унинг нозик ва ингичка бели, ҳарир кўйлаги ёқасига тиралиб урган-рассом чизган каби кўкраги, форс гўзаллариники каби иссиқ ва оппоқ юзи киши ақлини шоширгувчи арабий нигоҳи, тақимига тегиб турган ўрим-ўрим қора сочи, учаётган каби кўринадиган қамондек қора қоши... Кашмирона сеҳрли боқиши... Барча-барчаси эртагу афсоналардаги фариштаю малаклар каби бенуқсон, бетакрор ва ягона эди.

Бироз шароб ичганидан бўлса керак, ширмой кулча каби юзлари ял-ял ёнар, ишқ уфуриб турган порлоқ кўзлари қучоғига чорлар эди.

¹Чухра, чухра оғоси – хон, хоқон, шаҳзодалар қўриқчиларининг бошлиғи. Чухралар кичик ҳарбий қисм бўлиб, унга фақат аслзодалар ва бойларнинг болалари олинган.

²Зинбардор – хон ва амирлар отларига эгар урувчи хизматкор. Кўп ҳолларда киши касби исми шарифига айланиб кетган.

Киши дилини ёқувчи нигоҳига кўзи тушганнинг юрагига чўғ тушар, бу оташ тафти осонликча киши қалбини тарк этмас, унинг гўзал сиймосига тикилиб қараганнинг хотирасида қуюлиб қоларди.

У рақсу қўшиқ бобида ҳам сарой санъатчиси Биби Чаманнодан қолишмас, қатнашган даврасида ою қуёшга айланар, атрофини юлдузлар ўрарди.

Жоду кўзлари боққан эркак зотини сеҳрлар, отлиқлар отиб, пиёдалар ётиб боқадиган гўзал амирзодани асир этган эди.

Шаҳзода унинг бир боқиши олдида асиру қулга айланган, инон-ихтиёрини топширган, мулки давлат, салтанат ташвишларини унутиб, ўзи шу пайтгача тасаввур этиб-эتماган янги, илоҳий бир оламнинг ичига тушиб қолган эди.

Бу ўша, амирзода Султония яйловдаги саропардада нигоҳи тушган гўзал малак сиймо Шод Мулк эди. Унинг кечмиши амирзодани қизиқтирмайди. Бу фаришта унинг кўр, сўқир бўлиб ётган ҳис-туйғулари кўзини очди. Борлиқни янада чиройли ва мукамал кўриш мумкин эканлигини, бу ёруғ дунё фақат яхшилигу гўзалликдан иборат эканлигини англади.

Ишқ-ҳисобни эрта кунга қолдирма. Севги ҳирси ақл закосининг асир этган амирзода Халил Султоннинг кўзига малаксиймо Шод Мулкнинг ўтли бўсаларию алангали кучоғидан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Севишган чоғлардаги кайфият инсон учун зарур меъёр бўлса керак. Инсон қандай кайфият билан яшаши кераклигини муҳаббат белгилаб беради.

ЧЕХОВ

Эртаси куни улар Зинбардор ҳозирлаган махфий хужрада учрашдилар. Ишқ оташи тафтида ўзларини унутдилар. Шу тариқа кечами-кундузми ҳар куни кўриша бошладилар.

Оташли, ёниқ муҳаббатни яширмақ мушкул кечарди. Бу пинҳона ишқ можароси буюк бобо қулоғига ҳам етиб борди: Дунё гўзалининг ҳаёти хавф-хатар остида қолди.

Бироқ табитан мард, феъл-атворан аҳдидан қайтмас амирзода уни кутқариб қолмоқ учун бор кучини ишга солди. Буюк бибисининг қўлларини ўпиб, ялиниб-ёлворди:

– Менга Луристон подшолиги ҳам керак эмас, бибижон! Улуғ бобом ҳазратлари уни никоҳимга олишга рухсат берсинлар, етар. Бошқа ҳеч бир нарсада кўзим йўқ! – деди йиғлаб. – Усиз яшай олмайман! Менга ундан бошқа ҳеч ким, ҳеч нима керак эмас! У ҳомиладор!

– Ақл-хушингизни бошингизга йиғинг, жоним болам! Амирзодам! Бир аёл ишқи деб телбага айланиб қолмоқ, сиздек шарафли аждод вакилига ярашмас! Ва ҳаёт, умр дегани бир хотин севгисидан иборат ҳам эмас! Киши, кимсан бир давлатнинг подшоҳи, бир аёл ишқи деб давлату, салтанат, эл-юртни унутадими? Сиз айтган талабни ижоб этмоқ ғоят осондир! Агар шу сўзларингизни улуғ бобонгиз эшитсалар, иккингизни ҳам бошкентдан бадарға этадилар! Сиз ул зоти олийларининг суянган

тоғи, ишонган боғи, кўрар кўзи ва сўзлаяжак сўзисизку! Ўзингизни ўйламоқ баробарида, ҳеч кимни ҳисобга олмасангиз ҳам етмишга етган, сиҳат-саломатлиги ҳам илгаригидек бўлмаган бобонгизни ўйланг! Уят ҳам катта гап! Кимлиги, насли-насаби номаълум, бобонгиз қатори бир кишининг жорияси сизга тенг бўлдимиз? Канизак ёхуд жория бўлса ҳам майли эди. Никоҳингизга олмоққа ният-лисиз! Бобонгиз бу никоҳга икки дунёда рози бўлмайдилар! Ул ҳазратнинг олдида бизнинг ҳам юзимизни шувит қилдингиз! Сизни мен бечора тарбиялаган эдим. Улуғ бобонгиз наздида энди мен ўз вазифамни ҳалол покиза бажармаган бўлиб чиқаман! Ҳузурларига кириб бу гапни айта олмайман!

– Не қилсак тўғри бўлади, Бибижон? Йўл кўрсатинг? Вазият шуни тақозо этмоқдаки, бу кетишда улуғ бобом менинг юзимга қарамасликлари ҳам мумкин! Уни асрамоқ мени асрамоқдир! Умидим фақат сиз азиз бибижонимдан! Не десангиз, айтганингизни бажараман! – Фақат у нобуд бўлмаслиги ёки бошқа бир кишининг қўлига тушиб қолмаслиги керак! Акс ҳолда, не воқеалар содир бўлишини тасаввур ҳам эта олмайман! – ёлворарди амирзода.

– Мажнунсифат бўлиб қолибсиз, амирзодам! Бундай ҳолларда киши аниқ-тиниқ фикрлаб, тўғри қарор бера олмайди. Ҳақиқий ишқ-муҳаббат кишини худди шундай телба қилиб қўяди. Савдойи бўлиб қолибсиз, жигарим! Мехр-муҳаббатли, самимий ва садоқатли одамлар сиз каби бировни севиб қолади! Ҳақиқий ишқ-муҳаббат эса ҳеч қачон ва ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам келтирмаган. Эркагу аёллар ўзларининг ҳис-туйғуларини жиловлай олмай унинг қурбонига айланаверадилар! Ишқилиб охири бахайр бўлсин! Бунинг устига аммангизнинг қизига уйланган, худо қўчқордеккина ўғил берган бўлса! Бу гап ҳали Жаҳон Султонбегимнинг қулоғига етиб боргани йўқ! Етиб боргач кўра-

Нурали ҚОБУЛ

сиз бу дунёнинг ғавғосини! Не деяримни билмай, ақлим бошимдан учди, амирзодам!

– Бир йўлини қилинг, Бибижон! Ҳозир уни узоқ бир жойга яшириб қўйганман! Бобомнинг айғоқчилари сезиб қолишса биласиз не ҳодиса юз беришини! Ялинаман, бибижон!

– Билмадим, амирзодам, билмадим. Ҳозир олдимдан чиқинг-да амирларимиз Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик ва Бурундуқбекларни ҳузуримга йўлланг! Бир маслаҳатлашайлик! Шундан сўнг худо бир йўл кўрсатар! – деди бош малика паришон бир аҳволда.

Ақли ҳуши бошидан учган амирзода Халил Султон пойинтар-сойинтар қадам ташлаб буюк биби ҳузуридан чиқиб кетди.

Бир намоз ораси вақт ўтди. Бош малика ҳузурига салтанат устунлари амир ул-умаро Шайх Нуриддин, вазирлар Шоҳ Малик ва Бурундуқ кириб келишди.

Амирзода ва жориянинг муҳаббат можаросини, Кўксаройда барча эшитган, бироқ ҳеч ким оғиз очиб бу ҳақда кўнишмас эди.

Чин юриши муносабати билан бошкентга тўпланган амирзода ва қўмондонларга юртларига қайтиб кетмоққа изн берилмаган, ишқ-муҳаббат денгизида қулоч отиб сузаётган Халил Султон бу қулай фурсатдан истифода этарди:

– Бу гапни бир ўзим кириб ҳазрати хоқонга айта олмайман. Боиси, бу ошни ўзим пиширганман. Мана сиз тарбиялаган авлод дея юзимга солмасалар-да, ҳақли равишда шундай фикрга борадилар, – деди бош малика амирлар қаршисига оҳиста ўтирар экан. – Бошим қотиб қолди. Келиб-келиб бизга шу ташвиш етмай турган эди. Бирор жўяли маслаҳат берингиз ва бу муаммони улуғ хоқон кўнгилларига озор бермасдан, ул зоти олийни ранжида этмасдан бартараф этайлик. Акс ҳолда, амирзода Халил Султон ҳам отаси Мироншоҳ мирзо каби буюк бобо эътиборидан

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

қолади. Шу мақсадда сиз – мухтарам амирларимизни роҳатсиз этиб ҳузуримга чорлагандим, – деди Сарой-мулкхоним ташвишли ва ўксик оҳангда.

– Амирзодамиз бу жувонни шариат қоидаси бўйича никоҳига олиш ниятида. Кечмишда ва бугунги кунимизда ҳам кўп ҳукмдорлар, ҳатто шайху қозилар ҳам сарой канизакларию жорияларини, ҳатто фоҳишаларни ҳам ўз никоҳларига олиб, тўғри йўлга бошлаб, болали-чақали бўлиб яшамоқдалар. Бу масалани бу қадар катта муаммага айлантиришга ҳожат бормикан, маликам? Қолаверса, муҳаббатнинг кўзи кўр деганларидек, эркак ва аёлнинг бир-бирини севмоғи айб эмас. Шаҳзода қурбақага ошиқ бўлибди деган ривоят каби биз уларнинг Оллоҳ қалбларига солган эзгу туйғуларини англашимиз, унга моне бўлмаслигимиз керак деган фикрдаман. Насл-насаби масаласига келсак, бу дунёда ҳеч кимнинг аждоди, ота-бобоси хону султон бўлиб туғилмаган. Хоразмшоҳлардек буюк салтанатни барпо этганларнинг катта отаси Султон Санжарнинг тошдори, яъни ҳаммомчиси бўлган. Султоннинг орқасини ишқалаб, ювинтириб қўйган. Яратганнинг олдида барча тенгдир. Сизга не қадар маъқул ёки номаъқул туюлар, мен шул фикрдамен, маликам, – деди илк сўз бошлаб амир ул-умаро Шайх Нуриддин.

Бош вазирдан бундай гапни кутмаган малика ҳайрон бўлганча амир Шоҳ Маликка қаради.

– Мухтарам амир ул-умаромиз тўғри сўзни сўйгадилар, маҳди улё зоти олиялари. Биз истаймизми, йўқми қилган илму амалларимиз аввало шариату тариқат қонун-қоидаларига, қолаверса, давлатимиз тўра ва тузугига тўғри келиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз масалага адолатли ёндашмоғимиз лозим. Тўғри, амирзода-нинг ул хоним ила пана-панада дон олишиб юриши одобу ахлоқимизга тўғри келмайди. Бироқ у бирор кишининг

Нурали ҚОБУЛ

хотинига кўз олайтириб, зинога қўл ургани йўқ. Қолаверса, бир ожиза. Ҳар қандай қизу жувон яхши бир эркакка хотин бўлмоқни орзу этади ва бунга ҳақлидир. Шундай экан, билмадим, бу масалани Соҳибқирон ҳазратларига қандай англатсак экан, – ўз қарашини баён этди амир Шоҳ Малик сиз не дейсиз дегандек амир Бурундуққа қараб.

– Бу ерда масаланинг нозик бир томони борки, уни диққатдан қочириб бўлмайди, – деди қалин қошларини чимирганча амир чуқур нафас олиб. – Халил Султоннинг завжаи муҳтарамаси улуғ хоқон ҳазратларининг худди амирзода каби набираларидир. Шу туфайли юз берган ҳолатни зоти олийлари, табиийки, оғир олдилар. Амирзода неки иш қилмоқ, никоҳига яна кимни киритмоққа қарор қилса, аввало улуғ бобо ва буюк бибидан сўраб, улар маслаҳатига амал қилган ҳолда қўл урмоғи керак эрди. Дуч келган шахзода дуч келган жорияю канизак билан илакишиб кетаверишини нафақат улуғ амир, ҳар қандай ҳукмдор ҳам ҳазм эта олмайди. Ул кишимнинг қаҳрлари кўзигани ана шундан. Сўйлаганларингиз каби ҳар бир ишнинг қонунқоидаси, тошу тарозиси бордир. Биз не демайлик, зоти олийлари бу никоҳга рози бўлмайдилар. Қайтамга ўзимиз гап эшитиб, шарманда бўламиз. Қолаверса, жориянинг илгариги хўжаси улуғ хоқоннинг болалик дўсти. Шунга кўра гапимизни ўйлаб гапирайлик ва ҳазратнинг олдиларида маҳжуб бўлмайлик, – деди амир Бурундуқ қўлини кўксига қўйганча бош маликага таъзим этаркан. – Табиийки, бечора аёлни ҳам улуғ хоқон қаҳрларидан асрашимиз керак.

Сароймулкхоним хонага тўшалган қип-қизил ипак гиламга боққанча бош ирғаб амир сўзини маъқуллади.

– Аёлни вақтинча бўлса-да, асраб қолишнинг бир йўли бор. Амирзоданинг сўзларига қараганда у ҳомиладор эмиш. Шуни айтсак, хоқон ҳазратлари бироз юмшарлар, – деди малика умидсиз оҳангда.

– Тўғри, – маъқуллади амир Бурундуқ. – Бизнинг вазифамиз ҳукмдорнинг қаттиқ сўзини элга юмшоқ қилиб етказмоқ, берган оғир жазосини енгиллатиб, раиятни асрамоқдир. Зотан, бундай оташин, ўлдим-куйдим қабилидаги ишқу муҳаббатлар шу пайтгача ҳеч кимга хайриятлиғ келтирмаган. Амирзодамиз бу ишлари билан бошларини катта баюга суқмоқдалар. Аёл зоти эркакни авраб, сеҳрлаб телба, этиб қўйдими, тамом. Кўз кўрмас, қулоқ эшитмас ишларни кутаверинг. Ақлини хотин зотига олдирмоқ – ўзини шайтонга чалдирмоқ демақдир, маҳди улё зоти олиялари. Бундай телбаларга ошиқ-мошиқлик хасталиқдир. Бугун бўлмасда, келажакда, албатта бу аёлни амирзодадан айирмоқ лозим. Бу икки ошиқ ирмоқ қўшилган дарёнинг оқиши ғайритабиий. Бу аҳволда у йўлида учраган анча-бунча жонзоду кулбаларни кунпаякун қилиб кетиши мумкин, маликам. Яра газакламай уни даволамоқ лозим.

– Бу масалани улуғ амир зоти олийларига англатмоқ учун барчамиз бирга ҳузурларига кирсак дегандим. Гап-сўзлар урчиб, воқеалар чигалламасдан бурун олдини олмоғимиз лозимдир, – ҳамон безовта эди малика.

– Сиз не десангиз маъқулдир, маликаи олиялари, ва мудом ёнингизда турадурмиз. Ўзингизни уринтириб, бу қадар изтироб чекманг. Иншооллоҳ, барчаси ўз йўлига тушиб кетажак. Амирзодамиз эс-ҳуши бутун, гапирар гапи ва қилар ишини билажак бир ёшдадирлар. Ётиғи билан англатсак тушунадилар. Буюк боболарининг хоҳиш-истакларига қарши бормайдилар деган умиддамиз. Бугун зоти олийларини ҳорғин кўрдим. Маъқул десангиз эрта эрталаб ҳузурларига кирсак, – деди соҳиб ихтиёр амир Шайх Нуриддин. – Кўп изтироб чекманг! Кўнглингиз фараҳ ўлсун, маликам!

– Бироқ уларнинг яширин учрашувлари давом этмоқда экан. Бу хусусда бирор чора-тадбир кўрмоққа лузум борми? – сўради малика мусофирларини йўлчи этар экан.

Нурали ҚОБУЛ

– Бундай чора-тадбирни фақат улуғ амир таълимотларига асосан кўра билурмиз, маликам. Амирзодалардан ўзга киши бўлганида бошқа гап эди, – жавоб қилди амир ул-умаро. – Зотан, айғоқчиларимиз бошкентда ким қандай нафас олаётганини, шаҳар дарвозаларидан кимлар кириб-чиқаётганини кунма-кун улуғ хоқон ҳазратларига вақти-соатида етказиб турадилар.

Бош малика маҳди улё Сароймулкхоним яқин замонда хоқон ҳузурига салтанатнинг етакчи уч амиру вазири билан ҳеч бир масала хусусида кирмаган эди.

Кўктош шоҳсупасида ўтирган хоқон бир муддат ҳайрон бўлганча муддаосини англади.

Хоқон ишорати билан ҳар ким ўз жойини олди. Бош вазир ва амирлар ўнг тарафга, малика сўл томонга ўтирди.

– Масала-ю муаммо ўшамми? – сўради улуғ амир малика ва амирлар нигоҳидан не демакларини англаб.

– Шундай, улуғ хоқон ҳазратлари, – жавоб қилди амир ул-умаро қўл қовуштирганча бош эгиб.

– Мен муҳтарам маликамиз зоти олияларига бул хусусда бўлиб ўтган суҳбатда жориянинг бўйидаги болани тушириб ташлашни айтган эрдим. Бу сўзимни яна такрорлайман ва шундан сўнг уни мамлакатнинг узоқ ҳудудига қул қилиб сотиб ёки бировга бериб юборинглар. Амирзода эса бугуноқ одамлари ва қўшини билан бошкентдан чиқиб, Тошкент ва Сайрам сари юрсин. Ўша ерда асосий ўрдуга қўшилиб, юришга қатнашади! – қовоғини уйганча амр этди хоқон. – Бу ҳаёсиз ва шармандали ҳодиса хусусида мени бошқа роҳатсиз этманг! Менинг, қолаверса, барчамизнинг не буюк ташвиш ила бандлигимиз маълумдир. Бунинг ўрнига асосий ишингиз ила машғул бўлинг! – бош вазирга қараб гапирарди хоқон. – Аҳли аёл, ҳараму хотин-халаж муаммоси, унга бўлган ишқу муҳаббат асосий ишга айланган салтанатда юрту улус иши, халқу халойиққа бўлган меҳр-оқибат

ортда қолади. Етимда ватан эмас, парча экмак ташвиши доимо ўнгда бўлганидек, хонимлар кетидан қувган шарафсиз эрлар қалбида юрт ва улус муҳаббати туйғуси бўлмайди. Умр мазмунини хонимсеварликдан иборат дея тушунган бирорта ҳукмдорнинг иши бароридан келмайди ва ўзи ҳам шу аҳмоқона ҳаётнинг қурбони бўлади. Салтанатда каттаю кичик барча ҳузуримга келиб, ноҳақ ахлоқсиз тарафини олади. Бош маликадан кичик малика¹гача шул икки шарафсизни ҳимоя қилишдан бошқа иши йўқдек бошимни қотиради. Давлат ва ўғруқнинг еткили кишилари бу каби майда ташвишлар билан машғул бўлаверар экан, салтанат ишидан путур кетаверади. Гап тамом, вассалом! Ҳар ким ўз иши билан шуғуллансин! – овозини баландлатди ҳукмдор. – Ул бетавфиқ амирзода ўзини тия билмай, номақбул хатти-ҳаракатини давом эттирса, малика Баён оқа турган қасрга қамаб қўйинг!

Улуғ хоқон олдида маликанинг ҳам боши ҳам эди. Қалб онадан, қобилият отадан дегандек, амирзодани она каби ардоқлаган, жони-жаҳонини бахшида этганди. Бироқ бола панд берди. Буюк бобо қаршисида юзини ерга қаратди. Не қадар жонингни берма қон қон, жон жон экан. Қанча жонингни жабборга берма бефойда экан. Қонига, она аждодига тортар экан. Қон билан кирган феъли-хўй эса жон билан чиқади.

Малика ҳаётида илк бор хоқон ҳузурида бир оғиз гапирмасдан ўтирди ва бошини эгганча чиқиб кетди.

Уч амир ҳам хижолатда, уларнинг бош малика ила ўша нохуш масала хусусда аҳдлашиб ҳузурига кириши хоқонга маъқул келмаган, амирлар буни олдиндан сезсалар-да, бош маликанинг юз-хотиридан ўтолмагандилар.

Барчадан кўра амир ул-умаро Шайх Нуриддиннинг боши қотган эди. Доимо шундай бўлади. Мулки давлат,

¹Ўтган кечаси кичик малика Тўқалхоним ҳам шу ҳақда гап очган эди.

Нурали ҚОБУЛ

бойлигу тўқчиликдан ўзидан кетган амирзода ва маликалар аҳмоқона ташвиш таҳликалар орттириб юрадилар.

Малика Султонбахтбегимни йўлга соламиз дея амир Боботурку-Алп-Туркаш-билан бирга она сутлари оғзиларидан келган, улуғ амирнинг қаттиқ қаҳри туфайли Сулаймоншоҳга узатиб, аранг қулоқлар тинчиган эди. Энди бу набира муаммоси. Ҳолвани ҳақим ейди, калтакни етим.

Амирлар Шоҳ Малик ва Бурундук билан Кўксарой даҳлизиди хайрлашган Шайх Нуриддин ҳос махфиялардан бирига саройни кўриқловчи юзлик бошлиғи Амиркул Бердини чақиришни буюрди.

– Ҳозироқ бир ўнликни оласан-да, кимсага шовурини чиқармай, амирзода Халил Султоннинг қаерда ва ким билан бирга эканлигини аниқлайсан. У билан бир аёл бирга бўлса, одамларингдан уч-тўрттасини кузатиш учун қолдирда, ўзинг қайтиб келиб менга турумни англат. Имкони бўлса амирзода бирга бўлган аёлнинг кимлигини аниқла. Ёнидаги жувон ҳожи Сайфуддиннинг собиқ тамғаси Шод Мулк бўлмаса, у хонимнинг қаердалигини аниқлашга кириш. Кимнинг изига тушганинг ва не мақсадда ҳаракат этаётганингни кимса билмасин. Улардан илк хабар топишинг билан менга маълум эт. Тушундингми? – сўради Шайх Нуриддин юзбошининг кўзига тик боқиб. – Бирорта ортиқча гап-сўз ташқарига чиқса ёки янглиш ҳаракат содир этилса, ўзингдан кўр! Бошинг билан жавоб берасан!

– Вазифани англадим, амир ул-умаро зоти олийлари! – деди юзбоши чап кўлини кўксига босиб бошини эгаркан.

– Унда ими-жимиди ишга кириш! – буюрди амир.

Бош вазир воқеалар ривожини ва амирзоданинг ўзини тутишига қараб уни улуғ хоқон буюрганидек малика Баён оқ турган қасрда хонабанд ҳолда сақлашни мўлжаллаган эди.

Таҳорат олиб, шом намозини ўқигач, маҳди улё Баён оқанинг қароргоҳи томон жўнади.

Малика канизаклари билан Қуръони карим тиловат қилиб ўтирарди.

– Хоқони акрам зоти олийларидан амр бўлди. Хабарингиз бўлган ҳолат бўйича вазиятга қараб амирзода Халил Султонни қасрингизда бир муддат ушлаб туришга тўғри келар экан, – деди Шайх Нуриддин зиммасидаги бу оғир ва нохуш юмушни бажаришни ҳечам истамаганини билдирган оҳангда.

– Вой ўлмасам! Улуғ ҳазратдан шундай амр бўлдими? – сўради ўнг қўл бармоқларини лабига босиб, бошидан тушиб кетган рўмолини тўғрилар экан малика. – Наҳотки?

– Шундай кўрсатма бўлди, маликам. Бироқ зоти олийлари ҳамон хонабанд этинг дея буйруқ бермадилар. Бу амрни бажаришимиз амирзода авлодимизнинг ўзларини қандай тутишларига боғлиқ. Одамлар кўз ўнгида сархуш ҳолатда ул хонимни хос аравасига солиб тун бўйи шаҳар кездириб юрсалар, амрни бажаришга тўғри келади. Жувон ила кўришмай ўз қароргоҳларида, маликамиз Жаҳон Султонбегим ёнларида тунасалар тегмаймиз. Мабодо амирзода мизни олиб келсак, қолажак ортиқча хонангиз бордир? – сўради бош вазир турумини босиқлик билан англатар экан.

Кутилмаган ташриф ва таклифдан шошиб қолган малика бир муддат амир ул-умарога не даъфи жавоб қайтаришини билмай каловланиб қолди.

– Онам раҳматлининг бир сўзлари бўлар эди, – деди малика хизматчисига ширинликлар ва шарбат келитиришни ишорат этаркан, хонтахтага дастурхон ёзаётган канизак ҳаракатини кузатиб. – Ўша гап ёдимдан кўтарилиб кетган экан. Шод Мулкни илк бор кўрганимда лоп этиб эсимга тушди. Эркак товушли аёлнинг уяти бўлмас, аёл товушли эркакнинг ғайрати бўлмас, дердилар катта келинларидан нолиган пайтларида. Амирзодамиз ақлдан озгудек бўлиб севиб қолган жувон ҳақиқатан ҳам гўзал. Бу гўзалли-

Нурали ҚОБУЛ

гу малоҳат ётоқдан нарига ўтмайди. Бироқ бечора амирзодаимиз билмайдиларки, аёл зотининг ақли кўйлагининг этагида бўлади. Бундай жувон не қадар эркак зотини ўзига жалб этгувчи қиёфага эга бўлмасин, тарбия кўрмаган ва ўқимаганлигидан далолатдир. Оллоҳ раҳматига олган амир ул-умаромизнинг канизаклари унга ўзни эркак зоти олдида қандай тутмоқнинг оддий расм-русумларини ўргатганлар, холос. Бу сижоқ қонли жувон амирзодаимиз бошини балога суқади. Шу чўрини деб хонабанд бўлиб ўтирса-я? Ё Оллоҳим! Бу не кўргилик? Кимсан, улуғ хоқони аъзам ҳазратларининг набираси, бир мамлакатнинг подшоҳи-я! Бу не бедодлик, амирим? – ҳамон ўзига келолмас эди малика Баён оқа.

– Мен ҳам зоти олиялари каби ҳайрону ҳайратдаман, маликам. Амирзода неки ишга қўл урсалар буюк бобо ва буюк биби ила бамаслаҳат, одобу ахлоқ, шариату тариқат қонунқоидалари доирасида қилишлари керак эрди. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳар нарсанинг йўл-йўриғи, чора-тадбири бордир. Амирзодаимиз ҳам барча асилзодалар каби ўз никоҳларига тўрттагача хонимни кирита билишлари ва канизагу жория тутмоқ ҳақ-ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг устига жуфти ҳалоллари ҳам малика ва аммаларининг қизлари, – мулоҳаза билдирди бош вазир.

– Иш амирзоданинг менинг қароргоҳимда хонабанд этилишига етиб бормасину, бироқ хоналар кўп. Ўзингиз кўринг. Маъқул топганингизни ҳозирлаб қўямиз. Амирзоданинг ёлғиз ўзларини олиб келасизми ёки ёнларида маликамиз ҳам бўладиларми? Ё тавбангдан кетай худо! Топган топалоқники, топалоқ япалоқники дегани шу. Аёл зоти пешидан қувмоқнинг оқибат шундай бўлади.

– Ҳарҳолда бир ўзлари бўлсалар керак. Зоти олийларининг амрларини шундай англадим, маликам. Хуллас, бошим қотиб қолди. Ҳозир иккисини топишга одам юбордим. Улардан хабар беқламоқдаман.

Икки намоз ораси малика Баён оқа билан суҳбатлашиб ўтирган Шайх Нуриддин хайрлашиб, қаср ҳовлиси томон йўналди.

Бу нохуш хабардан безовта бўлган малика ҳам амирни кузатиб чиқди. Қаср дарвозаси олдида отлиқлар ғалағовури эшитиларди. Юзбоши Амиркул Берди Адҳам ахтабеги¹ билан гаплашиб турарди.

– Юборган одамим келганга ўхшайди. Мен борай, – деди амир дарвоза томон юраркан. – Бирор янгилик бўлса хабар бераман, маликам. Оллоҳга омонат бўлинг!

Маҳди улё Баён оқа бош ирғади.

– Боришлари мумкин бўлган барча жойларни изладик. Суриштирдик. Дараклари ҳам, излари ҳам йўқ, – деди Берди юзбоши ҳансираб. – Билишимча, улар кимса топа олмас бир ердалар, амир ул-умаро жаноблари.

Боши қотган Шайх Нуриддин қайтиб келиб маликага амирзодани топа олишмаганини айтди.

– Энди нима бўлади? – сўради малика баттар ташвишга тушиб. – Амирзоданинг бир номаҳрам аёл билан қочиб яширин юриши катта уят-ку? Хоқони ақрам ҳазратлари буни эшитсалар не бўлади? Баттар хафа бўлиб, қаҳрлари қўзийди-ку? Ё Оллоҳ! Не кунларга қолдиг-а?

– Ташвишланиб, изтироб чекманг, маликам. Зоти олийлари ҳузурларига чақириб сўрамасалар бугун ҳеч нима демай тураман. Зотан, амирзоданинг эртагаёқ Сайрам томон йўлга чиқишига амр берганлар. Вазиятни англашиб, жўнатиб юборсак хўш-хўш. Бу ташвишдан халос бўламиз. Бироқ топа олмасак, бир ишимиз икки иш, этигимиз кавуш бўлади. Ижозатингиз билан энди мен борай?

– Оллоҳ йўлингизни берсин! Мушкулумизни осон қилсин! – тилак билдирди малика.

¹Ахтабеги – ҳукмдор отларига қаровчиларнинг бошлиғи. Ахтачилар – салтанат йилқиларини боқувчилар.

Нурали ҚОБУЛ

Ўзбоши Амирқул Бердини ёнига олган Шайх Нуриддин гурунглашганча кенжа хоними Ойсулув яшайдиган Бўстонсаройга қайтди.

Кузнинг сўнги ойи бўлса-да, шаҳарда қиш ҳукмронлигини ўрнатиб бўлган, учқунлаб турган қор борган сари кучаяр, отлиғу пиёдалар манзилларига шошар, ҳорғин Самарқанд яна бир совуқ оқшомни қаршиларди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Хотинни бошқаргандан давлатни
бошқарган афзалроқ.*

Гуржи мақоли

Амир ул-умаро бошчилигидаги вазирлар деярли ҳар куни эрталаб улуғ хоқонга салтанатдаги вазият ҳақида ҳисоб беришар; мавжуд муаммоларни муҳокама этишиб, тегишли амри фармонлар олишарди.

Ҳукмдор Кўксаройда қолганида машварат у тўплантилар ҳар куни такрорланар, сафар ва саваш пайтларида хоқоннинг хоҳишига кўра куннинг турли вақтларида, турумга қараб ўтказиларди.

Жадал юриш ва жанг қизиган пайтда кенгаш чонғи¹ тарзида амалга оширилар ва тезкор қарорлар қабул қилинар эди.

Бош вазир ва амирлар Кўксарой кўринишхонаси даҳлизида хоқоннинг чорлашини беклаб, паст овозда гурунглашиб туришарди.

Амир Шайх Нуриддиннинг икки кўзи сарой ҳовлисида бўлиб, тун бўйи мижжа қоқмай амирзодани қидирган ўзбоши Амирқул Бердидан мужда кутарди.

Ниҳоят, арк дарвозасида хансираб югуриб келаётган

¹Чонғи – туркий сўз, от устида ўтказиладиган қисқа кенгаш.

муҳофазлар бошлиғининг елкадор гавдаси кўринди. Хайрият, деди ичида амир кўнгли бироз таскин топиб. Улуғ амирга унинг йўқолиб қолганлигини айтмайди.

Шайх Нуриддин тез одимлаганча юзбоши истиқболига шошди.

– Шаҳарни бошдан-оёқ титиб ўзларини излаётганимизни туйиб, Саидкул Зинбардорни олдимга юборибдилар. Арғуншоҳнинг Шовдордаги боғида эканлар. Саидкул Зинбардор жувонни қуролсозлар маҳалласидаги уйига элтиб қўйибди. Отаси темирчи, онаси босқон босиб, отасига кўмаклашаркан.

– Арғуншоҳнинг боғига одам қўйдингми?

– Ўн суворийни қолдирдим. Амирзоданинг одамлари ва кўрималарига сездирмай ҳаракатларини кузатишни тайинладим, – пешона терини кафтининг орти билан артганча ҳисоб берарди юзбоши.

– Сен кетмай, шу ерда бекла. Мен хоқони ғозий ҳузурларига кириб чиқай. Шунга кўра ишга киришасан, – деди амир саройга қайтаркан.

Амир даҳлизга кириши билан эшик оғаси Шайх Нуриддиннинг бир ўзи учун кўринишхона қопусини очди.

– Не ҳаводислар, Шайх Нуриддинбек? – сўради хоқон кўлидаги китобни ёнига қўяркан. – Шарафиддин Дизакийчин файласуфидан таржималар қилган экан. Шунини берганди, бироз ўқидим ва фикрларидан ҳайратга тушдим.

– Сўнгра берсангиз мен ҳам ўқир эдим, – деди амир қизиқиб.

– Фикрлар орасида қайд этиб чизиб қўйганларимни эътибор билан ўқинг-а, сўнгра баробар муҳокама этамиз. Амирзоданинг иши не бўлди? – муддаога ўтди улуғ амир.

– Кеча кечкурун амирзодамизни топа олганимиз учун фармони олийларини етказа олмадик. Топганимизда кеч бўлган эди. Ҳозироқ ҳузурингиздан чиқиб, бораман.

Нурали ҚОБУЛ

– Қаерда экан у?

– Арғуншоҳнинг Шовдордаги боғида, зоти олийлари.

– У ерда не иши бор экан саёқ авлодимизнинг? Демак, жория ҳам бирга бўлган. Шундайми?

– Шундай, улуғ хоқоним. Одамлари аёлни тонг сабоҳда Қуролсозлар маҳалласидаги уйига элтиб қўйибдилар.

– Амирзода ҳамон йўлга чиқсун! Тошкентга бориб черик йиғсун ва сафарга отлар ҳозирлашга киришсун. Жорияни эса зудлик билан Туман оғонинг қўлига топширинг. Туққанидан сўнг малика боласини олиб қолсинлар ва ўзини бирор қулга эрга бериб юборинг! – қатъий оҳангда буюрди улуғ хоқон. – Давлату салтанатнинг бутун иши қолиб кетиб, суюқоёқлар муаммоси билан машғул бўлиб ўтирсак-а! – Аёлга бошқа жабр-зулм этмасунлар! Оддий хунарманд оиласидан экан. Яна не хабарлар?

– Амри фармон улуғ хоқонимизнингдир! Ашпарадан, амир Оллоҳдоддан чопар келди. Сарҳадларимиз муҳофазаси учун юборилган амирлар Давлат Темур, Илёс Хўжа, Бердибек ва Тангрибердиларнинг қирқ минглик қўшини манзилга етиб борибди. Машқларни бошлаб, фармони олийни бекламоқдалар. Қалъа ва истехкомлар, лашкар учун қишлоқлар ва отхоналар қурилиши юксак ғайрат-лававом этмоқда экан.

– Бу ишларни сўйлаганингиз каби яғийга кўз-кўз қилиб юксак суръатларда олиб бормоқ бизнинг коримизга ярамайди, Шайх Нуриддинбек. Рақибни чалғитиш керак. У бизни эрта-индин босиб келади дея ўйламаслиги лозим. Уларга сўнгги таълимотимизни еткуринг. Қалъа ва истехком қурмоқ ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, душман кўзи учун мол-ҳолларни боқмоқ ва экин-тикин иши билан шуғуллансинлар. Ашпара қалъасининг шундоққина ёнидан Чин сарҳади бошланади. Уларнинг икки кўзи қалъада бўлса керак. Уларни астойдил ҳаракатга келтирмаслик учун шу усулни қўлласак. Сиз не дейсиз?

– Маъқулдир, зоти олийлари, – хоқоннинг фикрига қўшилди амир ул-умаро.

– Яна шуни ҳисобга олмоғимиз керакки, чин сарҳадига етгунимизга қадар қўшинни озуқа билан таъминлашнинг ҳечам иложи йўқ. Қўмондонларимизга шу фармонни етказингим, ҳар бир суворий ёки пиеданинг иккитадан сигири ва ўнтадан соғин эчкиси бўлсин. Йўл-йўлакай сутини ичиб, суддан қолганини сўйиб еб кетаверади. Билхосса муҳтарам қайнатамиз, Мўғулистон подшоҳи Хизр Хожахонга мактуб битиб, совға-саломлар юборайлик. Имконлари қадар экин-тикин ишларини бошласинлар. Бусиз ул ҳудудларда аҳволимиз оғир кечади, – деди улуғ амир қўл ишорати билан қабулхонасидаги амиру мулозимларни ҳузурига чорлашни буюрар экан.

Кўринишхонага амирлар билан биргалиқда хос мунажжим мавлоно Бадриддин ҳам кириб келди.

– Муҳтарам мунажжимимизнинг юлдузлари нелардан башорат этмоқда? – дея мунажжимга қаради хоқон майин табассумда.

– Арши аълодаги барча жисмлар ўз ҳаракатларида давом этиб, хайриятлиғдан далолат бермоқдалар, – дея таъзим бажо этди мунажжим Бадриддин. – Соҳибқирони аъзам ҳазратларининг берган таълимотларига кўра зоижа тузиб, сафар вақтини белгиладик.

– Хўш? Қайси кун ва муддат сафаримиз учун қулай ва омадли эркан?

– Ҳисобимизга кўра ўн биринчи ойнинг йигирма саккизи эрталабдин йўлга чиқилса, иншооллоҳ, юлдузлар жойлашуви ва ҳаракати муваффақиятимиздан башорат бергувчидар!

– Мавлоно Бадриддиннинг фикрларини қувватлаймизми? – амиру вазирларга қаради хоқон.

– Қувватлаймиз!

Нурали ҚОБУЛ

– Маъкул!

– Кунлар совиб кетмасдан тезроқ йўлга чиқиш керак!

– Зоти олийларининг амрларига мунтазирмиз! – овозлар эшитилди.

– Демак, Оллоҳ насиб этса, эртага эрталаб йўлга чиқажакмиз. Ҳозирча олий ўрду учун Оқсулот қасабасини қишлоқ манзили ўлароқ белгиладик. Яратган юзимизни-да, йўлимизни-да оқ этсун! – дея сўнг йиғилишга яқун ясади хоқон. – Лашкар Сайхун соҳили бўйлаб жойлашади!

Улуғ амирнинг боқишидан амир ул-умаро Шайх Нуриддин кўринишхонада қолишини англади.

– Амирзода Халил Султонга еткуринг. Биз билан бирга кетади. Ўйлашимга кўра унинг ўзини жўнатсак, яна эски ишини давом эттиради. Ёнимизда бўлса, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлай олмайди, – амирзодага тегишли сўнгги топшириқни берди хоқон.

Ниҳоят, олий ўрду, унинг ортидан ўғруқ¹ ва асосий кўшин Самарқанддан бурғу ва нағора садолари остида чиқди. Улуғ хоқон маҳоффа²сини мингбоши Абдумалик Қорахон кўмондонлигидаги сонсиз³ кўриқлаб борарди.

Ҳамон қор ёғар, шимол томондан эсаётган этни жунжиқтирувчи совуқ шамол қор учқунларини юзу кўзга урар, шаҳардан чиқмасидан бурун шалаббо бўлган суворийу пиёдалар, от-улов Қорақишлоқ манзилени кўзлаб машаққатла илгариларди.

Қорақишлоқ, Илонўти ва Томлиқдан ўтган лашкар ит азобида Оқсулотга етиб келди.

Юриш режасига кўра қишнинг ярмини Оқсулотда ўтказиш мўлжалланган эди.

¹Ўғруқ – ҳукмдор оиласининг анжомлари юкланган карвон.

²Маҳоффа – тахтиравон. Хоқон, хон ва маликалар юрадиган махсус юмшоқ арава. Унда олис масофага майит ҳам ташишган.

³Сонсиз – Амир Темурнинг минг кишилик шахсий қўшини.

Оқсулотга етиб келган куннинг эртасига амир ул-умаро Шайх Нуриддин олий фармонни эълон этди:

– Қўшунотнинг баронғор ва жавонғорига тайин этилган шаҳзода ва амирлар ўз мавзеларини эгалласунлар! Беклар ва лашкар бошлиқлари қўшунот, туманот, ҳазаражот ва сажотнинг кунлик аҳволидан воқиф бўлиб, ҳушёр турсинлар! Мавжуд турум тўғрисида ҳар куни олий қароргоҳга билги берилсин!

Фармонга биноан амирзодалар Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва Жаҳонгир Мирзолар Олий ўрдуда, буюк боболари ёнида қолдилар. Халил Султон Тошкентга, амирзода Султон Ҳусайн Ясси ва Сабронда қишлаш учун жўнадилар.

– Сиз бугунги кунда ҳаёт-мамот масаласи саналмиш қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш ишида амир Бурундукқа кўмак этасиз, авлодим, – деди хоқон ўнг томонида қўл қовуштириб турган амирзода Улуғбекка. – Бу ишда сизларга мингбоши Қорахон ва юзбоши Турдиқора ёрдамчи бўлсинлар. Неки емак-ичмак бор, тўғри ва тенг тақсимлансин! Кимсанинг ҳақиға хиёнат этилишига йўл қўйилмасин! Кечалари мутолаангизда давом этиб, мавлоно Бадриддиндан ҳисоб ва тақвимдан сабоқ олмоқда давом эта билурсиз!

Ҳаётда илк бор бундай қаҳратон қиш ва совуқни кўрган амирзода Улуғбек қалин жунли пўстин кийган ҳолда бўркини бошига бостириб тери қўлқопини кийиб, озиқ-овқат ва кийим-кечак ортиб келаётган араваларни санаб, тегишли мингликларга жўнатар, уюр-уюр йилқи, пода-пода қорамол, сурув-сурув қўй-эчкилар ҳисоб-китобини қилиб, амир Бурундук Барлосга ёрдам берарди. Қанотлардаги шаҳзодалар ва қўноқлар таъминотини ҳам бек амирзодага топшириб қўйган эди.

Кун бўйи елиб-югурган амирзода кечга бориб толиқар, оқшом емагини еяр-емас ухлаб қолар ва ярим тунда

Нурали ҚОБУЛ

уйғониб кетарди. Мунажожим мавлоно Бадриддин уйғоқ бўлса ёнига бориб суҳбатлашар, бирга ташқарига чиқиб кишнинг мусаффо осмонида аниқ-тиниқ кўринаётган юлдузларни кузатишар, устози унга катта ва кичик айиқ, сомон йўли юлдузлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

Самарқанддан чиққанларидан бери бобосидан ҳайиқиб келаётган Халил Султон энди эркин куш каби озод эди.

Йигирма бир ёшли қирчиллама йигитга қаҳратон кишнинг қирчиллама совуғи таъсир этмас, юраги жаҳонда якто фариштаю малаги, севгилиси Шод Мулкнинг ишқу муҳаббатида ёнар, ўртанарди.

Бир амаллаб уни Туман оқонинг қўлидан қутқариб ёнига келтириб олса бас. Марра уники. Бу ажалнинг ўқидек даҳшатли қаҳратонда ким билан кимнинг иши бор? Шоҳона қора уйда манқалу сандал тафтида хурлиқоси билан ишқу муҳаббат шаробини сипқориб ётаверади. Бу аҳволда ақл бовар қилмас совуқда лашкарнинг тенг ярми бўлмасда, учдан бири нобуд бўладиганга ўхшайди. Ҳеч бир режаю ҳисоб-китобда мўлжали хато кетмаган бобоси мана шу юришда янглишди чоғи. Шундай аёвсиз қишда халифа Носирга қарши курашаман дея йўлга чиққан Муҳаммад Хоразмшоҳ икки юз минглик ўрдусидан ажралган экан. Турон лашкари ҳам шундай бир фалокату бузғунга учрамаса эди. Вазиятнинг кетиши яхши эмас. Ўтган тунда бир кечанинг ўзида ўн етти нафар аскар совуқдан қотиб қолибди. Қўмондонлар қаҳри ғазабидан чўчиб, бу каби ўлим воқеаларини хоқонга етказмаётирлар. Лекин фожиа эртами индин юзага чиқади.

Шоҳона қора уй (ўтов) ичидаги саропардада ароқ ичиб қовурилган той этини еб ўтирган амирзода Халил Султон галдаги косага ички қуяётган Саидқул Зинбардорга тикилганча у бажариши керак бўлган ишни англатарди.

– Оллоҳга шукр, Улуғ бобом Султони ғозий ҳазратлари Шод Мулк билан қовушиб, никоҳимга олишга рухсат этдилар. Энди ўзинг Самарқандга бориб уни олиб келасан Саидкул...

– Йўғ-е, ростданми рухсат этдиларми? – ҳайрон бўлиб сўради Зинбардор.

– Мен ҳам кутмагандим. Кўнгиллари юмшаб, бизга раҳмлари келди шекилли. Одам юборибдилар.

– Муборак бўлсин, улуғ амирзодам! – деди чухрабоши май тўла косани қўшқўллаб узатар экан.

– Бугун кечаси билан ҳозирлигингни кўр-да, йигитлардан йигирматачасини олиб Самарқанд йўлини тут. Қорда йўл очар қисмдан ҳам беш-олтита аскарни ол. Суворий отлари эмас, аравага қўшиладиган кучли отлардан олинлар. Қалин қорда юришга аравага қўшиладиган отлар маъқул. Юкчи отлар қалин қорни кўкраги билан суриб кетаверади. Ичкилардан дадил олинлар. Йигитлар билан еб-ичиб, йўлнинг танобини тортинглар. Керак бўлса отларнинг оғзига ҳам арақ қуйинлар. Ғайрат қилсаларинг ўн кунда бориб қайтасизлар, – вазифани дона-дона қилиб тушунтирарди амирзода. – Мен хонимга хат ёзиб бераман. Уни кимсага кўрсатмайсан, ўзи қўлига тутқазасан. Малика Туман оқога менинг саломимни айтиб, буюк бобомнинг рухсатларига биноан жувонни олиб кетаётганингни шахсан ўзларига айт. Бу ҳақда ҳеч кимга, ҳеч нима демасликларини тайинла. Вазифани англадингми? – жиддий тикилди амирзода мулозимига.

– Англадим, амирзодам?

– Бирорта савол-сўровинг борми?

– Йўқ, амирзодам. Савол-сўровим йўқдур!

– Буюк бобомнинг барча фармонлари барчамиз учун амри вожибдур. Сен эса фақат менга, амирзода Халил Султонга ҳисоб берасан ва унинг амрини бажарасан! Ким

Нурали ҚОБУЛ

булмасин, бошқа ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солма! Сенга сўйлаган сўзим сўз, буюрган ишим ишдир! Бу ҳақда кимсага оғиз очма ва ҳисоб берма! Мабодо кўриб қолсанг, амир Арғуншоҳга мендан салом сўйла! Дуч келмаса, ҳузурига бориб юрма. Хонимни олу, ортга қайт! Бошкентда тунаб қолмоқ ҳақида ўйлама. Самарқанддан анча узоқлашгач, Мўлунғур каби бирорта қишлоқда тунанглар!

Чухрабоши Саидкул Зинбардор бошини ирғаганча амирзоданинг сўзларини диққат билан тингларди. Амирзода ишорат этганда бир коса ароқни симириб, бир парча этни оғзига солгач, сафар ҳозирлигини кўриш учун ўтовни тарк этди.

Бомдод намозидан сўнг ҳузурига кириб, сўрғичланиб, хос муҳри босилган мактубни амирзода қўлидан олганча қаҳратон қиличини қайраган тонг-сахарда йўлга тушди.

Ҳаво совуқ, қиш қаттиқ, манзил йироқ, мушкул оғир эди. Улуғ амир ҳузуридан ҳеч бир киши ёки буйруқ келганини эшитмаган чухрабоши Зинбардор итининг феъли эгасига маълум ёхуд эгасининг феъли итига маълум дегандек, хўжайинининг никоҳ ҳақидаги гапига ишониб-ишонқирамай, от устида тарашадек қотганча Самарқандга кетиб борарди.

ҮН САККИНЧИ БОБ

Эшакнинг хотини бўлма, бўлдинг-ми – эшак юкидан ор қилма.

Форс мақоли

Бош вазир Шайх Нуриддиндан таълимот олган юзбоши Амирқул Берди хос ўнлиги қуршовида шаҳарнинг кун бо-тиш томонидаги Қуролсозлар маҳалласи томон борарди.

Аскару миршаб кўчага чиқдими, бирор кор-ҳол юз беришидан чўчийдиган халойиқ имкон қадар ўзларини улардан четга тортар, кўпчилик суворийларнинг қораси кўриниши билан уй-уйларига уриб кетарди.

Юзбоши кетмону белкурак, ҳокандозу кафтгир, мис лагану қозон ясовчи уста Абдужабборнинг пастқам кулбасини осонгина топди.

Кўчадаги ҳар бир уй эшигининг ёнида дўкон бўлиб, худди ноғора чалаётгандек темирчиларнинг тинимсиз тарақтуруғидан гап-гапга қўшилмас эди.

Уста Абдужаббор рўғзор буюмлари ясар, буюртма бўлганида қиличми, қалқонми, тўрсавету дубулғами ясаб кетаверади. Охирги юриш муносабати билан жуда кўп қилич ва дубулға ясашга тўғри келди. Аранг элликта қилич, қирқта дубулға ясай олди. Қолган буюртмани бажара олмади. Қўшин йўлга чиқди. Яхши ҳақ тўлашди. Гоҳида болғани олиб ишга киришиб кетадиган хотини Заргул астойдил ёрдам берди.

Эр-хотинни бир нарса безовта этарди. Маҳаллада ҳусни чирой, рақсу кўшиқда яккаю ягона қизлари бирор эркакка одам каби тегмай, Ҳожи Сайффиддинга канизак бўлиб кетди. Одамлар канизагу жория, чўрию тамға, сарой атрофида айланишадиган хотин зотига ўзгача кўз билан

Нурали ҚОБУЛ

қарашади. Эски хўжайини вафотидан сўнг бироз қулоқлари тинчиган, қизлари уйга қайтиб келган эди. Мана икки ойдан ошдики, яна бир машмашани бошлаганга ўхшайди. Ярим яширин хос аравада олиб кетиб, келтиришади. Ҳафталаб йўқ бўлиб кетади. Хавотир олган эр-хотиннинг егани ичига тушмайди. Аёли тун бўйи мижжа қоқмай устахона эшигида ҳақ деб қизи йўлини пойлаб ўтириб чиқади. Бугун ҳам тонг-саҳарда аравада ташлаб кетишди. Гумгурс ухлаб ётибди.

Бомдод намозини ўқиб бўлиб, хотини қилган ширгуручни биргалашиб еган уста дўкон эшигини очиб қўйиб, ўчоққа писта кўмир ташлаётган эди.

Кўчани тўлдирган отликларнинг ўз уйи томон келаётганини кўнгли сезди. Кўмирни хумдонга ташлаб, оташкуракни кўмир тўла сават устига қўйиб, эшик томон йўналди. Кўчага чиққанида ўн чоғли суворий уйдан эллик қадам нарида турар, улардан бири отдан тушиб, ўзи томон келарди.

– Ассалому алайкум, уста Абдужаббор ака! – деди суворий чап кўлини кўксига қўйиб. – Яхши ўтирибсизми? Ишларингиз яхшими? – аҳвол сўраган бўлди-бекланмаган суворий.

– Худоба шукур. Бир нави. Ўзларидан сўрасак? Хуш келибдилар, – меҳмонни илиқ қаршилади уста.

– Хизматчилик. Қусурга боқмайсиз. Эрталабдан безовта қилдик, – хижолатомуз сўз қотди юзбоши.

– Ҳечқиси йўқ, укажон. Буюринг, биздан не хизмат? – Икки кўли кўксида эди хонадон соҳибининг. – Ичкарига кинринг!

– Синглимиз уйдаларми?

– Уйдалар, уйдалар, укажон!

– Эрталаб келдиларми?

– Ҳа, тонг-саҳарда келдилар. Ухлаб ётибдилар, чамамда, укажон.

Бу пайтда хотини Заргул ҳам қўрқа-писа етиб келган, ўнг

қўли билан ёқасини ушлаганча дўкондан ҳовлига кириладиган ички эшик олдида турарди.

Юзбоши иссиққина устахонага кирди. Танаси яйраб, кўзи ёришгандек бўлди.

– Заҳмат берганимиз учун узр, уста ака. Бунинг устига бевақт келдик. Хизмат бўлса ҳам, опам синглимизни безовта этиб уйғотсалар. Зарур иш чиқиб қолибди. Ҳеч нимадан хавотир бўлманг. Эсон-омон олиб келиб қўлларингизга топширамиз, – деди юзбоши кафтларини ёниб турган оташга тутаркан. – Хавотир олмангиз. Қизингизнинг бир тола сочи ҳам тўкилмайди. Мен бош вазиримиз Шайх Нуриддин амрлари ила келдим. Юзбоши Амирқул Бердиман.

Бу каби вақти бемаҳал ташрифлардан безиб, юрак олдириб қўйган Заргул пичирлаб дуо ўқиганча ичкарига кириб кетди.

Кўп ўтмай қош-қовоғи шишган, бошини қора шоҳи рўмол билан ўраб олган, фақат икки кўзи кўриниб турган йигирма ёшлар чамасидаги жувонни эргаштириб чиқди.

Усти ёпиқ арава эшик оғзида турарди. Хоним ўтиргач, Туман оғо яшайдиган, Қорадарёнинг кун ботиш соҳилидаги қаср томон юрди.

Туман оғо кутилмаган ярим меҳмон, ярим асира ташрифидан огоҳлантирилган, бу орзу этилмас масъулиятли вазифани қандай бажаражагини ўйлаб, боши қотган эди.

Қаср кўримаси учун яна бир неча кишининг ажратилиши ва қўшимча озиқ-овқатларнинг келтирилиши бу ғавғонинг чигаллиги ва узоқ давом этажагидан далолат берарди.

Малика меҳмонларни қаср киришидаги катта солинда қаршилади. Сарой тартибларини яхши билган Шод Мулк салом берганча югуриб бориб Туман оқанинг ўнг тиззасини кучоқлаб, ихлос билан ўпди.

Жувоннинг бу қадар эпчиллиги ва самимияти олдида шошиб қолган малика солин ўртасида бир аёлга, бир юзбо-

Нурали ҚОБУЛ

шига боққанча ҳайрон бўлиб турарди. Шод Мулк эса энди маликанинг икки оёғидан қучоқлаб олган, кўзидан дувиллаб ёш қуйиларди.

– Туринг, синглим. Ўзингизни кўлга олинг! Ҳомиладорга ўхшайсиз шекилли! Асабийлашиб изтироб чексангиз, ҳомилангизга зиён етади, – деди малика жувоннинг елкасидан тутаркан. – Қизимизни ажратилган хонага элтинглар! – буюрди канизакларига.

Юзбоши маликага таъзим бажо этганча тисланди.

Турум маълум. Амирзоданинг севгилиси хонабанд этилган; ҳомиласини назорат этиб, туғилган бола олиб қолиниб, хотин эрга бериб юборилиши буюрилган эди. Жазо қаттиқ бўлса-да, уни бажармаслик ёки мунозара этмоққа ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас, журъату жасорати етишмас эди.

Улуғ амир бу оғир ва масъулиятли вазифани бир сўзли, жиддий ва қатъий қарорли малика Туман оқога бежизга топширмаган эди. Малика шу пайтгача жуфти ҳалолининг бир сўзини икки қилмаган, амри фармонларини илҳому ихлос, ғайрату эътиқодла муносиб ўринлатиб келарди.

Бироқ зиммасига бундай вазифанинг юкланиши етти ухлаб тушига кирмаган эди.

Марҳум амир ул-умаро Ҳожи Сайфиддин улуғ амирнинг узанги йўлдош дўсти, қадрдони бўлиб, салтанатда ҳоқондан сўнг сўзи кечадиган, барча бирдек ҳисоблашиб, ҳурмат этадиган жозибали шахсият эди. Улуғ амир болалик ва йигитлик дўсти, мулки давлат устунларидан бўлган, яқин кишисининг вафотини қаттиқ олди.

Шод Мулк бош вазир ҳарамда узоқ бўлди. Маликалару сарой аъёнлари тилини, ҳаёт тарзини тезда ўрганиб, мослашиб кетди. У одам айирмай барча билан киришиб бир зумда яқинлашар, ўзидан кичиклар иш буюрса-да бажариб кетаверар, шу туфайли ҳамма уни яхши кўрарди.

Бош вазир вафот этганда унинг шаръий никоҳидан

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

чиққан олти хотини бор эди. Мархум мол-мулки билан боғлиқ қарорларни фақат никоҳдаги тўрт хотин ва улардан туғилган болалар бера олардилар.

Улар ишни амир ул-умаронинг қирқ чоғли жория, канизак ва чўриларини ҳайдашдан бошладилар. Гўзал ва латофатли Шод Мулк биринчилар қаторида қувилди. Унга амирнинг укаси Ўтрор ҳокими Бердибек ҳам оғиз солмоқчи бўлди. Бироқ бу хонадон билан бундан сўнгра яқинлашиб бўлмаслигига ақли етган жувон муносиброқ номзод топилишини кутиб, тайсаллаб юрди. Амирзодага дуч келмаганида, балки унинг жориясига айланармиди, худо билади.

Хусни малоҳатда ягона Шод Мулкнинг ортидан собиқ хўжайинининг қайнисидан тортиб, хос қўримасининг бошлиғига, ўнлаб, аёл деса ўзини томдан ташлайдиган эркаклар умиду илинж-ла югуришди. Қай бири билан гаплашишга ақли шошган жувон аросатда қолганди. Улар таъқибидан қутулиш учун дастлаб касаллигини баҳона қилиб, уйга қамалиб олди. Бироқ жўшқин сарой ҳаётидан кейин уйда ўтириш зерикарли эди.

Шу орада амирзодаларнинг қирқ кунлик тўйи эълон қилинди. У ҳамон ўша, Султония кенгликларида қисқа бўлса-да, нигоҳи тўқнашган амирзодани, Луристон подшоҳини кутарди. Ҳатто бир кечаси узоқ ўйлаб, кўмак сўраш баҳонасида ҳузурига бормоқчи ҳам бўлди.

Бироқ эслаганда кўкрак қафасига сиғмагудек бўлиб урадиган юраги яқин кунларда у билан кўришмоқдан башорат этар, Ўрдабозорда фол очган бир мўлтони унинг маликалик қисматида башорат этганди. У тишини тишига қўйганча ана шу башоратнинг рўёбга чиқишини кутар, уйқусиз кечалари яратганга илтижо қилиб чиқарди...

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Одам қанчалик кучли севса, аҳволи шунчалик қалтис, мағлубият шунчалик яқин келаверади.

ПИСАРЕВ

Ўн уч ёшида амир Сайфиддиннинг қўлига тушган Шод Мулк отаси устахонасида кўмаклашиб юриб, эркак зоти руҳиятини ўрганди. Ўқиш-ёзишни билганлигидан муштарийлар билан ҳисоб-китобни ўзи қиларди. Аксар буюртмачилар эса эркаклар эди.

Қассобнинг қизи тез бўйга етади деганларидек, темирчининг чиройли ва меҳнатсевар қизи ҳам эрта кўзга ташланиб қолди. Қай бир тўю сайлда сарой бекаси Биби Чаманно унинг ўйину ашуласини кўриб қолиб, ёнига чақиртириб олди. Кўп ўтмай унга Хожи Сайфиддин эга чиқди. Бош вазир ҳарамига ўтгач, сайри саёҳат ва ўйин кулгулардан оёғи узилди. Раққосаю созандалар, кўшиқчию лапарчилар маликаси уни амир улумарога ҳадя этган эди. Бунинг эвазига ўзи Кўксаройнинг бош санъаткорига айланган, оёғи қолиб тили билан юрадиган, ақли калтаю тили бир қарич шухратпараст барча созандаю ашулачилар энди унинг оғзига қараб турарди.

Чин юракдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар деганларидек, унинг худога бир айтгани бор экан. Амирзоданинг тантаналар учун пойтахтга келаётганини эшитганда қувончдан қизалоқлар каби ўз хонасида сакради. Юраги ҳамон ишқ ўтида ёнар, туйғулари висол онларининг яқинлигини туя бошлаганди.

Бир кечаси топган-тутганини тугиб яна ўша, эски соябони Биби Чаманнонинг уйига борди. Қизи Биби Таманно билан гурунглашиб ўтирди. Биби Чаманно одатдагидек ярим кечада қайтди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Толиқдим. Сен қизим Биби Таманно билан бирга ётиб ухла. Эрталаб гаплашамиз, – деди сарой бекаси ички ичганлиги боис бўғиқ овозда. – Итдек чарчадим. Бунинг устига қирқ кеча-кундузлик тўйлар бошланаётир – дея гапиринганча ётоғи томон юрди, – энди уйқу нима билмасак керак.

Шод Мулк бекани суяб бориб, оёқларини уқалаганча ётоғига ётқизиб қўйди. Биби Чаманно пешинга яқин уйғонди. Шод Мулк устозининг туришига маставаю қуймоқ, шир:уручу қаймоқларни ҳозирлаб, дастурхонни тузаб ўтирди.

– Мана, Таманно кўрдингми қандай нонушта тайёрлаб, онага қандай хизмат қилишни? Сен ўнга кирар кирмай менга қўшилиб базму зиёфатларга бориш орзусидасан. У ерга борсанг мана бу бечорага ўхшаб, бирорта амирнинг қўлига тушасану, чўрисига айланасан. Уйгинангда тинчгина ўтирган кунларинг тушга айланиб қолади, – қовоқлари шишганча ётоғидан чиқиб келиб қизига танбеҳ берарди она. – Беш-ўн кун бизникида туриб, мана бу қўлини совуқ сувга урмайдиган таннозга емак тайёрлаш, супуриб-сидиришни ўргат, Шод Мулк. Эрта кунда эрига тухум қовуриб ҳам беролмай кетига тепки еб, ёнимга қайтиб келиб ўтирмасин, – патир билан мастава ичганча ҳамон гапирарди хонадон соҳибаси.

– Сиз онам каби инсонсиз. Хизматингизга сочим супурги, қўлим косов. Таманножонни ҳам ҳамма ишга ўргатаман, опажон. Не хизматингиз бўлса тортинмай айтаверинг, – Биби Чаманнонинг яхши қаршилаганидан хурсанд эди Шод Мулк.

– Ўзингнинг ишларинг қалай? Нима қилмоқчисан? Эрга тегасанми ёки бизнинг раққосаларга қўшиласанми? – сўради Биби Таманно эски шогирдининг ташриф мақсадини англаб.

– Эрга тегмоқчиман, опажон. Канизаклик ҳаёти жонимга теккан. Сал қолди амирнинг хотинлари заҳарлаб ўлди-

Нурали ҚОБУЛ

риб юборишларига. Тўрт бора ўлимдан қутулиб қолдим. Эр бермоқ – жон бермоқ дегандек, жория бўлмоқ ҳар куни ўлимни бўйинга олиб яшамоқ экан, опажон. Боши очиқ жувоннинг орқасидан этиқдўздан-итбоқару-отбоқаргача барча бирдек чопаркан. Шу ёшимда дуч келган иту битта тегмайман-ку! Тўйлар ўтгунча ёнингизда юрсам. Аҳдлашганимиз бири келар экан. У билан кўча-кўйда кўришсам айб бўлар. Сизнинг ёнингизда, маликалар орасида мени кўргани маъқул дея ўйладим. Яна сиз не десангиз шу. Ўла-ўлгунча яхшилигингизни унутмайман. Мендан қайтар, иншооллох! Қайтмаса худодан қайтсин! – ёлворди Шод Мулк. – Сиздек маликанинг ёнингизда юрсам менга кўз тиккан дордан қочганлар ҳам бироз узоқроқ юрармидилар. Уйимизни чангини чиқариб юборишди. Ота-онам бечорада ҳам ҳаловат қолмади.

– Тўғри ўйлабсан. Узуму қовуннинг яхшисини ит ейди дегандей, сен каби хурлиқолар қаердаги бир бетайин аскарми, савдогаргами насиб қилади. Сен маликаликка муносиб жувонсан. Манаман деган маликадан қаеринг кам? Ҳожи Сайфиддиндек амир ул-умаронинг жорияси бўлганингда ҳам ўзингдан кетиб, бизга ўхшаганларга муносабатингни ўзгартирмадинг. Тусланмадинг. Ҳар қандай валиаҳду шаҳзода оёғингни ўпиб хотинликка олади. Фақат ўзингни яхши тутиб, дуч келганга боқмай, қисматнинг юлдузли жилвасини бекла. Худодан туя сўрасанг, бия беради. Ҳар неки ташвиш-тахликани, босқию тазйиқни ичга ют. Ютган ютади, – астойдил насиҳат қиларди Биби Чаманно иштаҳа билан нонушта қиларкан. – Мен ҳозир яна саройга кетаман. Сен ўйга қараб, Таманно билан гурунглашиб, айтганларимни қилиб ўтиринглар. Бўлмаса мен кийинай, – деди бироз семирган Биби Чаманно хонтахтага суяниб турар экан.

– Юринг, опажоним. Ўзим сизни кийинтириб қўяйин. Сиздан ўзим айланайин. Борингизга шукур. Сиз азиз опажоним

бўлмасангиз нима қилар эдим, – дея Биби Чаманнони суяб турғазиб, силаб-сийпаб ётоғи томон бирга юрди Шод Мулк.

– Қизинг бўлса, сендай бўлса-да, Шод Мулк. Одамнинг жонисан-а? Қара, қандай чаққон эпчилу ақллисан? Онанг яхши-да сенинг. Онаси ўргатган болалар эпчил, отаси ўргатганлар оқил бўлади ўзи. Отанг бечора ҳам ҳалол, меҳнаткаш бир одам. Эркак зотига аёлнинг ақли эмас, эпчиллиги, уддабуронлиги керак. Эс-ҳуши бутун, оилам, бола-чақам деган яхши хотин қорни ёқиб бўлса ҳам қозон қайнатади. Бироқ тулпорни тентак минганидек, сендек гўзалу ақллиларга кўпинча аҳмоқлар эга чиқади. Шунинг учун эҳтиёт бўл. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма деганларидай танлаб-танлаб тозисига учрама тағин. Узоқ мушоҳада этиб тургину, турнанинг кўзидан ургин. Шунда марра сеники бўлади. Рақибу душманларинг, ҳасадчию кўролмаслар араванг чангида қолиб кетади.

– Сиз не десангиз сўзма-сўз бажараман, опажоним. Керак бўлса, сиз учун жонимни ҳам бераман. Сизнинг яхшилигингиз оқибатида мана шу кунларга етиб келдим, – силаб-сийпалаб ҳарам бекасининг кўнглини оларди Шод Мулк.

– Ёлғиз ўғил ёвдан ёмон, хотини қалмиқдан ёмон дегандай ёлғиз қизим ялмоғиз бўлиб чиқади чоғи, Шод Мулк. Бир ишни ўн бора айтиб, зўрға қилдираман. Айб ўзимда. Бошдан битта болам дея эркалатиб қўйдим. Мана сен ҳам ёлғиз қизсан. Бироқ одамнинг жонисан. Уканг ҳам бор эди шекилли?

– Ҳа, опажон! Укам бор! Отамга кўмаклашади!

– Оллоҳ бағишласин! Дўлобдан кийимларимни ол. Чин ипакли кўйлагим билан ироқи шойи лозимимни ол.

Биби Чаманнони кийинтириб ясантирган Шод Мулк кавушларигача тўғрилаб, айланиб-ўргилиб кузатиб қўйди.

Конибилда тантаналар бошланиши билан Биби Чаманнога соядек эргашиб юрган маликаликка номзоднинг ошиғи

Нурали КОБУЛ

олчи тушди. Ғамзали боқиши билан таъқиб этган ўша машхур амирзодани асир эта олди. Воқеалар у кутганидан ҳам тез ва жўшқин тарзда ривожланди.

Малаксиймонинг меҳри муҳаббати оғушида амирзода самоларга юксалган эди. Бу оламда яккаю ягона шаҳзода севгисига сазовор бўлишдек орзусига етишган малика ишқдан сармаст эди.

Одатда шундай бўлади. Бахтли, омадли онлар кўз очиб-юмгунча тез ўтиб кетади. Мусибатли оғир дамлар эса тошбақа юриш қилиб қийин ва секин ўтади.

Кўп ўтмай бу ўтли муҳаббату севги савдоси салтанатдаги Лайли-Мажнун достонига айланди. Шаҳзода тожу тахтни унутиб, бўлажак маликага боғланиб қолди. Унга етишмоқ, уни расмий никоҳига киритмоқ учун барчага, ҳатто бу хусусда қатъий ва ҳассос бобосига ҳам қарши борди. Муҳаббати ва маликаси учун ҳеч кимдан тап тормади. Мардларча турди.

Бироқ эҳтиёт бўлмаса, чигал вазият ила ҳисоблашмаса, бетакрор малагидан айрилиб қолишини сезди. Бу гирдобдан эсон-омон чиқмоқ учун буюк бибидан, ҳатто она бир акаси, валиаҳд Пирмуҳаммаддан ҳам ёрдам сўради.

Қардошини чин юракдан яхши кўрувчи валиаҳд ётиғи билан бобосига унинг аҳволини англади. Икки севишганга раҳм-шафқат этишни сўради.

Улуғ хоқон валиаҳдга бир муддат тикилиб турди-да, бошини ирғаб қўйди. Ҳаям, йўқ ҳам демади.

Мавжуд тўра ва тузук, ахлоқ таомили бўйича амирзоданинг бобоси тенги, бунинг устига бобосининг дўсти ва сафдоши саналмиш кишининг чўрисини ўз никоҳига киритмоғи сарой ва салтанат учун ҳақорат саналарди. Улуғ хоқон тахтда экан, бу никоҳга олий қози ва шайхулислом ҳам рози бўлмайди.

...Жувон малика Туман оқанинг оёқларини қучганча ёлвориб кўз ёши тўкарди.

– Ҳеч гуноҳим йўқ, маликам! Бир гуноҳим амирзодани севмоқдир! Шуни гуноҳ деб билсалар, ўлимга ҳам розиман! Уларга англатинг, маликам! Бизга раҳмингиз келсин! Бўйимда бор! Амирзоданинг авлодига раҳмингиз келсин! Бир умр қулингиз бўлиб, остонангизни сочларим ила супурай! – титраб-қақшаб йиғларди жувон.

– Ўрнингдан тур! Ўзингни қўлга ол! Бундай аламу изтироб болага ҳам таъсир қилади! Хонага кир! Бироз ўзингга кел! Элимдан неки ёрдам келса берурман! Сени тушунаман! Аёл дардини аёл билади! Бор қани! – онаси каби меҳрибон эди малика.

Канизаклар жувонни суяб олиб кетишди.

Юзларини ювиб бир зумда асл ҳолига келган Шод Мулк икки букилиб таъзим қилганча солинда ўй суриб ўтирган маликанинг ёнига қайтиб чиқди. Тиз чўкканча яна Туман оқанинг оёқларини ўпди.

Шом бўлиб қолган, малика таҳорат қилиб, ибодатга ҳозирланарди.

– Таҳоратга сув ҳозир, маликам, – деди канизаклардан бири келиб.

– Сувларни ўзим ҳозирлаб, хизматингизни ўзим қиламан, маликам, – дея дик этиб ўрnidан турди Шод Мулк. – Остонангизга бош уриб, ёнингизда бўлмоққа етказган эгамга шукр! – маликага пойи-патак бўларди у. – Сиз каби улуғ малика, зоти олийларига хизмат этмоқ ҳар кимга ҳам насиб этмас!

Малика эътироз билдирса-да, у қўярда-қўймай канизакнинг қўлидан обдаста ва сочиқни олиб, ишга киришиб кетди. Малика ечган кўйлагу лозим, жўробу пешбандларни ҳурмат билан олиб, авайлаб тутганча кир ювиш хонаси томон юрди.

Жувоннинг бу қадар оёқ-қўлли самимий ва одамларга меҳрибонлигидан ҳайрон бўлган Туман оқа бежизга Ҳожи

Нурали ҚОБУЛ

Сайфиддиндек киши уни канизакликка олмаган ва Халил Султондек амирзода эс-хушидан айрилгудек даражада севиб қолмаган экан-да, деган ўйда таҳоратхона томон борди.

Жувон келиши билан қасрда саранжому саришталик ортиб, емакларга лаззат кириб қолган, у турли ҳинд ва чин биткиларини солиб, ғоят тотли антиқа таъмли таомлар ҳозирлар эди.

Туман оқа беихтиёр маҳд улё Сароймулкхоним ҳузурда сўхбатлашган новгородлик малика Ольганинг гапираётган аёл уйнинг эмас, емак пишираётган аёл уйнинг бекаси деган сақлаб отасўзини эслади. Бу ёруғ очундаги аёл зоти борки, хону хонзодага, бою бадавлатга эрга тегмоқ жаддида бўлади. Ҳеч бир аёл ақли ҳуши бутун эркакни ахтармайди. Боиси, бу жоҳилият замонида бундай эркаклар анқонинг уруғи. Ўқиган эркак зоти борки, мутаассиб. Аёл билан инсон каби гаплаша олмайди. Имконини топса хотинни кўпайтириб, уларга худою пайғамбар номидан буйруқ бериб, бошини қотиради. Меҳнат қилмай, намозу жаноза ўқиб тирикчилигини ўтказди. Ҳалол-ҳаром ҳақида ваъз айтиб ўзи дуч келган лўқмани кўндалангига ютади. Қай бирини қарама, бўрдоқига боқилган кўчқордай бақалоқ. Аёл бечора эса шу бўрдоқига қарам. Айтганини қилмаса очидан ўлади. «Эшакнинг хотини бўлма, бўлдингми эшак юкидан ор қилма» ақидасига амал қилиб, у билан бир охурдан емиш еб, сув ичмоққа мажбур. Мен ўзимнинг ғамим билан, мулла менинг ғамим билан деган экан бир бечора хотин. Одатда гўзаллар камдан-кам бахтли бўладилар.

Малика солин ойнасидан оппоқ қор билан қопланган ҳовли ва боққа боқиб ўтираркан, ақлидан шу фикрлар кечар, кўз олдидан ўзининг ҳам алғов-далғов ҳаёти, саройда бошидан кечган катта-кичик маломатлар, кундошлар ўртасидаги пинҳона рақобат ўтарди.

Унинг умри ҳам барча маликалар ҳаёти каби кутиш ва амр келганда ит азобида йўл юриш, сайру саёҳат билан кечди. Фақат оддий одамларники каби эр-хотин муносабати йўқ бу ҳаётда. Маликамисан, тамом. Еганинг олдинда, емаганинг кетинда. Ҳушига келса эринг сени ҳузурига чорлайди ёки ёнинга келади. Маликалик мақомининг ўзи сенга буюк илоҳий неъмат. Қорнинг тўқ, қайғунг йўқ. Яратганга шукр қилиб ўтираверасан. Имон деганининг ярми сабр, ярми шукр.

Ишқ-муҳаббат ҳукмронлигини ўрнатган қалбларда фикр-мулоҳаза, мушоҳадаю мулоқотга ўрин қолмайди. Амирзода ила жувон ҳам шу ҳолатда. Жувон амирзода орзу этган гўзаллик сеҳри жозибага эга. Бу латофату малоҳат олдидан у ўзини йўқотиб, тожи тахт, давлату салтанат ташвишини унутган. Бу феъли атвори билан шайтонга ҳам дарс берадиган қиз эса йигитнинг бошини айлантириб, асл мақсади – маликалик маснадига эришиш ниятида. У бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди. Оташли севги тўннинг авраси бўлса, астари нафратдир. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Оламдаги буюк рақобат ва душманликлар доимо экмак ва муҳаббат туфайли келиб чиқади. Битта шу аёлни деб амирзода бутун бошли сарой ва салтанатга қарши майдон ўқимоқда. Қизамиққа ўхшаган бу каби ўлдим-куйдимлар не қадар кеч келса, шу қадар хатарли, оқибати фожиали бўлади. Буларнинг бу қайноқ муҳаббатини эрта келган ҳам, кеч келган ҳам деб бўлмайди. Қолверса, хотин зотига ружу қўйган, аҳли аёлига боғланиб қолган ҳукмдорлар билиб-билмай ҳокимиятни уларга топшириб қўяди.

Қаср айвонидан бошкентга Қорақишлоқ манзилдан келадиган карвон йўли кўриниб турарди. Отнинг узангисига етадиган қорда йигирма чоғли суворий шаҳар томон жадал одимларди. Олий ўрдудан бошкентга чопар келаётгандир, фикр қилди малика бошидан тушиб кетган рўмолини

Нурали ҚОБУЛ

тўғрилар экан. Бундай об-ҳавода йўл юрмоқ ҳам бу дунёнинг азоби бўлса керак. Чопарлар кўпчилик бўлиб юрмас эдилар. Зарур иш билан келаётган амирлардан бўлса керак.

– Маликам, сизни чўмилтириб қўяйми? – Шод Мулкнинг овози эшитилди орқа томондан.

Ўйга толган малика унинг ёнига келиб қолганини сезмаган, ўзи билан ўзи эди.

– Йўғ-е, қизлар ювинтиришади. Сен ўзингга қара. Ҳомилангни асраб-авайла. Ҳар ишга уринаверишингга ҳожат йўқ. Яхшиси, ошчиларга бош-қош бўлиб, бир тўшбарак (чучвара) қилинглар. Бир қозонга шўрва осинглар. Тўшбаракни шўрва билан ичамиз. Гурунглашиб ўтирамыз. Қишнинг чилласида кўчага чиқиб бўлмаса, – деди малика жувоннинг бу қадар меҳрибончилигидан таажжубланиб.

У деярли кун ора маликани қўярда-қўймай қўл ва оёқ тирноқларини тозалаб, сочларини қатиқлаб ювиб, уқалаб, чўмилтириб қўяди. Жон-жигару фарзандинг ҳам бу ишни қилмайди. Бу аёл ҳақиқатан ҳам одамларга меҳрибон, самимий инсон. Ёки бўлмаса, бориб турган сеҳргар. Амирзода никоҳига борадиган йўл охир-оқибат маликалар муюлишидан ўтишини билиб, улар кўнглини олиш учун қилмоқда шекилли бу ғамхўрликларни. Кўча тўла минг киши, ким билан кимнинг иши дегандек, шоҳу гадоё бўлмасин, одам боласини англамоқ мушкул экан.

Малика Шод Мулк билан гаплашиб турарди. Қорадарёдан ўтган суворийлар тўппа-тўғри Туман оқанинг қасри томон келишарди.

Отлиқлар тўдасига кўзи тушган Шод Мулкнинг ҳаяжондан нафаси бўғзига текилиб қолди.

– Рўёларимда кўргандим, маликам! Амирзодамдан мужда келаетир! – деди вужуди титраганча. – Ё қодир эгам, уни ўз паноҳингда асра! Хабар келишини билардим.

Малика ўзини қўярга жой топа олмаётган жувоннинг самога кўтарилмоқчи бўлаётган қуш каби типирчилаб қанот қақаётганига тикилганча қараб қолганди.

Кўп ўтмай дарвоза бекчиси амирзода Халил Султондан Саидкул Зинбардор исмли чопар келиб, малика ҳузурига киришга рухсат сўраётганини айтди.

Бу хабарни эшитган Шод Мулк хўнграб йиғлаб юборди. Кутилмаган чопар ва вазиятдан шошиб қолган малика ҳайрон бўлганча бир дарвозабонга, бир жувонга қарарди.

– Чорла! Кирсун! – деди анчадан сўнг ўрнидан туриб дарвоза томон боқаркан.

Солинга даҳлизда пўстинини ечган, қаҳратонда тарашадек қотиб, зўрға тили калимага келиб салом берган Саидкул Зинбардор кирди. Маликага амирзоданинг дуои саломлини етказди-да, қўйнидан мактубни чиқариб, Шод Мулкга узатди.

– Улуғ хоқонимиз султон ғозий ҳазратлари амирзодамикизга бекамиз ила бирга бўлмоқликка рухсат этибдилар. Шул амри фармонга биноан зоти олияларини олиб кетмоққа келдик, – деди Зинбардор қўли билан қотиб қолган оғзи ва бурнини ишқалаб.

У кафти билан юзини сийпалар экан, нимадир ерга учиб тушди. Чопарнинг юзига қараб турган малика ўнг кафтини оғзига босганча қотиб қолди. Унинг бурнининг ярми узилиб тушиб, карраклари кўриниб қолган эди.

– Вой ўлмасам! Сенга нима қилди? Бурнингни совуққа олдириб қўйибсан-ку! Вой бечора-ей! Энди нима қиласан! Бор ўчоқнинг олдига бироз исиниб ол! Тавбангдан кетай худойима-а! Баҳорнинг қуёши куйдиради, ёзники ёндиради, кузники пиширади, қишнинг қаҳратони қийратади дегани рост экан-а!

Зинбардор узилиб тушган бурни учини қўлига олганча тошдек қотиб қолганди. Сўнгра абгор аҳволда солин бур-

Нурали ҚОБУЛ

чагида ёнаётган ўчоқ томон юрди. Қўли ва юзини чўққа тоблади. Йўлда ҳам ўнта суворийнинг бурун ва кулоқлари узилиб тушган эди. Энди эса ўзиники...

Дераза томонга борган Шод Мулк қўллари қалтираганча мактубни ўқирди.

“Маликам! Омонмисан? Муҳтарама маҳди улё Туман бибимиз ёнларида фароғат ила яшаётганингга ҳеч шак-шубҳам йўқдур! Оллоҳга шукур, ёнимга келмоғингга бобомиз ҳазратларидан изн бўлди! Бибимизга менинг дуои саломим, миннатдорчилигимни етказиб, йўлга чиқа билурсан! Ҳузуримга келаётганингни бибимиз зоти олияларидан бошқа кимсанинг туймоғига лузум йўқдур! Зотан, бошкентда азиз бибимиздан бўлак изн истаяжак кишимиз йўқ! Ҳаво совуқ, шартлар оғир! Ғоят эҳтиёт бўлиб келгин! Омонда бўл! Кўришгунча!”

Йиғламаса-да, унинг кўзларидан ёш қуйиларди. Хатни ўқийсизми дегандек маликага қаради. Туман оқа индамади. Жувон хатни юзларига суртиб, бағрига босди. Сўнгра кўйнига солди.

– Султони ғозий ҳазратларидан изн бўлган бўлса мен не дейман. Амирзодамиз ҳар бир сўз ва ишлари учун жавоб беражак ёш ҳамда мавқедалар, – деди малика ўчоқ бошида изтироб чекаётган чопарга ачинганча қараб-қараб кўяркан.

– Сўра, не замон жўнар экансизлар?

– Ҳозироқ қайтишимиз керак экан, – деди Шод Мулк қайтиб келиб.

– Унда ҳозирлигингни кўр. Эгам йўлингни бериб, бахтингни очсин! – Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор дегандай, бу қаҳратонда қандай етиб оласизлар? – биткин бир аҳволда серрайиб турган чопарнинг турумидан ташвишда эди малика.

Жувон келгандан буён маликанинг тинчлиги бузилган,

қаср атрофида қўрималар кўпайиб, Шод Мулкнинг онаси кунора йиғлаб келар, жувон ҳам дуч келган канизак билан бурчак-бурчақда дийдиёлашиб, ғашига тегарди.

Ўз қиёфаси одамгарчиликдан чиқиб қолган Саидкул Зинбардор яшин тезлигида ҳозир бўлган жувонни эргаштириб, қасрни тарк этди. Охири хайрли тугамаслигини кўнгли сезган малика бу ғавғодан қутулганига қуллуқ қилиб, енгил тортди. Суворийлар тўдаси аввал майда, сўнгра лаппа-лаппа ёғаётган қор қопланган йўлда кўринмай кетгунга қадар солин ойнасидан қараб турди.

Бурнидан айрилиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолган Зинбардор аламдан аъзойи бадани қақшаб, жувон минган отни кузатиб борар, бурни ва қулоғи узилиб тушган суворийлар сўкинишарди.

Тақдирга тан берган чухрабоши Мулунғур¹га етганларида амирзоданинг сўнги гапини эслади. «Ҳар эҳтиётга қарши хонимга эркак либосини кийдириңгиз».

Кеч кириб қолган, осмонда ой кўринмас, отнинг кўкрагидан келадиган қордан бутун теварак-атрофда ҳаёт тўхтаган, фақат суворийлар бораётган йўлдангина юриш мумкин эди.

Улар қасабага киришдаги карвонсаройда тўхтадилар.

Барча бирдек ҳолдан тойган, отлар ҳам адоий тамом бўлган эди.

Шилтаси чиққан абгор йўловчилар орасидаги энг бахтли одам – Шод Мулк карвонсаройнинг ўзи учун ажратилган хонасига кириб суворий кийимини кийди. Буркни бошига бос тирди-да, халоскорлари учун шўрва пиширишга киришиб кетди.

Юришга ҳоли қолмаган бир неча суворий таппа-таппа ташлаганча ўлик каби қотиб ухлашар, очиққан суворийлар

¹Ҳозирги Булунғур ўша пайтда Мулунғур дейилган. Мўғул тилида лойқа дарё демак.

Нурали ҚОБУЛ

эса қотган экмакни ўчоқдаги ўтга тоблаганча кемиришар, бурни ва қулоғи яримта бўлиб қолганлар бир-бирларига қараб кулишарди.

– Куладиган ери йўқ. Бу аҳволда қишлоққа қайтиб боргандан кўра чин савашида ўлиб кетган маъқул, – деди суворий ўнбошиси Қулмон Қиёт ёнчиғидан қулоғининг узилиб тушган бўлагини олиб кўраркан.

– Чўнтагингда сақлаб нима қилдинг бу иқотни! Отиб юбормайсанми? – деди иккинчи суворий Эсиргап Найман.

– Қишлоғимизда Саттор бир қулоқ деган одам бўларди. Овулнинг подасини боқарди. Қишин-ёзин телпак кийиб юрарди. Биз болалар унинг чап қулоғини қайнилари кесиб ташлаган дея эшитгандик ва олдига бориб, у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб, кесилган қулоғини кўришга ҳаракат қилардик. Бироқ у қулоқчинининг боғичини боғлаб олиб кўрсатмас, бизни таёғи билан уриб, ҳайдаб соларди, – суворийлар суҳбатига қўшилди Саидкул Зинбардор. – Охири унинг кесик қулоғини кўришнинг йўлини топдик. Подани ҳайдаб чиққан овлоқ, кимсасиз дараларда бошини шамоллатиб, телпагини қуритар экан бечора. Унинг Қайнардарага келишини кутиб, арчазорда пойлаб ётдик. Саттор бирқулоқ булоқ бошига етиб келиб, Ясситошда ўт ёқиб чой қайнатди. Сўнгра телпагини ечиб тошга қўйди. Шунда биз аҳмоқ болалар бор овозда қийқиришиб кулсак бўладими. Бир изза бўлди бечора. Бир изза бўлдики, ҳали-ҳануз эсласам хижолатдан терга тушаман...

– Шунақа бўлади ўзи, хўжайин. Ҳаётда одам кимнинг устидан кулса, кимни одам ўрнида кўрмаса, шунинг ҳолига тушаркан, – деди ўнбоши Қулмон Қиёт ўзларини този қувган тулкидек қувиб, нафас ростлашга имкон бермай шу аҳволга солган чухрабошидан норози оҳангда.

– Тўғри айтасан. Бировлар устидан кулма, сенинг ҳам устингдан кулгувчилар бор деганлари тўғри чиқди. Саттор

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

бир қулоқ бобога кула-кула Саидқул бурунсизга айландим, оғайни. Энди сен айтганингдек жангдан тирик қолсак ҳам овулга қайтиб бориб бўлмайди. Хайриятки, отамнинг гапига кириб уйланиб қўймаган эканман. Одамлар болаларимни Саидқул бурунсизнинг болалари дейишарди.

– Энди уйланмай ўтасизми, хўжайин? – сўради Эсиргап Найман чўққа қотирмани тобларкан.

– Ҳа, уйланмайман, жўра. Бу турқи тароват билан қай бир қизни хотинликка сўраб бораман?

– Унда ўзингизни ахта қилдириб, бичилган қуллар қаторида маликалар саройида яшасангиз ҳам бўлавереди, – ҳамон қаҳри босилмас эди Қулмон Қиётнинг.

– Ҳаддингдан ошма, ўнбоши. Керак бўлса эртагаёқ ўзингни бичдиртириб, мана шу маликага қулбачча қилдириб қўяман, – аччиғи чиқди Зинбардорнинг.

– Қусурга боқмасинлару, бир қулоқли ахта ҳарам оғасини ҳеч бир малика яқинига йўлатмаганидек, бурунсиз чухрабоши ҳам ҳеч бир амирзодага керак бўлмаслигини ўйлашга ҳали вақтингиз бўлмади шекилли, – яна чақиб олди Қулмон Қиёт.

– Тўғри айтасан, оғайни, – деди дами ичига тушиб чухрабоши. – Ўзим ҳам бу қиёфа билан саройда ўралашмоқ ниятида эмасман.

– Саттор бирқулоқни нега қайнилари қулоғини кесган, хўжайин? Яхшиси, шуни айтиб беринг, – яна орага кирди Эсиргап суворий. – Бу ёғи не бўлса бўлди. Қулоғу бурунларимиз қайта ўсиб чиқмайди.

– Саттор подачи қизга совчи юборган. Бироқ ота-онаси подачига қиз бермаймиз деб совчиларни қайтараверишган. Қизнинг эса Сатторда кўнгли бўлган. Мана сенга деб, қиз билан ваъдалашгану, олиб қочган. Қизнинг тўрт акаси барча ишни йиғиштириб қўйиб, Сатторнинг изига тушишган. Охири уни Нурота тарафда, чўпонлик қилиб юрган дарада

Нурали ҚОБУЛ

топишган. Сингиллари ҳам ёнида, эр-хотин бўлиб яшаётган экан. Сатторнинг оёқ-қўлини боғлаб, куллукланган қўйдек сўйишга ҳозирлайдилар. Икки кичик ука бўғизлаймиз бу аблаҳни деса, икки катта қардош «синглимизни бахтсиз этиб нима қиламиз? Бўлар иш бўлди» дейди. «Шунча гап-сўзу шармандалик, бунинг устига қотилликдан сўнг синглимизни ким олади? Ўзимизни ҳам жазога тортишади» дейишади акалари. Бироқ буни жазосиз қолдирмаслик керак дея икки ука туриб олади. «Жуда қўлинг қичиб, қонсираб турган бўлсанг бир қулоғини кес. Шу тариқа қилган номаъқулчилигига бир умр пушаймон бўлиб ўтади» дея маслаҳат беради энг катта ака. Бу таклиф укаларга маъқул келади. Сатторни кенг дарада додлатиб чап қулоғини кесадилар. Шу тариқа қўш қулоқли Саттор подачи Саттор бирқулоққа айланади. Вафодор Янглиш янга бир қулоқ эрини ташлаб кетмайди. Тўрт ўғил, тўрт қиз туғади. Хуллас, мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўлдинг мендек дегандек, бизлар ҳам бир маликани деб қулоғу бурунларимиздан мосуво бўлиб ўтирибмиз, — дея Саттор-бирқулоқ-ҳикоясини-туғатди-чухрабоши.

Карвонсаройда истироҳат этиб бироз ўзига келган суворийлар навкар либосидаги маликани шамол ва изғириндан тўсганча Дизак йўлини тутдилар.

Кун юриш тарафда қор бўсган Ойқор чўққиси, Туркистон тизмалари чилла уйқусига кетган айиқдек мудрар, шамол-пана ўнгир ва дараларгина қорайиб кўзга ташланарди.

Ҳаёт аталмиш куш уйқуси каби тирикчиликнинг ўзи қисмату қадарнинг ғариб жилвасидир. Одамлар тақдирнинг кўз олувчи бу ишвасига алданиб, ўзларидан кетиб, ўзларини тополмай кунларини кунлайдилар. Ўзларига келиб кўзлари очилгандай бўлганда эса умрнинг бу нозу карашмаси аллақачон юз ўгирган бўлади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Қилган июнатингизга иккилигим сабабидан қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлдим. Менинг ўзбошимчалигим ҳозирги афтода аҳволим боиси бўлди. Бунда биргина ҳаловатни Сизнинг афу этишингизда деб биламан... Борди-ю, кечириладиган бўлсам, бошим итоатдан, оёғим кўрсатилган чизиқдан чиқмайди.

**Тўхтамишхоннинг Амир Темурга
ёзган сўнги мактубидан**

01.1405 йил

Малика Туман оқонинг Шод Мулк муаммосидан қутулиб, энди тинчиб ўтирганининг учинчи куни эди.

Солинда кўзларидан ёш оққан бир аҳволда малика Жаҳон Султонбегим пайдо бўлди. Ҳўнграб йиғлаганча Туман оқо билан қучоқлашиб кўришди.

– Ул мегажинни олиб кетишдими? Никоҳига олгани тўғрими? – сўради кўзи ёшли малика юзига сурилиб кетган сурмани ойнага қараб артар экан. – Бобом ҳазратлари ҳузурларига бориб арз қиламан. Ўлдиртираман у қанжиқни!

– Илк муҳаббат – чин муҳаббат, маликам. Сиз амирзодамизнинг кўз очиб кўрган завжаи муҳтарамасисиз? Бироқ хўжангиз эртами-кеч унгами, бошқа биригами уйланиб, устингизга хотин олиши табиий бир ҳолдир. Бул хусусда ўзингизни ўту чўққа уриб, изтироб чекаверманг. Эркак зотининг кетига жир битдими, иши шундан иборат.

– Итни никоҳига олса-да, розиман! Бироқ ўша, амир Сайфиддиннинг сарқитини эмас! Бугуноқ Оқсулотга жўнайман!

Нурали ҚОБУЛ

– Бундай об-ҳавода йўл юрмоқнинг ўзи бўлмайди, маликам! Менга қолса сабр қилиб, воқеалар интиҳосини кутинг! Вазият ойдинлашгач, шунга қараб ҳаракат этинг! – маслаҳат берди малика босиқ оҳангда. – Усиз ҳам бобонгиз ҳазратларининг ташвишлари бошларидан ошиб ётгандир. Қолаверса, сиҳатлари ҳам илгаригидек эрмас.

– Унда не қилмоғим лозим, маликам? Мен шўрликка маслаҳат беринг? Бошим қотиб қолди, – ҳамон кўзидан ёш оқарди маликанинг.

– Менга қолса чопар юборинг. Не гап-сўзлигининг тагига етинг. Улуғ бобонгиз не десалар шунга кўра ҳаракат этинг! Менинг Амир Соҳибқирон ҳазратлари билан бир ёстиққа бош қўйганимга йигирма саккиз йил бўлди. Қиблагохим амир Мусо менинг сўзимга кирмасанг ҳам, жуфти ҳалолнинг улуғ амирнинг гапларини икки қилма, дер эдилар. Барчамиз зоти олийларининг амри фармонларига бўйсуниб яшаймиз. Қабул этган қарорларини муҳокама этмоққа-да журъат этмаймиз. Бунга сиз малика ҳам амал қилмоғингиз жоиздир, – фикрини баён этди Туман оқа.

– Унда чопар жўнатаман! – деди маликанинг фикри маъқул келиб Жаҳон Султонбегим. – Мен кетдим!

– Шошманг, маликам, ўтиринг. Нафасингизни ростланг. Бу аҳволда бекчию навкарлар кўзига кўринманг. Бироз ўзингизга келиб, қиёфатингизни тузатиб, сўнгра кўчага чиқсангиз маъқул бўлур, – маликанинг билагидан тутиб ёнига ўтказди Туман оқа.

– Кимни чопар этиб юборсам экан-а? – Туман оқанинг юзига термулди малика.

– Биринчидан, улуғ амир ҳазратларига не дея арз этажанингизни чуқур мушоҳада этинг. Кўча-кўйда эшитган гап, миш-мишлар ила зоти олийларини безовта этмоқ сиз каби аспзода маликага ярашмағай. Сўнгра сўйлаяжак сўзингизни мухтасар шаклда мактубга битинг. Чопарнинг мактуб мазмунидан хабари бўлмасин, кимсага содир бўлган воқеа ҳақида

оғиз очманг ва ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандек синингизни бузмай юринг. Унутмангким, маликам, хайрихоҳдан нохайрихоҳ, дўстдан душман кўпдир. Усиз ҳам амирзода ва ул жувон ҳақидаги турли-туман, рости ёлғон гаплар салтанат обрў ва эътибор учун яхши бўлмади. Қизиққонлик қилиб, устига-устак сиз ҳам бир ташвишни бошланг. Бу аёл худди сиз каби амирзоданинг пешонасига битилмиш эрса, қисматдан қочиб қутулиб бўлмас. Ёш эмассиз, жаҳлга эрк берманг. Маъқул десангиз, бориб амир Арғуншоҳга учрашинг. Зоти олийлари бошкентнинг увол-савобини ундан сўрайдилар. Чопарни ҳам ўзи топиб берсин. Барча хатти-ҳаракатларингиз тўра ва тузукка уйғун бўлиши керак. Шундагина буюк бобонгиз сизни тинглайдилар ва ҳимоя этадилар, – насиҳат қилди малика ётиғи билан.

– Тўғри сўзлайдурсиз, маликам! Сўзларингиз юзда-юз ҳақдир! Айнан айтганингизни қилиб, Арғуншоҳнинг олдига борурмен! – деди ўзини босиб олган Жаҳон Султонбегим.

– Ўтиринг. Мен ташрифингиз муносабати билан лаззатли емаклар ҳозирлатай. Антиқа майларимиз ҳам бор. Ҳар замон сиз – азиз ва муҳтарама авлодимизнинг нозик кўнгилларини олмоқ биз учун шарафдир, – дея маликани солин тўридаги шойи кўрпачалар солиниб, шоҳона хонтахта кўйилган бўлма томон бошлади малика.

– Буюк бобомга битажак мактубингиз бўлса ёзиб беринг. Чопар уни ҳам олиб кетади, – деди бегим ўтирар экан.

– Зотан, бир-икки кундан сўнг мен ҳам йўлга чиқаман. Шунинг учун мактубга эҳтиёж йўқ деб ўйлайман. Қолаверса, мактуб ёзсам сизни бу ишга мени рағбатлантирди деган фикрга боришлари мумкин. Бул каби муносабатларда мен холис турмоғим керак. Сўнги сўзни айтмоқ, сўйлаганим каби, фақат улуғ амир ҳазрати олийларига оиддир.

Эртаси куни пешиндан сўнг Кўксаройдан чиққан хос чопар қаҳратон изғиринини қиличдек кесиб, Оқсулот томон учиборди.

Нурали ҚОБУЛ

Чопар олий қароргоҳга етиб келганида амирзода Улуғбек амир Бурундуқ Барлос билан улуғ хоқон қароргоҳи қаршисида Дашти Қипчоқлик қўноқлар Чехра ўғлон, Тоштемир ва Бек Сарик ўғлонлар билан суҳбатлашиб туришарди.

– Эртадан бошлаб Оқсулотдан кўчамиз. Сиз – азиз биродарларимиз ҳам сафар ҳозирлигини кўрингиз! Биздин не кўмак лозим ўлса сўйлангиз? – деди амир Бурундуқ Чехра ўғлонга.

– Англашилди, амирим. Биз саҳро қавми ҳар замон кўчиб-кўнмоққа тайёр турамыз. Хуржунимиз елкамизда, отимиз жилови элимиздадир, – жавоб қилди Тўхтамишхоннинг ўғли ўзларига кўрсатилаётган илиқ ва самимий муносабатдан мамнун оҳангда. – Ҳозироқ черикка амрингизни етказамиз.

– Кўшимча кўшинлар ҳам етиб келаётгандир? – сўради амир Бурундуқ. – Ҳозирча сизнинг лашкарингиз бир туман¹га етмади чамамда.

– Айна дамда черигимиз сони етти минг атрофида, бек жаноблари. Уч минг чоғли суворий етиб келиши керак. Шунда тамға²га етамиз, – кулиб жавоб қилди Чехра ўғлон.

– Зоти олийларининг кўшини тамғага етмаса-да, етганлардан-да буюк³дирсиз, хонзодам. Бизни тўғри тушунинг. Мен кўшиннинг умумий сони ҳақида султони ғозий ҳазратларига ҳисоб бермоғим лозим. Шу нуқтаи назарда сўрадим, бовурим. Ақлингизга бошқа бир фикр келмасун.

– Мен ҳам ҳазиллашдим, амирим. Бу юриш барчамиз, билхосса биз учун ҳаёт-мамот юришидир. Сарой Берка ва Сарой Ботудаги эсини таниб-танимаган қуғулхону⁴ ўғлон⁵

¹Туман – мўғул тилида ўн минг демак.

²Тамға – бир туман, яъни ўн минг аскар берадиган улусга тамға, яъни муҳр тақдим этилиб, битта салтанат вазирлиги лавозими берилган.

³Буюк – бу сўз мўғулча бўлиб, «катта» маъносини англатади.

⁴Қуғулхон – кичик хон, яъни валиаҳд демак.

⁵Ўғлон – мўғулчада шаҳзода, хонзода демак.

борки, буюк ва афсонавий боболари, улуғ қоон Чингизхоннинг бошкентини кўрмоқни ва у ҳудудларни фатҳ этмоқни орзу қилади. Шу туфайли биз ҳам чексиз ҳаяжондамиз. Тунлари мижжа қоқмай савашнинг ҳисоб-китобини қилиб ётибмиз, – кайфияти чоғ эди хонзоданинг.

– Ўтрорга етишимиз билан олампаноҳ сиз – азиз қардош кўноқларимиз шарафларига шоҳона зиёфат тартиб этмоқни амр этдилар. Лутфан зоти олийлари даъватларини барча мусофирларимизга етказсангиз. Сизларни муносиб мусофир этмоқ улуғ амирзодамиз ва камина қулларига юкланган.

– Улуғ хоқон ҳазратларидан Оллоҳ рози бўлсин. Ҳазрати олийларининг марҳамату мурувватлари олдида мудом бошимиз эгик ва қарздормиз.

– Астағфируллоҳ! – деди амир Бурундуқ ўзи ва амирзода Улуғбекка қараб турган қора пўстин кийган бўркли чопар томон боқаркан.

Чопар ҳурмат билдириб, бош эгиб, таъзим қилди. Бек кўл ишораси билан уни ёнига чорлади. Амир ва амирзодага яқинлашган чопар яна бир бор таъзим этиб кўйнидаги мактубни чиқарди.

– Малика Жаҳон Султонбегим зоти олияларидан. Амир Арғуншоҳ улуғ хоқон ҳазратларига етказишимни буюрди.

Хатни кўлига олган амир Бурундуқ хавотирли нигоҳда амирзода Улуғбекка қаради.

– Яна ўша можарою муаммо шекилли, амирзодам. Бирор нохуш воқеа содир бўлмаса маликамиз мактуб битиб, чопар юбормайдилар! – деди амирзодага ташвишли оҳангда.

– Шундайга ўхшайдир. Ҳамон бобом ҳазратларига етказайлик! – деди мирзо Улуғбек мактубни кўлига оларкан.

Амир ва амирзода чингизий ўғлонлар билан хайрлашиб, улуғ хоқон ўтови томон юрдилар.

Нурали ҚОБУЛ

Улуғ хоқон бош вазир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик билан лашкарнинг Сайхундан қандай беталофат ўтказиш ва асосий қўшинни Ўтрор атрофига жойлаштиришни муҳокама этишарди.

Саройпардага кирган амир Бурундуқ Барлос ўнг, Мирзо Улуғбек сўл тарафдаги жойларини олдилар. Улуғ амир сўзида давом этиб, фикрини якунлади.

– Хуллас, шу тариқа келгуси йил рамазон ойи бошига қадар ҳозирликларни тугатиб, Ўтрорда қишлоғни ўтказсак, учинчи ойнинг учинчи куни йўлга чиқсак бўлади. Бунинг учун ота-боболаримиз сўйлаганлари каби уйдаги ҳисоб кўчадагига тўғри келиши керак албатта, – дея сўзини тугатиб амир Бурундуқ ва амирзодага қаради хоқон. – Не ҳаводислар? Ташқаридаги ғала-ғовурга қараганда Самарқанддан чопар келганга ўхшайди, чамамда.

– Шундай, олампаҳо. Самарқанддан, амир Арғуншоҳнинг чопари малика Жаҳон Султонбегимдан зоти олийлари номига мактуб келтирмиш, – деди амир Бурундуқ ўрnidан туриб.

Улуғ хоқон мактубни тутиб турган набирасига қаради.

– Мактубни очиб менга узатинг! – деди хоқон авзойи ўзгариб.

Амирзода зарфни очиб, бобосига элтиб берди.

– Яна ўша икки беномус муаммоси, – деди хоқон қовоғини уйиб мактубни қайтиб амирзодага тутар экан. – Амирзода ўша аёлни Самарқанддан ёнига олиб келтирибди. Бу ишни бизнинг рағбатимиз ила қилинаётганлигини айтибди. Не қадар кечириб, тўғри йўлда юрмоққа йўналтирмайлик, билганидан қолмаётир. Бу аёл охир-оқибатда унинг бошини ейди шекилли. Зудлик билан ўша аёлни топдириб келтиринг! – Шайх Нуриддинга қаради улуғ хоқон. – Бирорта амир етакчилигида тажрибали тавочиларни бу ишга жалб, этинг! Ернинг остида бўлса ҳам топсинлар!

– Амирзода хусусида не фармойиш берасиз? Одамларимиз ул кишимга учрашсинларми? Аёлни сўраб-суриштирмоқ пайтида, табиийки, амирзодага дуч келинади. Шунда қандай ҳаракат этсинлар? – сўради Шайх Нуриддин ғавғонинг янгидан бошланганидан норози оҳангда.

– Амирзода саропарда ва чодирларида тинтув ўтказмоқ ҳақида ҳам ёрлиқ ҳозирлаб, амир Баротбекнинг кўлига тутказинг. Илгариги суриштирувни ҳам шу амиримиз олиб борган эди. Бугуноқ йўлга чиқишсин! – овозини баландлатди хоқон.

Оғир қиш шароитида бундай тезкор вазифаларни бажариш қийин кечар, суворийлар бир ҳисору ёмдан иккинчисига етиб боргунга қадар эна сутлари оғизларидан келарди.

Сабри чидамаган Жаҳон Султонбегим ҳам қаҳратон қиш кўшулларига қарамай йўлга чиққан эди.

Кўзда ёш, бир ҳолу аҳволда улуғ амир қароргоҳига етиб келди. Йиғлаб-сиқтаб, амирзоданинг Шод Мулкни никоҳига олганлигини, Шоҳрухия яқинидаги бир қасабада никоҳ ўқитганини арз этди.

– Бор, ўзингга қараб, истироҳат эт ва бошкентга қайт! Биз ул ножинсни топиб жазолаймиз! – деди хоқон ғазаби кўзиб.

Жаҳон Султонбегим ташрифидан икки кун сўнгра қайтиб келган амир Баротбек ва суворийлари не қадар излашмасин, Шод Мулкни топа олмадилар.

Буни эшитган улуғ хоқоннинг баттар қаҳри кўзиди.

– Бутун вилоят, шаҳар, кўй ва қасабаларга хабар беринг! Уни қайда тутсалар олий қароргоҳга юборсинлар! Итбат-сизлик этса ясоққа етказинглар! Сафар ҳозирлигини кўринг! Эртага сабоҳдан ўтрор йўлига чиқамиз! Амир Бурундук Барлос! Сиз саропардада қолинг!

Амир Бурундукдан бошқа амиру вазирлар саропардани тарк этишди.

– Самарқанддан чиққанимиздан бугунга қадар бўл-

Нурали ҚОБУЛ

ган йўқотишлар ва бу талофатларнинг тақрорланмаслиги ҳақида бир маслаҳатлашиб олсак дегандим, – дея амирдан ҳисоб сўради хоқон.

—Маълумотингизким, зоти олийлари, қишнинг бу қадар эрта ва совуқ келишини ҳеч ким билмаган ва ҳисобга олмагандир. Нафақат одамлар, ҳатто отлар ҳам қаттиқ совуқдан ўлиб қолмоқда. Аскар ўлган отларнинг этини еб, кун кўрмоқда. Минглаб кишиларимизнинг оёқ-қўлини совуқ урган, бурни ва қулоқлари узилиб тушган. Айни фурсатда бу талафотнинг аниқ ҳисобини айтиш қийин. Туманбоши, мингбоши ва юзбошилар кўрқувдан қанча аскари нобуд бўлганлигини аниқ айтмаётир. Бу талафот бир ёнда турсин. Эндиги, энг машаққатли вазифа бир амаллаб Сайхундан эсон-омон ўтиб олмоқдир. Кўприкчиларимиз фикрига кўра дарё юзасидаги музнинг қалинлиги уч вази шаръий¹ келади. Бу қадар қалинликдаги музни тешиб сув олмоқ ҳам бу дунёнинг азоби бўлиб қолди. Арава ва туялар бемалол муз устидан ўтса бўлади демоқдалар. Зоти олийлари учун Ўтрор ҳокимининг қароргоҳини ҳозирлаш учун амир улумаромиз Шайх-Нуриддин-кичик-қардошлари-Бердибекка чопар юбориб, таълимот бердилар.

Самарқанддан Ўтрорга қадар бўлган масофа етмиш олти йиғоч² (250 чақирим атрофида)дан иборат эди. Ҳар куни тинимсиз қор ёғар, туфурган туфук қорга муз бўлиб тушарди. Кўк жади буржидан оғмаган қаҳратон кескир қиличинини қайраганча борлиқ мавжудоднинг додини берарди.

Қўшинни ҳаракатга келтириш, бир амаллаб, қишнинг қолган қисми ўтказиладиган Ўтрорга етиб олиш керак эди. Оғир қиш шароитига қарамай юришга амр бўлди. Жумади ул-охирнинг йигирма биринчи қантар кирган куни (21 декабрь) олий ўрду Оқсулотни тарк этди.

¹Бир газ шаръий – тахминан 49,875 сантиметрга тенг узунлик ўлчови. Ҳар ерда ҳар хил, айрим жойларда 0,71 метрга тенг бўлган.

²Йиғоч – бир йиғоч тахминан уч километрдан ошиқ масофа ўлчови.

Қалин қор отнинг эгаридан келар, қаҳратон қиш ва бетиним ёғаётган қор бутун бошли қўшинни ютиб юборгандек эди. Кундуз куни юриб, кечалари тўхтаб, Оқсулотдан Узунота орқали Суткандга, Қамаршо ва Султоншайх орқали Зарнуқдан ўтиб, Сайхуннинг сўл соҳилига чиқдилар.

Ғажарчиларнинг тафтишидан маълум бўлдики, дарё устидаги музнинг қалинлиги уч газга яқин. Бундай яхлама одамлар суворий, от-арава, мол-ҳолнинг дарёдан ўтишига қулай. Бироқ Сайхунга етиб келгунга қадар кўплаб кишиларнинг оёқ-қўлини совуқ олган, қўшинга тегишли чорванинг бир қисми нобуд бўлган эди.

Олий ўрду ҳам кўприкчилар муз устига ташлаган гилам ва наMATлар устидан эсон-омон ўтиб, йигирма кун деганда Ўтрорга етиб келдилар.

Сайхуннинг ўнг соҳилида Ўтрор ҳоқими Бердибек, Ясси ҳоқими Арслонхўжа тархон ва Туркистоннинг номдор олиму уламолари олий қўшинни беқлардилар.

Ўтрор ҳоқими Бердибек ўз қасрига қўнган улуғ амир ва олий ўрду шарафига катта оқшом зиёфати берди. Ўтрор ҳамда Туркистон беқлари Султон Соҳибқирон ва шаҳзодалар бошидан лаган-лаган олтин, кумуш сочқи сочишди. Елкаларига заррин чопонлар ташлаб, асл тулпорлар тақдим этдилар.

Олий ўрду Бердибекнинг қароргоҳи ва иссиқ қора уйларида кунни бир нави ўтказар, бироқ Ўтрор бўйлаб тарқалган қўшин ғул қисмининг аҳволи оғир эди. Лашкарга емак ва от уловга ем-хашак етишмас, қўшин қўноқлаш учун тушган кўй ва қасабаларнинг аҳволи ундан-да оғир эди. Ўз мол-ҳолига тўплаган ем-хашакни аллақачон суворийлар отига едириб бўлган аҳоли оғир аҳволда қолганди.

Аммо ўрдудаги теурий интизом бўшашмаган, саратоннинг қовурувчи иссиғию қаҳратоннинг қақшатгувчи совуғига ўрганган лашкар бу қийинчиликларга мардонавор бардош берарди.

Нурали ҚОБУЛ

Бироқ аслида аҳвол ҳақиқатан оғирлашган, одамлару чорва моллари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган совуқда тарракдек қотиб ўлиб қолар, уйкудаги каби карахт ҳолда қаҳратонда ҳалок бўлганлар ҳисобини олишнинг ҳам имкони йўқ эди.

Олий қароргоҳ мингликлардан хабар олгани юборган чопар ва тафтишчилар лашкарга бир ҳовуч ун ҳам олиб боролмас, вазият кундан-кун оғирлашиб, очарчилик, қаҳатчилик бошланганди.

Амирзода Халил Султон қўшиннинг бутун увол-савобини Шоҳруҳия ҳокими амир Боботуркнинг зиммасига юклаб қўйиб, қора уйига қамалганча ишқу муҳаббат денгизига калла ташлади.

Лашкар орасидаги норозилик очиқ-ойдин кўрина бошлаган, совуқдан ўтовида тарашадек қотиб қолган ўнликларни кўрган бошқа навкарлар қочмоқ пайига тушган, бироқ найза бўйи қалин қорда қочиб, бирор манзилга етиб бориш ҳам аҳмоқнинг оғзидаги гап эди. Табиийки, унга қадар қўлга тушиб, калла сапчадек-узилмас.

– Аскарлар ҳамма-ҳаммани, ҳатто улуғ хоқонни ҳам тиззаларига муштлаб қарғамокдалар, устоз! – деди амир Боботуркнинг шаҳар ичидаги қароргоҳига кириб келган Эртуғрул Турон. – Қаҳатчилигу очарчилик тизза бўйи. Бу аҳволда қандай Чинга етиб бориш мумкин. Ўша тарафга ўтадиган Қулонбоши довоида қорнинг қалинлиги уч найза бўйи экан. Бу эса юриш бошланиши мўлжалланган учинчи ойнинг бошида ҳам йўлу довон очилмайди деган гап. Айни турумда саваш ҳақида гап ҳам очиб бўлмайди, устоз! – фиғони фалақда эди мингбошининг. – Улуғ хоқоннинг бу аҳволдан хабарлари бормикан? Умуман шу юришу уруш керакмиди бизга? Ражаб Турдиқоранинг айтишича, шу пайтгача Чинни ҳеч ким забт эта олмаган, бундан буён ҳам фатҳ этолмас экан. Чопарлар улуғ амирга асл

ҳолатни айтмаётирлар. Айтмоққа кўрқаётирлар. Бироқ бу юришу урушнинг ҳеч асоссиз ва янглиш эканлиги ҳақида эса юрак ютиб кимса оғиз очмаётир. Бу аҳволда бутун бошли кўшин қирилиб кетади-ку? Амиру вазирлар бирлашиб, бу ҳақда хоқон ҳазратларига айтсалар бўлади-ку! Сиз ҳам шул фикрдасиз, устоз. Биламан. Бироқ саройнинг барча еткили кишилари бир оғиздан бу ҳақда сўйласалар зоти олийлари қулоқ соладилар...

– Бу ишни бошкентда, Самарқандда қилмоқ лозим эди, – шогирдининг гапини бўлди амир Боботурк. – Деворда ҳам қулоқ, шамолда ҳам тил бор. Бироз сокин бўлинг, муҳтарам мингбоши жаноблари. Биламанки, сизнинг ҳар бир масалада ўз аниқ-тиниқ қарашингиз бор. Бу жуда яхшидир. Бироқ сўзингизни эшитган, саройга яқин ҳар қандай киши ушбу фикрни мендан чиққан, ўз сўзини шогирди орқали айттирмоқда дея талқин этиши мумкин. Натижада биз фитначилар гуруҳига айланиб қоламиз. Кечмиш тарихдан маълумки, ҳокимият олий нуқтага етганда ҳар қандай ҳукмдор ҳақман дея ўйлайди. Ва кимсанинг маслаҳатига муҳтожлик туймайди. Ҳатто жўяли фикр мулоҳазангиздан ҳам энсаси қотади. Жуда ақли бўлиб қолибди-ку дея ўйиндан чиқариб юборишади. Бироз сабр қилайлик. Вазиятнинг оғирлашганини кўриб, устознинг ўзлари бу сафардан воз кечарлар балким. Усиз ҳам менинг Анқара тўқнашувига қарши бўлганимдек, Чин юришига-да хайрихоҳ эмаслигим барчага аён баён.

– Одамлар шунинг учун ҳам амир Боботурк саройдан узоқлаштирилди демоқдалар, – гап кўшди мингбоши.

– Бу унчалик тўғри эрмас, дўстим. Кишиларнинг бу каби миш-мишларига эътибор берманг. Устозлар шогирдларни асрамоқ учун ҳам гоҳида ана шундай қиладилар. Улуғ амир зоти олийларининг узангиларида юрганимга қирқ йилдан ошди. Мендан бошқа одамлар, ёшлар ҳам саройда хизмат

Нурали ҚОБУЛ

қилиши, иш ўрганиши керак-ку, ахир? Мансаб, амал дегани эплаганинг муддат амаллаб тургин, сўнгра бировга топширасан деганидир. Эрта бир куни Шоҳруҳия ҳокимлигидан ҳам кетаман. Вазифа деганини кимсага боғлаб бериб қўймаган. Унга кўнгил қўйган, боғланиб қолган киши, одамларга, улусга, юртга меҳр қўя олмайди. Мансабни барчадан ақли ва доно бўлганим учун эгаллаганман дея тушунмай, элнинг бир хизматкориман, керак бўлса кулиман дея англамоқ керак. Акс ҳолда, қандай тасодифий шу амалга келган бўлса шундай тасодифан кетига тепилади. Мен билан сенинг сўнгги ҳадафимиз маълумдир, Эртўғрулбек авлодим. Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари ёнларига бориб, Ойқору Новқа, Боғмозору Ўснат кенгликларини танг қилиб кезиш, қўй боқиб, экин-тикин қилмоқ. Бу ёруғ очундаги бошқа барча тирикчилигу ташвишлар ёлғончи ва ўткинчидир. Киши олтмишни қораламагунча буни чуқур англаб, моҳиятига етмас экан. Англаб етганинда эса тўлқинланиб, тўлиб-тошишини кутган дарёларинг оқиб ўтиб кетган бўларкан! Ҳозир эса сен Ўтрорга жўнайсан. Ҳазинамизда бор дон-дун, эт ва бошқа озиқ-овқатлардан икки аравага ортгин-да, йўлга туш. Молларни амирзода Улуғбекка таслим эт. Улар айни дамда бундай ёрдамга муҳтождирлар. Шунинг-ла баробар олий ўрдудаги вазиятни ҳам ўрганиб келасан. Араваю суворий, чопару пиёда кўп юрганлигидан йўл очиқ ва равон бўлса керак. Бора солиб қайт. Амирзода ила амир Бурундуқ Барпосга мендан алоҳида салом сўйла. Улуғ ҳокон ҳазратлари пешини ўпиб қайт албатта. Ота қадрдони ўлароқ сени кўрсалар хурсанд бўладилар. Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликка учрашиб, не хизмату вазифалар борлигини сўр.

– Англадим, устоз! – деди Эртўғрул Турон бош эгиб таъзим қиларкан.

– Унда соғ-салим бориб қайт! – шогирдини йўлчи этди

амир. – Мени ҳам амирзода Халил Султон Тошкандга, хузурларига чорлабдилар. Бориб келаман. Балки Тошкандгача бирга кетармиз.

Оқсулотда улуғ амирнинг соғлиқ туруми тузукдек эди. Вақти-вақти билан ҳолсизланиб, боши айланар, саропарда ичида ҳаракат этса ҳам толиқар, меъёрдагидан кўпроқ ухлар эди.

Ўтрорга етиб келгач, ҳолати илгаригидек ҳам эмас эди. Шу туфайли Дашти Қипчоқлик ўғлонлар шарафига бериладиган зиёфат қолдирилганди.

Мингбоши Эртўғрул Турон шу базм белгиланган куни Ўтрорга етиб келди. Юзбоши оғайниси Ражаб Турдиқорани топиб, омонатларни амирзода Улуғбек ва амир Бурундуқ Барлосга топширди. Амирзода уни кечки зиёфатга даъват этди.

Бироқ амирзоданинг ҳам, Бурундуқ Барлоснинг-да аҳволи руҳияси илгариги каби эмас, хаёллари паришонроқ эди.

– Зиёфатга қадар мусофирни кўноқ этинг, юзбоши. Кўноқ кўноқдин улуғ, – деди амирзода кўримаси бошлиғи Ражаб Турдиқорага қараб ғамгин табассумда. – Емаклар дадил бўлса биз ҳам борамиз.

Мингбоши ва юзбоши амирзода ва вазирга ҳурматларини билдирганча чекиндилар.

– Амирзодани билмас эканман, – деди Ражаб Турдиқора улар Мирзо Улуғбек ва одамлари жойлашган чодир томон юрар эканлар. – Аскарнинг оғир аҳволини кўриб, одамларнинг бир кунда бир маротаба атала ичганини билиб, рўза тутиб, кунда бир бора емак емоқдалар. Қанчалик қистамайлик, кўнмаётирлар. Одатда эл-улус дея яшаган кишилар шундай бўладилар. Ўзгалар учун ўзларини бахшида эта биладилар.

– Улуғ амирзодамизни яхши билурмен. Ул киши кўнгил одамидирлар. Ҳеч қачон одамларни айириб, кимсага жабр-

Нурали КОБУЛ

зулм этмайдилар. Барчани ҳимоя қиладилар. Ҳар куни табиб Табризий билан бирга бориб, хаста аскарлардан хабар оладилар. Емак-ичмак элтадилар.

– Энг муҳим ва ҳаётӣ масала сурмоқчиман, дустим. Улуғ хоқон ҳазрати олийларининг сиҳатлари жойидами? Биз тарафга узун кулоқ гаплар етиб бормоқда. Амир жаноблари ҳам бундан безовталар? – сўради мингбоши паст овозда атрофга аланглар экан.

Кутилмаган саволдан шошган Турдиқора ўйга толганча жимиб қолди.

– Амирзодамизнинг кайфиятларига қараганда кўнгилдагидек эмасга ўхшайди, биродар. Анчадан бери ташқарига чиқмайдилар. Табиблар ҳам узлуксиз қароргоҳга қатнайдилар. Биласиз, бу ҳақда оғиз очиб бировдан сўрамоқ ножоиз. Кимсага бир нима демоқ ҳам одобдан эмас, – тили зўрға айланиб жавоб қилди юзбоши.

– Оллоҳ шифо берсин! – дуо қилди Эртўғрул руҳи тушган ҳолда. – Демак, барча гап-сўзлар тўғри экан-да? Худо кўрсатмасин у кунни...

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Енгилмоқдан қўрққан енгилар.

Йилдирим БОЯЗИД

Зиёфатдаги асосий қурдан амирзодалар, катта амирлар ва Олтин ўрдалик ўғлонлар жой олган, қолган сарой аъёнлари ва хос мулозимлар чодир ва амир Бердибек уйининг хоналарини эгаллагандилар. Ташқаридаги мўрисида тун чикаётган ўтовлар ҳам одамга тўла, неча кундан бери кутилаётган базм бошланган, ички ичмоққа рухсат этилганди.

Эртўғрул Турон билан Ражаб Турдиқора асосий солинга

туташ даҳлизда, улуғ амир ва бекларнинг қўрима беклари билан бирга эдилар. Хос қўрималар зиёфат давомида ҳам хизматда бўлишар ва ички ичмас эдилар.

Қиш эшиги тор бўлганлиги боис қўноқ ва мезбонлар ҳокимнинг меҳмонхонасига тўпланган, бир неча кўрпачада баландроқ қилиб солиниб супа шаклига келтирилган ўринда улуғ амир ўтирарди. Хоқондан ўнг томонда катта амирлар Шайх Нуриддин, Бурундук, Бердибек, Сарибуға, Шоҳ Малик ва Хожа Юсуфлар жой олишганди. Сўл тарафни эса қўноқлар Чехра, Тоштемир, Тойзи ва Бек Сариқ ўғлонлар эгаллашганди. Даврада амирзодалардан Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва Жаҳонгир мирзолар ҳозир эдилар.

Амирзода Халил Султон ва амирзода Аҳмад баронғор амирлари Худойдод Ҳусайний, Шамсиддин Аббос ва бошқа беклар билан Шоҳруҳия, Тошкент ва Сайрамда қишлашар, амирзода Султон Ҳусайн жавонғорнинг бир қисми билан Ясси ва Сабронда эди.

Мавжуд тартибга кўра чингизий ўғлонлар хоқон билан бўлган машварат ва зиёфатларда сўл томонда, амирзодалардан кейин жой олардилар.

Хоқон бу кенгашларда юриш билан боғлиқ масалаларни бот-бот қатнашчилар муҳокамасига ташлар, иштирокчилар фикрини диққат билан тингларди. Аммо ҳеч кимдан умуман шу сафарга лузум борми? У кимга керак? Бугунги аҳвол давом этса султон Йилдирим Боязид саратонда қўшинини ҳолдан тойдирганидек, биз ҳам ўрдунинг ярми бўлмаса-да, учдан биридан ажралиб қоламиз-ку, демас эди.

Меҳмонхона эшиги очилганда хонага кўзи тушган Эртўғрул хоқонни ҳорғин руҳсиз ва чўккан кайфияту қиёфада кўрди. Унинг юзида илгариги журъату жасорат, нигоҳидаги ўтли боқиш сўнгандек эди.

Хоқон руҳиятидаги бу ҳолат бошқалар каби Эртўғрулга ҳам таъсир қилди. Мудом катта-кичик, барчага илҳом ман-

Нурали ҚОБУЛ

баи, куч-қудрат тимсоли бўлиб юрган афсонавий шахсият атрофини ўраган кишилар қайтиш бандасидек ғамгин ва сокин ўтирарди. Меҳмон ва мезбонлар ўзаро гурунглашар, хоқон даврадошларни тинглаганча кўп гапирмас, аҳён-аҳёнда ички хўплар эди.

Қириму Азоқ тарафларда қочиб-пусиб юрган Тўхтамиш, бўлиб ўтган барча қаттиқ-қуруқ гаплар ва қону жон муждаласини унутиб, иккинчи бор элчи юборди. Биринчи элчиси тўғридан-тўғри хоқон ҳузурига келишга ҳайиқди шекилли амир Боботуркни Мозандарон йўлида беклаб, хоннинг арз-ҳолини етказди.

Энди эса тўрт нафар энг обрўли жўчинажот ўғлонни мактуб билан жўнатибди. Эгилган бошни қилич кесмас. Уни икки бора тахтга ўтқазиб қўйган эди. Майли, Оллоҳ йўл берса яна кўмак этар. Ўзидан кетмаганда у Ўзбакхондан кейин Дашти Қипчоқ тахтида муносиб ва узоқ ўтирган иккинчи хон бўлар эди. Бироқ семизликни фақат қўй кўтара олишини англамади. Боқилган, семиз қўйнинг эса умри узоқ бўлмайди. Яхшилик қилиб ўрганган, меҳр-шафқатли ва марҳаматли одам ва олижаноб ҳукмдор ҳеч қачон бу йўлдан чекинмаслиги керак. Шоҳу шоҳонлик, хону хоқонликнинг сиру синоати ҳам шунда. Дуч келган билан тенг бўлиб, йўлини кесиб ўтганни жазолайдиган майда ҳукмдор охир-оқибатда шу одамлар ҳолига тушади. Халойиқ уни кўнглидаги пинҳоний нафрат-ла олқишлайди. Бироқ ич-ичдан тиззасига муштлаб қарғайди.

– Марҳамат. Қани қўноқларимиздан эшитамиз. Буюринг, – деди хоқон меҳмонларнинг энг улуғи Тоштемир ўғлонга қараб.

Тоштемир ўғлон Тўхтамишхон саройида бир муддат амир ул-умаро ҳам бўлиб хизмат қилган, обрўли беклардан эди.

– Аввалламбор, кўргузган қўноқпарварлигингиздан ба-

ғоят миннатдормиз, султони ғозий ҳазратлари, – деди кўпни кўрган Тоштемир ўғлон. – Гапнинг рости, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалардан сўнг ҳам бизни бу қадар илиқ қаршилашингизни бекламаган эрдик. Бўлиб ўтган нохуш гап-сўзларда фақат хон зоти олийларини айбламоқ инсофдан эрмас. Биз барчамиз хато қилиб, чиқар эшигимизни қаттиқ ёпиб қўйдик. Орамиздаги бир-икки ўжар, дўнғбўйин, тўнғизни тўрам деб кетаверадиғанлар хонни йўлдан оздирди. Оқибатда сигирлар сув ичганда, бузоқлар муз ялаб қолди, хоқон ҳазратлари. Улар бировларнинг қўли билан тикан юлмоқчи бўлдилар. Бироқ бу тикан ханжар бўлиб юракларига санчилди. Ҳозир улар хонни ҳам ўз ҳолига ташлаб, Миср султонининг этагини ўпиб юрибдилар. Хайриятки, Султон Фараж таслимот йўлидан бориб, Турон салтанатига тобеликни бўйнига олди. Акс ҳолда, Турон тулпори Қоҳира сўқоқларининг чангини чиқарганда Дашти Қипчоқдан қочган қочоқлар хатти истиводан¹ ўтиб Этиопея² томон улоқиб кетардилар. Бироқ қаршингизга чиқа олмасдилар. Бу ҳам Оллоҳнинг иноятидир. Биз йўлга чиқар эканмиз, хон ҳазратлари мактубларида таъкидлаганларидек, қилган иноятингизга иккиликим сабабидан қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлдим. Ўзбошимчалигим ҳозирги афтода аҳволим боиси бўлди. Бунда биргина ҳаловатни сизнинг афу этишингизда деб биламан... Борди-ю кечириладиған бўлсам, бошим итоатдан, оёғим кўрсатилган чизикдан чиқмайди дея қайта-қайта таъкидладилар. Ва бу сўзларнинг исботи ўлароқ бизни, билхосса фарзанди аржумандлари Чехра ўғлонни ҳузурингизга юбордилар. Биз, барча чингизий хонзодалар ҳаётимизнинг сўнги дақиқасигача зоти олийларининг ёнларида бўлғаймиз ва умумий яғийга қарши жон-жаҳдимиз-ла савашғаймиз.

¹Хатти истиво – экватор чизиғи. Ер шарининг ўқ чизиғи.

²Этиопия – ўша пайтда Африка шу номда аталган.

Нурали ҚОБУЛ

Сул тарафида, уч амирзодадан кейин утирган Тоштемир ўғлонни эътибор билан эшитган хоқон маъкуллаган оҳангда бош ирғади. Улуғ хоқон амрига кўра меҳмонларга элчи Шарафуддин Дизакий ҳамроҳлик этарди.

– Бугунги суҳбатимиз Самарқандда бошлаган дўстона мулоқотимизнинг давомидир. Утган гапга саловат дея ўнгимизга боқмоғимиз лозимдир. Хон авлодимизнинг чин юракдан самимият ила ёзган мактубларини диққат-ла ўқидим ва аҳволларига ғоят ачиндим. Бироқ айни дамда буни муҳокама этмоқ фойдасиздир. Ўрдумиз ғоят масъулиятли юриш олдида турибди. Сизларнинг ёнимизда бўлмоғингиз бизга айрича куч-қувват бахш этади. Вазиримиз амир Бурундуқ Барлоснинг етказган хабарларига кўра Дашти Қипчоқлашқари ўн мингдан ошибди. Оллоҳ мадади ила Чин сафарини якунлаб юртга қайтгач, Жўчи улусини Тўхтамишхонга қайтариб берармиз. Ул кишим хон, Идикубек эса амир ул-умаро ўлароқ англашиб юртни сўрасалар қандай яхши. Эл-юрт амниятини ўйлаган ҳар икки тараф ёвлашмоқни бас қилиши, қардошнинг қардош қонини тўкмоғига чек кўймоғи керак. Тўхтамишхон ила Идикунинг ёвлашуви ҳар икки тарафни кучсизлантириб, Дашти Қипчоқ давлат ва мамлакатининг оти қоқилишини тўрт кўз ила кутиб ётган сақлаблар ва бошқа яғийлар ишига ярайди. Улуси шарафи ва келажакини ўйлаган, сарой ҳокимияти тепасида турган ҳар қандай ҳукмдор буни ўйламоғи ҳамда ҳаракат этмоғи шартдир. Биз сиз – азиз биродар ва қардошларимизга шунчаки, қорада кўрсам қорним тўқ қабилда боқмаймиз. Ютуқларингиздан суюниб, нуқсонларингиз учун қайғурамыз. Ораларингиздан бирортангиз Дашти Қипчоққа қайтиб, менинг фикрларимни Идику Манғит ва Тўхтамишхонга етказингиз, – дея сўзини мухтасар қилди хоқон.

Улуғ хоқоннинг тўхтаб-тўхтаб, елкаси билан нафас олиб гапиргани йиғилганларнинг назаридан қочмади.

Мусофирлар билан яна бироз ўтирган хоқон узр сўраганча истироҳат хонасига чекинди.

Меҳмонхонадан чиқаркан, Шарафуддин Дизакийга қаради.

– Қўноқларимизни зериктирмаётганингиздан хабарим бор. Суҳбатингиздан бир муддат биз ҳам баҳраманд бўлсак дегандим, элчи жаноблари. Ҳурматли меҳмонларимизни Шайх Нуриддин бошлиқ амирларимизга топширамиз, – дея копу томон юрди хоқон.

Шарафуддин Дизакий улуғ амирга эргашди.

Хоқонни хос хона эшигида энг кенжа малика Чўлпон Малик оқа кутиб олди. Хўжасининг аҳволи кўнгилдагидек бўлмаганлиги боис малика кечаю кундуз бирга эди.

– Биродаримиз Шарафуддунбек бизга чин файласуфининг энг қимматли фикрларидан ўқиб берадилар. Сиз ҳам тингланг, – деди хоқон эгидан тўнани олганча хўжасини суяб тўрдаги қалин кўрпачага ўтқазган хонимига.

– Сиз таржима қилган ва қолдириб кетган матнларни қайта-қайта ўқиб мулоҳаза этдим. Киши қалбини хайрат ва ларзага солгувчи фикрлар. Янги таржималар қилдим деган экансиз. Шулардан бироз ўқиб берсангиз, – деди хоқон узанаркан.

– Бош устига, давлатпаноҳим. Бу ишга астойдил киришиб, анча-бунча таржима этдим. Ижозатингиз ила ўқиб берсам, – дея қўйнидан ўроғлик қоғозни олди Дизакий. – Шу баҳона мен ҳам улуғ файласуф Конг Фу Зини қайта кашф этдим. Мана унинг халқни бошқариш ҳақидаги фикри: хизматга адолатли кишилар танланиб, виждонсиз кишилар четга суриб қўйилса, халқ итоат этади. Хизматга виждонсиз кишилар танланиб, адолатли инсонлар четга суриб қўйилса, халқ ҳокимиятга бўйсунмайди.

Ся сулоласи даврида қарағай дарахти, Ин сулоласи даврида Сарв дарахти, Жоу сулоласи даврида каштан дарах-

Нурали ҚОБУЛ

ти экилган. Каштан дарахтини экишнинг маъноси – оддий халқни қўрқувда ушлаб туриш бўлган. Қилинган ишни қайта кўтарма. Бажарилган ишни қайтаришга ҳаракат этма. Ўтиб кетган ишнинг тагини суриштирма.

Зиёли одам ҳақ йўлни англашга интилса-ю, эски кийим кийиш ва оддий емакларни емоқдан номус қилса, бундайлар билан ҳақ йўл тўғрисида суҳбатлашмоқ бефойда.

Олижаноб инсон ахлоқни соғинади. Ҳақир одам эса она юртини қўмсайди. Олижаноб инсон қонун ва интизомни ўйлайди, ҳақир одам эса хайр-саховатни беклайди.

Доно киши сувни севади. Инсонпарвар киши тоғларни севади. Доно киши ҳаракатда бўлади. Инсонпарвар киши осудалиқда яшайди. Доно кишининг ҳаёти қувончли кечади. Инсонпарвар киши эса узоқ умр кўради.

Орқаворотдан уюштирилган ғийбатлар ва тўғридан-тўғри қилинган бўҳтонлар сенга таъсир этмаса, сени до-нишманд деса бўлади. Бу ғийбату бўҳтонлар ранжитмаса, сени узоқни кўра олувчи одам деса бўлади.

Фозил инсон қабиҳ жамиятдан қочиб, тарки дунё қилади. Кейинги даражали фозил киши яхшироқ бир ерга қочиб кетади. Яна кейинги даражали фозил киши ёқимсиз гап-сўзлардан қочади.

Фақат аёллар ва ҳақир одамлар билангина муомала қилиш мушкул. Яқинлашсанг, такаллуфсизлик қиладилар. Йироқлашсанг, нафратланадилар.

Киши узоқни ўйламаса, яқинидаги бахтсизликка учрайди...

Сўнги таржималарини ўқиб бўлган Шарафиддин Дизакий толиқтирмадимми дегандек улуғ амирга ва маликага бош эгиб таъзим қилди.

-- Кўп яхши фикрлар. Битикларини маликамикизга беринг. Бир неча нусха этиб кўчирсунлар-да амирзода ва бекларимизга тарқатсунлар, – буюрди хоқон. – Сиз эса бул хайрли

таржима ишни давом эттиринг. Элчимиз Шарофуддин Дизакийни танийсизми? – кичик маликадан сўради хоқон.

– Ул кишимнинг Чин сафарлари ҳақида эшитганим бор, – жавоб қилди малика.

– Биродаримизнинг кечмишидаги буюк боболари юртимиз тарихидаги улуғ сиймолардан бўлганлар. Фахриддин ад-Дизакий ал-Бухорий Чингизхон билан Хоразмшоҳни яраштириб, урушнинг олдини олмоқ учун астойдил мужодала этган шахсият бўлганлар. Бироқ ул кишини мўғул элчилари ва чин тужжорлари ила баробар биз бугун ўтирганимиз Ўтрор ҳокими Инолчиқ Қипчоқ мана шу ерда қатл этган. Тарих – сабоқ олинмаса воқеа ва ҳодисаларнинг такрорланишидир. Асл авлодимиз Шарафуддинбек боболари қилган савобли ишларни давом эттириб, салтанатга сидқи садоқат ила хизмат қилмоқдалар. Янги таржималар битганда хабар берасиз, – дея Дизакийга кетмоққа рухсат этди хоқон.

Улуғ хоқон ҳузуридан чиққан Дизакий тўлишган ой ёруғида товланиб кўринаётган чексиз кенгликка тикилганча туриб қолди. «Менинг бобом икки жаҳонгирлик даъвосидаги ҳукмдорнинг сулҳу амниятда яшамоғи учун жонини жабборга берган. Ҳеч бир гуноҳи йўқ мўғул элчилари, чин савдогарлари қатлга етказилган. Бобомнинг сулҳу тинчлик йўлидаги саъйи ҳаракатлари зое кетганлиги маълум ва сабоқ бўларлидир. Шу тарихни била туриб, нега бугун биз Чин сари бормоқдамиз? Қай бир мантиққа тўғри келади бу? Ул халқнинг улуғ файласуфининг инсонпарварлик ҳақидаги ҳикматларидан баҳраманд бўлатуриб, шу улус устига от кўйсак? Бу адолатданми? Энг ёмони, кўпчилик шу фикрда бўлса-да, улуғ хоқонга оғиз очолмаса? Бу тарафда очлик ва қаҳратондан одамларга қирон келган бўлса? Бошда янглиш иш оқибатининг хайр-ла тугашига ким кафолат беради? Бугундан эрта не кори

Нурали ҚОБУЛ

ҳол юз беришига кимсанинг ақли етмайди. Бунинг устига улуғ амирнинг саломатлигидан путур кетганга ўхшайди».

Қаршисида ўзига салом бермоқни беклаб, қўл қовуштириб турган кишиларга кўзи тушган элчининг хаёли тўхтама келди.

Мингбошилар Абдумалик Қорахон ва Эртўғрул Турон ҳамда юзбоши Ражаб Турдиқора ўйга толганча туриб қолган номдор тужжор ва элчининг олдини кесиб ўтолмай хурматини қилиб, қўл қовуштириб туришарди.

– Ваалайкум ассалом, – деди кибор Дизакий қўлини кўксига қўйиб алик оларкан. – Сизларни кўргач, амир Боботуркни кўргандек бўлдим. Ул азиз дўстимизга менинг самимий саломимни еткуринг, Эртўғрулбек! – деди мингбошига қараб. – Бугун-эрта жўнасангиз амир жанобларига еткурингким, олий қароргоҳга бир келиб кетсунлар. Қўнушижак гаплар бор экан денг, – хаёли паришон эди элчининг.

– Эрталаб қайтаман, устоз, ва албатта сўзингизни етказурмен, – жавоб қилди Эртўғрул Турон элчини бундай паришонхотир кўрганликдан ҳайрон бўлиб.

– Соғ-салим етиб олинг! – тилак тилади Дизакий ўтовомон юраркан.

Мингбоши Эртўғрул Турон Шохруҳияга ит азобида етиб келди.

Амир Боботурк қалъа ичидаги хонасида Шоҳи Қаландар билан суҳбатлашиб ўтирарди. Мингбошини кўриб, иккиси ҳам суюнди. Кучоқлашиб кўришдилар.

– Сўйла, олий қароргоҳда не гап-сўзлар? Улуғ хоқон ҳазратларининг сиҳатлари жойидами? Кўриша олдингми? Қўшиннинг аҳволи қалай? – шогирдини саволга тутди амир.

Совуқда қорайиб, тарашадек қотиб қолган мингбоши сандал четига оғир чўкди. Музлаб қолган оёқларини сандал остига тикди.

– Аввало, барча ёру дўстлардан салом. Шароит тақозосига кўра улуғ хоқон зоти олийлари ила кўришмоқ насиб этмади. Аҳвол эса орзу этадиган даражада эрмас. Лашкарнинг туруми хароб. Йўлда ўнларча от ва аскарнинг музлаб қотиб қолган жасадларига кўзим тушди. Менимча, булар қочаётган суворийлар бўлса керак ва бу юришнинг ғоят бевақт замонда бошланганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, – деди ҳаяжондан энтикиб.

– Биз ҳам шу ҳақда гаплашиб ўтирган эдик, – деди амир Боботурк шогирди келтирган нохуш хабардан мутаассир бўлиб.

– Сизга айтдим-ку, амир жаноблари. Бизни буюк бир фожиа кутмоқда. Ишқилиб бу фалокатдан оз талофат ила қутулайлик. Ҳаётимда ҳеч қачон тушларим бу қадар безовта ва алкаш-чалкаш бўлмаган эди, – суҳбатга кўшилди Шоҳи Қаландар. – Улуғ хоқон ҳазратларининг сиҳатлари яхшими?

Мингбоши фикрини қай тарзда баён этмоқни билмай бир муддат каловланди. Суҳбатдошлари унинг оғзига тикилиб туришарди. Улар аллақачон Эртўғрулнинг саросимали ҳолати, нигоҳидаги умидсизликдан турумни англашган ва руҳлари тушиб кетганди.

– Не десам экан? Зоти олийларини узоқроқдан кўрдим. Илгаригидек эмаслар. Дашти Қипчоқлик ўғлонлар шарафига уюштирилган зиёфатда ҳам узоқ ўтира олмадилар. Дизакийни эргаштириб чиқиб кетдилар. Журъат этиб сиҳатлари ҳақида оғиз очиб кимсадан сўрай олмадим. Бироқ амирзода Улуғбекдан тортиб, устоз Дизакийгача, ҳеч кимнинг фикру хаёли ўзида эмасга ўхшайди. Дизакий жаноблари сизнинг бир келиб кетишингизни рижо этдилар.

– Дизакий шундай дедими? – қайта сўради амир.

– Шундай дедилар, устоз.

– Демак, вазият яхши эмас. Улуғ устознинг сиҳатлари

Нурали ҚОБУЛ

жойида эрмас. Ул кишим буни очик-ойдин айта олмай ишорат этганлар, – деди Шоҳи Қаландарга қараб.

– Тўғри, – деди дарвеш мунгли қиёфада амирга боқаркан. – Парвардигор ул-улуғ-зотга-шифолар-бериб, ўз-паноҳида асрасин! Акс ҳолда, не воқеа ва ҳодисалар содир бўлишини тахмин қилиб ҳам бўлмайди.

– Ҳарҳолда мамлакату салтанатни катта бир синов кутаётганга ўхшайди. Ҳамма гап ана шу имтиҳондан муносиб равишда ўта билишда, – деди амир ўйга толиб. – Оллоҳ улуғ устозни ўз паноҳида асрасин! Хоқон ҳазратларининг ўзлари чорламасалар қандай Ўтрорга боришим мумкин? Йўлга чиқадиган бўлсам амирзода Халил Султондан ҳам изн олмоқ керак бўлади. Бу ҳудудларнинг бош кўмондони айни дамда амирзодамиз саналадилар.

– Амирзодамизнинг Ўтрордаги вазиятдан хабарлари бордир? – деди ҳамон ташвишли қиёфада ўтирган мингбоши.

– Не қадар хабарлари борликларини билмаймизу, бироқ бундай хабарларни ҳар ким ҳар хил талқин қилиб ҳаракат этади. Бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқаради дегандек, кимдир жон талвасасида тўлғаниб азоб чекканида, бошқаси шон талвасасида от кўшади. Шоҳи Қаландарбек сўйлаганларидек, катта ўзгаришлар олдида турганга ўхшаймиз. Ишқилиб охири бахайр бўлсин! Амирзода Улуғбекнинг кайфиятлари ҳам яхши эмасдир унда?

– Амирзодамизни ҳам тушкун ҳолатда кўрдим. Лашкарнинг оғир аҳволи, аскарларнинг кунда бир маротаба атала ичганларидан ўзлари ҳам бир бора емак еяётган эмишлар.

– Амирзодамиз қалб ва кўнгил одамидир. Бундай шахсиятлар одатда ўзларини унутиб, ўзгалар ва улус дарди билан яшайдилар ҳамда давлату ҳокимиятни бошқармоқда кўнгилчанлик қилиб, қийинчиликларга дуч келадилар.

– Чора-тадбирларини кўриб юрмасалар, золиму разил

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

кучлар уларни йўлдан олиб ташлайдилар, – амирнинг фикрини маъқуллади Шоҳи Қаландар.

Хонага қабристон сукунати чўкди. Кўнгил душман дегандек, Эртўғрул Туроннинг абгор аҳволи руҳияси суҳбатдошларига ҳам ўтган, бир-бирларига мўлтирашиб қарашганча жим ўтирардилар.

– Кечаси юзбоши Ражаб Турдиқоранинг ўтовида тунадим. Сизларга салом йўллади. Суҳбатимиз давомида бир сўзни айтиб қолди. Шунини сиздан сўрамоқчи эрдим, шоири замон ҳазратлари, – дея мавзуни буриб, Шоҳи Қаландарга боқди мингбоши.

– Буюринг! Билсам бош устига жавоб берурман.

– Дўстимизнинг айтишларига қараганда, шоир сўзи биз билган маънодан ташқари араб тилида ёлғончи маъносини ҳам англатар экан. Эшитиб ҳайрон бўлдим. Шу ҳақда сўрмоқчи эдим?

– Ражаб юзбоши тўғри айтган. Қатор сўзлар бир неча маънони англатгандек, шоир сўзи арабчадан ёлғончи, алдоқчи маъносини ҳам англатади. Шоирлар одатда икки турга бўлинадилар. Бири сўзда шоир, иккинчиси ўзда шоир. Ана шу сўзда шоирларни улар ёлғончилар дея атайдилар. Қуръони каримнинг Шуаро сурасида уларга эргашмангиз дейилганда, ана шулар назарда тутилган, – жавоб қилди Шоҳи Қаландар.

– Унда биз билган ва тан олган ўзда шоирлар ким? – яна сўради мингбоши.

– Мен билганми? Юсуф Хос Ҳожиб, Лutfий, Ҳофиз Шерозий, – жавоб қилди дарвеш.

– Шоҳи Қаландарбек биродаримиз ҳам шулар жумласига киради, – фикрини билдирди амир Боботурк кулимсираб.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Ҳақиқий баҳойимиз устимизга тупроқ тортилгандан сўнг, халойиқ томонидан берилади. Унга қадар бўлган барча олқишу мақтовлар,

Нурали ҚОБУЛ

урҗо-уру кўтар-кўтарлар сиз айтганингиз каби шиторчилик, кўзимиз очиклигида қабримиз устига қўйилган тошдир. Ёлғончи дунё ҳою ҳавасларига учиб, оламга очик кўз, теран идрок билан боқа олмаганлар бунни ҳеч қачон англаб етмайдилар.

– Бу ҳаёт ва ўлим фалсафасидан сўнг бир неча сатр битик тингласакмикан? – деди амир мулозимга емак келтиришга имо этаркан.

Бир коса қимиз ичгулик муддат сукут сақлаган Шоҳи Қаландар бошини қуйи эгганча йиғи оҳангида шеър ўқий бошлади:

Қора қарға умри сендан узундир,
Ҳаёт азал ғам-ташвишу ҳузундир.
Золим йўлин тўсмоқ суннат, лузумдир,
Сўнг нафасгача тик турмоқ сўзимдир.

Тахтга от қўйганнинг тозаси бўлмас,
Ҳоин-умрин-қишу-ёзаси бўлмас.
Қотилликнинг кўпу озаси бўлмас,
Даҳолар даҳодир қазоси бўлмас.

Тасодиф тўпланган бебош оломон,
Авлиё бўлсанг-да қўймас соғ, омон.
Ёмонлар ичида бўлсанг-да ёмон,
Юзинг бурма жоҳил оломон томон.

Эл сени бугун топмас, ярин топар,
Элақдан тушса йўғу боринг топар.
Илму амал, хайрли коринг топар,
Увол-савобинг, оху зоринг топар.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*Оти чиқмаган йигитдан
номи чиққан тепа афзал.*

Оталар сўзи

Олий ўрдунинг юришга отланишига йигирма кунча вақт қолган, бироқ қишнинг қировли кунлари ҳали-бери чекинадиган кўринмас, қўшиннинг туриш-турмушидан барака қочган, ҳамма ўз кўмагига кул тортиш билан овора, ит эгасига боқмас эди.

Ҳижрий саккиз юз еттинчи йил шаъбон ойининг ўнинчи куни (11 февраль 1405 йил) улуғ хоқон бирдан қаттиқ оғриб қолди. Чўлпон Малик оқа зудлик билан табиб Мавлоно Табризийга одам юборди. Табризий шогирдларига дорилар ҳозирлатиб, муолажага киришди.

Табиблар берган дори-дармон беморни бироз ухлатар эди-ю, бироқ тузалишдан дарак йўқ эди. Аҳволи кун сайин оғирлашаётган хоқон Шайх Нуриддинга барча табибларни ҳузурига чорлашни буюрди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, қўшимча дорилар тайёрлаб ичиришди. Аммо фойдаси йўқ эди.

Бемор жон талвасасида ўлим билан олишиб ётар экан, уй мўрисида шифтга улашган чўғдан хонага ўт кетди. Эрининг ёнида ҳақ деб ўтирган Чўлпон Малик оқа ярим кечада қасрни бошига кўтариб амиру хизматчиларни чақирди.

Ўтти ўчириб, беморни бошқа хонага кўчирдилар.

Хасталанганининг тўртинчи куни имо-ишора билан ҳузурига катта амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик, Бердибек, Сари Буғо ва Хожа Юсуф, нақиб, қози аскар ҳамда хонимларини чорлади.

Ўткир кўзлари мудом порлаган Буюк Амирнинг сўник

Нурали КОБУЛ

нигоҳига тикилган хониму амирлар, мулозиму набиралар кўз ёшларини зўрға тийиб туришар, хонада юракни эзгучи сукунат ва айрилиқнинг азобли руҳи кезарди.

Хона шифтига маъносиз тикилиб қолган улуғ хоқон бор кучини тўплаб, сўнги васиятни айтмоққа ҳаракат этарди.

– Умрим биттонга ўхшайдур! Оллоҳ таолонинг инояти марҳамати ила умримиз жаҳонгирлик ила безалган бўлса-да, муаққак унинг ҳам сўнги бордир. Бу кундан кимса қочиб қутулолмас! Сизларни, барчангизни тангри таолонинг лутфу марҳаматига топширдим! Кўз ёши тўкиб, доду фарёд этмангиз! Улуслар бошини қўшмоқ мужодаласи ва жаҳонгирлик даъвосида кўп бечораларга озор ҳам етказдим! Ақинг учун яратган эгам гуноҳимни кечирсун! Бироқ бу ишларни раият рафоҳияти, эл-юрт эмну омонлиги дея қилдим! Жаҳоннинг этагидан золимларнинг таррузлик илкини юлуб ташладим! Билъакс бу дунё менга ҳам вафо қилмади! У сизларга-да вафо этмас! Эл-юрт осойишталиги учун қилинган ишлар қиёмат куни кечирилишидан умидворман! Аждодларимизга қасд-қилиб-келган-улусларга-яғийлик кўзи билан эрмас, раҳми-шафқат, мурувват нигоҳи ила боқинг! Барчангизнинг хабарингиз бўлганидек, фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд қилдук! Турон-тахтини анга тобшурдик! Эмди барчангиз ул хумоюн толъелик шаҳзодага тобеъдурсизлар! Анго тобеълик ва итоаткорлик ҳалқасини бўйинга осиб, хизматкорлик камарини белга боғламоғингиз лозимдур! Ворисим Пирмуҳаммад мирзо ила кўнгил бирлигида ҳаракат этинг! Дил бирлиги, тил бирлигидан устундир. Бул шонли улус, бул тоза наслларни сизга омонат этдим. Сизни Оллоҳга...

Сўнги сўзлари аранг эшитилган хоқон чуқур нафас олганча кўзини юмиб-очди. Бир муддат сукут сақлагач, яна паст сасда гапирди:

– Менинг васиятларимга содиқмиз дея қасам ичингиз!

Улуғ хоқоннинг паст овозда айтган гапини бош тарафида турган Шайх Нуриддин билан Шоҳ Малиқдан ўзга ҳеч ким эшитмади.

Хонадагилар икки амир қаршисида тиз чўқиб қамасёд қила бошладилар. Ҳиндушоҳ хазиначи Қуръон тиловат қиларди. Дуои фотиҳа тугагач, йиғилганлар бошларини қуйи эгганча ўрнларидан туриб ташқарига чиқишди.

Кутилмаган васият ва қасамёддан шошиб, ўзларини йўқотиб қўйган Шайх Нуриддин билан амир Шоҳ Малик останада турганча хаста хоқонга қарашарди.

Мирзо Улуғбек бобосининг оёқ тарафида карахт бир ҳолатда турарди. Хоқон набирасига икки амирни чақиришни ишорат этди. Бироқ ўзи билан ўзи бўлиб қолган амирзода бобонинг сўнгги имосини англамади.

Улуғ хоқоннинг бош тарафида ўтирган маҳди улё Сароймулкхоним, маҳди аъло Туман оқа ва Чўлпон Малик оқалар енгларини оғизларига босганча бири беморнинг пешонасига кафтини босар, бири қўлидан тутар, бири оёғини уқаларди.

Беморнинг не демоқчилигини зийрак Сароймулкхоним тушунди.

– Амирзодам! Бобонгиз сизга чиққан икки амирни чорлашни ишорат этмоқдалар! – деди титроқ овозда.

Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик яна қайтиб кирдилар.

– Менга айтар сўзларингиз борга ўхшайдир! Айта билурсиз! – деди хоқон хирқироқ овозда.

Амирлар тараддудланиб, бир-бирларига қараб қолдилар.

– Амирзодалар Ҳалил Султон билан Султон Ҳусайнни чақирсакмикан, аъло ҳазрат! Валиаҳд хусусидаги сўзларингизни улар ҳам ўз оғзингиздан эшитсалар деган ўйда эдик! – дея арз этди амир Шоҳ Малик. – Ё Оллоҳ, Искандари соний, соҳибқирони муаззам учун жонимиз садақа бўлсин!

Нурали ҚОБУЛ

– Оллоҳим! Султони ғозийнинг азиз жонлари ўрнига меникини олсанг-чи! – деди йиғлаб Шайх Нуриддин.

– Сизга бир эмас, ўн жонимиз фидо бўлсин! – ўкириб йиғларди амир Бурундук Барлос.

Маликалар ва амирзодалар сассиз садосиз хунибийрон бўлиб кўз ёши тўкардилар.

Қаср ҳовлисида, уламолар ва мунажжимлар яшайдиган чодирларда узлуксиз Қуръон тиловат қилинарди.

Кўз ёшларини артганча ташқарига чиққан Шайх Нуриддин мавлоно Убайдуллоҳнинг ўғли мавлоно Ҳайбатуллоҳга ичкарига кириб, Соҳибқироннинг бош томонида ўтирганча тиловат қилишни буюрди.

Шу куни улуғ хоқон чошгоҳдан ярим кечагача ўзига келиб-келмай, ҳушсиз ётди. Қароргоҳда сўз ила тасвирлаб бўлмас кўрқув, ваҳима ва саросима ҳукмрон эди. Тун бўйи оҳиста нафас олганча тинч ухлаб, саҳарга яқин ўзига келгандек бўлди. Нурсиз кўзини хона шифтига, ёнида ҳақ деб ўтирганларга тикканча лаби пичирлади. Маликалар бошларини эгиб хоқоннинг сўнгги сўзларини уқишга уриндилар.

— Мамлақату-раият-рафоҳияти-ҳақида-не-айтган бўлсам ёдда тутингиз! Улус аҳволидан ғофил бўлмангиз! Шамширни қўлда маҳкам тутинг! Рақибу яғийни тутиб турмоқнинг тек йўли шудир! Эрону Туронни эҳтиёт этингиз! Орангизда ихтилоф чиқса, оқибати яхши бўлмас! Фақиру фуқарони жоҳилу золимлар элига топшириб қўйманг! Улусни унутган кунингиз улус ҳам сизни унутади! Мулки давлат соҳиблари оқшом емак емоққа ўтирар экан, ватандошининг ҳам бугун уйига, бола-чақасига бир парча экмак элта билганига ишончи комил бўлмоғи лозимдир...

Бемор яна нимадир демоқчи бўлди. Бироқ ҳоли етмади. Оёқ учида йиғлаб турган набираси Улуғбекка тикилиб қолди. Сўник кўзларидан бир неча ёш томчилари думалаб ёстиққа тушди. Не қадар кўзини очиб одамларга қарамоққа ҳаракат этмасин, бўлмади. Кўзи юмилиб, ҳушидан кетди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Маликалару амирзодалар, амирлару хос қуриқчилар нигоҳидаги сўнги умид учқунлари сўнди...

Мавлоно Ҳайбатулло кўзидан ёш оққанча тиловат қиларди.

Қаттиқ инграган бемор бор кучини тўплаб зўрға яна кўзини ярим очди. Тушунарсиз сўзларни чўзиб айтган гапини бош учида турган маликалар аранг англадилар.

– Шохруҳмирзони бир кўргум бор эди. Афсус кўролмадим. Энда эса фурсат кечди... Барчангизга меҳрим...

Тилдан қолган бемор ярим очиқ кўзларини юмди.

Амирлар хоқоннинг кўзларини очиб, яна сўзлашини беклаб бироз турдилар. Оҳиста нафас олаётган хаста уйқуга кетгандек қайтиб кўзини очмади. Сароймулкхоним амирларга чиқа билурсиз дегандек имо этди.

Эртаси куни эрталаб сарой аъёнлари хоқон ҳузурига одатдаги салом учун кирдилар.

Бемор тилдан қолган, бошида ўтирган уч малиқанинг мунгли нигоҳи ва қиёфасига юз беражак мудҳиш фожианинг акси соя солган эди.

Имом узок дуои фотиҳа ўқиди. Кўз қорачиғи аранг ҳаракатланётган хоқон йиғилганлар узра нигоҳини югуртирарди. Сўнгра шивирлаган сасда нимадир демоқчи бўлди. Бироқ тили тузук-қуруқ қалимага келмади. Не демоғини ҳеч ким тушунмаганини фаҳмлаб, чап қўлини кўтариб, аввал кўрсаткич, сўнгра ўрта бармоғини ёзди. Бироқ ҳеч ким бу ишоратни англамади.

Кун бўйи ўзига келмаган хоқон шом билан хуфтон намози орасида омонатини эгасига топширди.

Буюклик ва ўлим орасидаги жаҳонгир ўзи зир титратган ёруғ дунёни абад-улабад тарк этди.

Умр вафо этмади.

Қарахт ва лол маликалар бир-бирларини қучоқлашиб йиғлашарди.

Нурали ҚОБУЛ

– Сас чиқармангиз. Аъло ҳазратнинг қайтишларини маълум муддат эълон қилмай туришга тўғри келади! Акс ҳолда, худудлар ва қўшинда тўс-тўполон ва бошбошдоқлик бошланиб кетади! — деди майит ётган хонага кириб келган Шайх Нуриддин маликаларга.

Ақл бовар қилмас, кутилмаган айрилиқдан барча саросимада, ҳеч ким бу мусибатга руҳан тайёр эмас эди. Қайғу ва ҳасратдан тун бўйи кимса мижажа қоқмади.

– Ўзаро маслаҳатлашиб олмоғимиз керак, — деди амир Шоҳ Малик билан бирга кириб келга Шайх Нуриддин сўнгги бор улуғ хоқон жасади бошида тўпланишар экан.

Махфий кенгашда Сароймулкхоним, Туман оқа, Чўлпон Малик оқа, амирзодалар Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва Муҳаммад Жаҳонгирлар қатнашарди.

– Амир Шоҳ Малик ила ўзаро маслаҳатлашиб шундай фикрга келдик, маликам! — дея Сароймулкхонимга қаради амир ул-умаро. — Бу мусибатни ҳозирча ҳеч кимга шоён этмасак. Улуғ хоқон наъшларини ўзингиз бошчилигингизда барча маликалар ва амирзодаларимиз амир Хожа Юсуф қавчин бошчилигида кимсага билдирмаган ҳолда бошкентга жўнатсак! Шоқул Апи Дарвешга кўрима бўлинмаси мутасаддиллигини юкласак! — фикрини баён этди бош вазир.

– Қўшиннинг аҳволи не кечади? Юришдан воз кечилади-ми? — сўради бош малика бўғиқ овозда.

– Улуғ амир фармонларига кўра учинчи ойнинг тўртинчи куни йўлга чиқишимиз керак эди. Амирзодаларимиз Иброҳим Султон ва Халил Султонлар етакчилигида юришни давом эттирсак деган фикрдамиз.

– Бош кўмондонидан айрилган қўшин қандай руҳ ва шижоат билан бундай об-ҳавода йўл босиб, кўлига қилич олиб савашади? Усиз ҳам аскарлар қаҳатчилигу қаҳратондан ҳолдан тойган бўлса?

Бу жўяли фикрдан ўзига келгандек бўлган амирлар бир-бирларига қараб қолишди.

– Ўрдуни, қолаверса, бундай катта қўшинни ушлаб туриш, тартиб-интизомни сақлаб туришнинг бирдан-бир йўли уни жанговар ҳолда тутиб, бир мақсад сари йўналтирмоқдир. Акс ҳолда, у тарқалиб кетади! – деди амир Шоҳ Малик соҳиб ихтиёрни қувватлаб. – Шаҳзодалар ичида энг ёши улуғи Халил Султон, бош қўмондонликни зиммаларига олсинлар.

– Билмадим! Унда ўзингиз бу масалани амиру қўмондонлар билан маслаҳатлашиб ҳал этингиз! – деди малика норози оҳангда. – Тожу тахт масаласи нима бўлади? Валиаҳд бошкентга келиб Кўктошга ўтирмайдими?

– Тожу тахт муаммосини Чин юришидан қайтгандан сўнг, Самарқандда қурултой ўтказиб, ҳал қилган маъқулмикан? У тарафда Шоҳруҳмирзо ҳазратлари бор. У зоти олийларининг ҳам олдиларидан ўтиш керак бўлади. Барча ишларни ўз бошимизча ҳал этиб, қарор бераверсак қандай бўлар экан? – деди амир Шоҳ Малик хонадагиларга бир-бир қараб.

– Тўғри. Шоҳруҳмирзонинг сўнг дамда қиблагоҳлари бошида бўлмасликлари ишимизни мушкул этди. Бу хусусларда қарор беришга энг ҳақли зот ул кишидир! – деди бош малика амирнинг фикрига қўшилиб. – Амирзодага зудлик билан хабар етказиш керак! Шароитга қараб иш кўрмоқ лозим! Бироқ бизнинг бу яқин атрофдаги амирзодаларимиз сизнинг қурултойингизни кутиб ўтирадиганлар хилидан эмас, амирим.

– Валиаҳдга хабар берилмайдими? – гапга аралашди амирзода Иброҳим Султон гап-сўзлардан ҳайрон бўлиб.

– Ҳаммага хабар етказилади, амирзодам! Бироқ вақти-соати билан ва фақат ишончли кишилар орқали! Қолаверса, ёмон хабар ҳар қандай яхши муждадан кўра тез тарқалади! Ҳаммасига улгураимиз! – жавоб қилди амир Шайх Нуриддин.

Нурали ҚОБУЛ

Тик турганча қўнишаётган малика ва амирларнинг хаёли жойида эмасди. Бир-бирларига умиду илинж ила боқишар, номаълум эрта кун ва келажак барчасини саросимага солиб қўйганди.

Бош малика амир ул-умаро ва Шоҳ Маликнинг гап-сўзларидан кеча барчани тиз чўктириб қасам ичирганларини, бироқ ўзлари онт ичмаганларини эсладию, масаланинг моҳиятини англади. Ёки қасам ичишганини ўзи билан ўзи бўлиб, кўрмай қолдими? Ҳар иккисининг ҳам кўнгли амирзода Шоҳруҳда. Демак, бу ерда бир гап бор, тараддудланди малика. Амирзодалар Халил Султон ва Султон Ҳусайнга хабар юбормоқ ҳақида ҳам оғиз очмаётирлар. Бир ўйлаган режалари бор кўринади. Балки тўғри қилаётгандирлар.

– Тошкентдаги Халил Султон ва Яссиддаги Султон Ҳусайнларга қандай хабар етказилади? – сўради малика ташвишли қиёфада Ҳиндушоҳ хазиначини ёнига чақиртирган Шайх Нуриддиндан.

– Амирзодаларга улуг ҳоқон ҳазратлари оғир бетоблар, кўнган-мавзенгиз ва кўшин бошида муқим туринг деган хабарни етказамиз, – жавоб қилди Шайх Нуриддин.

– Шоҳруҳмирзо ҳузурларига Шайх Темур қавчинни юборамиз ва бўлган воқеани айтамыз.

– Улар бизни янглиш англамасмиканлар? – ҳайрон бўлди малика. – Ҳар икки амирзода ҳам шундоққина йўлимиз устида. Барибир эшитадилар-ку?

– Бизга кўра вазият шуни тақозо этади, зоти олиялари. Бугундан эрта не ҳолат юз беришини ҳеч ким башорат этолмайди. Бу хусусда бошқа фикрда бўлсангиз, сўйланг. Маслаҳатлашайлик. Бу мусибат барчамизни шошириб, ақлимизни бошимиздан учирди. Бундай қалтис ва нозик даму дақиқаларда хато қилмоқдин ўзи асрасин. Бир кичик эҳтиётсиз гап-сўз ёхуд ҳаракат туфайли воқеалар оқими тескари томон бурилиб кетиши ҳеч гап эмас.

– Тўғри айтасиз, – деди Сароймулхоним бош вазирнинг фикрини қувватлаб. – Бироқ тилга олган икки амирзодамиздан бекланмаган хатти-ҳаракатларини кутмоқ ҳам мумкин. Уларнинг феълини мендан кам билмасангиз керак, – гумонсираганини яширмади малика.

– Биз ҳам шундан ташвишланмоқдамиз. Ёнимизда уч нафар амирзода. Тошкенту Яссида яна иккиси. Орада салтанат ғавғоси чиқиб кетиши ҳеч гап эрмас.

– Ҳақлисиз, амир жаноблари. Фикрингизга қўшиламан. Энди вақтни ўтказмай майитни сувга олиш керак.

– Мен ўзим суяб тураман. Ҳиндушоҳ ювади, – деди амир Шоҳ Малик йиғламсираб.

Малика кўзидан ёш оққанча маъқуллаб, бош ирғади. Нигоҳи хона бўйлаб айланар экан, беихтиёр кўзи хонтахта устида турган, сўнги бор хоқон ярим бурда қотган нон еб, ярим коса қуртава ичган косага тушди.

Инсон зотига бу ёруғ оламда яшамоғи учун кўп нарса керак эмас аслида. Кўп емак емайдиган хоқон эрталаблари бир парча қотган нон билан бир коса сутга озгина асал солиб ичарди-да пешинга қадар юраверарди. Етти иқлимни фатҳ этган жаҳонгирнинг ҳам, тоғдаги чўпоннинг-да қопдек қорни, енгдек ичаги йўқ.

Мана, барча-барчаси ордона қолди энди. Бу тахту салтанатга, бу мулку давлатга ким эга чиқади, ёлғиз яратганга аён. Энди ҳеч бир нарса илгаригиси каби шоҳона, шаънишавкат-ла кетмайди. Маликаю амирзода, беку вазир бўлсин. Мавқе ва маснади ўзгаради. Бошлар оёқ, оёқлар бош бўлиши мумкин. Ҳаёт дегани шундай. Чидаганга чиқарган.

Хоқонни жон таслим этган хонадаги обрезада ювдилар. Сўнгра уни замзам сувига ботириб олинган, дуолар ёзилган кафанга ўрадилар ва тобутга солдилар.

– Энди йўлга чиқилса бўлади! – деди амир Шоҳ Малик маликалар ёнига келиб. – Маҳоффа ҳам ҳозир!

Нурали ҚОБУЛ

Маликалар ва амирзодалар ҳаётидаги энг мусибатли, ҳамда машаққатли сафар эди бу. Улар вужудини қоплаган совуқ айрилиқ туйғуси борлиқни ўз исканжасига олган даҳшатли қаҳратонга уйғун эди.

Амир ул-умаро, вазирлар ва маликалардан тегишли таълимотни олган Шайх Темур қавчин Хуросон пойтахти Ҳирот томон от кўйди.

Соҳибхабар Алп Туркаш Қандаҳар йўлини тутди.

Одамлар бахту бахтсизлик, шоҳу ила гадолик орасидаги бир қадамлик масофада елиб-югуришар, вақт тўхтаб қолгандек эди.

Буюклигу шон-шараф, абадияту жаҳонгирлик орасидаги хоқонлар хоқони, султонлар султони, инсонлар инсони тана тупроғини она тупроққа топширажак даму дақиқа етган эди.

Жаҳоншумул зафару ишлари баробарида ўз хатоларининг фарқида бўлган ва бундан хулоса чиқара билган ҳамда буни сўйлай олган, кўзи очиклигидаёқ афсона ва ривоятларга айланган-шахсият-ёруғ-олами ни тарк этган эди.

Қасрдасан, қабрдасан, қадрдасан, сабрдасан шукрдасан, қусурдасан ва ё зикру садрдасан тонг отар, кун бөтар, умр елдек ўтар эди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

*Олижаноб инсон ахлоқни соғинади.
Ҳақир эса она юртини қўмсайди. Оли-
жаноб инсон қонун ва интизомни ўй-
лайди. Ҳақир киши эса хайр-саховат-
ни беклайди.*

КОНФУЦИЙ

Амирзода Халил Султон буюк бобосининг вафоти ҳақидаги даҳшатли хабарни чухрабоши Саидқул Зинбардордан эшитиб, тилига бир сўз келмай, тош ҳайкалдек қотиб қолди. Зинбардор эса бу мудҳиш воқеани улуғ амир қароргоҳидаги чухралардан туйганди.

Хабар унга ярим кечаси, тўшақда севгилиси билан ишқ-муҳаббат ўйини ўйнаб ўтирганда етиб келди. Шошиб қолган амирзода ичтўнда елкасига чопонини ташлаганча ётоғидан даҳлизга чиқишга чоғланди.

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! – деди пичирлаб.

– Ювинмай ташқарига чиқиб одамлар билан кўришманг! – деди бу хабардан талвасага тушиб қолган Шод Мулк ҳам апил-тапил кийинар экан. – Ё Оллоҳим, бу не кўргилик? Энди нима бўлади? Кунимиз кимга қолади?

– Энди кунингиз менга қолади, маликам! Хотиржам бўлинг! – деди амирзода ётоғига қайтиб кириб кийинишга киришаркан. – Энди нафақат сизнинг, бутун улуснинг куни сизу бизга қолади!

– Улуғ хоқон ўрниларига сиз тахтга ўтирасизми? – деди Шод Мулк кўзи ёниб.

– Айнан шундай бўлади! Бобо тахтимиз Оллоҳнинг иродаси ила, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таврлари ила бизга насиб этажақдир! Буни кўнглим сезган эди ва

Нурали ҚОБУЛ

ўйлаганим бўлди! Бобом, иккимизнинг муносабатларимиз бошланмасдан олдин валиаҳд сифатида мени бир неча бор тилга олганлар! Сенинг ўтли муҳаббатинг бу ишнинг белига тегиб турган эди! Эгаси бераман деса, кўшқўллаб бераверади! Сени менга жорияликка ҳам лозим кўрмаганлар, энди малика ўлароқ этагингни кўтариб, оёгингни ўпадилар! Боиси, биз ҳақ эдик! Ҳақ бандаларидан эгам меҳри мурувватини дариф тутмайди! Бир сўраса ўн беради! Сен ҳам яратгандан астойдил сўраган экансан!

– Ё художоним! Бизни ҳам кўрар кунинг бор экан-а! Ўзингга минг қатла шукур! – дея эрини кучоқлаб олди Шод Мулк. – Сиз улуғ амирзодам шу пайтгача ёлғиз менинг қалб қасримнинг султони эрдингиз! Энди, иншооллоҳ, Турон мулкининг султони бўлиб, даври даврон суражаксиз! – дея севгилисини ялаб-юлқаб, силаб-сийпаб эркалаганча кузатиб қолди жувон.

– Омин! – деди амирзода кийиниб, қиличу ханжарини белига таққанча эшик томон йўналар экан. – Қароргоҳдаги барча хатти-ҳаракатни ўз назоратингизга олинг! Мен ҳозироқ Самарқандга, Арғуншохга одам-юбораман!

Бурнини совуқ ургандан сўнг мингбошиликка тайинланиб, амирзоданинг хос минглигига қўмондонлик қилаётган Саидкул Зинбардор хўжайинидан янги, оламини ларзага келтиргүлик амрлар кутар, ҳаяжондан юраги ҳаприқиб, саропарда кўринишхонасида тинмай наридан-бери бориб келар эди.

Малика Шод Мулкни қора қишда бошкентдан олиб келишда биттадан қулоғидан айрилган Қулмон Қиёт юзбошиликка кўтарилган, суворий Эсиргап Найман унинг ўрнига ўнбоши этиб тайинланган, улар ўз-ўзидан Қулмон қулоқсиз, Эсиргап бирқулоқ лақабини олгандилар.

– Минглиқдан юз кишини олиб ҳозироқ зудлик билан Самарқандга жўнайсан, Саидкул! – ўнг қўлини мингбошининг елкасига қўйганча паст овозда гапирарди амирзода.

– Отни қамчилаш керак. Биз учун бу ҳудудда энг хавфли рақиб Султон Ҳусайндир! Қолганларидан хавотир олмасак ҳам бўлади!

Улар ҳўкиз болтадан тоймас дегандек, у бу курашида ҳеч нимадан тап тортмайди! Тўхтамасдан юрасан! Суворийларни бир-икки фарсах¹ масофада ёйилиб юришларини тайинла. Султон Ҳусайннинг одами нари турсин, ити дуч келса-да шартта чопиб ташлайверсинлар! Англадингми?

– Англадим, амирзодам!

– Балли! Самарқандга бориб мен ёзиб берган мактубни даруға амир Арғуншоҳга топширасан! Биз-ла баробар бўлса юксалиб, мудом ёнимизда, иззату ҳурматда яшайди! Тайсаллайдиган бўлса, ўзидан кўрсин! Мени юз минглик қўшин билан келаётир деб айтгин! Бошкентга ҳеч бир амирзода, вазир ва бегу қўмондонни киритмасун! Тушундингми?

– Тушундим, амирзодам!

– Унда Оллоҳ йўлингни берсин! Хазинабондан лозим бўлган масраф ва озиқ-овқатни ол-да, от бошини қўй! Йўл очиқ экан! Тезда бориб қайт! Балки йўлда учрашиб қолармиз! – ҳаяжонини аранг босиб гапирарди амирзода. – Кета билурсан! Исо қавчинни чақиртирган эдим. Келган бўлса кирсун!

Кўришхонага қиёфаси зиндонбонни эслатадиган қоп-қора, рапида юзли, бесўнақай Исо қавчин кириб келди.

– Мусибатдан хабарингиз бордир, Исобек! – деди амирзода овчи лочиндек тўрт тарафга зийрак боқаркан.

– Эшитдим, амирзодам! Улуғ хоқонимизни Оллоҳ раҳмат этсун! Қолганларга ул зоти олийларининг тупроқларича умр берсин! – деди Исо қавчин қалдироқ овозда. – Барча мотамда! Лашкар паришон!

¹Бир фарсах – баъзи ўлкаларда беш ярим, айримларида саккиз километрдан ошиқ масофа ўлчови.

Нурали ҚОБУЛ

– Бундай оғир, машаққатли ва масъулиятли дамларда ўзимизни йўқотиб қўймаслигимиз керак! Қайтамга ақл-идрокни пешлаб, мақсаду манзил сари янада дадил ва сабот-ила-илдамламоқ-керак! — сўзлари-бурро-эди-амирзода-нинг.

– Буюринг, улуғ амирзодам! Бошингизга оғир кун-тушган шундай дақиқаларда ёнингизда сидқу садоқат-ла туриб, керак бўлса жонимизни-да фидо этамиз! Бу жон бу танда бор экан, ҳар неки амрингизни икки мисли қилиб ўринлата-жакмиз! — жавоб қилди қавчин¹ бўлугининг сардори қатъий оҳангда.

– Сизнинг менга бўлган садоқатингизга шак-шубҳа бўлмаганлиги учун ҳам ҳамон ёнимга чорлаб, масъул вази-фани юкламоқдаман! Бобом ҳазратларининг ҳам қавми қавчинга бўлган меҳри оқибатларини яхши биласиз! Бу ҳурмату эҳтиром, рағбату кўмак бундан буён ўзингиз сўй-лаганингиз каби икки эрмас, ундан ҳам кўп мисли юксала-жақдир! Энг ишончли ва садоқатли кишим ўлароқ мудом ёнимда бўлажаксиз!

– Сиз каби улуғ ҳукмдорнинг эътиборига сазовор бўлмоқ, мен учун энг олий шарафдир, амирзодам! Амр этинг! Қалбим ва қиличим, ақли идроким фармонингиздадир! — ўнг қўлини кўксига гурсиллатиб урганча тиз чўкиб амирзода пешини ўпди Исо қавчин. — Сизга ўла-ўлгунча садоқат ила хизмат этмоққа қасам ичаман! Дўстингиз дўстим, душма-нингиз ашаддий душманимдир! Ҳукм этинг, улар бошини келтириб муборак оёғингиз остига ташлагайман!

– Сиздан кутганим ҳам шулдир! Сиз каби юксақ журъат — жасоратли, бир ўзу бир сўзли амиру кўмондонларсиз олий ҳокимият, давлату салтанатга эришиб бўлмайдил! Бугунги

¹Қавчин — Элчилик, ҳукмдор фармонларини жойларга етказиш ва на-зорат этиш билан шуғулланган ҳарбий бўлинма демак. Сўнгра қавчин аймоғига айланиб кетган.

қалтис вазият ҳам шуни ижоб этадур! Султон Ҳусайн деган кимсани яхши биласиз! Дамашқда арабларга сотилган бу девонанинг аллақачон боши сапчадек узилиши керак эди! Бироқ бағрикенг, барчага дарёдан сув бағишлаб келган раҳматли буюк бобом бу нокасни чек-чегарасиз ва асоссиз равишда кечириб келдилар! Ярадор илон соғ илонга қараганда беш баттар хавфлидир! Буни ва салтанат ғавғосини мендан кам билмайсиз. Бу сўқоқларни мендан кўп тўзғитиб, барчадан кўп қўйлакни йиртгансиз! У ҳозир Яссиди! Хабар унга биздан олдин етган бўлиши мумкин. Боиси, унинг қишлоқ манзили бизга қараганда Ўтрорга яқиндир! Самарқанд тахтини, бобомнинг муқаддас Кўктошини анчадан бери кўзлаб юргангани, маст-аласт пайтларида катта кетиб, гуллаганларини ўзингиз келиб менга шипшиган эдингиз! Эсингиздами? – сўради амирзода ўнг қўлини Исони чап елкасига қўяркан.

– Эсимда, улуғ амирзодам! Худди кечагидек хотирамда! Бу хоинликни унутиб бўладими? Мўғул хонларида модарзодлик удуми бор. Биз туркларда ота авлод суради. Фақат ота уруғ шаҳзодалари тўраю тузук бўйича бобо ва ота тахтга ўтиришга ҳақлидир! Улуғ хоқоннинг тожи тахти мутлақо сизникидир! Салтанатлар тарихидин белгиликим, мулки давлат, тахту салтанат ҳадея этилмайди! У кучу қудрат ила эгалланади! Забт этилади! Кимда-ким улуғ жаҳонгир бобонгиз каби қатъий қарорли, журъату жасоратли бўлса, Турон мулки шуникидир! Элу юрт буни Деҳли муҳорабасию, Рум фатҳида сизни кўрсатган ғайрату шижоатда, баҳодирлигу қаҳрамонликда кўрган! Сиз салтанату мамлакат саодати дея қон кечганингизда валиаҳдликка даъвогарлар Қандаҳорда қовун тушириб юрган эдилар! Эл-улус барчасини билади! – амирзоданинг ўзига кўрсатган ишончу эътиқодидан руҳланиб, кўпириб кетганди Исо қавчин.

Нурали ҚОБУЛ

– Айни фурсатда истагингиз қадар черикни олиб, ўша, тилга олинган дадарвақининг изидан тушасиз! Савашиб черигини енгишга кучингиз етса, аъло! Йўлини қилиб, ўзини бартараф этаверинг! Ўзини тинчитсангиз, чериги ҳамон биз тарафга ўтса керак. Кучингиз етмаса, маълум масофада тутиб, зудлик ила менга чопар юборинг. Кўмакка қўшимча куч юбораман! Вазифа тушунарлими? – Исо қавчиннинг кўзига тик боққанча қатъий оҳангда сўради амирзода.

– Тушундим, султоним! – деди бош эгиб таъзим қиларкан Исо қавчин.

– Унда Оллоҳ омадингизни берсин! Олингу, олдирманг, – дея улуғ ҳадаф учун иккинчи қўмондонни йўлади амирзода у билан ташқарига чиқаркан. – Мен ҳам яқин кунда Самарқанд йўлига тушаман. Оллоҳ насиб этса, Кўксаройда кўришамиз! Султон Ҳусайдан бошқа амирзодалар қаршингиздан чиқса, тиғ теккизманг! Бошқалар қаршилик кўрсатса жазоланг! Бўйин товламай сафимизга қўшилса, олинг. Истамасалар ўз ҳолига қўйиб юборинг! Юртларига кетаверишсин! Бизга, билхосса, Султони ғозий, Соҳибқирони аъзамга сидқидил хизмат қилмоқ ниятида бўлганлар қўшини билан ҳузуримга келаверсин! Кимсага рақобату душманлигим, гина-қудуратим йўқдур. Қолаверса, айни дамда Турон мулкида энг ёши улуғ шаҳзода бизмиз! Тожу тахт, мулки давлатни рақибу яғийлар қўлига тушиб қолмаслиги чора-тадбирини кўрмоғимиз лозим ва шартдир!

Хукмдордан аниқ амир фармон олган Исо Қавчин черигини йиғиб, Самарқанд йўлини тутди.

Сафар ҳозирлигини тугаллаган амирзода Халил Султон ҳам бир кун сўнгра йўлга чиқди.

Қиш қаҳратони қайраган қиличини ўйнатар, қалин қорда қўшин билан зўрға бир-икки фарсах масофани аранг босиб ўтишар, яқин кунларда барчасининг мансабу маснади, мавқею моддий турумида ақл бовар қилмас ўзгариш юз беришини ҳис этган амиру мингбошилар, мулозиму хиз-

матчилар амирзоданинг атрофида гирдикапалак бўлганча ўлар-тириларига қарамай ғайрат кўрсатишар, елиб-югуришарди.

Амирзодани эса ўй босган, гардкам дея бошлаган ишининг рисоладагидек амалга оширишини ўйлаганча от устига тебраниб борарди. Тахтни эгаллаш режадагидек амалга ошса яхши. Худо бу кунни тескари қилсин, мақсадига эриша олмаса-чи? Унда нима бўлади? Қиблагоҳи Мироншоҳ мирзо ҳузурига қочиб борадими? Қочиб кетишига йўл кўядими бу тишини қайраган бўрилар? Фавқулодда хатарли ишга қўл урдинг, Халил Султон! Бу ҳудудда сенга бас келади-ган бирорта куч йўқ! Бобосининг асосий кўшини ҳам энди вазири аъзам Шайх Нуриддинга юзда-юз бўйсунмаса керак. Рақиб саналиши мумкин бўлган амакиси Шоҳруҳмирзо эса бир-икки ойсиз бу тарафларга етиб келолмайди. Ундан хавфсирамаса ҳам бўлади. Қолаверса, ул кишим Хуросон ҳукмдори. Ўз мулки давлатини эпласаям катта гап. Бироқ ўғиллари Иброҳим Султон билан Улуғбек буюк бобо қароргоҳида. Шоҳ Малик билан Шайх Нуриддин бемалол улардан бирини тахтга ўтказиши мумкин. Бу билан улар бир ўқ ила икки қуённи уриб, ҳокимиятни қўлда тутиб қоладилар ҳамда Шоҳруҳмирзонинг кўнглини оладилар. Валиаҳд эълон қилинган ота бошқа, она бир буюк қардоши Пирмуҳаммад ҳам Маҳмуд Ғазнавийдек буюк султоннинг тахтини эгаллаб ўтирибди. Бу юртлардаги саҳройи мўғулу турку тозийларни бошқаришдан кўра, эплаб уят жойини беркитолмайдиган ҳинду мўлтониларга подшоҳлик қилмоқ қулайдир. Бунинг устига бобосидан ҳайиқиб турган жўчиликлар ҳам ғимирлашиб қолса керак. Тушларида ҳам, ўнгларида ҳам икки дарё орасига бостириб келиб, таламоқни кўрадилар. Уларга қарши турмоқнинг эса ўзи бўлмайди. Бундай аҳволу турумда Самарқанд тахтидан кўра Ҳирот тахтида ўлтирмоқ тинч ва хавф-хатарсиздир. Бизнинг Сайхундан нарида кўзимиз йўқдир. Мана шу шартларда, ўзаро

Нурали ҚОБУЛ

англашароқ, бобом салтанатларини давом эттирсак бўлади. Бу чексиз-чегарасиз мамлакат барчага етиб ортади. Фақат ёвуз чингиззодалар каби бир-биримизни гўштимизни еб, тоху тахт талашмасак бўлди.

Амирзода чериги Сайхундан ўтиб, Еттикудук¹ йўли орқали Дизак қўрғонига қараб келарди.

Қўшин олдидаги қоровуллар Самарқанддан, Саидкул Зинбардордан чопар келганлигини айтишди.

– Ҳамон уни ҳузуримга келтиринг! – буюрди сергак тортиб амирзода.

Отидан ўзини таппа ерга ташлаб тиз чўкканча таъзим қилган чопар ҳам амирзодага таниш, ишончли кишилардан эди. У узоқ пайпасланиб кийими ичига тикқан, тердан нам тортган ўроғлиқ қоғозни узатди.

Амирзода ҳаяжон-ла мактубни олиб, қўли қалтираганча тез ўқиб чиқди. Юзи ёришганча яна қайта ўқиди. “Айтган кишингиз ила гаплашилди. Розидурлар. Роҳат-ла сафарга чиқа билурлар. Лозим бўлган эвроқлар элингизга топширилажак. Белкамоқдамиз ва бизнинг бу ерда бўлиб турмоғимиз ижоб этадур”.

Кўпни кўрган Зинбардор илгакли қилиб масалани ҳал бўлганлигини қайд этганди.

– Зинбардорнинг ўзи қаерда? – сўради амирзода. – Яна неларни тайинлади?

– Ўзлари Шероз қасабасида. Сизнинг ҳам тўппа-тўғри Шерозга келишингизни айтдилар. Сўнгра муносиб равишда, тантана билан шаҳарга кирилар экан.

– Сеч кетма! Шу ерда қол! – деди амирзода чопарга унинг қарши гуруҳларнинг қўлига тушиб қолишидан хавфсираб.

– Амирзодам, яна бир чопар бор! – деди оти бошини қўйиб келган иккинчи қоровул.

¹Еттикудук йўли – Ўша пайтда Жиззахдан Тошкентгача еттита кудуқ бўлган ва йул шу номда аталган.

– Кимдан экан? – сўради амирзода янада сергак тортиб.

– Амир Бурундукдан. Амир жаноблари ҳузурингизга келаётган эканлар!

Бу хабарни эшитган амирзода тараддудланиб, ўйга толди. Не мақсадда келаётган экан бобоси салтанатида етакчи мавқелардан бирини эгаллаган бу барлосий амир? Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик томонидан бирор бир талабу шарт билан келаётгандир балки. Омади юришган йигитнинг янгаси йўлидан чиқибди, дегандек, унинг ниятини фаҳмлаб, кўмак этмоққа шошилгандир. Не мақсадда бўлсин, унинг ташрифи хайриятлик аломатидир. Нияти тўғри бўлмаса келмас эди.

Амирзода буюк бобосининг ҳурматли сафдошини ордан тушиб, истиқболига ўттиз қадамча юриб бориб қарши олди. Меҳр-ла кучоқ очиб кўришди. Зийрак Халил Султон унинг одим отиши, самимий ва хайрихоҳ боқишидан мақсадини англади. Ошиғи олчига ўхшайди. Бу амир бобосининг бошқа кудратли кўмондонларини ҳам унинг ёнига чорлаши, хизматга жалб этиши мумкин. Яратган ишингни ўнгласа ҳеч гап эмас.

Амирзода ва мусофир вазир юртчилар ҳозирлаган ўтовга кирдилар. Ўтов ўртасига ўт ёқишди. Ўт ёнига мис кўзаларда тез ҳозир бўладиган туймоч¹ли кўза шўрва қўйишди. Ўтов тўрига суфра ҳозирлаб, қотирма нонларни чўғда тоблаб исита бошладилар. Қора уй куйруқ ёғли қовурма шўрванинг ёқимли ҳидига тўлди.

Бобоси вафотигача қадар кечаю кундуз маишатдан бош кўтармай ичаётган амирзода бу мудҳиш хабарни эшитиши билан сергак тортиб, май ва ароқ тўла кўзаларни омборга элтиб қўйишни ва ҳеч кимнинг оғзига ички олмаслигини буюрди. Севгилисидан учун жонини-да бахшида этишга ҳозир бўлган маликасининг таклифини ҳам рад этди.

1 Туймоч – Қўй этини қуйруқ ёғи билан қовуриб кўзага солиб қўйиладиган емак.

Нурали ҚОБУЛ

– Зийрак ва хушёр туришимиз керак. Мен бир сергак бўлсам сен ўн бора диққатли бўлмоғинг лозим. Нохайрихоҳ, рақиб ва душманларимиз сочимизнинг тукидан кўпдир. Яғийлар доимо рақибнинг ғафлатда қолиб, ўзпигини унутган фурсатини пойлаб доғда қолдирадилар. Эҳтиёт бўлгину, хато қилмоқ имконини уларга қолдир ва дами етганда кунпаякун қил. Аксинча улар сенинг жойингни соладилар, – маҳбубасига йўл-йўриқ кўрсатди амирзода. – Энди сенинг барча хатти-ҳаракатларинг, юриш-туриш ва гап-сўзларинг бош маликага хос бўлиши, ҳамма қош-қовоғингга қараб, сендан андоза олиши керак.

Бу сўзлар эртақлардаги каби бир кечада жаҳон маликасига айланган, хусни малоҳатда танҳо, ақл-идроқда ҳам ҳар қандай маликага дарс берадиган Шод Мулкка ёғдай ёқар, ич-ичдан тўлиб-тошиб келаётган омад ва бахт ҳиссини туймоқ завқ-шавқидан сармаст, бу чексиз қувончдан тунлари уйғониб кетарди.

Суфра атрофига ўтиришгач, амир Бурундуқ Барлос улуғ хоқон руҳига тиловат қилди.

– Султон Соҳибқирон ҳазратларини Оллоҳ раҳмат этсун! Авлоду салтанатлари боқий бўлсин! – деди амир кафтини юзига суриб.

– Омин! Бу хабардин барчамиз тош қотдик! Ҳеч нимани англамадик! Бобом соппа-соғ эдилар! Не бўлдики, қисқа муддатда бу фалокат юз берди? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Бор-йўғи бешкун хасталаниб ётдилар. Табиб Фазлуллоҳ Табризийнинг гапига қараганда ички аъзоларнинг деярли барчаси шамоллаган ва меъда ишдан чиққан. Бир аъзони даволаса, иккинчиси панд бераверган. Охири бўлмади. Ҳазрат ғозий Соҳибқирон Ҳақнинг раҳматига қовушдилар! Жаннат равзалари насиб этсин улуғ бобонгизга! Эгам сизларни ҳам шу жаҳонгир подшоҳнинг муносиб авлодлари ўлароқ юзингизу йўлингизни оқ этсун!

Юраги безовта ураётган амирзода бобосининг энг ишончли вазиридан асосий, ҳал қилувчи гапни кутар эди. Таъзия билдирмоқ расм-русумини ўринлатган амир мезбонни узоқ беклатмай асл муддаога ўтди.

– Олий қароргоҳда катта амирлар, маликалар ва амирзодалар билан махфий кенгаш ўтказилди. Унда энг ёши улуғ амирзода сифатида сиз бошчилигингизда юришни давом эттиришга қарор қилинди.

– Шу аҳволда Чинга бориб бўлар эканми? – ҳайрон бўлди амирзода.

– Бош маликамиз, Маҳди улё зоти олиялари ҳам шу гапни айтдилар. Улуғ хоқоннинг вафот этганини эълон этмай, Чинга бостириб борармишлар. Улар Амир Темур тирик бўлмаса бунча кўшин билан келмас эди дея ўйлармиш. Болаларча бир гап. У ёғини сўрасангиз Иброҳим Султон кўшинни бошлаб юришга чиққан. Юришда давом этмоқдами, тўхтаганми, билмайман. Мен черигимдан хабар олишни баҳона қилиб, сизнинг хузурингизга ошиқдим. Самарқанд тахтини соҳибсиз қолдириб бўлмайди. Унга энг муносиб номзод эса сиз – зоти олийлари амирзодамсиз. Амир Худойдод Хусайний билан йўл-йўлакай гаплашдим. У ҳам сиз тарафда. Ўз кўшини билан Фарғона ва Ўратепа ҳимояси учун қайтди. Амир Ёдгор Орлот ҳам айтганимга киради. Амирзода Аҳмад Умаршайхмирзо ўғлининг-да сиз улуғ амирзодамизга хайрихоҳликларини биламен. Шундай экан, барчамиз бош кўшиб қасамёд қилиб, сизни подшоҳ этиб кўтармоғимиз керак. Ҳозирда сиздан бошқа тўрт нафар амирзода Самарқанд сари тобут ортилган тахтиравон ортидан йўлга тушган. Буларнинг ҳар бири ортида бир нечтадан маликалар бор. Шундай экан, отни қамчилаш керак, султоним! Тахти салтанатни эгаллашнинг бирдан-бир йўли рақиблардан илгари ҳаракат этмоқ ва маррага улардан олдин етиб бормоқдир! Аксинча, не қадар ақл-идрокли, чора-тадбирли бўлманг, асл мақсаддан

Нурали ҚОБУЛ

айри тушилади! – маслаҳат берарди кўпни кўрган амир Бурундуқ. – Не хизмат бўлса, мана биз ҳозирмиз! Сизнинг бахту иқболингиз, Самарқанд тахтига ўтиришингиз учун бошимизни тикамиз!

– Қуллуқ, амир жаноблари. Зотан, сиздан шуни кутган эдим. Мен мудҳиш хабарни эшитибоқ бошкентга одам юбордим! Даруға Арғуншоҳнинг ваъдасини олдим. У шаҳар дарвозасидан буюк бобом тобутларини олиб бораётганлардан бошқа мушукни ҳам киритмайди. Киритса боши кетади ва қон тўкилади. Маъқул десангиз, сиз ҳам ҳозироқ бошкентга йўл олсангиз. Ўзингиз билган мулозимимиз Зинбардор Шероз қасабасидаги аскар қишлоғида черигимиз билан вазиятни назорат этиб, Арғуншоҳ билан алоқа боғлаб турибди. Сиз ҳам қўшинингиз билан жадал юрганча етиб борсангиз-да, шаҳарнинг кун юриш томонини кенг масофада эгалласангиз. Амирзода ва маликалар табиийки, Бухоро томондан келадилар. Арғуншоҳ жонидан кўрқиб ҳузурингизга келолмаса керак. Шерозга боргач, сиз ҳам ўз одамингизни унга юбориб, бизнинг сўнги амримизни еткуринг! Қўшинлар тарқаб кетмаслиги керак. Шаҳарга кириб, хазинани эгаллагач, бизга садоқат ила хизмат қилган навкару амир борки, барчасини муносиб сийлаб, тақдирлаб, улуфани бурнидан булоқ қиламиз. Барча мингбоши ва юзбошиларга бу гапимни айтинг. Кўнгилларини бўлмай, вазифаларида сабот-ла муқим турсинлар.

– Унда ижозатлари ила мен йўлга чиқай! – дея қотирма патирни шўрвага тўғраб еб бўлган амир хизматчи қуйиб узатган шубат¹дан ичди. – Бу каби ҳаёт-мамот ишларида кечикмоқ фалокатдир, амирзодам. Иншооллоҳ, эрта-индин улуғ бобонгиз Кўктошга ўтирасиз. Шунда бир нарсага эътибор беришингизни ўтиниб сўрайман, – деди отбашара юзи ёйилиб Бурундуқ Барлос амирзода юклаган катта вазифадан мағрурланган ғолибона оҳангда.

¹Шубат – туя сутини қимиз каби бижғитиб тайёрланадиган ичимлик.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Сўйланг, сўйланг! – деди амирзода қизиқсиниб амирнинг юзига боқаркан.

– Эртага ўнлаб одамларни вазиру амир рутбасига кўтарасиз. Бу одамларни танлаб, яхши ўрганиб бирор вазифа бериш керак. Фарзанди сўзига кирмаган, хонадонида тузук-қуруқ ҳожатхонаси бўлмаган, оиласини идора эта олмаган боши юмалоқ бути айриларни ёнингизга йўлатманг демоқчиман.

– Ҳақсиз! Насиб этса бу масалаларни сиз каби улуғлар ила бамаслаҳат ҳал этамиз, – деди кулиб амирзода.

Халил Султон амир Бурундуқ Барлосни кузатиб ўтовдан чиқди. Улар қоровуллар айланиб юрган Еттиқудуқ йўлига қараганча кучоқлашиб хайрлашдилар.

Чериги билан кетаётган амирга қараб қолган Халил Султон беихтиёр кўкка тикилди. Ҳаво очиқ ва тоза бўлгани боис Туркистон тизмалари аниқ-тиниқ кўзга ташланар, тоғ устидаги қорамтир булутлар қоракаш¹ асов отдек зўрға илгариларди...

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

...Ва ҳазрат Соҳибқироннинг тўққизинчи атоси Туманакон эрди. Бузинжар наслидинким, қиёт қавмидин эрдиким, Қиёт-Турк Ибн Йофаснинг ўғли эрди. Ва Йофас Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли эрди.

ЯЗДИЙ

Маликалар амирзодаларни бағриларига босганча уввос солиб йиғлашиб, улуғ хоқон наъши ортилган тахтиравонни Самарқандга кузатдилар.

Сароймулкхоним, Туман оқа, Тўкалхоним ва Чўлпон

¹Қоракаш – олдинга ундалса орқага тисарилаверадиған, юрмайдиган асов от.

Нурали ҚОБУЛ

Мулк оқолар ҳарамдаги бошқа малика ва канизаклар ҳам маҳоффа ортидан йўлга тушдилар.

Вазири аъзам Шайх Нуриддин ва Мирзо Улуғбекнинг отабеги амир Шоҳ Маликнинг амирзода ва маликалар ила ўтказган кенгашига биноан Иброҳим Султон бошчилигидаги беклар Чин юришини давом эттирдилар. Олий ўрду Сайхундан ўтиб, Ўтрор шарқидаги Учариқ манзилига етиб борди. Қолдирма кўпригига етгач, қисқа фурсатлик истироҳат учун чодир ва ўтовларни тикиш буюрилди. Султон Соҳибқироннинг буюк оқ ўтовини кўринарли тепага тикдилар. Улуғ хоқон туғини тикиб, ноғорасини чалдилар. Ўн бир ёшли амирзода Иброҳим Султон Шоҳруҳмирзо ўғли оқ ўтовга кириб ўтирди.

Амирзода ўтовига кириб келган Шайх Нуриддин билан Шоҳ Малик шу ердан туриб Халил Султонга чопар жўнатиш кераклигини айтишди.

– Амирзода Халил Султонга чопаримиз не дейди? – сўради бобоси айрилиғидан ҳамон ўзига келмаган Иброҳим Султон болаларча содда ва самимий нигоҳини бош вазирига тикиб.

– Чопар амирзодамызга Султон Соҳибқирон тобутларининг Самарқандга жўнатилганлиги, тахтиравон ортидан маликалар, амирзодалар Улуғбек ва Жаҳонгир мирзолар билан бирга йўлга чиққанлигини сўйлайди. Чинга юриш бошланганини айтиб, амирзоданинг ҳам қўшини билан асосий ўрдуга етиб келишини айтади. Амирзода Султон Ҳусайнга ҳам худди шу маънода чопар юборилади. Ҳар икки амирзоданинг ҳам асосий қўшини йиғиладиган Чўкалак манзилида ҳозир бўлишлари тайинланади. Барча черик тўплангач, юришда давом этамиз, – деди Шайх Нуриддин.

Чопар етиб келганида Султон Ҳусайн йигирма чоғли юзбошиси билан шамолпана тоғ ўнгирида улоқ чопарди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Отлар оёғини ёзиш ва ўзлари ҳам биров қизишлари учун ўнгири устида кўпқари чопиб, қорини текислашган, ҳар куни машққа чиқишарди.

– Султони ғозий Соҳибқирон ҳазратлари ҳақнинг раҳматига қовушдилар!

Чопар шундай дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

От устида турган, улоқ чопиб қора терга тушган амирзода устидан муздек сув қуйилгандек чопарга тикилганча қотиб қолди.

– Нима дединг? Ақлинг жойидами? – анчадан сўнг тили калимага келди амирзоданинг.

– Ақлим жойида, амирзодам! Мени ҳузурингизга Иброҳим Султон, вазири аъзам Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликлар юборишди. Хоқон ҳазратларининг наъши Самарқандга жўнатилди. Барча амирзода ва маликалар Самарқандга кетдилар.

– Иброҳим Султон билан амирлар қаерда?

– Улар Ўтрор яқинидаги Чўкалак манзилида. Сиз ҳам ўша манзилга қўшинингиз билан етиб борар экансиз. Юриш давом этар экан.

– Бобом ўтган бўлсалар, юришга бало бор эканми энди? Амир Темурнинг жаҳонгирлиги буларга қолибдими? – ҳайрон бўлиб сўради Султон Ҳусайн.

– Мен билмайман, амирзодам! Улар айтганларини сизга етказмоқдаман!

– Мактуб беришмадими?

– Йўқ, беришмади.

Отдан тушган амирзода чопарнинг яқинига келиб, кўзига тикилди.

– Шу гапирган гапларингни барчаси ростми?

– Рост, амирзодам!

– Қасам ич!

– Худо урсин, рост, амирзодам!

Нурали ҚОБУЛ

– Шундай дегин! Унда ҳақиқий тожу тахт кўпकिрисе энди бошланар экан-да! – деди Султон Хусайн олазарак кўзларини чопарга қадаганча. – Сен қоровуллар чодирига бориб дамнингни ол. Емак егин ва кетма! Мусофиримиз бўл. Биз билан бирга йўлга чиқасан! – деди чопарнинг юзига қарамай. – Отинг не эди?

– Қолдибек Сарой.

– Сўзларимни эшитдинг-а, Қолдибек?

– Эшитдим, амирзодам.

– Эшитган бўлсанг бор!

Чопар чўрт кесар ва ўжар амирзоданинг феълени биларди. Индамай Султон Хусайннинг хос қўрима қоровуллари чодир томон юрди. Бош вазир амри бўйича у ҳамон ортга қайтиши керак эди.

Кундўзи қисқа, туну узун қиш куни бўлганлиги боис эрта кеч кирган, шом бўлмади қоронғи тушганди.

Қоровулбеги юзбоши Чори Туркман олий қароргоҳдан келган меҳмонни сийлаш учун ҳозирлик кўрар, Қолдибек эса намиққан кийимларини ўчоққа тутиб қурилар ва қоровулбоши берган қотган арпа нонни кемириб ўчоқда илиган сувдан хўпларди.

Кўп ўтмай Чори юзбошини чақириб кетишди. Ярим намоз вақти ўтди. Юзбоши ташвишли қиёфада қайтиб келди.

– Ҳа, тинчликми? Тараддудли кўринасиз? – юзбошидан сўради чопар.

– Эрта-индин йўлга чиқар эканмиз. Ашқол-дашқолларни йиғиштиринлар! – буюрди юзбоши баланд овозда ўтов ичи ва атрофида куймаланаётган аскарларига. – Ҳар дақиқада юришга амри фармон бўлиб қолиши мумкин!

– Қаёққа? Ўтрор томонгами? Бирга қайтар эканмиз-да, – деди амирзоданинг тез қарор берганидан мамнун бўлиб чопар.

– Билмадим. Ўша ёққа бўлса керак-да. Амирзодамиз ўзи

қўмондон бўлган чап қанот бекларидан мингта отни топшириб, уй-уйларига кетаверишларини амр этдилар.

– Ие, нега? Бу бир минглик дегани-ку? Унда Чўкалак мавзегга бормайдиларми?

– Шундайга ўхшайди. Бироқ қаёққа боржагимизни сўйламадилар, – деди Чори юзбоши ҳайрон бўлганча Қолдибекка тикилиб.

– Мингта отни нима қилар эканлар?

– Билмадим. Одатда узоқроқ масофага тинимсиз юрилганда кўшимча от олинади. Демак, Чин тарафга жадал юрилади чоғи.

– Ҳа, шундай бўлса керак, – деди чопар бу ерда бошқа гап борлигини пайқаган Қолдибек чўққа тикилганча ичтўнини қуритар экан.

Амирзоданинг феъли бузилганга ўхшайди. Бекорга ҳам унга улуғ хоқон қайтиш қилганларидан қарийб бир ҳафта ўтгандан сўнг хабар бермаган эканлар-да.

Қолдибек ҳеч бир воқеадан хабари йўқдек ташқарига чиқди. Таҳорат қилиш учун кўчма масжид ва таҳоратхона вазифасини ўтайдиган, омонат ёғоч уйга кирди.

Таҳоратхона ёнида ҳожатхона ҳам бор эди. Дастлаб қазойи ҳожат учун йўналган чопар қулоғига чалинган гап-сўздан таққа тўхтади.

– Амирзода охири ниятга етадиган кўринади, – деди лавозимига кўра камида мингбошига ўхшайдиган йўғон овозли киши.

– Унинг нияти кўп. Қайси бирини айтаяпсан? – сўради дашти қипчоқ шевасида сўйлаган иккинчи киши.

– Қандай нияти бўларди? Бобосининг тахтини эгаллаш-да. Шаҳзодаю хонзодаман деган борки, тушидаю ўнгида тож-тахтни кўради. У ҳам Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекнинг ўғли. Амир Мусо эса Сароймулкхонимнинг катта опасининг ўғли. Насли насаби буюк қоон Чин-

Нурали ҚОБУЛ

гизхонга бориб туташади. Шунинг учун дастлаб энг катта бобоси Чигатойхон ибн Чингизхон, сўнгра бугунги бобоси Амир Темура Кўрагон тахтига энг биринчи номзод дея ўзини билади. Шунинг учун отни қамчилайди чоғи.

– Тўғри қилади. Амирзодалар ичида энг жасур ва дидли Султон Ҳусайн, – деди дашти қипчоқлик мингбоши кўмондонини ёқлаб.

– Шунча темурийзодалар унинг боболари тахтини эгаллашига томошабин бўлиб ўтирар эканлар-да?

– Томошабин бўладиларми, бўлмадиларми, тахтини ақл-идрок билан тез ва кўп одам билан ҳаракат қилган амирзода эгаллайди. Захирага мингта от олганига қараганда у бошкент томон от кўяди, – деди дашти қипчоқлик ишонч билан.

– Тўғри айтасан. Хўжанд дарёсидан ўтиб, Қарқара йўли билан Зомин орқали бошкентга етиб боришни мўлжалламоқда.

– Бошқа амирзодаларнинг Еттиқудуқ ва Оқсулот йўли орқали юришларини билган. Улар билан тўқнашмаслик учун шу йўлни танлаган.

– Амирзода ўт билан ўйнашмоқда. Бу иш ўйлаганичалик тугаса хўш-хўш. Воқеалар тескари дўниб кетса, натижа не билан тугашини ўзинг биласан.

– Мен амирзода Султон Ҳусайнни қўллаб-қувватлайман. Булар жонимизга тегди. Ҳокимият чингизийлар қўлига ўтиши керак! – бўш келмасди дашти қипчоқлик.

– Ҳожатхонадаман дея оғзингга келган гапни гапираверма! Нима, бошинг ортиқчалик қилмоқдами?

– Бир бош эртами, кечми кетади. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Юз йил қарға бўлиб гўнг чўқиб яшагандан кўра, қирқ йил бургут бўлиб, қон кечиб яшаган маъқул, Мингбой мингбоши.

– Секин сўзла, отимни тилга олма! Қанақа одамсан ўзи?

Гапни бас қил. Чиқайлик. Амирзода истаб қолишлари мумкин. Андижонликларнинг отларини санаб, қабул қилиб олишим керак. Улар пишиқ-да. Биринчи бўлиб, уловларини топшириб, қуённи урмоқдалар. Аслида тўғри қиладилар. Эс-хуши жойида одам бу фитнага бош қўшмайди.

– Биз аскармиз, оғайни. Енган тарафга ўтиб, хизматини қилиб, маошимизни олиб кетаверамиз. Қай тарзда ораларини очиқ қиладилар, бу уларнинг муаммоси...

Чопар Қолдибек Сарой таҳоратхонага ҳам кирмай, намозини ҳам ўқимай оти боғлоғлиқ оғочлик майдон томон юрди.

Тери қотган чопқир қоратўриғи ем умидида эгасига қараганча нишхўрд чайнарни.

Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган, сафар тараддудига тушган қароргоҳда югур-югур бошланганди. Қолдибек отини етаклаб суғорган киши бўлиб, кун ботиш томондаги сойга инди. Қоронғилик тушгунча сой бўйида ўралашди. Сўнгра сойдан ўтиб, ўзини шунчаки отини совутиб юрганга солди. Тепаликни ошгач, оту эшак, хачиру туялар юраверганидан кафтдек текис, қор қопланган йўлда оти бошини қўйди.

Эртаси куни пешинга яқин Чўкалакка етиб келди. Тўппатўғри амирзода Иброҳим Султон ўтирган улўғ хоқоннинг оқ ўтови томон юрди.

Қоровуллар уни ўтовга олиб киришди. Оқ уйда уни амирзода ҳузурига жўнатган ўша уч киши – Иброҳим Султон, Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик ўтиришарди.

– Амирзода Хўжанд¹ суйидан ўтиб, Қарқара йўли билан Самарқанд сари юрмоқда. Икки минг суворий ва мингта захира от билан йўлга тушиш ниятида. Чап қанот қўшини минглигининг отини олиб, тарқатиб юбормоқда! – деди нафаси бўғзига тиқилиб чопар Қолдибек Сарой.

¹Хўжанд суйи (суви) – ўша пайтда Сирдарёнинг Хўжанд вилояти ўтадиган қисми шу номда аталган.

Нурали ҚОБУЛ

– Бу кутилмаган хабарни эшитган амирзода ва беклар тошдек қотиб қолдилар.

– Наҳотки! – деди анчадан сўнг Шайх Нуриддин қайғули оҳангда.

– Ул амирзодадан бундан беш баттарини ҳам кутиш мумкин, – деди амир Шоҳ Малик ўйга толиб, чопарга тикилиб боқаркан.

– Унда сени қандай қўйиб юборди? – сўради Шайх Нуриддин.

– Гапни мингбошиларидан тасодифан эшитиб қолдимда, отимни суғорган киши бўлиб қоронғи тушиши билан қочдим.

– Рутбанг не сенинг? – сўради амирзода Иброҳим Султон.

– Навкар Қолдибек Саройман, амирзодам! – жавоб қилди чопар.

– Қолдибек Сарой салтанатимизга садоқатли аскар эркан. Унинг унвонини кўтармоқ лозим, – деди амирзода вазири аъзамга қараб.

– Қочган ва вафот этган юзбошилардан бирининг юзлигини олиши мумкин! – жавоб қилди Шайх Нуриддин.

– Сен чекина билурсан. Бориб бир юзликни қабул қил! – чопарга кетмоққа изн берди амирзода.

– Юришни тўхтатадиганга ўхшаймиз, амирзодам, – деди чопар тисланиб чиқиб кетгач амир ул-умаро.

– Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, – қувватлади амир Шоҳ Малик.

– Бу сафарга менинг ҳам кўнглим чопмаётган эди, – деди амирлар фикрини маъқуллаб Иброҳим Султон. – Фақат бобом васиятлари дея кўпчилик шунга қарор берганлиги тўфайли индамаган эдим. Энди нима қиламиз?

– Ҳамон бошкент даруғаси амир Арғуншоҳга мактуб йўлламоғимиз керак. Шаҳарга Султон Соҳибқирон наъ-

шини олиб борган кишилар, маликалар ва амирзодалардан бошқа ҳеч кимни киритмасун! Валиаҳд етиб келгунига қадар ҳеч бир тахт даъвогарини йўлатмасин, – ўз фикрини сўйлади амир Шоҳ Малик.

Ўзаро маслаҳатлашган амирзода ва катта беклар шундай қарорга келдилар. Чўкалақдан Самарқанд томон уч нафар чопар йўлга чиқади.

Тўппа-тўғри Самарқандга борадиган хос чопар қўлидаги мактуб қуйидаги мазмунда эди. “Амирзода Султон Ҳусайннинг димоғи кўтарилиб исёну туғён остонасига қадам қўйди. Икки минглик билан бошкент сари йўлга тушгани хабари олинди. Уни шаҳарга киритмаслик чорасини кўринг! Ҳеч бир гап-сўз ва алдовларига ишонманг! Етиб боргани замон тутиб, арк зиндонига банди этинг!”

Иккинчи чопар қўлида Султон Соҳибқирон тобутини олиб кетаётган лашкар қофила¹си амири Қорачага ёзилган мактубда шундай жумлалар битилганди: “Султон Ҳусайн фитна қўзғаб, тахт умидида бошкент сари отлангани маълум бўлди. У фасод йўли ила мақсадига эриша олмагач, ёнингизга келиб, сизлар-ла бирга шаҳарга кирмоққа уриниши мумкин. Ҳатто тобут остига яширинган ҳолда ўтиб олмоққа уриниши ҳам мумкин. Тахтиравонни ғоят ҳассослигу эҳтиёткорлик ила олиб боринг. Сиз-ла бораётган гуруҳга ташқаридан ҳеч бир кимса қўшилмасин!”

Маҳди улё Сароймулкхоним томон учган чопарнинг қўйнида ҳам амирзода Иброҳим Султон Шоҳруҳмирзо ўғли имзо чеккан мактуб бор эди. “Буюк ва суюкли Бибижоним! Ғаддор Султон Ҳусайннинг тахт талоши бобидаги фитнасидан хабар топдик. Даруға амир Арғуншоҳ ва амир Қорачаларни огоҳлантирдик. Бошкент сари юрар экансиз, ғоят эҳтиёт бўлмоғингиз ижоб этилади. Бу кўзи қонга тўлган жондор ҳар қандай разилликка бориши мумкин. Жигар-

¹Қофила – гуруҳ, команда, тақвим демак.

Нурали ҚОБУЛ

ларим Мирзо Улуғбек ва Жаҳонгир мирзоларни кўзингиз қорачиғидек асраб-авайлаб олиб кетаётганингизга шакшубҳам йўқдур! Чопар мактубни қай манзилда элингизга тутса, ўша ерда чодирларни тикиб, бизни беклаб туRINGиз. Қўшин ҳимоясисиз ул тарафга кетмоғингиз хавфлидир”.

– Амирзода Халил Султонга ҳам яна бир чопар юборайлик. Чўкалакка келмасдан йўлимиз устидаги Оқар мавзесига етиб келсун. Бирга Самарқанд сари юриб, Султони Ғозий васиятларини амалга оширайлик, – деди Шайх Нуриддин мактубларни бирма-бир чопарлар қўлига тутқазар экан.

– Яхши бўлур эди, – вазири аъзамнинг фикрига рози бўлди Иброҳим Султон. – Чин сафари учун айрилган хазина моллари кўримаси учун алоҳида бир юзлик ажратмоқ позим. Мен кўриб чиқдим. Бу ерда бир неча мамлакатнинг бир неча йиллик хирожи борга ўхшайди.

– Фармон мирзомизнингдир. Маъқул кўрсангиз бояги, ўзингиз юзбошилиқ рутбасига кўтарган Қолдибек Саройни шу юзликка тайинласак. Имони басаломат бир инсонга ўхшайдур! – амирзоданинг фикрини маъқуллади вазири аъзам.

Вазият тахмин этилганидан-да оғир эди. Оқ ўтовда ўтирганча салтанатнинг сўз ила ифодалаб бўлмас масъулият зиммасига тушиб қолган ўн бир ёшли амирзода Иброҳим Султон нажотталаб нигоҳини бобо дўстларига тикканча улар оғзига қараб турарди.

– Қўшинни қуроллантириб, ортга қайтамыз. Мавжуд шароитга кўра Самарқанди фирдавсмонанддан узоқлашиб бўлмайдиган кўринади. Юришни давом эттирмоқ қароримиз ҳам янглиш экан. Ўйласам, воқеалар оқимига қараганда Султон Ҳусайннинг исёни ҳолва бўлиб қолиши ҳам мумкин. Амирзода Халил Султонга юборган биринчи чопаримиздан ҳали-ҳануз хабар йўқ. Ишқилиб у та-

рафда ҳам тинчлик бўлсин! – деди Шайх Нуриддин тушкун оҳангда. – Ҳамон йўлга чиқмоғимиз даркор.

Асосий қўшин чодиру ўтовларини йиғиштириб, ортга, Сайхун сари юрди. Дарёдан ўтиб бироз тўхташга қарор қилинди. Олий ўрдугоҳ қўши ва хазина моллари ортилган туяларнинг ўтишини кутиш керак эди.

Дуру жавоҳирлар, олтину кумуш тангалар ортилган юки оғир уч туя энг орқада келарди. Ҳамма дарёдан ўтиб бўлган, барчанинг кўзи шу уч туяда эди. Улар қирғоққа яқинлашиши билан муз ёрилди. Ҳисобини Амир Соҳибқирондан бошқа ҳеч ким билмайдиган бойликлар туялар билан биргаликда муз остига чўкиб кетди.

Ҳайрат бармоғини тишлаган амиру лашкарбошилар худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртибди деган гап рост экан-а, дегандек бир-бирларига маъноли қарашар ва бошларини сарак-сарак қилишарди.

– Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули! – деди бу воқеадан ақли шошган амир Шайх Нуриддин.

Қиш охирлаб совуқнинг шашти бироз пасайган, уч ойдан бери тош каби қотиб ётган дарё эрий бошлаган эди.

Тун бўйи тўхтамай юрган олий ўрду тонгга яқин амирзода ва маликаларга етишдилар. Улар қўшинни Оқсулотда кутишарди.

Ҳарам ва қўшин бирлашган ҳолда йўлда давом этаркан, Шайх Нуриддиннинг кичик қардоши, Ўтрор ҳокими Бердибекнинг чопари етиб келди.

– Бек жаноблари юбордилар. Амирзода Аҳмад Умаршайхмирзо ўғли, амирлар Худойдод Ҳусайний, Ёдгор Орлот, Бурундук Барлос ва Шамсуддин Аббослар бирлашиб амирзода Халил Султонни подшоҳ кўтариб, қасамёд қилибдилар. Амирзода чериги билан шитоб-ла бошкент сари бораётган эмиш!

– Айтдим-ку, Халил Султон олди-да Султон Ҳусайн

Нурали ҚОБУЛ

ғавғоси ҳолва бўлиб қолади деб! – деди Шайх Нуриддин амир Шоҳ Маликка қараб. – Энди бу арқоннинг учини тутиб бўлмайди. Бу аҳволда элимиздан ҳеч иш келмай қолади, чамамда. Амир Бурундуқ Барлос ҳам черигидан хабар олиш баҳонасида бир кечада сувга тушган тошдек ғойиб бўлганди. Демак, бошқа ниятда экан-да биродаримиз. Бу дунёда ҳеч бир инсон зотига ишониб бўлмас экан-а?!

Хайрон бўлганча вазири аъзамнинг оғзига қараб турган амир Шоҳ Маликнинг тилига калима келмади. Канизаклари суяган малика Сароймулкхоним беихтиёр бошини ушлаганча ўтириб қолди.

– Юрамиз. Тахтиравонни олиб бораётган қофилага етиб олишимиз керак, – деди Шайх Нуриддин маликанинг олди-га келиб ҳол-аҳвол сўрар экан.

Иродаси мустаҳкам малика йиғламаса-да, кўзларидан ёш сизарди. Афсусу надомат чекмоқ, обидийда қилмоқ замони эмас, йўл юрмоқ, улуғ амир вужудини у жонини бахшида этган, дини имони ила ҳимоя этган она тупроққа топшириш керак эди. Тожу тахт ғавғосининг фўрсати эмас эди.

– Айни дамда икки куч қаршисида уруш ҳолатидамиз. Қўшинни сафга тизиб, бирор-бир хужумга қарши шай ҳолда юришимиз керак! Маъқул десангиз ўнг қанот масъулиятини амирзода Улуғбек билан мен олсам. Сўл қанотни амирзода Иброҳим Султон ила сиз бошқарсангиз, – Шайх Нуриддинга мурожаат этди амир Шоҳ Малик.

Бироқ ҳеч бир манзилда Халил Султон ва Султон Ҳусайн черикларига дуч келмадилар.

Қўшин эса йўл-йўлакай қўмондонлари билан тарқалиб, ўз юртларига ёки вақтинчалик қишлоқ манзиллари томон кета бошлади.

Икки юз минглик Буюк Турон салтанати ўрдусининг урҳуридан ларзага келган Самарқанд вилояти, унинг Шовдор,

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Ўратепа, Иштихон, Ёркат, Коранд, Ёрлилоқ, Мутафарриқа, Дизак ва Шероз, Ургут, Хожа Дийдор, Ёряйлоқ, Васманд ва Янги кўрғонлари энди бу жаҳонгир суворий тулпорлар тақасини ўпмас, Улуғ хоқон бу чексиз кенгликларда нигоҳи ила ўрдуни санаб, кўздан кечирмас эди...

Туркистон тизмалари, Ғубдину Қоратоғ, Ойқор чўққиларию Тахти Қорачор доволари энди жаҳонгир фарзандини саловат ила кузатиб, қаршиламасди...

Темурий суворийлар энди бу чексиз водию даралар, қиру адирларни қиличдек кесиб ўтмас, ватан тупроғи, қоялардан яшил водийлар томон ошиқибу пишқириб оққан Сангзору Зарафшон, Қорадарёю Сайхун энди бу тулпорлар туёқларини ювмас эди...

У шаъни шавкатни кўкларга юксалтирган эл-юрт, аҳли Турон улуғ хоқонни абадиятга йўлчи этарди...

У Фирдавсмонанд Самарқандни ўраган, Улуғ хоқон дунё шаҳарларининг келинчаклари номи ила аталган Миср, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Султония ва Шероз қасабалари отасидан жудо бўлган етим каби бўзлаб мунғаярди...

Ўз бошкентидан ҳар замон севимли Оқбулутида ойдек порлаб, қуёшдек чарақлаб чиққан ва қайтиб келган буюк жаҳонгир энди барча инсонлар каби ёғоч отда эди...

Қиш қаҳратонининг қора тунида етти иқлимни ларзага солган афсонавий вужудини абадий масканига қўйдилар...

Ҳаёт ва умид, муруввату марҳамат шаҳри Самарқанд, суянган тоғи, ишонган боғидан айрилиб, етим қолган эди..

Ўлим ва буюклик орасидаги жаҳонгир. Инсонлар бу масофанинг ҳам шу қадар яқинлигини тасаввур этиб этолмай ҳайрату саросимада эдилар.

У ўзи севган, ўзини фидо этган, шаъни шарафи учун жонини тиккан она тупроқ, ота юрт бағрига абадулабад қайтган эди...

Тана тупроғи она тупроққа қайтган эди...

Нурали ҚОБУЛ

Валиаҳд Муҳамад Султон мадрасаеи томон оқаетган халойиқ орасида бор овоз ила йиғлаб-сиқтаб келаётган шоиру дарвешлар тўдасининг олдидаги икки киши Хожа Исматуллоҳ Бухорий ва Масти Қаландар марсия айтарди:

Буз чодиринг фалакким, султон ўлди ғойиб,
Тун ичра эрди чун моҳи тобон ўлди ғойиб.
Ёруқ жаҳон қуёши, ислом элининг боши,
Дин эрди кўб талоши, даййан ўлди ғойиб,
Оламни қилди дарбар, Соҳибқирон Скандар.
Соний демиш эронлар, ёрон ўлди ғойиб,
Дин эрди жусту жўси, шаръи эрди гуфтгўси,
Миллатининг обрўси, бурҳон ўлди ғойиб.
Нўширвондек одил, ҳам олим эрди, фозил,
Ҳар ишға ақли комил, фарзон ўлди ғойиб.
Давлатда ким Сулаймон, фитратда чун Фалотун,
Ҳикматда эрди гўё, Луқмон ўлди ғойиб.
Эҳсонда мисли Ҳотам, шавкатда эрди чун Жам,
Зўрликда ҳам чу-Рустам, паҳлавон ўлди ғойиб,
Ғайрат ҳам армон, дашти ичра ёки қоплон,
Баҳра наҳанг-у саъбон, шужоъбон ўлди ғойиб.
Фарзанди аҳли нўён, Тўрағай баҳодир ўғли,
Саййид Амир Темурхон Кўрагон ўлди ғойиб.

Хожа Исматуллоҳ Бухорий марсиясини тугатиши билан Масти Қаландар кўзидан ёш селдек оқиб, айтиб йиғламоққа бошлади:

Етим қолди ота Турон тоғларим,
Сарғайди-ку бобомерос боғларим.
Энди рўё кечмиш мутли чоғларим,
Юртим кўринг ақли фикри соғларим.

Шаъни шавкатсиздан чекинманг асло,
Номарду нокасдан беркинманг асло.
Юксак қоялардан тек инманг асло,
Номус савашида енгилманг асло.

Улусга бир оғиз ширин сўз керак,
Меҳр-ла боқажак бир жуфт кўз керак.
Ярин қаро улмас, очиқ юз керак,
Орқалаб кетмоққа парча бўз керак.

Авлодларимга умрим, қонимни бердим,
Имконим, оғзимда нонимни бердим.
Ҳар қўли калтага жонимни бердим,
Келар наслларга шонимни бердим.

Буюкларки, юлдуздек узоқдалар,
Ёлғиздирлар кўринмас тузоқдалар,
Сино, Беруний ажам, Ироқдалар,
Улус ўнгида ёнган чироқдалар.

Даврон чархпалак дўнар бозалар,
Қисматимиз бўлгувчи овозалар.
Дўсту душман оқу қора ёзалар,
Чиқармиз тарих ўнгида тозалар.

Тупроқ озод эркан, йағий ёбондир,
Душманинг ўзингдан чиқса ёмондир.
Эл боши бирикмас, ҳоли забундир,
Ота юрт омондир, миллат омондир.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Қимки ўзини ўз даражасидан юқори қўйса, унинг учун камолот йўли тўсилади.

ФОРОБИЙ

Амир Бурундуқ Барлосни бошкентга кузатган Халил Султон Тошкент атрофидаги қулоқларидан Иброҳим Султон қўмондонлик қилаётган асосий қўшиннинг Чўкалақдан Ўтрорга, ундан Самарқанд томон йўлга чиққани хабарини олди.

Пойтахтга тантана билан кириб боришни ҳозирлаш учун юборган одамлари у ерда қолган аскар ва раиятга вазиятни англашиб, тил топишиб улгуриши учун бироз вақт керак, дея фикр қилди амирзода кўз илғамас, оппоқ кенглиқда қорайиб кетиб бораётган амир Бурундуқ черигига тикилиб боқаркан.

Бу амирнинг ёнига келгани хўп яхши иш бўлди. Амир воситаси ила ота қавми барлосларнинг аксар кўпчилиги ўзи тарафга ўтади.

– Қўшин дарёнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтовларини тикиб, ўзини тартибга келтирсин! Тўрт тарафдан бизга янги чериклар келиб қўшилмоқда. Уларни шу ерда кутишимизга тўғри келади! – деди амирзода саропардаси атрофида таълимот бераркан, Самарқанд сари от қўйишга шайланиб турган бек ва мингбошиларга. – Бошкентга катта қўшин билан салобат-ла кириб боришимиз керак! Амир Бурундуқ бошлиқ одамларимиз салтанат ўрдусини муносиб қаршиламоқни тугатишлари билан хабар берадилар. Қоровулларга сўйланг, қай тарафдан ва кимдан чопар келса-да, кечаю кундуз демай ҳамон ҳузуримга олиб келсинлар!

Ҳамма иш кўнгилдагидек кетаётганига одамларни иқно этишга интилаётган амирзоданинг зикрида бошқа фикр кезар, ўй-хаёли асосий қўшин билан юзма-юз келиб, ўртада ўт чиқиб кетмаслигида эди. Бундай тўқнашувга ҳозирча тайёр эмас, агарда у юз берадиган бўлса, барча орзу-умидлари Сайхундан нарига ўтмай сўнади.

Халил Султоннинг Тошкентдаёқ ўзини хоқон эълон этиб, қасамёд маросимини амалга оширганини барча тафсилотлари билан эшитган Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик ёнларида қолган бекларни вазири аъзам чодирига тўплашга қарор қилдилар.

Ўйга толганча бир-бирига тикилиб ўтирган катта амирлар ҳузурига бирин-кетин Тўкал Қарқара, Шамсиддин Олмалиғий, Аталмишбек, Арслон Тархон, Ҳасан Чигдовул, Уставий, Мусо, Камол ва Вафодор Бастарий ва Абука Чехралар кириб келишди.

Бу – шу пайтгача олий ўрду қошида ҳозир бўлган беку кўмондонларнинг бешдан бири ҳам эмасди.

– Амирзода Халил Султоннинг ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир қабилида зоти олийларини султони ғозий раҳматлининг вориси эълон этганлигини туйгандирсиз, – дея йиғилганларга мурожаат этди вазири аъзам тушқун оҳангда. – Кимса бекламаган шу муаммони ўзаро муҳокама этсак дегандик...

– Ақл бовар этмас бир ўзбошимчалиқдир, – деди устоз Шамсуддин Олмалиғий асабий ҳолатда. – Бу ҳаракат улўф хоқон қону жон эвазига тиклаган буюк салтанатни парчаламоқ йўлида кўйилган илк хатарли ва фалокатли одимдир. Нобакор Султон Ҳусайннинг қилмишларини ҳам эшитдик. Буларни барчамиз бир бўлиб инсофга чақиришимиз керак!

– Устоз Олмалиғий рост сўйладилар. Айна дамда Султон Соҳибқирон ҳазратларининг ўттиз нафардан ошиқ

Нурали ҚОБУЛ

авлодлари бор. Буюк амирзодаларимиз орасидан юқоридан номлари зикр этилган даъвогарлар каби яна бир нечаси чиқиши мумкин. Унда мулки салтанат, юрту миллатнинг ҳоли не кечади? Ўнта амирзода қўшинни ўнга айириб қирғичоқ бўладими? – жон куйдириб фикрини баён этди амир Аталмиш. – Менимча, ҳозироқ амирзода Халил Султонга мактуб битиб, ўзбошимчалик ила қилган бу ишига чек қўйишини, ўзи бошлаган хатолиғни ўз эли ила тўғриламоғи энг адолатли йўл эканлигини аңлатмоқ ва талаб этмоқ керак.

– Тўғри. Ҳали у ёш. Энди йигирмадан ошди. Ёшлигига бориб қилган хатосини тўғриласа олам гулистон. Бобоси васиятига қарши бориб, унинг руҳини чирқиллатмасликни ётиғи билан тушунтирмоқ керак, – деди амир Тўкал Қарқара мулоҳазакор оҳангда.

– Ахир, у ҳам инсон. Бу дунёда хато қилмоқдан ҳеч ким ихота ва муҳофаза этилмаган. Барча катта амирлар ва етакчи лашкарбошилар бир бўлиб сўйласак, сўзимизни тинглар, – гапга қўшилди Арслон Тархон.

– Вазири аъзам чодирода бир гапни гапириб туриб, амирлар Бурундук, Ёдгор Арлоту Шамсиддин Аббос каби Халил Султон ёнига чопиб бориб унга қасамед қиладиганлар топилиб қолса ҳозирданоқ ўз фикрларини айтиб, унинг олдига кетиши мумкин, – деди амир Вафодор ўтирганларга бир-бир қараб.

– Амир Вафодор қардошимиз тўғри айтадилар, – деди Шайх Нуриддин бошини маъноли ирғаб. – Ўйлаб қарасам, улуғ хоқон васиятларига садоқат сақлаган ўн чоғли киши қолибмиз. Султон Соҳибқирон салтанатида давру даврон сурган, бири икки бўлган юзлабу минглаб салтанат ва улус амирлари, баҳодир лашкарбошилар қани? Аҳволимиз ҳавас қиларлик даражада эмас, биродарлар. Амир Аталмишбек сўйлаганлари каби вақтни бой бермасдан амирзодага бир мактуб битиб, инсофга чорлаб, бу йўлдан

қайтишларини сўрайлик. Мактубга мана шу ерда ҳозир бўлган барча амирлар имзо чексунлар.

– Маъқул!

– Тўғри иш бўлади!

– Имзо қўямиз! – амир ул-умаронинг фикрига қўшилди йиғилганлар.

– Изнингиз ила мактуб матнини мен битсам, – деди устоз Алмалиғий бахши¹га қоғоз-қалам келтиришни буюрар экан.

– Мактубни амирзодамизни яхши билган Абука Чехрабек олиб борсалар. Не дейсизлар? – ўтирганларга юзланди бош вазир.

– Розиман! Олиб бораман! – деди Абука Чехра бош ирғаб.

Мударрис ва устоз Шамсуддин Алмалиғий битган мактуб матни шундай эди:

“Муҳтарам амирзодамиз! Султон Соҳибқирон ҳазрати олийларининг бул ёруғ оламдан кўз юмишлари олдидан қилган васиятларидан хабарингиз бор! Буюк бобонгиз ўз тахтларига ворис ўлароқ сизнинг буюк қардошингиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни тайин этганлар. Ким бўлмайлик, ҳеч биримиз ҳақ раҳматига қовушган давлатпаноҳимизнинг хоҳишу иродаларига қарши бормоқни ақлимизнинг учига-да келтирмаймиз. Шул муносабат ила васиятга содиқ қолмоқ учун улуғ хоқон ҳазратлари ҳузурида қасамёд қилганмиз. Унга амал қилмасак, барчамиз қасамхўр номини олажакмиз. Ул зоти олийнинг тупроғи қуримай туриб васиятни йўқ санаб, қасамёдни бузиш, барчамиз учун буюк шарафсизлик, марҳум хоқон хотираси олдида ҳурматсизликдир. Бул васиятдан четга чиқмоқ ва қасамдан тонмоқ – буюк бобонгиз руҳи покларига нисбатан ҳақоратдир! Ҳеч биримиз бу тавқи лаънатни бир умр бўйнимизга олиб юришни истамаймиз! Бу васият биз амиру вазирлардан аввал хоқони

¹Бахши – ўша пайтда мунший, котиб «бахши» дея аталган.

Нурали ҚОБУЛ

акрамнинг азий авлодлари бўлмиш сиз Оллоҳ ёрлақан амирзодаларга тегишлидир. Буюк бобо васиятини амалга оширмақ борасида Мовароуннаҳр ҳудудидаги энг ёши улғу амирзода сифатида зоти опийлари ташаббус кўрсатиб, уни жумлама-жумла, ҳарфма-ҳарф ерига келтирилишида жонбозлик кўрсатмоғингиз лозим эрди. Ўзбошимчалик ила шахслари томонидан қилинган бу хатти-ҳаракат бошқа бир киши томонидан амалга оширилганда эди, муаққак сизлар уни ўлим жазосига тортар эдингиз! Биз, буюк бобонгизнинг бир гуруҳ амиру сафдошлари не сабабдан ҳеч бир маслаҳату машваратсиз бу ишга қўл урганлигингизни англай олмай, икки ораю ва бир дарада аросатда қолдик. Баракот буюклар-ла баробар деганларидек, бу ишни буюгу кичиклар ҳурмат-иззатини сақлаган ҳолда ҳал этмоқ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ақли салим, тўғри фикрли ҳар қандай киши учун бу тарзда бобо тахтига соҳиб чиқмоқ янглишдир! Бу каби ҳис-туйғуга эрк бериб, абдалу телбаларча қарор бермоқ, яхшиликка олиб келмас! Ўйламай-нетмай қилинган бу ножоиз уринишингиз ила ўз номингиз ва шаънингизни топтаманг! Акс-ҳолда, шармандаи шармисорлик тамғаси икки дунёнингизни қорайтиради. Улус кўз ўнги ва тарихида буюк бобонгиз тиклаган буюк салтанат пойдеворини бузган илк авлод ўлароқ қолажаксиз! Сиздан зудлик-ла жавоб беклаймиз ҳамда шунга кўра ҳаракат этамиз! Гап тамом, вассалом! Валлоҳи аълам, биссавоб фақир!”

Абука Чехра Чинос яқинида қароргоҳга етиб борганида амирзода ўтовида Халил Султон ўзини подшоҳ дея эълон этмоқ ишига бош-қош бўлган амирлар Худойдод, Бурундук ва Шамсиддин Аббос билан Самарқанд сафари ҳақида маслаҳатлашиб ўтирарди.

Мактубни диққат ила икки маротаба ўқиб чиққан амирзоданинг руҳи тушиб, юзи тунд қиёфага кирди.

– Демак, катта хатога йўл қўйибмиз. Шахсан менинг бобом ҳазратларининг васиятларидан хабарим йўқ эди. Буни

сиз келиб менга айтдингиз, – деди амир Бурундуққа қараб.

– Амир Худойдод билан мен ҳам улуғ хоқон васиятларидан беҳабар эдик, – деди Шамсиддин Аббос бу гапни эшитган бўлса-да, эшитмасликка олгандай.

– Мен хоқон ҳузурларида қасамёд қилганман! – деди дами ичига тушиб амир Бурундуқ Барлос.

– Не қилмоқни маслаҳат берурсиз? – хавф-хатар чўккан нигоҳини бирма-бир суҳбатдошларига тикди амирзода титроқ оҳангда. – Уларга қандай жавоб берамиз? Бундай ғавғою жанжал билан эришиладиган тахтнинг менга кераги йўқ! Оч қорним, тинч қулоғим! – авзойи бирдан ўзгарган эди амирзоданинг.

Оғир-оғир нафас олаётган уч катта амирни ҳам ўй босиб, жимиб қолдилар.

– Маъқул десаларингиз мен шундай фикрдаман, – деди анчадан сўнг дамсар уриб нарвон каби елкаларини учуриб амир Худойдод Хўсайний. – Бу ўн амирнинг мактубига албатта жавоб беришимиз керак. Аксинча, улар қўл остидаги катта қўшин билан отлари жиловини биз томон буришлари мумкин. Ҳар қандай вазиятда рақибу яғийни пахта билан бўғизлаб турмоқ керакки, саси чиқмасин. Уларга мактубни сиз эрмас, биз, аниқроғи Аббосбек иккимиз ёзайлик. Васиётдан беҳабар амирзоданинг бу ишдан чексиз пушаймон бўлганликларини қайд этиб, тахт даъвогарлигидан воз кечганликларини айтайлик ва хатни амир Бурундуқбек элтиб Шайх Нуриддинга топширсин. Шу билан улар Самарқанд томон ўз йўлларида давом этадилар. Биз эса мавжуд вазиятга қараб иш тутамиз. Яратган эгам бир йўл кўрсатар. Ақлимизни пешлаб, чора-тадбиримизни кўрамиз. – гаплари дадил ва мантиқли эди амир Худойдоднинг. – Васиётдан беҳабар сиз амирзодамизнинг ул бекларга ҳисоб бериб, мактуб битмоғингизга лузум йўқ дея ўйлайман. Сизни ўзингиз эмас, биз подшоҳ қилиб кўтарганмиз. Шул боис уларга жавобни биз йўллаймиз. Неки ҳисоб-китоблари бўлса, биз

Нурали ҚОБУЛ

билан қилсинлар. Керак бўлса, сўзимизга жавоб берамиз. Биз бу ишни юрт эгасиз қолмасин дея қилгандик. Бошқа ҳеч бир орт ниятимиз бўлмаган. Валиаҳд етиб келгунга қадар тахтни худонинг олдидан ялангоёқ қочган Султон Ҳусайн каби бири эгалламасин дея қилдик.

Амир Худойдод Ҳусайнийнинг маъноли, қатъий оҳангда айтган сўзини диққат билан тинглаган амирзоданинг юзига қон югурди. Бироз ўзига келгандек бўлиб, қолган икки амирга қаради.

– Жуда тўғри гап. Мен қўшиламан, – деди Шамсиддин Аббос Худойдоднинг фикрини дастаклаб. – Сизу биз, қолаверса, амирзодамиз зоти олийлари ҳеч бир нарсани, улўғ хоқон ҳазратларидан қолган туя-туя хазинани еб-ичиб қўйганимиз йўқ. Буюк бобонгизнинг Чин сафари учун айирган хазина аларнинг илгида. Бу мулки давлатнинг кимга насиб этишини ҳам яратганнинг ўзи билади. Ҳарҳолда Бурундуқбек биродаримиз эски дўстлари олдига боришдан бош тортмасалар керак, – сўл томонида ўтирган бека қаради амир Аббос.

– Бораман! Кимсадан қўрқадиган жойим йўқ! Амирзодам учун керак бўлса бошимни кундага қўяман! Улардан ҳеч бирининг ҳеч биримиздан устун ери йўқ! Хўш, Султон Соҳибқирон ҳазратлари амирзода Пирмуҳаммадни валиаҳд ўлароқ васият этган эканлар. Тўғри. Бу зоти олийларининг таржиҳларидир. Бироқ амирзодамиз уч ойдаи, тўрт ойдаи бошкентга етиб келади, буни кимса билмайди. Нима, шунча узоқ муддат мамлакат тахти эгасиз туриши керакми? Амир Худойдод айтгандек Султон Ҳусайнга ўхшаган дордан қочган бири қочиб-пусиб бориб Кўктошга кетини ишқаб ўтирсину, амирзода Халил Султон томошабин бўлиб туравериши керакми? У сотқинзода ўша ерга борган кун амиру амирзода демай, ҳеч кимнинг юзига боқмай қатл эттиради! Биз ана шу хоинлигу тартибсизликлар, қардош қони тўкилмаслигини ўйлаб султонимизни буюк боболари тахтида

кўрмоқни орзу этган эрдик! Ким не деса десин, қай томондан олиб қараманг, бу ҳеч қандай гуноҳ ёки жиноятга қирмайди. Чин устига юриш қилиб, тўнғиз Фахфурни бир ёқлик қилиб келиб, сўнгра Самарқандда қурултой ўтказиб, валиаҳдни тахтга ўтказар эмишлар. Бу дардарвоқи бекларнинг ҳар бири ўзини Амир Темур чоғлайди шекилли? Бу аҳмоқлар Чин ўрдусининг ўзиёқ бизда яшовчи улус нуфусидан кўплигини, мўри малах каби бу қавмни йиллаб қилич-ла чопсанг-да тугатиб бўлмаслигини билмайдилар. Кечмишда Чингизхон, мўғул деганда одамларнинг қўлидан қиличи, тагидан ичтўни тушиб кетган. Бугунга қадар Темур деганда дунёнинг барча бурчагидаги элу элатлар шу ҳолга тушар эдилар. У кунлар ўтиб кетди. Думини қисиб пана-панада юрган барча қавму қабилалар улуғ хоқон қайтишини эшитишлари билан бош кўтариб чиқадилар! Шундай экан, биз аслида тўғри қилганмиз! Ортга чекинмоққа ер йўқ! Улар ўзларини доно санаб, саннайверадилар! Мактубни битайлик. У ақллилар билан ўзим бориб гаплашаман! – дея сўзини мухтасар этди амир Бурундуқ Барлос жазаваси тутиб. – Бу менинг-да, Турон салтанатида сўз соҳиби бўлган барлосларнинг-да фикридир!

Гапга чечан ва нотик амир Бурундуқ Барлос мўлжалга аниқ урган, далилу исботли фикри билан даъводошларини иқно эта билган эди.

Амирзода қиёфасида ҳам қилган ишининг тўғрилигига ишонч ифодаси зоҳир бўлган, Шамсуддин Аббос эса қўлига қалам олиб мактуб битмоққа киришганди.

– Мактуб уларни хотиржам этажак мазмуну оҳангда бўлиши керак! – деди амир Бурундуқнинг оташин сўзларидан руҳланиб кўнгли кўтарилган амирзода ўрнидан туриб, чодир бўйлаб юрар экан. – Биздан шубҳаланишларига имкон бермаслигимиз лозим.

– Ҳақ сўйларсиз, улуғ подшоҳим! Айнан шу маънода битажакмиз, – жавоб қилди амир Аббос ишга жиддий киришар экан.

Нурали ҚОБУЛ

Ҳар хил ўй-хаёллар оғушида Оқсулот томон йўлга тушган амир Бурундуқ Барлос қўйнидаги мактуб шу мазмунда эди.

“Муҳтарам амир ул-умаро жаноблари ва беклар! Абука Чеҳра орқали юборган мактубларингизни олгач, амирзода зоти олийлари ва биз беклар ғоят ноқулай аҳволда қолдик. Айниқса, амирзодамиз пушаймон бўлиб, изтироб чекдилар. Боиси, амалга оширилган бу ишга ул зоти олийнинг ҳеч қандай алоқалари йўқ. Давлат ва мамлакат хавфсизлиги, ҳокимият манфаатини ўйлаб биз ул кишини қўярда-қўймай кўндирган эдик. Ўзаро тожу тахт талашлари элатлару амирлараро қирпичоқнинг олдини олиш учун шундай қарорга келгандик. Муҳтарам амирзодамизнинг шаҳзодалар ичида энг улуғи бўлганлари боис, бу ишимизни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар дея фикр қилган эдик. Шундай катта давлату мамлакатнинг тахти бўш қолмаслиги, Султони ғозий, Амир Соҳибқирон хонадонидан бир шарафли киши бошимизда туриши керак дея ўйлагандик. Бироқ бизнинг хабаримиз бўлмаган, Соҳибқирони ақрам ҳазратларининг васиятлари бошқача эркан. Кўзимиз очик эркан, ҳеч қачон бу васиятга қарши бормағаймиз. Битган мактубларингиздан хулоса чиқарган ҳолда ўзаро маслаҳатлашиб, неники лозим кўрсангиз биз барчамиз итоат этгаймиз ва амал қилгаймиз!”

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

*Ҳеч қачон дўстларингни ўзингдан
узоқлатма. Душманларингни янада.*

Отасўзи

Амир ул-умаро Шайх Нуриддин бошчилигидаги беклар юришни тўхтатиб, амирзода Халил Султоннинг жавобини кутишарди. Амир ўзича “қаршимизга яна сен эски ўйинбузуқи чикдингми” дегандек ёвқараш қилиб турган собиқ дўст ва биродарларига икки букилиб салом берган

амир Бурундуқ Барлос ҳеч бир воқеа содир бўлмагандек улар билан кучоқ очиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

– Бу ишлардан сизларнинг хабарингиз бор деб ўйлабман, – деди амир Шайх Нуриддинга қараб Бурундуқ Барлос ўзини овсарликка солиб. – Худойдод Ҳусайний билан Шамсуддин Аббосбекларни сиз билан маслаҳатлашган деган гап-сўз тарқалди. Тўс-тўполон, бир ёқда жонни ҳалқумга келтирадиган совуқ. Ҳамманинг қалби бу мусибатдан ларзага келиб, боши қотган. Мана амирларимиз мактубингизга жавоб ёздилар, – дея мактубни қўйнидан олиб Шайх Нуриддинга узатди. – Сизлар не десангиз, амирзода ҳазратлари рози эканлар.

– Сиз ўзингиз биз ила баробар улуғ хоқон ҳузурида қасам ичган эдингиз. Бу ишнинг хатолиғини амирзодага англатсангиз бўлар эди-ку! – деди Шайх Нуриддин гина оҳангида. – Ҳиротда Шоҳруҳмирзо ҳазратлари, Ғазнада номлари зикр этилган валиаҳд турган бўлса! Ўзаро маслаҳатлашиб бир қарорга келинар эди-ку? Ўликни қўйиб тутга югурмасаларингиз бўларди! – деди мактубни ўқиб чиққан бош вазир.

– Мен Султон Соҳибқирон васиятларига содиқ қолмоқ учун барчангизнинг кўз ўнгингизда яна қасам ичаман! Амирзода ва атрофидаги беклар ҳам шу фикрдалар. Мавзуни қайта муҳокама этиб, тортишмоқдан кимсанинг муроди ҳосил бўлмағай, – одатдагидек гаплари дадил эди барлос бегининг.

– Амирзода ва бекларининг самимиятига ишонмоқдан бошқа чорамиз йўқ. Сиз черигингиз бошига дўна билурсиз, – деди Шайх Нуриддин амир Бурундуқнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзларига ишониб-ишонмай. – Оллоҳ насиб этса бошкента кўришармиз.

У қадар самимий кечмаган мулоқотдан кутилганидан анча эрта ва осон, ортиқча гап-сўз, баҳсу мунозарасиз айрилган амир истаганига эришиб, мамнун ҳолда изига қайтди.

Нурали ҚОБУЛ

– Саф тортганимиз тарзда юришда давом этамиз. Тезроқ бошкентга етиб бориш керак. Бу мактубни битган биродарларимизга у қадар ишонч йўқ. Итининг феъли эгасига маълум. Ҳар дақиқаю сонияда фитна ва исён қўзғовчилар топилиб қолиши мумкин. Барчангиз қоровул ва айғоқ жўнатиб, Султон Ҳусайннинг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлишга уринингиз. У булардан-да хавфлидир, – сўнг сўзни сўйлади амир ул-умаро.

Амир Шоҳ Малик гуруҳнинг олдида борар эди. Шаҳар аркининг тўп ва замбараклар юрадиган кенглиқдаги деворлари устига тизилган тиш-тирноғигача қуролланган пиёдаларга кўзи тушган даруға амир Арғуншоҳ, вазифасини аъло даражада бажариб, шаҳарни яхши қўриқлаётган экан деган хаёлга борди.

Одатда у каби катта амирлар яқинлашиши билан дарвозалар шарақлаб очилар, қоровуллар югуриб келишиб отларининг жиловидан тутишарди.

У етиб келган Шайхзода дарвозаси ўнгида зоғ ҳам кўринмас, қалъа деворида дубулға кийган нотаниш аскарлар наридан-бери юришарди.

– Мен амир Шоҳ Маликман! Дарвозани очинг! Орқадан маҳди улё Сароймулкхоним ва бошқа маликалар, амир ул-умаро Шайх Нуриддин келмоқдалар! – деди амир от устидан бор овозда.

– Амир Арғуншоҳ шаҳарга фақат тобут ортилган тахтиравонни киритишга буйруқ берган! Биз шу фармонни бажармоқдамиз, амир жаноблари! – жавоб қилди девор устидан қоровулбеги.

– Арғуншоҳнинг ўзи қани? Чақир уни бу ерга! Бундай амр бермоқликка ҳаққи йўқ! – ҳайқирди амир.

– Биз даруғага тобе одаммиз! Ул кишим Чорраҳа дарвозасидалар! Бориб қўниша билурсиз!

Амир Шоҳ Малик тойғоқ йўлда отини ниқтаб, Чорраҳа

дарвозаси томон юрди. Дарвоза тепасида амир Арғуншоҳ билан амир Хожа Юсуф Шоҳ Маликнинг аркни ўраган сув кўпригидан отини етаклаганча пойи пиёда ўтиб ўзлари томон келаётганини кузатиб туришарди.

– Хўп томошангни топибсан сен итдан тараганлар, – деди амир ичида қаҳри келиб. – Сен болоқдаги битлар, сўқоқдаги итлар билан ҳисоблашадиган дам ҳам келиб қолар. Ана шунда кўрамиз.

– Султон Соҳибқирон раҳматлининг хоҳиш иродаларига биноан борлиқ шаҳзодалар иттифоқ бўлиб, амирзода Пирмуҳаммад жаҳонгирни подшоҳ кўтармагунларича бирон бир зотни қалъага киритмагаймиз! – деди амир Арғуншоҳ дарвоза тепасига келиб.

– Хўп, сенинг гапинг ҳам маъқул дейлик! Айтганинг воқеа содир бўлганига қадар маҳди улё Сароймулкхониму маликалар, амирзода Улуғбеу Иброҳим Султондан тортиб барча шаҳзодалар кўча-кўйда яшаши керакми? Унга қадар Кўксаройда сен, Бўстонсаройда маслаҳатчинг Хожа Юсуф яшайдими? Ўйлаб сўйламоқдамисан?

– Ўйлаб сўйламоқдаман, амир жаноблари! – бўш келмасди Арғуншоҳ.

– Эрта кунда шу сўзингга жавоб берасанми? – ҳайқирди амир Шоҳ Малик.

– Жавоб бераман! – дами баланд эди Самарқанд даруғасининг.

Амир Шоҳ Малик бошини қўйи эгганча ҳолдан тойган қўйи аранг отига минди. Беихтиёр хўрлиги келиб кўзидан ёш қуйилди. Қўҳак сувидан ўтиб, амирзода ва маликалар тўхтаган Алиобод қасабасига етгунча қадар кўз ёши тинмади.

Отабегининг абгор турумига кўзи тушган Мирзо Улуғбек ҳам буюк бобосини, эндиликда кечмишга айланган ул савдатли кунлар ёдига тушиб йиғлаб юборди. Амирзода-

Нурали ҚОБУЛ

га бошқа шаҳзода ва маликалар қўшилиб, қайта бошдан ҳазрат Соҳибқиронга аза тутиб, хунибийрон бўлиб, бир-бирларини кучоқлаганча дарду алам-ла узоқ йиғлашдилар.

— Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! — деди бош малика йиғи-сиғи тингач, ёқасини ушлаб. — Не кунларга қолдиг-а? Султони ғозий замонасида бундай кунлар тушимизга-да кирмас, ақлимизнинг бир учидан ҳам кечмас эди-я! Қирқ йилдан бери кириб-чиққан уйимиз остонасидан ҳатлай олмай ўлтирсаг-а? Бу не кўргулик! Бу не қисмат! Бу қадарнинг не мунгли жилваси-я! — дея амир Шоҳ Малик келтирган хабардан лолу ҳайрон бўлиб чайнаётган луқмаси оғзида қолган Шайх Нуриддинга қаради малика.

Етти иқлим мамлакатларининг амир ул-умароси Шайх Нуриддин ҳам пойдеворидан бошлаб тиклаган Самарқанд аркига кира олмай кўчада қолган, етти ухлаб рўёсига ҳам кирмаган бу таҳқиру ҳақоратдан ер-ла баробар бўлган эди.

Сароймулкхонимдан бошқа маликалар Чўлпон малик оқанинг чодирига кириб ҳамон паст овозда айтиб йиғлашар, юракларни ўртовчи бу қайғули сас этдан ўтиб суюкка санчилаётган совуқ каби кишини ҳузурсиз этарди.

— Бу шарафсиз ва бешоҳ Арғуншоҳга бундай таълимотни фақат амирзода Халил Султон бериши мумкин. Акс ҳолда, у икки дунёда бу каби журъату жасорат-ла бизга қараб дам урмас эди. Демак, турум биз ўйлаган ва тахмин этгандан кўра ташвишли ҳамда хатарлидир, — деди Чаҳорроҳа дарвозаси томон боришга аҳд қилган Шайх Нуриддин.

— Шундай қилинг. Ишқилиб бу изғиринда кўча-қўйда қолиб кетмасак эди, — ташвишланарди малика.

Эртаси куни Шайх Нуриддин Чаҳорроҳа дарвозасига борди. Бутун бошли пойтахт отасининг маҳрига тушгандай қош-қовоғи солиқ, илонкўз амир Арғуншоҳ ўлакساني қўриган ёввойи итдек ашаддий ва олғир қиёфада амир ул-умаронинг юзига ҳам боқмай қалъа девори устидан туриб жеркиган оҳангда гапирарди.

– Аркга маҳди улё Сароймулкхоним зоти олиялари ва маликалардан бошқа ҳеч кимни кирита олмаймиз! Ўзгалар қай томон борсалар, тўрт тарафлари қибла! – деди даруға гапни кесиб. – Жумладан, сиз ҳам.

– Эрта бир кун бу аҳмоқона гапларинг, тарбиясизлигу тўқимтабиатлигинг учун жавоб берасан, Арғуншоҳ! – деди даруға яхши гап билан муомалага кўнмагач бош вазир.

– Энди сенинг даври-давронинг ўтди, Шайх Нуриддин! Шунча йил Соҳибқироннинг кўзининг ёғини еганинг етар! Бу давлату салтанат абадулабад сену сенга ўхшаганларга қолмагандир! Сендан бошқаларда ҳам нафсу ошқозон бор! Обрўинг борида ўз юртингга бериб топган-тутганингни еб, сон-саноксиз канизагу жорияларинг билан айш-ишратда яшамайсанми? Аслида султони ғозий эмас, зоти олийларини асраб-авайламаган сену амир Шоҳ Маликка ўхшаганлар нариги дунёга кетиши керак эди!

Амир ул-умаро оёғини ўпиб, пешини кўзига суртиб юрган мулозимининг ақл бовар қилмас ҳақоратларини ҳайрату сукут-ла тинглади.

Аёлу маишат деганда ўзини томдан ташлайдиган Арғуншоҳ даруға кечаси билан ичган, тонгда ҳам сабуҳий қилиб олганди. Қаҳрини кўзитса анча-бунча одамга қилич кўтариш ҳуқуқи ҳам берилган эди унга.

Ҳар қандай гап-сўз ва мулоқот бефойдалигини англаган амир ғамгин ва тушкун кайфиятда ортга қайтди.

– Зоти олиялари! Маликалар ва норасида шаҳзодаларни олиб шаҳарга кира билурсиз! – деди Шайх Нуриддин бош ва зирнинг қайтишини тўрт кўз ила беклаётган Сароймулкхонимга. – Амир Шоҳ Малик билан биз шаҳзодалар мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонни олиб Бухорога борайлик Қуббат ул-исломимиз Бухорони ҳам мана бу нобакорлардан бири бориб эгалламасин. Айни дамда қўшиннинг катта қисми Халил Султон тарафга ўтиб кетганга ўхшайди. У валиаҳд

Нурали ҚОБУЛ

Пирмуҳаммад ва амирзода Шоҳруҳдан хавфсираб, Бухоро томонга ҳам черик юбориши, шаҳар даруғаси Ҳамза бар лосни ҳам Арғуншоҳ каби қўлга олиши мумкин. Самарқанд каби Бухородан ҳам айрилиб ўтирмайлик. Қолаверса хазинанинг қолган молларини ҳам булардан узоқроқда сақлашимиз керак.

Кулфату мусибат бир неча кунда чўктириб қўйган малика бош ирғаб амир сўзини маъқуллади. Йиғлайверганидан овози бўғилиб қолган Сароймулкхонимнинг қўнишмоққанда мажоли етмас, канизаклари суяб турғазиб, суяб ўтирғизишарди.

Амир ва амирзодалар Сароймулкхоним бошчилигидаги оқолар, шаҳзодалар Бойқора, Ийжил, Саид Ваққос ва Суюрғотмишларни шаҳарга кузатиб қолдилар.

Хайрлашув яна йиғи-сиғи, мотамга айланиб кетди.

Мирзо Улуғбек бошлиқ ихчам черик Чин сафари учун ажратилган хазинанинг қолган-қутганини муҳофаза этганча Зарафшон дарёси қуйисидаги Дебусия қалъаси томон борарди. Қалъада бироз тўхтаб, сўнгра Бухоро йўлига чиқмоқчи эдилар. Амирзода Улуғбек таълимоти билан Рустам Тоғай Буғо шаҳзодалар ташрифига ҳозирлик кўрмоқ учун илғор бир қисм билан Бухорога жўнатилди.

— Биз шу пайтгача етти қават осмонда, ҳавода учиб юрган эканмиз, устоз, — деди амирзода Улуғбек ёнида ҳорғин ва қайғули қиёфада бораётган отабеги амир Шоҳ Маликка. — Буюк бобом ҳазрат соҳибқирон анара Аллоҳ бурҳонахунинг ҳаёт эканликлари ақли идрокимиз уфқи тасаввур этмаган, эта олмаган олий бахт ва шараф эканлигини чуқур англаб етмаган эканмиз. Давлату салтанат бошқарувидаги ул мухташам иқлим, тартиб-интизом, тўра ва тузукнинг ҳар бир бандига амал этмоғу уни тутиб тура билмоқ, буюк бобом ҳазратларининг саодату шарафатлари ила эркан! — оталиғига дардини ёрди амирзода.

– Феъл-атворан одам боласи шундай, амирзодам. Этига жир битдими, ўзидан кетиб товадагини эмас, ҳаводагини кўзлаб қолади. Ҳавода учаётган қушни тута олиш ёки аниқ мўлжалга ола билмоқ эса ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Бироқ инсон ҳеч қачон ўз имкониятининг даражасидан келиб чиқиб ҳаракат этмайди. Ақли иқтидори зиндонбонликка етса-да, вазирликни, вазирликка етса ҳукмдор тохтагини кўзлайди. Кўрпасига қараб оёқ узатмайди. У ана шу ноқис идроки ила эгаси яратган энг мукаммал жонзодман дея ўйлаб, ўзини ўту чўққа уриб, одамларни сарсону саргардон этиб, охир-оқибатда барча уринишлари саробга айланиб, ажал соқийси ўлим қадаҳи ила сармаст этгунга қадар қилмишларини давом эттираверади, – босиқ ва вазмин оҳангда қўнишарди амир Шоҳ Малик оти жиловини бўш қўйиб бораркан.

– Бул турум, амирзода амакимизнинг бобомиз тахти учун бошлаган ғавғоси не ила тугайди? Ёки биз амирзодага кеч чопар юбориб ва бобом ҳазратларининг қайтишларини ўз вақтида айтмай хато қилдикми? Балким ул киши шундан ранжигандирлар? – пойтахтга киролмай кўчада қолиб кетмоқ қаттиқ алам қилган эди амирзода Улуғбекка.

– Гапингизда жон бор, амирзодам. Шунинг учун ҳам биз амир Шайх Нуриддин билан Султони ғозий вафотларини пинҳон тутиб, маликаларга аза очиб, йиғламоқни таъқиқлаган эрдик. Икки юз минглик бу катта қўшинни Чиндан Мағриб¹гача бўлган бу чек-чагарасиз мамлакатни фақат бир куч-қудрат, буюк жаҳонгир бобонгизнинг ўтқир ақли ва кескир қиличи тутиб турган эди. Дорулфанодан дорулбақога кетмаяжак кимса қолмас. Пайғамбаримиз ҳазрат Рисолатпаноҳ, алайҳис салоту вассалламдан азиз ва мўътабар киши йўқ эди бу ёруғ оламда. Ул зоти шариф

¹Мағриб – Африканинг шимоли, ҳозирги Марокашгача бўлган худуд шундай аталган.

Нурали ҚОБУЛ

икки дунё саодатининг султони эрдилар. Шундай, охири замон пайғамбари ҳам вақти-соати етгач, ёлғончилик шаҳристонидан боқийлик салтанатига йўл олдилар! Киши зоти борки, туғилмоқ шарбатини не қадар-симирса, ажал шаробини ҳам худди шундай сипқоргувсидир! Искандару Африосиёб, буюк қоон Чингизхону Султон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам бундан мустасно эмасдур, авлодим. Сабру шукур этмоқ, кўникмоқ ва умид этмоқдин бошқа чорамиз йўқдур! Тарихдан маълумким, барча буюк салтанатлар унинг асосчиси вафот этганда бизнинг бошимиздан кечаётган синову савашлар, исёну юз буришлар ила юзма-юз қолади. Искандар Мақдуний ўттиз икки ёшида ёруғ оламини тарк этганида қўл остидаги барча лашкар-бошилари Румдан Чингача бўлган мамлакатини парчалаб, бўлишиб олганлар. Биз ҳам бугунги турумимизга ана шу кўз ила боқмоқ мажбуриятидамиз, азиз амирзодам.

– Буюк қардошимиз амирзода Халил Султон ҳам улуғ бобом салтанатини парчалайдими? – болаларча беғубор кўзларини-катта очган-амирзода-кўрқув ва ҳайрат-ла амирга тикилди.

– Афсуски, шундай, амирзодам. Бу ишни амирзода Халил Султон қилмаса, ундан каттароқ шайтон Султон Хусайн қилиши мумкин эди. Ёки амакинғиз Мироншоҳ бу худудларда бўлганида ул кишимдан кутса бўларди. Етти иқлим хоқонидан тараган авлод борки, Амир Темур бўла олмайди. Мўғуллар бежизга она авлодга урғу бермайдилар. Боиси, болалар отага эмас, юзда етмиш фоиз она аждодга тортади. Бунинг устига илм ва тарбия эксик бўлса, ишни худо урди деяверинг. Сўрганингиз каби биз амирзода Халил Султонга қарши бироз адолатсиз даврандик. Бошдан ул кишимга улуғ хоқоннинг қайтишларини айтмай, оғирлашиб қолдилар, тезда етиб келинғиз деган хабар ила Хизр Қавчинни юбордик. Бироқ амирзода олий қароргоҳдаги

одамлари орқали боболарининг вафоти ҳақида хабар топиб улгурган эканлар ва биздан асосли равишда хафа бўлганлар. Бироқ олий ўрдуда, амирзодалар, маликалар ва вазирлар ўзаро кенгашиб олган бу қарор амирзоданинг бобо пойтахтини қамал қилишга асос, тахтини эгаллашига сабабу баҳона бўлолмайди. Не ишки не тарзда бошланган бўлса, айнан шул тарзда ниҳоя топгувсидир. Ул кишим бир неча йил салтанат тепасида туришлари ҳам мумкин. Бироқ назаримда сўнги хайриятлиғ ила тугамаяжак.

– Недан бундай фикрдасиз? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода.

– Аёл зотига ашаддий ўч кишида давлат юритмоқ закоси ва ахлоқи эксик, суст бўлади. Бундай ҳис-туйғунинг қулига айланган ҳукмдорлар ҳокимиятни аёл зотига топшириб қўяди ва атрофидаги эс-хуши бутун шахсиятлар секин-ас-та ундан узоқлаша бошлайдилар. Охир-оқибатда ўзи ҳам хароб бўлгувсидир.

Оталиғи фикрларини ўзича мушоҳада этаётган амирзода от устида карахт бир аҳволда келарди.

– Бошқа амирзодаларга ҳам ўз вақтида хабар юборилган эди-я, устоз? – анчадан сўнг яна оталиғини сўроққа тутди мирзо. – Эрта кунда бошқа амакиларимиз ҳам биздан домангир бўлмайдиларми?

– Зотан, барчанинг икки амирзода – Халил Султон ва Султон Ҳусайндан гумони бор эди. Шубҳа тўғри чиқди. Иккиси ҳам бобосининг мусибатли кунини кутиб яшаганини, фикри-зикрида фақат тожи тахт, мулки давлат бўлганини исбот этдилар. Сиз бобонгиз бошларида, мотамда, мусибат ичида эдингиз у кунларда. Валиаҳд Пирмуҳаммадга ҳам улуғ бобо васиятларини қайд этиб, Алп Туркашбекни юбордик. Қиблагоҳингиз Шоҳруҳмирзо ҳузурларига Шайх Темур Қавчин ўша заҳоти жўнатилди. Бағдодга, Мироншоҳ амакингизга ва амирзода Або Бакрга Аро Темур кетди. Али

Нурали ҚОБУЛ

Дарвеш эса Табризга, амирзода Умар ҳузурига отланди. Форс ва Ироқ ўлкаларига ҳам чопарлар юбордик. Кимса бизга бу хусусда эътироз эта олмайди, амирзодам.

— Оталиғи амир Шоҳ Маликнинг маъноли ўғит ва ибратли сўзларидан бироз таскин топган амирзода ва одамлари Қорадарё бўйидаги Дабусия қалъасига етиб қолган эдилар.

Алиободдан бошкент Самарқанд томон йўлга тушган малика, амирзода ва мулозимлар аркни ўраган сув кўпригидан ўтиб, Чаҳорроҳа дарвозасига етиб келдилар.

Малика ва канизаклар борлиқни бошига кўтариб йиғлашар, Султон Соҳибқироннинг туғ ва наққорасини кўзларига суртиб, нола қилишарди.

Сароймулкхоним бошчилигида келаётган ҳарам ва амирзодаларга кўзи тушган Арғуншоҳ ўзини панага олиб, ёнига қоровулбегини чақирди.

– Сўйла уларга. Бирор манзилда кутиб турсинлар. Мусоид замонда хабар берамиз. Сўнгра шаҳарга кирадилар, – деди қоровулбегига димоғидан ички иси анқиб.

Қоровулбеги дарвоза тепасига келиб, амирнинг сўзларини такрорлади.

– Оллоҳ жазоингни берсин сен шарафсизларнинг! Тахтиравонни Шоҳруҳмирзо боғига ҳайданг! – деди малика аравакашга. – Сўқоқда сарғайиб турмайлик!

Дарвозани эртаси куни эрталаб очдилар.

Ҳарам ва амирзодалар минг бир қайғу алам-ла Султон Соҳибқироннинг сўнг манзили Муҳаммад Султон мадрасаси томон борардилар.

Юзларини тирнаб, сочларини юлган хотин-халажнинг фиғону ноласидан майдонни тўлдирган каптар галалари чўчиб кўкка кўтарилди.

Амирзодалар, беклар, сарой аъёнларининг шаҳарда қолган хонимлари қаро кийиб, бўйниларига кийизлар солиб, оҳу фарёд-ла матом майдонига оқиб келарди.

Дўконлар ёпилган, бозор ва гузарларда ҳаёт тўхтаган, мудҳиш ўлим хабаридан ларзага келган Самарқанд кечмиш ва келмишининг энг улуғ фарзандига мотам тутарди.

Қора тўнлар кийиб беллари боғланган тўққиз ёшли Муҳаммад Жаҳонгир Пирмуҳаммад ўғли, Хожа Абдул Аввал, Хожа Асомиддин ва Амирак донишмандлар мадраса қопуси ўнгида тик турганча таъзияларни қабул этар, Сайид Шариф Журжоний Қуръон тиловат қиларди.

Садрдасан, сабрдасан, қасрдасан, қабрдасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Умматимда ихтилофу тафриқо андишаси,

Гушаи қабримда ҳатто беқарор айлар мани.

Ёвуз Султон САЛИМ

Қўшинини Сайрам, Тошкент, Фаркат ва Шоҳруҳия ҳудудларида тўплаб, Самарқанд сари бобоси каби шавкату салобат билан бормоқ орзусидаги амирзода Халил Султон хазинадан ўзига теккан мол-мулк, захирадаги от, ҳачир, туя ва эшакларни беклар ва лашкарга бўлиб бера бошлади. Қочган-писган аскарларнинг уловларини ҳам суворийу пиёдаларга тарқатди.

– Тўғри қилмоқдасиз, султоним! Бундай, улусга меҳрибонлик ва сахийлик кўрсатмоқ, пайғамбарларга хос хислатдир! – деди амирзоданинг ҳузурига етиб келган Бурундуқ Барлос қўйнидан Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик ёзган мактубини чиқариб узатар экан.

Амирзода мактубни истар-истамас қўлига олиб, қошини чимирганча ўқиб чиқди.

Нурали ҚОБУЛ

– Ўша гапимиз гап. Биз барчамиз буюк бобом васиятларига содиқмиз ва унга амал қиламиз. Ҳозир ҳузуримга амир Аталмиш ила Шоҳруҳия ҳокими амир Боботурклар келишади. Бу сўзимизни яна битиқда қайд этиб, Аталмишбекни Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Малик ҳузурига юборамиз. Хос чопар ва вакилимиз Аталмишбек мактубимизни амир ул-умарога топширгач, Ғазнага буюк қардошим валиаҳд Пирмуҳаммад ҳузурига боради. Бориб бизнинг валиаҳд зоти олийларига итоат этишимизни айтиб, эзгу тилақларимизни етказди. Султон Соҳибқирон бобомизнинг васиятларидан бир одим ҳам чекинмаслигимизни таъкидлайди.

– Кўп маъқул ва замонида олинган тадбир, амирзодам. Олий қароргоҳдаги беклар билан батафсил суҳбатлашдим. Ҳақиқатан ҳам бироз шошганга ўхшаймиз, – деди амир Бурундуқ бурунги сўзидан қайтиб. – Эҳтиёткорлик ила ҳаракат этмоқ керакка ўхшайди. Бу ёқда қанча амирзодалар, Шайх Нуриддину Шоҳ Малик. У томонда валиаҳду Шоҳруҳмирзо. Икки ораю бир дарада қолиб кетмаслик йўлидан боришимиз лозим. Ҳар қандай шароитда уларнинг бирлашиб бизга қарши курашмоғига имкон бермаслигимиз керак. Қолаверса, Пирмуҳаммад мирзонинг валиаҳд аталиши амакинғиз Шоҳруҳмирзога ҳам маъқул келмаслиги аниқ.

– Бу масалани чайнамоққа лузум йўқ. Сўзимиз – сўз. Сиз ҳам ўз ишинғизга боқинг, амир жаноблари! – деди Халил Султон амирнинг ақл ўргатишга киришганидан энсаси қотиб. – Ҳали яна маслаҳатлашамиз.

Оқулотда улуғ амир васиятга содиқлик ҳақида иккинчи бор қасам ичган амир Бурундуқ Халил Султонни подшоҳ эълон этиб хато қилганларини англагандек эди.

Амирзода билан совуққина хайрлашиб, Шоҳруҳиянинг кун ботиш томонида турган чериги томон жўнади. Унинг лашкари билан ёнма-ён Абдулкарим Ҳожи Сайфиддин ва

Рустам Тоғай Буғонинг чериклари ҳам ҳаракат этмоққа амр беклашарди.

Амир Бурундуқнинг олий қароргоҳдан қайтганлигини эшитган амирлар Абдулкарим ва Рустам Тоғайлар вазиятни билмоқ учун унинг ёнига келишди.

– Амирзода Халил Султон пошоҳликдан воз кечдилар. Васиятга амал қилиб акалари валиаҳд Пирмуҳаммаднинг ворислигини тан олдилар ва унга амир Аталмишни элчи қилиб юбордилар. Энди барчамиз Самарқандга бориб, амир ул-умаро Шайх Нуриддин атрофида бирлашиб, янги хоқонимизга байъат этмоғимиз керак, – деди амир Бурундуқ Барлос бекларига. – Мен эртагаёқ бошкентга жўнайман ва мен ила баробар кетишингизни маслаҳат бераман. Акс ҳолда, бу ерда амирзода Халил Султон бошингизни қотириши мумкин.

– Мен розиман. Сиз ила бирга Самарқандга бориб, олий ўрдуга кўшиламан, – деди машҳур ва марҳум амир Ҳожи Сайфиддиннинг ўғли Абдулкарим. – Соҳибқирони аъзам мен учун отам ўрнидалар. Қиблагоҳим раҳматли вафотларидан кейин кўришганимизда падари бузрукворинг, дўстим Ҳожи Сайфиддин ўлди дема. Мен ҳаёт эканман, у ҳам ҳаётдир. Отанг ўрнида отангман, дегандилар. Шундай одамга қандай хиёнат этмоқ мумкин? Мен аввал-бошдан ўзларини ҳукмдор эълон этган амирзодамизга қарши эдим ва сўнгигача ўз фикримда қоламан.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Кимки бугун Соҳибқирони аъзам васиятларини йўқ санаб, унга амал қилмаса, халқ бугун Халил Султондан кўрқиб оғзини очмаса-да, эрта бир куни айтади. Дунёни титратган марҳум хоқон бир нарса ни билиб васият этган бўлсалар керак, ахир. Ўша улуг зот кўрганнинг мингдан бирини кўрмай туриб, унинг хоҳиш-иродасига қарши қандай бориш мумкин? Биз ҳам амирзода ишига бош кўшганингиз учун сиздан хафа бўлган эдик.

Нурали ҚОБУЛ

Хайрият, хатойингизни англаб етибсиз. Оллоҳ сизни бундан буён йўлдан адаштирмасин, – деди Рустам Тоғай Буғо очик қўнгиллик-ла. – Эрта тонгда йўлга чиқсак яхши бўлур эди.

Уч амир англашдилар. Хўжанд суйи кўпригидан навбат билан Тоғай буғо, Абдулкарим, энг сўнгра Бурундуқ Барлос чериги ўтадиган бўлди.

Кўприқдан дастлаб ўтган икки черик йўл танобини тортиб борарди.

Амир Бурундуқ орқада биров ҳаяллаб қолди. Йўлдошларининг кечикаётганидан хавотир олган амир Абдулкарим оти бошини кўйганча дарё соҳилига қайтиб келди.

Бурундуқ Барлос дарёга солинган кўприкни буздириб бўлган эди.

– Нега ундай қилдингиз, амир жаноблари? – ҳайрон бўлиб сўради Абдулкарим.

– Тахталаб амирзодамиз бу кўприқдан ўтиб, бошкентга тезда етиб бормасликлари учун! – деди амир қилган ишидан қониқиш туйиб. – У сўзда акасининг тахт ворислигини тан олиб турган бўлса-да, ич-ичдан бунга рози эмас. Бир нуқтага тик боқмайдиган нигоҳидан шуни пайқадим.

– Қай шароитда ва ким ўтмасин, кўприк бузмоқ хайри аломат эрмас, амир жаноблари! – норозилигини яширмади Абдулкарим. – Бу кўприқдан Халил Султондан бошқалар, қолаверса, халқ ўтади-ку?

– Сиз ёшсиз, авлодим. Биз билмаган ишимизга қўл урмаймиз. Қўл урдикми, сўнгига етказамиз. Бошингизни қотирманг ва йўлингизда давом этинг! – дея оти бошини Самарқанд томон бурди амир Бурундуқ.

Бошкент сари бораётган уч черик Тошлоқ наҳри бўйидаги Қорақишлоқ манзилига етиб қолган эди. Амир Бурундуқ от алмаштириб энг олдинда борар, пойтахтдаги амирзодалар, маликалар, катта бекларга ўзи билан бирга яна

икки черикни олиб келаётганини намойиш этиб, шу билан Соҳибқирон давлати ва васиятига содиқлигини исботламоқ ниятида эди.

Қаршидан эллик чоғли суворий келарди. Амир Бурундуқ ўнг кўлидаги қамчиси билан қоровулга уларни кўрсатиб ишора этди. Қоровул суворий тўдаси томон от кўйди. Уларнинг бошлиғи билан гаплашди-да, ортга қайтди.

– Мингбоши Жалол Бовурчи экан! – деди отини чоптириб келиб. – Сизни яхши танирмиш!

– Жадол Бовурчи эканми? Ҳамма Самарқанд сари от кўйса, у нега орқага қайтмоқда? – ҳайрон бўлди амир.

Бу орада мингбоши етиб келиб амир ҳурмати учун отдан тушди. Улар илиқ кўришиб, сўрашдилар.

– Барча бирдек Самарқанд сари от кўйганда мингбошибек биродаримиз ортга қайтибдилар? Не ҳаводислар? – деди амир Бурундуқ Жалол Бовурчининг бежо кўзларига боқиб.

– Гап бор, амир жаноблари! Четроққа чиқайлик! – деди мингбоши паст овозда.

Амир черик ва шерикларига юришда давом этмоқни имо этиб, мингбоши билан орқада қолди.

– Тинчликми, биродар? Кўнглингиз алағдага ўхшайди? – мингбошининг оғзига қаради амир.

– Тинчлик эрмас, амирим. Самарқанд арки дарвозалари тақа-тақ беркитилган. Подшоҳ Халил Султоннинг амри билан даруға Арғуншоҳ қалъа қопусидан мушукниям ўтказмаётир. Сароймулкхоним бошлиқ малика ва амирзодалар ҳам икки кеча-кундуз Алиобод қасабаси ва Шоҳруҳимирзо боғида тунаб, аранг шаҳарга киришган. Амирзодалар Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон, вазири аъзам Шайх Нуриддину Шоҳ Малик ҳам киритилмагач, Бухоро томон йўл олган деб эшитдим. Демакки, энди бизнинг давлатпноҳимиз Халил Султон зоти олийларидир. Ул ҳазратнинг пешларини

Нурали ҚОБУЛ

ўпиб, хизматларига кирмоқ мақсадида ортга қайтдим, – пойтахтдаги сўнг воқеалар тафсилотини баён этди мингбоши.

– Астаффируллоҳ! Алҳазар! – деди Бовурчининг гапларидан ҳайратга тушган амир. – Шунақа денг!

– Шундай гаплар, амир жаноблари. Бориб овора бўлишингизга ҳожат йўқ. Шаҳар ташқарисида ит эгасига боқмайди. Саккизта қочган-писган аскардан бошқа ҳеч ким йўқ. Эсинг борида этакни ёпган маъқулга ўхшайди.

– Биз ҳам ортга қайтайликми? – боши қотганча сўради амир.

– Менга қолса қайтинг. Бошкентга янги подшоҳ билан бирга келганингиз маъқул. Бирга гурунглашиб кетардик.

Узоқ ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Амир ҳамон ўша қоровулни чақирди.

– Тоғай Буғо билан Абдулкаримбекка етиб айт! Кетаверишсин! Биз ортдан борамиз! Черикка сўйлаки, отларни бироз совутиш учун тўхтаймиз! – буюрди амир.

Ҳаво совуқ бўлса-да, от устида терлаб-пишиб келаётган амирнинг танаси бу гапдан сўнг музга айланди. Аҳмоқлик қилиб чиқар эшигини қаттиқ ёпмаса бўлар эди-ку! Амирзода ҳузуридан ҳайдамаётган эди. Шайх Нуриддин билан амир Шоҳ Маликнинг олдида қайта қасам ичмаса ҳам бўлар эди.

Устига-устак қайтиб келиб амирзодага ақл ўргатмоқчи бўлди. Самарқанд сари думини тугиб қочаркан, кўприк буздиришга бало бормиди? Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмайди дегани шу шекилли? Энди қай бир юз билан подшоҳнинг олдига қайтиб боради? Кўтар тўрва халтангни бетайин деса-чи? Бироқ бошқа йўл ҳам, нажот ҳам йўқ. Бетининг суви беш томиб, амирзода остонасига бош уради энди. Ҳар қандай амиру лашкар нақд ва кучли ҳукмдорга хизмат қилади. Бунинг айби йўқ. Амир Темурдек одам ҳам бир манзилга етгунга қадар амир Яхмоғу Туғлуқхонга хизмат

қилган. Эгилган бошни қилич кесмас. Энг ёмони, унинг Халил Султонга бўлган нохайрихоҳлигидан Худойдод билан Шамсуддин Аббоснинг ҳам хабари бор эди. Бироқ улар ҳам шу фикрда эдилар. Амир Бурундуқни сотганлари ўзларини ҳам сотганларидир...

Амир Бурундуқ Барлос Жалол Бовурчи отининг айилини қайта тортиб боғлаётган навкарнинг ҳаракатини кузатганча чуқур ўйга толган эди.

– Черикка айт! Орқага қайтсин! Илонўтти дарасида дам олиб, тунаймиз! – деди амир қор ялашга интилаётган оти жиловини тортиб. – Юртчимизга сўйла, олдинроқ бориб, чодирларни шамолпана жойларга тиксин! – буюрди қоровул бегига.

Рустам Тоғай Буғо Самарқандга етиб келганида амирзодалар Улуғбек ва Иброҳим Султон, Шайх Нуриддин ҳамда Шоҳ Малик йўлдошлигида Бухорога отланиб турган эдилар.

Барча улардан пана-панага қочаётган бир пайтда Рустам Буғонинг ёнларига етиб келганини хайр аломати деб билган мирзо Улуғбек суюнди. Ўша заҳотиёқ унга вазифа юклаб, Ражаб Турдиқора билан бирга Бухорога жўнатди.

Тўғридан-тўғри амирзода Халил Султон ҳузурига боришга юраги дов бермаган амир Бурундуқ эски ҳамтовоқлари амир Худойдод билан Шамсуддин Аббоснинг олдида борди. Самарқанд воқеалари тафсилотини айтди. Сўнгра учовлон биргалашиб, амирзода чодирига кирдилар.

– Буюк бобом ҳам гуноҳларни уч маротаба кечирган. Шу хайрли анъанага амал қилиб, узрингиз қабул. Мен ҳам сизни учинчи бор кечираман. Тўртинчи маротаба хато қилгудек бўлсангиз, тақдирингиз ҳукмига топшираман! – деди Халил Султон амирнинг оёғига бош уриб келганидан мамнун оҳангда. – Сиз муҳтарам амири-мизга яна бир тавсиямиз бўладики, бундин буён кўприк

Нурали ҚОБУЛ

бузмоқликдек аҳмоқона одатингизни ташлашингизга тўғри келади, – киноя қилди амирзода.

– Биз катта амирлар Худойдод ва Аббосбеклар билан ўзаро англашдик. Тошкентда берган сўзимиз сўз, қасамимиз қасамдир! Барчамиз сизни илгари қайд этганимиз каби бобонгиз ўрнига муносиб ворису подшоҳимиз деб биламиз ва Қуръони каримни ўртага қўйиб қасам ичамиз! – деди кўзлари ёшовлаб амир Бурундуқ Халил Султон қаршисида тиз чўқаркан.

– Қасамёд қиламан! – деди амир Худойдод Хусайний.

– Онт ичамиз! – дедилар барча бек ва лашкарбошилар бирма-бир.

– Унда фурсатни бой бермай Самарқанд сари юрмоқ керак! – деди Худойдод Хусайний ҳаммани ғазовотга чорлаган ғозий қўмондон каби баланд овозда.

– Маъқуллаймиз!

– Подшоҳимиз учун керак бўлса жонимизни ҳам аямаймиз!

– Улуғ хоқон тахтлари эгасиз қолмаслиги керак!

– Энг муносиб ворис амирзодамиздир! – Худойдодни қўллаб-қувватлаган овозлар эшитилди.

Сафар ҳозирлигини ниҳоясига етказган, хазинанинг қолган-қутган нақд ақчаю қумош, рахту жайбалар, черик асбобу ашёларини ҳам тарқатган подшоҳ амиру лашкарбошилари қуршовида Шоҳруҳия томон юрди.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Бир бўлса эшак-ла отнинг охури,
Бир куни кулга ағанагай охири.*

Дабусия қалъасига етиб келган Мирзо Улуғбек кечмишда буюк бобоси ўтиб-қайтганда тунаб қоладиган кенг ва ёруғ хонага жойлашди. Ёнидаги бўлмага кўрима бошлиғи юзбоши Ражаб Турдиқора ерлашди. Олиб юрган, бироқ йўл азобию саргардонликда ўқишга вақти бўлмаган китобларини ётоқ тўридаги тахмонга қўйди. Таҳорат қилиб, йўлдошлари билан бирга шом намозини ўқиди. Апил-тапил кечки емакни еган йўлчилар итдек чарчаганлари боис хона-хоналарига кириб, таппа-таппа ташладилар.

Ўйга толганча ётоғига ҳорғин кириб келган амирзода Улуғбекнинг емақдан сўнг уйқу элтса-да, кўзи илинмади.

Ҳужра ойнасидан муз бўлақларини суриб оқаётган дарёга тикилиб анча турди. Бобоси ҳазратларининг ёруғ оламни тарк этганларига ҳам ярим ой бўлди. Шу ўн беш кунда бошларига ўн бир йилдан бери кўрмаган ва тасаввур этмаган ғаму ташвишлар тушди. Фалак чархи шу икки ҳафтада қарийб ярим аср мобайнида қону жон, иймону эътиқод, сўғишу саваш, сулҳу сабр, фатҳу зафар устига қурилган буюк салтанатни остин-устин қилиб юборди. Юксаклар ер бўлди, ерлар юксалди. Шаҳарни қўриқлаш учун қолдирилган битта аҳмоқ аскар бутун бошли Соҳибқирон ҳарами ва мулки давлат, тахти салтанат эгалари амирзоларни одаммисан, итмисан демай, боболари бунёд этган бошкентга киритмай ўтирибди. Бу разиллик ва хиёнатдан қалби ларзага келган буюк бибиси, маликаларнинг юзларини тирнаб, сочларини юлиб йиғлаганларини эслаган амирзоданинг шом туби қоронғилашиб, руҳи янада тушиб кетди.

Нурали ҚОБУЛ

Наҳотки, бу бедодликнинг бошида амакиси Халил Султон турган бўлса? Наҳотки, у маликалару амирзодаларнинг шу қадар оёқ ости қилиниб, топталишини орзу этиб, бунга йўл қўйиб берган бўлса? Ахир, бу дунё ҳисобли-ку? Буюк жаҳонгир авлодидан Халил Султон Султон Ҳусайнга ўхшаган икки нафар нобакор чиққан бўлса, қолган ўттиз тўрттаси томошабин бўлиб турмас, ахир? Кимдир бу бедодликка чек қўйиб, бу бетавфиқларнинг танобини тортса керак! Яғий қилмаган, журъат этмаган ишни энг яқин одамнинг қилиб ўтирса! Бу шунчаки хатою янглишмоқ эрмас, охири дор оғочи ила барҳам топажак буюк жиноятдир! Феълтворга яраша ҳар бир қилмишнинг ажри савоби бордир!

Яратган' бир кишини бир кишига меҳрибон қилиб қўяр экан. Шу пайтгача бу инсон Оллоҳнинг ярлақанган бандаси, буюк бобоси эди. Улар бу улуғ меҳрибонларидан айрилдилар. Киши бу саодату марҳаматни фожиа кунига қадар юзда-юз англамас экан. Англаб етганида эса бу тоғлар қулаган, сувлар оқиб ўтиб кетган бўлар экан.

Оғир ўйга толган амирзода ҳамон ойнадан ташқарига қараб турар, сокин оқаётган дарё ҳам, унинг юзида туя ўрқачи каби бир-бирига мингашиб оқаётган муз бўлаклари ҳам кўринмай қолган, булутли осмонда милтираган бирорта юлдуз кўринмасди.

Қалъа кўриқчилари уч- жойга машъала ёқдилар. Даҳлиздан чироғбонларнинг мойчироқ ва шамдонларни кўтариб зинапоялардан кўтарилаётгани эшитиларди.

Оғир хаёллардан ўзини чалғитмоқчи бўлган амирзода тахмондаги китоблардан бирини қўлга олиб, муқовасига кўз ташлади. Ҳамдуллоҳ Қазвиний “Нузхат ул-қулуб”. Ётоғига узаниб ўқимоққа ҳозирланаркан, қопу қаттиқ тақиллади.

– Киринг! – деди амирзода сергак тортиб беихтиёр эшик томон юраркан.

Қопуда Ражаб Турдиқора турарди.

– Самарқанддан чопар бор, амирзодам! Арғуншоҳ ва Хожа Юсуфдан эрмиш! – деди Турдиқора. – Баён Темур хазиначи деган киши эркан!

– Чорланг, келсун! – деди амирзода ишлар хайрли та-
рафга бурилишидан умидвор оҳангда.

Хатоларини англаб, узр тилаб, шаҳарга қайтишларини айтиб юборган бўлсалар керак. Бухорога бориб юрмасдан эртагаёқ қайтиб қўя қолардик, хаёл қилди амирзода умид-
ланиб.

Ҳузурига кириб келган Баён Темурни амирзода яхши та-
нирди. У бобосининг номдор амири Мангли Хожанинг ки-
чик қардоши бўлиб, чериги билан Шохруҳияда, амир Бобо-
туркнинг яқинида турарди. Демак, у ҳам Халил Султон билан
тил бириктириб, унга байъат этган.

Шохруҳия даруғаси амир Боботурк қайда қолди экан?
Нечун ул кишимдан дарак йўқ? Унинг аҳволи ҳам бизники
кабидир балки? Даъвогар амирзода бизга яқин одамларга
кун бермаса керак энди. Улуғ бобоси айрилиғи ва кейинги
хоинона воқеалардан имони ларзага келган Шоҳи Қаландар
ҳам даҳшатли битиклар битган бўлса керак! Хуллас, икки
ҳафтада тожу тахт, мулки салтанат баробарида энг яқин
ёру дўст, қавму қариндош, биродару хайрихоҳлардан мосу-
во бўлиб, дарбадар қочоғу қочқин мақомига тушиб ўтириб-
ди. Мана, қисмату қадарнинг даҳшатли ўйини! Оталиғи Шоҳ
Малик айтганларидек, амиру хонзодамисан, тожу тахтга
дахлинг борми, бундай, ўлим-ла ўйнашадиган қисматдан
қочиб қутула олмайсан. Тожу тахтга не қадар яқин турсанг,
дор оғочига ҳам шунчалик масофадасан. Ё давлат бошга,
ё кузғун лошга. Зотан, бошдаги тож ила саройингдаги тахтга
ўтирар экансан, ойнадан ҳовлидаги дор оғочи кўриниб тура-
ди. Сен эса бу иккисининг орасида бориб келаверасан. Қай
бири сени сўнгги йўлга кузатади, буни фақат ўзи билади.
Улуғ бобосининг шундай, қишнинг чилласида, йўл-йўла-

Нурали ҚОБУЛ

кай, қўл остидаги бир бекнинг уйида бир ҳафта ётиб-ётмай вафот этажаги кимсанинг ақлига келганмиди? Ажал шундай даҳшатли тасодиф. Уни қаерда ва қай тарзда ёқангдан тутишини билмайсан.

Совуқда жунжикиб, юзлари оқариб кетган эллик-ёшлар чамасидаги калта соқолли, қора юзли, елкадор Баён Темур кириб келганда амирзоданинг фикру хаёли тўхтамади.

– Зоти олийларига Арғуншоҳбек ва Ҳожа Юсуфбеклардин мактуб келтурдим, амирзодам. Ўқиб, жавоб берсангиз, сизнинг мактубингизни-да олиб қайтажакман! – деди Баён Темур амирзода кўрсатган курсига ўтирар экан, хатни уза-тиб. – Ҳаволар илиб кетмади-да, амирзодам. Йўллар ҳануз муз-ла қопланган, тойғоқ.

Амирзода мактубни ўқимоққа киришди:

“Муҳтарам амирзодаларимиз ва беклар! Сизларга арк дарвозасини очмаганимиздан ҳануз хижолатдамиз. Сизлар бунини яғийлик ва муҳолифатга йўймангиз! Ҳазрат Соҳибқирон давлати ва салтанати туфайли шу мавқею мартабаларга эришган биз қуллари ул зоти олийнинг васиятларига амал қилароқ бул-ишга қўл урдик. Мақсаду муддаомиз улуғ амир васият этган сўз ва амалларга итоат этган ҳолда ҳокимиятни эгасининг илкига топширмақдир. Валиаҳд Пирмуҳаммад зоти олийлари тахтгоҳга етиб келгунларига қадар бошкент хавфсизлигини энг олий даражада таъмин этмоқ бизнинг масъул ва муқаддас мақсадимизким, биз бундан бошқа ишга қўл урмагаймиз. Дарвозалар калитини валиаҳд ҳазратлари етиб келгач, ул кишига қўш қўллаб тақдим этажакмиз. Мактубни сиз зоти олийларига шунинг учун ёздикким, бўлиб ўтган гап-сўзлар учун бизни маъзур тутинг ва биздин кўнглингиз қолмасун. Аҳди қароримизда муқиму қатъий турмоққа қасамед этамизки, берган сўзимиз сўздир!..”

Мактубни қайта ўқиган амирзода Баён Темурга тикилганча

ўйланиб қолди. Баён Темур эса сергак ва безовта нигоҳ-ла амирзоданинг оғзини пойларди.

Бир кечада фикру қарорини ўзгартирган бу сотқинларнинг гапига ишониш мумкинми? Улар вақтдан ютиш, ҳеч бир ҳаракат этмай хотиржам туришимиз учун хоинлик ўйинини давом эттираётган бўлишлари мумкин, Шаҳарга кирганимизда ҳам югуриб бориб, буюк бобом Кўктошига ўтирмас эдик-ку? У тарафда валиаҳд, бу тарафда падари бузруквори турганда мену Иброҳим Султон бу ишга қўл урармидик. Бизни ўз хонадонимизга йўлатмаган, халойиқу мамлакат кўз ўнгида шаъну шарафимизни ер-ла баробар этган бу миллат ва салтанат душманлари билан мулоқотда бўлиб, ҳамкорлик қилиш мумкинми? Шоҳи Қаландарнинг “бир сотган қайта сотар, сўнгида айта сотар” деган сатрларини амир Боботурк кўп такрорларди. Улар куч-қудрати, дор оғочию кундасидан, шон-шухратидан кўрқиб бобомни сота олмас эдилар. Ҳокимият оёққа туриб, яхшини юксалтириб, ёмонни жазолай олмоқ қувватига етгунга қадар бобомни ҳам сотиб, исён кўтариб, суиқасд уюштириб бошларини оғритган экан бу каби ғаламислар. Бундайлар ҳар замонда бўладилар, ҳар маконда топиладилар. Улар фақат ўзидан устундан чўчиб, ҳайиқиб, кўрқиб жим юрадилар. Бугунгига ўхшаб вазият ўзгариши билан пусиб ётган болоқларини тарк этиб, бошқа томон ўрмалайдилар.

– Мактубни битиб сизга бераман. Бориб бироз исиниб, истироҳат эта туринг! – деди амирзода ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган Баён Темурга.

Амирзода хонага кириб келган Шайх Нуриддинга мактубни узатди. Сўнгра хатни оталиғи Шоҳ Малик ўқиди.

– Улар бу қадар самимий эътиқод соҳиблари экан, икки дунёда бизга нисбатан кечаги муносабатни қилмаган бўлур эдилар, – деди амир Шоҳ Малик мактубни хонтахта устига қўяр экан. – Мен ул шарафсизларнинг ҳеч бир гапига

Нурали ҚОБУЛ

ишонмайман ва аминманки, вақти-соати етиб улар муаққаж жазоларини олажаклар.

– Гапингиз тўғри, Шоҳ Маликбек, – деди Шайх Нуриддин бу фикрга қўшилиб. – Бу ерда бир гап бор. Ул ножинслар бир кечада бошқа одамга айланиб қолмайдилар. Эшак-ла баробар отнинг охури, кулга ағнаяжак бир кун охири дегандек, яратган жонга омон берса, эрта бир кун кўрамиз бу шақалларнинг турумани. Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига қабилда иш тутаетган нокасларга охиروқибатда сичқоннинг ини ҳам, пода қочиб боражак сомонхона ҳам буюрмайди.

– Эгам шу кунларни кўрсатсин! – деди амир Шоҳ Малик ўкинчли оҳангда.

– Мактубга жавоб битажакмизми ёки? – сўради амирзода беклар фикрига қулоқ тутаркан.

– Улар сўзида турса турмаса-да, ёзиш керак, – жавоб қилди вазири аъзам.

Хонтахта четига чўккан амир Шоҳ Малик қўлига қалам олди.

“Мактубингизни олдик. Кеч бўлса-да, тўғри фикр қилиб, ақли салимлик-ла хатоингизни англаган кўринасиз. Бироқ янглишни англамоқ бошқаю ундан хулоса чиқариб, тўғри йўлни топа билмоқ бошқадир. Мактубда онт ичиб қайд этган фикрингизда собит турингиз ва Султони Ғозий васиятларига амал қилиб, валиаҳд келгунларига қадар шаҳар ва хазинани бус-бутун, талон-тарожсиз сақлангиз! Сўзларингизда туриб, валийнеъмат аҳдига вафо қилиб, валиаҳд тахт устида қарор топса, шак-шубҳасизки, эл-улус кўз ўнгида яхши ва шарафли иш қилгану, ном қолдирган бўласиз! Валиаҳд ҳам сизларнинг бу хизмату садоқатларингизни муносиб қадрлаб, мартабаларингизни юксалтириб, анинг давлатида сарафроз ва шодком бўлғунгиздир! Агарким сўзингизда турмай, васиятга хилоф ўлароқ, иш тутиб, куффро-

ни неъмат йўлидан кетсангиз, муаққақким бунинг ҳам ажри бордир, жазоси оғирдир! Бадномлик ила расвойи олам бўлиб ном қолдирмаслик учун ақлингизни бошингизга олароқ иш тутинг! Мактубингизга жавоб ўлароқ бизнинг фикримиз шул турдур. Қолганига худо пошшодур”.

Мактубни қўйнига солган Баён Темур хазиначи бошкентга қайтди.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Муте бўлиб ҳақ амрини тутмаган,
Гавҳар олиб, бозоринда сотмаган.
Отаси, бобоси беклик этмаган,
Эл қадрини билган султон бўларму?¹*

МАХТУМҚУЛИ

Самарқанддан тўрт йағоч² масофадаги Шероз қасабасида байрам ҳавоси ҳукм суларди. Тўрт тарафдан оқиб келаётган ўнлик ва юзлик чериклар тўпланишиб, Саидқул Зинбардор бошчилигида янги ҳукмдорни муносиб кутиб олмоққа ҳозирлик кўрарди.

Зинбардор амирзода ҳадя этган зотдор тулпорини кўз-кўз қилиб, иши бўлса-бўлмаса-да, бир юзликдан иккинчиси ёнига учириб борар, қўшин ҳолати, лашкарнинг қурол-яроғларини кўздан кечириб, ўзича тергаган бўларди.

Қочиб-пусиб Шерозга етиб келган юзбошию мингбошилар, катта-кичик бекларнинг димоғи чоғ, эрта-индин мансабу маснадлари юксалиб, салтанат вазирию амирларига айланиб қоладигандек, суяқдан умидвор кўппак каби Зинбардор бурунсизнинг (бурнини ярмини совуқда олдиригандан сўнг у шу лақабни олган эди) атрофида гирдикапалак бўлиб айланишарди.

¹Муҳаммад Пирриев таржимаси.

²Бир йағоч – тахминан саккиз километр масофадаги ўлчов бирлиги.

Нурали ҚОБУЛ

Олдинроқ келган байроқчилари амирзода туғини кўтарганча самони тўлдириб унинг наққора¹сини чалишар, Халил Султоннинг ворис эълон этилишида жонбозлик кўрсатган Сайди Аҳмад Умаршайхнинг наққорачилари уларга жўр бўлишарди.

Тўққиз от, тўққиз туя, тўққиз хил қумошу шойилардан тўққиз хилдан ҳозирланган пишказларни қайта-қайта кўздан кечирган амир Хожа Юсуф амир ул-умаро каби ҳаракат этиб, подшоҳ келадиган йўлдаги қорларни тозалатар, отлиғу пиёдалар юравериб балчиғи чиқиб кетган жойларга шоли ва сомон похоли солдирарди.

Қасаба киришидаги баландроқ тепаликка хазинадан олиб чиқилган, Султон Соҳибқиронга тегишли шоҳона ўтов ўрнатилган, ўтов эшигининг ҳар икки томонига ўн нафардан пиёда аскар соқчиликка қўйилганди.

Амирзода Халил Султон улуғ бобоси минган Оқбулутнинг авлоди, Кешдаги салтанатга тегишли хос отхонада етиштирилган Олабулутда келарди.

– Султонлик муборак бўлсин!

– Улуғ хоқонимиз-тахти-амирзодамизга буюрсин!

– Оллоҳ салтанатингизни боқий этсун! — дея қаршилашарди амирзодани тўпланганлар.

Халил Султон от устида бош ирғаб, саломларга алик олиб, табрикларни қабул этганча самода учаётган каби хушнуд ва кўтаринки кайфиятда оти жиловини ўйнатиб келарди.

Амиру лашкарбошилар йиғилишиб турган майдонда отдан тушган Халил Султон таъзимларга бош силкиб миннатдорчилик билдириб, беклар билан кўришди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, улар билан бироз суҳбатлашган бўлди-да, шоҳона ўтов томон юрди. Ҳожи Юсуф, Худойдод Хусайний, Бурундуқ Барлос ва Шамсуддин Аббослар амирзода ортидан юрдилар.

¹Наққора – ўша пайтда нағора шундай аталган.

Хожа Юсуф ўтов тўрига арк хазинасида чанг босиб ётган буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахтини келтириб қўйишни ҳам бир хаёл қилди. Бироқ шундай қимматбаҳо ашёни ўғирлатиб нетиб-қўйиб, боши кетишидан қўрқди. Арғуншоҳ билан маслаҳатлашиб, Кўктошнинг ёнига қўйдирди.

Ўтовга эса улуғ хоқон шаҳар ташқарисидаги боғларда хорижий элчи ва хос чопарларни қабул қилганда ўтирадиган Лубнондан келтирилган сандал оғочига Дамашқ усталари садафдан ишлаган, кўзни қамаштиргувчи оппоқ тахтни қўйиб қўйди.

Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонларга чалғитувчи мактубни битиб, қўлтиқларига сув пуркаб Баён Темурни Бухорога йўлчи этган Хожа Юсуф қат-қат ҳадяларни ҳозирлаганча янги ҳукмдорни кўнгилдагидек қаршилаш учун Шероз қасабаси томон шошилди.

– Бизни қаришламоқ бобида кўп заҳмат чекибсиз, амир жаноблари. Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – деди амирзода садаф нақшли тахтга ўтирар экан Хожа Юсуфга. – Бугун шу ерда тунасақ маъқул бўлар экан. Бундан сўнги иш ва ҳаракат тартибимиз қандай кечажак? – қаршисида тик турган катта амирларга бир-бир боқди ҳукмдор.

– Бул хусусда амир Хожа Юсуфбек сўйласинлар. Бизлар биргалашиб амир Арғуншоҳ ила мулоқоту мунозара олиб бормоқ ва шаҳар ичи масаласини ҳал этмоқни ул кишимга юклаган эрдик. Мўлжаллаган барча ишларимиз ўзлари таъкид ва қайд этганлари каби бормоқда! – дея амир Хожа Юсуфга боқди Худойдод Ҳусайний.

– Бир кунми, ярим кунми ўзлари истаганлари каби бу ерда истироҳат эта билурлар, султоним, – қўл қовуштирганча бош эгиб ҳисоб бермоққа тутинди Хожа Юсуф. – Маъқул десангиз, бу кеча, эртага ҳам Шерозда дам олиб, ҳордиқ чиқарсангиз. Индин нонуштадан сўнг йўлга чиқилса. Амир Арғуншоҳ барча шаҳар аъёнлари, амиру мулозимлар ила зоти олийла-

Нурали ҚОБУЛ

рини Кўҳақ тепалигида муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Шу ерда халойиқ олдида давлатпаноҳимизга бошкент Самарқанд ва буюк бобонгиз, улуг ҳоқон ҳазратлари ҳазинасининг қалитини тақдим этажак. Шундан сўнг Хумоюн кўшинингиз билан шаҳарга кириб борасиз, иншооллоҳ. Содиқ қулингиз, жиловдорингиз ўлароқ сизни Самарқандга ўзим элтажакман, – дея сўзини мухтасар этди амир. – Яна сўнг амри фармон султонимизнингдир!

– Маъкулдир, амир жаноблари! Унда индин сабоҳдин йўлга чиқажакмиз! Шунга кўра бошкент ва Шерозда ҳозирликлар кўрилсун! Биз қолажагимиз Кўксаройдаги барча малика ва амирзодалар Бўстонсаройга кўчирилсун! Бўстонсаройдаги бизга нохайрихоҳ бўлган амирларнинг оилалари у ерни тарк этсунлар! Арк ичидаги ишлаб яшаётган барча кишилар ташқарига чиқарилсун!

– Фармон подишоҳимизнингдур! Ҳамон бу хабарни Арғуншоҳга етказажакман! – жавоб қилди амир Хожа Юсуф.

– Унда барчангиз истироҳат этингиз. Оқшом усти бир зиёфат тартиб этинг! – амир Хожа Юсуфга буюрди ҳукмдор. – Кечки емақда кўришиб, суҳбат этажакмиз. Барча ўнликларга биттадан кўй улашилсин ва керакли эмагу ички берилсин!

Амирлар ўтов саҳнига чиқишганда мингбоши Зинбардор ва Биби Чаманно бошлиқ мулозимлар елиб-югуришиб малика Шод Мулк ва канизакларини кутиб олишарди.

Отдан тушган малика рўмоли билан юзини тўсганча оқ ўтовга кириб кетди.

Мирзо Улуғбек етакчилигидаги Бухоро қофиласи Дабусия қалъасида бир неча кун дам олиб, ўзларига келмоқ ниетида эдилар.

Орадан бир кун ўтиб, ярим тунда уларни яна Самарқанддан шошилинич келган чопар безовта қилди.

Амирзода буюк бибисининг хос хизматчисини таниди. Мулозим хонага кириши билан йиғлаб юборди. Амирзода-нинг ҳам кўнгли бузилди.

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

– Не хабарлар? Ўзингизни қўлга олинг. Кўз ёши ила ишлар битиб, муддао ҳосил бўлмас. Бибим не дедилар? – чопарга таскин бериб, сўроққа тутди амирзода.

Енги билан кўз ёшини артган хизматчи қўйнидан буклоғлик мактубни олиб узатди. Амирзода хатга кўз югуртирди: “Улуғжоним! Жони жаҳоним! Эгам сизни ўз паноҳида асрасин! Юраркан-да, тураркан-да ғоят эҳтиёт бўлингиз! Бошкентда турум хатарли! Ўз бағримиздан чиққан ёв – Мирзо Халилнинг нияти тўғри кўринмайдур! Эрта-индин бошкентга етиб келиб, буюк бобонгиз тахтига ўтириши учун шайтони лаъинлар Арғуншоҳ ва Хожа Юсуф ҳар неки лозим ўлса қилмишлар! Бундин сўнг не кунларга қолажагимиз ёлғиз ўзига аёндир! Бухорода турмоқ ҳам барчангиз учун хавфлига ўхшайдир. Бобо тахти босқинчисининг ул ҳудудлардаги одамлари ҳам ғимирлаб қолсалар ажаб эрмас. Унинг тахтга ўтирганини эшитсалар, сизларга яғийлик кўзи ила боқиб, ҳар неки қабиҳ ишга қўл урмоқликлари эҳтимолдан холи эмасдур. Шул боис вақтдин истифода этароқ, тезда Бухородин ихрож бўлиб, қиблагоҳингиз ҳузурлариға, Ҳириға отланмоғингиз маъқулдир! Ожиз ақлимга айни дамда бундин ўзга жўяли фикр келмади, кўзим! Оллоҳимга омонат бўлинг! Йўлингиз юзингиз каби оқу ёруғ бўлсин! Сизни қучиб, Бибингиз”.

Амирзода хона эшиги ўнгида ҳайкалдек қотиб турган Ражаб Турдиқорани Шайх Нуриддин ва отабеги Шоҳ Маликни чақиришга юборди.

Амир Шоҳ Малик тун яримдан оққан бўлса-да, ухламаган, кўнгли алағда бўлганча хонасида китоб ўқиб ўтирарди. Тезда етиб келди. Бироқ Шайх Нуриддиндан дарак йўқ эди.

– Нечун ул зот кечикмоқдалар? – сўради амирзода ҳайрон бўлиб.

– Кечки емақдан сўнг биз хона хонамизга кириб кетдик. Ул кишим эрса ички ичмоқни бошлаган эдилар, – деди амир Шоҳ Малик.

Нурали ҚОБУЛ

– Майхўрлик қилинадиган макону замонда эмасмиз-ку?
– деди энсаси қотиб амирзода.

– Балки ўчиб қолгандир. Ул зотдан ҳар қандай макону замонда ҳар қандай хатти-ҳаракатни кутмоқ мумкин, амирзодам. Бош вазиримиз ҳисоб бериб, ҳайиқадагиган одам энди йўқ. Сизу бизнинг олдимизда ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, – эски рақибининг сирини фош қиладиган фурсатдан истифода этган эди амир Шоҳ Малик.

– Келсалар келарлар. Бўлмаса... Мана, буюк бибимдан мактуб келди, – дея хатни оталиғига узатди Мирзо Улуғбек.

– Зотан, уларнинг найранги биз учун янгилик эмас. Шундай бўлишини кўнгил сезиб турган эди. Маҳди улё зоти олиларининг барча фикрлари ҳақдир ва зудлик ила Бухорога жўнашимиз керак. Улардан ҳар неки ёмонликни бекласа бўладур, – деди амир Шоҳ Малик хонага кўзи қизарганча кириб келган Шайх Нуриддинга мактубни узатаркан.

– Унда ҳамон йўлга чиқиб, Бухоро қалъасига ўрнашмоғимиз керак бўлади. Ўша ерда туриб Самарқанддаги вазиятни бир муддат кузатишимиз ва шунга кўра ҳаракат этмоқ керақдур, – ўз фикрини билдирди Шайх Нуриддин бўғиқ овозда.

– Шу аҳволда йўлга чиқа биласизми? – шогирди олдида яна вазири аъзамни чақиб олди амир Шоҳ Малик.

– Қай аҳволда йўлга чиқмоқ ва чиқмамоқ кераклигини сизчалик билсам керак, амир жаноблари. Бўйингиздан ошган масалалар хусусида бош қотирмасангиз яхши бўларди, – деди сархуш нигоҳини Шоҳ Маликка қадаб амир Шайх Нуриддин. – Ўзингизга ярашган сўзни сўзланг!

Амир Шоҳ Малик унинг гапига жавоб бермай, сафар ҳозирлигини кўрмоқ учун эшик томон йўналди. Ортидан Шайх Нуриддин ҳам чиқди. Амирзода Улуғбек тахмондаги китобларини йиғиштиришга киришди.

Дабусиядан Бухорогача карвон йўли билан йигирма сак-

киз фарсахлик масофа бўлиб, саккиз-тўққиз кунда босиб ўтиларди. Қичаб юрган йўлчилар фақат Карманада тунаб, олти кунда Ҳазрат Имом дарвозасига етиб келдилар. Дарвоза киришида меҳмонларни даруға Ҳамза Барлос шаҳар олиму машойихлари қуршовида кутиб олди ва Мирзо Улуғбекка шаҳар калитини топширди. Аюб чашмасини зиёрат этган йўловчилар арк томон юришди.

Арқдаги хон қабулхонасида тўрт киши ўтиришарди. Амирзодалар Улуғбек ва Иброҳим Султон амирлар Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик.

Икки амир орасидаги келишмовчиликни орқаворотдан туйиб юрган Мирзо Улуғбек, бу ёвлашувнинг шундай оғир, мусибатли кунларда юзага чиққанидан ранжиган эди. Улардан хафа бўлганидан юзларига қарамай гапирар, бошларига тушган кутилмаган кўргуликдан дили вайрон бўлган Иброҳим Султон эса ҳеч бир гап-сўзга аралашмас, тезроқ Ҳиротга кетиш тарафдори эди.

– Қалъа буржу бораларини мустаҳкамлаб, дарвозаларни маҳкамлаб тасодифий ҳужумга ҳозир туришимиз керак! – деди ниҳоят йўл бўйи сукут сақлаб келган Шайх Нуриддин Дабусия кечасидаги нокулай аҳволи ва амир Шоҳ Малик билан бўлиб ўтган нохуш айтишувдан сўнг тилга кириб. – Бирор кишини падари бузрукворингиз Шоҳруҳмирзо ҳазратлари ҳузурига ёрдам сўраб юборишимиз керак. Бобо васияти кушандасини кучайиб, томир отмасдан жойини солмоқ керак. Акс ҳолда, бу иш йилларча чўзилиб, қай тарзда битмоғини кимса башорат эта олмайди, – ниҳоят ўз фикрини баён этди амир.

– Тўғри, агар бизга ҳужум этсалар, қаршилик кўрсатмоққа кучимиз етмаслиги турган гап, – амирнинг фикрини маъқуллади Улуғбек.

– Уларнинг биз томон бостириб келишларига лузум йўқ. Одамларини юбориб, Ҳамза Барлос билан қардоши Рустамни қўлга олишса бас. Ит қўриган жойига ўч бўлгандек,

Нурали ҚОБУЛ

улар янги ҳукмдорнинг ишончига кириш ва рутбаларини сақлаб қолмоқ учун ҳар қандай тубанликка боришларига шак-шубҳа йўққа ўхшайди, – фикрини давом эттирди Шайх Нуриддин.

– Тўғри. Қасамхўр амирзода устимизга бостириб келмоққа журъат эта олмайди. Бироқ йўлини қилиб, бу ердан ҳайдаб чиқаришга уриниши табиийдир, – гапга қўшилди амир Шоҳ Малик. – Инига қараб улиган бу тулкилар эрта ёки индин, албатта кўтир бўлажаклар! Оллоҳ жонга омон берса кўрар-сиз.

– Унда Ҳиротга кимни юборамиз? – амирларга қаради Улуғбек.

– Иккимиздан биримиз борсак бўлади, – жавоб қилди Шайх Нуриддин амир Шоҳ Маликни назарда тутиб.

– Ижозат этсангиз эртагаёқ мен жўнаб кетишим мумкин, – деди Шоҳ Малик амирзодага қараб.

– Маъқулдир. Биз эса аркнинг ҳимояси ила машғул бўламиз. Қиблагохимиз не десалар, шунга кўра ҳаракат этгаймиз. Сиз эса сафар ҳозирлигини кўра билурсиз, – масъулиятни бўйнига олиб қарор берди амирзода Улуғбек.

Бўрини йўқласанг қулоғи кўринади деган гап бир кундан сўнг исбот бўлди.

Шайх Нуриддиннинг кўрималари арк атрофида қуролли кишиларнинг қалъа буржларини кўздан кечириб, пуסיб юришгани хабарини айтиб келди. Бу хабарни Турдиқора ҳам тасдиқлади.

Амирзодалар ва Шайх Нуриддин қолган-қутган одамларни қабулхонага йиғдилар.

– Барчага тегишли таълимотни бера билурсиз, амир жаноблари, – деди Мирзо Улуғбек фитна хабаридан руҳи тушган ҳолда Шайх Нуриддинга.

– Барчамиз тўқнашувга ҳозир ҳолда кечаси ечинмай ётамиз. Улар ҳеч биримизга тиғ теккизишга журъат эта олмасалар-да итни қопмас, отни тепмас дема дейдилар.

Кўзи қонга тўлган одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Чироқларни ўчирингу, ухламангиз. Ахтабеги ва рикобдор! Сизлар эса отларни эгарланган ҳолда шай тутингиз! Чодирлар ва сафар анжомларини араваларга ортиб, устига хашак ташлаб, кўздан пана жойга элтиб қўйингиз!

Хавф-хатарни кутиб толиққан одамларнинг тонгга яқин кўзи илинган эди. Саҳарда, амирзодалару хизматчилар тошдек қотганда аркка ҳужум бошланди. Уйқудан аранг уйғонганлар зўрға ёлғиз бошларини қутқара билдилар. Уғруқ, ҳарам ва Чин сафари учун мўлжалланган хазина фитначилар қўлига тушди.

Амирзодалар Улуғбек ва Иброҳим Султон Шайх Нуриддин бошчилигида Таллиноч дарвозасидан аранг қочиб чиқиб, Қорақўл томон от қўйдилар.

Асосий черик ортда қолган бўлса-да, тўрт суворий қилич яланғочлаганча қочганларни таъқиб этарди.

– Сизлар кетаверингиз, амирзодам! Биз йигитлар билан уларнинг таъзирини бериб етиб оламиз! – деди амирзода Улуғбекнинг ёнида келаётган юзбоши Ражаб Турдиқора оти жировини тортиб орқада қоларкан, навкарларга камонларини қўлга олишни буюриб.

Беш суворий ортда қолиб ўзлари томон учиб келаётган отлиқларни ўққа тутишди.

– Отлари пешонасини кўзланг! – амр берди юзбоши. – Юзларини қалқон ила беркитишса тиззаларини мўлжалга олинг!

Камон ўқи ёмғиридан икки оту икки суворий ярадор бўлиб учиб кетди. Яраланган отини ташлаган икки сувсрий қалқони билан бошини беркитганча орқага қараб қочди. Ўзлари ярадор бўлган суворийлар отда қочишди.

Бухоро даруғаси амир Ҳамза Барлос амирзодаларнинг қўлга тушган хотинлари, ҳарами ва улуғ хоқон хазинасини Бухоро яқинида турган Халил Султоннинг одамларига топширди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

*Одам бордир одамларни буздирган,
Шайтон бўлиб, тўғри йўлдан оздирган.
Хотин сўзин эл-орада кездирган,
Уларнинг кўксинда иймон бўларму?*

МАХТУМҚУЛИ

...Тандирдан янги узилган подшоҳ барча бирдек умид ва илинж-ла боқаётган Халил Султоннинг ўтовида Биби Чаманнонинг жарангдор овози янграр, сархуш амирзода маликасини тиззасига ўтқазганча эркалар, севгилиси қучоғида балиқ каби сирғалаётган жувон орзуманд ёрига ўтли бўсалар ҳады этарди.

Биби Чаманно икки оташ қалб ҳақида жўшиб айтув айтарди.

Баҳор ели аtringни
Олиб келди, севгилим.
Капалаклар нафасинг
Каби елди, севгилим.

Қадар сени топмоққа
Сал кеч қолди, севгилим.
Дўсту душман баробар
Ўйга толди, севгилим.

Ғанимлар орамизга
Ғулув солди, севгилим.
Умидлар руҳи сўнган
Кунлар бўлди, севгилим.

Қалблар жоми алам-ла
Гоҳо тўлди, севгилим.
Муҳаббат яғийлари
Қасос олди, севгилим.

Меҳримиз қаршисида
Макр ўлди, севгилим.
Айғоқчилар енги йўқ
Тўнин илди, севгилим.

Баҳор ели атрингни
Олиб келди, севгилим.
Капалаклар нафасинг
Каби елди, севгилим.

Янги ҳукмдорнинг шоҳона оқ ўтовини ўраган суворий чодирларида ҳам ҳаёт қайнар, ҳар бири биттадан қуй, эчки ёки серка олган ўнбошилар қовурдоғу қозон кабоб, қайнатма ёки қовурма шўрва билан аскарларини хушнуд этар, бир кечада янги хоқон шарофати билан қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлиб қолган эди.

— Юзбоши Қулман Қиёт чоғир ичганча ёнбошлаб куйрук ёғида қовурилган қовурғани иштаҳа билан ер, ўзича хиргойи қилиб қўярди.

— Қоровул! Ким бор? — баланд овозда чақирди эшикка қараб юзбоши.

— Лаббай, хўжайин! Буюринг! — қопуни очиб бошини суқди бекчи.

— Бугун, пешинда олдимга келган ўнбоши Эсиргап Найманни танийсан-а? — сўради юзбоши қоровулдан.

— Эсиргап бирқулоқми? Танийман, хўжайин! — жавоб қилди бироз отиб олган қоровул.

Нурали ҚОБУЛ

– Қулоғи билан не ишинг бор, эшшак! Сендан қулоғини сўрдимми? – гап ўзига тегиб кетган эди юзбошининг. – Бор, чақир, итдан тараган!

Кўп ўтмай ўтовга юзбошининг эски дўсти Эсиргап Найман кириб келди. Қўлида кичикроқ кўза бор эди.

– Бормисан, оғайни! Кел, ўтир! Бугун бир битларни тўкайлик! Индин эрталаб йўлга чиқар эканмиз! Қуй чоғирдан! Қовурдоқдан ол! Ишқилиб охиридан суюнтирсин, бошланиши чакки эмас! – кайфи жойида эди юзбошининг.

– Янги пошшомизни дарёдан сув бағишлаган сахий дейдилар. Барчамизнинг биримиз икки бўлиб қоладиганга ўхшайди.

– Тўғри-да. Фақат амиру вазирлар бойийдими? Бизнинг ҳам кетимизга жир битиши керак-ку!

– Маъқул айтасан, жўра. Сен билан мен ҳам аслида ҳеч кимдан кам эмасмиз. Сен киму ким, Чингизхоннинг ота қавми, қиёт уруғидансан. Эски пайтлар бўлганида ҳамма оёғингни ўпарди. Найманларнинг кимлигини ҳам биласан. Чингизхонни Чингизхон қилган ҳам бизди найманлар бўлади...

– Ҳа, тўғри айтасан, жўра. Чингизхоннинг отаси қиёт, онаси Қўнғиротнинг алканут уймоғидан. Чингиз бобомиз улар найманларни қирмаганда бутун дунёни эгалларди, – оғайнисининг гапини қувватлади юзбоши.

– Замоннинг тўзганини, отдан эшакнинг ўзганини кўр дегандай бугунга келиб кунимиз мана шу барлосларга қолганини қара. Буларди ота-боболари сизларга навкарлик қилиб ўтган. Қара, бир уруғдан битта зўр чиқса, тегирмоннинг тошини тескари айлантирар экан-а? – чап кўзини қисганча бошини эгиб паст овозда гапирди ўнбоши.

– Мулки давлат дегани айланма қошиқ, жўра. Кеча бизда эди, бугун булар-да. Эртага бошқа бирининг элига

кечади. Амал дегани амаллаб тургин, эрта бир кун бошқа бирига топширасан дегани-да, жўра. Номига бўлсаям хон бизлардан-ку!

– Бой бойга томар, сой сойга оқар, мошовага жаз ҳам йўқ дегандай, хон хон билан гаплашади. Сену менга ўхшаган дарбадар аскар билан эмас, биродар. Бугунгига ўхшаб тахт учун кураш бошлаган пайтда керак бўлганимиз учун қўй сўйиб, чоғир қўйиб қўноқ этади. Тожу тахтини сақлаб қолиш учун болтадан тоймас ҳўкиздек бизни жангга солади. Биз аҳмоқларнинг эса савашмоқдан бошқа иш қўлимиздан келмаса. Ҳай, айтгидай, устозимиз бурунсиз мингбошининг иши қалай? Бу кетишда вазири аъзамликни ҳам эгаллайдиган кўринади! – ўнбошидан Зинбардорни сўради юзбоши. – Бугун кўрдингми?

– Қўйсанг-чи ўша итга соя бермас Зинбардорни! Яқинлашсанг, бошингни қотириб бир аҳмоқона иш буюради. Салтанатга ўзи шу битта бурунсиз бош вазир етмай турган эди, – қўлини пахса қилди ўнбоши Найман.

– Бурунсиз бўлгани яхши-да, жўра. Пошшоларга шунга ўхшаш ҳар нарсага бурнини сукмайдигани керак, – гапни аскияга бурди юзбоши Қулмон Қиёт.

– Кўрдим, юрибди алами олти, қадами етти бўлиб. Бурни бутун бўлганда сўзсиз амир ул-умароликни эгалларди.

– Тўғри, янги подшоҳимиз бурунсиз одамни бош вазир этиб тайинламаса керак. Қара, каттакон бўлиш учун бош ила бирга бурун ҳам керак экан-да, а?

– Ҳукмдорларга бошу бурундан ҳам кўра елиб-югурадиган оёғу қўл керак. Ҳеч бир хоқон ўзини бош масаласида муҳтож санамайди. Ҳаммадан ақлли ва доно бўлгани учун подшоҳ бўлганман дея ўйлайди. Уларга амри фармонини қойилмақом қилиб ўринлатадиган хизматкор керак. Бош вазир дегани аслида бош хизматчи, демак, юзбошибек, – гапни оларди ўнбоши.

Нурали ҚОБУЛ

– Сенинг калланг ҳам чаккига ўхшамайди, Эсиргап ўнбоши. Бу кетишда Зинбардорнинг ортидан ўзинг ҳам вазиру вузуро бўлиб қолсанг ажаб эмас.

– Аввал зоти олийлари каби юзбоши бўлайлик. Қолганига худо пошшо. Бироқ амирзодани бобо васиятига қарши чиқиб, Самарқанд тахтини босиб олмоқда дейишаётир. Ишқилиб, бу тожу тахт ўйини хайриятлиғ билан тугасин денг. Аксинча билмадим, бу ёғи не кечади? – Сархуш нигоҳини суҳбатдошига тикди Эсиргап ўнбоши.

– Ҳа, амирзода баланд дорга осилди. Киши умрию ҳаёти ҳам ову овчининг тирикчилиги кабидир, Эсиргап оғайни. Кийиклар куйикканда кўзи дўниб, маст бўлиб, ҳушёрликни йўқотар экан. Овчилар ҳам худди шу пайтда овга чиқаркан ва оҳу жонивор ўққа учаркан. Шаҳзодаю маликамининг куйикиши энди бошланди ва ҳали-бери тугамайдиганга ўхшайди. Охир-оқибатда сайёд ўқига дучор бўлмасалар эди бечоралар. Ҳеч бир лайли-мажнунчиликнинг оқибати омадли келмаган-да, – паст овозда кўнишарди Қулмон Қиёт.

– Тўғри, тўғри, – деди Найман ўнбоши навбатдаги чоғир косасини бўшатиб суяк кемираркан.

– Менга қара, Эсиргап. Ҳўкиз сув ичгандек бўкиб ички ичма! Кўча-кўйда ағанаб қолиб, энди етганинг ўнбошиликдан ҳам айирилиб ўтирма тагин!

– Ҳечам ичмас эдим, Қулмон жўра. Бир қулоғимдан айрилганимдан бери аламимдан ичадиган бўлиб қолдим. Бир қулоғимнинг йўқлиги билинмаслиги учун Зинбардор айтган Саттор бир қулоқдек энди бир умр телпак кийиб ўтамиз шеклли.

– Қулоқдан айрилсанг ҳам бош ёнга қолганига шукур қил, жўра. Сўғишу савашга кирмай минглаб одам совуқда тараshadeк қотиб ўлиб кетди. Амирзода, унинг чухрабошисига яқин турганимиз учун иссиқ чодирда қорнимиз оч қолмай яшадик.

– Ҳа-я, тўғри айтасан, оғайни. Қулоқди супраси тушиб қолган билан ўзи эшитса бўлди-да. Кўру чўлоқ бўлгандан кўра яхши-да ҳарҳолда, – тили зўрға айланарди ўнбошининг.

– Яхна этдан ол, жўра. Бунақасини ҳеч қачон емагансан. Оғзингда эрийди, – деди юзбоши паррак-паррак кесилган кўй эти устига куйруқ кўйиб, ҳузур-ла чайнардан.

– Ҳақиқатан ҳам бундай тотли гўштни емаганман. Қаердан келди? Ёки Зинбардор ҳам одам бўлиб султони-миз суфрасидан олиб келдими? – ҳайрон бўлиб сўради Эсиргап.

– Бунақа антиқа этларни шоҳлар ҳам билишмайди, оғайни! Қолаверса, тожу тахт, давлату салтанатини ўйлаб улар неки емасин, ичларига тушса-да, татимайди? Бундай яхна этни Чироқчида қилишади. Осмон Сариуйғурнинг ўнлигидан олиб келишди.

– Этнинг бу қадар лаззатли бўлишини илк туйишим, – ҳафсала билан гўшт чайнардан ўнбоши. – Уни қандай тайёрлашади?

– Қандай тайёрлашларини ҳеч кимга айтишмайди. Бироқ мен биламан. Анча ташвишли иш бу. Бечора сўйилажак кўйнинг оғзига бир кун бурун ярим челак тузли сув – намакоб қуйишади. Шу ҳисобда этга туз сув орқали тарқалади. Яъни тириклайин тузланади. Ширинлиги шундан, – этни таъриф этарди Қулмон Қиёт.

– Э-э қойил-э! Бечора кўйнинг ичи куйиб ўлар экан-да, – оғзи очилиб қолган эди ўнбошининг.

– Шундай, оғайни. Одам деган бу жондор ўз маишату нафи учун ҳеч нимадан тап тортмай, ҳар қандай ваҳшийликларга бориб яшайверади. Ол, жўра!

– Тўйдим, устоз. Ҳеч бу қадар кўп эт емаган эдим. Ҳасанлаб ўлмайин тағин.

– Олсанг-чи! Яхши емак қолгунча, ёмон қорин ёрилсин! Ол, жўра! – кўзини юмганча эт чайнардан юзбоши. –

Нурали ҚОБУЛ

Ишқилиб арабу тозик топишиб, туркка бало ёпишмаса бўлди эди, Эсиргап. Арабу тозикдан бизга хайр келмайди. Оёғимиз тойган замон орқамизга тепишни орзулайдилар. Кўзи ва кўнгли оч қавми мўғул эса буни англамайди. Арабга ўхшаб, манфаату маишат кетидан кувади.

– Арабу тозик бирлашиб, туркди сотиши, хоинлик қилиши мумкин. Бироқ кучи етмайди. Тозик деганинг арабди югурдаги. Турон юртига балою қазо сенинг бобонг Чингиздан келганидек, қавми мўғулдан келади. Бу икки қўчқорнинг боши ҳеч қачон бир қозонда қайнамайди, Қулмон юзбоши. Мени айтди дерсан.

– Кўп ичдинг, жўра. Ташқарига чиқиб юрма. Чодиримда тунаб қолавер. Икки бирқулоқ оғайни отамлашиб ётамыз, – чоғирни майдаларди юзбоши.

– Қани энди подшоҳимиз ўтовларига кириб кетган раққосаю канизаклардан биттаси бўлсаю, қучоғингга олиб, бағрингга босиб тўйиб-тўйиб ҳидлаб ётсанг.

– Қўйсанг-чи, бунақа киши ақли ҳушини бошидан учиражак гапларни, жўра. Амирзодамиз орқаларида туриб, зоти олийларини боболари тахтига ўтқазайлик. Шундан сўнг балки қочиб-писганларнинг битта-яримта жорияю канизаги бизга ҳам тегиб қолар, – оғзидан суви оқиб деди Қулмон Қиёт чодирга осиглик қилич, қалқон ва қўрамта¹сига тикилганча май хўпларкан.

...Кўҳак тепалигига етиб борган амир Аргуншоҳ бошлиқ Самарқанд ақобирлари, амиру мулозимлар турли совғасаломлар билан янги хоқон амирзода Халил Султонни кутиб туришарди.

Одамлар юзидаги қувончу умидга соя солган ҳадик-ни сезиш мумкин эди. Кўпчиликнинг назарида тантаналар узоққа чўзилмайдигандек, дарё ортидан валиаҳд Пир-

¹Қўрамта – камон ўқлари солиб, осиб юриладиган махсус калта, ўқдон.

муҳаммад ёки Шоҳруҳмирзо етиб келиб, бу шодиёналарга барҳам берадигандек туюларди.

Олабулут устида башанг кийинган, узангига оёғини тираганча эгардан кўтарилиб теварак-атрофни кузатиб келаётган Халил Султоннинг тараддудли боқишларида ҳам бу хавф-хатар кўланкасини пайқаш мумкин эди.

Ўпкасини кўлтиқлаганча амирзода атрофида айланишиб кўнглини олишга интилаётган, унинг буюк бобо тахтига энг муносиб ворис эканлигини таъкидлаётган вазиру амирлар аллақачон мансабу маснад борасида янги ҳисоб-китобни бошлашган, соҳибидан этлироқ суяк беклаган кўппак каби бир-бири билан баҳслашиб қилпанглашарди.

Сўз ила тасвишлаб бўлмас юксак, буюклагувчи ҳистуйғулар билан бошкентга кириб келарди Халил Султон. Бундан тўрт ой чамаси бурун у Самарқанддан бадарға қилинган каби чиқиб кетган эди. Барча амирзодаларга қай манзилда қишлашни ўзи айтган бобоси уни қабул ҳам қилмаган эди. Валиаҳдлар рўйхатининг бошида турган бўлса-да, барча умидлари устидан чизиқ тортилганди ўшанда. Боши эгик, бўйни букик, севгилисидан айрилган бир аҳволда йўлга чиқмоқ мажбуриятида қолган эди. У ҳам барча амирзодалар каби олий қароргоҳда, бобоси ёнида бўлиши мумкин эди. Бироқ унинг кўкрагидан итардилар. Унга не номақбул муносабат-ла бўлмасинлар, ҳақ таоло ёлғизлатиб қўймади. Эгаси пешонангни ярқиратгандан сўнг, бандаси монелик қилолмас экан.

– Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир Муҳаммад Султон ўғлини кўрмаяпман. Ул жигаримиз қаердалар? – сўради Халил Султон ўнг тарафида келаётган Хожа Юсуфдан.

– Муҳаммад Жаҳонгир мирзо бошқа амирзодалар ила баробар сизни Кўксаройда бекламоқдалар, – жавоб қилди амир отини яқинроқ ҳайдаб.

– Бамаслаҳат бир иш қилсак, амир жаноблари. Мирзо

Нурали ҚОБУЛ

Муҳаммад Жаҳонгир марҳум валиаҳд Муҳаммад Султон раҳматлининг ўғли, улуғ бобомиз тилга олган валиаҳднинг эса буюк қардошидир. Уни маслаҳатчи хон ўлароқ эълон этсак ва керак бўлса ўзимдан-да юқоридан жой берсам. Не дейсиз?

– Хоҳишу ирода, амри фармон хоқонимизнингдир! Бу ишларнинг сиру синоати биздан-да кўра ўзларига аёндур. Сиз не десангиз шул бўлғай, султоним. Бироқ амирзодамиз ёш. Энди тўққизга кирдилар, – фикрини билдирди амир.

– Бу иш рақибу ғанимларимиз оғзига қопқоқ бўларми-ди дея фикр этгандим. Шундан сўнг менинг тожу тахтга ўчу ташна эмаслигимни англрлар балки. Мақсадимиз давлату мамлакатни эгасиз, мулку миллатни паришон қолдирмаслик. Султон Ҳусайн ёхуд у каби қони бузуқлар йўлини тўсмоқдир. Амирзодамизнинг ёш бўлганлари ҳам маъқулдир. Кўриб турибсиз, улуғларини йўлга солиб бўлмаётир.

– Сўзингиз – сўз, амрингиз – амр, фармонингиз – фармондир, султоним! Не десангиз ҳарфиян ерига келтиразжамиз!

– Унда шу тартибда тахтга ўтириш маросимига ҳозирлаш учун олдинроқ етиб борганингиз маъқул. Отни қамчиланг! – буюрди амирзода.

Амир Хожа Юсуф мулозимлари билан тўдадан ажралиб чиқиб, Кўксарой сари от қўйди.

Маросим узоқ давом этмади. Амиру қўмондонлар янги подшоҳни этана бўлиб қутладилар. Хонзодабегим ва Шод Мулк бошлиқ малика ва канизаклар, бекларнинг хонимлари Мовароуннаҳр султони бошидан сочқилар сочдилар.

Маросимни бошқариб бораётган амир Хожа Юсуф йиғилганларга мурожаат этди.

– Буюк бобонгиз тахти муборак бўлсин, султоним! Умрингиз узоқ, мулки давлатингиз боқий бўлсин! Бугундан

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

эътиборан барча масжидларда хутбалар подшоҳимиз Халил Султон зоти олийларининг табаррук номларига ўқилгай. Зарбхона амири бугуноқ ақчаларимиз султони-мизнинг шарафли номлари ила зарб этилажаги ҳақидаги фармонни олғай! Зоти олийларининг подшоҳлиги эл-юртимиз, мулку мамлакатимизга хайрлар келтирсин! Оллоҳ, сафару ғазотларини музаффар айласин ва ёру ёрдамчингиз бўлсин!

– Биз улуғ бобомизнинг муқаддас тахтларига жон олароқ, қон тўкароқ маъносиз сўғишу савашлар билан ўтирмадик! Етти иқлим хоқони, Соҳибқирони аъзам бобомиз Чиғатойхон давлатининг қулу харобалари устида буюк давлату салтанат барпо этдилар! Биз ана шу шонли ва шарафли инсоннинг авлодию сулоласи ўлароқ мамлакатимизни янада юксалтирмоғимиз, адли адолат, сулҳу рафоҳиятни барқарор этиш бобида ғайрату шижоат, жидду жаҳд кўрсатмоқда азми қарорлидирмиз! Бу йўлда бизга сидқу садоқат кўрсатган, ақли салимлик-ла ҳаракат этган барча амиру қўмондон, навқару суворий, мулозиму миршабларимизга ташаккур билдираман! Барчангиздан Оллоҳ рози бўлсин! – дея тахтга ўтиргач, сўнг сўзини айтди Халил Султон.

– Муборак бўлсин!

– Ярасун!

– Оллоҳ буюк бобонгиз йўлларини берсин!

– Барча умидимиз зоти олийларидан!

– Қутлуғ бўлсин! – овозлар эшитилди.

Улуғ хоқоннинг ҳақ раҳматига қовушганидан роппа-роса бир ойдан сўнг бобо тахтига ўтирган Халил Султон эртаси куни Муҳаммад Султон мадрасасига зиёратга борди.

Яна мотам маросими бошланиб, қора либосли кишилар шаҳар кўчаларини тўлдирдилар. Сон-саноқсиз жонлиқлар сўйилиб, марҳум руҳига кечаю кундуз Қуръон тиловат қилинар, маърака қирққа уланиб кетган эди.

Нурали ҚОБУЛ

Бир ҳафта давом этган худойидан сўнг мадраса қаршисидаги майдонга Амир Соҳибқироннинг бундан ўттиз беш йил бурун Балхда, Буюк Турон Амири дея эълон этилиб, оқ кигизга ўтқазилиб, бошлар узра кўтарилганда Мир Саййид Барака давлат рамзи ўлароқ тақдим этган нағорасини олиб чиқдилар.

Нағорачиларга уни бир муддат чалиш амр этилди сўнгра Мағрибдан Чин сарҳадигача Ҳиндистондан Маскавгача бўлган чексиз кенгликларда Турон ўрдуси кўнглини Тангритоғ каби кўтариб, фатҳу зафарларга ундаб келган нағорани йиртиб, парчаладилар.

Ҳазрат Соҳибқирон нағорасининг парчаланишини қайғу ва надомат билан кузатган халойиқ кўзда ёш, кўнгли вайрон алфозда тарқаларди.

Шаҳар устини қоплаган булутлар ҳам халқнинг майдонни тарк этишини кутиб тургандек шаррос қўя бошлади.

Энди осмон кўз ёши тўкарди...

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

*Темур тенги йўқ феъл-атворли,
чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг
тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва
унинг тадбири тоғига на текислигу,
на ғадир-будур орқали йўл топилар-
ди. У чексиз даҳо ва хуфиёна фикру
заковатга эга эди.*

ИБН АРАБШОҲ

Шом намозини ўқиб бўлган Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ-мирзо масжиддан саройи томон келарди. Қулоғига шахд билан чопиб келаётган суворий отининг шошилинич, дилини безовта этгувчи чопиши эшитилди. Кўнглига ғулғула тушди. Қолаверса, ҳафта, ўн кундан бери кўнгли ғаш. Назарида қандайдир нохуш воқеа юз берадигандек. Узоқроқ ибодат қилиб ўзини чалғитмоқчи, қалбига таскин бермоқчи бўлди. Бироқ кўнглидаги хижиллик тарқалмас, руҳиятидаги орому осойиш йўқолгандек эди.

Отдан тушганча чопонининг бари шамолда ҳилпираб келаётган Шайх Темур қавчинни узоқдан таниди. У қиблагоҳи ҳузурида эди. Не хабар билан келди экан. Ё Оллоҳ! Оёқ бошишлари ҳам ғалати. Бошига чексиз мусибат тушган одамдек алпанг-талпанг қадам ташлаб келаётир.

Шоҳруҳ мирзога кўзи тушган Шайх Темур қавчин бор овозда хўнграб йиғлаб юборди. Бу кутилмаган ташриф ва мотам йиғисидан амирзода шошиб қолди.

– Ҳазрат Соҳибқирондан айрилиб қолдик, жигари-и-м! – деди амирзода қаршисида тиз чўкиб оёқларини кучоқлар экан. – Падари бузрукворингиз, хоқон ҳазратлари ҳақнинг раҳматига қовушдилар! Яратган эгам ул кишимнинг ўрнига биз каби ўнлаб бандаларининг жонини олса бўлмасмиди!

Нурали ҚОБУЛ

Бекланмаган мусибату хабардан карахт бўлган мирзо оёғини кучоқлаган Шайх Темурнинг бўрк кийган бошига ўнг кафтини қўйганча қотиб қолганди.

– Ўрнингиздан турингиз, — деди кўзларидан шашқатор ёш оқар экан. — Недан хасталикларидида хабар беришмади? Дийдор қиёматга қолибди-да! Кўнглим сезган эди-я!

– Бир ҳафтаям ётмадилар, шаҳзодам! Барчанинг бир-дек ақли шошиб, не қиларини билмай қолди! Давлати аркон йўлдан адашиб, қароргоҳда ҳаёт издан чиқди! Менинг ҳам ақли-хушим жойида эмас! Не еб, не ичганимни, хузурингизга қандай етиб келганимни билмайман.

Воқеадан хабар топган сарой аҳли тўплана бошлади. Амиру вазирлар шаҳзодага таъзия билдиришиб, кўз ёши тўкишар, хотин-халажнинг уввос солиб йиғлагани эшитиларди.

Шоҳруҳмирзо мулозимлари ҳамроҳлигида машваратлар ўтказиладиган катта солин томон юрди.

– Имкон қадар тезроқ Самарқандга етиб бориб, қиблагоҳ таъзияларида қатнашишимиз, ҳеч бўлмаганда қирқларида иштирок этишимиз керак, — деди амирзода яқин вазирларига мурожаат этиб. — Табиийки, ул тарафга қўшинсиз чиқиб бўлмайди. Ўрдуга сафар ҳозирлигини кўрмоқ амрини етуринг! – деди амир Мизробга. – Ота юрт сари отланажакмиз! Барчангиз йўл тадоригини кўра билурсиз!

– Модомики, мусибатлар қалқони бўлмиш тангри ётган жойларини нурга тўлдиргур падари бузрукворингиз ҳазрат Соҳибқирон ҳақ раҳматига етишган эканлар, мавжуд вазият зоти олийларини Хуросону Ҳирот тахтини подшоҳи ўлароқ эълон этмоғимизни тақозо этади, шаҳзодам! Давлату мамлакатни соҳибсиз қолдириб бўлмас! Ва бул ишимизни нафақат аҳли Хуросон, балки мулки Турон ҳам маъқуллагай! – ўрнидан туриб фикрини баён этди амир Мизроб. – Қолаверса, Ҳирот айни дамда

давлатимизнинг қоқ марказида жойлашган. Пойтахт вазифасини ўташга ҳам муносиб шаҳардир.

– Амир Мизроб жаноблари ғоят ҳақ ва замонида сўйлалар. Гап-сўз, миш-мишлар кўпаймаслиги, катта-кичик ғаниму хайрихоҳлар ғимирламаслиги учун зоти олийлари султонлик тахтига ўтиришлари ва буни чопарлар орқали Турон салтанатига қарашли ўттиз мамлакатга етказишимиз керак! – амир Мизробнинг гапини қувватлади амир Ҳасан Сўфи тархон.

– Бу тўра ва тузугимизга ғоят мос келур ва барчанинг кўнгли оройиш топиб, улус роҳатланжақдур. Турон мулкининг шаҳзодамиздан ўзга муносиб ва қонуний вориси йўқдир. Бекланмаган бу мусибату оғир вазият ҳам шуни тақозо этадур, – маъқуллади амир Хожа Ростий.

– Биз ҳам жону дилдан бу хайрли ишни қўллаб-қувватлагаймиз. Шундай катта мамлакат, бу қадар чексиз ҳудудларда тожу тахт бир кун бўш қолса ҳам гап-сўз, фитна-фасод урчийди. Ҳукмдоримиз Шоҳруҳмирзо ҳазратлари мавқею мақом, мақсаду маснад нуқтаи назаридан Оллоҳ раҳматига олган улуғ хоқонимиз, Султон Соҳибқирон зоти олийларидан кейин турадиган улуғ ва муносиб шахсият ва номзоддир. Улуғ амир ҳазрати олийлари эҳтиёткорлик, сиёсий назокат, рақибу яғийларни кўпайтирмаслик, улар тишларини қайрайвермасликлари учун валиаҳд ўлароқ подшоҳимизнинг номларини қайд этмай келганларидан хабарингиз бордир. Бу мулки давлат, сарҳаду мамлакат шу қадар кенгим, у Пирмуҳаммаддан тортиб барча амирзодаларга етгай. Фақат бу қалтис ва оғир дамда ўйинбузуқилик қилмай, катталарнинг сўзига кириб, сулҳу амният ила давлатни йўнатмоқ керак! – астойдил кўнишди амир Алико кўкалтош.

Амирларини диққат билан тинглаган Шоҳруҳмирзо сўзлаган тўрт нафар бек ва Шайх Ҳасан қавчидан бошқа мулозимларга чекинмоққа изн берди.

Нурали ҚОБУЛ

– Қиблагаҳ васиятларида валиаҳд ўлароқ Пирмуҳаммад мирзонинг номини тилга олибдилар. Шундайми? – деди амирзода сарой аъёнлари чиқиб кетгач, Шайх Ҳасан қавчинга қараб.

– Шундайдир, улуғ амирзодам. Улуғ хоқон ҳазрати олийлари амир ул-умаро Шайх Нуриддин бошлиқ барча вазиру амирларини тиз чўктириб, васиятларига содиқ қолмоқликка қасамёд эттирдилар, – жавоб берди Шайх Ҳасан қавчин.

Амирзода Шохруҳ бунга не дейсиз дегандек амирларига қаради.

– Султон Соҳибқирон ҳазратларининг васиятлари барчамиз учун кутсол ва тузук ўрнидадир. Амирзода Пирмуҳаммад энди йигирма еттига тўлдилар. Ҳозир ҳам буюк бир мамлакатни тасарруф этмоқдалар. Турумдан келиб чиқиб, бу масалага қайтилар. Вазиятга бугунги кун назаридан боқадиган бўлсак, Шохруҳмирзо ҳазратларининг тахтга ўтирганларини эълон этмасак, халқ ҳам, бу тожу тахтга от қўйган яқину бегона ҳам янглиш тушунади ва уларга имкон берган бўламиз, – фикри салмоқли эди амир Мизробнинг.

– Тўғри. Шайх Ҳасан қавчин Ҳиротга ҳафта-ўн кунда етиб келган бўлса, Ўтрору Самарқандда не воқеа ва ҳодисалар содир бўлаётганлиги бизга қоронғи. Зудлик билан амирзодамизнинг падари бузрукворлари тахтларига ўтирганликларини эълон этиб, бу ҳақда ҳаммани билгилантирмоғимиз керак. Шунда барча тахтпарасту яғийларнинг уни ўчгувсидир, – яна сўз олди амир Алико кўкалтош.

– Бул фикрда яқдилмиз. Иншооллоҳ, эрта кунда юрт ва улус олдида юзимиз ёруғ ўлажақдир! – деди Ҳасан Сўфи тархон.

– Шайхулислом ҳазратлари ҳамда олий қози жанобларини чорлаб, фикру қароримиздин воқиф этиб, маросим-

ни бугуноқ ўтказишимиз керак, – энг сўнгда фикрини баён этди амир Хожа Ростий.

– Унда шайхулислом ҳазратлари ва олий қозимизни даъват этингиз! – амр этди Шоҳруҳмирзо.

Шу куни бутун амиру вазирлар, сарой аъёнлари ва мулозимлар хоқони саид Шоҳруҳмирзо Амир Темур Кўрагон ўғлига байъат этдилар.

– Дину давлат, мулки мамлакат, элу улус нажоткори, ҳақу адолат қутби аҳли Турон шаъни шавкати ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг асл вориси, ул улуғ Жаҳонгирнинг нури дийдаси, халифалик ва хоқонликнинг дунё ва дини ислом кўмакчиси саналмиш ҳазрат жаҳон салтанати тахтини Ҳумоюнсифат сийратлари ила безамакларини барчамиз тақдир ва муборакбод этамиз! Иншооллоҳ, дину диёнатли подшоҳимизнинг адолат кўёши мулку миллат бошига хайру саодат ёғдусини сочажақдир! – дея маросим иштирокчиларига мурожаат этди шайхулислом Тафтазоний.

– Муборак бўлсун!

– Ярасун!

– Тўртинчи иқлим салтанати қутлуғ бўлсин!

– Оллоҳ бағишласин!

– Омин! Оллоҳу акбар! – дуо ва тилаклар янгради.

Шом намозида хутбага Мирзо Шоҳруҳ подшоҳ номи қўшилиб ўқилди. Ақчалар ҳам янги ҳукмдор отида зарб этила бошланди.

Ҳиротда Мовароуннаҳр сафарига ҳозирлик бошланган, Шоҳруҳмирзо бошкентдаги амирзодалар ва Ғазнага чопар юбортириб, Пирмуҳаммад Мирзони ҳам даъват этиб, Самарқанд тахти масаласини ҳал этмоқ ниятида эди.

Қўшин энди йўлга чиққанида Самарқанддан улуғ хоқоннинг садоқатли амирларидан Саййидхожа Ҳиротга етиб келди. Халил Султон ва Султон Ҳусайн, Султон Соҳибқиронга қасамёд этган катта амирлару маликалар

Нурали ҚОБУЛ

қисматини, Арғуншоҳу Хожа Юсуф найранглари, Бухоро босқинию амирзодалар Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонлар тақдирини батафсил баён этди.

– Амирзодаларимизнинг аҳволлари нечук? Бухородан чиқишларида уларга зиён-заҳмат етказишмаганмикан? – фарзандлари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султоннинг тақдиридан хавотирланиб сўради Шоҳруҳмирзо.

– Худога шукурким, улар соғу саломат, соғинч ва интиқлик ила йўл танобини тортиб қиблагоҳлари ҳузурларига келмоқдалар. Улар Бухоро даруғаси Ҳамза барлос ва энг сўнг дамда Халил Султон одамларига сотилган унинг кичик қардоши Рустам Буға Барлослар аркка ҳужум қилишганда Шайх Нуриддин бошлиқ амирзодаларимиз Таллиноч дарвозасидан чиқиб, Қоракўл тарафга қараб қочганлар. Тахт босқинчисининг одамлари тутиб олишидан чўчиб, кундуз кунлари бирор жойда пана лаб ётиб, кечалари юришаётган экан. Улар минг бир азобда ўн кунда Калиф қалъасига етиб келадилар. Бир неча кун шу қалъада жон сақлайдилар. Халил Султоннинг одамлари уларни Қоракўлгача қувиб келгач, орқага қайтадилар. Қалъа қутволининг кўмаги билан бир амаллаб Жайхундан ўтишган. Эрта-индин дийдорингизга етишмоқ бахтига мушарраф бўлажаклар, иншооллоҳ. Улардан бир кун олдин ҳузурингизга амир Шоҳ Малик жўнатилган. Демак, ул кишим ҳам етиб келмаган. Ишқилиб бошлари омон бўлсин бек жанобларининг, – сўнги билгиларни ҳукмдорга етказди амир Саййидхожа.

– Қиблагоҳнинг Чин сафари учун ўзлари ила баробар олиб юрган хазинанинг тақдири не бўлган? – сўради Шоҳруҳмирзо.

– Бу хазинани амирзода ва катта беклар маслаҳатлашиб, Рустам Буға Барлосга топшириб қўйган эдилар. Ул хиёнатчи бу ҳақда Халил Султон кишиларига хабар берган. Улар

қуён қувган този каби Бухорога етиб келганлар. Ўғруқ ила баробар хазина ҳам улар қўлига тушган.

– Бошкентдаги хазина ҳам, бу хазина ҳам улар илгида денг. Хазина кимнинг қўлида бўлса мулки давлат, ўрду-даннинг измида бўлади, – деди Шоҳруҳмирзо ўйга толиб.

– Амирзода Халил Султон арқдаги хазинани хирмонда дон совургандек совуриб, амиру қўмондонлар, суворийу сарой аҳлига улашмоқда. Тамға малика оёқлари орасидан боши чиқмайдиган амирзода хоним не деса икки мисли қилиб ба-жарармиш. Уни бош малика эълон этишиб, Зубайдаи соний лақабини бермишлар. Бутун Кўксарою Бўстонсарой у билан бош раққоса ва қўшиқчи Биби Чаманнонинг измида эркан. Амир-ул-умарони ҳам эрта-индин шулар тайин этар эмишлар. Амирзоданинг орқасини ялаб, ўзини тахтга ўтқазганларнинг юмшоқ жойига бирма-бир тепар экан.

– Барча ношукур ва такаббур ҳукмдорлар шундай қиладилар, – деди Шоҳруҳмирзо ўйга толиб. – Ким бўлмасин, улардан тахтга чиқиш йўлидан зинапоя ўлароқ фойдаланадилар. Халил Султоннинг қўшини кўпми?

– Кўпдир, султоним.

– Унга қарши не чора-тадбир қўлламоқ лозим дея ўйлаймиз?

– Бу қўнуда менинг ожизона фикрим шудир; зоти олийлари. Сиз мирзодага қараганда ёшу бошда улугъсиз. Шундай эркан, сулҳу тинчлик йўлидан бориб, уни инсофга, мурсою мадорага чақирганингиз маъқулмикан. Айни дамда ҳар қандай ноқулай сулҳ ҳам катта саваш, тўқнашув ва қон тўкишдан афзалдир. Амирзодамизсиз зоти олийларининг хоҳиш иродаларига қарши бормайдилар деган фикрдаман.

Шу пайт қопу очилиб, эшик оғасининг боши кўринди. Шошилинч хабар келганлиги ишорати эди бу. Ҳукмдор мулозимни ёнига чорлади.

Нурали ҚОБУЛ

– Ғазнадан чопар бор! – деди эшик оғаси ташвишли оҳангда.

– Ҳамон кирсун!

– Мен ким Жуманазар Боёвут! Ғазнадаги содиқ кишиларингиз юбордилар. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўғли мустақиллик байроғини кўтариб, бундан буён ҳеч кимга бўйсунмаслигини эълон этди. Амиру лашқарбошиларининг кўпчилиги унга қасамёд этдилар! – деди чопар тиз чўкиб.

Чопарга тикилганча жим қолган Шоҳруҳмирзони оғир ўй босган эди.

– Истироҳат эта билурсан! – деди мирзо Шоҳруҳ чопарга қараб.

Улар чиқиб кетгач ўйга толганча хона бўйлаб юра бошлади. Не қилмоқ керак? Отадан қолган хазинани талон-тарож этиб, катта кўшин тўплаган Халил Султонга қарши курашиб бўлмаса? Пирмуҳаммаднинг танобини тортишнинг ҳам иложи йўқ! Сулаймон ўлди, девлар қутулди дегандек, қиблагоҳининг қайтишидан хабар топган шекилли, Сеистонда Шоҳ Али Қутбиддин ва Шоҳ Жамолиддинлар ҳам исён байроғини кўтарганлар. Ўғлининг Мовароуннаҳр тахтини эгаллашидан мамнун ва унга хайрихоҳ катта қардоши Мирзо Мироншоҳ ҳам воқеаларга томошабин бўлиб турмаса керак. Ҳар қандай турумда фарзандининг ёнини олади. Акаси билан қарама-қарши келмоқ, дўсту душман назарида теурийлар салтанати инқирозининг дебочаси бўлиб туюлиши турган гап. Ҳар қору ҳолда бунга йўл қўймаслик керак. Бироқ ўйлагани ва фикр этганидан қолмайдиган, кимсанинг сўзига кирмайдиган Мироншоҳ Мирзодан бекланмаган хатти-ҳаракат, ташвишу таҳдидни кутиш мумкин. Бироқ ўғиллари Умар ва Абу Бакрлар эсли-хушли йигитлар. Улар билан англашса яхши гап билан йўлга солса бўлади. Бироқ отанинг феъли кўрс. Халил Султоннинг Хуросону Эронда

отасидан бошқа хайрихоҳу тарафдорлари ҳам йўқ эмас. Мироншоҳ Мирзо ўзини бу ишларга аралашмаган кўрсатиб, ўшаларга пишанг бериши мумкин.

Оғир ўйлар оғушида қопу олдига бориб қолган Шоҳруҳ беихтиёр эшикни очди. Даҳлизда қозилар ва имомларнинг мударриси, хос суҳбатдоши Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийга кўзи тушди.

– Лутфан буюринг, устоз, – дея уни ҳузурига таклиф этди.

Жалолиддин Исҳоқ ҳукмдорга кўрсатиши лозим бўлган қоғозларни тутганча унинг ортидан юрди. Тахтга оғир чўккан Шоҳруҳмирзо мулозимига ўтирмақ учун жой кўрсатди.

– Самарқанд тарафдан янги ҳаводислар йўқми? – сўради хос мулозимининг теран нигоҳига боқиб.

– Бахтга қарши хайрли хабарлар йўқдур, султоним. Ҳожи Тархондан мўйна ортиб йўлга тушган карвон Самарқандга кириб ўтган экан. Амирзоданинг лашкарбошилари Кони-гилда қўшин тўплаб, машқ қилишаётганмиш. Уларнинг қулоғига чалинган гапларга қараганда Термиз томон юрмақ ниятида эрмишлар, – деди ташвишли оҳангда мулозим.

– Амирзода Халил Султон жон-жигаримиздир. Ул авлодимиз тўплаган қўшин натижа эътибори ила бизнинг, умумсалатанатимизнинг ўрдусидир. Падари бузрукворимиздан мерос қолган бу чексиз тупроқлар барчамизга етиб ортгусидир. Амирзодамиз ҳам Турон мамлакатининг Мовароуннаҳр вилоятини адлу амният ила бошқариб турaveraдилар. Бизнинг ул авлодимизга ҳеч бир даъвойи талабимиз йўқдир. Орамиздаги муаммо ва ихтилофларни чўзмақ, сулҳга боғламоқ учун Оллоҳи таоло бизга ақл-идрок, фаҳму фаросат бергандир. Қиблагоҳ таълим берганларидек, ишнинг ўндан тўққизини яхши сўз, муросаю мадора воситасида ҳал этмоқ аҳди-жаддида бўлурмиз. Амирзодамиз ҳам шу ниятда бўлиб, сулҳу салоҳдан юз ўгирмасалар керак.

Нурали ҚОБУЛ

– Аҳли сарой, билхосса, мен ҳам шу фикрдамен, султоним. Мулку миллат, юрт ва қўшиннинг бугунги кунда бир эрмас, ўн карра ярашуву тотувликка эҳтиёжи бордир. Кечаги ва бугунги яғийлар улуғ хоқон авлодлари орасида чиқажак ўтти бекламоқдалар. Сулоланинг улуғ, оқил ва доно вакили ўлароқ муаммога бу тарзда ёндашмоғингиз ғоят муҳиму адолатлидир. Иншооллоҳ, покнияту самимият-ла узатилган еллар ҳавода қолмас. Амирзодамиз бошда билиб-билмай кавлаган хатолари қудуғини янада чуқурлаштирмагайлар, – фикрлари асосли эди Самарқандийнинг.

– Иншооллоҳ, яратган эгам ҳеч биримизнинг юзимизни ерга қаратмагай. Амирзодамиз ҳам олди-орқасини ўйлаб иш кўрар. Падари бузруквор йўлдошинг терс, отинг ўзмас деган ота сўзини кўп такрорлар эдилар. Ул зоти олийнинг сояи давлатларида барчамиз ўйнаб-кулиб, салтанатни осон йўнатиб, сув ичиб, кекириб юрган эканмиз. Буни мулки давлат бошқармоқнинг залворли юки елкасига тушганда билар экан киши. Бу ёқда Сейистон ихтилофи. Эшитгандирсиз?

– Туйдим, султоним. Барча темурий ҳукмдорлар бир бўлиб, бу каби исёну ғалаёнларнинг олдини олмоқлари керак. Шундагина сулоланинг ҳар бир фарди тожи тахтида фароғат-ла ўтиради. Олийнажот шахсиятларида такомилга етган давлат тарбияси ва тажрибасига каттадан кичик барча умиду ишонч ила боқмоқда. Бундан буён сиз аълоҳазрат қайси шаҳарда яшасангиз шу ер мамлакат пойтахтидир дея фикр қилмоқдалар. Оталари ўрнида ота бўлганингиз боис, барча темурийзодалар зоти олийларининг сўзларига кирадилар деган орзудалар.

– Сўзларингиз ҳақдир. Буюк қардошим Мирзо Мироншоҳ ўттиз етти ёшдалар. Мен йигирма саккиздаман. Аслида барчамизга қиблагоҳ ўрнида ул кишим йўлбошчилик қилмоқликлари лозим эрди. Бироқ акамизнинг турум-

лари ўзингизга маълум. Ул зот ила қардошларча самимий суҳбатлашмаганимизга ҳам анча бўлди. Кўздан узоқ, кўнгилдан узоқ бўларкан. Болалигу йигитлик давридаги сидқидил муносабатларни қайта тикламоқ бундин сўнг мушкул кечадиган кўринади. Мулки давлат, тожу тахт ташвиши бор жойда самимий инсоний муносабатларга ўрин қолмас экан. Гап билан бўлиб унутаёзибман. Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Боя баҳс этганимиз каби Сейистон масаласи. Уларнинг ғалаёнидин хабарингиз бор. Менга шу ўлкада яшовчи улус хусусида билганларингизни сўйласангиз. Қиблагоҳнинг қиссахонларими, Тоҳир тарихчими, бирилари Сейистон қавмини эски турк аймақларидир дегандек бўлганди. Булар муаммосини бартараф этмай туриб, ҳеч бир иш билан шуғуллана олмайдиганга ўхшаймиз.

– Сўровингизни англадим, онҳазрат. Эски китоблар ва чин тарихчилари битикларига қараганда ҳақиқатан ҳам улар бизнинг кечмишдаги аجدодларимизнинг бугунги авлодларидир. Фақат тилларини йўқотиб, форсийлашиб кетганлар. Маълумингизким, қадимий турк эллари бундан минг ва ўн беш минг йиллар бурун жангу жадаллар, очарчилигу қаҳатчилик оқибатида шимол ва ғарб томон кўча бошлаганлар. Ўша пайтда сақалар деган турк аймақлари оқ хунларнинг тазйиқи туфайли Турондан Эрон томон оқа бошлайдилар. Бу худудни ўша – сақа сўзидан келиб чиқиб бугунги кунда ҳам Сакистон, Сижистон ёки Сийистон деб ҳам атайдилар. Милодий санадан илгари, юз эллигинчи йилларда ёвчилар, оқ хунлар ёки кушонлар деб аталган бир улуси марказий давлатлари билан англаша олмай, Еттисув ва Кошғар ўлкаларидан ўтиб, бугунда биз яшаётган Жанубий Туркистонга ерлашганлар ҳамда Буюк Кушон салтанатини барпо этганлар. Милодий бешинчи асрда эса Орол денгизи бўйидаги Ғарбий хун давлатига кирган Хуттал номли хун уруғлари Кушон давлатини эгаллайдилар.

Нурали ҚОБУЛ

Уларни эфталитлар ҳам деб атайдилар. Шу тариқа бу элу элатлар милодий олтинчи ва еттинчи асрдан бошлаб, сўйлаганим каби форсийлашганлар. Ҳозир бизга қарши исён этмоқда бўлган кишилар ана шу аждодларимизнинг вакилларидир, султоним. Биласиз, қавми турк содда, икки оғиз яхши сўзнинг гадосидир. Яроғу аслаҳа ишлатмай бу элатлар-ла англашмоқ мумкин, – фикрлари аниқ ва ёрқин эди Самарқандийнинг.

– Қаранг-а! Тарих деганимиз не қадар сирли ва мавҳум. Сиз ҳикоя этган халқ кечмишидан ўн мингдан бир одамнинг хабари йўқ. Билиб-билмай қардош қардош қонини тўкаверади, – деди олимни диққат билан тинглар экан Шохруҳмирзо. – Энг муҳими, бугун қилган ишларимиз ила миллат ва тарих ўнгида юзимиз қора бўлмаслиги керак. Ҳеч бир қавми қабилага жабру зулм ўтказмаслигимиз керак. Фикрингизда давом этинг.

– Сақа турклари эронийлашиб кетганлари билан биз каби мусулмон ўлароқ қардош ва биродар қавм сифатида ёнимизда қолдилар. Милодий олтинчи асрлар бошида Фарбий чинга бостириб-кириб, Табғач давлатини тузган хунларнинг қисмати ўзгача кечган. Юз эллик йил яшаган бу салтанат охир-оқибатда чинлилар таркибига сингиб кетганлар. Худди шундай, тўртинчи аср бошида хунларнинг катта бир қисми Фарбий Рум салтанати шимолида Хун давлатини тиклайдилар. Атиллахон асос солган бу сулола ҳам юз йил ҳукм суради. Уларнинг бир қисми насронийлашиб, ўша халқларга аралашиб кетадилар. Бир қисми эса Дашти Қипчоқ худудларига қайтиб, авар аталмиш улусга сингидилар.

– Жуда муҳим тарихий билгиларни сўзламоқдасиз. Мактаб ва мадрасаларимизда диний илмлар ила баробар тарих, жўғрофия ва бошқа дунёвий илмларни ҳам ўқитишимиз керак, устоз Самарқандий. Дунёвий илми урфонни ўрганмаган улус жаҳон халқларидан ортда қолиб кетгай. Афсуски, сизни мударрисликдан олиб бошқа ишга

қўймоқчимиз. Ўрнингизга бирор шогирдингизни тайёрланг, – деди ҳукмдор безовталанганча тахтидан туриб яна хона бўйлаб юраркан.

Мударрис ҳам ўрнидан туриб, қўл қовуштирди.

– Сизни ўрдунинг олий қозиси тайин этиб, сейистонликлар ила муросою мадора асосида яшамоқ учун мунозаралар олиб бормоққа вакил сифатида юборсак. Не дейсиз? – тўхтаб Самарқандийга қаради ҳукмдор. – Йўлга чиққанзимиздан сўнг бу мароқли тарихий суҳбатимизни давом эттиргаймиз.

– Амри фармон султонимизнингдир! Зиммамизга юклаган ҳар неки вазифани масъулият ва шараф иши билиб, сидқидил бажармоқ жидду жаҳдида бўлғаймиз, – тик турганча таъзим-ла жавоб қилди Самарқандий.

– Бориб вазифани қабул этинг ва индин Мовароуннаҳр сафарига чиқамиз, – деди Шоҳруҳмирзо шаҳарда тўпланган черикни кўздан кечирмоқ учун саройдан чиқар экан. – Амирлар Ҳасан Сўфи тархон, Алико Кўкалтош, Хожа Ростий ва Мизроблар Ҳирот ва Хуросонни бошқармоқ учун қолдирилади.

– Сиз Тус қапъасини мустаҳкамлаш ва муҳофаза этмоқ ҳамда Нисо, Абивард, Нишопур, Машҳад ва Сабзавор вилояти чегараларидан хабардор бўлиб, ҳудудларни назорат этмоқ учун йўлга чиқсангиз! – буюрди подшоҳ амир Саййидхожага. – Ул синирларимизни кўз-қулоқсиз қолдириб бўлмайди.

Амир Саййидхожа жўнаб кетиши билан қоровуллар Тошканддан амирзода Султон Ҳусайн икки минг чоғли чериги билан етиб келганлигини маълум қилдилар.

Олий ўрду Мурғоб дарёсидан ўтиб, Шайх Боязид лангарига етиб қолган эди.

– Амирзода Султон Ҳусайн ёлғиз ўзи ҳузуримизга кирсун! Сўнгра бекларини даъват этажаксиз! – буюрди подшоҳ эшик оғасига.

Нурали ҚОБУЛ

Хукмдор жиянини илиқ қаршилаб меҳр-муҳаббат-ла муносабатда бўлди. Унга лозим бўлган барча шароитни мухайё этишларига амр берди. Унинг Самарқанд тахти томон от қўйганлиги ва бу хусусдаги хатти-ҳаракатлари ҳақида оғиз очмади. Султон Ҳусайн ҳам бу ҳақда лом-мим демади.

– Менга бир-икки туман лашкар берсангиз, тоғажон! Хизматингизни олий даражада бажариб, иродангизга қарши борган киши ким бўлмасин, бошини кесиб, оёғингиз остига ташлагайман! – деди бундай олий даражадаги қаршилов ва эътиборни кутмаган амирзода Султон Ҳусайн ўзидан кетган оҳангда.

– Икки эрмас, бир туман (ўн минг демак) лашкар берамиз. Сиз бироз истироҳат этиб, дамингизни олинг. Қилинажак ишлар кўпдир, амирзодам, – деди Шоҳруҳмирзо жиянининг иштаҳаси карнайлигини сезмаганликка олиб.

– Тахтбосар Халил Султон палак ёзиб илдиз отмасдан жойини солиш керак, султоним! Қўшини сони борган сари ортиб, кучаймоқда, – ниҳоят мақсадга ўтди амирзода.

– Бу дунёда молу мулк абадий бўлмаганидек, лашкару қўшин ҳам абадий эрмас, амирзодам. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари қону жон эвазига тўплаган хазинадаги олтину кумуш ақчалар тугаган куни лашкар ҳам сийрак тортиб қолади. Инсон деганингиз эҳсон қулидир. Биз айни замонда авлодимиз Халил Султон ила сулху англашма, тинч-тотувлик йўлини танладик. Ёмонни эсламасанг, яхши ёнингга келмас деганларидек, мана сиз ёнимизга яхши нияту амаллар ила келдингиз. Зеро, шундай пок ният ва ҳамкорлик таклифи билан авлодимиз Халил Султон ҳам ҳузуримизга келиб қолсалар, не қадар улуғ иш бўлур эди. Дўстлар ва улус темурийзодаларнинг бирлик ва баробарлигини, яғийлар эса қирпичоқ бўлиб, таназзулга юз тутишларини бекламоқдалар. Султон Соҳибқироннинг ўттиз олти

нафар эркак фарди улус ишончини оқлаб, шайтон васвасасига учмасликлари, ғанимлар беклаган имкониятни ҳада этмасликлари керак. Кимнингдир бошини кесиб, бошқа бировнинг оёғи остига ташлаш масаласида эса шошмаслик лозим. Имкон қадар ҳеч бир муаммони қон чиқармоғу жон олмоқ йўли ила ҳал этмоқ иштиёқида бўлманг, жигарим. Бу усулда битган ишнинг оқибати ҳеч қачон ва ҳеч кимга хайр келтирмаган.

Амирзода Султон Хусайн подшоҳ тоғаси сўзларини совуқ ва ҳиссиз нигоҳини ерга қадаганча сукут-ла тинглар эди. Шохруҳмирзо кечмишдаги хатолари учун қиблагоҳи эътиборидан қолган жиянига энди хулоса чиқариб, одам бўлар деган ўйда насиҳат қилганди. Олий қароргоҳда ит бўлсин, қуш бўлсин, Мовароуннаҳр тарафдан ким келса илиқ қаршиланиб, яхши муносабатда бўлиш амри берилган эди.

Тоғасидан бир туман қўшин ваъдасини олган амирзода саропардадан оёғини қўлига олиб чиқди. Унга шу керак эди. Лашкарга эга бўлсин, бу ёғини ўзи билади. Унда шунча суворий бор эди. Бобоси раҳматли бўлиши билан ўндан саккиз аскар уни тарк этди. Бу дунёда киму не қадар кўп одам бўлмасин, барака бир кишида бўлар экан. Бу мулки давлат, салтанату мамлакат энди ҳеч қачон илгаригиси каби бўлмайди. Бу салобату ҳашамат, бу куч-қудрату жаҳонгирлик бир киши, раҳматли бобосининг шарофати ила эди. Энди у кунлар қайтиб келмағай. Ҳиротда тоғаси отаси ўрнини босмоққа уриниб панду насиҳат ўқимасин, Самарқандда бир жориянинг қулига айланган Халил Султон Кўктошга не чоғлик кетини ишқамасин, Амир Темур бўлполмайдилар. Ўзидек, қўлидан иш келадиган шаҳзода эса чиғириқдан ташқарида. Айби Соҳибқирон қизининг фарзанди эмиш. Арпа унини баҳона қиладилар, ўз-ўзича фикр қилиб қароргоҳи томон борар эди амирзода Султон Хусайн.

Нурали ҚОБУЛ

– Амир Ҳамза Оқбугони ҳузуримға чорланг! – буюрди амирзода чиқиб кетгач, Халил Султонга ёзилган мактубни қайта ўқир экан.

Хизрхожа ва Шайх Ҳасан қавчиндан Самарқанддаги сўнги воқеалар тафсилотини ўрганган Шохруҳмирзо амирзода жиянига мактуб битмоққа қарор қилган эди.

Саройда ё сўқоқдасан, олис, яқин-йироқдасан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...

ШОНЛИ ТАРИХИМИЗНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Бир неча йилдирки, мен машҳур ёзувчимизнинг тарихий романларини батафсил ўқиб чиқиб тақризлар ёзаман. Бу гал ёзувчимиз бир эмас, бирданига икки тарихий асарини ўқимоқ учун олиб келганларида жуда хурсанд бўлдим.

Муаллиф юртимизнинг ўрта асрлар тарихига асар сари чуқур кириб бормоқда. Бизнинг ўрта асрлар тарихимизнинг энг ёрқин саҳифалари бу Темур ва темурийлар даври тарихидир.

Ёзувчи ана шу даврни тарихчи сифатида жуда яхши билади. Бу ниҳоятда муҳим ва масъулиятли ишдир. Чунки бу давр тарихий шахслари бутун дунёга маълумдир. У шахсларнинг фаолияти қай даражада ёритилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу муаммо ҳар бир ўқувчининг диққат марказида туради.

Энг аввало, муҳтарам китобхон, ўқувчилар кўнглини хотиржам қилиш учун шуни айтишим керакки, муаллиф бу масалани, менинг фикримча, тўғри ҳал эта олган. Ҳатто бундан ортиғини ҳам айтишим мумкин. Адабиётчи ва тарихчи олимлар мен айтмоқчи бўлган фикрларни айтадилар деб ўйлайман.

“Жон ва шон талвасаси” ҳамда “Тириклик саодати” романлари ёзувчининг кўп томлик эпопеясининг олтинчи ва еттинчи китобидир.

Олдинги беш романдаги каби бу китобларда ҳам ҳар бир бобга турли буюк шахсларнинг ғоят қимматли фикрлари эпиграф сифатида берилган. Персонажлар тилидан айтилган кўплаб шеърлар келтирилган. Ишонаманки, бу шеърлар муаллифнинг ижодидир. Бу ибратли битик-айтувлар китоб саҳифаларини безайди.

Бундан ташқари иккала жилдда ҳам кўндан-кўп мақол

ва маталлар ҳамда шеваларга хос сўзлар, ибораларни ўқиймизки, улар, шубҳасиз, асар тилини янада жонли ва оммабоп қилади. Мен шу пайтгача ўқиганим бирорта бадиий асарда бу қадар халқ сўзларини учратмаганман.

Роман-эпопеянинг дастлабки китобларининг қайта-қайта нашр этилаётгани, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тарихий-фалсафий қўлланма сифатида ўқитилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Яна бир фикрни айтишим керакки, миллий адабиётимиз, қолаверса жаҳон адабиёти тарихида муаллиф романлари каби кенг кўламли, эпик ҳажмдаги яхлит асарлар саноклидир. Назаримда ёзувчимиз ўз қамрови ва меҳнати билан кечмиш ҳамкасбларидан ўзиб кетгандек.

Ашраф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИ ПОЭТИК СТРУКТУРАСИДА ҚЎШИҚ ВА ЛАПАРЛАРНИНГ ЎРНИ

Ушбу мақолада Нурали Қобулнинг “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романи поэтик жозибасини таъминлашда қўшиқ ва лапарларнинг ўрни тадқиқ этилган. Шу орқали мустақиллик даври ўзбек романлари эстетик ва маънавий эҳтиёж талабига кўра фаол ҳаракат, ўсиш ва ўзгариш жараёнида экани кўрсатилган. Бу ҳол янгиланаётган роман миллий адабиётнинг оғзаки ижод намуналарига хос бадиий тафаккур тарзи, шакл-услубларининг кўплаб белгиларига хусусиятларини ўз таркибига “шимиб”, “сингдириб” олиш жараёнини бошидан кечириётгани мисолида ўз исботини топган. Мақолада ўзбек романининг синкретик шакл ва услуби – янги миллий-адабий жанрга айланишини наза-

рий жиҳатдан изоҳлашда адабиётшуносликнинг олдинги босқичларида кузатилгани сингари Фарб эстетикаси ва бадиияти тамойиллари билан чекланиб қолинмаган. Жонли адабий жараён тажрибалари – истиқлол даврига хос плюралистик ижодий тафаккур, бадиий ижод тарзида устувор бўлиб бораётган кўп тармоқлилиқ, ўзбек романчилигида кечаётган янгиланишлар, миллатнинг олам ҳодисаларини қабул қилиш ва унга ёндашиш тарзидан келиб чиқиб белгиланган. Муаммо ўзбек романий тафаккури тараққиёт миқёсларининг кенгайишига сезиларли таъсир этган фольклор жанрларининг бадиий восита сифатида ўзлаштирилиши доирасида изоҳланиб, поэтик талқинлар асоси миллий-эстетик негизга таяниши кўрсатилган. Муаллифнинг оламни эстетик англаш, тасвирлаш, бадиий ижоднинг вазибалари бобидаги янгича қарашлари адабиётнинг ворисий алоқадорлигини теранроқ тасаввур этиш, умумтуркий адабиётни яхлит жараён сифатида тушуниш имконини беради. Н.Қобул романи матнига яширин маънолар кўламини ҳис қилиш, тафаккурда қамрай олиш ва англаш орқали миллий маънавиятимиз илдизлари фольклор билан чамбарчас боғлиқ экани ойдинлашади.

Мустақиллик даври ўзбек романи фаол ҳаракат, ўсиш ва ўзгариш, эстетик ва маънавий эҳтиёж талабига кўра адабиётимизнинг фольклор, мумтоз ва замонавий даврлари бадиий тафаккур тарзи, шакл-услубларининг кўплаб белги-хусусиятларини ўз таркибига “шимиб”, “сингдириб” олиш (диффузия), қоришиқ – янги миллий-адабий жанрга айланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Мустақиллик даври ўзбек романи бадииятини таъминлашда кўшиқ ва лапарлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, Н.Қобулнинг “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романи поэтик жозибаси асар персонажларидан бири – Ўткун Тегин бахши ва йигитқизлар ижросида куйланган кўплаб, қадимий кўшиқ ҳамда лапарлар воситасида таъминланган.

Бизнингча бу ҳол, биринчидан, ёзувчи фикрлаш доираси кенг ёхуд торлиги, иккинчидан, шеърий матн ва сочмаларни роман умумий руҳига қайдаражада мос танлаш орқали наср ва назм мутаносиблигини таъминлаш маҳорати ёхуд бунга тўла эришмаслик қусурларини келтириб чиқарган омилларни кўрсатади. Жумладан, Жаҳонгир Мирзо ва Севинчбеканинг кўкламда бўлиб ўтган никоҳ тўйида тўрт йигит ва икки қиздан иборат лапарчилар гуруҳи ҳамда куёвжўралар бешқарсаги жўрлигида мусиқий фольклор жанри бўлган лапар ижро этилади. Ҳақиқатан ҳам бу жанрдаги воқеабанд матнлар куй тузилиши жиҳатидан унча мураккаб эмас. Улар нақаротсиз ва чолғу жўрлигисиз айтилади, Н.Қобул тўй маросимига йиғилган йигит-қизларнинг тарафма-тараф мусобақаси тасвири орқали миллий колоритни сақлашга интилган. Романда лапар диалог шаклида ижро этилса ҳам, даврадаги қизларнинг хоҳлаган кишисига навбатма-навбат “лапар солиш” ва йигитлар бунга жавоб қайтаришида на ижрочилар, на кўшиқ матни йўналтирилган персонажлар қиёфаси, имо-ишора, хатти-ҳаракат ҳамда ҳолатлари кўзга ташланмайди. Натижада, китобхон буни лапар матнига таяниб ўз тасавурида тиклашга уринади.

Ижрода гоҳ ғамгин, гоҳ илтижоли ва асосан сўз ўйинига монанд кескин ва муросасиз, пировардида юмористик оҳанглар ўзаро алмашилиб туради. Аммо лапарни махсус бошқарувчи аёллар образи эътибордан соқит қилингани учун мавжуд аъянага кўра энг муносиб жавоб қайтарган томоннинг дастрўмол, белбоғ каби совғалар билан тақдирланиш жараёни унутилган. Лапар матнида йигит ва қиз томоннинг муҳаббат кечинмалари, орзу-умидлари енгил ҳажв ва юмор билан қўшилиб кетган. Лекин қисиниб-қимтиниб, минг андиша билан ўлан куйлаётган, лапарга ўзининг иложсизлик ҳолати, садоқат, вафо ва ҳижрон туйғуларини сингдирган қиз кўнгли йигит томонидан етарлича англамайди. Жумладан, бадиий матнда қиз:

Ўлан айтсам ўланчи дейди мани,
Йўлда ётган оч бўрилар ейди мани.
Оч бўрининг оғзида қилдан аркон,
Йигирмага киргунча юрдим дархон.

дея куйлайди. Самимий икродан аён бўладики, бўй етган қизнинг кўнглига маъқул бўлмаган, лекин қандайдир муҳим сабабга кўра рад этиш ҳам мушкул шундай “харидор”лар борки, ўланчи ушбу ҳолни англлатмоқчи бўлади. Бу арзи ҳолда “оч бўрилар”дан ҳимоя этувчи жўмардни айнан Жаҳонгир Мирзо йигитлари орасидан топиш истаги мужассам. Аммо йигит:

Ўланчининг бир чуви бармоғимда,
Гўзал қизлар ўйнайди чорбоғимда.

тарзида жавоб беради. Бу билан муҳим сирдан огоҳ бўлганини англлатса-да, айна дамда уни ташқи гўзаллик ва ўйин-кулги кўпроқ қизиқтиришини ҳам яширмайди. Буни тезда фаҳмлаган қиз Қоратовда айланган йўрғанинг бўш келганию Севинчбека кўзига ёш келгани мисолида қизлар тақдири мушкул эканини англатади. Бироқ йигит бу гал ҳам аниқ вазиятни тушунишни истамайди. Эҳтимол, синамоқ ниятида атайлаб жавобдан қочади:

Қиз ўн бешга кирганда
Тўлар эмиш.
Икки кўзи йигитда
Бўлар эмиш.

Албатта, бундай жавоб ўланчи қизга мутлақо маъқул эмас. Шу боис у яна кўнглини очишга эҳтиёж сезади. Бу эса йигит учун айна муддао:

Тангритовда айланиб,
Топдим қайроқ.
Тўқим солмай тўриқ отга
Миндим яйдоқ.

Бу ўринда қўлланилган “Тангритов” тушунчаси кенг ва теран маънога эга. Зотан, у қадимги туркий ва олтой халқлари тарихий тақдири ва эътиқодий қарашлари билан боғланади. Хунлар, сак, массагет, кушон, эфталийлар ҳам эътиқод қўйган ягона осмон руҳи – Тангри номидан келиб чиқади. Чунки қадимги аجدодларимиз осмонни ўз кўринишидан ташқари Тангри яшайдиган фазо сифатида ҳам тасаввур қилишган. Бу анъана бизга тарихий хотира ва мифологик қарашлар орқали етиб келган. Демак, адиб миллоддан аввалги учинчи минг йилликда ўша тарихий маконда кечган реал воқеаларни назарда тутган.

Бизнингча, ўланчи ўзининг отга тўқим солмай минганидан бежиз сўз очмайди. Бетўқим минилган отда қандайдир ярашиқсизлик, номувофиқлик кузатилади. Бу билан ўз ҳолини англамаган йигитдан бёҳад аччиқланган қиз унинг сўз уқмас диди, “тўқим табиат” эканига ишора қилади. Бошқачароқ айтганда, бу ўринда дашт қизига ярашиғлик шаддодлик намоён бўлади. Поэтик матнда келганидай, Қоратовдан топилган “қайроқтош” билан сўз ханжари чарчланадики, унинг ўткир тиғи йигит қалбини тилиб ўтади. Шунинг учун ҳам йигит уни “ёмон қиз”, деб атайти ва мурсоёу мадора йўлини тутишдан воз кечади:

Ёмон қизга мол бериб,
Ялингунча.
Дўппигинам дол қўйиб,
Ўтай бўйдоқ.

Йигит сўзни тўғри (дол) нишонга уради. Яъни “Бош омон бўлса, дўппи топилар” мақолига амал қилиб, қизга ялинишдан кўра қоматни тик тутиб, чапаниларча дўппини қийшайтириб (бу ўринда “дол” сўзининг иккинчи маъноси бўй кўрсатади. И.Ё.) юришни афзал билади. Аслида бундай жавоб йигитнинг ноилож вазиятда қолиши, дўпписи тор келиб чекиниши нишонаси. Ҳақиқатан айна лаҳзада ҳозиржавоблик бобида йигитнинг эмас, балки қизнинг қўли баланд. Таклифи рад этилиб, иззат-нафси оғриган қиз йигит иложсиз чекигани ва улоқни ўзи олиб кетганини билади. Шунинг учун ҳам у зинҳор паст кетмайди:

Юқоридан келаман Улоқчиман,
Туркистоннинг йўлида Сўроқчиман.

дея куйлайди. Бу билан лапар айтиш ҳам ўзига хос сўз ўйини, томонлар топқирлиги, дид ва фаросатини намоён этиб, ҳаққоний ажрим чиқарувчи баҳс-мунозара эканини эслатади. Бу улоқда йигитнинг мағлуб эканига урғу беради. Шубҳасиз, қиз томонидан билдирилган бундай ошқора, таъбир жоиз бўлса, дангал гаплар йигитни ҳам бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам у ўз чапани табиатига кўра:

Туркистоннинг йўли-ку нари экан.
Қўшиқчи қиз маммаси дори экан...

тарзида киноя-кесатиқ йўлига ўтади. Йигитнинг жавоби куёвнавкарлар ичида ҳарқанча қийқириққа сабаб бўлмасин, сўз тизгини ҳануз қиз илкида эди. Шу боис, китобхон лапарнинг давомини кутади. Буни яхши англаган муаллиф сюжет ривожини атайлаб секинлаштиради. Адиб қўллаган ретардация (лотинча retardation – секинлаштириш, тутиб туриш) сюжет-композицион усули орқали Балхдан келган бир мактуб воситаси-ла хос навкар Боботурк ва Салима

Султонбегим ўртасидаги муҳаббат тарихи ҳикоя қилинади. Ёзувчи чин муҳаббат туйғусигина инсон ҳаётига маъно ва мазмун бағишлаши мумкинлигини тасдиқлайди. Зотан, маъшуқасидан мактуб олган Боботурк бир лаҳзага бўлса-да борлиқни буткул унутади. Мактубдан анқиган мушкин ифор димоғига урилганида кўзи ёшланиб, гавдаси қалқиб кетади. Бундай кезларда у қилар ишию айтар сўзини ҳам унутиб қўяди. Аммо бутун онгли ҳаётини ижтимоий муаммолар ижросига бахшида этган навкар учун Ватан ва халққа муҳаббат, Амир Темурга садоқатдан улуғроқ нарса йўқ. Шунинг учун Боботурк шахсий ҳаёт ҳақида ўз маслағига мутаносиб тарзда ўйлайди: “Унга бўлган муҳаббатим Ватанимга, элимга, унинг тимсоли бўлмиш ҳазратга бўлган меҳр-муҳаббатимнинг бир парчасидур”, дейди.

Демак, тарихнинг бурилиш нуқталарида инсон ижтимоийлашишга ички мажбурият ва масъуллик сезар экан. Кўникиш ҳар қанча оғир бўлмасин, у ўз шахсий бахтини Ватан ва халқ тақдиридан ажратиб қарай олмас экан. Шу маънода, ёзувчининг ретардация усулини қўллаши китобхон диққат-эътиборини мамлакатдаги қалтис ижтимоий-сиёсий вазият, Амир Темур зиммасидаги улуғвор бурч атрофида ушлаб туриш, уни маънавий-руҳий жиҳатдан тўйдан кейин бошланиши муқаррар бўлган улкан муаммоларга тайёрлаш вазифасини бажарган. Англашиладики, лапар мусобақаси асносида йигит ғолиб келмаслигининг ижтимоий масъуллик, шахсий ҳаёт ҳақида муайян муддат ўйламай туриш билан боғлиқ муҳим жиҳати ҳам мавжуд. Энди лапарнинг давоми Боботурк нигоҳи билан кузатилади. Қўшиқчи йигит романтик юксаклик, лирик назокатдан эмас, балки реал ҳақиқатдан сўзлайди:

Юқоридан келаман,
Биласизми?
Рўмолчамнинг кирини
Ювасизми?

Эгарлаган бўз отимга,
Минасизми?
Шалдираган қўйнимга
Кирасизми?

Танишганимиздай, юқорида йигит табиатида бирқадар олифтагарчилик, ҳатто тўқим табиатлик мавжуддай туюлган вазият-ҳолатлар ўз моҳиятини тубдан ўзгартиради. Илло, у бедов миниб эл-юрт ҳимоясига отланган, ҳаёт аччиқ-чучугини татиган, ўз тақдирдан мамнун йигит. Шунинг учун ҳам у айни лаҳзада ўзини юқоридан келишга ҳақли сезади. Оқ отда келувчи эртақдаги шаҳзода эмас, бўз (кўкка мойил оқ тусли) от минган, муттасил эгарда юргани учун рўмолчаси кир, тоғ келса кемириб, сув келса шимириб ўтувчи навкар экани боис, қўйни тердан шалдираганини асло яширмайди. Яъни муҳаббатдан лоф урмай, ҳаёт ҳақиқатидан сўзлайди. Аёнки, оқбилак санам бундай ҳаётни тасаввур қилолмаганидек, унга мутлақо тайёр ҳам эмас. Шунинг учун:

Юқоридан келганингиз
Ким билибди?
Терга ботган чопонингиз
Ким илибди?

Рўмолчангиз кирини
Ёмғир ювсин.
Эгарлаган отингизга
Шайтон минсин,
Шалдираган қўйнингизга
Илон кирсин.

дейишга мажбур бўлади. У “ёмғир”, “шайтон”, “илон” қиёфасидаги рақибини назарига илмайди. Йигит бундан мутлақо ранжимай, бу ҳаётда ҳар нарсани ўз борича ардоқловчи санамлар бисёр эканини уқтириш орқали қизни мот қилади:

Тангритовда айланиб,
Сурув ҳайдаб бораман,
Сурувимиз ичила,
Серкаси бор.
Кўксеркамиз бўйнида чолмаси бор.
Хулкар қизнинг қўйнида олмаси бор!..

Бу ўринда “сурув” жун қўй-эчки подаси эмас. Балки дунёда гўзаллар беҳад кўп эканига ишора. Сурув ичидаги “серка” – ўз бўйсиралари орасида энг ақлли бошчи бўлмишрка қиз шу йигит билан аҳду паймон боғлаган. “Хулкар қиз” – Сурайё санам (маъшуқа) ҳам йигитни садоқат билан интизор кутмоқда. Унинг “бўйнида чалма” – фидо бўлишга ҳозир туриш ҳолати ва “қўйнида олма” асраш – иффатини сақлаш каби фазилат-сифатлари бунга тўла шоҳидлик бера олади.

Албатта, адиб келин томон қизлари хоразмлик эканини эътиборга олиб, лапар термасини шўх ва ўйноқи қўшиқлар ҳисобига янада бойитиш, шунга мос характердаги ҳаракатлар, хусусан, қадимий қайроқ жўрлигини киритиши мумкин эди. Эҳтимол, қизлар галма-галдан рақс тушиб халқимиз орасида оммалашган “Ойижон”, “Қилпиллама”, “Билагузук”, “Наҳору нашта” каби лапарлардан бирини ижро этишганида бу ҳол романга қадимий қайроқтош оҳанглари ритмига хос ўйноқилик, лирик жозоба бағишлаган бўларди. Бунинг учун Тамарахоним, Гулшод Отабоева каби халқ лапарларининг машҳур ижрочилари репертуарига мурожат этиш яхши натижалар ҳам берарди. Аммо Н.Қобул бундай примитив йўлдан бормайди. Ижодий нияти ижроси ва роман поэтик концептуаллигини таъминлашга хизмат қилувчи янги бадиий матнлар яратади.

Никоҳ тўйида Севинчбека кўз ёшларини селдай оқизиб

қўшиқ куйлайди. Янгага қилинган мурожаат-муножотда китобхон туғилиб ўсган ота-она уйидан кетиш қизлар азалий ёзғутига битилганига кўниш, ҳатто янгани-да юпатишга куч топиш сингари туйғулар ифодасини ҳис қилади. Аммо Самарқанд шаҳрида Амир Темур саройида бўлаётган тўйда келин отасига қарата:

Оқ йўл тилаб боланга,
Фотиҳа бер, отам, ай...
Дардимни ким билодур
Соғинтирмай келатур.

қабилда мурожат этиши бирқадар ишончсизлик туғдиради. Чунки бундай сўзлар ота уйини ташлаб чиқаётган лаҳзаларда айтилса ярашади. Одатда, оқ фотиҳа ҳам қизни қудалар кўлига топшириш, тўй карвонини олис ва машаққатли йўлга кузатиш олдидан берилади. Айнан шу кезде узатилаётган қиз ҳар қанча йиғласа, соғинтирмай бориб туришни илтижо қилса ярашади. Севинчбека онасига қарата айтган:

Ёт элларга йўл солиб,
Кетаяпман қошингдан

деган иқрор ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Азалий удумга кўра ўша кун бу машваратда ота-она иштирок этиши мантиқан ўзини оқламайди. Хоразмда ҳозиргача тўйдан кейин ўтказиладиган “қуда чақириқ” маросимигача янги келиннинг қизлик уйидан қудалар хонадонига ёши улуғлардан бирортаси ташриф буюриши урф эмас. Зотан, бу ҳол ўз иззатини билмаслик, қадрини ерга уриш саналади. Англашиладики, тўй маросимида келин ўз янгиси ёки яқин дугоналаридан бирига мурожаат этсагина юқоридаги ҳол ўзини

оқлайди. Айни дамда ота-онага фақат ғойибона мурожаат қилиш мумкин, холос. Афсуски, қўшиқ матнида қизнинг бевосита мурожаат қилиши яққол кўзга ташланмоқда.

Шунга қарамасдан, роман матнида келтирилган ушбу қўшиқ ритмидаги қадимий “суворий”ларга хос залворли оҳанг, ижрочи овозига кўчган армонли нола ҳисларига кўшилиб китобхон дилини ўртаб юборади. Тингловчи хаёлини тасаввурга сиғмас чексизликлар сари етаклайди. Муҳими, тўйда гоҳ йигит-қизлар дуэти, гоҳ келин ва баъзан ҳофиз томонидан куйланган қўшиқлар кузатувчи персонаж – Боботурк безовта юраги, долғали кўнглига ҳамоҳанг тарзда янграйди.

Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган Ўрусхоннинг элчилари Кепакбий ва Тулубеклар шарафига ўтказилган зиёфат сўнгида Ўткун Тегин бахши куйлаган қадимий қўшиқларда қўй соғиш, туя соғиш жараёнига хос иш-ҳаракат ритми, жониворлар кўнглини топиш ва уларни ийдириш мақсадида айтилган: алқов, эркалаш, илтижо сингари турфа мурожаатлар дўмбира оҳанглари билан ўзаро қўшилиб кетади. Китобхон хаёли қадимий ёбон кенгликлари, олис боболар ёди ва тўкин-сочинлик сабабчиси бўлмиш чорвадор эл сари учади. Ҳатто меҳмонлар ҳам ўзларини худди Дашти қипчок кенгликларида юргандай ҳис қилишади.

Романда Шоҳиқаландар томонидан мўғул истибдоди авж олган замонда жамоанинг феъл-атвори ва юриш-туриши ҳақида:

Ватан бўлди томорқа,
Улус ётди чолорқа.
Меҳр бўлди садақа,
Давронингни сур, золим.

тарзида куйланган кўшиқларда ўткир киноя, кесатиқ ва захарханда оҳанглари уйғунлашиб, босқинчилик сиёсатига бўлган нафрат ҳислари ифодаланади. Биз кўшиқда халқона ҳикмат ва мақолларга йўғрилган ўткир мисраларни учратамиз:

Ишонмагин дўстинга.
Сомон тикар пўстинга.
Жон жигаринг ёт бўлмас,
Ўжар эшак от бўлмас.

Агар Амир Ҳусайн қилмишлари назарда тутилса, кўшиқда ифодасини топган: “дўст”, “ўжар эшак” қиёфали кимсанинг ўша давр учун реал адресати борлиги аён бўлади. Бундай донишона огоҳнома қаландар қиёфали шахс томонидан ётказилиши ҳам бежиз эмас. Айни тарздаги поэтик талқинининг фольклорий ва эътиқодий асослари мавжуд.

Мўғул босқинчилари зулми ҳаддан ошган замон. Марказлашган миллий давлат тузиш, юртда адолатни тиклаш ва тартиб-интизом ўрнатиш сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ва маърифий-ахлоқий эҳтиёжга айланган даврда кўламдор мақсадлардан мосуво бўлган Амир Ҳусайн чин етакчи бўлолмасди. Демак, бу улуғвор ва беҳад масъулиятли вазифани тарихнинг ўзи айнан Амир Темур зиммасига юклаган эди. Романда адиб барча поэтик унсурлар қатори шеър ва кўшиқлар мазмуни ва оҳангини ҳам айнан мана шу ҳақиқатни тасдиқлашга йўналтира олади.

Соҳибқирон ҳазратлари Турон юрти амири ва улуснинг амирул уламози деб эълон этилгач, Самарқанд сари кезланган ғолиб кўшинни Жайхун соҳилида қаршилаган Ўткун Тегин Бахши ўз шогирдлари билан куйлаган қутлов кўшиғи юксак оҳангларда таралади. Унда туркий қавмининг ибтидо ва интиҳоси шу муқаддас маскан билан боғланаркан, Ва-

тан қадрдон ота ва она каби ардоқланади. Халқ маънавий-руҳий оламини юксак қояларга кўтариш, ҳур келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш истак-армонлари Ватан қутлуғ ўтмишига муносиб бўлиш ҳиссига жамланади:

Улуғ Тангри тоғдан оққан армоним,
Буюк қисматларда яралган жоним.
Ота юрт қалбида жўш урган қоним,
Отажоним, Туркистоним, Туроним.

Ушбу банд сўнги сатридаги “отажоним” деган мурожаат кейинги тўрт банддан ҳар бирининг яқунловчи мисрасида “онажоним”, “отар тонгим”, “танда жоним”, “сўнг маконим” тарзида ўзгариб, юртга бўлган муҳаббат туйғусини янада кучайтириб келади. Зотан, Туркистон ва Турон шу ҳудудда умргузаронлик қилган аجدодларимизга ғоятда қадрдон бўлиб, нафақат бағрикенглигию дўстга вафоси, балки душманга нафрати билан ҳам тарихда ўзлигини намоён эта олган. Қўшиқнинг насрий мансура қисмга ўтилганида Н.Қобул Фитратнинг “Юрт қайғуси” сочма шеъри шакл ва услубидан ижодий фойдаланган. Бизнингча, мустақиллик ғоясини миллатпарварлик ва ватанпарварлик позициясида катъий туриб ифодалаш адибни Фитрат ижодий меросига маънан яқинлаштирган. Чунки, романга киритилган шеърий матн таъсирчанлигини таъминлаган бош омил бу етакчи оҳанг меҳваридаги ватанпарварлик, миллий мустақиллик, мамлакат ва миллат эркинлиги учун кураш ғоясидир.

XX аср ўзбек шеъриятидаги Ватан мавзуси ва образи аслида Фитрат шеърларидан ибтидоланади. Шоир ашъорларига ўзининг ижтимоийлашган қайғу-ҳасратларини тўққани учун улар Фитрат қалбининг ўтли ҳайқирӣқ ва фиғони бўлиб жаранлаган эди. Лирик қаҳрамон туйғулари китобхон қалбига руҳий рағбат ва умидворлик олиб кирганди. Бу

хайрли анъанани давом эттириш, яъни босқинчилар томонидан беҳад хўрланган, қадимий қадриятлари топталган, қишлоқ ва овуллари ёндирилган, эли омонсиз талон-тарож этилган, шафқатсиз қатоғонлар исканжасида ўртанган диёрга муҳаббат туйғуларини акс эттириш ушбу романнинг муҳим белгиларидир.

Демак, романдаги миллат ва Ватан эртанги истиқболи ҳақида ўйловчи, бу йўлда курашларга тайёр турган адабий қаҳрамонлар ўша замон фарзанди сифатида поэтик идрок этилган. Бу ҳол замондош китобхонни огоҳликка даъват этиб, унинг тарихий ҳодисалар моҳиятини англашига йўл очган. Шу маънода, адиб бадиий идроки ҳам мустақиллик даври руҳи билан чамбарчас қоришиб кетган дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, бадиий матнга Н.Қобул қалб тебранишида намоён бўлган истиқболга умид туйғуси, чин нажотни шу азиз эл фарзандларидан кутиш мумкинлиги концепцияси кўчган. Романда лоқайдлик ва мутъеликка қарши қаратилган улкан бир айбнома пафоси мужассам. Чунки курашчанлигу фидойилик, ватанпарварлик ва жасоратга даъват туйғуси акс этган. Ёзувчи китобхонни ўз ватани ва унинг сара ўғлонлари тақдирига эътиборли бўлишга чорлаган. Ватан муқаддас саждагоҳ экани, керак бўлса, унинг учун жоннида нисор этмоқ лозимлиги ғоясини илгари сурган. Бу ҳол романнинг шакли ва мазмуни, бадиий тасвир воситалари, рамзий-мажозий қатлами ҳамда қаҳрамонлари характерига сингиб кетган. Асарнинг бош лейтмотиви мўғул истибдоди даври ижтимоий ҳодисалари ғайриинсоний моҳиятини фош этиш, янги салтанат бунёд этиш фидокорларини кўрсатишдан иборат. Кўринадики, роман публицистик руҳдан холи эмас. Ушбу ҳол танланган мавзу кўлами билан бир қаторда ижтимоий давр адабиёт ва санъат олдига қўйган муаммолар публицистик ёндашувга қисман тамойил бўлишни талаб этиши билан изоҳланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ёзувчи роман матнига жалб этган куй-қўшиқлар гоҳ ғамли ва оғир-вазмин, гоҳида дилни ўртаб, хаёлотни чексизликлар сари етакловчи армонли оҳанглар, баъзида эса шўх наволар билан алмашилиб туради. Улар роман қаҳрамонлари юрагида кечаётган туйғу-кечинмаларга ҳамоҳанг жаранглайди.

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари доктори

ҚАДИМ ТАРИХНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Тарихий воқеалар турли вақтларда юз беради ва улар тарих нуқтаи назаридан ўзига хос мантиққа эга. Бироқ ёзувчи бадиий асар яратар экан, турли давр ва макондаги воқеаларни бир мақсад, ягона бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий концепция асосида бирлаштиради. Натижада кўз олдимизда бутун бир сулолалар, узоқ тарихлар, бир неча ўнлаб мамлакатлар кечмиши билан боғлиқ тарихий асар пайдо бўлади. Бундай асарлар тасвиридаги эпик кўламдорлик, мазмуний салмоқ, проблематикасидаги долзарблик, эпик кечинмасидаги кескинлик, тилидаги тарихийлик, шаклидаги ўзига хослик ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Буюк Амир Темурнинг бадиий образига бағишланган асарлар ҳам шулар жумласидандир. "Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илм-у фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди" Биз Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ва дунёқарашини ёш авлодга етказишимиз ва бунинг учун аввало буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг бадиий қиёфасини яратишимиз лозим.

Илмий асарлардаги ҳар томонлама асосланган илмий мулоҳазадан кўра, бадиий асар замирига сингдирилган тушунча ўқувчига тез етиб боради. Лекин бу вазифани бажариш ўзувчидан улкан билим, нозик дид, юксак идеал, катта маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Шунинг учун буюк Амир Темур ҳақида асар ўзишга ҳамма ҳам киришавермайди. Айниқса, модернизм, постмодернизм, Лотин Америкасининг сеҳрли романлари ёки мини-роман каби романнинг турли шаклларига қизиқиш кучайган бир пайтда 104 боб (1-роман 45, 2-35 боб, 3- эса 24 бобдан иборат), умумий ҳолда, тахминан 1500 саҳифадан иборат ҳамда бир неча асарларни қамраб олган улкан асар яратиш учун ижодкорда катта маънавий жасорат ва билим бўлиши керак.

Бугунги кунда Лев Толстойнинг эпопеяси, Ф.Достоевскийнинг қатор романлари, Эрих Ремаркнинг “Уч оғайни”, Марк Твеннинг “Жанна Д’ арк”, Гао Синьцзяннинг “Ҳайратомуз тоғлар”, Ўрхон Памуқнинг “Қора китоб”, Милорад Павичнинг “Ҳазар луғати”, Кабо Абэнинг “Нотаниш юз”, Айрис Мёрдокнинг “Қўнғироқ” каби йирик ҳажмли жиддий романларига эътибор бир мунча пасайган вақтда анъанавий романчилик асосида, реализм ижодий методидаги тарихий роман тақдири ҳам ҳар қандай муаллифни ўйлантириши табиий. Бироқ ўзувчи бу ҳолатдан чўчимайди. Сабаби, у романчилик мактабларининг етакчи хусусияти барча замонларда яшаб қолаверишига ишонади. Масалан, испан романчилигидаги комедия, ирония ва пародиявийлик, француз романларидаги лиризм, саргузаштчилик ва қаҳрамонлик, рус романчилигидаги чуқур психологизм ва драматизм, инглиз романчилигидаги шахс эркига интилиши, ўзбек романчилигидаги тарихийлик ва миллийлик каби хусусиятлар барча замонларда ҳам ўзини оқлаб келган. Бундан кейин ҳам ўзи

мансуб халқ романчилигининг ўзак белгиси сифатида қолаверади. Шу маънода Нурали Қобул жуда тўғри йўл тутган, яъни А.Қодирий бошлаб берган тарихийлик ва миллийлик принципларига таянган ҳолда ўзбек романчилик мактабининг анъаналарини давом эттирган. Бунда у тарихийлик, миллийлик тамойиллари олдига замонавийлик ва умуминсонийликни ҳам қўшганки, мазкур жиҳат ёзувчининг новаторлик маҳоратидан ҳам дарак беради.

Буюк Амир Темур ва у яшаган даврга оид манбаларни тўплаш ҳамда янги бадиий-эстетик тамойиллар асосида идрок этиш адабиётшунослигимиз олдида турган муаммолардан ҳисобланади. Истеъдодли ёзувчи Нурали Қобулнинг «Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич», «Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт» ҳамда «Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон» номли трилогияси ана шу улкан муаммонинг ечимига бағишланган. Ҳар учала роман ҳам асосан XIII–XIV асрлар тарихидаги йирик воқеаларнинг тасвирига, хусусан, Амир Темур ва унинг яқин кишилари фаолиятига бағишланганлиги, муаммолар тизими, кўп тармоқли образлар ҳамда улар зиммасига юкланган поэтик ғоялари билан ўзаро яхлитлик касб этади.

Муаллиф бадиий асар тематикасини белгилар экан, бутун олам, табиат ва инсониятнинг азалий боғлиқлигини теран англаган ҳолда маданий-тарихий реалликни, бу орқали санъат, жумладан, бадиий адабиётнинг кўп планли ва бой имкониятини қоғозга туширган. Бадиий тафаккури орқали улкан географик ҳудудга тегишли бўлган халқ, миллат, дин, давлат ва жамиятларнинг характер қирралари ҳақида сўз юритади. Уларнинг турмуш тарзидаги умумийлик (инсон эканлиги, диний мансублиги, аксарияти умумтуркий тилда сўзлашгани, тинчликпарварлиги, ҳаётсеварлиги), тафаккуридаги ўзига хосликлар

(индивидуал анъана ва мулоқот шаклига эгалиги, миллий менталитети)ни бадиий олам доирасига жалб этади. Натижада роман бошланмасида реализм эстетикаси ва муаллифнинг бадиий концепциялари ўзаро қўшилиб ўзига хос “дастур”га айланади. Буни биз Темурнинг туғилиши ва мўъжизавий тарзда улғайиши, теран ақлга эгалиги ҳамда 4 ёшда ёзиш, 10 ёшда Қуръонни хатми қилгани ва 16 ёшда ҳарбий қудрати, саркардалиқ салоҳиятини кўрсатгани, 25 ёшида қисқа вақтга бўлса-да, мўғул хони Қутлуғ Темур томонидан Туркистон тахти топширилгани билан боғлиқ саҳналарда кўрамыз.

Бу бир жиҳатдан Амир Темур образини Алпомиш обра-зидаги халқ идеали билан боғлиқ вазифаларга яқинлаштиради. Ҳакимжон ҳам мактабга боради, бир савол билан отасини лол қолдиради, 7 ёшда ҳокимиятга асосий даъвогар сифатида ўзини намоён этади.

Трилогия матни “тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди...” жумласи билан бошланади ҳамда бутун асар давомида маълум ўринларда такрорланиб туради. Бу бирор бобнинг боши, охири ёхуд асардаги шеърий парча бўлиши мумкин. Ана поэтик такрор орқали ёзувчи дунёда боқий нарсанинг ўзи йўқлиги ва ҳар бир одам бир-бирига ғанимат эканлигини англатишга урингандек туюлади. Бироқ мазкур поэтик такрор турли ўринларда яна қўшимча вазифаларни ҳам бажарадики, уларга тўхталмасдан иложимиз йўқ. Дастлаб у қачонлардир дунёга машхур Алп Эр Тўнгадек, Кул Тегин, Тун Юқуқ каби улуғ шахсларни берган заминда вақт ўтиб яна бир улуғ саркарда туғилишига ишора сифатида келади. Иккинчи марта мазкур гап биринчи роман, III боб сўнгида Носир Хусрав бошлиқ даҳрийларга қарши кураш ва унинг бошини танасидан жудо қилиш билан боғлиқ воқеа сўнгида “Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...” шаклида бе-рилади. Бу ерда ёзувчи сохта пайғамбар Носир Хусрав ва

унга эргашган даҳрийларнинг бекор ўтган умрига ачиниш ҳамда қолганларга тўғри йўлдан юришга ундаш маъносида қўллайди.

Бошқа ўринларда мазкур поэтлик тақрор орқали ёзувчи дунё абадий эмас, шунинг учун имкон даражада яхшилик, ободлик, эзгулик қилишга улгуриш, ҳамма нарса Яратганининг амри билан бўлиши ва унга қолиши ҳақидаги ўлмас ғоялар тизимини ифодалайди. Айнан шу каби ғоялар асосида иш тутган киши улкан зафарларга эришишига ишора қилади. Шу тариқа трилогиянинг деярли барча қисмида мазкур жумла ёзувчининг бадиий ниятини баён қилиш мақсадида тақрорланиб келаверади.

Аслида адабий асар ва ғоя муносабатини тушунтиришнинг турли усул ва йўллари бор. "Адабиётни кўпинча фалсафанинг ўзига хос шакли сифатида тақдим этиш, таҳлил эса асосий ғояларнинг намоён бўлиши деб талқин ҳам этилади¹. Дарҳақиқат, ҳар қандай бадиий асарни мавзу ва ғоя нуқтаи назарда таҳлилга тортсак, улардан жуда оддий, содда ғоялар йиғиндиси чиқади. Бироқ мазкур натижа бадиий асар фалсафанинг бўртирилган ёки сўз ўйни ёрдамида ўзгартирилган шакли дейишга имкон бермайди. Зеро, адабиёт – ҳаёт каби улкан ва чексиз жараёнки, унга бутун ҳаётнинг ўзи ҳам жо бўлади. Шу маънода олганда, Нурали Қобулнинг тарихий романларинг аниқ тарихий фактлар ёки барчага маълум бўлган ғоялар йиғиндиси деб атаган баъзи кимсаларнинг фикрлари чала ва романнинг моҳиятини англамай туриб айтилган гап деб қаралиши мумкин. Тўғри, адабиётнинг тарихий ёки фалсафага оид расмий ҳужжат бўладиган ўринлари жуда кўп ва бу ҳол табиий саналади. Худди шу тариқа психолог романдан персонажлар ва муаллифнинг

¹Уэллек Рене и Уоррен Остин. Теория литературы. – М.: «Прогресс». 1978. стр.124.

психологик механизмини, этнограф, тилшунос, эстетик, географ, ҳарбий ўз тадқиқот объектини топиши мумкин. Лекин бу асар шу соҳаларга тегишли дегани эмас. Адабиёт – бу ҳаётнинг тасвири. Ҳаётдан эса барча фан ва соҳалар, бутун бошли давлат, жамият, ҳаттоки, инсоният тамаддунлари жой олади. Шу маънода бадиий сўз ибтидодан интиҳогача бўлган улкан борлиқни қамраб олиши мумкин. Таҳлилчи эса асардан ўзига керакли “улуш”ни олади, холос. Бадиий асар эса яратилиб, ўқувчи қўлига етиб боргач, ўз ҳаёти ва тақдири билан яшайди. Даврлар ўтиши билан янгидан янги қирраларини намоён этиб бераверади.

Трилогиянинг бошида экспозиция сифатида пейзаж ва унда Туркистон тоғ тизмаларига кузнинг кеч келиши, дарахт япроқларининг чирт-чирт узилиши, шамол уларни кучи етгани қадар учириши, турналарнинг учиб кетиши ва қарғалар тасвири кабиларнинг берилиши, сўнгра тонг отиши ҳамда ибодатдан сўнг кўриниш берган Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг образининг акс эттирилиши асар саҳнига кириб келаётган улкан воқеалар силсиласи учун ўзига хос муқаддима вазифасини ўтайди. Зийрак ўқувчи тоғ тизмаси тимсолида улуғ халқ қудратини англаса, кузнинг илиқ куни, япроқларнинг шамолда учиши, қарғаларнинг виқор билан ер чўқилашида мамлакатдаги мўғуллар зулмига ишорани кўриши мумкин. Айнан шу фондаги воқеалар саҳнида Муҳаммад Тарағай ва ёш Темурбекнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг ўзаро самимий муносабатида трилогия замиридаги улуғ бадиий ниятнинг бир қисми кўзга ташланади.

Айниқса, ёш Темурнинг тарихга қизиқиши, миллат ўтмишидан савол бериши, амакиси Атабек уйидаги меҳмондорчиликда Атабекка мол-мулкни бошқариш ҳақидаги тавсия бериши ҳамда Хожибек ўтоға ёзган норасмий фармонга имзо чекиши, Чингиз қиличини чин савдо-

гарларидан сотиб олиб ёш Темур учун асраб қўйилганлиги, Алп Туркашнинг мулоҳазасига қойил қолиб, уни ўзига ака деб қабул қилиши каби тасвирларда 11 ёшли боланинг улкан келажигидан дарак беради. Мазкур лавҳалар орқали муаллиф ўқувчини улкан образ ва катта эпик воқеликка секин-аста тайёрлаб боради.

Шунингдек, Амир Тарағайнинг ўғил кўриши, боланинг туғилишида унга азон айтилиши, амир тушида тоғ устида туриб, фариштасифат кишидан қилич олиб, тўрт томонга серпаши, от устида кетаётиб ўғлига самимий оҳангда давлатчилик қоидалари, мўғул улусининг характерига хос жиҳатларни айтиб, Темурни тахт учун тайёрлаб бориши каби ўринлар ҳам Амир Темурнинг кейинги ҳаётидаги улкан воқеалардан башорат қилади.

Муаллиф халқ маънавияти, эътиқоди, ғоявий бирлиги, ишончининг бутунлигини сақлаш ва А.Темур образига нисбатан ўқувчи меҳрини қозониш учун асар бошидан сохта диний таълимот билан ҳокимиятга интилувчи Носир Хусрав бошлиқ малоҳидаларга қарши кураш саҳнасини олиб кирган. Бутун бошли мамлакатда одамларнинг диний бирлиги ва тинчлигини бузгучи бундай ғаламисларнинг пайдо бўлиши мамлакатда мустаҳкам сиёсий, мафкуравий бошқарув бўлмаганини билдиради. Бир қарашда Бухорода уламолар, қозият, Баёнқулихон бошлиқ хонлик бор. Муаллиф уларни шунчаки санаб ўтмайди, балки ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини бадиий ифодалайди:

“Ниҳоят, Самарқанд, Балх ва бошқа вилоятлардан келган уламолар кенгаши Носир Хусрав қавми саналмиш оқ кийимлиларнинг бошлиғи бирлан баробар кофир дея ҳукм қилди¹. ...Носир ва унинг қавмини кофирликка ҳукм этган кенгашни Самарқанд Соҳиб Ҳидоятни бошқарган эди”. Ле-

¹Қобил, Н. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва тахт. –Тошкент: Шарқ, 2011. 53-б.

кин душман ҳам анойи эмас эди. У ҳам тезда тўрт минг муллани қатл этди. Хон саройига элчи юбориб, имон келтиришга ундади. Ваҳоланки, “Махфий бошлиғи, хос мулозим Эргаш Этана тажрибали лашкарбоши, ернинг остида илон қимирласа сезадиган синчи одам эди”¹. Баёнқулихон ҳам бир қарашда қатъиятли одамдек кўринади. Бироқ, мамлакатда сиёсий аҳвол яхши эмас эди. Ана шу паллада 16 ёшда 21 ёшли йигитдек келадиган, бутун вужудидан куч ёғилиб турган ёш Темур саҳнага чиқади. У дастлаб хоннинг олдида отаси билан ёнма-ён боради, дин ва халқ тинчлиги учун курашга қўшилиш мақсадида яккама-якка курашда ҳаммадан устун келади, биринчи расмий лавозимга эришади, хонга қаттиқ гапиради ва жангни сақлаб қолишга уринади. Лекин хоннинг иродасизлиги Темурнинг қудратининг ошишига хизмат қилди. Муаллиф мазкур воқеаларни баён қилар экан, қаҳрамонларнинг ички дунёси, психологик ҳолатини ифодалашда образлар нутқидан, уларнинг ўй-мушоҳадаларидан фойдаланади. Чунки образлар конкрет тарихий шароит ва маълум вақтда ҳаракатланувчи субъект сифатида улардан имкон даражада кўпроқ ҳаёт ҳақидаги бадиий-фалсафий, бадиий-эстетик ва ғоявий маълумотларни олади. Ҳар бир персонаж маълум бир сюжет линияси ёки маълум бир воқеа ичида ҳаракатланар экан, ўзининг индивидуал эканлигини ҳам намоён этади:

– Бухоро қўшинининг жангга тайёргарлиги ва уни савашга сафарбар этмоқ менга маъқул келмаётир! – деди Темурбек дўсти Сайфиддинга. – Бу аҳволда даҳрийлардан ўн чандон кўп қўшин шармандаю шармисор бўлади. Ўзларининг обрўси тўкилса майли эди. Бу қўшин дини ислом, Расули барҳақ дея майдонга тушмоқда. Бу муҳорабада унинг ютказишга ҳаққи йўқ. Бу мағлубият диндан оғувчиларга ақл бовар қилмас маънавий устунлик соғлайди. Улар “мана,

¹Юқоридаги манба.. 58-бет.

сон-саноксиз бўлса-да, Оллоҳ бугун ғанимларни эмас, бизни қўллаб-қувватлади, қўлимизни устун қилди, ҳақлигимиз учун озчилик бўлсак-да, ғалаба ато этди”, дея жар соладилар. Шундан кўнглим безовта.

– Сен билан менинг қўлимдан нима келарди. Юзбоши ёки мингбоши бўлсак бошқа гап эди. Бир оддий аскар каби саваша билурмиз, – деди Сайфиддин дўстининг фикрини маъқуллаб¹.

Образлар нутқида улар қалбидан кечаётган кечинма, дилини ўртаётган ор-номус кучи, душманга нафрати, умуман олганда, ички олами қисқа шакл ва аниқ ифодаларда берилган. “Қалб ва ички дунёнинг барча эстетик қиёфаси (ритм) ҳамда мазкур олам шакли, мантиқан олганда, ўз-ўзини ифодалашнинг, ўзликни англашнинг шакли бўлолмайди. Бироқ бошқаларга шакл бўла олади ва уларнинг ўзлигини ифодалаш мумкин. Ҳаётий ўзлик ва олам ҳақидаги ичдан ўтказиладиган маълумотлар трангредиентлик (кечириш ва ўтказиш) хусусиятига эга бўлиб, фақат ана шу хусусиятигина уларга куч ва моҳият беради. Акс ҳолда улар сохта ва кераксиз бўлар эди². Демак, романдаги образларнинг, хусусан, Амир-Темур, Боботурқ, Умаршайх-мирзо, Алоуддин Хоразмшоҳ, Тўхтамишхон, Идику Манғит кабиларнинг ўй-мушоҳадалари роман ҳомиятини очиб беришга хизмат қилган деб дадил айтиш мумкин. Чунки романдаги воқелик икки планда ривожланиб борган дейиш мумкин. Биринчиси, бу романда реал воқеалик ва унинг ўзига хос ривожланиши бўлса, иккинчиси персонажлар ички олаmidан ўтиб борган ирреалликдир.

Трилогия таркибига кирган романларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил романдир. Айниқса, «Султоннинг сўнги кўни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон» романида

¹Юқоридаги манба. 62-бет.

²Бахтин М.М. Автор и герой в эстетической деятельности. В книге: Бройтман С.Н. Историческая поэтика. Хрестоматия-практикум: Учеб. Пособие. – М.: «Академия», 2004. – стр. 36-37.

ёзувчи бадий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий концепцияси, ҳарбий стратегик қарашлари ва ўзбек тилининг софлиги учун курашиши акс этган, десак адашмаймиз. Асардаги тарихий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланиши, бадий тўқиманинг реал ҳақиқатни очишдаги ўрни шартли равишда муаллиф ижодий лабораториясида жиддий қайта ишланган. Натижада тарихнинг биз билмаган қирралари турли сюжет чизиқлари, композицион яхлитлик, бадий ифода воситалари, поэтик манзара, портретнинг характер очишдаги ўрни, тил орқали персонажлар руҳиятининг тасвири кабилар бебаҳо бадий полотнони юзага келтирган.

Роман сюжетидаги асосий воқеалар Амир Темур ва Тўхтамишхон атрофида тўплагани билан концентрик сюжетга хос белгилар кўзга ташланса, Амир Темур, Тўхтамишхонларнинг ўз ҳаётлари билан боғлиқ воқеаларни ёдга олишлари замирида ретроспективлиликни таъминлаган. Романдаги воқеалар 1391 йилдан бошлаб 1400 йилгача бўлган даврни хроникал тартибда қамраб олганлиги асарда хроникал сюжет ҳам мавжудлигини исботласа, ассоциатив сюжетга хос хусусиятлар эса турли вақт ва маконларда бўлган воқеаларнинг бир-бирига мантиқий асосда боғланиб тасвирланишида кўринади. Бу жиҳатлар эса роман аралаш сюжет асосига қурилган дейишга тўла асос бўлади.

Аслида роман структураси, хусусан, ундаги сюжет муаллифнинг ҳаётий воқеликни яхлит, бир бутунликда, турли ҳодисаларни ўзаро мантиқий қонуният асосдаги боғлиқлиги ва албатта шартлилигини кўриб, уларга ўзининг эстетик-идеалини сингдира олиш маҳоратини очишдаги катта имкониятдир. Шу маънодан келиб чиқиб қаралганда, романдаги хронотоп муаммоси ҳам кун тартибига чиқади. Асардаги хронотоп шакллари турлича бўлиб, воқеалар асосан йўлда, турли жой ва маконларда, сарой, чодир, тоғда, от устида, жанглар оралиғида, жанг майдонларида турли

қахрамонларнинг ўзаро суҳбати орқали, қахрамонларнинг ички монологи асосида баён қилинади. Лекин воқеаларда Амир Темур автобиографиясига оид далил, хизматкор, аёллар, аскар, кул, от, қарға каби хронотоп шакллари ҳам борки, улар зиммасидаги вазифаларнинг тадқиқи ҳам алоҳида мавзу бўларлидир.

Ёзувчи воқеаларни шунчаки қайта баён этмайди, балки аниқ ҳаётий муаммо куршовидаги шартли равишда аниқ дейиладиган персонажнинг ўй-фикри, ҳаётий маслағи, нияти, орзу истағи, шодлик ва қувончи, йўқотиши, енгилиши, армони, афсус-надомати билан қайта идрок қилинади. Бу билан ижодкор тарихий давр ва унинг қатор муаммолари, персонаж ва унинг маънавий оламини жиддий қайта баҳолайди. Масалан, Амир Темурнинг Эронлик Шоҳ Мансурга қарши кураш чоғида кам сонли лашкари билан тепаликка чиқиши ҳамда Мансурнинг каттагина хос кўшини билан курашиши, бошига душман қиличи урилиши лавҳаси билан муаллиф Амир Темур шахсини қайта баҳолайди. Яъни у ҳам оддий одам, хато қилиши мумкин, бироқ иродалидир. Ёхуд Алоуддин Хоразмшоҳнинг от билан суҳбати ва унинг қабри устига қарғанинг кўниши билан боғлиқ замон ва жой воқеликнинг бирлиги қайта яратилади. Чунки реал ҳаётда Хоразмшоҳ Қулзум денгизидаги оролда вафот этгани тарихий ҳақиқатдир. Бироқ у қай тариқа, қай маҳал, кимлар олдида жон бергани ёзувчининг бадиий-эстетик нияти асосида қайта тасвирланган.

Роман сюжети ҳақида гапирганда, албатта конфликт ҳақида ҳам сўз юритиш лозим. Чунки диалектик жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғлиқ, аммо ўз ҳолича мустақил бўлган мазкур тушунчалар асар бадииятини таъминловчи унсурлардир. Биз таҳлил қилаётган романда конфликтнинг қуйидаги уч типини кузатиш мумкин:

1. Икки жамият, ўзаро қарама-қарши кучлар тарзидаги

конфликт. Бунда асосан Турон салтанати ва унга қарши бўлган Ўрда, Шероз, Грузия, Шимолий Ҳиндистондаги кучлар билан конфликтни назарда тутилган.

2. Ўзаро зиддиятли образлар, қарама-қарши характерлар кураши шаклидаги конфликтга мисол тариқасида Амир Темур, Султон Жалолиддин ва уларга қарши бўлган Чингизхон, Тўхтамиш, Шоҳ Мансур каби характерли шахсларни келтириш мумкин.

3. Конфликтнинг учинчи типи сифатида ички коллизия олинishi мумкин. Бу типга Амир Темур, Султон Жалолиддин, Алоуддин Хоразмшоҳ, Тўхтамиш, Чингизхонларнинг психологик драматизмга тўла монологларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида саналган конфликтлар романда турли ўрин ва мотивлар, сюжет чизиқлари, тармоқлари билан қоришиқ тарзида берилади. Аввало, бу роман жанрининг мураккаб хусусияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан романдаги турли сюжет элементлари, композиция, образ ва мазмуний унсурларнинг табиий диалектик ҳаракатига ҳам боғлиқдир. Мисол учун, Амир Темурнинг Ўрдага ва Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришлари билан боғлиқ воқеалар асар мазмунидаги салтанат тинчлиги муаммоси билан боғлиқ ҳамда табиий равишда воқеаларнинг кейинги ривожи Амир Темурдан мазкур юришларга чиқишни талаб қилган. Иккинчидан, муаллиф олдиға янги макон ва замон бўйлаб воқеалар, суҳбат ва мавзулар топишни ҳам қўяди. Натижада Идикубек ва Амир Темурнинг узоқ ва мазмунли суҳбати юзага келган. Бу эса ўз навбатида романдаги асосий образлар Амир Темур ва Тўхтамишхонинг ўзаро қиёсини юзага келтиради.

Бадий-эстетик ва бадий ғоявий жиҳатдан уларни идрок қилиш ҳамда баҳолаш улкан масъулият, тарихий фактларни реал, холислик билан кўрсатишни талаб эта-

ди. Муаллиф мазкур тамойилларни бузмаган ҳолда турли бадиий тўқималар орқали персонажларнинг ички олами ва характери ни ўзаро мутаносибликда, образларнинг ички ва ташқи бутунлигини сақлаган ҳолда тасвирлайди. Натижада кўз олдимизда Темур шахси ва унинг замондошлари (аслида муаллиф) қалб призмаси орқали Турон тарихи, халқимизнинг шонли тарихи ҳақида бадиий ҳақиқатни сўзлайди. Чунки бадиий адабиёт, жумладан, роман ҳам аввало нутқ шакли сифатида бадиий маълумот етказиш, ўқувчига гедонистик таъсир кўрсатиш хусусияти билан ижтимоий онг маҳсулидир.

“Бадиий адабиёт ижтимоий онг шакллари дан бири сифатида муайян тарзда ижтимоий борлиқни акс эттиради. Унинг бу хусусияти бадиий асарларни ҳаётни билишнинг қимматли манбаига айлантиради”¹. Шу маънода ёзувчи романда ўзининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий концепциясини илгари сурар экан, уларни Амир Темур, Боботурк, Идику, Тўхтамишхон, Чингизхон, Султон Хоразмшоҳ, Жалолоддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, авлиё Рожа, Бек Ёруқ, Салима Султон Бегим каби образлар тилида ёрқинроқ ва аниқроқ ифодалайди. Улар диалогик ёки монологик нутқ шаклида ўз замонаси ва келажак билан жиддий мулоқотга киришади. Натижада романдаги хронотоп доираси ибтидодан мангуликка қадар чўзилади. Фикр исботи учун Амир Темурнинг Москва шахрида, Рус ерларда қолмаслик, у ерларнинг совуғи ҳақидаги фикрлари орқали Наполеон Бонапарт билан диалогга киришади. Бу эса романдаги хронотоп Кичик Осиёдан Хитойгача бўлган горизонтал қамровдан ташқари қарийб 13 минг йиллик вертикал хронотопни ҳам ўз ичига олади. Бу ерларда бизнинг аجدодларимиз ўн икки минг йилдан бери истиқомат қилишлари ёки 4300

¹Адабиёт назарияси. 2 томлик, 1-том.—Т.: Фан. 1979. —Б.13.

йиллик қалъа ҳақидаги фикрлар вертикал хронотопнинг қамровини кўрсатади. Демак, романдаги макон ва замон муаммоси романдек чексиз имкониятга эга жанрнинг шакл ва мазмунига ҳам аниқлик киритади. Бу эса юқорида саналган образларни гавдалантириш жараёнида ёзувчи учун ҳам холис йўл тутишига шароит яратади. Масалан, Амир Темурни кўкларга кўтариб мақтамайди, унга фахриялар ёзмайди, балки реал шахс сифатида тасвирлашга интиланган ва маълум маънода бунинг уддасидан чиққан.

Ҳақли равишда улуғ Амир Темурнинг буюклиги, узоқни кўра билиши, давлат тузиш, бошқариш ва уни тутиб туришдаги салоҳияти, ҳукмдор, саркарда, дўст, ота, бобо, турмуш ўртоғи сифатидаги муносабаталари жуда таъсирли ва ишончли бериладики, бу ўқувчида буюк аждодимизга нисбатан ифтихор туйғусини уйғотади. Шунингдек, унинг болалиқдаги дўстлари Бобокул, Бобомурод, Обид баковуллар билан самимий, чин юракдан гаплашиши, аския қилиши, болалиқда Бобомурод аравакаш бўлиб, ўртоқларини аравасида миндиргани, бола Темур ҳам унда сайр қилгани, барча болалар қатори ўз амалларининг боғига мева ўғирлагани киргани Амир Темур образининг ёрқин ва жонли ифодасидир. Ёки ҳинд авлиё Рожаси билан учрашуви ва унинг аччиқ ҳақиқатга тўла гаплари олдида лол қолиши, ўғли Мироншоҳнинг айби учун ўз сарпардасидан қувиб солиши, ғалабадан кейин майхўрлик қилиб Боботурк олдида хижолат бўлиши ёки қатор рақибларини аввал енгиб, сўнгра яна тахтга қайта ўтқазиб қўйиши каби воқеалар замирида Амир Темур ҳамда у орқали туркий халқнинг, яъни ўзбек халқининг ўша пайтдаёқ миллат сифатида шаклланиб, бошқаларга ўрнак бўларли даражада маданий ва маънавий кўтарилишга эришганини очиб беради.

Роман номи икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Султоннинг сўнги куни” деб аталиб унда номдан келиб

чиқиб Султон Алоуддин Хоразмшоҳ бошқарган улкан мамлакат ва унинг подшоҳи ҳаётининг сўнгги куни жуда таъсирли ва ишонarli акс эттирилган.

Номнинг иккинчи қисми – “Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон”да эса муаллифнинг ижодий услуби Амир Темур ва Тўхтамишхон образларининг ўзаро қиёсига қурилгани сезилади. Бу дегани, икки халқнинг ўзаро маънавий қиёфасини ҳам таққослашни талаб этади. Бунда муаллиф бирини ерга уриб, иккинчисини бўрттириб юбормайди. Уларни аслига кўра, аждодлари бир бўлган икки халқ сифатида тасвирлайди. Ёзувчи мазкур таққосни трилогиянинг дастлабки қисмиданоқ бошлайди:

“Олам шоҳи Чингизхон авлоди билан бизнинг уруғимиз томирлари ягона бобомиз Қобулхонда туташмишдир. Замонларким, биз туркий барлос қавми исми ила яшадик, – сой бўйига тушгач, сўзида давом этди амир белбоғи ила терлаган юз-бўйинларини артар экан. – Чингизийлар эса мўғул номида от сурдилар. Бизнинг ота-боболаримиз бу заминда ўн икки минг йилдан ортиқ яшаб келдилар. Бизнинг авлодларимиз мўғуллар каби саҳройи-ва-қаттиққўл-эмаслар. Шулар боис, улар зулмидан аҳли Турон норози. Мана юз йигирма йил чамаси вақт кечибдики, миллат улар қиличи остида. Оллоҳ шоҳидки, яхши гапнинг гадойи бўлмиш бу халқни икки оғиз ширин сўз ва шариат асосида заҳмат чекмай бошқариш мумкин. Бизнинг улар билан келиша олмаслигимизнинг сабаби ҳам шунда. Улар халқни қилич билан бошқармоқни афзал биладилар. Биз эса шариат ва тузук ила деймиз. Тўғри, уларнинг ясо-юсунлари бор. Бироқ бу қонун-қоидалар ўзлари учун эмас, оддий халқ ёки аскарни жазолаш учун”¹.

Шу тариқа персонажлар тили орқали икки халқ, аниқроғи, мўғул босқинчилари ва маҳалиий халқ ўзаро таққосланади.

¹Қобул, Нурали. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич: роман. –Т.: “Шарқ”, 2011. 26-бет.

Ана шу жиҳатни биз трилогиянинг бош қаҳрамонлари тасвирида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Амир Темур образи асарда ўз аъёнлари қаршисида давлат бошқаруви учун муҳим бўлган масалани ҳал этишга тўпланган даврада ўтирган ҳолатда тасвирланса, Тўхтамишхон эса чодирда чалқанча ётиб, шифтга тикилиб ўй сурган ҳолда тасвирланади. Унинг ширакайф эканлиги ҳам қистириб ўтиладики, бу давлат раҳбари, ўзининг таърифича, Рус, Польша, Литва князларини кўрқитиб, гоҳ алдаб турли ўлпонлар йиғишга уста бўлган, зулмкор хоннинг Темурбекдек доимо ҳаракатда, давлат ишларини кенгашиб бажарувчи шахсга нисбатан бироз бошқачароқ эканлигини билдиради. Ёки Амир Темур ва Чингизхоннинг ўз фарзандлари, лашкарбоши, амиру уламолари-га муносабатида ҳам ана шу қиёсни кузатиш мумкин.

“ – Фикру идрокда ҳар қандай шоҳдан улуғ эканингизга энди ҳақиқатан ишондим. Билмадим, ҳаёт тарзингиз қандай-ю, бироқ идрокингиз бутун. Сиздек заковатли инсонлар салтанатнинг таянчи бўлмоқлари керак”¹.

Бу парчада Амир Темур Баҳодир бахшига нисбатан айтган гаплари орқали унинг салтанатни бошқаришда оқил, холис ва самимий, фидойи кишиларга суянишлик лозимлигини таъкидлаган. Бундай ўринлар романда кўп. Бироқ асосий мақсадимиз бўлган икки образ қиёсини Чингизхоннинг ўғлига айтган қуйидаги фикрлари билан давом эттираемиз:

“Эсимга келганда айтиб қўяверайин, – деди қоон чукур нафас олиб, – Ёнингга маъмур ва мулозим ўлароқ, ақлли ва бойларни олма. Ақлли ва бой кишига бир нарса етишмайди. Тожу тахт ва амалу мансуб. У эртами кеч тахтингга, мавқеингга кўз тикади, хавф солади. Оч, ярим оч, пачоқ, зўрға кунини кунлаб юрган бечорароқ одамларни хизматга

²Қобул, Нурали. Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон. –Т.: “Камалак” 2014. 38 –бет.

ол. Бундай одамларнинг яқин бўлмоғи етти ухлаб тушларига ҳам кирмайди. Улар буни тангрининг инояти деб билдилар. Берган мансабининг ҳавоси, ғажиб турган суяғи, еб турган парча экмақдан ажралиб қолмаслик учун кечаю кундуз итдек ҳалихлаб елиб-югуради. Керак бўлса, эътиборингни қозонмоқ учун ота-онаси, бола-чақасидан ҳам воз кечиб ишлайди. Бундайлардан қўлингдаги қилич ёхуд оёғингдаги этик каби истаганингча фойдалана биласан”¹.

Амир Темур ақл ва доноликни улуғлаб, зиёли, ақли бутун кишилар билан салтанатни бошқариш ғоясини илгари сурса, Чингизхон эса бунинг аксини қилмоқда. Чингизхоннинг фикри келтирилган мазкур ўриндан бироз олдинроқда келтирилган монолог эса Тўхтамишнинг иккиюзламачи, босқинчи ва шунинг билан бирга ўта айёр, ақлли эканлиги ҳам кўринади. Бу билан ақл воситасидан фойдаланишда образларнинг фарқларини кўрсатади. Шунингдек, ёзувчи Тўхтамишхоннинг ўзбек адабиётидаги реал тасвирини ҳам яратиб берган.

Асарда яна Алоуддин Хоразмшоҳ, Султон Жалолоуддин Мангуберди, Чингизхон каби тарихий шахслар, улар даврига оид қатор тарихий лавҳалар ҳам Тоҳир тарихчи, Идикубек, унинг отаси, Есугай каби персонажлар тилидан ҳикоя ичида ҳикоя усули билан романга сингдириб юборилдики, улар бир томондан Амир Темур образи моҳиятини очишга хизмат қилса, иккинчи томондан роман хронотопини кенгайтиради.

Романдаги ана шу усул муаллиф концепциясини очишда алоҳида ўринга эгаки, уни таҳлил қилмасдан илож йўқ. Чунки ҳикоя ичида ҳикоя берилиши бу аввало дастлабки воқеада кўтарилган мавзу ва муаммони тўлдирса, иккинчидан ёзувчи ижодий услубидан бош мақсадни очиб беради. Яъни ёзувчи ўзининг турли қарашлари, ҳаётий материалла-

¹Юқоридаги асар. 233-бет.

рини ўз тафаккури элагидан ўтказиб, турли персонажларга сочиб юборади. Бу эса улар тилида ва тафаккур тарзидаги ўзига хосликни сақлаб қолиш. Шунинг билан бирга муаллиф концепциясини ҳам очиб бериш керак бўлган энг мураккаб вазифалардан биридир. Ўйлашимча, муаллиф бу ишни уддалаган.

Масалан, саккизинчи бобда бошлаб, тўққизинчи бобда давом эттирган Хоразмшоҳлар қисмати билан боғлиқ воқеалар зиммасига, аввало, тарихдан тўғри хулоса чиқариш вазифаси турган бўлса, иккинчидан, Амир Темур ўз аъёнларини ҳам доимо ҳушёр, зийрак бўлишга ундайди. Қолаверса, Хоразмшоҳдек кишига садоқат қилмаган тахт бизга ҳам садоқат қилмайди, бу дунё ўткинчидир, деган умумий поэтик такрор (тонг отар, кун ўтар...) ғоясини ҳам бошқачароқ шаклда такрорлайди.

Бошқа жиҳатдан олганда эса, умумий эпик баён ичида персонаж баёни романга полифоник (кўп овозли)лик ва кўп қатламлик бағишлаган. Бу ҳикоялар муаллифнинг етакчи овозидан айри ҳолда ўз ҳолича мавжуд. Масалан, Султон Жалолiddин ва унинг қўшини Мангуберди вафотидан кейин ҳам Яқин Шарқдаги қатор султонликларда асосий куч сифатида фаолият юритгани, Султон Аҳмаднинг Шимолий Ҳиндистондаги подшоҳлиги каби ҳикоялар романдаги асосий воқеалар билан бирикиб, Турон тарихида кўп қатламликни намоён этса, Султон Жалолiddин, Алоуддин Хоразмшоҳ, Чингиз, Есугай образларининг тахт ва салтанат ҳақидаги фикрлари билан Амир Темур овози ёнида алоҳида овоз янграйди ва асарга полифониклик берган.

Бундан ташқари, романдаги сюжет линияси воқеа-қаҳрамон-воқеа тамойили асосида берилиб, юксак идеалнинг ишлаб чиқилиши ва миллатимиз маънавий дунёсининг тадрижий такомилдаги маълум тарихий даврларга

бўлиб берилган. Бу биринчидан, эуқко ўқувчига ўтмиш аждодларимизнинг бир бутун миллат бўлиб шаклланиш жараёнини англаш имконини беради. Иккинчидан, мазкур жараёнда миллий-қаҳрамонларимиз роли ва хизматини очиб беради. Учунчидан, романдаги тарих бу халқимиз, қолаверса, дунё тарихининг ажралмас қисмидир. Тўртинчидан, ўзбек давлатчилигининг Соҳибқирон давридаги тамойил ва қонун-қоидалари акс эттирилганки, бу бизнинг давлатчилигимиз эришган ютуқларга шак-шубҳа ва бепи-сандлик билан қаровчи айрим хорижий олимларнинг фикр ва муносабатларига муносиб жавоб бўла олади.

Аслида романдаги деярли барча воқеалар йўлда, Темурбек ўрдусининг турли юришлари чоғида баён қилинади. Бу биринчидан романдаги воқеаларнинг ўқувчи томонидан қизиқиш билан ўқилишини таъминлайди. Чунки турли миллат ва халқлар, салтанат ва давлатларнинг табиати, турмуш тарзи ўзига хосдир. Иккинчидан, сафар кишининг кимлигини ҳам кўрсатади. Учунчидан, бу қадар улкан салтанатни барпо этиш машаққати ўқувчига ишонарли етказилади.

Ўзувчи романдаги воқеаларни тасвирлар экан, аввало, Амир Темур ва унинг самимий, бағрикенг, адолатли, халқпарвар, иродали, душманга нисбатан қаҳрли, дўстлар олдида очиққўнгил, хушёр, донишманд, узоқни кўра биладиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам босиқ, шунинг билан бирга ўзи ва фарзандлари ҳамда юрти келажаги учун ҳамма воқеаларни ҳадик ила кузатувчи шахс эканлигига урғу беради. Масалан, Мозандоронга қилинган уч йиллик юриш давомида амир Оллоҳдод ўлжага чиққанлиги ҳақида эшитгач, ақлли иш қилади. Чунки мазкур воқеани шундай қолдириш сиёсий нуқтаи назардан мумкин эмасди. Оллоҳдодни жазолаш ҳам мушкул иш эди. Унинг салтанат олдидаги хизматлари, ортидаги аскарлари, қариндош-уруғлари ҳам

инобатга олинади ва уни салтанатнинг Чин ва Мўғулистон худудларини мустахкамлаш учун қалъа қуришга юборади. Бу бир томондан рағбат, иккинчи томондан жазо эди.

Тўхтамиш, Чингизхон характерларидаги ёвузлик генезисини тадқиқ этиб, ёзувчи жуда табиий йўл тутлади. Қуш уйида кўрганини қилади қабилида ота-онаси вафот этиб кетган Темучин Есугай амакисининг қўлида қолиб ундан олган ўғитларини келтиради.

Дарҳақиқат, тахт, бойлик учун ўзининг тўнғич фарзанди Жўчини ўлдиртирган, ўлган душмани Султон Хоразмшоҳ суякларини ҳам ҳақоратлаган ёвуз одам бирданига шу қадар шафқатсиз бўлиб қолмайди. Ёзувчи ана шу муаммога ечим топишга уринади ва Тимучиннинг ёшлик пайтида меркутлардан қочиб чекка ўтовда ташқарига чиқмасдан яшаб амакиси Есугай тилидан даҳшатли фикрларни эшитади. Уларда мўғулларга нисбатан ривожланган Чин ва турк қавмларининг тараққиётини кўролмаган одамнинг ҳасадлари, армон ва истаклари шундай баён қилинганки, беихтиёр ўқувчида ёвузлик Тимучинга амакисидан ўтган деган фикр туғилади. “Ҳокимиятни қўлга олмоқ, мулку давлат соҳиби бўлмоқнинг асосий шарти шуки, бу йўлда рақиблардан олдин ҳаракат этиб, мақсадга эришгунга қадар” шафқатсизларча иш тутмоқ керак. Мақсадга эришмасдан қилинган раҳми шафқат душманга имкон бермоқдур. Бағрикенглик, сахийлик ва марҳаматни тахту давлатни батамом қўлга киритгач, худуддош катта-кичик элу элатларни ўзингга эш этмоқ учун қилсанг бўлади”¹. Есугайнинг мазкур сўзлари ёш Тимучинга жуда қаттиқ таъсир қилади. Бунга исбот сифатида унинг жавобини келтириш мумкин: “– Одам деган жонзодни яхши гап билан бошқариб бўлмайди. Қиличингдан қон томиб турсагина улар бир сўзингни икки қилмайдилар, – нуённинг гапига

¹Қобул, Нурали. Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон. –Т.: «Камалак». 2014. 245-бет.

эътироз билдирган бўлди ёш кўмондон”. Тимучиннинг гапи унинг қаттиққўл, шафқатсиз, ёвуз бўлишига ишора, холос. Романда Чингизхоннинг зиммасига юкланган бадий-эстетик ва бадий-ғоявий вазифалардан бири, шафқатсизлик, ёвузлик, оммавий қатоғон билан халқларга бош бўлиш мумкин, бироқ уларнинг қалбидан жой ололмайсан деган ғояни очиб беришдир. Дарҳақиқат, мўғуллар ўзлари эгаллаб олган мамлакат, элат маданияти, турмуш тарзи, дини, миллий қадрияти, шахс эрки, адолат мезонларига қарши курашди. Натижада эса “Ана қара бўжи келди, Чингиз билан Жўчи келди” дея мақол тўқилди. Даҳшатлиси, бу мақол замирида руҳи уйғоқ туғилган болани кўрқитиш сиёсати ҳам борлигидир.

Амир Темур ва Тўхтамишхон образларининг бадий-қиёсий таҳлили берилар экан, ёзувчи Темурнинг мўғул ва турк элининг генезисининг бир эканлигини теран англайди ҳамда уларни ажратмайди. Балки уларнинг қимрон тайёрлаш борасидаги маҳоратига тан бериб, саҳроий қавмимиз қимрон тайёрлашни боплайдилар, дея эътироф этади. Бошқа ўринларда эса Чингизхон ва Темур аждоғларининг ёнма-ён, яқин дўст бўлиб яшаганлари-келтирилади. Бу билан ёзувчи яқинларгача, бизларга уқдирилган фикрлар нотўғри эканлигини исботламоқчи бўлади. Бу фикрда қайсидир маънода жон бор.

Амир Темур характеридаги нозик дипломатик муносабат романнинг учинчи бобида кўшин кўригидан сўнг Сарой Ботудан келган меҳмонларни қошига чорлаш саҳнасида янада очиқ кўринади. Амир Темур Тўхтамишхонни улуг биродаримиз ва унинг урушиш нияти йўқ эканлиги ҳақидаги фикрини айтганда, биринчи бўлиб сўз олган Қутлуғ Темур Ўғлон саройлик ўғлон ва бекларнинг хатолари, ўзларини бошқалардан устун қўйиши эканлигини айтган пайтда Идикунинг аҳволини англаган Амир Темур амир Идикуга юзланади. Унинг ёши ва тажрибасини ҳурмат қилиб дастлабки

сўзни унга бермаган Қутлуғ Темур Ўғлондан биров ранжийди. Идикубекнинг кўнглини олиш учун мулойим табассум билан унга юзланиб, бош йўлбошловчи сифатида ундан савол сўрайди. Жавоб эса Амир Темурга маъқул келади. Унинг Ўрдада энг ақли, пишиқ ва тажрибали одам эканлигини англайди. Аслида Идикубекнинг Темур саройида юриши ва Амир Темурнинг у билан кўп бор суҳбатлашиши аслида буюк амирнинг донишманд кишиларга ҳурмати билан бўлганидан дарак беради. Идику Манғит асарда Амир Темур сиёсатини олдиндан билган шахс сифатида доимий равишда атрофидагиларга таъсир кўрсатиб келган.

Шу ерда ёзувчи лирик чекиниш қилиб, Идикунинг Ўрданинг аввалги хони Ўрисхон билан суҳбатини келтиради. Идикубек шу ўринда Ўрисхонга насиҳат қилишга уринади. Бу эса мазкур образнинг характерли жиҳатидир. Чунки Ўрисхондек хонга агар сиз ўз вақтида Темур билан дўстона алоқа ўрнатганингизда эди, ҳозир Тўхтамишхоннинг Самарқанд тупроғини ялаб, тахтга кўз олайтиришига йўл қўймаган бўлардингиз, дея дашном бериши учун катта жасорат ва теран ақл, узоқни кўра биладиган моҳир сиёсатчи бўлиш керак. Бу фазилятлар эса Идикубекда жамдир.

Юқорида айтилганидек, роман 24 бобдан иборат бўлиб, ҳар бири ўз олдига қўйилган бадиий ниятдан келиб чиқиб, тегишли эпиграфга эга. Уларда илгари сурилган ғоя ва мазмун боб давомида секин-аста очиб борилади. Масалан, саккизинчи бобга Искандар Мақдунийнинг «Кўлингиздаги қопни ҳам ерга сиёсат билан қўйингки, ичидагиси синмасин» деган фикри эпиграф қилиб келтирилган. Бобда ҳам шунга мос равишда Идику Манғитни яқиндан билиш, дунёқараши, билими, фикрлаш тарзини ўрганиш мақсадида шатранж ўйинига таклиф қилиш ва шу орқали суҳбатлар қуриб, ундан маълумотлар олишга бағишланган. Ҳатто Тоҳир тарихчи образи орқали Хоразмшоҳлар тарихига оид воқеалар

баёни берилиб, унда Султон Хоразмшоҳнинг улуғлиги ва камчиликлари очиб берилади. Асарда ифодаланишича, Амир Темур Идику Манғитнинг онгига туркий мафкурани сингдириб, шу орқали уни Тўхтамишхон ўрнига хон этиб тайинлашга тайёрлайди. Давлат бошқарувининг ўзига хос усулларини ўрганишда шахмат деталидан фойдаланилган. Эпиграфда Искандар Мақдунли ҳатто қопни ҳам ерга эҳтиёткорлик билан қўйишни тарғиб қилар экан, Амир Темур бутун бошли мамлакатга раҳбар этиб тайинлайдиган кишисига қандай муомала қилганлигининг бадиий тасвири берилади. Бобларнинг аксариятини шеъринг парчалар билан якунлашида ҳам муаллифнинг аниқ мақсади ётади. Эпиграф мазмуни билан персонажлар қалбида туғилган эпик кечинма воқеалар ривожига жараёнида янги фикрлар билан бойитилиб бериладики, улар бобга ўзига хос бадиий хулоса хусусиятини бағишлаган. Асардаги воқеалар географияси ҳам жуда катта бўлиб, улар замирига замонавий дунёдаги мамлакатларнинг тарихида Амир Темурнинг ўрни ҳақидаги мулоҳазалар бадиий тарзда сингдириб юборилган. Хусусан, Россия ва Эрон тараққиётига оид воқеалар шулар жумласидандир.

Романнинг биринчи боби аввалида Оломан Тумат бошчилигидаги Тўхтамишхон элчиларининг кутиб олиниши ва уларга бўлган илиқ муносабат билан бошланиб, кейинида асли келиб чиқиши Ўрда улусига мансуб Идику Манғит, Темур Қутлуғ ва Кунча ўғлонларнинг учрашуви билан давом эттирилади. Ёзувчи шу ерда Идику Манғитга таъриф берар экан, унинг абжир, айёр ва кузатувчанлигини очиб бериш учун халқ мақоли ва маталдан унумли фойдаланади: «Сухбат қизимаса-да, бурганинг кетини кўрган, ҳар қандай юксакликдан улоқтирсанг-да, мушук каби оёғи билан тушадиган Идику Манғитнинг оғзига қараб ўтиришга тўғри келди». Бу ерда бироз нозстетик туюлган матал ва Идикунинг

мушукка қиёсланиши мазкур образнинг тасвирини жонли ва эсда қоларли чиқишини таъминлаган.

Гарчи романда Амир Темур бош қаҳрамон сифатида иштирок этса-да, у асарнинг бошида берилмайди. Ёзувчи Амир Темур салтанатига келган элчи ва уларга кўрсатилган эҳтиром, Ўрда тахтига уч марта хон этиб ўтқазиб қўйилган Тўхтамишхонга нисбатан кечиримлилик, бағрикенглик, одамларнинг Амир Темур кўшини келаётганидан хурсанд бўлиб, уларга озиқ-овқат ва турли буюмлар олиб келиб сотиши билан боғлиқ тасвирларда Амир Темур ва у юри-таётган сиёсатнинг ижобий жиҳатлари бериладики, бу орқали ёзувчи ўқувчи қалбида Амир Темур шахсига ҳурмат ва қизиқиш, унинг замондошларига ҳавас уйғотади. Асли-да ҳам романнинг эпик кўламдорлиги ундаги воқеаларни биринчи планга чиқаради ва мазкур воқеалар орасида бутун бошли халқ ёки улуснинг кишилари ҳаракат қилади. Улардан Амир Темурни сўзсиз бош қаҳрамон дейиш мумкин. Бироқ Боботурк, Тўхтамишхон, Султон Алоуддин Хоразмшоҳ, Умаршайх мирзолар ҳам бош қаҳрамонлардир. Мазкур романда образларни бадий асардаги иштирокидан келиб чиқиб таснифланса, у қадар тўғри бўлмайди. Бу ерда балки образларнинг замон, тарихий давр руҳиятини очишдаги бадий-эстетик функцияси ва зиммасидаги бадий муаммо, ғоялар тизимидан келиб чиқиб таснифланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Амир Темур образи Тўхтамиш ва Чингиз образлари ёки Шоҳ Қаландар образисиз етук бўлмайди.

Айниқса, романда Амир Темур илк марта қурултой чақирган саҳнада пайдо бўлади. Бу ерда у гапирмайди. Балки қўл остидагиларнинг фикрини тинглайди. Эртасига яна сафарни давом эттирадилар. Шу ўринда айтиш керакки, Амир Темур уч ҳафта давомида саҳрода юриши кўшинга осон кечмайди. Амр бўладики, аҳолидан, от сотиб олишда

албатта ҳақини тўласин. “Ҳақи берилмасдан бирорта эшак ҳам олинмасун”. Бу ҳам улуғ Амирнинг адолатли сиёсатининг бир кўриниши. Мазкур йўриқ аввалги фазилатларга қўшилиб, Амир-Темур-портретига ўзига хос чизги бўлади, лекин у чизги эди, холос. Образнинг жонли ва шунинг билан бирга драматизмга бойлиги кейинги лавҳаларда монологик нутқ орқали очиб берилади: “У эсини таниб, одамлар орасига кирибдики, катта бахт ёхуд катта бахтсизликка дучор бўлиб келади. Яратганнинг ёрлақгани шул бўлдиким, омад ундан юз ўгирмади. Коинот Эгаси уни меҳр-шафқатидан дариг тутмади. Унга қасд қилганлар паст, дўсту хайрихоҳларнинг толейи баланд бўлди”. Мазкур парча Амир Темур ҳаётини таҳлил қиляпти. Гоҳо юз берган кўнгилсизликлар, гоҳо эса қўлга киритилган ютуқлар олдига катта эпитетининг қўйилиб берилиши эса образнинг моҳиятидаги катта бадий-эстетик функцияга ишорадир. Чунки ҳар бир хатти-ҳаракати натижасида мамлакат тақдирида у ёки бу ўзгаришлар юз беришини англаш, халқ, эл-улус учун маъсулиятни бўйнига олишди ҳам руҳий қувват, қалб, имон ва жисмоний бирлик лозим бўлади. Бу эса ўз-ўзича содир бўлмайди.

Ёзувчи муаммолар тизими сифатида ифодалаган адолатли жамият қуриш, мамлакатни тараққий эттириш, душманга ҳам бағрикенглик кўрсатиш орқали уларни ўз измига бўйсундириш кабилар Бобо Турк ва Идику суҳбатида яққол кўзга ташланади. Шу ерда яна айтиш керакки, Бобо Турк асли тўқима образ бўлиб, унга Бобо Турк исмининг берилиши ва унинг бутун асар давомида қизил чизиқ каби кўзга ташланиб туриши ҳам адабимизнинг топилмасидир. Муаллиф Идикунинг ички мулоҳазаларини монологик тарзда берар экан, унинг психологияси, мақсад ва ниятини бадий тилнинг таъсирчанлиги асосида очиб беради. Ўз навбатида эса уни кузатиб, ўрганиб ва аниқ мақсадини англаш топ-

ширилган Бобо Туркнинг нозик дипломатик мулоқот эгаси эканлиги ва Буюк хоқонга садоқатли, ватанпарвар, миллатпарвар шахс эканлигини кўрсатиш ҳамда Турон салтанатида иродали мулозимлар хизмат қилишини ҳам тасвирлайди. Бу хусусиятлар, айниқса, бу икки қаҳрамоннинг ўзаро суҳбатида яққол очиб берилади. Чунки персонажлар тилидаги аниқ фалсафий ва эстетик категориялар уларнинг ўзаро суҳбати мавзусида намоён бўлади. Шундай экан, муаллиф асар тилида монологик, диалогик нутқ орқали персонажлар руҳиятида рўй бераётган эпик кечинманинг ўз-ўзи билан курашиш, иккиланиш, аниқ мақсад сари интилишда суҳбатдош психологиясини ўрганиш каби босқичларини тасвирлайди. Бу бир қарашда у қадар муҳим эмасдек туюлади. Бироқ асар олдига қўйилган юксак бадиий эстетик ғоялар, аниқ бадиий ният ёзувчидан шундай йўл тутишни талаб қилади. Зеро, тарихий воқеликни шунчаки бадиий қайта ишлаш орқали етук бадиий асар яратиб бўлмайди. Бунинг устига Амир Темурдек буюк шахс образининг реал тасвирини яратиш ишни янада мушкуллаштиради. Чунки Амир Темур ҳақида яратилган асарларда уни қаттиқ қоралаш ёки ўта баландпарвоз жумлалардан фойдаланиш тасвир объективлигини таъминламайди. Образ бир ёқлама чиқиб қолади. Адиб Шўро даври мафкурасида қўлланилган тарихий ёки замонавий мавзуларда ёзилган асарлардагидек шоҳларни халққа, бой ва тadbиркорларни оммага қарама-қарши қўймайди. Аксинча, уларни бир миллат фарзандлари, давлат фуқаролари сифатида фаровон келажак учун бир сафда бирлашганлигини ва мақсад йўлида курашганлигини тасвирлайди.

Шу маънода муаллиф энг мақбул йўлдан боради ва Амир Темур образини тасвирлашда, унинг улуғворлиги, қаҳрамонлиги, руҳияти драматизмга бойлиги, самимий, меҳрибон, ғамхўр ва адолатли шахс, узоқни кўра биладиган

кучли сиёсатчи эканлигини очишда монологик нутқ ва сўзсиз ҳаракатлар, ҳолатлардан фойдаланган. Айнан Темур ички монологлари ёрдамида унинг қалбидаги юрт қайғуси, ўзидан сўнг салтанат, халқ ва фарзандларининг тақдири, касаллик пайтида амалдорларнинг ўзини қандай тутгани ҳақидаги шахсий фикрларини ёритадики, улар орқали улуғ Хоқоннинг оддий инсонлар каби ҳадик ва хавотирга тушиши ўқувчини ташвишга солади. Унда завқ ва ҳамдардлик ҳис-туйғуларини уйғотади. Айниқса, бахши шоир Баҳодир Исобек билан очиқ ва самимий суҳбати фикримизга мисол бўлади. Мазкур суҳбат орқали олам ва одам муносабатлари, юрт ва миллат тақдири, амалдорларнинг маънавий олами, шоҳ ва шоирнинг жамиятдаги ўрни жуда таъсирли, самимий баён қилинади. Амир Темурдек улуғ шахс ўзининг ички сирларини Исобекка очади, унинг шеърлари орқали ўзига таскин излайди.

Аслида бу шоирнинг ҳаётдаги прототипи мавжуд бўлиб, у Баҳодир Исо номи билан машҳурдир. Ижодий фантазия кучининг таъсирида жиддий қайта ишланиб Амир Темурга замондош шахс сифатида асардан жой олган.

Юқорида таъкидланганидек, асар тилида диалогик ва монологик нутқдан кўп фойдаланилган. Чунки асар тилининг туб моҳияти фақат диалогдагина очилишини муаллиф теран англайди. Романдаги амир Муҳаммад Тарағай ва Темур, Атабек ва Темур, Баёнқулихон ва Темур, Темур ва Сайфиддин каби қатор диалогларни кузатар эканмиз асар тилининг содда ва теран мазмун ифодаланганига гувоҳ бўламиз.

Аслида асарнинг асосий вазифаси тил орқали юзага чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин унинг муаллиф нутқи, персонаж нутқи, ички нутқ каби усул ва турларидан ҳамда шаклларида фаол фойдаланиш тил имкониятилари чексиз эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, муаллиф романда-турли лирик чекиниш ва руҳий параллелизм усуллари орқали образлар таърифи, пейзаж тасвирига ҳам қўшимча маъно юклайди. Буни қуйидаги парчада кузатиш мумкин: «Кўз илғамас водийлар, чексиз кенгликларда ҳар қандай кишининг қанот қоқиб учгиси келар, бу соф ҳаволи қир-адирлар, ўтлоқлару даралар, турку тожик, мўғул-татар, арабу ажам қавмларининг жону дили, ҳаёт манбаи эди». Бу ерда бир қарашда пейзаж берилган. Лекин аввалги хатбоши сўнгидаги гап Амир Темур қўшинининг дам олишга тўхтаган жойи ҳақида бораётганлигини инобатга олсак, ўқувчида, албатта, Амир Темур салтанатининг кенглиги, асардаги миллатларнинг номи бекорга киритилмаганлиги аён бўлади.

Шу ўринда романда келтирилган қатор шеърий асарлар, Ўткун бахши, Шоҳ Қаландар, Баҳодир Исобек, Оққалпоқ каби шоирларнинг образи сюжет тармоғидаги асосий воқеаларга, жамият маънавий ҳаётини тасвирлашга шу қадар ўринли жойланганки, уларда у ёки бу персонажнинг айтолмаган фикр-мулоҳазалари, дардлари шоирона кўрсатиб ўтилган. Масалан, қуйидаги тўртлик Амир Темурнинг турли муаммолар қуршовида, ўзини қийнаган ҳаётини саволлар оғушида қолганда, унга далда сифатида келтирилиши билан эътиборга моликдир:

Ҳаёт япроқдаги шабнамдек титрар,
Умид – сён абадий кўл етмас рўё.
Умр карвонлари ўтар бесамар,
Асли айрилиқдан яралган дунё.

Асарда кўплаб шеърий парчалар, халқ кўшиқларидан намуналар келтириладики, уларнинг аксарияти муаллиф қаламига мансуб бўлиб, персонажларнинг ички дунёсини очишга хизмат қилади. Масалан, “Буюк турон амири ёхуд

ақл ва қилич” романида ёш Темурнинг шеъри берилади. Учинчи роман, 12 боб сўнгида бахши шоир Махдум Туркмонийнинг қуйидаги хониши Улуғ Амирнинг руҳиятига ҳамоҳанг эканлиги таъкидланади:

Отга минса, шарафсиз ҳам шер бўлар,
Бирлик-кётса, ёғий зоти қур бўлар,
Замон дўнса, аҳли комил ер бўлар,
Эркака муносиб элатким, ҳур бўлар.

Жами беш банддан иборат мазкур шеърий асар боб охирида ҳозирги Сурия ва Ироқ ҳудудидаги туркман қавмидан келган элчиларни қабул қилиш маросимидан сўнги руҳий ҳолати баён қилинган. Мазкур маросимда Мардин ҳокими Султон Исонинг тўққиз-тўққиз тортиқ келтирилишида фольклоризм ва Амир Темурнинг уларга қарата айтган сўзида эса саж ҳамда эпик кечинма бўртиб турибди:

– “Ҳаракатинг Тикрит қалъасининг амири Ҳусайннинг субутсизлигини эслатмоқда, Исо! Мен сўз ва ваъда одамиман! Сўз бердимми, бажараман! Бошқалардан ҳам шуни талаб қиламан! Сўзи билан иши бир бўлмаган беқарор кимсаларнинг уруғини ўйнатаман! Бу сўзлардан хулоса чиқариб ўзингга кел! Ақли ҳушингни тўпла! Эртага қалъанинг харобалари устида кўз ёшинг эмас, қонинг оқажак бўлса, ўз гуноҳинг ўзингда, қора илон бўйнингдадур! Сўзимни мана ўнларча гувоҳлар эшитиб турибди ўзинг ва халқинг бошидаги эмну омонликни учирма! Сенга бошқа айтар сўзим йўқдур! Оллоҳ йўлингни берсин!”¹

Матндаги деярли ҳар бир гап катта ҳиссий босим билан айтилганидан ҳар бири охирида ундов бор. Шунингдек, уларда насрдаги қофия элементлари ҳам учрайди. Ана шу фалсафий кечинма таъсирида Амирнинг юқоридаги каби

¹Юқоридаги манба. 323-бет.

қўшиққа эҳтиёж сезиши гўё улуғ Амир Темур қайғусининг қўшиққа айланиб халқ орасида юрган ғояларга эшлигини англатади.

Аслида романда турли халқ қўшиқлари, халқ урф-одатлари, элчилик билан боғлиқ удумлар, йилқичиликка оид қатор маълумотлар ҳам бор. Биринчидан, улар асардаги умумий воқеалар оқидамида Амир Темурни халқ билан ҳам моддиятан, ҳам маънан бирга эканлигини таъминласа, иккинчидан, персонажларнинг ички оламини очиб беришга ҳам хизмат қилади.

Тарихий шахс образидан бадиий образни вужудга келтиришда муаллиф тафаккур кучи ва ўз бадиий-эстетик идеалига мос ҳолда Темур образини ижодий қайта ишлаб, унинг турмуш тарзи, турли фазилатлари, принцип ва қарашларини конкрет ҳис этган. Бунда бадиий образнинг замон ва маконга мансублигидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида уни индивидуаллаштирган ва умумийлигини сақлаб қолган. Фикримиз исботи сифатида Темурнинг ўз амалдорлари ва фарзандларига бўлган меҳри ва ҳадигини келтириш мумкин. У ҳам ота, ҳам давлат раҳбари сифатида Мироншоҳни сизлайди, унинг пешонасидан ўпиб, елкасига қоқиб қўяди. Қўл остидаги амалдор, фуқаролар фикри ва тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Натижада, роман замиридаги рационаллик ва образдаги эпик кечинма Темурнинг бадиий-эстетик жиҳатдан улуғворлигини таъминлаган.

Роман психологияси деганда қуйидагиларни тушуниш мумкин: "1) ёзувчи шахси психологиясининг бетакрор индивидуал эканлиги; 2) ижодий жараёни ўрганиши; 3) сўз санъати яратилишидаги психологик қонуниятлар ва типологияси; 4) асарнинг ўқувчи психологиясига таъсири"¹. Ёзувчи

¹Уэллек Рене и Уоррен Остин. Теория литературы. –М.: «И Прогресс». 1978 -ст.

қаламга олган мавзу, ҳаётий материал, уни тўлқинлантирган муаммо ва улар ифодаси учун қўлланилган ифода услуби ёзувчи шахсининг бетақрор психологиясини кўрсатади. Биз буни романдаги турли пейзаж, портрет, монологик ва диалогик нутқлар орқали исботлашимиз мумкин. Хусусан, Идикубек монолог ва диалогларида илгари сурилган қарашлар нисбатан холис, лекин аччиқ ҳақиқатдир. Бироқ Хоразмшоҳнинг умри сўнгидаги ҳолатлари катта руҳий куч, теран таҳлилни талаб қиладики, буни ёзувчи шахс сифатида ўз қалбидан, руҳиятидан ўтказган. Бўлмаса, улар бу қадар таъсирли ва ёрқин чиқмас эди. Ёхуд Нажмиддин Кубро тилидан берилган қўйидаги монологни олиб кўрайлик:

“Бекла! Дўзах ўтида қоврилмоқни, бекла! Сенинг гуноҳу жиноятларинг Оллоҳ-да, аҳли мўмин-да кечирмагай! Сенинг ўз қавминга хиёнатинг Кучликхон Қорахитойнинг мусулмонларни зўрлаб ислом динидан қайтарганда, азон айтганларни минорадан улоқтирганда, асил мусулмонлар бошини кундага қўйганда томошабин бўлиб турганингда бошланган эди”.

— Бу ерда персонаж қалбидаги кўрқув ва унинг типологик ўхшаш ҳолати берилган. Ёзувчи уни шу қадар ижодий қайта ўзлаштириб тайёрлаганки, ўқувчи қалбидан чуқур жой олиши табиий ҳолдир.

Шунингек, Амир Темурнинг кучли геосиёсатчи сифатида халқ осойишталиги, мамлакат ривожини, юрт фаровонлиги учун Ўрда тахтига Тўхтамишхонни чиқаргани, бу йўл билан ташқи душманлар ҳужум қилса, дастлаб Ўрда қўшинига дуч келиши ҳақидаги фикрлар замонавий сиёсат учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки қўшни мамлакат тинч бўлса, халқни тўқ яшаса, Темур салтанати ҳам тинч бўлишини у теран англайди. Шунинг учун ҳам Тўхтамишхон, кейинчалик унинг ўрнига Идикубекка Олтин Ўрда тахтини топширади. Ёки қаттиққўл раҳбар, узоқни кўра биладиган саркарда сифатида кунига бир мартадан овқатланиш, кечувни

алмаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг бадиий тадқиқ этилиши каби воқеалар тизими орқали муаллиф ўзи англаган ҳақиқатни бадиий хулоса шаклида ифодалайди.

«Айни пайтда, асардаги образларда адибнинг ҳиссий муносабати ҳам ўз аксини топган. Ҳиссий муносабат бадиий концепцияни шакллантиришда, асар мазмунининг ўқувчига етказилишида муҳим аҳамият касб этади». Масалан, Султон Жалолиддин образи билан боғлиқ қатор воқеалар, хусусан, отасининг куруқ нонга зор бўлиб, оролда ўлим топиши билан боғлиқ ўринда, Султоннинг образи орқали инсон қисматидаги ҳиссий ачиниш, халқ ва қўшин олдида ўзини базўр тутиб нутқ сўзлаши мазкур образнинг ҳиссий ўзига хослиги, ундаги ғурур ва ор-номусдан таъсирланишга ўргатади. Бу эса ўқувчида қўрқоқлик ҳиссига нисбатан нафратни уйғотади. Чунки асар гарчи тарихий бўлсада, ҳар қандай асар мавзусидан қатъи назар замонасига тегишлидир деган гап бор. Бу билан ёзувчи ўқувчи қалбида Ватан тарихига ҳурмат ва ундан сабоқ олишга ундайди.

Романдаги образлардаги поэтик функциялардан бири улардаги мазмуний қатламдир. Бир қарашда роман Амир Темур, Тўхтамиш, Хоразмшоҳлар, Чингизийлар тарихига оиддек туюлади. Тўғри, аслида ҳам шундай. Бу мазкур образларнинг биринчи мазмуний қатлаמידир. Иккинчиси эса улар орқали замонавий адабиётимизда замонавий қаҳрамонларни шакллантириш. Руҳан кучли, ақлан теран, узоқни кўра биладиган шахслар ва адабий қаҳрамонларни яратишга ундаш ҳам мазкур образлар зиммасидадир.

Умаршайх мирзонинг ўлимдан олдинги бир кунининг батафсил ёритилиши, Алоуддин Хоразмшоҳнинг ўлимидан олдинги аянчли аҳволининг тасвири, Тўхтамишнинг енгилишидан олдинги кайфияти каби сахналар ўқувчига ўта кучли таъсир этади. Шунинг билан бирга, романдаги драматик тарангликни кучайтиради. Айниқса, Умаршайхнинг ўз аскарлари билан гулхан атрофида чой ичиб дилдан

сухбатлашиши, ўн бошига от совға қилиши Амир Темур образидан бутунлай фарқли равишда тасвирланадики, ҳатто унинг ўлими ҳам буюк Соҳибқиронга у қадар таъсир этмагандек туюлади. Чунки Умаршайх мирзонинг самимий ва оддий инсонлардек муносабати тасвиридан кейин ҳукмдорнинг ўз ўғлига нисбатан ҳам шу қадар муносабатининг эмоционал мувозанати мавжуд бўлиши лозим.

Образлар тизимида от образига ҳам алоҳида диққат қилинган. Хусусан, романда Ханг Ўғлоқ, Саманқашқа, Кўкбулут, Қорабулут, Буврил, Ойбет, Ойқор каби номлар билан аталган отлар тасвири бор. Айниқса, Хоразмшоҳнинг отга дардини айтиши билан боғлиқ тасвирни туркий халқларда от культ даражасига чиққанлиги билан изоҳлаш мумкин.

Асар тилига назар ташласак, унда ёзувчи имкон даражасида соф туркий сўзларни қўллайдик, бу аввало, ўқувчи қалбида туркий тилга муҳаббатни кучайтиради, қолаверса, асар ғоявий мазмунидаги ватанпарварликнинг ёрқин ифодаси ҳамдир. Бундан ташқари, романдаги персонажлар тилидан келтирилган турли мақол, матал, ибора ва ҳикматли сўзлар ўша шахсларнинг юксак тафаккуридан дарак беради. Улар характерига ўзига хос чизги бўлиб тушади. Асарда персонажлар руҳияти, шаклу шамойили сўз ва бадиий бўёқлар ёрдамида тугал, ҳаракатланувчи портретлар даражасига кўтарилган.

Образлар тизимида Нортўқли Тўқолий (Кашкулий, Совлиғий), Беелка Бакирий, Эркинқул Якравий, Дўсали Ҳақкорийларнинг типик образини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг бутун ҳаёти осон пул, бойлик топиш, подшо ва хонлар саройида турли қиёфага кириб сохта обрўга эга бўлиш эди. Уларнинг ўзига хос, яъни индивидуаллиги шундаки, ҳар қандай пасткашлиқдан ҳам қайтмайдиган бу кимсалар Тўхтамишхонни ҳам бу йўлдан қайтармади, балки доимо унга рағбат бериб туради. Натижада улар яшаган

жамият ҳалокатга юз тутади. Бу жуда ибратли ҳолатдир.

Рус олими В.Е.Хализев роман жанрининг моҳияти ҳақида сўз юритаётиб, “романларда қаҳрамонларнинг атрофдагилардан бегоналашуви, реалликка сиғмаслиги, уйсизлик, маънавий дарбардарлик ва руҳий безовталиқ тасвирланади”¹, деган фикрни келтиради. Дарҳақиқат, “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамиш” романида персонажларнинг бегоналашуви, ўз замонасига сиғмаслиги, руҳий безовталиқ яққол кўзга ташланади. Айниқса, Амир Темур ва Тўхтамишхон образларида руҳий безовталиқ, ўз иши ва замонасидан қониқмаслик кучли сезилади. Султон Ферузшоҳ мақбараси олдида Амир Темурнинг саропардага ҳеч кимни қўймай, яққа ўзи қолиши каби ҳолатлар унинг руҳиятидаги жамият ва атроф-муҳит муаммоларидан чарчаш ва бегоналашишни англатади. Бу ҳолат ундаги қатор руҳий азоб ва кескин эпик кечинмалар орқали тўпланиб қолган чарчоқ, умидсизлик, ташвишларнинг йиғиндиси сифатида вақтинчалик жараён дидир. Ёки Амир Темур номи билан оламга машҳур бўлган зотнинг Шоҳ Қаландар исмли дарвеш билан жуда яқин суҳбати ҳам унинг ўз вазифаси бўлмиш амирликка сиғмаслиги, балки оддийликка интилишини англатади.

Инглиз олими Терри Иглтоннинг фикрича, “роман ўзи назарда тутган нарсани тўғридан-тўғри айтмайди ёки ўзи сўзлаётган нарсани назарда тутган бўлмайди. Буни қисман психоаналитик тушунчалар билан тушунтириш мумкин”². Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, романдан назарда тутилган дастлабки мақсад, озод ва мустақил давлат қуриш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбияловчи очиқ

¹Хализев В.Е. Теория литературы. –М.: «Высшая школа» 2003. www.gumer.ru.

²Иглтон Т.Теория литературы: Введение. – М.: «Территория будущего». 2010, -стр. 212-213.

жамият тузиш ва уни сақлаб қолиш мақсадида халқ онгига унинг улуг тарихини сингдириш бўлган. Бу мақсад учун ёзувчи Амир Темур сиймосида бутун дунёни забт этган буюк аждодларимизни яратган. Унинг Россия, Эрон, Ироқ, Ҳиндистонга юришлар қилиши орқали ўша пайтларда тараққиётда бошқа халқлар туронликларга нисбатан орқароқда эканлигини кўрсатади. Иккинчидан, Кичик Осиёдан Ҳиндистонгача бўлган, бу ёғи Ҳинд океанидан Урал тоғларигача бўлган улкан ҳудудда шаклланган Турон маданиятини кўрсатган.

Мутолаадан кейинги фикрларни умумлаштириб таъкидлаш керакки, истеъдодли ёзувчи Нурали Қобул Амир Темур ва унинг давлат бунёд этиш, уни сақлаб туриш, кишилар ўртасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқ, адолат, узоқни кўра билиш, дунё ўткинчилиги ва ҳар қандай давлат раҳбари ҳам одил бўлиши ҳақидаги каби қатор бадий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий концепциялари замонавий олам учун ўзининг долзарблигини сақлаб қолган. Асарда Турон тарихи бир неча авлодлар ҳаёти ҳамда Ўрта ер денгизидан тортиб Гоби саҳросигача бўлган улкан ҳудуддаги қавмлар тасвири орқали жуда ёрқин ва ишончли тасвирланадики, роман ҳақли равишда жаҳон адабиётининг етук намунаси дейишга арзирлидир. Чунки ундаги воқеалар, кўтарилган муаммолар нафақат Европа, Осиё қитъасига, балки бутун дунё учун даҳлдордир.

Роман яратишдаги катта меҳнат ва изланишларни инобатга олган ҳолда бир нарсани айтиш ҳам керакки, ёзувчи асар тилида кўп жойларда, деярли барча персонаж тили ва муаллиф нутқида “юзда эллик” ёки “юзда-юз”, “ўнда тўққиз”, “боши юмалоқ, бути айри”, “ит бит” каби ибораларни келтиради. Улар ўз вазифаси ва мазмунига жуда мос тўшади. Бироқ персонаж характериға хос индивидуалликка соя солади. Чунки аксарият персонажлар бу каби бир хил иборалардан фаол фойдаланиши мумкин эмас. Ёки асарда тасвирланган тарихий даврга хос “ўтмак”, “сўйлашмоқ”

каби сўзлар ўрнига турк адабий тилига хос “экмак”, “кўниш” каби тил бирликларининг кўплаб қўлланиши ҳам назаримда ижобий ҳол саналмайди. Тўғри, романда ўзбек адабий тили софлигига интилиш мақсадида имкон қадар араб, форс сўзларидан воз кечилгани жуда тўғри бўлган. Ёзувчи улар ўрнига мос равишда соф ўзбекча сўзларни қўллайдигани, бу асарнинг катта ютуқларидан биридир. Масалан, “эчкиламоқ” сўзини қатор ўринда турли маъноларда қўлланиши жуда ўринли чиққан.

Яна таъкидлаш керакки, муаллиф романнинг қатъий қоидаларга бўйсунмайдиган, тез ўзгарувчан, нисбатан беқарор жанр эканлигидан фойдаланиб, қатор ўзига хос янгиликлар ҳам яратганки, бу асарнинг тили, воқеалар мотивацияси, образларни ҳаракатга келтирувчи эпик кечинмалари ва асосий воқеалар триология охирида тўтамаганлиги, уларнинг мантикий давоми ўқувчи қалби ва руҳида давом этиши кабилар орқали таҳлил этилиши мумкин. Балки муаллиф романи тетралогия, пенталогияга айлантисин деган умид ҳам йўқ эмас. Бу қаторга эпопеяни атайин қўшмадим. Чунки эпопея бўлиши учун фақат воқеаларнинг ўзи ва Амир Темур шахси камлик қилади. Унда асосан халқ бош қаҳрамон бўлиши ва асар эпосга айланиши лозим.

Муаллиф асарда тасвирланган шахар, ўлка ва жойларнинг кўп қисмига шахсан ўзи борган. Уларни ўз кўзи билан кўрганлигини суҳбатларида таъкидлаган¹. Кўплаб тарихий манбаларни, фактларни синчковлик билан ўрганган. Уларнинг жонли тафсилоти, таҳлили, образларнинг маънавий фактларга психологик муносабати ёки содир бўлаётган воқеалар ичида яшаши натижасида туғилган ўй-фикрлари, мушоҳадаси, ҳиссиёти, иқтидори, фазилати, ахлоқи ва тубанлигини ёритиш орқали тарихнинг нурли йўлидан ўқувчини етаклайди. Улуғ халқнинг қудрати жўш урган пайтини ёрқин ва жонли тасвирларда ифода этадики, бу халқнинг буюк ўтмиши ва келажагига ишонч ортади.

¹2016 йил 20-23 февралдаги суҳбатдан.

Трилогия мутолааси жараёнида муаллифни гоҳ моҳир тарихчи, гоҳ адабиётшунос, гоҳ этнограф, гоҳ эса шоир, сиёсатчи, донишманд, зукко раҳбар, ислом дини билан боғлиқ ўринларда эса бу соҳадаги илмда ҳам етук эканлиги кўринади. Бу хусусиятлар эса асарнинг интеллектуал асарга мансублигини ҳам кўрсатади. Демак, трилогия бир вақтнинг ўзида бир қатор тармоқ ва соҳаларга тегишлилиги, ҳаётни кенг қамраб олгани ва унда улкан ақлий салоҳият мужассамлиги билан ажралиб туради.

Асар жанри роман деб белгиланган ва ундаги воқеалар шунга монанд тарзда шаклланган. Бироқ роман жанрининг яна бир талаби, муҳаббат мавзуси романга етишмаётгандек туюлади. Асарда Боботурк ва Салима Султон Бегим муҳаббати бор. Бироқ у асосий сюжет линияларидан бирини ташкил этмайди. Балки асар сўнгида берилади, холос. Тўғри, уларнинг муҳаббати трилогиянинг аввалги қисмида бошланган. Бироқ бошқа ўринларда бу ҳақда сўз юритилмайди.

Умуман олганда, ёзувчимиз Нурали Қобулнинг мазкур романи ўзбек адабиётшунослари олдига қатор поэтик муаммоларни ҳал этиш-вазифасини ҳам кўядики, улар албатта, олимларни, тадқиқотчиларимизни бефарқ қолдирмайди. Роман янги давр бадиий эстетик идеалининг ўзак-асосларидан бўлиб қолади.

**Қаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ,
ФарДУ катта илмий ходими**

МУНДАРИЖА

Биринчи боб	3
Иккинчи боб	13
Учинчи боб	28
Тўртинчи боб	49
Бешинчи боб	67
Олтинчи боб	80
Еттинчи боб	94
Саккизинчи боб	106
Тўққизинчи боб	115
Ўнинчи боб	132
Ўн биринчи боб	142
Ўн иккинчи боб	150
Ўн учинчи боб	168
Ўн тўртинчи боб	188
Ўн бешинчи боб	200
Ўн олтинчи боб	206
Ўн еттинчи боб	218
Ўн саккизинчи боб	227
Ўн тўққизинчи боб	232
Йигирманчи боб	247
Йигирма биринчи боб	260
Йигирма иккинчи боб	273
Йигирма учинчи боб	283
Йигирма тўртинчи боб	295
Йигирма бешинчи боб	310
Йигирма олтинчи боб	318
Йигирма еттинчи боб	329
Йигирма саккизинчи боб	337
Йигирма тўққизинчи боб	343
Ўттизинчи боб	352
Ўттиз биринчи боб.....	363

Адабии-бадий нашр

Нурали ҚОБУЛ

ҚАДАРНИНГ ҒАРИБ ЖИЛВАСИ

Тарихий роман

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов
Муҳаррир: О.Қанаев
Тех.муҳаррир: Г.Қурбанбаева
Бад. муҳаррир: Р.Ташматов
Саҳифаловчи: Н.Мирзаматова

Босишга берилди 12.04.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Arial” гарнитураси. Нашр босма табоғи 27,0
Адади 3000 Буюртма №8

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: AI №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмаҳонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.